

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТУЗИЛМАСИДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ХОРИЖИЙ МАНБАЛАРДА

Тошкент
«Akademnashr»
2021

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ўзб)
Ш 21

Ш 21

Шамсутдинов, Рустамбек

Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда [Матн] / Р.Шамсутдинов. – Тошкент: Akademnashr, 2021. – 360 б.

ISBN 978-9943-7575-1-6

УЎК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ўзб)

Илмий ва ғоявий маслаҳатчи:
Султонов Хайритдин Мадриддинович,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, спичрайтер

Координатор:
Юлдашев Акрамжон Султонмуродович,
АДУ ректори, профессор

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:
Р.Т.Шамсутдинов, т.ф.д., проф.

Нашрга тайёрловчилар:
Р.Т.Шамсутдинов, Ш.Т.Қаҳҳоров, Г.А.Боғданович, М.М.Саидхонов, Д.И.Хомидов

Ўзбекистон тарихи бўйича манбалар дунёнинг кўплаб мамлакатлари бўйлаб сочилиб кетган. Уларни ўрганиш ва тарих фанига киритиш бугунги долзарб масалалардан биридир. Ушбу китобда ана шундай манбалар ҳақида маълумот берилади, уларнинг айрим намуналари таҳлил қилинади. Талабалар, тарихчи мутахассислар ва юртимиз тарихига қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ 30 ЁШДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарорида 2021 йилда халқимиз неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, интилиб яшаган ва XX аср сўнгида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган том маънодаги буюк, оламшумул воқеа – Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги эълон қилинганига 30 йил тўлганлиги қайд этилди. Унда мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам иродаси ва матонатини намоён этгани, оғир синов ва машаққатларни мардонавор енгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтгани қайд этилди. Юртимиз аввалги иқтисодиёти бир томонлама шакланган, қолоқ республикадан барча соҳаларда жадал ривожланаётган масканга айланди, халқимизнинг турмуш даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, онгу тафаккури ривож топа бошлади. Мустақиллик неъматини ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳалари, соҳалари қатори олий таълим, илм-фанни ҳам қамраб олди.

Кейинги йилларда юртимизда «Янги Ўзбекистон»ни қуришга кўмак берувчи улкан ислохотлар, ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Эндиликда Ўзбекистон янги Уйғониш – учинчи Ренессанс даврига қадам қўймоқда. Шавкат Мирзиёев мамлакат биринчи раҳбари бўлганидан бошлаб жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш, либераллаштириш, Янги Ўзбекистонни қуриш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Жамиятимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тобора мустаҳкамланмоқда, таълим тизимини, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, илм-фан ривожини янги босқичга кўтаришга катта эътибор берилмоқда. Илм-фан ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг интеллектуал, илмий-маърифий салоҳиятини ошириш, илм-фаннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини мустаҳкамлаш, олим ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Шу ўринда совет давридаги ҳолатни кўз олдимизга келтирар эканмиз, ўша давр илм-фани, олий таълим тизимида «марказ» ва «чекка ўлка» деган ажратиш бўлгани ёдга тушади. Илму фан ва олий таълимга раҳбарлик қилиш, на-

зоратда тутиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби масалалар пойтахт Москвада ҳал қилинар эди. Истиқлол туфайли энди республикада фан ва олий таълим бир маромда, мустақил равишда ривожланиш йўлидан бормоқда. Эндиликда пойтахт Тошкент билан бир қаторда республика вилоятлари ҳам олий таълим ва фан маркази даражасига кўтарилмоқда. Республиканинг янги раҳбари Ш.М.Мирзиёев саъй-ҳаракати билан илм-фан, таълим тизимида чуқур ислохотлар ўтказилмоқда. 2021 йилнинг 16 июнида «Олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор» йиғилишида Президент Ш.М.Мирзиёев олий таълимдаги устувор йўналишларни бирма-бир кўрсатиб берди. **Биринчидан**, олий ўқув юртларидаги бошқарув кенгашлари роли янада ошириладиган ва кафедралар ваколатлари кенгайтириладиган бўлди. **Иккинчидан**, таълим жараёни бозор талабларига мослаштирилиб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш, талабанинг ўз устида ишлаши учун меҳнат шароитини яратиш зарурлиги кўрсатилди. **Учинчидан**, олий ўқув юртлари илмий салоҳиятини ошириш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш талаби илгари сурилди. **Тўртинчидан**, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани ривожлантириш орқали бюрократия ва коррупцияга барҳам беришдан иборат ниҳоятда долзарб вазифалар белгиланди. Ана шу устувор вазифаларни амалга ошириш жараёнида Андижон вилоятидаги тўнғич олий ўқув юрти – Бобур номидаги Андижон давлат университети ҳаётида ҳам жуда катта ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Шу йили 90 ёшини қаршилаётган бу олий ўқув юрти тарихида ҳам мустақиллик тамомила янги давр, янги босқични бошлаб берди, университет ҳар жиҳатдан ривож топди, кенгайди, халқаро миқёсда эътироф этилди, пойтахтдаги олий ўқув юртлари даражасига кўтарилди олди.

1931 йили Фарғона педагогика институти таркибида Андижон кечки пединститути, 1939 – 1953 йилларда Ўқитувчилар институти, 1953 йил 8 – 9 августдан Педагогика институти, 1957 йилдан Андижон давлат педагогика институти, 1992 йил 15 мартдан Андижон давлат университети мақомида фаолият кўрсатиб келаётган бу даргоҳ катта ҳаёт йўлини босиб ўтган.¹

Андижон давлат университети таркибида Ўзбекистон тарихи кафедраси ташкил топишининг ўзи бир тарих. 80-йиллар охири – 90-йиллар бошида бу олий ўқув юртида Сиёсий иқтисод, Сиёсатшунослик, Фалсафа, Умумий тарих кафедралари таркибида 22 та предмет – сиёсий иқтисод, иқтисодий назария, бозор иқтисодиёти, халқ таълими ва иқтисодиёт, замонавий иқтисод, саноат иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, сиёсатшунослик, социализм

¹ Бу ҳақда қаранг: Шамсутдинов Р.Т. Первенец высшей школы. Краткий очерк истории Андижанского государственного педагогического института имени Бабур. – Ташкент: Узбекистан, 1989; Шамсутдинов Р. Андижон давлат университети. – Тошкент: Sharq, 2004. – 544 б.

назарияси, сиёсий тарих, Ўзбекистоннинг сиёсий тарихи, жаҳон ва ватан маданияти тарихи, фалсафа, этика ва эстетика, атеизм ва дин тарихи, Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикрлари тарихи, ислом ва хур-фикрлилик, СССР тарихи, янги тарих, Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи, қадимги дунё тарихи ўқитилар эди. Бундай ҳолат бошқа олий ўқув юртлари тарих факультетларига ҳам хос эди. Олий ўқув юртлари тарих факультетларида Ўзбекистон тарихи мустақил фан сифатида ўқитилиши, бу фандан кириш ва давлат имтиҳонлари қабул қилиниши, олий ўқув юртларининг ҳар бирида Ўзбекистон тарихи кафедраси ташкил этилишини батафсил асослаб, Андижон давлат педагогика институтининг ўқув ишлари бўйича проректори профессор Қ.Ғ.Парпиевга хат тақдим этганмиз. Бу ҳужжат билан батафсил танишиб чиққан профессор Қ.Ғ.Парпиев барча олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи кафедраси очилиши ҳақидаги таклифлар республика матбуотида эълон қилиниши керак деб маслаҳат берди. Биз тақдим этган билдирги мақола даражасига кўтарилди. Ўша вақтда «Ўзбекистон овози» газетасида бўлим мудирини ёзувчи Мирзакарим Пирматов эди. Унинг саъй-ҳаракати билан биз тақдим этган мақола «Ўзбекистон овози» газетасининг 1991 йил 8 январь сонидида «**Ҳар биримиз учун муқаддас**» номи билан эълон қилинди. Мақоланинг бошидаёқ Ўзбекистон тарихи янгича талқин, янгича ёндашув ва янгича баҳоланишни кутяпти; Ҳар бир олийгоҳда республикамиз тарихига оид кафедра бўлсин; Ўзбекистон халқлари тарихи ўқув қўлланмаси тезроқ ёзилиши керак деган фикрлар келтирилганди.

Бизнинг мақоламиздан сўнг тез орада «Халқ сўзи» газетасида Тошкент халқ хўжалиги институти доценти Шоди Каримовнинг мақоласи эълон қилинди, унда ҳам Ўзбекистон тарихи мустақил фан сифатида барча олий ўқув юртларида ўқитилиши зарурлиги асосланганди. Бу икки мақола жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди, кўпчилик, айниқса, жамиятшунос олимлар масалага танқидий ёндашдилар, илгари сурилаётган ўзгаришларга салбий муносабатда бўлдилар. Кўтарилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг қўшма йиғилиши чақирилиб, кенг мунозаралар бўлиб ўтди. Бу анжуманларда Шоди Карим билан фаол қатнашиб, мақолаларимизда илгари сурилган ғоя ва таклифларни ҳар жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик. Бизнинг таклифларимизга ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари, таниқли олимлар эътироз билдирдилар. Орадан маълум вақт ўтгач икки вазирликнинг қўшма йиғилиши яна ўтказилди. Бу сафар Ўзбекистон тарихи кафедраси ташкил этилиши ҳақидаги фикр билдирганлар ғолиб чиқишди. Натижада ҳар икки вазирлик раҳбарияти олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихини ўқитиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келди. Таълим тизимининг бар-

ча бўғинларида Ўзбекистон тарихи ўқитилиши давр, замон талаби эканлиги тан олинди. Ниҳоят, ЎзССР Таълим вазирлигининг 1991 йил 22 апрелдаги 14-сонли буйруғи билан олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи фани ўқитиладиган ва Ўзбекистон тарихи кафедралари очиладиган бўлди.

Андижон давлат педагогика институти ректорининг 1991 йил 12 июндаги 112 «П» буйруғига мувофиқ бу олийгоҳда биринчи бор Ўзбекистон тарихи кафедраси очилди. Унинг таркиби 1 та фан доктори (профессор Р.Т.Шамсутдинов), 2 нафар фан номзоди (Т.Аввалов, Э.Юсупов) ва 2 нафар катта ўқитувчи (А.Мамажонов, В.П.Долгов), катта лаборант (Ҳ.Матисаев), котиба Шоирахондан иборат эди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланаётган 2021 йилда бу кафедрада 4 нафар фан доктори, профессор, 11 нафар фан номзоди, доцент, 6 нафар катта ўқитувчи ва 13 нафар ўқитувчи фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор И.А.Алимов, тарих фанлари номзоди, доцент, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ажойиб нотик Пиримқул Исроилов, тарих фанлари доктори А.Тожибоев, тарих фанлари номзоди Т.Аввалов, тарих фанлари номзоди, доцент С.Исаев бу кафедрада самари фаолият кўрсатганлар.

Мустақилликкача Ўзбекистон тарихи кафедраси фақат Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)да ва Самарқанд давлат университетида бўлган, холос. Бу фандан Андижон давлат педагогика институ-



Ўзбекистон тарихи кафедраси йиғилишларидан бири. 2021 йил февраль

ти тарих факультетида бор-йўғи 16 соат ҳажмда ўқув машғулотлари олиб борилган, филология факультетида ҳам шу миқдорда дарс олиб борилган. Қолган нотарих факультетларида Ўзбекистон тарихи умуман ўқитилмасди. Мустақиллик шарофати билан олий ўқув юртларидаги биринчи курс талабаларига Ўзбекистон тарихи фани ўқитиладиган бўлди. Бу фандан кириш ва давлат имтиҳонлари, битирув малакавий ишлари ва диплом ишлари ҳимоя қилинадиган бўлди. Ўзбекистон тарихи фанидан талабалар илмий тўғараклари ташкил этилди. Бу тўғарак аъзоларининг маълум қисми кейинчалик тарих фанлари номзоди, тарих фанлари доктори илмий унвонларига эришдилар. Ҳозирда Ўзбекистон тарихи кафедрасида Ўзбекистон тарихи фани бўйича магистратура ва докторантура фаолият кўрсатмоқда. 1992 йили кафедрада аспирантура ташкил этилган.

1992 йил апрелида Зокиржон Машрабов ташаббуси билан Андижонда Бобур номидаги илмий экспедиция ташкил топди. Институт проректори Қодир Ғофурович Парпиевнинг ташаббуси билан биз ҳам Бобур халқаро илмий экспедицияси таркибига киритилдик. Икки ой давомида Туркменистон, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Покистон, Афғонистон мамлакатларида бўлиб, Бобур ва Бобурийлар салтанати тарихи ва маданиятини ўргандик. Ўша йилнинг сентябрь-октябрь ойларида раҳматли аёлим Фотимахон билан бирга Ҳиндистон саёҳатида бўлдим. Бу сафар натижасида Андижонда қатор рисоаларни нашр эттиришга эришдик.

«Бобурни излаб» китобида Покистоннинг Лоҳур шаҳрида юз берган бир ажойиб воқеани қисқа шарҳлаганмиз. Лоҳур шаҳридаги давлат музейида Бобур ва унинг авлодлари меросига бағишланган «Буюк мўғуллар империяси тамаддуни» бўлими билан танишиб чиқдик. Бунгача ҳам қайси тарихий жойларда бўлсак, ҳамма жойда «Буюк мўғуллар империяси» деган иборани кўравериб, эшитавериб миллий руҳимизга озор етганди. Биламизки, машҳур академик В.В.Бартольд, академик Иброҳим Мўминов, профессор Ҳамид Сулаймон, ЎзФА мухбир аъзоси Сабоҳат Азимжонова асарларида «мўғуллар империяси» эмас, «бобурийлар сулоласи», «бобурийлар салтанати» деган тушунчалар асосланган эди. Бундай ҳолатни экспедиция аъзоси Хайритдин Султонов ҳам яхши биларди. Бунга била туриб индамасдан юришни ўзимизга эп кўрмадик. Таржимон Абдуғаффор орқали тушунтиришга уриниб кўрдик. Хайритдин Султон билан келишиб Абдуғаффор ёрдамида меҳмонхонамизга яқин бўлган кўп қаватли «Ахбори жанг», «Янгилик» газеталари редакциялари директори жаноби Аршаде Ислон хузурида бўлдик. Узун бўйли, қорачадан келган, қийғир бурун, қоп-қора сочли, сермулоҳаза бу инсон бизни жуда илиқ кутиб олди. Чой ва кофе билан меҳмон қилди. Суҳбатимизга 2-3 ходимни ҳам жалб этди. Суҳбатни диктофонга ёзиб олдим, видеокамерага туширдим. Аршаде Ислон

мақсадимизни билиб, Лохур, Пешавордаги Бобур ва унинг авлодлари тарихи билан шуғулланадиган олимлар рўйхатини келтирди.


Бобур мўғул эмас, ўзбек деган мавзудаги баҳсимиз тортишув руҳида ўтди. Улар Темур ҳам, Бобур ҳам, унинг авлодлари ҳам мўғуллардан деган ғояни ҳимоя қилишди, биз эса Темур, Бобур ўзбек эканлигини ҳар жиҳатдан исботлашга уриндик. Ҳаш-паш дегунча соат 18 бўлиб қолди. Бош муҳаррир фотосуратимизни олди, бир журналист суҳбатимизни ёзиб олди, кичик бир ахборот тайёрлади. Уни Абдуғаффор ўзбекчада тушунтирди. Суҳбат ва сурат эртага газетада босилади, кейинчалик рангли журналимизда кенгроқ қилиб чиқарамиз деб ваъда қилишди. Эртасига эрталаб соат 07:30 да номеримизга ҳар бири 20 саҳифадан иборат икки хил газетадан 2 жуфтдан келтиришди. Суратимизни ва суҳбатимизни газетада кўриб ғоят хурсанд бўлдик. Нонуштада экспедиция аъзоларига газетани тақдим қилдик. Таржимон Маҳмуджон Жўраевич Раҳимов газетадаги суҳбатни дарҳол ўзбекчалаштирди. Урду тилида, 1 миллион 200 минг нусхада чиқадиган 20 бетлик «Ахбори жанг» номли газетанинг 8 июнь сонидида «Шоиншоҳ Бобурни мўғул демак ғалат» сарлавҳаси остида суҳбатимиз берилган. Инглиз тилида 120 минг нусхада чиқадиган «Янгилик» газетасининг 1992 йил 8 июнь сонидида «Бобур мўғул эмас, ўзбекдир», «Бир гуруҳ ўзбекларнинг «Янгилик», «Ганг» газеталари редакцияларига ташрифи» номи остида Ҳожи Рустамбек Шамсутдин, Ҳожи Хайритдин Султонларнинг сурати билан кичик мақолалар эълон қилинди.

Германиянинг Кёльн шаҳрида истиқомат қилаётган ватандошимиз доктор Боймирза Ҳайит рафиқаси Рут хоним ва уларга ҳамроҳ бўлган туркиялик қардошлар билан академик Аҳмадали Асқаров 1992 йил 24 август куни Пахтабод кўчасидаги уйимда меҳмон бўлишди. Якшанба бўлишига қарамай, ўзим мудирлик қилаётган Ўзбекистон тарихи кафедрасига бу азиз меҳмонларни олиб бордим. Шу жойда кўп илмий суҳбатлар қурилди. Орадан 3 йил ўтиб, 1995 йили доктор Боймирза Ҳайит билан Анқарада туркий дунё тарихчилари конгрессида кўришдик. Академик Аҳмадали Асқаров ва мен Ўзбекистондан, доктор Боймирза Ҳайит Германиядан кўп жилдлик туркий дунё тарихини яратиш ўйича Ташкилий Қўмитанинг аъзоси сифатида икки марта конгресс йиғилишида бирга бўлганмиз. Шунда доктор Боймирза Ҳайит билан тарихимизнинг долзарб масалалари юзасидан суҳбатлар қурганмиз. 1996 йили рафиқам Фотимахон билан Германиядаги машҳур Баден-Баден курортига борганимизда Боймирза Ҳайитнинг Кёльндаги уйида меҳмон бўлганмиз. Шунда ҳам ватанимиз, унинг бетакрор тарихига доир долзарб муаммолар ҳақида фикр алмашганмиз. Боймирза Ҳайит вафотигача хат орқали мулоқот қилиб турганмиз, биз кўплаб китоблар берганмиз, у бизга кўплаб асарларини юборган. Вафоти муносабати билан бизга дафн маросимида бў-

лиш насиб этмади, аммо туркиялик қардошлар орқали таъзияномамиз мат-ни мотам маросими чоғидаёқ марҳумнинг аёли – Рут хонимга топширилган.

Советлар даврида Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари ўқув юртларининг бирортасида фанлар бўйича номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган ихтисослашган кенгаш, республикада эса Олий Аттестация Комиссияси мавжуд эмас эди. Номзодлик, докторлик илмий даражалари, профессорлик, доцентлик унвонлари фақат Москвадаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан берилган. Фақат истиқлол туфайли Ўзбекистон Республикасида Олий Аттестация Комиссияси фаолият кўрсата бошлади. Вилоятларда ҳам диссертация ҳимоя қилинадиган илмий кенгашлар очилди. 1993 йили Фарғона водийси олий ўқув юртлари орасида биринчи бор Андижон давлат университетида Ўзбекистон тарихидан номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган ихтисослаштирилган кенгаш ташкил этилди. Бу кенгашда 1993 – 1998, 2005 йилларда «Ўзбекистон тарихи» ихтисослиги 07.00.01 бўйича 20 нафар илмий ходим номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, тарих фанлари номзоди илмий унвонига эга бўлди. Улардан Б.М.Расулов, М.Ғ.Абдуллаев фан доктори, профессор илмий унвонларига эга бўлдилар. 2019 йилдан Андижон давлат университетида 2 ихтисослик – «Ўзбекистон тарихи», «Фан ва технология тарихи» бўйича номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимояси ўтказиладиган илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Совет даврида Андижон вилоятида биронта ҳам диссертация ҳимоя қилинадиган кенгаш бўлмаган. Ҳозирда эса Андижон давлат университетида «Ўзбекистон тарихи» ва «Фан ва технологиялар тарихи» мутахассислиги бўйича 2 та, фалсафа бўйича 1 та, менежмент бўйича 1 та, филология бўйича 4 та, Андижон давлат тиббиёт институтида 1 та, Андижон давлат қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтида 4 та (Умумий деҳқончилик, Ўсимликшунослик, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, Ўсимликларни ҳимоя қилиш) ихтисослаштирилган кенгашлар фаолият кўрсатмоқда. Андижон вилояти илм-фан марказларидан бири бўлиб қолди.

АндДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси ташкил бўлгач, ўқув ва илмий жамоа олдига олий ўқув юртлари учун Ўзбекистон тарихидан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишдек ниҳоятда мураккаб, лекин шарафли, масъулиятли вазифа кўндаланг қўйилган эди. Ёшларни, бўлғуси педагог, илмий ходимларни ватанпарварлик, миллатпарварлик, ватан тақдири ва ривожини учун садоқат билан меҳнат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган Ўзбекистон тарихидан ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлаш ва нашр этиш Ўзбекистон тарихи кафедраси фаолиятининг марказий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Натижада 1994 – 2021 йиллар мобайнида республика олий ўқув юртлари учун Ўзбекистон тарихидан бир қанча ўқув қўлланма, дарсликлар яратилди, улардан ҳозирда ҳам ўқув жараёнида фойдаланилмоқда.






Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон тарихини таълим тизимида кенг ва пухта ўқитиш, бўлғуси мутахассисларни ватанпарварлик, миллатпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг тутган ўрни ва ролига шу қадар катта аҳамият бераётибдики, унинг шахсан ташаббуси билан 2019 йилда армияда хизмат қилаётган аскарларга ҳам Ўзбекистон тарихи фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Армия аскарлари учун Ўзбекистон тарихи китобини яратиш ҳам бизнинг чекимизга тушди.

2019 йилдан бошлаб мамлакатимиздаги ҳарбий хизматдаги аскарлар лотин имлосида Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриётида 23 минг нусхада босилиб чиққан Ўзбекистон тарихи китобини ўқишмоқда. Ўзбекистон тарихидан нашр этилган юқоридаги ўқув қўлланма ва дарсликлардан олий ўқув юртларидаги магистратура босқичида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Қадимий ва ҳамisha навқирон Андижон тарихини баҳоли қудрат яратиш борасида ҳам Ўзбекистон тарихи кафедраси муайян илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Кўп йиллик изланиш ва тадқиқотлар натижаси сифатида Андижон тарихига бағишланган кўплаб асарлар нашр этилди ва кенг китобхонлар оммасига етказилди. Университет тарих факультетида Андижон тарихидан махсус курс жорий этилди ва бўлғуси тарихчилар ўз она юрти Андижон тарихидан билимларини оширишга муваффақ бўлдилар. Умуман, андижонликлар ўзларининг қадимдан ҳозиргача бўлган тарихини ўрганиш ва бу тарихдан ҳаётий сабоқлар чиқариш имконига эга бўлдилар.



«Андижон тарихидан лавҳалар» китоби 2013 йилда Тошкентда «Шарқ» нашриётида 5000 нусхада босилган эди. Ҳозирда бу китобга яна эҳтиёж туғилди. Китоб чиққандан бери орадан 8 йил ўтди. Лекин шу қисқа даврда Андижон вилояти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Вилоят кўп соҳаларда республикада нуфузли ўринга эга. Унинг сўнгги йиллардаги эришган муваффақият ва ғалабалари акс эттирилган янги манба, ҳужжат ва материалларни жамлаш, сидқидилдан ўрганиш, уларни тизимга солиш асносида Андижоннинг қадимдан шу кунгача бўлган тарихини яратиш айна дамда ниҳоятда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шу боис университет ва бошқа олий ўқув юртларининг тарихчи олимлари, ўлкашунос фидойилар саъй-ҳаракати билан Андижоннинг ана шу тарихини ёзишга ва нашр этишга киришиш лозимдир.



Шу йил 90 йиллиги нишонланиши кутилаётган Андижон вилоятидаги тўнғич олий ўқув юрти – Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети тарихини битишга ҳам Ўзбекистон тарихи кафедраси алоҳида эътибор берди. Бу илм даргоҳининг 2015 йилгача бўлган тарихи акс эттирилган 2 та китоб нашр қилинди ва китобхонларга тақдим этилди:



2021 йил 26 июнда Андижон давлат университети жамоасининг катта йиғини бўлиб ўтди. Бу маросимда Андижон давлат университети ректори, биология фанлари доктори, профессор А.С.Юлдашев Андижондаги биринчи олий ўқув юрти – Андижон давлат университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида катта чиқиш қилиб, шу тарихий санани нишонлаш ҳақида тўхталиб ўтди. Юбилейни ўтказиш бўйича ҳайъат ва ишчи гуруҳи ташкил этилди. Бу маросимни 2021 йил ноябрида ўтказиш бўйича тегишли тадбирлар белгилаб олинди. Улардан бири Андижон давлат университети тарихи ҳақида китоб битиш ва ўқув юртининг музейини ташкил этишдир. Андижон давлат университети музейи 2018 йилда ишган тушган Қатағон қурбонлари хотираси музейи ёнида ташкил этиладиган бўлди.

Россия ва Совет империяси даврида қатағон қилинган юртдошларимизнинг фожиали ҳаётини тадқиқ қилиш, ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашган, шу муқаддас вазифани бажариш йўлида қурбон бўлганларнинг меросини ўрганиш ва уни халқ мулкига айлантириш мақсадида 2001 йили Андижонда бизнинг раислигимизда «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди ташкил этилди. Бу фонд ўз олдига Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб илмий муаммо ва йўналишлари, ўрганилмаган мавзулари бўйича монографик тадқиқотлар, ҳужжат ва материаллар тўпламлари, илмий рисоалар, илмий мақолалар яратиш ва нашр этишдек ўта жиддий, масъулиятли, лекин шарафли вазифани қўйди. Бундай улуғвор, ле-



кин оғир вазифани амалга ошириш учун янгидан-янги манбаларни излаб топиш, уларни илмий истеъмолга киритиш мақсадида Ўзбекистоннинг ўзидаги, собиқ Иттифоқдаги минтақалар, хусусан, Москва, Украина, Шимолий Кавказ, Новосибирск, Олтой, Қозоғистон, Туркия, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Германия, Миср мамлакатларидаги кутубхоналар, архивлар, музейларда бўлиб, юртимиз тарихига оид кўплаб манбалар келтирилди. Ана шу катта кўламда тўпланган хилма-хил ҳужжат ва материалларни қунт билан ўрганиш ва уларни илмий истеъмолга киритиш орқали хориж ва Ўз-

бекистонда қатор илмий мақолалар эълон қилинди. Советлар томонидан 1917 – 1991 йилларда Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилган қатағон сиёсати ва амалиётининг фожиали оқибатларини очиб беришга қаратилган монографик тадқиқотлар, архив ҳужжатлари ва материаллари тўплamlари, илмий-оммабоп рисоалар тайёрлаш ва нашр этишга катта эътибор берилди. Натижада қатор китоблар нашр юзини кўрди ва ҳозирда амалиётда қўлланилмоқда.

1937 – 1938 йиллардаги «Катта террор», «Катта қирғин» қизил империя қатағон сиёсатининг кульминацион нуқтаси сифатида тарихга кирган. Бу ҳақда совет империясининг энг юқори мансабларини эгаллаган, мамлакатнинг мафкуравий-маънавий ҳаётига бошчилик қилган арбоб, академик (ҳозирда мархум) А.И.Яковлев «Черная книга коммунизма» («Коммунизмнинг қора китоби») номли китобнинг кириш сўзида шундай ёзган: «...Большевизм судсиз-сўроқсиз ҳукмларида сохта айбловлар, мислсиз қалбакилаштиришлар амалиёти учун ҳамда судсиз ва терговсиз отувлар, тазйиқ ва қийноқлар учун, концлагерларни ҳатто гаровдагиларнинг фарзандлари учун ҳам ташкиллаштиришгаи, шунингдек, тинч аҳолига қарши заҳарловчи газларни қўлагани учун ҳам жавобгарликдан қочиб қутула олмайди. Ленинча-сталинча қатағон тиғи остида 20 миллиондан ортиқ инсонлар ҳалок бўлдилар. Большевизм немис концлагерларидан советларнинг турма ва лагерларига мол подасини ҳайдагандек ҳайдаб келтирилган собиқ совет ҳарбий асирларига қарши қўллаган жиноятлари учун жавобгарликдан қочиб қутула олмайди. СССРнинг деярли барча улкан қурилишлари сиёсий маҳбусларнинг жасадлари устига барпо қилинди. Улар томонидан кимё заводлари, уран конлари, шимолий манзилгоҳлар ва бошқа кўп қурилишлар амалга оширилди» (Андижон давлат университети тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи»даги экспонатлардан).

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
СОВЕТЛАРНИНГ
ҚУЛОҚЛАШТИРИШ СИЁСАТИ
ВА
УНИНГ ҒОЖЕАТИ ОҚИБАТЛАРИ



РУСТАМБЕК
ШАМСУТДИНОВ

ҚИВВЛОҚ
ҒОЖЕАСИ:

ЖАМИОАТДА ОҚИБАТЛАР
ҚУЛОҚЛАШТИРИШТИ
СЎНУВИ



РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ
АЛИШЕР МАМАЖОНОВ

ШЕЪРКОЛИНИҲИ КАВКАЗ
СЎРТУНИДАГИ
ЮРТДОШЛАР
ҚИСМАТИ



РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ
МАНЗУРА АКБАРОВА

ШИМОЛИЙ
КОЗОҒИСТОН
СЎРГУНИДАГИ
ЮРТДОШЛАР
ҚИСМАТИ



ТРАГЕДИЯ
СРЕДНЕАЗИАТСКОГО
КИШЛАКА

1



ТРАГЕДИЯ
СРЕДНЕАЗИАТСКОГО
КИШЛАКА

2



ТРАГЕДИЯ
СРЕДНЕАЗИАТСКОГО
КИШЛАКА




3



СРЕДНЕАЗИАТСКИЙ КИШЛАК
В ГОДЫ
БОЛЬШОГО ТЕРРОРА



ТАРИХНИНГ
ҲАСРАТЛИ
САҲИФАЛАРИ





1937 – 1938 йилларнинг ўзида Ўзбекистон бўйича «Катта қирғин» операцияларида 41 мингдан ортиқ киши қатағон қилинди, улардан 7 мингга яқини отиб юборилди, қолган қисми ГУЛАГ лагерлари қамоқхоналарида маҳбуслик азобларини тортди, маҳбусларнинг катта қисми ўша лагерларда такроран қатағон этилди, касалликдан, очликдан, қийноқлардан ўлиб кетди. 41 минг нафар қатағон қурбонларидан 15 мингга яқини ҳақида турли архивлардаги материалларни ўрганиш асосида маълумот тўпланди, уларнинг фожиали ҳаёти ва тақдири тўғрисида қуйидаги китобларимиз эълон қилинди ва улар кенг илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди.

Бу китоблардан ташқари «Катта террор»нинг фожиали оқибатлари ҳақида республика ва чет эллардаги журнал ва газеталарда кўплаб илмий, публицистик, тарихий мақолалар эълон қилинди.

Президент Ш.М.Мирзиёев қатор чиқишларида Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ва унинг тарихий аҳамиятини ёритиш масаласига сўнгги чорак аср давомида эътибор берилмагани, ҳатто Ўзбекистондан қанча одам ҳарбий фронтга, қанча одам меҳнат фронтга сафарбар этилгани, қанча одам ҳалок бўлгани, қанча одам асир тушгани ва уларнинг фожиали тақдири каби масалалар ўрганилмай келаётганини қайд этган. Жумладан, давлатимиз раҳбари 2019 йил 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда: **«Буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва унинг қадрига етиши зарур»**, – деб таъкидлаган эди. Юртбошимиз илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилгани, бу борада собиқ Иттифоқ республикалари ва хориждаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилганини, илмий изланишлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, қаҳрамон аждодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлганимиз, ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва альбомларда кенг ёритилаётганини, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланганини алоҳида таъкидлаб ўтганди. Ана шу методологик, концептуал фикр-ғоялардан руҳланиб кафедрамиз ва университет тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи илмий ходимлари тарихимизнинг мазкур кам ўрганилган саҳифасини тўлдириш борасида маълум ишлар-



ни амалга оширди. Сўнги йилларда Москва, Санкт-Петербург архивларида, Россиянинг марказий кутубхонасида, Химки шаҳридаги филиалида, Россия мудофаа вазирлиги архивида, Ўзбекистон миллий архивида сақланган, 1942 – 1946 йилларда ҳафтасига 2 марта нашр этилиб турган ўзбек тилидаги 15 га яқин фронт газеталарининг таҳламалари электрон нусхалари Андижонга олиб келинди. Бу қимматли манбаларни чуқур ўрганиб, материалларни тасниф қилиб, 5 жилдлик «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» номли китобни яратиш, нашр этиш, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги буюк ғалабага қўшган ҳиссаси тарихидаги ҳозиргача ўрганилмаган ҳужжат ва материалларни илмий истеъмолга киритдик. Бу китоблар ҳақида ижобий тақризлар республика газеталари ва телевидение эфирларида берилди, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида тақдимоти ўтказилди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 31 майда имзолаган фармойишида: «1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида кўп миллатли Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди»¹, – дейилади. Шу муносабат билан бизнинг «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссаси тарихини яратиш хусусида» ва «Китоб-альбомни тайёрлашга оид мулоҳаза ва таклифлар» номли мақолаларимиз «Водийнома» журналининг 2018 йил 4-сонида босилиб чиқди. Китоб-альбомни яратиш бўйича илгари сурилган айрим му-

¹ <http://uza.uz/oz/documents/ikkinchi-zha-on-urushida-fashizm-ustidan-ozonilgan-alabafa-z-31-05-2018>



лоҳаза ва таклифларимиз инобатга олинди. Ғалабанинг 75 йиллигига атаб ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси (1941 – 1945 йиллар)» номли китоб-альбом 5 минг нусхада Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов масъуллигида яратилди. Бу нашрни яратиш жараёнида биз ҳам муаллиф сифатида иштирок этдик. Китоб-альбомнинг 46-, 58-, 59-, 87-, 92-, 181-, 205-, 295-саҳифаларида биз тақдим этган материаллар ўрин олган.

Шонли ғалабанинг 76 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни арафасида «Ўзбекистон» нашриётида «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида» номли китоб-альбом тайёрланиб, ўзбек ва рус тилларида 3 минг нусхада чоп этилди.



Бизга мазкур нашрда ҳам қатнашиш насиб этди. Китоб-альбомнинг «УНУТ-МАС СИЗЛАРНИ ВАТАН» номли кириш қисмидан мана бу сатрлар ўрин олган: «Нашрни тайёрлашда олимларимиз Р.Шамсутдинов, Х.Бабаджанов, М.Дармонова, О.Абдумўминов, М.Нурсаидова, Ў.Бердиев тақдим этган ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллардан фойдаланилган».

Ўзбекистондан ҳарбий хизматга олинган, Беларусь ҳудудидаги жангларда мардларча ҳалок бўлган минглаб ҳарбийлар хотираси мамлакат аҳолиси қалбидан мустаҳкам жой олган. Ана шу мавзуга бағишланган «Победа одна на всех. Беларусь-Ўзбекистан» номли китоб Минскдаги Петрус Бровки номидаги Беларусь энциклопедияси нашриётида чоп этилган. Китобнинг тузувчиси ва матн муаллифи – В.В.Андреевич.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёев Минскка қилган ташрифи чоғида юртбошимизга совға сифатида ушбу китобни инъом этган. Китобнинг биринчи бетида икки республика президентларининг сурати ва уларнинг нутқидан кичик парчалар келтирилган. Мазкур китобнинг яратилишида бизнинг ҳам камтарона хизматимиз бор. Китобнинг «СЛОВО ЗВАЛО В БОЙ ЗА РОДИНУ» бўлимида мана бу сатрларни ўқиймиз:

«По словам Рустамбека Темировича Шамсутдинова (профессор Андиганского государственного университета, доктор исторических наук, главный редактор журнала «Водийнома», директор музея «Памяти жертв репрессий» при Андиганском государственном университете), на 1-Белорусском фронте издавалась газета «Фронт ҳақиқати» («Правда фронта»), на 3-Белорусском фронте газета «Қизил аскар ҳақиқати» («Красноармейская правда»). Эти газеты выходили два раза в неделю.

... Ученым Андиганского университета под научным руководством профессора Рустамбека Шамсутдинова удалось собрать и изучить эти фронтовые газеты, на основе исследований подготовить и издать в 2017 году в издательстве «Akademnashr» 3-томник «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» («Фронтовые газеты Второй мировой войны») общим объемом 101,5 печатных листа (1792 страницы).

Рустамбек Темирович подготовил на русском языке и передал для книги некоторые материалы из военных газет, которые показывают мужество и героизм узбекских воинов, их дружбу и боевое братство с воинами других



национальностей, сражавшихся с нацизмом. В публикациях, рассказывающих об участии узбекских воинов в освобождении Беларуси, показываются боль и страдания, которые они увидели на белорусской земле, а потому и их огромное желание отомстить за это врагу, быстрее гнать его на запад.

Ученый из Узбекистана также предоставил для публикации в книге «Письмо узбекскому народу от бойцов – узбеков первого Белорусского фронта», опубликованное в одном из номеров военной газеты на узбекском языке 1-го Белорусского фронта».



Китобнинг 47 – 56-бетларида Андижондан юборилган турли хил ҳужжатлар берилган. 85 – 188-бетларда Белоруссия учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган 1000 нафар ўзбекистонлик ҳарбийларнинг исми-шарифи, хизмат қилган қисми, дафн этилган жойлари кўрсатилган.

2019 йил 20 ноябрда Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида «Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: янги тадқиқот йўналишлари» мавзuida республика илмий конференцияси ўтказилди. Мазкур конференция материаллари асосида 2020 йили Тошкентда «Tamaddun» нашриётида «Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи» номли мақолалар тўплами нашр этилди.

Бу тўпландан «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасига доир тадқиқотлар» ва «Ўзбекистонлик меҳнат армиячиларининг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси» номли мақолаларимиз жой олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 31 августда Тошкентдаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташриф буюрганида бу музей музейларнинг музейи бўлиши лозимлигини таъкидлаб, Андижонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам, Хоразмда ҳам, Қашқадарёда ҳам, ҳар бир вилоятнинг марказида ёки университетнинг қошида Қатағон қурбонлари хотираси музейининг филиалларини очишимиз керак деб уқтирган эди. 2017 йил 22 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 936-сонли қарор қабул қилинди. Қарорнинг ижросини таъминлаш учун 2017 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 869-сонли буйруғи эълон қилинди. Музей ташкил этиладиган таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Андижон давлат университети ректорининг 2017 йил 15 декабрдаги 01-4-сонли буйруғи билан Андижон давлат университети тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейи ташкил этилиши белгиланди. 2018 йил 3 январдаги 4-к буйруқ билан биз директор этиб тайинландик. 2018 йил 31 март куни Андижон давлат университети ректори томонидан музей структурасини шакллантириш, тегишли бўлимлар бўйича экспозициялар тайёрлаш учун ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди. Бу музей учун университетнинг 1000 ўринлик ўқув биноси биринчи қаватида 741,8 кв м жой ажратилди. Ажратилган хона ва экспозиция хоналари таъмирдан чиқарилди.

Экспонат ва кўргазмали воситалар учун янги ва замонавий мебеллар ҳамда инфокиоск, видеопроектор каби техник жиҳозлар, экспозиция залларининг микро иқлимини мўътадиллаштириб турадиган совутгич-иситгич қурилмалар ўрнатилди. Музейни тайёр ҳолга келтириш учун январь – август ойларида олиб борилган самарали изланиш ва тайёргарлик ишлари натижасида 8 бўлимни ўз ичига олган Қатағон қурбонлари хотираси музейи барпо қилинди. Бундай кенг қўламдаги музейни ташкиллаштиришда, замонавий ва кўркам манзара касб этишида Андижон давлат университети ректори, профессор Акрамжон Султонмурадович Юлдашев, молия-иқтисод ишлари проректори Сувонхон Думаевнинг хизматлари катта бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Музей 2018 йил 15 август куни катта тантана билан очилди.







АНДИЖОННИНГ ШОҲТИ ВА ШАВКАТЛИ ҚАРЗАНДЛАРИ



Анджон вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори Шухратбек Қўшоқбоевич Абдурахмоновнинг АндДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташрифи (2019 йил 4 сентябрь)

2021 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов ва давлат маслаҳатчиси ўринбосари Д.Кенжаев Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташриф буюриб, музей ҳақида ижобий фикрлар билдирдилар. 24 февраль куни Х.М.Султонов, Д.Кенжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевга тақдим этган ахборот хатида бошқа масалалар қатори Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳақида «**Олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган Қатағон қурбонлари музейлари фаолияти ҳам ўрганилди. Андижон давлат университетидаги музей ҳам мазмун, ҳам жиҳозланиш жиҳатидан бошқа олий таълим муассасалари учун ибрат бўларли даражада ташкил этилган. Шу муносабат билан мазкур университетда барча олий ўқув юртлари учун тегишли мавзуда илмий-амалий конференция ўтказиш бўйича тавсия берилди**» деган маълумот мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов 2021 йил 22 февралда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (А.А.Абдувоҳидов, Х.М.Султоновга), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ҳожиматовга), Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳокимликларига, вазирлик ва идоралар раҳбарларига (рўйхат бўйича) йўллаган 02-РА 1/1-281-сонли хатида Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда жорий йилнинг апрель ойида Андижон давлат университетида Қатағон қурбонлари музейларини намунали ташкил этиш мавзусида олий таълим муассасаларининг илмий-амалий конференциясини ўтказиш белгилаб берилди. Унга мувофиқ Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов 2021 йил 24 февралда О.Турсунов, Ў.Шукуров, С.Раҳмонов, Э.Саматов, олий ўқув юртлари ректорларига мазкур топшириқ ижроси юзасидан белгиланган тартибда иш ташкил этиш, амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни белгиланган муддатга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим қилиш вазифасини юклади. Шу кўрсатма асосида Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида Қатағон қурбонлари музейларини намунали ташкил этиш мавзусида олий таълим муассасаларининг илмий-амалий конференциясини тайёрлаш ва 2021 йилнинг 30 апрель – 1 май кунлари Андижон давлат университетида ўтказиш бўйича ташкилий кўмита тузилди, конференция дастури тайёрланди ва тегишли жойларга юборилди. Конференцияни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Андижон давлат университети тузилмасидаги музейни янги экспонатлар билан тўлдириш, музей залларини янгидан жиҳозлаш ишлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Қатағон қурбонлари музейларини намунали ташкил этишга бағишланган республика илмий-амалий конференцияси Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида 2021 йил 30 апрель – 1 май кунлари ўтказилди.

Конференция подшо Россияси ва Совет салтанати даврларида Туркистон ва Ўзбекистонда буржуа миллатчиси, панисломчи, пантуркчи, босмачи, қулоқ, бой, руҳоний, халқ, колхоз, социализм душманлари, аксилинқилобчилар, ватан хоинлари каби турфа ёрликлар ёпиштирилиб қатағон қилинганларнинг ачинарли ва фожиали тақдири тўғрисидаги бор ҳақиқатни очиб беришдек ниҳоятда оғир масалага бағишланди. Анжуманни Андижон шаҳар Жоме масжиди вакили Муҳаммаджон қори Ўзбекистоннинг ўзида, ГУЛАГнинг Россия, Украина, Қозоғистон, Сибирь, Узоқ Шарқ, Архангельск, Мурманск, Дмитров каби ҳудудлардаги концлагерлари ва меҳнат лагерларида, сургунда, қамоқда ҳалок бўлган аждодларимизнинг руҳи покларига аталган Қуръон тиловати билан бошлади.

Йиғилишни Андижон давлат университети ректори, профессор А.С.Юлдашев кириш сўзи билан очиб берди. Ректор конференция кун тартибини анжуман иштирокчиларига эълон қилди ва уларни Андижонга, университетга келиб, мазкур илмий-амалий анжуманда иштирок этаётганлари билан қизғин табриклади. Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи бошлиғи М.С.Нишонов вилоят ҳокимлиги, Андижон халқи номидан конференция қатнашчиларини табриклади. Сўнг Президентимизнинг **2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 5598-сонли фармойиши аҳамиятини қисқача шарҳлаб берди. Республикада мазкур фармойиш ижросини таъминлаш учун 31 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилгани, 2020 йил 29 октябрда Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмонов раислигида 26 аъзодан иборат қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи тузилгани, бу гуруҳ фармойишдаги вазифаларни бажариш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширгани қайд қилинди.

Ректор А.С.Юлдашев мазкур конференция чақирилиши ғояси давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султоновга тегишли экани, у киши 2021 йил 16 февралда Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейига ташрифи давомида музей ва унинг фондлари хусусида қатор ижобий фикрлар билдиргани, жумладан, республикадаги Қатағон



қурбонлари хотираси музейлари директорлари, ходимлари Андижондаги музейга ташриф буюришлари, ундан намуна олишлари зарурлиги, иложи бўлса, илмий конференция ўтказиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаганини айтиб ўтди. Конференция юқори савияда ўтиши учун анжуман иштирокчиларига муваффақиятлар тилади. Конференция онлайн шаклда ўтказилди.

Олий таълим вазирлиги маъсул ходими Умидилло Улашевич Сатторов конференциянинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, унинг юқори савияда ўтказилиши учун айрим фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари давлат музейи директори, профессор Б.В.Ҳасанов конференция мавзуси юзасидан ўзининг қатор фикрларини билдирди, Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ўзига хос ижобий хусусиятларини алоҳида таъкидлаб, вилоятлардан келган музейлар директорлари ва ходимларига мурожаат қилиб, Андижон тажрибасидан ўрнак олишга даъват этди.



Андижонлик қатағон қурбонларининг ҳозирги авлодларидан Диёрбек Ниёзов (Ҳусанхон Ниёзийнинг ўғли), Элёрбек Ниёзов (Ҳусанхон Ниёзийнинг набираси), Осиёхон Маликжонова (Ҳусанхон Ниёзийнинг набираси), Шерзодбек Ниёзов (Ҳасанхон Ниёзийнинг набираси), Рауфбек Ўрозалиев (Акбар Ўрозалиевнинг набираси), Салимжон ва Тоҳиржон Иминовлар (Қулоқ сифатида Украинага сургун қилинган Муҳаммад Имин ва Бибиҳожарнинг ўғли ва набиралари), Раҳимова Фаридахон (Расулжон Раҳимийнинг қизи), Абдуллажон ҳожи Ҳасанов (ота-оналари қатағон қилинган) ва бошқаларга конференция дастури, 2 китобдан иборат «Қатағон қурбонлари хотира китоби. Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар)», Қатағон қурбонлари хотираси музейи альбоми, «Қатағон қурбонлари хотираси музейларини намунали ташкил этиш» мавзуси бўйича илмий-амалий конференция блокноти, университетда чиқаётган «Водийнома» журналининг 2021 йил биринчи сонидан иборат эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди. Худди шундай совғалар билан конференция иштирокчиларининг барчаси тақдирланди.

Конференцияда камина, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Ж.М.Ҳасанов, таянч докторант Ж.Т.Иминовлар музейни ташкил этиш тўғрисидаги концепция, музей бўлимлари, тематикаси, илмий фондлари, экспозициялари, дизайни, музей архиви ва кутубхонаси фонди, икки империя даврида Андижондан қатағон қилинганлар ҳақидаги маълумотлар, архив ҳужжатлари ва материаллари, биографик, тарихий эсдаликлар, музейнинг хориж мамла-



катлари билан илмий ва амалий ҳамкорлиги, бу илм масканининг яқин келажакда амалга оширадиган ишлари, режалари ҳақида батафсил маълумот беришди.

Музокараларда Қорақалпоғистон давлат университети тузилмасидаги музей директори, т.ф.н. А.Р.Кудияров, Жиззахдан Б.С.Эргашева, СамДудан М.Г.Муқимов, Чирчиқ давлат педагогика институтидан Н.С.Кенжаева, Фарғона давлат университетидан С.М.Сиддиқов, Урганч давлат университетидан Э.Рўзиметов, Қарши давлат университетидан Д.Ж.Раҳматова ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида конференция иштирокчилари учун Андижон давлат университети тузилмасидаги музейнинг 9 та бўлими бўйича экскурсия ўтказилди. Меҳмонларнинг йўл-йўлакай саволларига, мулоҳазаларига, истакларига тегишли шарҳ ва жавоблар музей ходимлари Р.Т.Шамсутдинов, Ж.М.Ҳасанов, Ж.Т.Иминов, Н.Камолов, Р.Ҳайитбоевалар томонидан илмий, назарий, методологик, методик, ташкилий жиҳатдан фикр-мулоҳазалар баён қилинди. Музей заллари бўйича экскурсия якунлангач, конференция залида баҳс ва мунозаралар давом этди. Жумладан, вилоятларда яратилаётган хотира китобларининг структураси, хронологияси, методологияси, лексикологияси, терминологияси ва бошқа масалаларда музокаралар олиб борилди.

1 май куни университетнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича про-ректору Б.М.Расулов раҳбарлигида анжуман иштирокчилари Ўзбекистон



халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг уй музейи ва қабрини зиёрат қилдилар, Мингтепа археологик ёдгорлик мажмуасига экскурсия қилинди, Турон ўқув маркази қошидаги музейга ташриф буюрилди. Бу экскурсиялар конференция иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Асаканинг Чўнтак чойхонасида тушлик қилинган, меҳмонлар кузатилди.

Мазкур конференция ҳақида UzA.uz да, Андижон давлат университети сайти – Adu.uz да хабар берилди.





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги Ф-5598-сонли фармойишида қатағон қилинган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, мамлакатимизда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, муайян тарихий воқеаларга оид илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган ота-боболаримиз ҳақида илмий-тарихий китоблар тайёрлаш вазифаси белгилаб берилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Республика ишчи гуруҳи раҳбари Р.Қосимовнинг 2021 йил 12 мартдаги 09-446-сонли хатига биноан 2021 йил 15 мартга қадар вилоятлардаги олий таълим муассасаларининг тарихчи олимлари, рус тилидан таржима қилишга кўмаклашадиган малакали профессор-ўқитувчилар, «Ўзархив» агентлигининг вилоят бошқармалари архившунос мутахассисларидан иборат муаллифлар жамоаси ташкил этилди.

Худудий олий ўқув юртлари муассасалари архив фондларида нафақат Ўзбекистон, балки МДҲга аъзо давлатларнинг архивлари ва кутубхоналаридан олиб келинган қатағон даври тарихига оид ноёб архив материаллари ҳамда илмий-тарихий адабиётларни атрофлича ўрганиш, уларни қатағон даври босқичлари ва тарихий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда таснифлаш, бевосита Ўзбекистонга дахлдор бўлган материалларни ўзбек тилига таржима қилиш ва ҳар бир вилоят бўйича кўп жилдлик архив ҳужжатлари тўпламларини нашр этиш зарурияти кўрсатилган. Айни вақтда, Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов 2021 йил 12 мартдаги 02-74-сонли хати билан Ў.Шукуров, Н.Зухриддинов, олий ўқув юртлари ректорларига юқоридаги топшириқ ижроси юзасидан белгиланган тартибда иш ташкил этиш, амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотларни белгиланган муддатга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этиш талабини қўйган. Юқоридаги кўрсатмалар асосида АндДУ ректори А.С.Юлдашев раислигида 2021 йил 9 апрелда йиғилиш ўтказилди. Рус ва бошқа тиллардаги китоблардан Ўзбекистонга дахлдор ҳужжат ва материалларни ўзбек тилига таржима қилиш асосида кўп жилдлик **«Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда»** номли ҳужжат ва материаллар тўпламини тайёрлаш ва нашр этишга қарор қилинди. Китобни тайёрлаш бўйича бизнинг раҳбарлигимизда илмий ишчи гуруҳ (Г.А.Богданович, Ш.Қаҳҳоров, Р.Ҳайитбоевадан иборат) белгиланди.

Гуруҳ аъзолари университетдаги ўқув ишларини бажаришдан вақтинчалик озод қилинди, илмий тадқиқот ишларини олиб боришди. Журнал таҳририяти ва китоб тайёрловчи илмий ишчи гуруҳ кўп жилдлик **«Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда»** номли китобга киритилаётган ҳужжат ва материаллардан айримларини «Водийнома» журналининг 2021 йил 2-сонидо берди.

2016 йил охиридан бошланган миллий тараққиётимизнинг янги даврида бутун халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини янада ошириш, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида, эл-юрт бугуни ва келажакига садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялашда миллий матбуотнинг ўрни ва ролига эҳтиёж тобора ортмоқда. Айни шу мақсадда Андижонда 2016 йил охиридан «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди, Андижон вилояти ҳокимлиги ва Андижон давлат университети ҳамкорлигида «Водийнома» (Тарихий мерос) ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнали чиқа бошлади. Йилда 4 та сони чиқаётган бу журнал бой ва кўркам тарихимизнинг турли соҳаларини ўзида акс эттиришдек мураккаб, масъулиятли, лекин шарафли мақсадни ўз олдига қўйган.



Шу кунга қадар «Водийнома»нинг 23 та сони мухтарам ўқувчиларга етказиб берилди. Журнал кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланмоқда. Номзодлик, докторлик диссертациялари устида иш олиб бораётганлар унда кўплаб илмий мақолалар эълон қилишмоқда. Тарихимизнинг кам ўрганилган саҳифаларидан Ўзбекистонда подшоҳ Россияси ва совет мустамлакачилиги даврида олиб борилган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган ҳиссаси тарихига бағишланган 60 га яқин илмий мақолалар эълон қилдик. Улар жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди. Ҳатто Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазири, профессор Рустам Собирович Қосимов ўз даврида «Водийнома» журнали таҳририятини тақдирлаб, бу журналнинг 1 та сони учун сарфланадиган 15 млн сўм маблағ билан таъминлаган эди. «Водийнома» бош муҳаррири сифатида 2020 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари

бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан «**Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қўшган муносиб ҳиссаси учун**» кўкрак нишони билан тақдирландим.

Ш.М.Мирзиёев давлатимиз раҳбари бўлганидан бошлаб илм-фаннинг турли тармоқларига, айниқса, тарих фанига бениҳоя катта эътибор бераётганлиги барчамизга аён. Айниқса, подшоҳ Россияси ва советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатларини батафсил ўрганиш, ҳар бир вилоятда Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссасини кенг ва атрофлича тадқиқ этиш, тарихимизнинг бу икки йўналиши бўйича тадқиқот ва тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган қатор қарор ва фармонларида илгари сурилган концептуал, методологик ғояларни тарғиб ва ташвиқ этишда «Водийнома» журнали таҳририяти баҳоли қудрат хизмат қилиб келмоқда. Журнал саҳифаларида, айниқса, юқорида қайд этилган тарихимизнинг кам ўрганилган йўналишларини ёритишга бағишланган кўплаб илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар эълон қилинди. «Водийнома»нинг 2016 йил 1-сонидан 2021 йил 3-сонигача жами 21 та сонида Қатағон қурбонлари хотираси тарихи бўйича 86, Ўзбекистон халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси тарихи бўйича 46 та мақола эълон қилинди.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан туриб шундай деган:

«Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

¹ Водийнома. 2017. №2 (4) – Р.Шамсутдинов, А.Отахонов. «Фронт ҳақиқати» саҳифаларида жанглар тафсилоти; О.Абдуқаҳҳоров, Б.Қаҳҳоров. Ватан қаҳрамонлари; Водийнома. 2019. №1 (12) – Р.Т.Темиров. Андижон фашизм босқинига қарши кураш йилларида (1941 – 1945): ҳужжатлар ва материаллар; Р.Т.Шамсутдинов, Д.И.Хомидов. Усмон Юсупов; Т.Кенесариев. Туркестанцы в годы Отечественной войны: вклад в тылу врага; А.Д.Казакбаев. Киргизы в Туркестанском легионе; коллаборационисты по выборы и без; А.Д.Казакбаев. «Туркестон легиони»даги қирғизлар; Ш.А.Ҳайтов. Туркестонлик ҳарбий асирлар тақдири ҳақида; Водийнома. 2019. №3 (14) – Бош муҳаррир минбари. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган ҳиссаси. Победа одна на всех. Беларусь-Ўзбекистан. Ғалаба барчамиз учун ягона. Беларусь – Ўзбекистон; Р.Шамсутдинов, Д.Хомидов, И.Насриддинов. Ўзбек ҳарбий асирлари тақдири ҳақида; Водийнома. 2019. №4 (15) – Р.Т.Шамсутдинов. Беларусь учун жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ва ўша заминда дафн қилинган ўзбекистонликлар; Мамуржон Саидхонов. Ўзбек адиблари фронт газеталарида; Рустамбек Шамсутдинов. Ўзбек жангчилари рус адиблари нигоҳида. Наим Каримов. Туркестон легиони: қачон ва қандай ташкил этилган; Шахбоз Ходжиев. Ўзбекистонлик меҳнат армиячилари («Қуролсиз аскарлар»)нинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга доир мулоҳазалар. «Водийнома» 2020 №3 (18) – Рустамбек Шамсутдинов, Исмоилддин Насриддинов. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага андижонликларнинг ҳиссасидан лавҳалар; Фронтга сафарбар қилинганлар. Эвакуация қилинганлар. Рустамбек Шамсутдинов, Сойибжон Ҳошимов, Хуршид Курбонов. «Қуролсиз аскарлар». Озод қилинган ҳудудларга кўрсатилган ёрдам; Алишер Мамажонов. Жанггоҳлардан соғ-саломат юртига қайтганлар. Водийнома. 2020. №2 (17) – Л.Курбонова, Д.Хомидов. Аждодларимиз жасорати мангу барҳаёт. Андижон фарзанди Қўчқор Турдиев – Ўзбеклардан чиққан биринчи қаҳрамон; Р.Шамсутдинов, Х.Курбонов. Меҳнат армиячилари – «қуролсиз аскарлар»нинг ғалабага қўшган ҳиссаси. Водийнома. 2021. №2 (21) – Академик Акмал Саидов. «Шарқий легионлар»: Иккинчи жаҳон уруши давридаги туркестонлик ҳарбий асирлар қисматига бир назар ёхуд коллаборационизм нима?; Улуғбек Солиев. 94-ўзбек ўқчи дивизияси артиллериячиси Исмоилжон Тўхтасинов эсдаликлардан.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроа асосида ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

Биргаликдаги сазъ-ҳаракатларимиз туфайли кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди.

Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди.

Томонлар ўз сиёсий иродасини, ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга тайёр эканини намоён этгани туфайли ўтган йигирма олти йил давомида биринчи марта ушбу ғоят нозик масала бўйича катта натижага эришилди».



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 – 6 сентябрдаги Қирғизистонга давлат ташрифи маъно-мазмуни жиҳатидан бу икки қондош ва жондош халқлар тарихига муҳим тарихий воқеа сифатида муҳрланди. Олий даражадаги музокараларда икки мамлакат, икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги сифат босқичига кўтарилди. Икки қардош халқ ўртасидаги қўшничилик муносабатлари тикланганлигидан ҳар икки республика халқлари бениҳоя хурсанд бўлдилар. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятига чексиз миннатдорчилик изҳор қилдилар. Шу муносабат

билан «Водийнома»нинг 2017 йил 5-сонидан «Эътироф», «Бир эл, бир дил бўлиб», «Дўстлик ва қардошлик тантанаси», «Қирғизистонлик оқинга Президент совғалари», «Йўлларимиз қисқа ва равон бўлди» каби мақолалар эълон қилинди. Қирғизистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фахрий журналист Мирзаҳалим Каримов бундай улуғ воқеани тасвирлаб «ИККИ ЭЛ БАХТИ УЧУН ПОРЛАГАН ЮЛДУЗ ёки давлат чегараларини очиб, кўзларимиздан қувонч ёшларини оқизган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мактуб»ни «Водийнома»да эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Андижон давлат университети, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди, Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузуридаги «Мурас» («Мерос») жамоат фонди, Ўш давлат университети билан ҳамкорликда

2018 йил 17 майда Андижон давлат университетида «Қўқон хонлигининг атоқли давлат арбоби ва саркардаси Амирлашкар Алимқулнинг ҳаёти ва фаолияти (1831 – 1865)» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Захиралли Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети




“Қўқон хонлигининг атоқли давлат арбоби ва саркардаси
АМИРЛАШКАР АЛИМҚУЛНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ (1831-1865 йил)»
Халқаро илмий конференция
ТАКЛИФНОМА ВА ДАСТУРИ

“ЖИЗНЯ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ВЫДАЮЩЕГОСЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО
ДЕЯТЕЛЯ И ПОЛКОВОДА КОКАНДСКОГО ХАНСТВА АЛИМКУЛА
АМИРЛАШКАРА (1831-1865 гг.)”
Международная научная конференция
ПРИГЛАШЕНИЕ И ПРОГРАММА

“LIFE AND ACTIVITIES OF THE OUTSTANDING STATESMAN AND
COMMANDER OF THE KOKAND KHANATE ALIMKUL
AMIRLASHKAR (1831-1865)”
International scientific conference
INVITATION AND PROGRAM



Андижон-2018






Конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи: чапдан иккинчи профессор Тошманбет Кененсариёв (Бишкек),
учинчи «Мурас» жамоат фондининг раиси, профессор Қиёсбек Матқосимов (Бишкек)



Ўш давлат университети ходимлари Андижон давлат университети тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси музейидан жуда катта таассурот олдилар



2018 йил октябрда Ўш шаҳрида Ўш давлат университети билан Андижон давлат университети тарихчи ва адабиётчилари ҳамкорлигида замонамизнинг буюк адиби Чингиз Айтматовнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Ўш давлат университетининг 80 йиллиги ва профессор К.Х.Нурдинованинг 70 ёшга тўлишига бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда АнДДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси аъзолари иштирок этишди

Қардош қирғиз халқи унча катта миллат бўлмаса-да, бироқ улар кўплаб ноёб, дурдона бойликларга эга. Улардан энг улканлари, икки қаноти «Манас» ва Чингиз Айтматовдир. Қирғизистон Президентининг 2019 йил 31 январдаги фармони билан Бишкекда «Манас» ва Ч.Айтматов академияси ташкил этилган. Академиянинг раҳбари этиб Қирғизистонда «демократ-мухолифатчи-инқилобчи» номи билан машҳур бўлган, 2012 йили Қирғизистон давлат университети таркибида Манасшунослик институтини ташкил этган фалсафа фанлари номзоди, манасшунослик ва кўчманчи қирғиз цивилизацияси тарихи билағони Топчубек Турғуналиев тайинланган. «Тақдир ҳазили» шу бўлдики, Қирғизистон Президенти А.Акаев ўзи учун қурдирган жуда катта кутубхона ўзига насб этмасдан, «мухолифатчилик фаолияти» учун узоқ муддатга қамоққа ҳукм қилинган манасшунос ҳожи Топчубек Турғуналиевга насиб этди.

2019 йил 19 октябрда шу академияда «Манасшунослик, қирғизшунослик ва ватан тарихининг долзарб масалалари», «Саякбой Каралаев – эпик хотира генийси» мавзуларида, Ўрта Осиё, айниқса, Қирғизистон ва Фарғона водийси тарихшунослигида салмоқли ўринга эга бўлган тарих фанлари доктори, профессор, Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «ДАНҚ» медали соҳиби **Ташманбет Кененсариєвнинг 70 йиллик юбилейига** бағишланган халқаро илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Анжуман ишида Хитой, Россия, Мўғулистон, Франция, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон олимлари қатнашиб, илмий ахборотлар билан чиқишлар қил-

дилар. Бу илмий анжуманларда Андижон давлат университетидан доцент Манзура Акбарова иккимиз ўз маърузаларимиз билан қатнашдик.

Т.Кененсариев билан мен 1990 йиллардан буён танишман, бизнинг Ўш воқеасига бағишланган «Қинғир ишнинг қийиғи» номли мақоламиз бир саҳифа бўлиб Ўшдаги «Ленин йўли» газетасида нашр қилинганда бу мақолага танқидий тақриз билан Ўш ва Бишкек газеталарида чиқишлар бўлган. Ўз навбатида, биз ҳам ана шу тақриз ва мақолаларга раддия мақолалари билан жавоб берганмиз. Вақтлар ўтиб мустақилликка эришгач, 1998 йили менинг ҳузуримга келиб, Қўқон хонлиги тарихининг янгича талқин этилиши масаласи бўйича докторлик диссертациясини тайёрлагани, диссертация ҳимояси Бишкекда бўлиши кўзда тутилганини айтиб, мендан докторлик диссертациясига расмий оппонентлик қилишни илтимос қилган. Ўртамиздаги аввалги тушунмовчиликлардан қатъи назар, розилик бердим ва Бишкекка бориб, унинг диссертациясига расмий оппонентлик қилдим. У фан доктори илмий даражасига эга бўлди. Ўш, Жалолобод давлат университетлари ректори бўлди, Қирғизистон Президенти Девонида масъул лавозимда ишлади. Профессор Т.Кененсариев билан бизнинг илмий ҳамкорлигимиз, айниқса, 2016 йилдан сўнг янги куч билан давом этди.



2019 йил 19 октябрь, Бишкек, Қирғизистон. Анжуман иштирокчиларидан бир гуруҳи

Қардош Қозоғистон тарихчи олимлари билан илмий алоқа ва ҳамкорлигимиз мустақиллик йилларида янада ривожланди. «Мерос» йўли билан самарқандлик дўстим Шодмонқул Пиримқулов, шогирдим Манзура Акбаровалар билан биргаликда Олмаота, Астана (ҳозирги Нур-Султон), Кўкчатов, Қарағанда шаҳарларида илмий сафарда бўлиб, республиканинг қатор архивларида изланишлар олиб борганмиз, шогирдим М.Акбарованинг номзодлик диссертацияси Ўрта Осиёдан Шимолий Қозоғистонга сургун қилинганларнинг қисмати ва тақдирига бағишланган. Ҳимоя қилингандан сўнг 2009



Буюк Чингиз Айтматовга бағишланган давлат музейида. 2019 йил 20 октябрь



йили «Шарқ» нашриётида ҳаммуалифликдаги «Шимолӣ Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати» номли китобимиз эълон қилинган. Қозоғистон тарихчиларининг сардори академик Манаш Кузибоев Андижон давлат университетига қадам ранжида қилган, у билан 1994 – 1995 йилларда Туркияда кўп жилдлик туркий дунё халқлари тарихини яратиш бўйича конгрессда яқиндан танишган эдик.

Қозоғистон тарихчи олимларидан профессор Ж.А-билхожин 2006 йили «Шарқ» нашриётида рус тилида чиққан 3 жилдлик **«Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка (1929 – 1955 гг. Документы и материалы)»** асарининг таҳрир аъзоси бўлган.

Қозоқ халқининг миллий озодлик, мустақиллик учун курашига раҳбарлик қилган Алаш Ҷрда миллий партияси ва мухтор ҳукумати 1917 йил апрель майида ташкил этилиб, 1920 йил мартида большевиклар томонидан йўқ қилинган. 1917 йил ноябрида Қўқон шаҳрида жадидлар саъй-ҳаракати билан Туркистон Мухторияти давлати қонуний йўл билан ташкил этилганди, аммо бу ҳукумат большевиклар томонидан 1918 йил феврилида қурол кучи билан ағдарилган. 2017 йил 23 июнда бу икки миллий, демократик давлат ташкил топганининг 100 йиллиги нишонланди. Санага бағишлаб Абай номидаги Қозоғистон миллий педагогик университетида **«Алашорда, Туркестан Мухторияти: взгляд через столетия, позиции, выводы»** («Алаш Ҷрда, Туркистон Мухторияти: юз йил ўтгач муносабат, қарашлар, хулосалар») ном-

ли халқаро конференция ўтказилди. Бу анжуманда Марказий Осиё давлатларидан (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон) келган олимлар, жумладан, илмий тадқиқот институтлари ходимлари ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари иштирок этишди. Конференция ялпи мажлисида Қозоғистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор М.К.Койгелдиев, И.Араббаев номидаги Қирғиз давлат университети ректори профессор Т.А.Абдурахмонов, Ж.Болосоғун номли Қирғиз миллий университети профессори Т.Чоратегин, Қирғиз тарих жамияти халқаро жамоат бирлашмаси президенти, тарих фанлари доктори Т.О.Омарбеков ўз маърузалари билан чиқиш қилдилар, улар орасида камина ҳам бор эди. Илмий анжуманда XX аср бошларида Марказий Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракати тарихи, 1917 йилги инқилобий воқеалар, Алаш Ўрда миллий ҳукумати ва Туркистон Мухторияти ҳукумати тарихи масалалари муҳокама қилинди.

Туркистон Мухторияти тарихини тўлароқ ёритишда Москва ва Тошкентдаги марказий архивлар ҳужжат ва материалларидан, ҳинд-афғон миллий озодлик ҳаракати арбобларидан профессор Муҳаммад Баракатуллоҳон ва Туркистон жадиждларидан Низомиддин Хўжаевнинг шахсий архив ҳужжатларидан кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, бир қатор янги ҳужжат ва материалларни шарҳлаб бердим.



Р.Т. Шамсутдинов СамДУ профессори Шодмонкул Примкулов билан Қозоғистон Президенти Давлат архивида, Олма-ота, 2004 йил июль



Конференцияда академик Мамбет Койгелдиев мени маълум ва машхур тадқиқотчи ва ёзувчи Турсын Журтбай билан яқиндан таништирди. Қозоғистон ва унинг ташқарисида ўзининг илмий ва адабий фаолияти билан танилган, катта истеъдод соҳиби Турсын Журтбай менга сўнги 25 йиллик фаолиятининг илмий маҳсули сифатида яратилган **«Большая, гордость моя – Алаш!»** (Трилогия) номли (116 босма табақли, 1100 бетли) улкан монографик асарини, академик Мамбет Койгелдиев 2008 йилда нашр этилган **«Алаш қозғалысы»** номли китобини тақдим этди. Бу икки асар билан танишгач, бизда Ўрта Осиёдаги Туркистон Мухторияти ва Қозоғистондаги Алаш Ўрда миллий ҳукуматларига хос умумийликлар ва ўзига хос жиҳатлар масаласида тадқиқот олиб бориш ғояси туғилди. Чиндан ҳам совет ҳокимиятига қарши турган бу икки халқнинг давлатчилик тарихидаги Алаш Ўрда ва Туркистон Мухторияти тарихини ҳамкорликда кенгроқ яратиш зарурлиги ҳар жиҳатдан асосланди.

Ўзбек-қозоқ илмий ҳамкорлиги юқори малакали тарихчи кадрларни етказишда ҳам намоён бўлмоқда. Бунинг ёрқин мисоли академик М.Койгелдиев Тошкентга келиб, АндДУ доценти Б.Расуловнинг докторлик диссертациясига расмий оппонентлик қилиши бўлди. Б.М.Расулов Андижон давлат университетида илмий ишлар бўйича проректор вазифасида ишлади, ҳозирда Андижон давлат университетининг Педагогика институти директори вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида бир зиёли сифатида менга Америка Қўшма Штатлари, Англия, Австралия, Германия, Франция, Италия, Швейцария, Чехия, Миср, Саудия Арабистони, Покистон, Ҳиндистон, Япония каби мамлакатларда бўлиш насб этди. АҚШдаги Индиана университети департаменти мудири профессор Нозим Шаҳронийнинг таклифи билан магистрларга Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари бўйича маъруза ва амалий машғулот ўтказиш



Анжуман раиси М.Койгелдиев каминга Алаш Ўрда ҳукумати ва Алаш Мухториятининг 100 йиллигига таъсис этилган эсдалик медалини тантанали равишда тақдим этмоқда





Индиана университети тарих факультети декани профессор Карл. Медиса ва камина. 1995 йил октябрь



Профессор Н.Шаҳроний ва камина Индиана университети докторантлари билан. Блумингтон. 1995 йил октябрь



Индиана университети департаменти бошлиғи профессор Назиф Шаҳроний ўзбекистонлик, туркманистонлик, афғонистонлик олимлар билан

зиш учун 1995 йили илмий сафарда бўлдим. Бу илм даргоҳи билан илмий алоқамиз шу бугунгача давом этиб келмоқда.

Университетимизнинг Ўзбекистон тарихи кафедраси Россия Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти, Тожикистоннинг Хўжанд давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Қарши давлат университети, Термиз давлат университети, Навоий давлат педагогика университети ва бошқа ўқув ва илмий даргоҳлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кафедранинг эътиборга лойиқ жиҳатларидан яна бири – Ўзбекистон тарихининг ўрганилмаган қатор мавзулари бўйича Ўзбекистоннинг барча вилоятлари (Қорақалпоғистондан ташқари), Москва, Санкт-Петербург, Киев, Херсон, Олмаота, Кўкчатов, Шўртандин, Қарағанда, Боку, Ставрополь, Прикумск, Николо-Александровск, Левакумск, Новосибирск каби йирик илмий марказларга илмий сафарлар уюштирилди, жойлардаги архивларда, кутубхоналарда ишланди, қатағон ва сургун қилинган, ГУЛАГ лагерларида яшаган ва ўша жойларда ҳалок бўлган юртдошлар ҳақидаги маълумотларни олиш бўйича катта ишлар қилинди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари, Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германияси ва япон милитаризми устидан қозонилган буюк ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси тарихи ҳақида катта ишлар олиб борилмоқда. 2021 йил ноябрда нишонланадиган Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 90 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ илмий, ташкилий ишларда Ўзбекистон тарихи кафедраси пешқадамлик қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ қатор соҳаларда бу илмий жамоа ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шу кафедрада 30 йил фаолият кўрсатган инсонлардан бири сифатида озми, кўпми қилган ишларим давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланганидан беҳад мамнунман. 1991 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан, Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. 2020 йил 30 ноябрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директорининг 150-сонли буйруғига асосан «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўкрак нишони билан тақдирланганим ҳам янгидан-янги илмий йўналишлар бўйича тадқиқот ишларини олиб боришим учун маънавий озуқа бўлиб хизмат қилмоқда.

Андижон давлат университети ва унинг таркибидаги Ўзбекистон тарихи кафедраси илмий жамоасининг келажаги порлоқдир. «Ўзбекистон тарихи хорижий манбаларда» номли ҳужжатлар ва материаллар тўпламини сиз азизларга тақдим этмоқдамиз. Бу асар буюк истиқлолимизнинг 30 йиллиги, Андижондаги тўнғич олий ўқув юрти – Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 90 йиллига бағишланган кичик бир совғадир.

Р.Т.Шамсутдинов,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор

Институт российской истории РАН. Дом наук
о человеке (Франция).

Центральный архив ФСБ РФ. Институт истории новейшего времени (Франция). Российский государственный военный архив

**СОВЕТСКАЯ ДЕРЕВНЯ ГЛАЗАМИ
ВЧК-ОГПУ-НКВД
Том 1. 1918 – 1922**

документы и материалы

Редакционная коллегия тома: А.Берелович (ответственный редактор), В.Данилов (ответственный редактор), Н.Верг, В.Виноградов, Л.Двойных

Составители тома: Л.Борисова, В.Данилов, Н.Ивницкий, В.Кондрашин (ответственные), Т.Голышкина, В.Гусаченко, А.Николаев, Н.Тархова.

Москва: РОССПЭН, 1998.



ВЧК – Бутунроссия фавкулудда комиссияси (БФК) махфий бўлимининг 1920 йил 1 – 10 ноябрь ҳолати бўйича ахбороти

1920 йил 18 ноябрь, мутлақо махфий

Жойлардаги аҳоли кайфияти

Туркистон. Бугунги кунда Туркистон Республикасида¹ меҳнаткашларнинг кенг қатламига таянувчи ҳақиқий совет ҳокимияти ўрнатилган деб айтишга ҳали эрта. Совет ва партия органлари пролетариат билан ҳам, коммунистик партия билан ҳам ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган унсурлар билан тўлган. Айниқса, бу ҳолат волость ва қишлоқ ижрокўмлари фаолиятида яққол кўзга ташланади. Аҳоли орасида партия иши йўқлиги туфайли, бир томондан, рус аҳолиси яшайдиган ҳудудларда кулоқлар ҳукмронлик қилаётган бўлса, иккинчи томондан, мусулмон аҳоли орасида бойлар ҳукмронлик қилмоқда. Аграр масала тўлиғича кулоқлар фойдасига ҳал этилмоқда. Россия коммунистик партияси мутлақо ҳаракатсиз ҳолатда. Масалан, Андижон партия ташкилоти чириётган мурдага ўхшайди. Аҳоли совет ҳокимиятининг мақсадлари ҳақида ҳам, РКПнинг аҳамияти тўғрисида ҳам ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, шу боис жойлардаги ҳокимият тузилишини ҳар қандай турда ўзгартирилиши аксилинқилобий кўринишларни юзага келтирмоқда (ФКнинг 15 сентябрь – 1 октябрь даврига оид ҳисоботидан).²

¹ Туркистон совет республикаси 1918 йил 20 апрель – 1 май кунлари Тошкентда ўтказилган Советларнинг 5-ўлка съезди томонидан эълон қилинган. Республика таркибига Каспийорти, Самарқанд, Еттисув, Сирдарё, Фарғона областларидан ташкил топган Туркистон ўлкаси кирган.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ. Том 1. 1918 – 1922. – С.357.

Руҳонийлар. Туркистон. Туркистон ўлкаси. Рус православ руҳонийлари ўзининг умумий ҳолатига кўра мутлақо пассив даражада. Бир поп ғалла тақсимланишига қарши ишларни амалга ошириш мақсадида қишлоқ йиғинини чақирмоқчи бўлди. Попнинг уриниши беҳуда кетди. Йиғин тарқатиб юборилди, попнинг ўзи инқилобий трибунал ҳукми билан отилди. Мусулмон руҳонияти эса анча уюшган, жипслашган ва фанатик кайфиятда, у аҳоли орасида катта обрўга эга ва «Уламо» реакцион партияси тарафида. Аксилинқилобий тарғиботи учун Самарқанд областидан битта руҳоний ва Полторацкдан битта руҳоний сургун қилинди (ГФКнинг 15 сентябрь – 1 октябрга доир ҳисоботи).¹

1920 йил ноябрь ҳолатига ВЧК махфий бўлимнинг исёнчи ҳаракат ҳақидаги ҳисоботи

1920 йил 11 декабрь

... XII. Туркистон

Туркистон, Фарғона областларида бандитизмнинг алоҳида тури – босмачилик кенг тарқалган. «Босмачи» маҳаллий тилда қароқчи деган маънони англатади. Аммо босмачилик анчадан буён қароқчилик ҳаракати бўлмасдан, сиёсий оқ гвардиячи антисовет ҳаракатига айланди. Босмачиларнинг таркиби (контингенти) маҳаллий қишлоқлардаги ер ва озиқ-овқат бўйича совет сиёсатидан норози бўлган сарт-қулоқлар ва бойлар (хўжайинлар)дан иборат эди.

Бу ҳаракат рус мустамлакачиларига қарши миллатчилик характерида намоён бўлди. Босмачилик ҳаракатининг бошида Кўршермат ёки, ўзининг айтишича, Шермуҳаммад кўрбоши, «Фарғона мусулмонлари қуроли кучларининг бош кўмондони» турар эди. Босмачилар орасида ҳатто ўзаро бир-бирларига қарши ҳужум қилиш, талон-торож этиш, ўлдириш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Улар сўнгги пайтларда темир йўлларга ҳужум қилишмоқда, пахта ва совун ишлаб чиқарадиган заводларни ёқиб юборишди, бой пахта захираларига ҳужум қилишди ва тўқимачилик саноатига зарба беришди. Қурол-яроғ Бухородан олинган бўлиб, пулемётлар ҳам бор эди.

Босмачилик анчадан буён Фарғона фронтига айланди, Туркфронт босмачиликни йўқ қилиш учун турли операцияларни амалга оширди. Бу жуда қийин иш. Босмачилик кўп йиллардан буён Туркистонда мавжуд бўлиб, оқ подшо (царизм) тузумида ҳам ҳаракатда бўлган. Қишда – чўлларда босмачилар отлари учун озиқ-овқат бўлмаганда (босмачиларнинг барчаси отда ҳаракатланади) улар қишлоқларга жойлашишади. Баҳорда – қуёшнинг илк

¹Кўрсатилган манба. – С.359.

нурлари таралганда улар отларига ўтириб, тинч деҳқондан яна босмачига айланадилар. Бухородаги инқилоб босмачиликни қуроллар билан таъминлаб туришни тўхтатса-да, улар Хитой чегараси орқали олиб ўтдилар. Шунингдек, босмачилар орасида Хитойдан Фарғонага йўл олган Анненков бўлинмасининг кўплаб рус зобитлари ва казаклар ҳам бор. Кейинги йилларда совет ҳукумати томонидан Туркистонда бойларга нисбатан қатъий принцип асосида олиб борилаётган сиёсат натижасида камбағаллар олдида давлатнинг обрўси ортиб бормоқда. Келгуси баҳорда босмачилик ҳаракати янада заифроқ бўлишига умид қилиш мумкин. Бойларга қарши қаттиқ кураш ва маҳаллий камбағалларни бирлаштириш босмачилик ҳаракатини тўлиқ бартараф этиш шартларидан биридир.¹

**БФКнинг² махфий-оператив бошқармаси шошилинич
ахборот маълумоти**

№207 / 1921 йил 1 апрель ҳолатига

1921 йил 2 апрель

Туркистон ҳарбий округи («Туркфронт» нодавлат ташкилот раҳбарининг телеграммалари, №01351 ва №01352, 31 март. Ўртоқ Петерснинг телеграммаси, 1 апрель).

Вазият умуман ночор, аммо ҳалокатли эмас. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги етишмовчилик Фарғона областини хавотирга солмоқда. Кўқон шаҳрида ишчилар ва аҳолининг кайфияти ёмон, антисемит тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Еттисув областининг Лепсин ва Копаль уездларида озиқ-овқатнинг ҳолати ва Хитойдан қочиб келган оқ офицерларнинг кирдикорлари сабабли омма советларга қарши кайфиятда. Пишпек ва Пржевальскда қулоқларнинг кайфияти очикдан-очик адоват кўринишида. Ер-сув ислоҳотини ўтказиш пайсалга солинмоқда.³

1921 йил 30 апрель ва 1 май ҳолатига

1921 йил 2 май

Туркистон ҳарбий округи (БФК ДВ телеграммаси, №1123, 28 апрель).

Фарғона области.

2. 23 апрелдан бошланган босмачилик ҳаракатининг фаолияти кучаяётганлиги кўзга ташланмоқда. Босмачилар кўприкларни ёқиб юбормоқдалар ва йўлларни ишдан чиқармоқдалар. Гуруҳлар фаолияти умумий режа асосида амалга оширилмоқда.

Самарқанд области.

¹ Кўрсатилган манба. - С.378.

² Всероссийская чрезвычайная комиссия - Бутунроссия фавқулудда комиссияси.

³ Кўрсатилган манба. - С.400 - 402.

5. Босмачиларнинг 50 раҳбарлари қўлга олингандан сўнг босмачилик кучсизланди, раҳбарлари қўлга олиниши натижасида қабилавий душманлик тўхтади.¹

№34. 1921 йил 9 май ҳолатига

1921 йил 10 май

Етгисув области

1. Аҳоли хотиржам кайфиятда. Озиқ-овқат билан боғлиқ ҳолат оғир аҳволда. Лепсин ва Сергиополь уездларида очлик билан боғлиқ 50 та ўлим қайд қилинган. Қулоқлар ҳисобидан 2 та озиқ-овқат пункти ташкил этилди. Ғалла экиш кампанияси бошқа ҳудудларга қараганда Пржевальск уездида яхши ташкил этилган. Топшириқ 100 фоиздан ортиғига бажарилади. Пржевальск ва Пишпек районларида ер ҳайдаш ишлари тугатилди. Қирғиз аҳолининг кайфияти дадил, русларники эса хотиржам.

Фарғона области

1. Аҳоли кайфияти қониқарли.

2. Босмачилар томонидан темир йўл полотносини бузиш камайди. Босмачилик ҳаракати, умуман олганда, кучсизланмоқда. Кўршерматнинг қароргоҳидаги ҳокимият марказлашмоқда. У Бухородан ўз пуллари зарб этиш учун иккита станок олиб келган.²

№38. 1921 йил 13 май ҳолатига

Туркистон ҳарбий округи (БФК ДВнинг 1921 йил 12 майдаги №3500 телеграммаси).

Фарғона области

1. Яқинлашиб келаётган очарчилик хавфи ва босмачилик ҳаракатининг кучайиши туфайли аҳоли кайфияти ёмон аҳволда. Экин кампанияси сушт амалга оширилмоқда. Экин экиш тугалланмаган жойлар Қўқон уездида 80 фоизни ташкил этмоқда. Пахта экиш бўйича топшириқ Қўқон ва Хўжанд уездларида 80 фоиз бажарилган, бошқа ҳудудларда эса пахта экиш секин амалга оширилмоқда. Ерсизлар иттифоқи ёлланиб меҳнат қилишни афзал билиб ер олишдан бош тортмоқда.

2. Темир йўл полотноларини (полотно – кўтарма (шағал тўкиб кўтарилган хомаки йўл) доимий равишда ишдан чиқариш бўйича Кўршерматнинг буйруғи чиққан. Босмачилар совет ҳокимиятига буғдой берган мусулмонларни отиб юбормоқдалар.³

¹ Кўрсатилган манба. – С.423.

² Кўрсатилган манба. – С.427.

³ Кўрсатилган манба. – С.433 – 434.

№45. 1921 йил 21 ва 22 май ҳолатига

1921 йил 23 май

... Туркистон ҳарбий округи (ВЧК Доимий вакиллигини 3688-сонли 19 майдаги телеграммаси)

... Фарғона области.

2. Босмачилик кучайиб бормоқда. Қўқон районидаги босмачилар гуруҳлари катталашиб, уларда ҳаракат қилаётган аъзолар сони бир неча ўнлаб одамдан 200 – 300 кишига етган.¹

№235 / №251, 1921 йил 28 ва 29 май ҳолатига

1921 йил 30 май

Туркистон ҳарбий округи. БФК ДВнинг 2834-сонли телеграммаси. 26 май

Фарғона области

2. Ўш районида аҳвол жиддий. 8000 нафар босмачилар Ўшдан 3 чақирим масофада жойлашган. Андижон ва Марғилон шаҳарларига босмачилар контрибуция-тўлов белгилаган бўлиб, у Андижон аҳолиси томонидан тўланган.²

№6. 1921 йил 11 ва 12 июнь ҳолатига

1921 йил 13 июнь

Фарғона области ([ВЧК ППнинг Ахборот маълумоти], 9 июнь)

1. Қишлоқ ижроия қўмиталарининг аксарияти бойлар (қулоқлар)нинг кучли таъсири остида бўлиб, деҳқонлар совет ҳокимияти ҳақида жуда оз тасаввурга эга эди. ОБФК³ область комиссияси томонидан Жалолобод районидаги қулоқлар посёлкалари қуролсизлантирилгандан сўнг камбағалларнинг кайфияти сезиларли даражада яхшиланди. Босмачилик сабабли совет ҳокимиятининг янги иқтисодий сиёсати аҳолини қизиқтирмайди. Баъзи жойларда кооперативлар кенгашини сайлаш учун сайловчиларнинг 1 фоизидан кўп бўлмаган аҳоли қисми қатнашди. Босмачиларнинг Ўш, Андижон, Марғилон ва Фарғонага ҳужумлари давом этмоқда. Ушбу шаҳарларнинг аҳолиси босмачилар томонидан уларга қўйилган тўловларни тўладилар. Сулукта ишчиларининг босмачилар томон ўтишига оид ҳолатлар кузатилди.

Сирдарё области ([ВЧК ППнинг Ахборот маълумоти], 9 июнь)

1. Қишлоқ қўмиталарида бойлар устунлик қилмоқда, Тошкент шаҳрининг айрим қишлоқларида ижроия қўмиталар тарқатиб юборилган ва ревкомлар

¹ Кўрсатилган манба. – С.439.

² Кўрсатилган манба. – С.447.

³ Бутунроссия фавқулудда комиссияси область бўлими.

вақтинча тайинланган. Аҳоли Қизил Армияга хайрихоҳлик билдирмоқда. Бутун область бўйича солиқ йиғишга тайёргарлик олиб борилмоқда.

2. Облиқ участкасида босмачилар фаолияти жонланиб бормоқда. Фарғона областидан бир нечта янги тўдалар келган, уларнинг жами сони 700 кишидан иборат.¹

№11. 1921 йил 18 – 19 июнь ҳолатига

1921 йил 20 июнь.

Туркистон ҳарбий округи (Госинфсводка, №2, 16 июнь).

Каспийорти области

1. Темир йўл ишчиларининг кайфияти яхшиланди. Озиқ-овқат солиғини моҳияти тушунтирилгач, солиқ аҳоли томонидан яхши кутиб олинди. Озиқ-овқат солиғини тўплаш кучайтирилган тартибда амалга оширилмоқда, лекин статистик аппарат йўқлиги ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳоли кайфияти, Эрондан сув келтирилгач, яхшиланди, катта ҳажмдаги ердаги ҳосилни сақлаб қолиш учун умид бор. Марв уездида чигиртка пайдо бўлди, Кушка районида эса қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари учрамоқда. Эпидемик касалликлардан вабо ва ўлат билан касалланиш давом этмоқда. Красноводскда вабо билан касалланиш бўйича 20 та ҳолат қайд этилган.

2. Областда бандитизм кучсизланмоқда.

Сирдарё области

1. Областда ишчиларнинг ўз вақтида ойликлари тўланмаслиги натижасида норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Қишлоқ ижроқўмларида бойларнинг таъсири кучли.

Жойларда камбағаллар уюшмалари тузилмоқда, лекин уларнинг фаолияти тажрибали раҳбарлар ва инструкциялар йўқлиги туфайли кучсиздир. ТКП МК иши кучсиз, айниқса, тарғибот соҳасида, жойлар билан алоқа кучсиз.

2. Босмачилик кучаймоқда, сўнгги пайтларда у сиёсий характер касб этмоқда.

1921 йил 1 июль №22 (78)

1921 йил 2 июль

Сирдарё области (БФК ДВ давлат ахборот маълумоти, №3, 16 – 23 июнь)

2. Фарғона билан чегарадош худудда босмачилар ҳаракати ривожланиб бормоқда, уларнинг Сирдарё областига қилган босқинларидан мақсад аҳолидан отлар ва патронларни тортиб олишдан иборат. Босмачиларга қарши курашда милициянинг фаолияти қониқарсиз. Милиционерларнинг босмачиларга ўтиш ҳолати кузатилмоқда.²

¹ Кўрсатилган манба. – С.454.

² Кўрсатилган манба. – С.462.

№262 / №52 (108) 1921 йил 5 август

1921 йил 6 август

Фарғона области (БФК ДВ давлат ахборот маълумоти, №12, 31 июлдан 4 августгача)

1. Областга ғалла келтириш яхшиланмоқда.

2. Босмачи тўдаларнинг операциялари кучайди. 30 июль куни Андижон районида босмачилар гуруҳи шаҳарга ҳужум уюштирди ва милтиқларни жангсиз қўлга киритди. Қўқоннинг эски шаҳар қисмида кейинги кунларда маҳаллий аҳолини қўзғолон кўтаришга ташвиқ қилувчи даъватлар кучайди. Ўш райони қишлоқлари босмачилар қўлига ўтди. Қўшимча маълумотларга кўра, Муҳиддин кўрбоши Иркентам (Эргаштом – таҳр.) шаҳрини қўлга киритиш билан бирга 35 винтовка, 2 яшик патрон, 35 та от ва 35 000 аршин (бир аршин тахминан 71 см га тенг бўлган) саноат молларини ҳам ўзлаштирган.¹

№285 / №111 (166) 1921 йил 10 октябрь

1921 йил 11 октябрь

Сирдарё области (Давлат ахборот маълумоти. №20 ва №21, 21 июлдан 5 октябргача)

1. ... Аҳолининг озиқ-овқат солиғига муносабати яхши. Солиқни йиғиш қониқарли кечмоқда, аммо контейнерлар, транспорт воситаларининг етишмаслиги ва солиқ тўплаш пунктларининг ишламаслиги солиқ йиғиш ишларини пайсалга солмоқда. Бункерларни таъмирлаш ва контейнерларни тайёрлаш учун 1,5 миллион рубль талаб қилинади. Тахминан 200 минг пуд буғдой йиғилди. Экиш кампанияси бошланди, у жадал суръатларда давом этмоқда, экиш майдонининг кўпайиши кутилмоқда. Дехқонлар отулов мажбуриятига қарши. Вабо эпидемияси сезиларли даражада камайди ва касаллик ўртача кунига беш ҳолатга тенг бўлмоқда. Очларга ёрдам бериш учун минтақавий комиссия 200 миллион рублдан ортиқ маблағ, 10 минг пуд озиқ-овқат йиғилди. 114 нафар оч қолганларни қабул қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.²

№293 / №128 (183) 1921 йил 29 ва 30 октябрь

Босмачи рейдлари ҳамма жойда давом этмоқда. Биз томонимиздан Жонибек ва Муҳиддинга қарши олиб борилган операциялар беҳуда тугади. Биринчисига сабаб тоғлардаги қор бўронлари бўлса, иккинчисига текисликда таъқиб қилишни давом эттиришнинг иложи йўқлиги сабаб бўлди. Лекин, шунга

¹ Курсатилган манба. – С.480.

² Курсатилган манба. – С.510.

қарамай, Муҳиддин, айниқса, Исроил бизнинг қисмдан анча озор топди ва шунга кўра тўқнашувдан ўзларини олиб қочиш ҳолатлари юз берди.¹

№310 / №101 (220) 1921 йил 9 декабрь

1921 йил 10 декабрь

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №62, 9 декабрь)

7. 6 – 7 декабрь кунлари олинган маълумотларга кўра, Драгомировский районида кўмондони номаълум 200 кишидан иборат тўда фаолият юритмоқда. Қўқон районида Ислонқул, Машраб, Ҳасаннинг жами 500 кишидан иборат отряди фаолият кўрсатмоқда. Худди шу районда Раҳмонқулнинг 650 кишилик отряди ҳаракатланмоқда. Андижон-Ўш районида Муҳиддиннинг 1000 кишилик отряди Исроилнинг 500 кишилик отрядига қўшилди.²

№316 / №172 (231) 1921 йил 22 декабрь

1921 йил 23 декабрь

Сирдарё области (1921 йил 22 декабрдаги №34 Давлат ахборот маълумоти)

8. Тиф эпидемияси хавфли даражага етмоқда. Касалхоналарда жой йўқлиги муносабати билан икки ҳафтада Тошкентда 3300 касални касалхонага қабул қилиш рад этилгани қайд қилинди. Айрим касалхоналарда тиббий ходимларнинг 75% касалланган.

Фарғона области (БФК ДВнинг 1921 йил 22 декабрдаги №34 давлат ахборот маълумоти)

2. Тўпланган озиқ-овқат солиғи: ғалла – 62% [топшириқнинг бажарилган фоизи], маккажўхори – 53, шоли – 40, арпа – 50, беда – 53, ҳайвон гўшти – 96, сабзавот – 43, тухум – 85%.

7. 6 декабрдаги маълумотларга кўра, бизнинг бўлинмаларимиз Андижон районида 800 кишилик Муҳаммадали ва Оқсоқов бошчилигидаги босмачи тўдаси билан тўқнашди.³

№327 / №12 (250) 1922 йил 14 ва 15 январь

1922 йил 23 январь

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №10, 13 январь)

7. 8 – 10 январь кунлари олинган маълумотларга кўра, Қорабой гуруҳи 200 босмачиси билан Каман районида фаолият юритмоқда. 10 январь маълумотларига кўра, Караван районида (Скобелевдан 32 верст (бир верст – бир ча-

¹ Кўрсатилган манба. – С.520.

² Кўрсатилган манба. – С.542.

³ Кўрсатилган манба. – С.548.

қиримга (километрға) тенг бўлган) жануби-шарқда) Муҳиддин отрядлари умумий сони 600 кишигача етган Бекмурод ва бошқа кўрбошиларнинг гуруҳлари билан бирлашмоқда. Нурмат мингбоши ва Олим 300 кишилик отряд билан Урочише, Қоровул-Қора Ёғоч районида турибдилар. 700 кишилик отряд билан Муҳиддин Эски Новқатни эгаллаган. Исмон-Лаксак кўмондонлиги остида 200 кишидан иборат Муҳиддин отряди Мингтепага (ҳозирги Марҳамат райони – Р.Ш.) келгани ҳақидаги маълумот тасдиқланди. Юнус 100 кишилик отряд билан Андижон районида фаолият кўрсатмоқда.¹

№340 / №29 (266) 1922 йил 4 ва 5 февраль

1922 йил 6 февраль

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №21, 3 февраль)

7. 27 январь маълумотларига кўра, Кўршермат ва Нурмат 400 кишилик отряд билан Ўрбува районида бўлишган. Шермуҳаммадбек баҳоргача ҳарбий операцияларни бошламасликка ваъда бериб, аҳолини хўжаликлардан чиқмасликка чақириб, аҳолига мурожаат қилди. Қароқчиларнинг номаълум тўдаси Фарғонадаги ахлоқ тузатиш уйига ҳужум қилди ва у ердаги барча маҳаллий маҳбусларни озод қилди. Аҳмад Полвон 200 кишилик отряд билан Қизилоёқни (Асакадан 10 чақирим шимолда) эгаллади. Раҳмонқул 500 кишилик отряд билан Чоркесарга (Чустнинг ғарбий қисмида) кўчиб ўтди. Ҳозирги вақтда Аҳмад Полвон 150 кишилик отряд билан Янгиқўрғон районида жойлашган. Мулла Давроннинг 50 кишилик отряди билан Хўжаобод шаҳрида (ҳозирги Балиқчи тумани ҳудудида) жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлар тасдиқланмоқда. Мулла Собир 200 кишилик отряд билан Пойтуғ районида, Муҳиддин 400 кишилик отряд билан Эски Новқат ҳудудида жойлашган. 150 кишилик отрядга эга Қозоқбой Мирободга (ҳозирги Олтинқўл туманида) ўрнашган. 200 кишилик отряди билан Жонибек Қулдуқ дарёси водийсида ҳаракат қилмоқда.²

№360 / №11 (276) 1922 йил 11 – 12 март

1922 йил 13 март

Самарқанд области (Босмачилар ҳақида маълумот, №38, 10 март)

7. 4 мартдаги маълумотларга кўра, Очил 100 кишилик отряд билан Самарқанд районида фаолият юритмоқда. Панжикентдан 12 чақирим шимоли-шарқда 300 кишидан иборат Ҳамид отряди топилди. Бандит тўдалар аҳолини сафарбар қилиб, солиқ йиғишмоқда.

¹ Кўрсатилган манба. – С.558.

² Кўрсатилган манба. – С.569.

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №38, 10 март)

7. 1 ва 4 март кунлари олинган маълумотларга кўра, Драгомировский районида 200 кишилик Ислонқул отряди фаолият юритмоқда. Худди шу худудда Холбўтанинг 400 кишилик тўдалари ҳаракат қилмоқда. Раҳмонқул ва Орзумат Наманган районида фаолият юритмоқда. Фарғона областида 100 кишилик отряд билан Умарали ва 150 кишилик отряд билан Бекмурод ҳаракат қилмоқдалар. Шермухаммадбек 500 кишилик отряд билан Нормат ва Тошмат келган Ёзёвон минтақасига кўчиб ўтди.¹

№375 / №27 (292) 1922 йил 31 март

1922 йил 1 апрель

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №47, 31 март)

7. 29 мартдаги маълумотларга кўра, Нурматнинг отрядлари Марғилон худудида фаолият олиб бормоқда. Юсуф Мақсуд ва Рўзимат отрядлари Ёзёвон худудида жойлашган. Аҳмад Полвон Қизилоёқ районини эгаллаган. Худди шу маълумотларга кўра, Кўршермат отрядлари Шаҳрихон худудида жойлашган. Андижон районида 100 кишигача миқдордаги бўлган Мулла Собир отряди мавжуд. Миробод худудида Қозоқбой бошчилигида 150 кишилик отряд аниқланди. Юнус қўрбоши 100 кишилик отряд билан Харабекни эгаллаган. 120 кишидан иборат Исмоил Нўғай ва Тўражон отрядлари Орол минтақасида (Андижондан 10 чақирим шимоли-шарқда) жойлашган. Горбува районида бўлиб ўтадиган қўрбошилар йиғилиши ҳақида маълумот эътиборга лойикдир.²

№424 / №84 (358), 1922 йил 10 - 11 июнь

1922 йил 12 июнь

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот, №72, 8 июнь)

7. 2 июндаги маълумотларга кўра, Кўршермат барча Фарғона босмачиларининг бош қўмондони, Муҳиддин унинг ўринбосари этиб сайланган. 4 июндаги маълумотларга кўра, Муҳиддин 100 отликдан иборат отряд билан Аравонни кесиб ўтган ва Пер-Аргард минтақасидаги штаб-квартирасини олиб келган. Қишлоқ худудида, 2 июндаги маълумотларга кўра, 700 отликдан иборат бўлган Қозоқбой ва Аҳмад Полвонларнинг отряди ўртасида тўқнашув содир бўлди. Босмачи отрядлари 60 кишини йўқотиб, номаълум томонга чекинишди.³

¹ Кўрсатилган манба. – С.584.

² Кўрсатилган манба. – С.599.

³ Кўрсатилган манба. – С.642.

Фарғона области (Босмачилар ҳақида маълумот), №74, 13 июнь

7. 11 июндаги маълумотларга кўра, Муҳиддиннинг 500 нафар отликдан иборат асосий кучлари Эски Новқат худудида жойлашган. Исмат 700 отликдан иборат отряди билан Отжара-Новқатнинг ғарбидаги бир қатор қишлоқларни эгаллаб олди. Мингбоши 700 отлик отряд билан Уроч-Қоракўлдан шимолга қадар бир қатор қишлоқларни эгаллаб олди. Худди шу маълумотга кўра, Каччуба худудида 200 отликдан иборат Саид Аҳмад отряди билан тўқнашув бўлган. Отряд жануб томонга қараб чекинди.¹

¹Кўрсатилган манба. – С.645.

СОВЕТСКАЯ ДЕРЕВНЯ ГЛАЗАМИ ВЧК-ОГПУ-НКВД

Документы и материалы. Том 2.

1923 – 1929. – Москва: РОССПЭН, 2000.

ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан №4 (172)

1923 йил 11.12.13 ва 14 январь ҳолатига.

1923 йил 17 январь

Туркистон. Самарқанд области (Давлат ахборот ҳисоботи, 2 декабрь).

Каттақўрғон уездида қишлоқ хўжалигининг тикланиши талончилик ва босмачиларнинг босқинлари сабабли секинлаб қолган. Жиззах уездида 80% майдонларга кузги экинлар экиш режалаштирилган. Қўрғоқчилик сабабли 30% ерга экин экилган.¹

ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан, №30 (198)

1923 йил 23, 24 ва 25 март ҳолатига.

1923 йил 27 март

...Туркистон. Самарқанд области (Давлат ахборот ҳисоботи, 5 февраль).

Ўратепа уездига қарашли 4 та волостда очарчилик ҳукмронлиги тан олинган. Уездларда ўзаро ёрдам қўмиталари ташкил қилиш бошланмоқда. Деҳқонлар баҳорги мавсум учун уруғ бўйича ёрдам пулини олишмаса, босмачи тўдаларга қўшилиб кетиши мумкин.²

ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан, №42(120)

1923 йил 23, 24 апрель ҳолатига.

1923 йил 26 апрель

Туркистон. Самарқанд области (Давлат ахборот ҳисоботи, 1 апрель).

Камбағал деҳқонлар босмачи тўдаларининг хужумлари ва улар томонидан қўйилган солиқлар туфайли жонли ва жонсиз қишлоқ хўжалиги жиҳозларига жуда муҳтож бўлмоқдалар. Ўратепа уездида босмачилар томонидан хонавайрон бўлган баъзи волостлар очарчилик ҳолатида деб эълон қилинган. Деҳқонлар орасида экин майдонларини кенгайтиришга интилиш кузатилмақда.

«Қўшчи» иттифоқи орқали деҳқонларга уруғдан ёрдам кўрсатилади ва бу биринчи навбатда босмачилар томонидан жабрланган қишлоқ аҳолисига берилади. Пахта экишдаги сусткашликларга область пахта қўмитаси томонидан жиддий эътибор қаратилган. Ишчи ҳайвонларнинг ва баъзи жойларда уруғлик материалларининг етишмовчилигига қарамай, баҳорги экин ишлари қониқарли кетмоқда.

Жиззах уезди волостларида ўтроқ қирғизларнинг «Қўшчи» иттифоқлари ташкил қилинмоқда. «Қўшчи» иттифоқлари аҳоли орасида обрў-эътибор қозонган.³

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ. Том 2. 1923 – 1929. – С.61.

² Кўрсатилган манба. – С.88.

³ Кўрсатилган манба. – С.96.

ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан, №147 (676)

1923 йил 29 июнь ҳолатига.

1923 йил 2 июль

...Туркистон. Самарқанд области (Давлат ахборот ҳисоботи, 7 июнь). 4. Самарқанд ҳудудида босмачиларнинг босқинларига дучор бўлган 7 та волость аҳолиси совет ҳукуматидан ёрдам ололмасдан, босмачилар таъсири остида қолганлар.¹

ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан, №83/ №79 (247)

1923 йил 12 ва 13 июль ҳолатига.

1923 йил 25 июль

...Туркистон. Самарқанд области (Давлат ахборот ҳисоботи, 30 июль). Областнинг кўпгина уездларида босмачилар ҳаракатининг тугатилмаганлиги сабабли деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи шу пайтгача мустаҳкамланмаган. Озиқ-овқат захираларининг тугагани сабабли баъзи уездлар – Ўратепа, Хўжанд, Каттакўрғон очарчилик ҳолатида деб эълон қилинган.

Босмачиларнинг ҳужумлари давом этиши ва уезд марказининг узоқлиги туфайли ўзаро ёрдам кўмиталари иши айрим жойларда меъёрида кетмаяпти.²

ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан, №86/ №89 (257)

1923 йил 16 ва 17 август ҳолатига.

1923 йил 20 август

...Туркистон. Сирдарё области (Давлат ахборот ҳисоботи, 28 июль). Ҳосил йиғиштириб олинганлиги туфайли Туркистон уездидаги очарчилик тугатилган. Мирзачўл (Голодная степь) уездида бўлиб ўтган қирғизлар ва Грузия мамлакати ижарачилари орасидаги низо тугатилган. Ер 15 йилга ижарага олинган, шу муддат ўтгандан кейин у яна Туркистон Республикаси ихтиёрига қайтарилди. Ер пахта экиш учун ижарага олинган. Грузиялик ижарачилар ва қирғизлар ўртасидаги низонинг сабаби грузияликлар ижарага олган ерни сув билан таъминлаши керак бўлган суғориш тармоғидан қирғизлар ўз ерларига сув олиб ўтганликлари бўлган. Ушбу низода айбдор бўлган маҳаллий ҳокимиятлар жавобгарликка тортилади.³

ГПУ маълумот бўлимининг ер бўйича ҳисоботидан, №101/№229 (286)

1923 йил 4, 5 октябрь ҳолатига.

1923 йил 8 октябрь

...Туркистон. Самарқанд области (Давлат ахборот ҳисоботи, 1 октябрь).

Босмачиликка қарши қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли деҳқонларнинг совет ҳокимиятига бўлган муносабати яхшиланди. Волость ижроия кўмиталари ва қишлоқ советларида Қизил Армия қисмларига босмачиларга қарши курашга ёрдам бериш таъкидланган. Ягона солиқ бўйича рўйхатлар-

¹ Кўрсатилган манба. – С.116.

² Кўрсатилган манба. – С.128 – 129.

³ Кўрсатилган манба. – С.131.

ни тузиш тугатилган. Деҳқонларнинг хўжалик ишларига бўлган муносабати қониқарли. Самарқанд уездидаги Қўрбош волостида Мирза полвон исмли босмачи қишлоқдаги ишчиларни суғориш бўйича қувғин қилади. Ишчилар ишдан қочишди. Шу ҳолатда 23 минг десятина ердаги экинлар сувсиз қолса, нобуд бўлиши мумкин.¹

1923 йилнинг ноябрь ва декабрь ойлари бўйича ГПУнинг СССР сиёсий ва иқтисодий ҳолати тўғрисидаги шарҳидан

1924 йил 1 январидан кейин

...Фарғона областида 487 минг киши оч қолгани қайд этилган, улардан 40 фоизи болалар; болалар очлик ва касалликлардан нобуд бўлишмоқда.²

1924 йил 4 – 18 февраль бўйича ОГПУ маълумот бўлимининг 1-сонли ҳисоботидан

1924 йил 18 февраль

...**Туркистон.** Деҳқонларнинг оғир иқтисодий аҳволи. Деҳқонларнинг, айниқса, босмачиликдан жабрланган аҳолининг аҳволи оғир: улар очликда яшамоқдалар ҳамда ҳар ерда қулоқлар ва бойларга иқтисодий қарамдирлар. Деҳқонлар уруғ маҳсулотларига ўта муҳтож. Фарғонада деҳқонларнинг иқтисодий аҳволи бир оз яхшироқ.

Ягона солиқ. Ягона солиқ 18 январь ҳолатига Самарқанд областида 62%, Фарғона областида 80%, Еттисув областида 14,2% тўпланган. Сирдарё областида солиқ йиғими ўта суст амалга оширилмоқда. Амударё областида эса энди бошланган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг яхши сотилмаётганлиги, совет ва молия ташкилотларининг яхши ишламаётганлиги натижасида қишлоқларда пул йўқ, шу боис солиқлар йиғими муваффақиятсизликка учрамоқда.

Солиқ деҳқонлар учун ўта оғир; Сирдарё областида деҳқонлар солиқ тўлаш учун ўзининг бор захирасини сотишга мажбур. Солиқ комиссияларида ҳали кўриб чиқилмаган, солиқ миқдорини камайтириш мазмунидаги кўплаб аризалар мавжуд.

Солиқ мансабдорларининг суистеъмоллиги. Бухоро ССРда солиқ кампанияси фақат ўз чўнтаklarини тўлдиришга ҳаракат қилаётган жисмоний шахслар томонидан амалга оширилмоқда. Молия ходимларининг порахўрлиги Сирдарё областида ҳам кузатилмоқда.

Қизил Армия аскарлари. Бўлинмаларда озиқ-овқат таъминотининг ёмонлиги ва маошларнинг кеч тўланиши (Туркман области, Полторацк, Марвдаги

¹Кўрсатилган манба. – С.146.

²Кўрсатилган манба. – С.166.

қисмлар ва бошқалар) сабабли норозилик кузатилмоқда. Ушланиб қолган Қизил Армия аскарларининг апрелда таътилга чиқиши ҳақидаги мишмишлар муносабати билан уларнинг кайфияти демобилизация ҳолатида.

Антисовет ғуруҳлар... Фарғона областида зиёлилар маъмурий сургунларга хайрихоҳлигини билдириб, улар ишини тартибга солиб, ҳар томонлама ёрдам бермоқда.¹

1924 йилнинг октябрь ойи учун СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги ОГПУ шарҳига «Шарқ мухтор республикалари» иловаси

1924 йил 1 ноябрдан сўнг

2. Маҳаллий миллатлараро муносабатлар

Ҳокимиятнинг миллий низода иштирок этиши

Давлат амалдорларининг алоҳида миллатлараро низоларга жалб этилиши Кавказдан ташқари Шарқ ҳудудларига ҳам хосдир. Туркистоннинг миллий-худудий бўлиниши муносабати билан бу ҳолат аҳолиси ўзбек-қирғиз аралаш бўлган областларда кескин шаклда намоён бўлди. Масалан, Ўш уездида ўзбеклар билан қирғиз маҳаллий ишчилари ўртасидаги қарама-қаршилик шу даражада авж олганки, комиссия Қирғизистон Мухтор Республикаси чегараларини аниқлаш учун районларга борганида қирғиз овулларида ўзбек ишчиларининг бир кеча тунаб қолишига ҳам йўл қўймаган. Ўзбек ишчи ходимлари ташвиқотлари таъсирида аҳолиси ўзбеклар бўлган волостлардан Қирғизистондан ажраб чиқиш ҳақида жуда кўп аризалар келиб тушган. Худди шундай ҳолатлар Сирдарё областида ўзбеклар ва қозоқ-қирғизлар ўртасида ҳам кузатилган.

Қабилалараро ва жамоалараро зиддиятлар ва курашлар

Туркистоннинг Сирдарё области Авлие-ота районида айрим уруғларнинг ўз душманларига қарши бир неча марта хужум қилиш ҳоллари юз берган ва бу хужумларнинг бирида 300 тача отлиқ қатнашган.

Курашнинг ҳокимият қуйи аппаратида акс этиши

Қирғизистонда советларни қайта сайлаш пайтида уруғлар ўртасидаги кураш бутун қишлоқ аҳолисига ёйилди. Лекин советларнинг эски таркибида кўрсатилган уруғлар ва гуруҳлар бу сафар ҳам уларни қўлга киритишга ҳаракат қилиб, аввалги сайловларда ғолиб чиққан гуруҳларга қарши бирлашиб, уларга тўсқинлик қилганлар. Партия аъзолари, сайлов комиссиялари ва УИҚ (уезд ижроия қўмитаси) вакиллари курашга жалб этилди, натижада кўп ҳолларда кенгашларга яна битта уюшма вакиллари киритилди. Худди шундай ҳодисалар Туркистонда ҳам кузатилади. Бу ерда кураш порахўрлик билан

¹ Кўрсатилган манба. – С.186.

бирга юзага келиб, уларнинг ҳажми баъзан қишлоқ учун ўта катта миқдорни ташкил этади. Масалан, Мойтун волостида ВИҚ раисининг мансабини олиш учун 15 минг рублгача, Бодин волостида (Сирдарё области) шу мақсадда 1 минг рубль ва 2 та от сарфланган. Самарқанд областида қишлоқ совети раиси лавозимига 130 рубль таклиф қилинган ҳолат қайд этилган ва волость ҳокимияти бунни жуда кам деб топиб, 250 рубль талаб қилган.

Кенгашни эгаллаб олган гуруҳ фаолияти юқорида қайд этилган 300 кишининг Туркистоннинг Авлиё-ота районида душманлар овулига ҳужуми билан тавсифланади ва ушбу ҳужумда маҳаллий ҳокимият вакили иштирок этган. Жиноят қидирув бўлими вакили келиб, ҳужумни амалга оширган уруғ ва у билан боғлиқ шахсларни ҳибсга олгач, УИҚ бошқарма бўлим бошлиғи дарҳол ушбу вакилнинг ўзини ҳибсга олиб, у томонидан кўлга олинган шахсларни озод қилди.

Маҳаллий қишлоқларнинг табақаланиши

Иқтисодий табақаланиш асосан рус қишлоқларида бўлгани каби, яъни ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида давлат органларидан фойдаланиш ва камбағал деҳқонларни эксплуатация қилиш орқали юзага келмоқда. Иқтисодий табақаланиш элементлари ва патриархал-уруғ ва феодал анъаналарнинг яшаши, рус қишлоқларида бўлгани каби, сиёсий курашда ҳам у қадар аниқ акс этмайди. Шу билан бирга, иқтисодий табақаланиш жараёни рус қишлоқларига нисбатан бу ерда кўп ҳолларда кучлироқ бўлади. Бунини маҳаллий қишлоқ аҳли бутунлай камбағал қатламларнинг катта оммасини ташлаб, айни пайтда жуда кучли хўжаликларга ажралаётганидан ҳам билса бўлади. Масалан, Туркистонда, Фарғона областининг кўп жойларида деярли ҳар бир мустақил маҳаллий бойда 1-2 та, баъзиларида эса 40 тагача камбағал деҳқон бор. Фарғонада 200 га яқин камбағал мулкдор бойда пахта толасини деярли бепул йигириш учун ишлагани тўғрисида ҳолат аниқланган.¹

1924 йилнинг декабрь ойи бўйича СССРнинг сиёсий ҳолати ОГПУ шарҳидан

1925 йил 1 январдан сўнг

Мусулмонлар қишлоқларида ўзаро муносабатлар

Маҳаллий аҳолининг руслар билан ердан фойдаланиш бўйича олиб борган кураши.

...Туркистонда ер можаролари ҳам бир оз кичик миқёсда (асосан Сирдарё областида) қайд этилган. Низолар суғориладиган ҳудудлардан фойдаланишда кузатилмоқда ва кўпинча икки ўртада жанжаллар келиб чиқмоқда. Ил-

¹ Кўрсатилган манба. – С.258 – 260.

гари маҳаллий аҳолининг ихтиёрида бўлган, лекин ҳозирда рус аҳолиники бўлиб турган ерларнинг қайтариб берилишини талаб қилиш тўқнашувларга сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий аҳоли ўртасида миллий-қабилавий кураш

Туркистоннинг Сирдарё ва Еттисув областларида маҳаллий аҳолининг турли гуруҳлари ўртасидаги муносабатларда бу ҳолат кўпинча қотиллик билан тугаган, бу жараёнда қуролли ҳужумлар ва қорамолларнинг ўғирланиши кўпайганлиги кузатилади.

Ҳокимият учун миллий-қабилавий кураш

Туркистоннинг ўзбек областларида, Сирдарё областининг жанубий қисмида қуйи ҳокимият атрофидаги қabila ва гуруҳлараро кураш, айниқса, кучли ривожланмоқда. Аҳолининг 70% гача қисми қуйи ҳокимият учун кураш асосида тузилган гуруҳларга жалб қилинган. Аксарият ҳолларда гуруҳ раҳбарлари уезд ҳокимияти (УИҚ (уезд ижроия қўмитаси) ва УҚЎМ (уезд партия қўмитаси) вакиллари билан боғлиқ бўлиб, улар ҳам ўз навбатида доимий фитна ишлари олиб бориб, қуйи гуруҳлар раҳбарларини ўз томонига оғдириб, машҳур бўлишга интиладилар. Гуруҳлараро кураш қирғиз аҳолиси ичидаги қабилавий муносабатларда ўзбеклар ва қирғизлар ўртасида миллий бўлиниш муносабати билан, айниқса, кучли ривожланмоқда.

Муслмон қишлоқларида табақаланиш

Туркистонда ўтган пахта мавсуми натижалари деҳқон хўжалигининг бадавлат табақалар ҳисобига юксалишини кўрсатмоқда. Бунга параллел равишда бойларнинг ўсиб бораётган фаоллиги, унинг реакцион қисми, яъни собиқ уруғ бошлиқлари ва руҳоний зодагонларнинг вакиллари орасида аниқ намоён бўлмоқда, аксарият ҳолларда аҳолига уларнинг таъсири давом этмоқда. Бу қатламлар фаолиятидаги марказий нуқталар (айнан улар орасидан тез-тез гуруҳ раҳбарлари келиб чиқади) қуйи ҳокимиятни қўлга олиш ва янги усул мактабларига қарши ташвиқот олиб боришдир.

Собиқ қуйи кенгашларга қайта сайлаш жараёни аксарият ҳолларда босмачилар яшайдиган районларда бой-босмачи унсурлар ёки уларнинг тарафдорларини сайлаш билан ниҳоясига етган. Бу эса реакцион бойларнинг мавқеини мустаҳкамлайди, шу сабабли гуруҳлар курашининг янада ривожланиши босмачиликни тугатиш ва бартараф этишни анча кечиктиради. Давлат мактабларига қарши реакцион бойларнинг ҳаракати ҳам сиёсий тус олмоқда (янги усулга кўра ўқитиш тарафдорларининг ўлдирилиши ҳақида фактлар бор)...¹

¹Кўрсатилган манба. – С.268 – 270.

1925 йилнинг 15 ноябрь кунига миллий шарқий республикалар ва мухтор областларда ердан фойдаланиш бўйича ОГПУ ахборот бўлими материаллари, 4-сонли ҳисобот

1925 йил 21 ноябрь

Ўрта Осиё. Ердан фойдаланиш бўйича можаролар

Ўзбекистон. Ўзбекистон ССР Фарғона области Андижон уезди Қўқонқишлоқ волость таркибига кирувчи Қўктўнлик, Авушка ва Янгичек қишлоқларидаги ўзбеклар ҳамда Ниёз ва Қашғар қишлоқларининг қашғарлари ва қўшни Қирғизистон мухтор области аҳолиси – қирғизлар ўртасида ердан фойдаланиш асосида миллий адоват қайд этилган. Ўзбекларнинг 1,5 минг десятина ери, қашғарларнинг 2,5 минг таноб ери Қирғизистон мухтор области ҳудудида жойлашган. 1918 йилдан 1923 йилгача бўлган даврда босмачилар тўдалари (қирғизлардан иборат)нинг ҳаракати туфайли бу ҳудудлар ўзбеклар ва қашғарлар томонидан ташлаб кетилган. Бундан фойдаланган қирғизлар бу ерларни эгаллаб ишлаб келганлар. Ер ҳудудий бўлинишидан кейин ўз далаларига қайтган қашғар ва ўзбекларга қирғизлар бу ерга қайтишдан олдин Қирғизистонга қўшилишни таклиф қилган, рад этилган тақдирда ўз далаларига қўймасликни айтиб таҳдид қилишган. Қашғар ва ўзбекларнинг қўшилишдан бош тортишига жавобан Ўрол қишлоқ жамоаси ВИҚ раиси далаларни шудгор қилаётган ўзбекларнинг 20 жуфт хўкизини тортиб олди ва бу қорамоллар унинг ўз далалари учун ҳам, Новкент волость ВИҚ раисининг ерлари учун ҳам ишлатилди. Қирғизлар ҳам ўз ихтиёри билан ўзбекларга суғориш учун сув беришмайди, лекин уни олмоқчи бўлганлар катта тўловлар тўлашга ёки олинган ҳосилнинг ярмини бериши учун ишлашга мажбур. Андижон УИҚ ва уезд ер бўлимига ўзбеклар ва қашғарлар томонидан берилган аризалар жавобсиз қолдирилди.

Сувдан фойдаланиш

Фарғона уезди Поласон қишлоқ жамоаси ҚИҚ раиси (Фарғона области) қишлоқ «Қўшчи» иттифоқи (волость мироби) раиси ва сув тарқатиш жамиятидан вакил билан биргаликда сувни бойроқ аҳолига порахўрлик орқали берадилар, натижада ҳосилдорликда, хусусан, пахтада бой деҳқонлар (ҳосил мўл ва ўсиш юз берди) ва шароити оғирлар (камбағалларда эса ҳосил кам бўлди) ўртасида кескин тафовутлар юзага келди. Мазкур ҳокимият вакиллари август ойи давомида бойларга берилган қўшимча сув учун 600 рубль ундириб олишди. Олтиариқ волость миробининг ҳам шундай қилгани қайд этилган (ушбу уездда), бунинг оқибатида баъзи камбағал деҳқонларнинг пахтаси нобуд бўлган.

Конимех мухтор районининг Сарой-Қорақалпоқ қишлоғида қорақалпоқлар ва ўзбеклар ўртасида сувдан фойдаланиш масаласида миллий қарама-

қаршилиқ қайд этилган. Юқоридаги қишлоқнинг ўзбек дехқонлари Конимех зовурига, яъни ариқдан сув олиш учун келган қорақалпоқларни ўта норозилик билан кутиб олганлар ва уларга ишлашга рухсат бермаганлар. Қорақалпоқлар ўзбекларнинг Сарой қишлоғида иккинчи ариғи бор деб ўзларининг бу ҳаракатларини оқлаганлар, гарчи бу ариқдан улар сув ололмаглигини билсалар ҳам, чунки ариқнинг бошини Зарафшон дарёси кесиб қўйган.

Табий офатлар

Ўзбекистон. Наманган уезди Ўш волости (Фарғона области)да сув ва ёғингарчилик камлиги туфайли экиладиган 4 минг таноб ердаги пахтанинг 75% нобуд бўлди ва 25% қурғоқчилик таҳдиди остида қолди, демак, дехқончилик бу йил пахта саноатида бўлган қарзни ҳам қоплай олмайди.

Ер ресурслари билан ишлашда меъёрларнинг бузилиши

Фарғона областида бойларнинг камбағаллар фойдасига ўз еридан ихтиёрий равишда воз кечиш ҳолатлари учраб турибди. Ер ислоҳоти муносабати билан жойларда, хусусан, Тошкент областида олиб борилаётган тайёргарлик, ҳисоб-китоб ишларида айрим камчиликлар мавжуд. Ерларни ҳисобга олишда экин ерларнинг турларга бўлиниши аниқ ҳисобга олинмаган, натижада хўжаликларнинг иқтисодий қувватини тўғри белгилаш имконияти йўқ (3 десятина пахта, буғдой, гуруч ёки узум, уларнинг қийматида катта фарқ мавжуд); шунга ўхшайдиган ҳолат тойларга нисбатан ҳам кузатилади, улар ва бошқа ёш ҳайвонлар ҳам йирик, ҳам майда қорамол деб юритилади; шу боис баъзи ер ҳисобчилари, масалан, эшакларни қўшчи чорва сифатида таснифлаган эдилар, баъзилар эса эшакларни қўшчи чорва ҳисобламай, ҳатто уларни кичик чорва деб билганлар; иш кучини ёллаш ва хўжалиқда иштирок этиш тўғрисидаги устун кўрсатилмаган; бу ерда иш кучи мавсумий иш билан шуғулланади, шунингдек, ушбу иш кучи ҳам, у томонидан фойдаланаётган ер ҳам тўғри тақсимланмаган; чорикорлик шароитлари ҳам ҳисоб-китоб қилинмаган; ерларни ижарага берувчи ва ижарага олувчи хўжаликлар тоифасини ҳисобга олиш устунчаси ва бунинг сабаблари (чорва моллар ёки жиҳозларининг етишмаслиги ёки ортиқчасини яшириш мақсадида) ва бошқалар кўрсатилмаган. Бундан ташқари, жойларга борадиган ва яхши тайёргарлик кўрмаган ишчиларга нотўғри кўрсатма бериш туфайли бошқа майда-чуйда нарсалар олдиндан эътиборга олинмаган, бу йил суғорилмаган ерларнинг ҳисоб-китоби тақдим этилмаган, шу боис баъзи ерлар суғориладиган ер сифатида, баъзилари эса лалмикор ер деб ҳисобланган.

Ер етишмовчилиги

Сирдарё области. 1 октябрь. Казалинск уезидаги 9 волостда – Баракўл, Актюбинск, Чебендин, Сари-Тўғой, Райим, Кастам, Қувондарё, Калимбасовск ва Жамансиртовскда солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш натижаси

қўйидагича: чорвачилик 39% га оширилди ва барча волостлардаги экинлар деярли ярмига қисқарди.

Камбағалларнинг бойларга иқтисодий қарамлиги

Сирдарё области. 8 октябрь. Казалинск уездининг Ёрбой, Тўқай ва Қора-тўқай худудлари оролларидаги ўтлоқ ерлар машхур бойлар томонидан 100 рубль эвазига ижарага олинган. Бир-иккита молини боқиш учун ўтлоқ ери бўлмаган камбағаллар бойлар учун ишлашга, уларга ўтларнинг ярмини беришга ёки юқори нархга ўт сотиб олишга мажбур бўладилар. Камбағаллар устидан бойларнинг шу асосдаги иқтисодий ҳукмронлиги унда давлат ҳокимиятидан норозилигини келтириб чиқаради ва улар: «Наҳотки, юқори ҳокимият буйруғи билан «Қўшчи» иттифоқи ёки овул ижроия қўмиталари томонидан ўтлоқ ерлар тўғри тақсимланмаса?» – деб айтишмоқда.

Ўрмон хўжалиги

Сирдарё области. Туркистон уезди. Чатаев волостида хизмат кўрсатувчи ўрмон кузатувчиси Растопчин уч нафар балиқчидан солиқ йиғмаслик учун пора олди. Чилий волостида хизмат кўрсатувчи ўрмон кузатувчиси ёқилғидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи чипта учун аҳолидан пора олди. Масалан, ёқилғидан фойдаланиш ҳуқуқи учун «Барак» уруғидан 25 червонец олиб, қиймати 4 рублдан бўлган 6 та чипта берган. Қолган пулларни қайтармаган. Шунингдек, у «Тубай-Тайип» қозоқ-қирғиз уруғидан 15 червонец олиб, ўтин ишлатиш ҳуқуқи учун ҳеч қандай чипта бермаган.

Қорақалпоқ области. Боғот жамиятида ўзбек бойлари томонидан ортиқча ерларни ижарага бериш уч ҳолатда учрайди. Ишчиларга қулларча муносабат бўлмоқда, яъни ҳосилнинг ярми бойнинг фойдасига қолиши керак, бундан ташқари, ариқларни тозалаш каби барча меҳнат мажбуриятлари камбағал ижарачилар томонидан амалга оширилади, ҳатто доимий бойники бўлган ерга нисбатан шундай йўл тутилган. Оқ-Қамиш жамиятида бой Бек-жонов (ўзбек) оғир шартлар асосида 5 таноб ерни камбағалларнинг ўзлари ишлатиши, 5 таноб ерни эса ўзининг фойдасига ишлатиш шарти билан уч камбағалга 10 таноб ерни топширган.

Тўрткўл округида ҳисобот даврида бир қатор қишлоқ ва овулларда ердан фойдаланиш жараёнида тўқнашувлар қайд этилди. Бунда ҳукмрон ролни шу пайтгача ер ислоҳоти бўйича ҳеч қандай фармонларда ҳуқуқлари бузилмаган бойлар ўйнайди ва улар ердан мулк сифатида фойдаланади. Масалан, Амиробод жамиятида бой Муллаткаров 5 таноб ерни ўртаҳол деҳқон Жулаповга ижарага берди, лекин Жулапов ердан фойдаланишга улгурмади ва бой ижара шартномаси бекор қилинганини эълон қилиб, 50 рубль олдиндан тўлаган пўлни қайтиб олмасдан, ерни қайтариб олди. Жулаповнинг қишлоқ ижроия қўмитасига ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати ҳеч қандай натижа келтирмади.

Бойларнинг ерларни эгаллаб олиши туфайли камбағалларнинг совет ҳокимиятидан норозилиги. Хўжайли жамиятининг бойи Қосимхонов бир пайтлар камбағал Умаровга қарз учун пул бериб турган, Умаров қарзни узмасдан оламдан ўтган. Шундан сўнг бой Қосимхонов ерни эгаллаб, Умаровлар оиласини (хотини ва икки боласини) уйдан дарҳол ҳайдаб чиқарган. Бева аёл кўмак сўраб ижроия кўмита раиси бой Мадаминовга мурожаат қилган. Бироқ қишлоқ ижроия кўмитаси раиси Қосимхонов ҳақ эканини ва совет ҳокимияти қонунларига кўра қарзи борлар қарзини тўлаши шарт эканини айтган. Жамиятдан бир гуруҳ камбағал ўзбеклар воқеа ҳақида шундай дейди: «Агар бойимизга қарши чиқсанг, совет ҳокимияти бунга қарши туради ва ҳокимият билан кураша олмайсан, шунинг учун ҳамма нарсага фақат сабр билан чидашинг керак».

Тўрткўл округида бойлар билан камбағаллар ўртасида ер низолари бўйича 7 та ҳолат қайд этилган.

Чибиқли жамиятида қашшоқ ўзбеклар: «Совет ҳокимиятининг қашшоқ аҳолига ер бериш ҳақидаги ваъдалари фақат қуруқ сўзлар, аслида эса қишлоқда бойлар мутлақ хўжайиндир», – деб норозилиklarини билдирганлар.

Сахтиён жамиятида бой қорақалпоқ Саитназаров камбағал ўзбек Хўжаевдан ерини тортиб олган. Чунки Хўжаев гўёки йомуд (туркман уруғи) тўдаларининг районга босқини пайтида ерни ноқонуний равишда эгаллаб олган экан. Шу билан низо келиб чиқди ва иш муштлашишгача бориб етди. Лекин қишлоқ ижроия кўмитаси раиси бой Матёкубов (қорақалпоқ) бу ишга аралашиб, камбағалга ўзганинг мол-мулкини ўзлаштиргани учун ҳам, қаршилиқ қилгани учун ҳам судга бериш билан дўқ-пўписа қилди. Натижада камбағал ердан воз кечиб, уни бойга қайтаришга мажбур бўлди. Шунда камбағал: «Бу қанақа совет ҳокимияти бўлди, чоризм даври билан ҳеч қандай фарқи йўқ», – деб айтган.

Амиробод жамиятида бой ўзбек Саидовнинг бир қанча ерлари бўлган, 1918 йилда йомуд тўдаларининг босқини пайтида камбағал Худойбергановнинг 2,5 таноб ерини эгаллаб олган ва ҳозиргача ерни текинга ишлатиб келган. Шунга асосан Саидов бу ерларни Худойбергановдан тортиб олди. Уғубуғ жамиятида ҳам худди шундай ҳолат – камбағалдан ерни олиб қўйиш қайд этилган.

Уғубуғ жамиятида ўртаҳол деҳқон Жониёз ва бой Хўжаев ўртасида ўртаҳол деҳқонларнинг ерига бўлган даъволари асосида тўқнашув содир бўлиб, бой ўртаҳол деҳқонни дўппослаб, бир пайтлар ўзига тегишли бўлган 2 таноб ерни тортиб олган.¹

¹Кўрсатилган манба. – С.344 – 354.

**1926 йил 25 май кунига миллий шарқ республикалари
ва мухтор областлар ер тузилиши бўйича ОГПУ ахборот
бўлимининг 1-сонли ахборот ҳисоботидан**

1926 йил 31 май

Ўрта Осиё. Ер-сув можаролари

Кескин ер ва сув тақчиллиги, ерларнинг ҳар хил тақсимланганлиги ва ер муносабатларини тартибга солишда ер маъмуриятининг сусткашлиги кўп-лаб ер ва сув низоларини келтириб чиқармоқда. Низоларнинг аксарияти аҳолининг турли миллий гуруҳлари ва ер жамиятлари (овул, қишлоқ) ўртасида бўлиб, миллий ва қабилавий адоватни кўзғамоқда, натижада бутун қишлоқларни ўз ичига олган қонли жангларга сабаб бўлмоқда.

...Хоразм области. Ҳудуднинг Туркменистон билан бутун чегараси бўйлаб ўзбеклар ва туркманлар ўртасида ер ва сув муносабатлари асосида катта можаролар юз бермоқда. Ўзбеклар Хоразмни босиб олиш давридан бошлаб яхши жойларга жойлашганлар. Областга туташ туркман овуллари фақат ўзбеклар ерларидан ўтадиган ариқлар билан суғорилади, улар эса кам сувли ҳисобланади. Туркманлар яйловлар ва суғориладиган майдонларни эгаллаш мақсадида ўзбек чегара аҳоли пунктларига тез-тез қуролли босқинлар қилиб турадилар. Ана шундай босқинлардан бирида жорий йилнинг февраль ойи охирларида 12 кишилиқ қуролланган туркман отлиқларидан бир гуруҳи ўзбек қишлоқларидан бирига бостириб кириб, чўпонларни асир олиб, молларни ҳайдаб кетгани кузатилган эди.

Худди шундай туркманларнинг босқинлари март ва февраль ойларида Шовот районидаги (Довдон-Кўл кўли яқинида) ўзбекларга нисбатан содир этилган, у ерда саксовул учун кўлга келган ўзбеклардан арава ва отлари тортиб олинган. Маҳаллий қишлоқ совети раиси (Кулчук)нинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланган туркманлар бу кўлни ўзбеклардан батамом олиб қўйиш нияти борлигини айтмоқдалар.

Ўзбекистон. Фарғона области. Марғилон уезди. Марҳамат волостидаги Рус қишлоғида ер ислоҳоти ўтказиш жараёнида асосан демобилизация қилинган Қизил Армия аскарларидан иборат бўлган ерсиз деҳқонларга илгари рус деҳқонларига тегишли бўлган мавжуд бўш ерлардан ер берилди. Ўзбеклар, шу жумладан, «Кўшчи» иттифоқи волость қўмитаси раиси бошчилигидаги партия аъзолари русларга ер берилишидан норози бўлиб жамоатчилик йиғилишларидан бирида сўзга чиқиб, руслар ўзбекларнинг ўз ораларида яшашини истамагани учун бу ерларнинг берилмаганини очиқ айтганлар.

Тошкент области. Мирзачўл уезди. Крестьянская волостида ўзбекларга тегишли бўлган қорамоллар томонидан европаликларнинг экинлари пайҳон қилиниш ҳоллари давом этмоқда. Ҳисобот даврида Петропавловск посёлкасида яшовчи айрим фуқароларнинг (Подмосковный, Гавриленко ва ҳоказо)

пахта ҳосили йўқотилди. Жабрланувчиларнинг шикоятларига қарамай, ВИҚ ҳеч қандай чора кўрмади.

Самарқанд области. Каттакўрғон уезди. Тўрткўл волостидаги Жагай қишлоғида бир гуруҳ чорикорлар ва камбағал қирғиз деҳқонлари ерга эгаллик қилиш мақсадида бундай ер бой ўзбекда (300 таноб) ортиқчаси билан борлиги тўғрисида район ер қўмитасига ариза берганлар. Ер мусодара қилинган, бироқ ўзбекларга берилган. Қирғизлар ўзбеклардан иборат ер комиссиясига нисбатан «қирғизларнинг манфаатларини ҳисобга олмаяпти» деб кучли норозилик билдирмоқдалар.

Қишлоқлараро низолар

Қишлоқлараро низоларнинг кучайиши ҳамма жойда кузатилмоқда. Бу масалада содир бўлаётган тўқнашувларда бутун қишлоқлар, баъзан эса уларнинг бутун гуруҳлари иштирок этмоқда. Тўқнашувлар, айниқса, тарафлар турли қабила ёки оила гуруҳларига тегишли бўлган ҳолларда ўта шиддатли кечади. Қашқадарё областининг Бехбудий уездида февраль ойида қирғизлар ва араблар ўртасида 5 кишининг оғир жароҳат олиши билан якун топган яйлов можароси асосида тўқнашув содир бўлди. Сўнгги маълумотларга кўра, Зарафшон областининг Кармана уездида қишлоқларнинг икки гуруҳи ўртасидаги қирғин натижасида 5 киши ўлдирилган ва 20 киши ярадор бўлган. Ер бошқаруви ходимлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ер низоларини ҳал этишда жиноий бепарво муносабат ҳамда ўз уруғлари ва ўз гуруҳлари вакилларига ҳомийлик қилиш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Ердан фойдаланиш бўйича камбағалларнинг бойлар билан кураши. Бир қатор жойларда амалга оширилган ер ислоҳоти муносабати билан камбағалларнинг бойларнинг ерларини эгаллаш учун кучли ҳаракати юз бермоқда. Ислоҳот ҳали амалга ошмаган жойларда аҳоли ёрдам кўрсатмагани учун давлат органларидан норози.

Ўзбекистоннинг Хоразм ва Зарафшон областларида бойларнинг ерлари тортиб олиниб, камбағалларга бўлиб берилиши талаб қилингани кузатилган.

Регар кентида деҳқонлар бойларнинг бўш ерларига ўзбошимчалик билан уруғ сепа бошлашди ва деҳқонлар билан ер эгалари ўртасида муштлашиш ҳолатлари кузатилди. Шу билан бирга, камбағаллар баъзан ижарага олинган ерларни бойларга қайтаришдан ёки ижара ҳақи тўлашдан бош тортмоқдалар (Хоразм области, Ўзбекистон).

Ўзбекистон. Зарафшон области. Ғиждувон уезди Вобкент волости. Тешиктепа қишлоғининг бир гуруҳ кичик ерли деҳқонлари (30 киши) маҳаллий бой Мир Солиҳов ерларининг мусодара қилинишини ва ўзлари учун бўлиб берилишини ижроия қўмитасидан илтимос қилиш тўғрисида қарор чиқарганлар.

Пешку волостидаги Янгибозор қишлоқ жамоасининг бир гуруҳ камбағаллари (20 киши) қишлоқ кенгаши раисига бойларнинг ерлари мусодара этилиб,

улар орасида тақсимлаб берилиши ҳақида мурожаат қилганлар. Бу ишнинг харақтерли жиҳати шуки, уларнинг кейинги хоҳишлари инобатга олинган.

Вобкент волостидаги Парчак қишлоғида яшовчи кичик ер эгаси деҳқон Ҳакимов 1924 йилдан бошлаб бойдан ижарага олинган 42 таноб ерни қайтаришдан бош тортди.

Ер ислоҳоти натижалари

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг айрим ҳудудларида ер ислоҳоти амалга оширилиши муносабати билан ҳали амалга ошмаган жойларда ислоҳотни тезроқ ўтказиш учун кучли ҳарақат бўлмоқда. Бир қатор жойларда ўта камбағал аҳоли ҳокимиятнинг сусткашлигидан норози бўлмоқда, ўзбошимчалик билан бойларнинг ерларини ва мол-мулкани тортиб олмоқдалар. Шу билан бирга, бойлар ислоҳотга қарши ташвиқот юргизмоқдалар ва ўз ерларини олдиндан сотишни бошламоқдалар.

Ислоҳот ўтказилган айрим жойларда бойларнинг ҳукмронлигига фаол қарши чиққан камбағалларнинг синфий ўз-ўзини англаши ортиб бормоқда.

Шунингдек, ер ислоҳоти ўтказилган жойларда давлат ёрдамининг камлиги туфайли ерли камбағаллар айрим ҳолларда уларга ажратилган жойларни ўзлаштиришга қодир эмаслиги ва бойлардан ёрдам сўраш ҳолатлари кузатилмоқда. Бойлар эса айрим ҳолларда ислоҳотни бартараф этишга киришиб, ўз ерига эга бўлган камбағалларнинг иш бошлашларининг олдини олишмоқда ва мусодара қилинган ерларини таҳдид ва зўрлик билан тортиб олишга уринишмоқда. Ер олган камбағалларнинг бойлар томонидан ўлдирилиш ҳоллари кузатилган (апрель ойида Тошкент областида 3 та ҳолат). Айрим ҳолларда бойлар раҳбарият – совет (қуйи) ишчиларидан мадад олади.¹

1927 йилнинг 24 сентябрь – 1 октябрь кунлари бўйича 28-сонли ахборот ҳисоботдан

Деҳқонларнинг оммавий чиқишлари

Ўзбекистон. 21 сентябрь. Ўзбекистон ССР ХКС томонидан Қашқадарё округидаги Косон ва Бешкент районлари очарчилик ҳолатида деб тан олинган. Август ойига белгиланган ун олиб келиш (очлик) минимум миқдори фақат 64% га бажарилган. 21 август куни Бешкент райони ва шаҳарга яқин бўлган қишлоқлардаги 2000 аҳоли ун бериш талаби билан Осиёнон омборларига қараб қўзғалди. Ҳокимият вакиллари аҳолининг бу талабини рад этдилар ва оломон шаҳар томон интилди. Шаҳардан келган ҳокимият вакиллари ун беришга рухсат берганлар, шу туфайли тўқнашув бартараф этилди. 1 вагон ун ва 1 вагон кепак тарқатилган.²

¹ Қўрсатилган манба. – С.401 – 405.

² Қўрсатилган манба. – С.587.

Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД

Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934

Книга 1. 1930 – 1931. – Москва: Росспэн, 2005.

1930 йил 9 мартдаги «Кулоқлаштириш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисида» 37-сон махсус хулосадан (Шимолий Кавказ, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ ўлкалари бўйича)

1930 йил 9 март

II Б гуруҳ

1. Ўрта Осиё

Қўшимча:

Йўқ қилинган жиноий гуруҳлар	46
Бунда ҳибсга олинганлар	298 киши
Йўқ қилинган жиноий тўдалар	1
Бунда ҳибсга олинганлар	8 киши
Якка ҳолда ҳибсга олинганлар	525 киши
Ҳибсга олинган қочоқ қулоқлар	650 киши

Йўқ қилинган тузилмалар ва қўлга олинган шахслар бўйича жами қўшимча равишда 831 киши ҳибсга олинган.

Ўрта Осиёда 1930 йил 9 март ҳолатига кўра йўқ қилинган тузилмалар ва қўлга олинган шахслар бўйича 993 киши ҳибсга олинган.

Йўқ қилинган аксилинқилобий ташкилотлар	2
Бунда ҳибсга олинганлар	17 киши
Йўқ қилинган жиноий гуруҳлар	59
Бунда ҳибсга олинганлар	337 киши
Йўқ қилинган жиноий тўдалар	1
Бунда ҳибсга олинганлар	8 киши
Якка ҳолда ҳибсга олинганлар	631 киши
Ҳибсга олинган қочоқ қулоқлар	650 киши

ОГПУ ОЦР бошл. ўринбосари Лебедев¹

Тошкент – Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили В.А.Каруцкийга

1930 йил 22 февраль

Нухаси Новосибирск ОГПУ мухтор вакили Заковскийга

Ёлғиз қочоқ қулоқларни ҳибсга олинг, икки-уч вагон қилиб гуруҳлаштириб, уларни Сибирга сургунга юборинг, у ерда улар Заковский томонидан

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Том 3. 1930 – 1934. Книга 1. 1930 – 1931. – Москва: РОССПЭН, 2003. – С.126.

ишга йўналтирилиши керак. Оиласи билан қочаётган қулоқларни ҳам қўлга олинг. Улар Қозоғистонга жўнатилади, районлари ҳақида қўшимча хабар берамиз. Бошқа ҳудудлардан қочган, қўлга олинган ва жойлаштирилган қулоқлар сонини дарҳол хабар қилинг. Ўлкангизга қочиб келаётган қулоқлар оқимини камайтириш мақсадида Кинель, Оренбург станциялари ва Кавказнинг асосий портларида назорат гуруҳлари тузилган.

ОГПУ раиси ўринбосари Г.Ягода.

ОГПУ Тезкор махфий бошқарма бошлиғи ёрдамчиси Ольский¹

ОГПУ Транспорт бўлиmidан Тошкент – ОГПУ йўл-транспорт бўлимига

1930 йил 22 февраль

Қулоқлар Ўрта Осиёга Кинель, Оренбург шаҳарлари, Каспий денгизидан Красноводск шаҳри орқали қочишмоқда. Биз барча йўналишларга назорат тўсиқлари қўймоқдамиз. Зудлик билан Красноводскда махсус назорат тўсиқларини ўрнатинг, ташриф буюрувчиларни текширинг, қулоқларни қўлга олинг, уларни биринчи пароход биланоқ ўз маблағлари эвазига ортга қайтиб кетишга мажбур қилинг. Қаршилиқ кўрсатганларни ҳибсга олиб, ОГПУ маҳаллий район бўлимларига топширинг. Кўпчилик камбағал ва ўртаҳол одамларнинг сохта ҳужжатлари билан йўлга чиқмоқда. Ижрога етказилсин.

ОГПУ Транспорт бўлими бошлиғи ўринбосари Кишкин²

Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили В.А.Каруцкийнинг Е.Г.Евдокимовга Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият ҳақидаги тўғридан-тўғри ёзма ахбороти

1930 йил 11 февралдан кейин

Нусха Дьяков, Бельский, Ахборот бўлими Алексеев ўртоқларга

Матбуотда кенг тарқалган ташвиқот ишлари, хусусан, Ўрта Осиё матбуотида ҳам, Тошкент округи ва бошқа округларда қулоқлаштиришнинг амалда бошланиши, ашаддий пахта топширмайдиганларга қарши кураш, оммавий коллективлаштириш ҳудудларини эълон қилувчи Ўрта Осиё республика ва ҳудудий-маъмурий ташкилотларининг кенгайиши, Иттифоқ марказида бошланган тадбирлар муносабати билан, жойларда, айниқса, оммавий коллективлаштириш районларида бойлар ҳаракати, антисовет унсурларнинг фаоллиги ошиб бормоқда, бу билан камбағалларнинг ҳам фаоллиги ошиб бормоқда. Бу ҳолат қулоқлаштиришни талаб қилади. 11 февраль куни қабул қилинган ҳудудлардаги сиёсий вазият ҳақида қуйидаги маълумотларга эгамиз:

¹ Кўрсатилган манба. – С.162.

² Ўша жойда.

1. **Туркменистоннинг Ашхобод районида**, Гяурс овулида камбағаллар жамоасида зудлик билан бойлар бошқарувига барҳам бериш, чорва ва мол-мулкни мусодара этишга қарор қилди. 2722 бош қўй, 300 пуд буғдой, 100 пуд арпа тортиб олинди. Махсус сайланган комиссия мол-мулкни рўйхатга олмақда. Мусодара этилган нарсалар колхозларга берилмоқда. У ерга МК ва ГПУ вакиллари жўнатилди.

2. **Чоржўй округи** Дарган-Ота районида 14 та бой хўжалиги 16 та ўртаҳол оилани ўзига эргаштириб Марв райони ичкарасидаги қумли чўл худудга кетиб қолган. Ёзда эса райондаги Дарган-Отадан 100 км жануби-ғарбдаги Мерган қудуғида 60 та бой ва ўртаҳол хўжаликлар бойларнинг тарғиботи таъсирида Марв райони қумликларига кетишга тайёргарлик кўрмоқда. Бунда уларга етиб бўлмай қолади. Биз ТССР ГПУсига мазкур районга тезкор гуруҳ ташлашни, антисовет унсур юқори бўғинини тугатишни таклиф қилдик. Кўп миқдорда хўжаликларнинг қумликка кетиб қолмаслиги учун ўртаҳол хўжаликларга тегмасликка, партия ташкилотлари кўмагида кенг тушунтириш ишлари олиб боришга кўрсатма берилди.

3. **Сарахс районида** камбағал халқ мажлисларининг қарори билан раҳбарларсиз, район ташкилотларининг тўлиқ ҳаракатсизлиги билан бойларнинг мол-мулки ва чорва молларини мусодара қилиш бошланди. Туркменистон МК томонидан райқўм ва ижроқўмларга қарор чиққунга қадар мол-мулкни мусодара қилишни тўхтатиш таклифи билдирилди.

4. **Қашқадарё округи** Бешкент райони Бешкент қишлоқ советида батрақлар йиғилиш биносига колхоз ташкил қилиш масаласи бўйича 25 нафар мулки тортиб олинган бойлар гуруҳи бостириб кирди, мажлисни тарқатиб юбориш ва уларни колхозга қабул қилишини талаб қилиб чиқди.

5. **Фарғона округи** Бағдод райони Янги қишлоғида катта милициячи Кузиревнинг қимор ўйнаган бир гуруҳ деҳқонларни тарқатиб юборишга уриниши муносабати билан жанжал келиб чиқди, милициячининг атрофида 200 деҳқондан иборат оломон тўпланди. Тартибсизликни тўхтатиш учун оломонни қўзғатувчилардан бирининг ҳибсга олиниши ижтимоий келиб чиқиши номаълум бир қатор одамларнинг янада ғазабланишига сабаб бўлди ҳамда уларнинг ҳайқириқлари сиёсий тус ола бошлади: «Совет ҳокимияти мажбурий равишда колхозларга ёздиряпти, барча мол-мулкни олиб қўймоқда, колхоз охириги пулимизгача олиб қўйяпти!» ва ҳоказо. Милициячи оломоннинг ур-калтаги таҳдиди сабаб ҳибсга олинган иғвогарни озод этди, ўзи эса қочиб қутулди. Оммавий намоишда қатнашган экиш кампанияси вакили ва партиячейка котиби оломонни тинчлантириш чораларини кўрмади. Райондан келган вакил оломонда фитнани бошлаганларни ҳибсга олмақда.

6. Хўжанд округида «Кучкан» колхози раиси Хашрабоев 6 февраль куни шу колхоз котиби Эшон Бозоров ўғли билан биргаликда жуда қаттиқ яранган. Айбдорлар ҳибсга олинган.

7. Сўнгги пайтда Қозоғистон Республикаси Адай райони қозоқларининг қочиши кўпайиб кетди. Оч қолган қочоқлар билан бир қаторда кўпчилиги Қозоғистондан советлаштириш, коллективлаштириш, қулоқлаштириш сабабли қочиб келаётган аксилинқилобчи бой унсурлардир. Ноаниқ маълумотларга кўра, Красноводск районида 700 та оч қолган қочоқ бой хўжаликлари бор. Қазанжи районида Адай райони собиқ хони Туба Ниёз Алланиёзов бошчилигида 350 та хўжалик мавжуд бўлиб, 60 нафар қуролланган одами ҳам бор. Туба Ниёз Алланиёзов гуруҳида 400 дан то 1000 рублгача солиққа тортилган йирик бойлар бор. Қочоқ бойлар чорваларини Қазанжи ва Жабал райони аҳолиси орасида сотишмоқда, Қозоғистондаги зулм ва чекловлар тўғрисида ташвиқот олиб боришмоқда. Маҳаллий аҳоли ҳам уларга ҳамдардлик билдирмоқда. Туркменистон ГПУси САБО билан тезкор тартибда қочоқлар ва Туба Ниёз Алланиёзов гуруҳини қўлга олиш тўғрисида тадбир тайёрламоқда. Бир тарафдан, бой ва ўзига тўқ унсурлар қашшоқ ва ўртаҳолларни ўзига эргаштиришмоқда, эмиграция ҳам тўхтовсиз давом этмоқда ва ортиб бормоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, январь – февраль ойи бошигача Туркменистондан 185 хўжалик, Тожикистондан 64 хўжалик, Қирғизистондан 6 хўжалик эмигрант бўлиб кетди. Эмиграция бўлганларнинг аксарияти оммавий коллективлаштириш худудларига тўғри келади. Улар умумий эмиграциянинг 60 – 80 фоизини ташкил қилади. Аксарият хўжаликлар эмиграцияга тайёргарлик кўриб чорва молларини, нарса-буюмларини, мол-мулкни сотиб юбормоқда. Фарбий Хитойга кўчиб кетиш бўйича Шимолий Қирғизистоннинг Фрунзе, Қорақўл кантонларида оммавий тайёргарлик кўрилмоқда. Коллективлаштириш ва қулоқлаштириш бўйича Ўрта Осиё республикаларида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас.

Каруцкий¹

**Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили В.А.Каруцкийнинг
антисовет гуруҳларни тугатиш бўйича тадбирларнинг бориши
ҳақидаги тўғридан-тўғри ёзма ахбороти**

1930 йил 21 – 22 февраль

1930 йил 21 февраль

ОГПУ Махфий тезкор бошқарма бошлиғи Евдокимовга, ОГПУ Шарқ бўлими бошлиғи Дьяковга, ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Запорожецга

Тезкор ахборот, №2.

15 – 20 февраль. Тезкор ишлар натижалари

¹Кўрсатилган манба. – С.164.

Фарғонада оммавий намоёишлар сабабли бойларнинг икки гуруҳи тугатилди, 37 нафар шахс ҳибсга олинди. Бухорода колхоз қурилишига қаршилик кўрсатаётган бир антисовет гуруҳ тугатилди, 5 нафар шахс ва 2 нафар ёлғиз жиноятчи ҳибсга олинди. Самарқандда колхоз тузилишига қарши антисовет тарғибот юргизгани учун 38 нафар ёлғиз жиноятчи, 8 нафар террорчи ҳибсга олинди. Бир нечта бойларнинг антисовет гуруҳлари тугатилди, 13 нафар шахс ҳибсга олинди. Андижонда бойларнинг 4 антисовет гуруҳи тугатилди, 11 нафар шахс ҳибсга олинди. Колхозга қарши тарғибот учун 11 нафар бой ҳибсга олинди. Қашқадарёда 3 та жиноий гуруҳ тугатилди, 20 нафар шахс ҳибсга олинди, якка тартибда антисовет ташвиқот юргизгани учун 14 нафар шахс ҳибсга олинди. Сурхондарёда бойларнинг 2 гуруҳи тугатилди, уларнинг бири террористик гуруҳ, 13 нафар шахс ҳибсга олинди. Колхоз қурилишига қаршилик кўрсатиб якка тартибда антисовет ташвиқот юргизган 28 нафар шахс ҳибсга олинди. Хоразмда бойларнинг 1 гуруҳи тугатилди, 8 нафар шахс ҳибсга олинди, уларнинг 2 нафари террорда айбланди. Туркменистоннинг Марв районида бойларнинг 1 гуруҳи тугатилди, антисовет ташвиқот, колхоз қурилишига қарши фаолият учун 4 нафар шахс ҳибсга олинди, 10 нафар шахс якка тартибда ҳибсга олинди. Тожикистонда бойларнинг 2 гуруҳи тугатилди, 8 нафар шахс ҳибсга олинди, 13 нафар шахс якка тартибда ҳибсга олинди, улардан 7 нафар бой террорда айбланди.

Сиёсий вазият

Фарғона округида вазият бирданига кескинлашди. Бойларнинг фитнаси билан деҳқонлар томонидан уюштирилган колхозга қарши оммавий намоёишлар Бағдод, Олтиариқ, Риштон, Бувайда районларини қамраб олди, кейинчалик бу кучайиб, қўзғолонга ўзгариш хавфи бор. Риштон, Бувайда, Олтиариқ районларидаги оммавий намоёишлар бўйича жўнатилган навбатдан ташқари хатга қўшимча шуки, вазият қуйидагича: Бағдод районида намоёишни уюштирган ифвогарлар ҳибсга олингандан сўнг Серово станциясида вазият кескинлигича қолмоқда. 18 февралда Бачқир, Бекобод, Шўрбек, Бача қишлоқларидаги йиғилишларда оммавий намоёишлар кузатилди, унда қулоқларни колхозларга қўшиш талаб қилинди. Шўрқишлоқда коллективлаштириш бўйича вакил оломоннинг талабларига рози бўлди. Риштон районида вазият янада кескин тус олган, кучлироқ ғалаёнлар хавфи бор. 19 февралда Зодиён қишлоғида 3 минг кишилиқ ҳаяжонланган оломон коллективлаштиришни тўхтатишни талаб қилди, узоқ вақт давомида иш жойларига келган хизматчиларга гапиришга йўл қўймади. Кечга томон аҳвол юмшади, бироқ намоёишлар эҳтимоли бор. Қангли қишлоғида оломон колхозларга қулоқларни қўшишни талаб қилди, коллективлаштириш бўйича вакилни ва қишлоқ совети раисини ўлдирамиз деб таҳдид қилди. Улар қочиб кутулди. Ушбу

оломон йўлда Зодиёнга кетаётган округ қўмитаси котибини тўхтатди ва яна 3 қишлоқ аҳолисини кутишни талаб этди, гапиришга йўл қўймади, калтаклаш билан таҳдид қилди. Фаоллар кўмагида калтаклашнинг олди олинди.

Энг кескин вазият Бувайда районида сақланиб турибди. 13 февралда Бувайда қишлоғида район ҳокимияти томонидан 3 нафар қулоқнинг ҳибсга олинишидан сўнг район ижроқўми биносига 400 кишилик оломон етиб келди. Совет ҳокимиятини ағдариш билан таҳдид қилиб, бойларни ҳибсга олмаслик, мол-мулкни хатлов қилмаслик талабларини қўйди. Райижроқўм раиси оломоннинг босими остида маҳбусларни озод қилди. Тарқалган оломон 2 соатдан сўнг яна минг кишилик бўлиб тўпланди. Эски колхозларни тарқатиб юбориш, қулоқларнинг ҳуқуқларини тиклаш, колхоз қурилишларини тўхтатиш, тарқатиб юбориш, қишлоқ совети таркибини қайта сайлаш талабларини қўйди.

Олтиариқ районида янги намоишлар кузатилмади. Намоишларнинг умумий сабаби аҳолининг оммавий коллективлаштиришга тайёр эмаслиги, шунингдек, коллективлаштириш бўйича белгиланган рақамларни орттириш ва бу масалада районлар ўртасидаги асоссиз мусобақа, аниқ маъмурий ўлчовлар билан иш кўрилмагани ҳисобланади.

Андижон округида оммавий коллективлаштириш ишлари кетаётган районларда бойларнинг ташвиқотлари кескин кучайди. Коллективлаштириш бўйича икки йиғилишни бузишга қаратилган учрашувлар тузилмаси аниқланди. Жалакудук, Зеленский, Норин районларида тушунтириш ишлари жуда суст, колхозга киришни хоҳламаган камбағаллар ҳибсга олинди, йиғилишларга мажбурий тартибда қатнашиш ҳолатлари мавжуд. Шаҳрихон районида бойлар колхозга аъзо бўлишга қаттиқ ҳаракат қилишмоқда. Коллективлаштириш оммавий бўлмаган районларда бойларнинг ўзлари билан чорвасини олиб қочиши кучаймоқда.

Сурхондарё округи Шеробод районида бойлар мулкнинг тортиб олинишидан хавфсираб ердан воз кечишни бошлашмоқда, чорвасини, мол-мулкни сотишмоқда, ўртаҳол деҳқонларни ҳам қарши чиқишга ва мол-мулкни сотишга жалб қилишмоқда, бу борада 9 та ҳолат қайд этилган; Сариосиё ва Денов районларида оммавий коллективлаштириш ишига аҳоли умуман тайёрланмаган, тушунтириш ишлари 15 февралда бошланган, бойларнинг таъсири кучли. Денов райони Омборсой қишлоғида 16 февраль куни бойлар 100 кишилик деҳқонлардан иборат оломонни тўплаб, колхозга қарши тарғибот юргиздилар. Ушбу районларда маъмурий босим ўтказиш йўли билан коллективлаштиришни амалга оширишда жиддий хавф юзага келмоқда. Бойсун ва Патта-Ҳисор районларида чорвани оммавий сотиб юбориш ва Афғонистонга кўчиб кетиш ҳолатлари мавжуд.

Самарқанд округида шаҳар бозорига районлардан катта миқдорда чорва молларининг кириб келиши кузатилмоқда, жумладан, Қашқадарё округида ҳам шу ҳол. Оқдарё ва Зомин районларида коллективлаштириш бўйича иккита мажлис тўхтатилди. Бойлар очиқчасига колхозга қарши оммавий ташвиқот юргизишяпти, айрим ҳолларда камбағалларга ҳам таҳдид солишмоқда. Зомин ва Пойариқ районларида фаолларга қарши уч марта ҳужум уюштирилди. Пойариқ районида маҳаллий ҳокимият бойларнинг қаршилиги кучайиб кетишидан қўрқиб бойларни ҳам колхозга қабул қилмоқда. Пастдарғом районида оммавий коллективлаштиришда маъмурий оғишлар, колхоз ҳақида изоҳ талаб қилган ўртаҳол аҳолини ҳибсга олиш кузатилмоқда. Чорва молларининг сотилиши, мол-мулкни мусодара қилиш, жумладан, партия аъзолари томонидан ҳам бирданига ортиб кетди.

Бухоро округи Гиждувон районида оммавий коллективлаштириш ҳудудларида бойлар фаол равишда қарши чиқишлар қилишмоқда. 17 февраль куни камбағаллар йиғилиши томонидан Бухоро қишлоқларида мулкдан маҳрум бўлганларнинг бойлик мақомини тиклаш илтимоси рад этилгандан сўнг бойлар «ҳуқуқларни тиклаш», «фаолларга ўлим» шиорлари билан аёллар намойишини ташкил этишди. Районда бойларнинг янги гуруҳлари шаклланди.

Янги Бухоро районида бойлар ўз ҳуқуқларининг тикланиши бўйича оммавий тартибда ариза бермоқдалар. Талаблари ҳозирча кўриб чиқилмади.

Қашқадарё округи Ғузор районида уруғлик дон тўплаш муносабати билан бойларнинг фаоллиги жонланиб қолди. 17 февраль куни Араббой қишлоғида колхоз тузиш хусусидаги мажлисда уруғлик дон тўплашга ошкора тарзда қарши чиқдилар. Уруғлик дон тўплаш бўйича масъул вакилни эса қуролсизлантириб, калтакладилар. Тошгузар қишлоғида 65 хўжалик уруғлик дон топширишдан бош тортди. Қамай қишлоғида бойлар қўзғаган фитна сабаб 200 нафар деҳқон бош кўтариб, колхозларга ва уруғлик дон топширишга қарши чиқдилар, қишлоқ совети раисини эса калтакладилар. Камбағал халқ бойларнинг зулмидан қўрқиб ер ҳайдашга ажратилган қорамолларни қайтариб берди. Шаҳрисабзда руҳонийлар ва йирик савдогарлар оммавий норозиликлар тайёрлаётган эдилар, ифвогарлар ҳибсга олиндилар. Косон районида янги ташкил топаётган колхознинг зоотехнигига ҳужум қилмоқчи бўлишган.

Қирғизистон ва Туркменистондан оммавий норозиликлар ва террор бўйича маълумотлар келиб тушмади.

Каруцкий¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.203.

Москва ОГПУ – Евдокимов, Дьяков, Запорожецларга

Тезкор ҳисоботга қўшимча, №2

Туркменистон. 5 та антисовет бойлар гуруҳи тугатилди, шундан колхозга қарши фаолият ва тадбирларни бузишда 19 нафар шахс ҳибсга олинди; Афғонистонга кўчиб кетмоқчи бўлган босмачилик билан алоқадор 3 та гуруҳ тугатилди, бунда 30 нафар шахс ҳибсга олинди. Ҳибсга олинган якка жиноятчилар 131 нафар, шундан колхоз фаолиятига қарши тарғибот учун 25 нафар, эмиграция учун 86 нафар, совет ҳокимиятига қарши фаолият учун 20 нафар, жиноятчилик учун 18 нафар.

Сиёсий вазият

Туркменистон. Афғонистонга кўчиб кетишга мойиллик кескин ортмоқда. Сарахс районида оммавий коллективлаштириш бўйича вазият бойлар ташвиқоти таъсири остида барқарор эмас, колхоздан чиқиш бўйича одамлардан оммавий (30 – 40 кишилик) аризалар тушмоқда. Район ижроқўмларининг укувсизлиги сабабли вазият кескин тус олди, чунки биз билан келишмаган ҳолда 39 нафар ўртаҳол ва камбағални ҳибсга олганлар. Ушбу маҳбуслар озод этилди.

Бухоро округи. Ромитан районидан ўлчов тахталари, бойларнинг ерларини артелларга кесиб беришда қўлланилган ер ўлчов ишлари мосламалари бўлган рақамли устунлар бойлар томонидан намойишкорона тарзда йўқ қилинди.

Қашқадарё. Қамаши станциясидаги трактор колоннасида 8 та трактор плуги пружиналари ўғирланган. Тезкор тергов ҳаракати чоралари кўрилди.

Ўш округи. Бозоркўрғон райони бўйича ялпи коллективлаштириш масаласида колхозга киришга оммавий қарши чиқиш ҳолатлари кузатилган. Коголди қишлоғида 170 кишилик деҳқонлар оломони ерда жамоа бўлиб ишлашга қатъий рад жавоби бериб: «Бунда зарардан бошқа ҳеч нарсага эришмаймиз», – деди. Ўзган районида бойлар томонидан колхозга қарши ҳамда чорваларни сотиб юбориш бўйича қаттиқ ташвиқот юргизилмоқда. Адирқишлоқ деган қишлоқ советида бойлар томонидан бир умумий йиғилиш тарқатиб юборилган. Бойларнинг ташвиқоти таъсири билан Тўрткўл ва Кирахўжа қишлоқларида 200 кишилик деҳқонлар оломони коллективлаштириш бўйича вакилга қасд қилмоқчи бўлди ва ташкил бўлган колхозлар аъзолари рўйхатларини йиртиб ташлади. 27 нафар шахс ҳибсга олинди, шундан 7 нафари йирик бой. 11 февраль куни ОГПУ Ўзган райони вакиллиги девонхонаси ҳовлисида бойларнинг таъсирига учраган 150 кишилик оломон бостириб кирди ва маҳбусларнинг озод қилинишини талаб этди, музокарадан кейин оломон тарқалди.

Каруцкий¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.205.

ЎРТА ОСИЁДАГИ ВАЗИЯТ

1930 йил 12 – 25 март

ВКП (б) МҚ И.В.Сталинга ОГПУ раҳбариятининг Ўрта Осиёдаги вазият ҳақидаги ҳисобот хати

1930 йил 12 мартгача

Ўрта Осиёдаги сиёсий вазиятга энг кўп таҳдид соладиган ва жиддий эътибор талаб қиладиган асосий нарса коллективлаштиришга қарши тез-тез юз берадиган ва кенг қўламли оломон оммавий намоишларидир.

Оммавий намоишлар бўйича маълумот қуйида келтирилган:

	Февраль	Март
Ўзбекистон	21	59
Қирғизистон	1	9
Туркманистон	2	1
Тожикистон	–	1

Иштирокчилар сони қуйидаги рақамларда ифодаланган:

	Февраль	Март
Ўзбекистон	19 намоишда 12570	53 намоишда 30143
Қирғизистон	1 намоишда 350	8 намоишда 6220
Туркманистон	2 намоишда 300	1 намоишда 500
Тожикистон	–	2 намоишда 700

Ушбу намоишлар, айниқса, сўнгги кунларда кескинлашди.

Яъни 8 март куни Андижон округи Қўрғонтепа райони Хадирша қишлоғида йиғилишга чақирилган аёллар эркаклар билан биргаликда коллективлаштиришга қарши чиқиб, экин экиш комиссияси вакилини калтакладилар. Шундан сўнг 500 кишилик оломон Хонобод қишлоғига йўл олди. Йўл-йўлаккай Фозилмон қишлоғида оломон бир ўқитувчини пичоқлаб, маҳаллий ишчиларни дўппослаб, сўнг 600 кишигача ўсиб, болта, таёқ ва шу каби нарсалар билан қуролланиб, милиция ходимларига хужум қилди, улардан бирининг қуролини тортиб олдилар. Бироқ бошқа милиция ходимлари томонидан кўрсатилган қаршилик оломонни тарқалиб кетишга мажбур қилди. Оломондан 45 киши қўлга олинди. Оломон ўзбеклар ва қирғизлардан иборат эди. Қирғизлар ўзбекларга қараганда анча тажовузкор кайфиятда эдилар. Қирғизлар коммунистларни ўлдириш ниятида эканини айтдилар.

...

Тошкент округи Ховос райони Жўйлангар қишлоғида умумий йиғилишда деҳқонлар бойлардан тортиб олинган мол-мулкни қайтариб беришни ва бойларни ҳам колхозга қабул қилишни талаб қилдилар. Мажлисни ўтказган район ижроия қўмитаси раиси талабларни қондиришдан бош тортиди, натижа-

да раисни дўппосламоқчи бўлдилар, бироқ унинг тарафини олган бир қишлоқ фаоли калтакланди. Кечга бориб район ижроия қўмитаси раиси 15 ташаббускорни ҳибсга олди. 3 март куни бойлар маҳбусларни озод этишга қарор қилган қишлоқ йиғилишини чақиришди. Бутун аҳоли кўчага чиқди, огоҳлантириш учун ўқ узилганига қарамай, маҳбусларни озод этдилар. Ҳокимият вакиллари қочиб кетди. Аҳоли қатъият билан бойларнинг колхозга қабул қилинишини ва мусодара бўлган мулкани қайтариб беришни талаб қилмоқда.

Коллективлаштириш ва бошқарув масалаларидаги оғишлар, ҳақиқий вазиятни ҳисобга олишни истамаслик, қолоқ жойларда коллективлаштириш бўйича ВКП (б) Марказий Қўмитасининг белгиланган кўрсатмаларини тўғри тушунмаслик ушбу ҳаракатларнинг сабаблари ҳисобланади.

Масалан: а) Зарафшон округида (Ўзбекистон) 1929 йил декабрь ойига қадар эски колхозларнинг қолоқ ва қашшоқ ҳолда таназзулга юз тутиб бораётганига қарамай, округдаги 50 – 55% хўжаликларни коллективлаштириш бўйича қарор чиқарилган;

б) Чорвачилик колхозини ташкил қилиш учун Қултурсун қишлоқ советига (Самарқанд округи Митан райони) келган Чорвачилик уюшмаси инструкторлари (фамилиялари маълум эмас) колхозга қўшилмоқчи бўлганларнинг рўйхатларини номигагина тузиб, кейин кетаверганлар;

в) **Зомин райони** ер бошқармаси (Самарқанд округи) ходимлари Каттабеков ва Читариқ қишлоқ совети раиси мулла Имом Назаровлар Чолжугут, Қуртули, Қариз ва Тошкескан қишлоқларида колхозлар ташкил қилишни қўйидаги тартибда ўтказганлар: аҳолини тўплаганлар, ҳар бир деҳқон билан мол-мулки ва ижтимоий келиб чиқиши хусусида бирма-бир сўров ўтказганлар, бармоқларини босиб имзо чекишга мажбурлаганлар ва бундан буён улар колхоз аъзолари экани ҳақида эълон қилганлар;

г) **Янгиқўрғон қишлоқ советининг** (Самарқанд округи Оқдарё райони) қишлоқларни коллективлаштириш бўйича масъул йўриқчилари Халимов ва Муқимовлар томонидан Тошқози қишлоғида ташкил этилган колхозга давлат аппаратидадан ҳайдалган сайлов ҳуқуқларидан маҳрум бўлган Алижон Муҳамедовни қабул қилиб, уни колхоз котиби этиб тайинладилар;

д) **Бағдод районида** Марказий статистика маъмуриятининг кўрсатмалари ва мол-мулкни рўйхатга олиш бўйича (бунда нафақат жамоалаштиришга тортиладиган нарсалар, балки бутун мулки, ҳатто товуқларигача ҳисобга олинади) марказ топшириқларининг пайдо бўлгани ва коллективлаштириш бўйича иш олиб бораётган ходимларнинг бошқаруви сабаб намоишларнинг янги тўлқини кўтарилмоқда;

е) **Ғиждувон районида** ва Чадгар қишлоқ советида 3 март кунидаги уч қишлоқнинг йиғилишида халқ коллективлаштиришга қарши чиқди. Ушбу

намойиш ишчи гуруҳнинг лаёқатсизлиги ва уқувсизлиги сабаб юзага келган. Негаки улар деҳқонларга қурол ўқталиб, босмачилар деб ҳақорат қилганлар. Оломон бригадирларни дўппослаган, сўнг тарқалган;

ж) **Норин райони** Учқўрғон қишлоғида чорва молларини жамоалаштирмаслик имкониятини аниқлаш учун йиғилиш чақириш хусусида ва жамоалаштирилган чорва молларининг арзонлиги хусусида деҳқонлар томонидан қўйилган талабларнинг бригадада кўриб чиқилмагани, кўшни колхозларнинг тарқатиб юборилиши, жамоалаштириш ишида комиссия аъзоси Дўсма-товнинг иш юритиш тарзи намойишларнинг сабаби бўлган.

Бунга ишнинг бошқа соҳаларида маъмурий ўзбошимчалик ҳолатларининг мавжудлигини ҳам кўшиш керак:

...

Уқувсизлик билан кўрилган чоралар сабабли кўзғалган аҳоли аксилинқи-лобий шиорларга мойил бўлиб қолади; деярли барча оммавий намойишларда ҳуқуқлардан маҳрум бўлганларнинг ҳуқуқларини тиклаш, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, аёлларни ҳимоя қилувчи қонунларни бекор қилиш ва бошқалар каби талаблар қўйилмоқда.

3 март куни Бувайда райони Қангли қишлоғида 100 кишидан иборат аёллар гуруҳи коллективлаштиришга қарши норозилик намойиши ўтказиб, ҳуқуқлари тортиб қўйилганлар ва руҳонийларнинг ҳуқуқлари тикланишини, ёшидан қатъи назар, қизларнинг турмуш қуришига рухсат берилишини, ҳибсга олинган бойларнинг озод этилишини, солиқларнинг синфий тизими бекор қилинишини талаб қилдилар. Намойишдан кетиб қолаётган камбағал аёлларга эса ўч оламиз, қишлоқдан ҳайдаймиз деб таҳдид қилдилар.

Бундан ташқари, тўлқинланган омманинг кайфияти Европа қишлоқ хўжалиги ускуналаридан фойдаланишга қарши қаратилган бўлиб, уни қабул қилишдан бош тортишда ифодаланади.

Уляти қишлоғида техника ташиш учун араваларни олиб кетишга келган колхоз бошқаруви аъзоларини маҳаллий савдогарлар томонидан уюштирилган 200 кишилик оломон кутиб олди, улар асбоб-ускуна керак эмаслигини, келганлар бутунлай қишлоқни тарк этишлари ва ўз оилаларини олиб кетишлари кераклигини эълон қилишди. Бошқача қилиб айтганда, бойлар қишлоқда ҳукмронлик қила бошлагандаги вазиятдек ҳолат шаклланмоқда.

Оммавий намойишлар билан қопланган ҳудудлар аксарият ҳолларда ўтмишда босмачилик ҳаракатларига сахна бўлган.

Қуйидаги ҳолатлар алоҳида эътиборни тортади:

1. Юқоридаги каби коллективлаштириш ишларидаги оммавий равишда тўхтовсиз хатога йўл қўйишлар барча соҳаларни қамраб олади.

2. Фарғонада «Янги Фарғона» газетаси муҳаррири аъзоларидан бири бўлган ҳамда вазифаси пахта саноатига атайлаб зарар етказиш ва шу тариқа аҳолининг норозилигини уйғотишдан иборат бўлган бир аксилинқилобий ташкилотнинг мавжудлиги (1930 йилда йўқ қилинган).

3. Оммавий намойишларнинг ривожланиши, шубҳасиз, жиноятчилик ва босқинчиликнинг ортишига олиб келади, шунингдек, экиш кампаниясига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.

ОГПУ раиси ўринбосари Г.Ягода.

ОГПУ Махфий тезкор бошқарма бошлиғи Евдакимов¹

Фарғона округидаги вазият хусусидаги ҳисобот хатига илова

1929 йил ноябрь охири ва декабрда Фарғона округи Қўқон шаҳрида «Ботир гапчилар» номли аксилинқилобий ташкилот тузилди. Ташкилот таркибига «Янги Фарғона» газетаси (Қўқон, Ўзбекистон) муҳаррири Лутфулла Олимов ҳам кирган. Ташкилот мунтазам равишда, тахминан ҳафтада бир марта гапларда йиғилиб, Ўзбекистондаги мавжуд вазиятни муҳокама қилиб, ўзларининг мақсад ва вазифаларини белгилаб боради.

Умуман, аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти платформаси гап иштирокчилари томонидан билдирилган ва 1929 йил 12 декабрдаги йиғилишда қайд этилган қуйидаги фикрлар билан белгиланади:

1. Совет тузуми илгари мустамлака бўлган халқларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини таъминламайди.

2. Ўзбеклар учун совет тузуми ўрнига Швейцарияга ўхшаш давлат ташкилотини тузиш, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш ва янада ривожлантириш керак.

Совет ҳукуматидан норозилик коллективлаштириш, пахта сиёсати, бойларга босим, саноат қурилишининг етишмаслиги ва бошқалар билан боғлиқ эди. Ташкилотнинг мақсадларига яширин газета чиқариш ҳам кирган. Аъзоларни танлашнинг асосий мезони унинг талабалар ва миллатчилардан бўлишлиги эди. Ташкилот Мустафо Чўқаев билан алоқа ўрнатиш учун чоралар кўрди.

Совет ҳукуматини ағдаришни мақсад қилган ташкилот ўзининг энг яқин амалий вазифаларини «...мамлакат ичидаги ҳар бир норозилик ва нотинчлик ҳаракатидан фойдаланиш, уларни кенгайтириш, халқни қўзғолонга тайёрлаш. Бошқа давлатлар билан бўлган ҳарбий низолардан фойдаланиб

¹ Кўрсатилган манба. – С.253.

ички тартибсизликларни қуролли қўзғолонга айлантириш ва қурол топиш чораларини кўриш» (дастурнинг 7-илоvasи) деб ўйларди.

Тактик вазифаларни амалга ошириш, ташкилот аъзоси Эркиннинг баёнотига кўра, қуйидагича бошланди: «У совет ҳукуматига пахтачиликка оид материалларни ва агрономларнинг муваффақиятини газетага киритмай, ахлатга ташлаб юбориш билан қарши чиқа бошлади».

Ҳақиқатан ҳам, Лутфулла Олимовнинг квартирасида ўтказилган тадбир пайтида нашр этилмаган: 1) ирригация қурилишининг ютуқ ва муваффақиятларини тасвирловчи деҳқон мухбир – «Ислимухбир» кўлёмаларининг асл нусхалари; 2) деҳқонларга етарли миқдорда буғдой етказиб бериш ва деҳқонларнинг назорат рақамларидан ортиқча пахта эккани ҳақида тайёрланган мақоланинг асли; 3) рўзанинг зарарли эканлиги ҳақидаги динга қарши ёзилган мақоланинг асл нусхаси каби материаллар топилган.

Ташкилот январь ойида (1930 йил) тугатилган, 18 киши, шу жумладан, Олимов ҳам ҳибсга олинган.

Зарафшон округидаги вазият хусусидаги ҳисобот хатига илова

Зарафшон округида тўлиқ коллективлаштириш ҳудудлари йўқ, лекин округ ташкилотлари реал вазиятни ҳисобга олмасдан колхоз қурилишини мустаҳкамлаш бўйича умумий директивалар билан боғлиқ ҳолда округдаги барча хўжаликларнинг 50 – 55% ни коллективлаштиришга қарор қилдилар.

Колхоз қурилишининг бундай суръати оммани колхозларга жалб қилишнинг ҳаққоний даражасига ҳеч қанақасига мос келмайди. Ташкилотларнинг ҳеч бири бундай суръатга тайёр эмас.

Колхоз ҳаракатида етакчиликнинг йўқлиги ва бу масалада ташкилотларнинг лоқайдлиги эски колхозларга бўлган муносабатда ўз ифодасини топди. Ушбу эски колхозлар 1929 йилнинг декабригача том маънода аянчли борлигини судраб келиб, парчаланиб кетди.

Бундай шароитда округ ташкилотларининг хўжаликларнинг 50 – 55% ни коллективлаштириш тўғрисидаги қарори ҳар қандай шароитда бажарилиши керак бўлган назорат кўрсаткичи сифатида қабул қилинди.

Район ташкилотлари ҳеч қандай тушунтириш ишларини олиб бормасдан, коллектив хўжаликларини бевосита ташкил этиш учун қишлоқларга масъул вакилларни юбордилар. Улар жамоаларга деҳқонларнинг жиддий бир интилишини кўрмай туриб топшириқни шунчаки бажариш мақсадида деҳқонларни бевосита алдаб, бошқарувда расмиятчилик йўлини тутганлар.

Кармана райони Қалқай-Оға қишлоқ советидаги коллективлаштириш бўйича вакиллар деҳқонларга ҳақиқатда мавжуд бўлмаган қишлоқ хўжалиги техникаси, трактор ва машиналар етказиб бериш ҳақида амалга ошмайдиган ваъдалар беришган.

Каттақўрғон райони Алижон қишлоқ советида коллективлаштириш бўйича вакил колхозга қўшилганларнинг мол-мулкани рўйхатга олиш ва паст баҳоларда баҳолашни амалга оширди; натижада аҳоли барча чорва молларини сотиб тугатди.

Каттақўрғон район кўмитаси раиси коллективлаштириш бўйича рекорд суръатларга интилиб районни тўлиқ коллективлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Саросима ва режасизлик ҳолати, колхоз қурилишида тўғри бошқарувнинг йўқлиги шу билан тавсифланадики, ташкилотларнинг ҳеч бири қанча колхоз тузилгани, уларга қанча ва қандай хўжаликлар киритилганини ҳам билмайди.

Айни пайтда, коллективлаштириш билан боғлиқ ҳолда бир қатор хавотирга сабаб ҳодисалар кузатилмоқда. Уларнинг асосийлари: 1) баҳорги экиш ишларининг барбод бўлиш хавфи; 2) колхозларга қўшилишдан олдин барча ижтимоий қатламдаги деҳқонлар томонидан чорва молларининг оммавий равишда ўринсиз нест-нобуд қилиниши; 3) янги ташкил этилган колхозларга ижтимоий ёт ва бой унсурларнинг кириб бориши.

Экиш масалалари давом этиб келаётган оммавий колхоз қурилиши шароитида умуман ўйланмаган, ташкил топган колхозларни баҳорги экинга тайёрлаш билан ҳеч ким шуғулланмаяпти.

Худуддаги барча бозорлар том маънода деҳқонлар сотган моллар билан тўлиб-тошган. Чорванинг нархи 30 – 50% га тушиб кетган (200 сўм турган от 100 – 120 сўмга сотилмоқда). Аҳолини қамраб олган ваҳима шунчалик кучлики, баъзи қишлоқларда молларни насиёга сотиш бошланган.

Ўрта Осиё ОГПУ мухтор вакили Бельский.

Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси Волинский¹

1930 йил 19 мартдаги тезкор иш натижалари ҳақида Тошкентдан 5392-сонли тўғридан-тўғри хабар қайдномаси

**1930 йил 20 март
соат 13:40 да олинди**

Москва – ОГПУ Евдокимовга, Дьяковга, Запорожецга

1930 йил 19 март бўйича тезкор хабар. Оммавий чиқишлар билан қамраб олинган районнинг барча худудлари бўйлаб аксилинқилобчи элемент-

¹ Кўрсатилган манба. – С.255.

ларни бартараф этиш бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари туфайли хотиржамлик пайдо бўлди. Советларга қарши бўлган асосий ҳаракатлар қуйидагилар:

Зарафшон. Кармана районида колхозга босқин уюштирилган, отлар олиб кетилган, бир колхозчи яраланган. Босқинни уюштирганлар, уни ташкиллаштирган бойлар, жами 8 киши қўлга олинган. Нарпай районида 16 март куни Хуросон қишлоқ кенгаши коллективлаштиришга қарши чиқди, зиддият бартараф этилди. 260 нафар колхозчидан 60 нафари қолди. 17 март куни Нарпай районида 15 нафар аксилинқилобчи бойлар ҳибсга олинди.

Хоразм. Шовот районида тартибсизликлар барҳам топди, ҳарбий қисмлар олиб чиқилди. Қашқадарё, Бешкент, Косон районларида колхозга қарши оммавий кайфият кучайди, колхоздан чиқиш тўғрисида аризалар тушмоқда. 272 та мурожаат рўйхатга олинган. Накрабат (матнда шундай – Р.Ш.) қишлоғида колхозларни ҳимоя қилган батракни дўппослашга уринганлар. ...

1 февраль – 7 март кунлари бўйича тезкор иш натижалари

Советларга қарши бош қўтарган асосий районларда оммавий намойишлар тўлқини ва бойлар фаолиятининг умумий жонланиши муносабати билан аксилинқилобчи бой фаолларнинг кўпчилик кадрлари, ташкилотчилари, оммавий чиқишлар иштирокчилари қўлга олинди.

Андижон округи. Қўлга олинган аксилинқилобчиларнинг умумий сони 607 нафар (шундан 400 кишидан ортиғи оммавий намойишларга алоқадор), шундан бойлар – 257, муллалар – 31, савдогарлар – 22, ўртаҳоллар – 54, камбағаллар – 33, қолганлари районларда бўлгани учун аниқланмади. Камбағаллар ва ўртаҳоллар фақат оммавий намойишларда фаол қатнашгани учун қўлга олинди. Ҳибсга олинганлар орасида бузғунчилик ва оғмачилик учун ҳибсга олинган 8 хизматчи ҳам бор.

Ҳибсга олинган шахсларнинг ижтимоий таркиби ва ҳибсга олинишларининг асосланганлигини аниқлаш вазифаси Андижон ва Қўқонга келган (ОГПУ – Р.Ш.) Шарқий бўлим бошлиғи Круковскийга топширилган. Терговни тезлаштириш учун (ОГПУ – Р.Ш.) Доимий вакиллиги ходимларидан бир гуруҳи жалб қилинди.

Фарғона. Оммавий намойишларда фаол иштирок этган 164 нафар ташкилотчи ва қатнашчилар қўлга олинди. Уларнинг ижтимоий таркиби ҳақида бўлим томонидан маълумот тақдим этилмаган. Круковский томонидан текширилмоқда, қўшимча хабар жўнатамиз.

Бухоро округи. Жами 156 нафар шахс ҳибсга олинган. Шундан 67 нафар бой, 5 нафар мулла, 63 нафар ўртаҳол, 17 нафар камбағал, 4 нафари аниқланмаган. Қатағонга учраган ўртаҳол ва камбағал унсурлар оммавий намойишларда, оммавий террор, жиноий босмачи гуруҳларда фаол иштирок этганлар.

Самарқанд округи. Жами 127 нафар шахс ҳибсга олинган, шундан 81 нафар бой, 10 нафар мулла, 23 нафар ўртаҳол, 13 нафар камбағал.

Қашқадарё округи. Жами 123 нафар шахс ҳибсга олинган, шундан 50 нафар бой, 8 нафар мулла, 16 нафар савдогар, 18 нафар ўртаҳол, 7 нафар камбағал, бузғунчилик учун 7 нафар шўро ходими.

Хоразм округи. Сўнгги беш кунликда ҳибсга олинганлар 18 нафар. Шундан 8 нафар бой, 3 нафар мулла, 1 нафар савдогар, 4 нафар савдогар, 2 нафар камбағал.

Ўзбекистон бўйича жами 1195 киши ҳибсга олинган. Ўзбекистон бўйича 51 та аксилинқилобчи бойлар гуруҳи йўқ қилинди. Бу бўйича умумий ҳисобга кирган 385 киши ҳибсга олинган...

Каруцкий¹

Фарғона районидаги колхозларнинг парчаланиши тўғрисида Кўқондан келган телеграф хабар

1930 йил 25 март

Ер уюшмаси халқ комиссари Ратнерга

Фарғона округида оммавий коллективлаштирилган 5 райондан 75% га коллективлаштирилган битта район қолди, холос. Колхозларнинг ярми парчаланиб кетди. Бу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра давом этмоқда: 1) ходимлардаги укувсизликлар қулоқларнинг оммага таъсирини оширди; 2) умумлаштириш ишларидан ўртаҳол қатламнинг норози бўлиши; 3) эски колхозларнинг ёмон иш юритиши; 4) коллективлаштириш бўйича тайёргарликнинг йўқлиги. Колхозларнинг парчаланиши оқибатида экин ишлари секинлашиб қолди, пахта экиш режасининг бажарилмай қолиш хавфи бор. Тегишли муассасанинг босими талаб қилинади.

Коричев²

1930 йил 5 апрель ҳолатига Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакиллигининг тезкор иш натижалари ҳақида ахбороти

1930 йил 17 апрель

№6112 рақамли хабаримизга қўшимча қиламиз: 5 апрель ҳолатига минтақа бўйича ҳибсга олинганлар 2776 киши. Шундан аксилинқилобчи ташкилотлардаги, гуруҳлардаги иштироки учун, аксилинқилобий тарғибот ва ташвиқот учун, оммавий намоишлар ва террор учун: бойлар – 990, ўзига тўқлар – 41, ўртаҳоллар – 216, камбағаллар – 84, руҳонийлар – 110, савдогарлар – 99, хунармандлар – 10, хизматчилар – 47, аниқ машғулоти бўлмаганлар

¹Кўрсатилган манба. – С.257 – 259.

²Кўрсатилган манба. – С.259.

– 70, ҳарбий хизматчилар – 1, ишчилар – 1, ижтимоий аҳволи аниқланмаганлар – 21.

Мол-мулк ва чорва молларини қасддан йўқ қилиш: бойлар – 66, ўртаҳоллар – 10, камбағаллар – 2, руҳонийлар – 7, савдогарлар – 6, хизматчилар – 4.

Жосулик: бойлар – 5, ўртаҳоллар – 4, камбағаллар – 6, савдогарлар – 3, ҳунармандлар – 4, хизматчилар – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 5, ишчилар – 1.

Босмачилар ва уларнинг тарафдорлари: бойлар – 71, ўзига тўқлар – 2, ўртаҳоллар – 145, камбағаллар – 110; сўнгги икки гуруҳ бўйича асосан қишлоқ хўжалигини тарк этган жиноятчи, синфий бегона унсурлар; руҳонийлар – 7, савдогарлар – 15, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 14, ҳунармандлар – 3, хизматчилар – 1.

Чегарадан ноқонуний ўтиш: бойлар – 19, ўртаҳоллар – 12, камбағаллар – 4, руҳонийлар – 6, савдогарлар – 31, ҳунармандлар – 11, хизматчилар – 19, ҳарбийлар – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 112, аниқланмаганлар – 1.

Контрабанда: бойлар – 34, ўртаҳоллар – 4, камбағаллар – 1, савдогарлар – 6, ишчилар – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 3, аниқланмаганлар – 2.

Чайқовчилик: бойлар – 7, ўртаҳоллар – 1, руҳонийлар – 1, савдогарлар – 10, хизматчилар – 2, ҳарбийлар – 4, раҳбар ходимлар – 8, ижтимоий зарарли ва хавfli унсур: хизматчи – 1, аниқ машғулоти бўлмаганлар – 23.

Чор Россияси даврида ишчилар синфига қарши фаол ишлаганлар: бойлар – 4, ўртаҳоллар – 2, хизматчилар – 2, собиқ офицерлар – 1. Ва бошқа ҳолатларда: бойлар – 26, ўзига тўқлар – 1, ўртаҳоллар – 20, камбағаллар – 14, руҳонийлар – 1, савдогарлар – 10, ҳунармандлар – 3, ҳарбийлар – 21, ишчилар – 9.

Қочган қулоқлар 307 киши. Олдинги директивалар ва 2886-сонли кўрсатмага мувофиқ оммавий намоишларга, аксилинқилобчи ташкилотларга ва гуруҳларга жалб қилинган ўртаҳол ва камбағаллар тергов жараёнида қатъият билан текширилмоқда.

Миронов¹

ОГПУ Е.Г.Евдокимовга Тошкентдан Ўрта Осиё ОГПУ органлари тергови остида бўлган шахслар ҳақида тўғридан-тўғри ёзма ахборот

1930 йил 15 июнь

1 июнь ҳолатига Ўрта Осиёда 2192 нафар шахс ҳибсда ушлаб турилибди, шундан аксилинқилобий ҳаракат учун (оммавий намоиш, антисовет ташвиқот ва тарғибот, террор): бойлар – 415, ўртаҳоллар – 142, камбағаллар – 66, савдогарлар – 32, руҳонийлар – 51, собиқ босмачилар – 9, хизматчилар

¹ Кўрсатилган манба. – С.306.

– 97, амир хизматида бўлганлар – 35, ишчилар – 8, хунармандлар – 6, талабалар – 2, ҳарбий хизматчилар – 5, қатъий машғулотли бўлмаганлар – 16, аниқланмаганлар – 16 нафар;

босмачилар ва уларнинг тарафдорлари: бойлар – 201, ўртаҳоллар – 209, камбағаллар – 58, савдогарлар – 30, руҳонийлар – 59, хунармандлар – 3, хизматчилар – 15, собиқ босмачилар – 113, эркин касб эгалари – 2, аниқланмаганлар – 67 нафар;

жосуслик: бойлар – 7, ўртаҳоллар – 3, камбағаллар – 5, савдогарлар – 5, руҳонийлар – 1, хизматчилар – 7, ишчилар – 7, қатъий машғулотли бўлмаганлар – 9, эркин касб эгалари – 1, қизил аскар – 1, аниқланмаганлар – 4 нафар;

контрабанда: бойлар – 3, ўртаҳоллар – 5, камбағаллар – 3, савдогарлар – 12, ишчилар – 1, қатъий касби йўқлар – 4, аниқланмаганлар – 1 нафар;

иқтисодий аксилинқилобчилик: хизматчилар – 13, ҳарбий хизматчи – 1; чегарадан ноқонуний ўтиш: бойлар – 6, ўртаҳоллар – 8, савдогарлар – 16, ишчилар – 24, хизматчилар – 21, хунармандлар – 10, қатъий касби йўқлар – 8, руҳонийлар – 1, аниқланмаганлар – 8 нафар;

пул савдоси: бойлар – 1, хизматчилар – 2, савдогарлар – 4, қатъий касби йўқлар – 4, қизил армия солдатлари – 7, комиссарлар таркиби – 1 нафар;

лавозимни суистеъмол қилиш: хизматчилар – 60, савдогарлар – 2, ҳарбий хизматчилар – 3 нафар;

қалбаки пул ясовчилар: қатъий касби йўқлар – 4, қатъий касби йўқ зарарли унсурлар – 65, бойлар – 7, камбағаллар – 5, руҳонийлар – 1, савдогарлар – 3, ишчилар – 3, хизматчилар – 15, қизил аскарлар – 1, аниқланмаганлар – 10, қочоқ қулоқлар – 133.

Маълумот берувчи жавобгар навбатчи Героцкий¹

ОГПУга Тошкентдан ОГПУ мухтор вакили В.А.Каруцкийнинг №9458 рақамли тўғридан-тўғри ёзма ахбороти

1930 йил 28 сентябрь

Москва – ОГПУ Ахборот бўлими Запорожецга, ОГПУ Шарқий бўлим Дьяковга, Ягодага

26 сентябрь куни Ўзбекистонда (Бухоро округи Вобкент райони) қулоқ бўлганлар бошчилигида топширилган пахта эвазига нон талаб қилиш баҳонасида Чорбоғ, Роҳкент, Қипчоқ, Холач қишлоқ советларидан 300 кишилик камбағал ва ўртаҳол деҳқонлардан иборат ва бошқарувчилари ҳуқуқларидан маҳрум қулоқлар бўлган оломон оммавий норозилик намоиши ўтказди. Оломон район ижроқўм котибини ушлаб олди ва «Бизга нон бермагунингча сени тириклайин қўйиб юбормаймиз» деган бақириқлар билан уни Пахта

¹Кўрсатилган манба. – С.389.

бирлашмаси биносига олиб келди. Бино олдида оломон котибни калтаклашга ҳаракат қилди. Одамлар: «Сенлар бизларни буғдой, жўхори ўрнига пахта экишга мажбур қиялпсанлар, нонни эса бермаяпсанлар», – деб тўполон қилишарди. Уларнинг баъзилари дон бўйича қарз мажбуриятларини беришни талаб қилдилар ва бу талаблари бажарилди. Партқўмнинг тушунтиришларидан кейин оломон тарқалди. Округ бўлими томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Қўшимча хабар берамиз.

Каруцкий¹

ОГПУ Ахборот бўлимининг «Колхозларнинг синфий ёт-бегона унсурлар билан тўлиб кетгани ҳақида»ги ҳисобот хати

1931 йил 30 январь

...Ўзбекистон. Икромов райони колхоз уюшмаси (оммавий коллективлаштирилган район) берган маълумотга кўра, колхозчилар таркиби қуйидагича: батрақлар – 14,4%, камбағаллар – 41,4%, ўртаҳоллар – 44,2%. Ёт унсурлар йўқ. Бироқ ОГПУ ходимлари томонидан колхозчилар таркиби ўрганилганда 172 та қулоқ ва савдогарлар хўжаликлари, 3 та судхўр, 7 та чайқовчи ва 5 та руҳонийлар хўжаликлари мавжудлиги аниқланди. Жами 187 хўжалик ёки колхозчилар умумий сонининг 2,3% ни ташкил қилган. Собиқ Бухоро райони колхозларида 367 қулоқ ва бой хўжаликлари аниқланди. Район ташкилотлари берган хабарга кўра, қулоқлар йўқ дейилган собиқ Андижон округи бўйича ҳам колхозлар таркибида 1000 дан ортиқ қулоқ ва бой хўжаликлар борлиги аниқланди.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Запорожец.

1-бўлим бошлиғи ёрдамчиси Иванов²

«3-категория қулоқларининг округ бўйича кўчирилиши ҳақида» ҳисобот хати

1931 йил 9 февраль

...

III. 3-категория қулоқларининг хўжалик ва жойлаштириш ҳолатлари

...

6. Ўрта Осиё

Ўтган йилнинг март ойида собиқ Бухоро округининг Шофиркон райони Жилвон тураргоҳига жўнатилган қулоқлар бошиданоқ ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Иш ҳайвонларининг ва қишлоқ хўжалиги меҳнат қуролларининг

¹ Кўрсатилган манба. – С.483.

² Кўрсатилган манба. – С.576.

етишмаслиги, район ташкилоти томонидан назоратнинг йўқлиги оқибатида 304 гектар ер ишловсиз қолиб кетган.

Қулоқ қилинган хўжаликларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда қашшоқлик ҳолатида кун кечирмоқда. Иш ҳайвонлари озуқасиз ва очиқ жойларда қолиб кетган. Сургун қилинган қулоқларнинг умуман тураржойлари йўқ, улар палаткаларда яшашмоқда. Жойларда қурилиш материаллари йўқ ва уй-жой қуриш бўйича ҳеч ким ҳеч қандай чора ҳам кўрмапти. Қишлоқдан қочиш ҳолатлари тобора ортмоқда: улар кўчириб келтирилган кундан то 1930 йил 15 августгача қишлоқдан жами 100 кишидан иборат 11 оила қочиб кетган. Қишлоқ 7 милиция ходимидан иборат махсус наряд воситасида қўриқланади. Милициячилар ўз хизматларини тартибли олиб бормайдилар. Қишлоқ фақат кечкурун қўриқланади. Кундузлари эса сургундаги қулоқлар милиция ходимларининг рухсатисиз атрофдаги қишлоқларнинг бозорларига бориб келадилар.¹

**Қулоқларни кўчириш ва жойлаштириш бўйича А.А.Андреев
комиссиясининг йиғилиши
3-сон баённомаси**

1931 йил 24 мартдан кейин

Қатнашдилар: комиссия аъзолари ўртоқ Андреев, ўртоқ Ягода.

...

Эшитилди: 2. Ўзбекистондаги оммавий коллективлаштириш районларини тасдиқлаш тўғрисидаги ВКП (б) Ўрта Осиё бюросининг қарори: Гиждувон, Оқдарё, Қўқон районлари; мазкур районлардан бойларни кўчириш тўғрисида; эски оммавий коллективлаштириш районларидан кўчириш тўғрисида (Ўзбекистоннинг Янгийўл, Мирзачўл, Икромов, Қува районларидан, ...) ва Сурхондарё округининг чегара районларидан кўчириш тўғрисида (Ўрта Осиё ОГПУ мухтор вакиллиги ўртоқ Мироновдан телеграмма).

Қарор қилинди: 2. Колхозлашмаган жойлардан бойларни ўлка ичи бўйича кўчириш ҳақидаги қарор тасдиқлансин: а) Ўзбекистондан 750 тагача бой хўжалик; б) Туркманистондан 100 тагача бой хўжалик, в) Тожикистондан 20 тагача бой хўжалик.

...

Комиссия аъзолари: Андреев, Ягода, Постишев²

¹Кўрсатилган манба. – С.616 – 617.

²Кўрсатилган манба. – С.660 – 661.

**1930 йил 1 январдан 1931 йил 1 июлига қадар ОГПУ махсус
бўлимининг қулоқлаштириш ва қулоққа тортилганларни
кўчириш тўғрисидаги маълумотномаси**

1931 йил 15 июль

... Ўрта Осиё бўйича

Ўлкадаги деҳқон хўжаликларининг умумий сони – 1 210 000

ОГПУ мухтор вакиллигининг 1930 йилги маълумотларига кўра, қулоқлаштирилган қулоқ хўжаликларининг сони – 748

1930 йили сургун қилинган қулоқ хўжаликларининг сони – 159

1931 йил 1 январдан 1 июлгача бирга рухсат этилган яқинлари билан кўчирилган қулоқ хўжаликларининг сони – 6000

Жами қулоқлаштирилган хўжаликлар сони – 6159

Ўлка бўйича қулоқлаштириш учун рухсат этилган қулоқ хўжаликларининг сони – 6000 ...

ОГПУ махсус бўлими бошлиғи ёрдамчиси Николаев¹

**ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягодага ОГПУ Транспорт
бўлими бошқармасидан кўчириб келинган деҳқонларнинг
озиқ-овқатлари йўқлиги ҳақидаги ҳисобот хати**

1931 йил 8 сентябрь

Харьков ОГПУ Транспорт бўлими Жанубий округ бошлиғининг хабар беришича, Ўрта Осиёдан Украинага келаётган эшелонлар йўл учун озиқ-овқат билан умуман таъминланмаган; жумладан, Харьковга келган 608- эшелондаги одамлар жуда ҳам оч қолган, нонлари ва пуллари сургун қилинган жойида олиб қўйилган. Ўзлари жуда аянчли аҳволда. Харьковда эшелондаги одамлар биз томондан нон, шакар, чой билан таъминланди ва бу билан сургун қилинганларнинг тамоман тушкун кайфияти бир оз кўтарилди. Юқоридаги ҳолат 606-эшелонда ҳам кузатилди. ОГПУ Транспорт бўлими томонидан озиқ-овқати бўлмаган эшелонлар иссиқ овқатдан ташқари қўшимча равишда нон билан таъминлансин мазмунида кўрсатма берилди.

Эътиборингизга ҳавола этаман.

ОГПУ Транспорт бўлими вақтинча бошлиқ ўринбосари вазифасини
бажарувчи Балашев²

¹Кўрсатилган манба. – С.716.

²Кўрсатилган манба. – С.766 – 767.

«Иттифоқнинг алоҳида минтақаларидаги салбий ҳолатлар ва сиёсий вазият тўғрисида»ги ОГПУ СПО (Секретно-политический отдел – Махфий сиёсий бўлим) ҳисоботи

1932 йил 1 апрелдан сўнг

Кўчманчилик

...Охирги пайтларда озиқ-овқат қийинчиликлари сабаби билан қозоқ аҳолининг Қозоғистонга қўшни бўлган мамлакатларга – Ўрта Осиё, Ғарбий Сибир, Урал, Ўрта Волга ва бошқа ҳудудларга қочиши ва ташкил қилинган кўчманчилик кузатилмоқда. Унча тўлиқ бўлмаган маълумот бўйича юқорида айтилган минтақаларга Қозоғистондан Ўрта Волга ҳудудларига 50 минг кишигача, Ғарбий Сибирга 16 минг хўжалик, Ўрта Осиёга 12 минг хўжалик, Тожикистонга 1 минг хўжалик кўчиб борди.

ХВ. Ўрта Осиё

ОГПУ ППнинг маълумоти бўйича, январь ва февраль ойларида районларда деҳқонларнинг колхозлардан чиқиши жиддий характерга эга бўлган. Аммо бу ҳақда ҳеч қандай рақамли маълумот йўқ.

Кўплаб колхозлардаги раҳбарлик лавозимларининг аксилинқилобчи бой унсурлари билан зарарланиши туфайли ташкилий-хўжалик ишларини ташкил этиш сустлашмоқда. Бойлар ичкаридан туриб колхозларга қарши бузғунчилик ишларида фаол қатнашмоқдалар. 1931 йилда колхозлардан 4582 нафар советларга қарши ҳар хил унсур чиқарилган, улардан 2860 киши маъмурий-хўжалик мансабларига эга бўлганлардир. Ўзбекистондаги колхозларда 1931 йилда 388 та аксилинқилобчи бой гуруҳлари фош этилиб, йўқ қилинди.

Колхозларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги маълумот деярли йўқ. Озиқ-овқат қийинчиликлари тўғрисида алоҳида бўлинган маълумотлар мавжуд, масалан, Ўзбекистоннинг Нурота райони Хитойчат қишлоқ совети бўйича колхозчилар нонга бўлган муҳтожликни бошдан кечирмоқдалар. Аҳоли нон билан тарик ва янчилган илдизларни истеъмол қилмоқда. Колхозчилар уйда бор нарсаларини сотиб юборишади ва нонга алмаштиришади. Шу боис қишлоқ советлари таркибидан 60 хўжалик чиққан. Қолган колхозчилар ҳам илиқ об-ҳаво келганда чиқиш режаларига эга.

Советларга қарши фаоллик

Охирги вақтларда Ўрта Осиё республикаларида бойлар ва бошқаларнинг советларга қарши фаоллиги кўп миқдорда ортиб бормоқда. Тўлиқ бўлмаган

маълумот бўйича, жорий йилнинг биринчи ойлари ичида фош этилган ва йўқ қилинган бойларнинг гуруҳлари сони 50 га етиб қолди, улардан Ўзбекистонда аниқланганлари 40 дан ортиқ гуруҳни ташкил этиб бу гуруҳлардаги одамлар умумий сони 500 тадан кўпдир. Бойларнинг аксилинқилобий гуруҳларида айрим ҳолларда қишлоқ советлари ва район совет аппарати ходимларининг иштирок этаётганига эътибор қаратишимиз керак (гуруҳларга алоқадор бўлган 46 район ходимлари мавжуд). Ҳисобланган оммавий ва гуруҳий чиқишлар: ўтган йилнинг охириги кварталида – 9 та, январь-февралда – 2 та.

Оммавий чиқишлар

1931 йил												1932 йил	
январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	январь	февраль
11	8	47	37	48	25	4	4	5	4	3	2	2	-
[чоракда] 66			[чоракда] 110			[чоракда] 13			[чоракда] 9				

1931 йилда Ўрта Осиё бўйича советларга қарши 22584 нафар ҳар хил унсурлар йўқ қилинди. Жорий йилнинг биринчи декадасида 1324 киши қатағон қилинди. Январь-февраль бўйича ҳар хил аксилинқилобчи унсурлар устидан 1306 та тергов ишлари очилган (ўтган йилнинг IV кварталида 106 та).¹

1932 йилга қулоқ хўжаликларини кўчириш бўйича ОГПУ

СО тахминий ҳисоботи

1932 йил апрель ойи

Т/р	Область, ўлка	Меҳнатга лаёқатли бўлган бошлиқларнинг мавжудлиги билан қулоқ хўжаликларни ҳисобга олиш	Кўчириш керак	Кўчириш қаерга режалаштирилган	Қайси муддатга
...15	Ўрта Осиё	13473	7000	Ўлка ичига	Кўчиришга санкция берилган

ОГПУ СПО бошлиғи Г.Молчанов.
ОГПУ СПО 2-нчи бўлим бошлиғи Люшков²

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ. Том 3. 1930 – 1934. Книга 2. 1932 – 1934. – С.83 – 84.

² Кўрсатилган манба. – С.98 – 99.

**1933 йил 25 апрель ҳолатига махсус кўчирилганларнинг
сиёсий кайфияти ва аксилинқилобий фаоллиги тўғрисидаги
147514-сонли ОГПУ СПО махсус ҳисоботидан**

1933 йил 3 май

... **Ўрта Осиё**. Ўзбекистондаги махсус посёлкалардан 1932 йилнинг октябрь ойи мобайнида 1798 киши қочиб кетган, ҳаммаси бўлиб махсус посёлкалар ташкил қилингандан бошлаб қочганлар сони 6 минг кишигача ҳисобланган.

ОГПУ СПО бошлиғи Г.Молчанов.

2-нчи бўлим бошлиғи ёрдамчиси Каган

1933 йилга қулоқларни кўчириш бўйича ОГПУ тахминий режаси

1933 йил 12 май

Т/р	Ўлка (область) номлари	Кўчириш режалаштирилган		Қаерга кўчирилади	Кўчириш тахминий муддати	Изоҳ
		Оила	Нафар			
...14	Ўрта Осиё	500	2000	Қозоғистон	10 июнь – 15 июнь	15 – 20 июлдан

ОГПУ СПО бошлиғи Г.Молчанов.

ОГПУ ГУЛАГ бошлиғи Берман¹

**Якка хўжалик ва колхозчиларнинг оммавий тарзда кетиши
тўғрисидаги 50766-сонли ОГПУ махсус хабарномаси**

1933 йил 20 октябрь

БКП (б) МК секретари ў. Сталинга, БКП (б) МК секретари ў. Кагановичга, СССР ҲКС раиси ў. Молотовга

Иттифоқнинг алоҳида областлари бўйича қишлоқлардан якка хўжалик ва колхозчиларнинг июль ойида бошланган кетиш ҳолатлари жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра қуйидаги кўринишда тақдим этилади:

... 3) Ўрта Осиёнинг Зомин ва Қизил-Мозор районларидан дон маҳсулотлари етиштириш топшириқларини 100% га бажарган колхозларга қўшимча мажбуриятларни бериш сабаби билан 15 октябрь ҳолати бўйича 1260 хўжалик кўчган. Худди ушбу сабаблар билан Мўминобод районида 25 сентябрь ҳолати бўйича 1 минг хўжалик кўчган. Сентябрьнинг биринчи декадаси мобайнида чегара ҳудудида Афғонистонга кетмоқчи бўлган 1,5 минг кўчманчи хўжалик ушланган. Ёрқўтон қишлоқ советида экин ерлар ва қўшчи чорваларга эга бўлмаган камбағалларга дон топшириш бўйича мажбуриятлар берилган. Камбағаллар эса жавобгарликдан қўрқиб қишлоқдан қочмоқдалар. Худди ушбу сабаблар билан Ғаллаорол районида 1 сентябрь ҳолати бўйича

¹ Кўрсатилган манба. – С.419 – 420.

44 та якка хўжаликлар кетган. Чиброн, Кубиноц, Чишманат қишлоқларидан Афғонистонга 60 хўжалик кетди. Дон маҳсулотларини етказиш жараёнидаги ноҳақликлар туфайли Яур ва Султонбой қишлоқ советларидан ва Хўжаариқ, Жонтут, шунингдек, бошқа қишлоқлардан сентябрь ойи бошида якка хўжаликларнинг 230 таси бошқа районларга кўчиб кетган.

ОГПУ раиси ўринбосари Агранов¹

Шахсларга доир маълумотлар

Бельский Лев Николаевич (Левин Абрам Михайлович) (1889 – 1941) – Минск губернияси Мир қишлоғида туғилган, хизматчилардан. 1904 йилдан Бунд (бунд – яхудий тилида иттифоқ, Россия, Польша, Литва умумяхудий ишчи иттифоқи (Всеобщий еврейский рабочий союз в Литве, Польше и России) таркибига кирган. 1917 йилдан большевиклар партияси аъзоси. 1902 – 1910 йилларда мовут фабрикаси идора хизматчиси, хусусий дарс бериш ва до-рихонада фармацевт бўлиб ишлаб, тирикчилик учун пул топган. 1911 – 1916 йилларда 29-сонли артиллерия бригадаси оддий аскар, 20-сонли ўқчи корпус ҳарбий котиби. Хавфсизлик органларида 1918 йилдан. 1923 – 1930 йилларда Туркистон ва Ўрта Осиё бўйича ГПУ-ОГПУ мухтор вакили. 1930 – 1931 йилларда Москва области бўйича ОГПУ мухтор вакили. 1931 – 1933 йилларда Главнарпит бошлиғи, СССР Наркомснаб коллегияси аъзоси. 1934 – 1937 йилларда СССР НКВД ГУРКМ (Главное управление рабоче-крестьянской милиции – Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси) бошлиғи. 1936 – 1938 йилларда СССР НКВД халқ комиссарининг ўринбосари. 1938 – 1939 йилларда СССР алоқа йўллари халқ комиссарининг биринчи ўринбосари, Картоли – Акмолинск темир йўли қурилиши бошлиғи. 1939 йилнинг 30 июнь куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. СССР ОС ОК томонидан 1941 йилнинг 5 июль куни олий жазога ҳукм килинган, 1941 йил 16 октябрда отилган. Оқланмаган.

Берман Матвей Давидович (1898 – 1939) – Байкалорти губернияси Чита уездининг Андриановка қишлоғида туғилган. 1917 йилдан большевиклар партия аъзоси. Маълумот ўрта. Хавфсизлик органларида 1918 йилдан. 1918 – 1923 йилларда Урал ва Сибирда ЧК-ГПУ бошқарув мансабларида ишлаган. 1923 – 1928 йилларда ГПУ область бўлимининг бошлиғи, Бурятия-Монголия АССР ички ишлар халқ комиссари. 1924 – 1928 йилларда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ ПП СОУ бошлиғи, Туркистон ва Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакилининг ўринбосари, ЎзССР ГПУ раиси, 13- ва 2-сонли саф дивизияларнинг ОО бошлиғи. 1928 – 1930 йилларда ОГПУ Владивосток округ бўлими бошлиғи, СОУ бошлиғи ва вакил ўринбосари, ИПО бўйича ОГПУ СОУ бошлиғи. 1930 – 1932 йилларда СССР ОГПУ-НКВД ГУЛАГ бошлиғи, СССР НКВД кўчириш бўлими бошлиғи,

¹ Кўрсатилган манба. – С.479 – 480.

СССР НКВД Москва – Волга канали қурилиш бошқармаси бошлиғи, СССР ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари, 1936 – 1937 йилларда СССР халқ комиссарининг биринчи ўринбосари, алоқа йўллари халқ комиссари. 1938 йилнинг 24 декабрь куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. СССР ОС ОК томонидан 1939 йилнинг 7 март куни олий жазога ҳукм қилинган, ўша куни отилган. 1957 йил 17 октябрда СССР ОС ОК томонидан оқланган.

Варейкис Иосиф Михайлович (1894 – 1938) – Ковенская губернияси Пасики Варейкис қишлоғида туғилган. Маълумоти қуйи. 1913 йилдан большевиклар партия аъзоси. 1918 йилда РКП (б) Харьков области қўмитаси котиби. 1918 йилдан РКП (б) Донецк – Кривой Рог округ қўмитаси котиби. 1921 – 1923 йилларда МҚ бюроси ва Озарбайжон КП (б) Боку қўмитаси аъзоси, РКП (б) Кавказорти ўлка қўмитаси аъзоси. 1923 йилдан Украина КП (б) Киев губернияси қўмитаси котиби, бундан кейин БКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси котиби, БКП (б) МК матбуот бўлими мудир, БКП (б) Саратов губернияси қўмитаси котиби. 1928 – 1934 йилларда ЦЧО (Центрально-Чернозёмная область (ЦЧО) – 1928 – 1934 йилларда РСФСР таркибида бўлган маъмурий бирлик – Р.Ш.) область партия комитети секретари, бундан кейин Воронеж области, Сталинград ва Узоқ Шарқ ўлкалари қўмитаси котиби. 1937 йилнинг 10 октябрь куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. СССР ОС ОК томонидан 1938 йилнинг 29 июль куни олий жазога ҳукм қилинган, ўша куни отилган. 1956 йил 26 майда СССР ОС ОК ажрими билан оқланган.

Дьяков Таричан Михайлович (1897 – 1939) – Новгород губернияси Усть-Угольское қишлоғида туғилган. 1917 йилдан большевиклар партияси аъзоси. Маълумоти тугалланмаган олий. 1918 йилда Шарқ frontiда взвод командири. Хавфсизлик органларида 1919 йилдан. 1920 – 1922 йилларда Туркистон фронтининг 10-армия МБ бошқарув мансабларида. 1923 – 1924 йилларда Туркистон бўйича ОГПУ ПП умуммаъмурий қисм бошлиғи, ГПУ-ОГПУ Шарқий бўлими бўлинма бошлиғи. 1926 – 1930 йилларда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ-УНКВД ИНФО бошлиғи, ОГПУ Шарқий бўлими бошлиғи, ОГПУ МБ бошлиғи ёрдамчиси. 1932 йилдан Қрим бўйича ОГПУ-УНКВД мухтор вакили ўринбосари. 1935 – 1937 йилларда СССР НКВД ГУРКМ УГРО бошлиғининг ёрдамчиси, бошлиғи. 1938 йилнинг 26 июль куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. СССР ОС ОК томонидан 1939 йилнинг 19 апрель куни олий жазога ҳукм қилинган, ўша куни отилган. 1956 йил 31 март кундаги СССР СССР ОС ОК ажрими билан оқланган.

Евдокимов Ефим Георгиевич (1891 – 1940) – Капала шаҳрида туғилган, хизматчи оиласидан. Маълумоти бошланғич. 1918 йилдан большевиклар партияси аъзоси. 1919 йилда МЧК МБ бошлиғи, Жануби-Ғарбий ва Жанубий фронтда ОО бошлиғи. 1921 йилда Бутунукраина ЧК МБ бошлиғи. 1923 – 1924 йилларда ЮВР бўйича ОГПУ мухтор вакили. 1924 – 1926 йилларда СКК бўйича

ОГПУ мухтор вакили. 1929 – 1931 йилларда СССР СОУ бошлиғи, ОГПУ коллегия аъзоси. 1931 йилдан Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили, СССР сув транспор-ти халқ комиссарининг ўринбосари. 1938 йилнинг 9 апрель куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. СССР ОС ОК томонидан 1940 йилнинг 2 февраль куни олий жазога ҳукм килинган, 1940 йилнинг 3 февраль куни отил-ган. 1956 йил 17 март кундаги СССР СССР ОС ОК ажрими билан оқланган.

Каруцкий Василий Абрамович (1900 – 1938) – Томск шаҳрида туғилган, мешчан оиласидан. 1920 йилдан большевиклар партия аъзоси. 1918 – 1919 йилларда Томскда эрлар гимназияси ва университетнинг адлия факультети-нинг 1-курсини тугатган. 1919 – 1921 йилларда мобилизация бўйича Колчак армияси мусиқа командасида хизмат қилган, дезертир бўлиб, партизанларга қўшилган, кейин Ғарбий Сибирь области ижроия кўмитаси ходими, Олтой губернияси инқилобий кўмитаси аъзоси, 26-сонли ўқчи дивизияси инқило-бий ҳарбий трибунали терговчиси ва 5-армия инқилобий ҳарбий трибуна-ли катта терговчиси бўлиб ишлаган. Хавфсизлик органларида 1921 йилдан. 1921 – 1929 йилларда Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёда ВЧК-ГПУ бўлинмаларида бошқарув мансабларида. 1929 – 1931 йилларда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили ўринбосари, ОГПУ ПП СОУ бошлиғи. 1931 – 1935 йилларда Қозоғистон бўйича ОГПУ мухтор вакили, ҚозАССР бўйича УНКВД бошлиғи. 1935 – 1936 йилларда ЗСК бўйича УНКВД бошлиғи, СССР НКВД ГУГБ СПО 3-бўлими бошлиғи. 1936 – 1937 йилларда БССР ички ишлар халқ комис-сарининг ўринбосари, Украина ССР Ғарбий области бўйича УНКВД бошлиғи, кейин Смоленск области бўйича УНКВД бошлиғи. 1937 – 1938 йилларда СССР НКВД ГУГБ 4-бўлими бошлиғи ўринбосари, Москва области бўйича УНКВД бошлиғи. 1938 йилнинг 13 май куни ўз жонига қасд қилган.

Круковский Всеволод Михайлович (1897 – 1940) – Петербург губер-ниясидаги Рождественская қишлоғида туғилган, хизматчи оиласидан. 1918 йилдан большевиклар партияси аъзоси. Маълумоти ўрта. Хавфсизлик орган-ларида 1918 йилдан. 1923 – 1931 йилларда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ ПП бош-қарув мансабларида ишлаган. 1931 – 1934 йилларда ЎзССР ГПУ раиси ўрин-босари, ЎзССР НКВД СПО бошлиғи. 1935 – 1937 йилларда Оренбург области бўйича УНКВД бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ва ўриндошлик асоси-да УНКВД СПО бошлиғи. 1937 – 1939 йилларда СССР НКВД ГУГБ 10-бўлими бошлиғининг ўринбосари, СССР НКВД Карлаг бошқармаси 2-бўлими бошли-ғи. 1939 йилнинг 23 апрель куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. СССР ОС ОК томонидан 1940 йилнинг 19 январь куни олий жазога ҳукм килинган, 1940 йилнинг 21 январь куни отилган. 1959 йил 14 декабрь кундаги СССР ОС ОК ажрими билан оқланган.

Матсон Герман Петрович (1896 – 1938) – Лифландия губерниясидаги Вулмарский уезди Сепкулская волостида туғилган, ишчи оиласидан. Маълу-

моти қуйи. 1914 йилдан большевиклар партияси аъзоси. (Лекин 1937 йилда: «Большевиклар партиясига партия хужжатларимда кўрсатилганидек 1914 йилда эмас, октябрь инқилобидан кейин – 1917 йил октябрда кирганман», – деб ёзган.) Хавфсизлик органларида 1918 йилдан. 1918 – 1935 йилларда Псков губернияси ЧК раиси, ГПУ-ОГПУ Тула губернияси бўлими бошлиғи, ОГПУ Урал, Ўрта Осиё, Белоруссия, Татаристон бўйича мухтор вакили. 1938 йилда ВСКда «Холбонстрой» қурилиши директори. 1937 йилнинг 16 июнь куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. 1938 йил 16 июнь куни алоҳида тартибда олий жазога ҳукм килинган, ўша куни отилган. 1988 йил 18 июль куни МВО ҳарбий трибунали томонидан оқланган.

Миронов (Каган) Лев Григорьевич (1895 – 1938) – Полтава губернияси Пирятин шаҳрида туғилган, хизматчи оиласидан. Маълумоти тугалланмаган олий. 1916 – 1917 йилларда Бунд таркибида бўлган. 1918 йилдан большевиклар партияси аъзоси. Хавфсизлик органларида 1924 йилдан. 1924 – 1926 йилларда – СССР ОГПУ ЭКУ бўлими бошлиғи. 1926 – 1930 йилларда СССР ОГПУ ЭКУ бошлиғи ёрдамчиси, бошлиғи. 1930 – 1931 йилларда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ мухтор вакили. 1931 – 1934 йилларда СССР ОГПУ ЭКУ – СССР НКВД ЭКО бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, СССР НКВД ГУГБ ПРО бошлиғи, 3-бўлимининг бошлиғи, 1933 – 1934 йилларда СССР ОГПУ коллегия аъзоси. 1937 йилнинг 11 июль куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. 1937 йил 11 июль куни СССР ОС ОК томонидан олий жазога ҳукм қилинган, 1938 йилнинг 29 август куни отилган. Оқланмаган.

Пиляр (фон Пильхау) Роман Александрович (1894 – 1937) – Ломненская губернияси (Польша)да туғилган, зодагонлар оиласидан. Маълумоти олий. 1914 йилдан большевиклар партияси аъзоси. Хавфсизлик органларида 1920 йилдан. 1920 – 1921 йилларда ВЧК алоҳида мухтор вакили, бўлим бошлиғи, ВЧК МБ бошлиғи ёрдамчиси. 1922 – 1925 йилларда ОГПУнинг Ғарбий ўлка бўйича мухтор вакили. 1929 – 1934 йилларда ОГПУ мухтор вакили – Ўрта Осиё бўйича УНКВД бошлиғи. 1934 – 1937 йилларда Саратов ўлка-области бўйича УНКВД бошлиғи. 1937 йилнинг 2 сентябрь куни СССР НКВД органлари томонидан ҳибсга олинган. 1937 йил 2 сентябрь куни алоҳида тартибда олий жазога ҳукм килинган, ўша куни отилган. 1957 йил 4 июль кундаги СССР ОС ОК ажрими билан оқланган.

Нишонов Турғунбой – собиқ бой, тоуке уруғи бошлиғи, Омск округининг Олой-Гулчи районида фаолият кўрсатган тўдани бошқарган, 1930 йилда Будалик, Жусалин, Аскалин, Қизилкўрғон, Учтепа, Бел-овул қишлоқ советлари ҳудудларида қуролланган исёнларнинг тайёргарлиги билан шуғулланган. Коллективлаштириш ва қулоқлаштиришга қарши чиққан. ОГПУ отрядлари билан бўлган жанглар жараёнида Нишонов тўдаси тор-мор этилган, Нишонов ўзи тўданинг қолган қисми билан Хитойга қочиб кетган.

**«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»:
ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ О ПОЛОЖЕНИИ В
СТРАНЕ (1922 – 1934). Том 1, часть 1.**

Редакционный Совет: Г.Н.Севостьянов, А.Н.Сахаров, Я.Ф.Погоний, В.К.Виноградов, Т.Вихавайнен, К.Пурсиайнен, Т.Мартин, Х.Ричардсон, Л.П.Колодникова. Том 1, Часть 1. – Москва, 2001.

ГПУ Ахборот бўлимнинг 1922 йил 1 март ҳолатига 2/267-сон

**Давлат ахборот ҳисоботи
... ТУРКИСТОН**

Фарғона области (Жиноий тўдалар бўйича тезкор ҳисобот, №33, 28 февраль).

7. 22 февраль кундаги хабарларга кўра, Ислонқул 200 нафарга яқин одамлари билан Қўқон районидан Ғорбува районига кўчиб ўтди. Мулла Даврон ва Мулла Ҳожи Андижон-Ўш ҳудуди Гуручмозор районига жойлашганлар (14 махсус бўлинма ҳисоботи).

Хорижий хабарлар (Жиноий тўдалар бўйича тезкор ҳисобот, №33, 28 февраль).

11. Бухоро. 25 февралдаги хабарларга кўра, Донаю-Юрки (матнда шундай – Р.Ш.) районига босмачиларнинг миқдори 4000 нафарга етади, ариқлар устидаги барча кўприклар босмачилар томонидан бузиб ташланган (бажариш учун ўртоқ Трилиссерга ва 14-махсус бўлимга).

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.

ГПУ Ахборот бўлимнинг давлат ахборот бўлими бошлиғи Рабинович¹


1922 йил март ойи учун РСФСР ички сиёсий ҳолатига шарҳ

1922 йил 5 апрель

Республиканинг март ойидаги ички ҳолати қуйидагича...

Туркистонда босмачи ҳаракати жуда тез шаклланмоқда. Айрим кўрбошилар ўртасидаги мавжуд келишмовчиликларга қарамай, совет ҳукумати билан курашиш учун ягона фронт очишга барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Босмачи тўдалар миқдори анча кўпайган. Хивада энг эътиборлиси Жунайдахон тўдаси саналади. Жунайдахон Кўҳна Урганчни қўлга киритмоқчи. Шу мақсадда ўзига тарафдор бўлган маҳаллий аҳолини урушга сафарбар қилмоқда... Бухорода исёнчи ҳаракат кучайиб, кенгайиб бормоқда, ҳозир-

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 1. 1922 – 1923 г. Часть 1. – Москва, 2001. – С.102 – 103.



да Бухоронинг ғарбий қисмини ҳам ўз ичига олади. Бухоронинг Эски шаҳар қисмида босмачиларнинг катта кучлари пайдо бўлган ва ғарбий йўналишда ёйилмоқдалар. Мақсадлари – Чоржўй туркманлари орасида исён чиқариш. Босмачи тўдаларнинг асосий манзиллари Кармана, Ёждувон, Вобкент районлари ҳисобланади. Бу ҳудуддаги босмачиларнинг умумий сони 5000 нафарга етади. Бухоронинг шарқий қисмида воқеалар маркази Бойсун саналади. Анвар пошонинг қароргоҳи Душанбеда жойлашган. Бухоро кўзғолончилари орасида афғон ва рус зобитлари пайдо бўлганлигини ҳамда Афғонистон ҳукуматининг ўзи бу ҳаракатга бефарқ эмаслигини таъкидлаш характерлидир. Бухоро аҳолиси ва ҳокимияти исёнчилар томонига ўтмоқда. Самарқанд областида фаолият юритаётган тўдалар бизнинг бўлинмаларимиз билан тўқнашувдан қочмоқдалар, шу билан бирга, маҳаллий аҳолини қўрқитиб, улардан солиқ йиғиб, отларни олиб кетишмоқда. Сўнгги пайтларда тўдалар фақат ўғрилиқ билан шуғулланмоқдалар. 15 март куни Баҳромнинг 200 кишилик отряди Самарқанд шаҳрига босқин уюштирган, у ерда бозорни талон-торож қилди. Бутун областда босмачилар маҳаллий аҳолини сафарбар қилмоқда. Фарғона областида ҳанузгача бир қатор кўрбошилар ўртасида кураш давом этмоқда. Март ойининг бошларида афғонистонлик зобитлар совет ҳокимиятига қарши босмачи ҳаракатларига умумий раҳбарликни ўрнатиш учун Дараут кўрғон ҳудудига келганлар. Босмачи тўдаларини тўлдириш учун Афғонистондан Фарғона областига 1000 га яқин афғон аскарлари етказиб берилиши тахмин қилинмоқда. Кўрбошиларнинг яқинда бўлиб ўтадиган йиғилиши ҳақида маълумот бор. Учрашувнинг мақсади гўёки босмачиларнинг барча қуроли кучларига қўмондон сайлаш ва қирғизларни ўзбеклар билан бирлаштиришдир. Ҳозирда босмачилар учун зарур бўлган асосий нарса ўқ-дорилар ва қурооллардир. Муҳиддин бу ўринда фақат ўз қўшинларини совет қўшинлари деб номлаш шарти билан қизиллар томонига ўтишга ҳаракат қилмоқда.¹

1922 йил 5 апрель ҳолатига давлат ахборот ҳисоботи

... ТУРКИСТОН. Фарғона области (Жиноий тўдалар бўйича тезкор ҳисобот, №48, 3 апрель).

7. 31 мартдаги маълумотларга кўра, Фарғона областида ҳаракат қилаётган таниқли кўрбошиларнинг бизнинг тарафимизга ўтиш хоҳиши борлиги қайд қилинмоқда. Жонибекдан, Мулла Даврондан хат олинди. Босмачиликнинг тугаётгани, тоғ доvonларида янги кичик гуруҳларнинг пайдо бўлаётганлиги кузатилмоқда (бажариш учун ўртоқ Белобородовга ва 14-махсус бўлимга).²

¹ Кўрсатилган манба. – С.124 – 125.

² Хужжатда шундай келган.

Самарқанд области (Жиноий тўдалар бўйича тезкор ҳисобот, №48, 3 апрель).

7. Босмачилик Самарқанд областининг барча уездларига ёйилган. Уларнинг мақсади – совет ташкилотларига ўз одамларини жойлаштириш ва совет бошқарувини парчалаш (бажариш учун ўртоқ Белобородовга ва 14-махсус бўлимга).

ХОРИЖИЙ ХАБАРЛАР (Жиноий тўдалар бўйича тезкор ҳисобот, №48, 3 апрель).

11. **Бухоро.** Бухороликлар ва исёнчиларнинг асосий кучлари Бойсун минтақасида жамланган, бутун минтақадаги қўзғолончиларнинг умумий раҳбарлиги Анвар пошо қўлида, Тўргов шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган тўдага Иброҳимбек умумий раҳбарлик қилмоқда.¹

1922 йил май-июнь РСФСР сиёсий-иқтисодий ҳолатига шарҳ. ТУРКИСТОН

Ўрта Осиё – Туркистон Республикасидаги советлар, кўплаб чекка ўлкаларимизда бўлганидек, ҳали етарлича шаклланган ва мустаҳкамланган ҳукуматни ифодалай олмайди. Патриархал уруғчилик турмуш тарзи, етарли миқдордаги маҳаллий тажрибали ишчиларнинг етишмаслиги – буларнинг барчаси совет ҳокимияти тадбирларини амалга ошириш учун ўта қийин вазиятни келтириб чиқаради.

Ишчиларнинг кайфиятига алоҳида эътибор шарт эмас, чунки бу ерда саноат умуман ривожланмаган. Бир қатор ҳисоботларда кўрсатилганидек, бу ерда ишчилар сони камлиги ва иқтисодий сабабларга кўра кайфият қониқарсиз. Май-июнь ойларида темирўлчилар орасида норозилик, ҳатто бир қатор қисқа муддатли иш ташлашлар ҳам бўлиб ўтди.

Дехқонларнинг кайфияти тинч. Бу антисовет ташвиқотларнинг заифлашгани, шунингдек, яқинлашиб келаётган яхши ҳосил билан изоҳланади. Бийлар ва қозилар судларининг тан олиними тўғрисидаги фармон чиқарилиши билан мусулмон руҳонийларнинг совет ҳокимиятига муносабатида бурилиш юз берди. Ушбу маълумотларнинг барчаси Туркистондаги вазият, умуман, муваффақиятли эканлигидан далолат бергандек туюлади. Бироқ биз ушбу минтақанинг иқтисодий ва маданий ривожланишини бошлаш учун битта сабаб йўл қўймаслигини таъкидлашимиз керак – бу сабаб босмачиликдир.

Туркистонда шиддат билан ривожланган босмачилик ҳаракати таназзулга учрамоқда дейиш учун ҳали ҳам асослар етарли эмас. Аксинча, июнь ойидаги барча маълумотлар Фарғона ва Самарқанд вилоятларида босмачиларнинг кучайганлигидан далолат бермоқда.

¹ Кўрсатилган манба. – С.163.

Совет тузумининг сиёсатидан норози бўлганларнинг ҳаммасини Анвар пошо ўз атрофида бирлаштирган. Ҳарбий соҳада унинг барча саъй-ҳаракатлари энди катта қуроли мушт ва доимий армияни яратишга қаратилган. Анвар Бухоро босмачиларини Бухоронинг шарқий қисмига, Бойсун шаҳри яқинига тўплаб олди ва Афғонистон ёрдамида аста-секин қуролланиб, май-июнь ойларидан бошлаб Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг кўплаб босмачи отрядлари билан алоқа ўрнатди. Фарғонада июнь ойидаги пассивлик фақат Анвар пошонинг тинчлик музокаралари ва тўлиқ тинчлантириш ниқоби остида босмачиларга қуролланиб, янги ҳаракатларга тайёргарлик кўришни маслаҳат берган кўрсатмаларига боғлиқ бўлиши керак.

Шу билан бирга, Анвар ўз фаолиятини тегишли сиёсий вазиятни шакллантиришга йўналтирган. Марказий Осиё бўйлаб тарқалган собиқ турк армияси зобитларининг ташвиқоти ёрдамида маҳаллий аҳоли орасида Анварнинг обрўи тобора ортмоқда. Ҳамда Анвар «Иттиҳод ва тараққий» партиясининг хабардорлиги ва розилиги билан ишлайди деб ишонмоқдалар. Бироқ шу пайтгача совет Россияси билан дўстона муносабатларни ўрнатган турк ташкилотларининг ҳеч бири Анварнинг фаолиятига қарши норозилик билдирмаган.

Анвар билан бир вақтда «Марказий Осиё» номли янги бир ташкилот «Исломни ривожлантириш ва барча мусулмонларни бирлаштириш» шиори остида ўз фаолиятини ривожлантира бошлади. Унинг номи орқали мусулмон аҳоли, ҳатто Туркистон чегараларидан ташқарида ҳам мусулмонларнинг учта душманига қарши курашишга даъват қилинган. Бунда биринчи эътибор капиталистик мамлакатлар – Англия ва Францияга қаратилган, аммо совет тузуми ва коммунистларга қарши олиб бораётган ташвиқоти ҳам кам эмас. Ташкилот мусулмонларни шафқатсиз «муқаддас уруш»га чақирмоқда.

Босмачилик ҳаракатининг тобора ортиб бораётган хавфи олдида, ҳозирда уларнинг сони 45000 жангчини ташкил этади, биз Туркистон Қизил Армия бўлинмаларининг ўта оғир аҳволига эътибор бермаслигимиз мумкин эмас.

Туркистон Қизил Армиясига бўлган эътиборни шошилиш равишида ўн баравар кўпайтириш зарур. Аввало, бўлинмаларнинг нормал таъминотини ўрнатиш ва янги ходимлар ҳисобига уларни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак. Анвар ва минтақанинг бошқа капиталистик кучлари билан қуроли тўқнашув хавфи ҳар куни яқинлашиб бормоқда.

Ҳисобот якунида совет партия иши ҳақида бир оғиз сўз. Агар минтақанинг йирик марказларида иш озми-кўпми йўлга қўйилган бўлса, чекка жойларда ҳолат жуда ёмон. Ва бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки ҳали Туркистон қадар РСФСРнинг бирон-бир қисми ишчи-ходимларга бунчалик муҳтож эмас.¹

¹Кўрсатилган манба. – С.186 – 188.

1922 йил июль РСФСР сиёсий-иқтисодий ҳолатига шарҳ. ТУРКИСТОН

Ушбу минтақадаги кам сонли ишчиларнинг кайфияти, одатда, Сирдарё областидан ташқари ҳамма жойда қониқарли. У ерда икки марта иш ташлаш бўлган, улардан бири иш ҳақи тўланмаганлиги сабабли ҳарбий-механика заводида, иккинчиси озиқ-овқат етказиб берилмагани ва касаба уюшмаси талабларига жавоб берилмаганлиги сабабли хусусий тўқув фабрикасида бўлган. Тошкент шаҳрида ва туман шаҳарларида оз сонли ишсизлар қайд этилган, шу муносабат билан тадбиркорлар томонидан оммавий тарзда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги кодекснинг бузилиши аниқланган.

Босмачилик советлар фаолиятига ҳалокатли равишда таъсир кўрсатмоқда. Самарқанд областида босмачилик авж олгани учун ўтган йил давомида советларга қайта сайловлар бўлмаган. Шу сабабли Самарқанд ва бутун областнинг ҳаёти издан чиққан. Худди шу ҳолат Сирдарё вилоятида ҳам мавжуд. Бутунлай тўхтаб қолган шаҳар совети ишларини жонлантириш учун марказнинг ёрдами керак.

Ҳисоботларда босмачи тўдаларнинг хатти-ҳаракатларига қуйидагича тўхталиб ўтилган. Фарғона области Марғилон шаҳрида Тўхтасин 300 кишилик отряди билан милицияга ҳужум қилган. Январь ойида бизга таслим бўлган Раҳмонжон яна босмачилар томонига ўтиб кетган. Облиқ районида 1200 кишидан иборат босмачилар отряди билан тўқнашувлар бўлган. Сирдарё области, унинг жанубий қисмида босмачи тўдалар томонидан мунтазам равишда деҳқон хўжаликларининг вайрон этилиши кузатилмоқда.

Самарқанд области Қозоқовул худудида 500 кишилик исёнчилар отряди бирлаштирилган. Босмачилар аҳолини кўрқитишда давом этмоқда ва исломни ҳимоя қилишга чақирмоқда. Талончилик бутун минтақага тарқалган. Баъзи кўрбошилар ўлим билан кўрқитиб волостларга солиқ рўйхатларини топширмасликни буюрдилар. Кўрбоши Ҳамроқул биз томонга ўтди. Кўрбоши Баҳром 500 отлиқ отряди билан Очилбек билан қўшилиш учун Жума районига етиб келди, улар биргаликда Самарқандга ҳужум қилишлари тахмин қилинмоқда.¹

1922 йил август РСФСР сиёсий-иқтисодий ҳолатига шарҳ. Босмачилик

Туркистонда кўшинларимизнинг кенг кўламли ҳужуми ва муваффақияти сабабли ҳамда асирга олинган Муҳиддин ва ўлдирилган асосий раҳбарлари – Анвар пошо, Давлат Мингбой ва Олим Хўжаларнинг йўқлиги учун босмачилар

¹Кўрсатилган манба. – С.246 – 244.

орасида тобора кучайиб бораётган тартибсизлик ва ваҳима ҳукмрон. Бўлинмаларимиз билан бўлган жанглардаги йўқотишларга қўшимча равишда кўплаб босмачиларнинг уйларига тарқалиши туфайли тўдалар сони камайган.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, армиямизнинг фронторти қисми душманлардан тўлиқ тозаланмаган ва бу йўлда ҳали иш қилинмаганлиги сабабли ҳар доим орқадан жиддий зарба кутиш мумкин.

Август ойининг бошларида Туркистонда 31280 кишидан иборат 90 та тўда бор эди, август охирида 20140 кишидан иборат 67 та тўда қолди.¹

1922 йил сентябрь РСФСР сиёсий-иқтисодий ҳолатига шарҳ. Умумий вазият

Туркистонда вазият, албатта, сентябрь ойи давомида яхшиланди. Босмачилик таназзулга юз тутмоқда. Бунга ҳар доим босмачилар фаолиятини сусайтириб келган қишнинг бошланиши ва бир ой ичида Анвар ҳамда унинг ҳамтовоқларини мағлубиятга учратган қисмларимизнинг муваффақиятли ҳаракатлари сабаб бўлди. Маҳаллий аҳолининг кайфияти яхшиланди. Кўп жойларда деҳқонлар босмачиларни қўллаб-қувватлашни тўхтатдилар ва бу ҳолат Туркистонда босмачиликнинг батамом тугатилишига умид бермоқда.

Бухорода ҳам аҳвол яхшиланди. Август ойининг иккинчи ярмида бўлиб ўтган 3-қурултой РСФСР билан яқин иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик зарурлигини тўғри англаш белгиси остида совет Россиясига бўлган ишонч муҳтида бўлиб ўтди.²

Босмачилик

Туркистонда бизнинг ҳарбий қисмларимиз босмачилик ҳаракатига қарши курашни қаттиқ давом эттирмоқдалар.

Анвар пошо вафотидан сўнг унинг вориси, ҳаракатнинг бошида турган Дакшар босмачиларни бирлаштира олмади, чунки улар орасида у қадар обрў ва ваколатларга эга эмас эди. Шунингдек, бизнинг бўлинмаларимиз томонидан ҳам намойиш этилган саъй-ҳаракатлар туфайли тўдалар тарқатилди. Кўплаб босмачилар уйларига кетишди. Шунга қарамай, сентябрь ойида босмачилар ҳали ҳам фаол бўлганлигини айтиш керак.

Бизнинг бўлинмаларимиз минимал йўқотишлар билан Бухорода ҳам душманга жиддий зарба беришди. Сентябрь ойининг бошларида биз мулла Абдуқаҳҳорнинг катта тўдасини қуршаб олдик ва бутунлай йўқ қилдик. Муҳаммад Али бошлиқ 120 нафар босмачидан иборат отряд ҳам йўқ қилин-

¹ Кўрсатилган манба. – С.253 – 254.

² Кўрсатилган манба. – С.256.

ди. Ойнинг охирига келиб 150 кишидан иборат Авлиёқулнинг тўдалари ва Муҳаммад Али ўз тўдасининг қолдиқлари билан ихтиёрий равишда биз томонга ўтдилар. Умуман олганда, тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 480 босмачи ўлдирилган, 300 тага яқини бизнинг тарафимизга ўтган.

Бухорода жами 27 та фаол тўда ва 4800 та жангчи бор. Фарғона области босмачилари ҳам анча катта йўқотишларга дуч келди. 100 нафаргача босмачи ўлдирилган, улар орасида таниқли раҳбар Шермат понсод ҳам бор, 110 нафарга яқин одам таслим бўлган.

Озиқ-овқат ва ем-хашак етишмаслигидан келиб чиққан ички келишмовчиликлар туфайли Исломуқул тўдаси тарқалиб кетди.

Фарғона вилоятида сентябрь ойида жами 3800 кишилик 19 та тўда фаолият кўрсатган.

Сентябрь ойида Самарқанд областида босмачилар сонининг бироз ортгани, 2300 га етгани қайд этилди. Бу август ойида ўз қўшинларини тарқатиб юборган Очилбек Бухорога бориб, ҳаракатнинг ўлдирилган раҳбари – Анвар пошо ўрнини эгаллаш учун йигитларини қайта тўплагани билан изоҳланади. Босмачиларни бу ҳудудда таъқиб қилишга қийин табиат шароити тўсқинлик қилмоқда.

Хивада ва Сирдарё областида тўдалар аҳоли пунктларига ҳужум қилиб, аҳолини талон-торож қилмоқдалар.

Сентябрь ойида Туркистон босмачиларининг умумий сонини уларнинг умумий сони қарийб 22000 нафарга етган август ойидаги кўрсаткич билан таққосласак, биз босмачилар ҳаракатига қарши курашда ижобий натижаларга эришганимизни кўраимиз...

ГПУ раиси ўринбосари Ягода.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин¹

1922 йил октябрь РСФСР сиёсий-иқтисодий ҳолатига шарҳ.

Умумий вазият

...**Туркистон.** Вазият Туркистонда ҳанузгача жуда оғир. Қишлоқларда ўзини кўрсатолмайдиган совет ва партия органларининг заифлиги аксарият аксилинқилобий ташкилотларнинг провокацион ишларига тўлиқ эркинлик бермоқда. Уларнинг аксарияти ўлдирилган Анвар пошо томонидан тузилган Миллий иттифоқ кўмитаси билан боғлиқ.

Аксилинқилобчиларнинг провокацион ишлари сабаб содир бўлаётган воқеалардан мутлақо беҳабар бўлган қишлоқдаги деҳқонлар шаҳарга келиб, кўпинча у ерда совет ҳокимияти мавжудлигига ҳайрон қолмоқдалар.

¹ Кўрсатилган манба. – С.267 – 268.

Ҳозирги пайтда совет органлари ва Туркистон коммунистик партияси органларининг ҳаракатсизлиги янада хавфлироқдир, чунки Туркистондаги ҳозирги кучлар мувозанатини ҳисобга олган ҳолда у ердаги аксилинқилобчиларни осонлик билан тор-мор этиш мумкин эди. Янги иқтисодий сиёсат босмачиларни аҳолидан ажратиб қўйди, уни халқ ҳаракати кўринишидан фитна уюшмаси ҳолига айлантирди. Ҳамда халқдан узилиб қолган ва Анвар пошо вафоти муносабати билан жиддий инқирозни бошдан кечираётган, қисмлари Қизил Армия томонидан мағлуб этилган Миллий иттифоқ қўмитасигина уларга суянчиқ бўлиб турибди...

Тошкентда, минтақа саноати учун ҳам, бутун республика учун ҳам жуда зарурлигига қарамай, ишнинг нотўғри йўлга қўйилиши ва бошқарувдаги хўжасизлик туфайли қоғоз фабрикаси ёпилди. Маъмурият заводнинг ёпилишига дастгоҳларнинг йўқлигини баҳона қилмоқда, дастгоҳлар эса анча вақт олдин Москвадан келтирилган ва заводларда бетартиб ҳолда ётибди, ҳаттоки йиғилмаган. Бунинг учун атайлаб Москвадан келган 15 мутахассис ҳам бекор қолган. Аслида, маъмурият корхоналарни тугатиш бўйича ҳосил бўладиган суммаларни ўз қўлига олишга ҳаракат қилмоқда. Корхонани тугатиш уни ишга туширишдан кўра давлатга икки баравар қимматга тушади. Бундай ҳодисалар Туркистонда кўплаб қайд этилган. Озиқ-овқат халқ комиссарлигининг нарса-буюм омборларида ўғирликлар ўн миллиард рублларда амалга оширилмоқда. Тоғ-кон саноати, экспертларнинг фикрига кўра, гўёки қайта ташкил этилмоқда. Аммо, аслида, инқирозга юз тутмоқда. Бу каби соҳа мутахассисларининг фаолияти ишлаб чиқаришга зарар етказиш билангина чегараланмайди, афсуски. Кўп ҳолларда улар ишчилар ўртасида аксилинқилобий фаолият ҳам олиб бормоқдалар. Тошкент устахоналарида мутахассислар мунтазам равишда ишчиларни иш ташлашга ундайди. Ушбу иш ташлашлар бошланганда эса мутахассислар маъмурият томонига ўтиб олишади. Бу эса низоларни янада кучайтиради. Сирдарё областининг бошқа корхоналарида ҳам маъмурият ўз ҳаракатлари билан Туркистон ишчилари олдида совет ҳокимиятини обрўсизлантирмоқда. Ишчиларнинг кайфияти шундоқ ҳам деярли ҳамма жойда қоникарсиз, чунки таъминот тўлиқ тўхтаб қолган ва маош тарқатиш бўйича жуда катта қарздорлик бор. Туркистонда деҳқонларнинг ҳам кайфияти, умумий олганда, қоникарсиз, фақат Самарқанд вилояти бундан мустасно.¹

Қизил Армия

...Туркистон. Туркистонда ҳисобот оyi давомида вазият бироз яхшиланган бўлса-да, ҳали ҳам жуда қийин бўлиб қолмоқда, чунки фронторти қисмларининг таъминоти ҳали ҳам тўлиқ тартибга солинмаган, мусулмон

¹Кўрсатилган манба. – С.270 – 271.

бирликларининг жанговар қобилияти ва интизоми ниҳоятда заиф, фақат босмачиларга қарши ҳаракат қилаётган бўлинмалардагина вазият бироз яхшилаша бошлаган.¹

Босмачилик

Туркистондаги босмачилик ҳолати. Туркистонда босмачилик ҳаракати-ни йўқ қилиш муваффақиятли давом этмоқда. Ҳаракат раҳбарлари ўртасида-ги низоларнинг кучайиши бўлинмаларимизнинг ишини осонлаштирмоқда. Энг нуфузли раҳбарларнинг аксарияти Қизил Армия билан жангларда қисман ўлдирилган, қисман у томонидан асирга олинган, қисман ихтиёрий равишда таслим бўлган. Босмачиларнинг жанглардаги катта йўқотишларига қўшимча равишда ички парчаланиш сабабли ҳам уларнинг сони камайишда давом эт-моқда. Кўп босмачилар тўдани тарк этиб, уларига қочиб кетмоқдалар.

Қуйидаги айрим рақамлар Туркистонда босмачиларга қарши курашнинг бориши хусусида жуда аниқ тасаввур беради.

Август ойи бошида жами 31280 жангчиси бўлган 95 тўда, сентябрда 12665 жангчиси бўлган 57 тўда, октябрда 7340 жангчиси бўлган 57 тўда ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, босмачиларга қарши уч ойлик кураш уларнинг сонини 75 фоизга камайтирди. Босмачиликка қарши курашда ҳам ҳарбий қисмлар, ҳам ГПУ органлари томонидан қилинаётган саъй-ҳаракат ва бу борада эришил-ган улкан ютуқларнинг бари Туркистондаги босмачи ҳаракати иложи борича тезроқ тугатилишига умид қилиш учун тўлиқ имконият беради. Шунингдек, ҳарбийлар ва ГПУ ходимлари ҳамкорлиги билан маҳаллий ҳокимият ишини яхшилаш бўйича чоралар кўрилади.²

1922 йил 23 ноябрь ҳолатига 225/499-сон давлат ахборот ҳисоботи

Туркистон. Сирдарё области (Давлат ахборот ҳисоботи №321, 17 ноябрь) 5. Октябрь инқилоби тантанаси аҳолининг барча гуруҳларида катта иш-тиёқ билан нишонланди. Бирлашган анархистлар гуруҳининг юбилей куни яққол аксилинқилобий характердаги «Набат» журнали нашр этилди.

10. Тошкент ҳудудининг асосий устахоналарида 20 ноябрь куни ишдан ташқари қўшимча иш учун ҳақ тўламаслик ва октябрь ойи учун иш ҳақини тўламаслик оқибатида, шунингдек, асосий эҳтиёж моллари нархларининг кўтарилиши билан қаттиқ норозилик ҳолатлари бошланди. Ишчилар ТЧ-8

¹ Кўрсатилган манба. – С.290.

² Кўрсатилган манба. – С.292.

локомотив депосининг йўл бошқармаси билан гаплашишини ва 23 ноябрдан кечиктирмай умумий йиғилишга натижалар ҳақида хабар беришни талаб қилишди. Агар талаблар бажарилмаса, ишчилар иш ташлашга қарор қилишди.

21 ноябрь куни Бородино устахоналарида ишчилар иш ҳақини тўлашни қатъий равишда талаб этишди. Шу муносабат билан ишдан сўнг иш ҳақининг кечикиши сабабларини аниқлаш учун йиғилиш белгиланди. Учрашув бўлмади, чунки ТЧ-8 тўғридан-тўғри алоқа аппаратлари банд эди. Иккинчи даражали йиғилиш 23 ноябрга режалаштирилган. Бородино устахоналари ишчилари иш ташлашни режалаштирмоқдалар. Советларга қарши бўлган турли унсурлар ишчилар орасида таъсирга эга. Вазият ҳақида ОКТ ОГПУ ва Туркистон Республикасининг ПП ГПУси хабардор қилинди.

22 ноябрь куни Бородино устахоналарида ишчиларнинг кайфияти тинч эди. Ғалаён асосий цехлар ишчилари орасида кузатилган. 23 ноябрь куни кечкурун асосий устахоналарда ноқонуний йиғилиш ўтказилиши керак эди. Йўл маъмурияти ишчиларга октябрь ойи учун 70% миқдорида иш ҳақи тўлаш тўғрисида телеграмма берди. Бозордаги ҳолатга қарши курашда темир йўл кооперативининг иши ниҳоятда суст. Товарлар бозор нархларида сотилади, бу ҳам ишчиларнинг кайфиятига салбий таъсир қилмоқда.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлими бошлиғи Рабинович¹

1922 йил октябрь-ноябрь РСФСР сиёсий-иқтисодий ҳолатига шарҳ. Босмачилик

...Туркистонда бандитизм-босмачилик миқдоридаги ўзгаришлар бу жиҳатдан жуда характерлидир. Август ойида 31000 нафар бўлган, сентябрда эса 13000 нафардан кам ва 7000 нафар октябрь охирида. Босқинчилик ҳаракатлари сабабли талафот кўрган ҳудудлар қуйидагилар: Украина, Жануби-Шарқ, Кавказорти, Сибирь ва Туркистон...

Туркистондаги вазиятни юқоридаги рақамлар етарли даражада тасвирлаб беради.

Чегарадаги босқинчилик ҳаракатлари эса асосан қуйидаги ҳудудларда қайд этилади: Украина, Кавказорти (Арманистон ва Озарбайжон) ва Туркистон (Бухоро ва Афғонистон чегаралари)... Туркистонда Бухоро босмачилари, умуман, босмачилик ҳаракати кучсизланиб бормоқда.²

¹Кўрсатилган манба. – С.422.

²Кўрсатилган манба. – С.480.

«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»:
ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ
О ПОЛОЖЕНИИ В СТРАНЕ
(1922 – 1934 гг.) Том 1 Часть 2

1923 йил 27 ва 28 январь бўйича
22/225-сонли махсус сиёсий хабарнома
1923 йил 30 январь

ТУРКИСТОН

Самарқанд области (1 январь кунидан давлат хабарномаси)

1. Меҳнаткашларнинг кайфияти уларнинг совет ҳукумати ва РКПга муносабатидек қониқарли. Ўратепа уездида шаҳарда 4 та мусулмон мактаби мавжуд бўлиб, улардан фақат биттаси фаолият кўрсатади, чунки мусулмон аҳоли фарзандларининг мактабга боришига йўл қўймайди.

4. Облаstdаги деҳқонларнинг кайфияти қониқарли. Уларнинг совет ҳукумати ва РКПга муносабати дўстона. Деҳқонлар орасида сиёсий ишлар умуман олиб борилмайди. ТКПнинг уезд ва шаҳар кўмиталари, қишлоқ ячейкалари ҳаракати суст бўлиб, деҳқонлар орасида ҳеч қандай иш олиб бормайди. Ўратепа уездида босмачилар деҳқонлардан 1250 пуд буғдой йиғиб олишган, шу буғдойни эшакларда Омбурдон довонидан Манага жўнатиш учун юборишди. Баъзи волостлардаги Холтой тўдалари учун кийим ва пойабзал йиғишни буюрди. Ўратепада ҳарбий қисмлар йўқлиги туфайли босмачиларнинг ҳаракатлари тўхтатилмаган.

6. Самарқанд уездида уезд ва шаҳар кўмитаси маҳаллий аҳоли орасида ҳам, яҳудий камбағаллари орасида ҳам партия ишларини умуман олиб бормайди. Облаstdа партиянинг VII конференцияси қарорларини амалга ошириш бўйича ишлар бошланди. Қишлоқ ячейкаларидаги ишларни кўтариш учун жойларга масъул партия ишчилари юборилди.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович¹

«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»:
ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ
О ПОЛОЖЕНИИ СТРАНЕ
(1922–1934 гг.)

Том 1
Часть 2

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 1. Часть 2. – Москва, 2001. – С.595.

1923 йил 31 январь

ТУРКИСТОН

Сирдарё области (14 январь кунидан 1-сонли давлат хабарномаси)

5. Қизил Армия аскарларининг кайфияти яхши. Уларнинг совет ҳукумати-га муносабати ҳам яхши. Қизил армия ва қўмондонлик таркиби ўртасидаги муносабатлар дўстона. Маданий-маърифий ишлар деярли барча қисмларда олиб борилмоқда.

Фарғона области (14 январь кунидан 1-сонли давлат хабарномаси)

5. Қизил Армия ўқчи полкининг сиёсий кайфияти ёмон, уй-жой шароити, форма йўқлиги туфайли тушкунликка тушиб қолган. Янги келаётган Қизил Армия аскарлари озиқ-овқат паёғи етишмаслиги туфайли норозилик билдирмоқдалар. Шу сабабли Қизил Армия аскарлари томонидан давлат формасини сотиш ҳолатлари кузатилмоқда. 6-полкнинг 1- ва 3-батальонларида ишдан бўшатилиши лозим бўлган Қизил Армия аскарлари ҳали ўқитилган Қизил Армия ёлловчилари билан алмаштирилмаганлиги туфайли ишдан бўшатилмаганлигидан улар орасида безовталиқ кузатилмоқда.

Қизил армия 2-отлиқ бригада аскарларининг кайфияти қониқарли, бу бригаданинг 5-отлиқ полкига янги келган аскарлар ҳолати бундан мустасно, чунки улар Подольск, Волин ва Минск сингари 3 губерния гўё Польшага ўтиб кетган деб ифвогарона мишмишларни тарқатган. 4-ўқчилар полкида сиёсий ишлар сиёсий ходимларнинг йўқлиги туфайли кам олиб борилади. Қизил Армия аскарларининг ичкиликбозлиги охириги пайтларда деярли тўхтади. 6-ўқчилар полкининг отлиқ разведкачилари таловчилик билан шуғулланади. Фарғона областининг махсус бўлинмаси таловчилик ва ўз-ўзини таъминлаш учун қўмондонлик ходимлари, сиёсий ходимлар ва Қизил Армия аскарларидан кўпчиликни жалб этмоқда. Йўл-йўриқ ва ташвиқот усуллари кўп натижа бермайди.

3. Наманган шаҳар милицияси маъмурияти ва милиция орасида порахўрлик ва босқинчилик ривожланмоқда.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.

Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович¹

¹Қўрсатилган манба. – С.601 – 602.

**1923 йил 3 ва 4 февраль бўйича 28/231-сонли
махсус сиёсий хабарнома**

1923 йил февраль ойи

ТУРКИСТОН

Самарқанд области (7 январь кунги 3-сонли давлат хабарномаси)

1. Ишчиларнинг сиёсий кайфияти қониқарли. Уларнинг совет ҳукумати ва ТКПга муносабати ҳам қониқарли. Тариф меъёрларининг ошиши туфайли ўз-ўзини молиялаштиришга ўтказилган корхоналар ишчиларининг кайфияти яхшиланди. Хўжанд уездидаги кўмир конлари ишчиларининг норозилиги конлар мудури лавозимида уларнинг собиқ эгасини тайинлаш оқибатида келиб чиқди.

3. Совет ходимларининг кайфияти қониқарли. Уларнинг совет ҳукумати ва ТКПга муносабати ҳам қониқарли. Совет ходимлари ва маъмурият ўртасидаги муносабатлар ҳам яхши.

4. Жиззах уезди деҳқонлари совет ҳукуматида хайрихоҳ. Деҳқонлар совет ҳукуматида босмачиликка қарши курашда ёрдам беряптилар. Худди шу ҳолат Хўжанд уездида ҳам қайд этилган. Деҳқонларнинг қисман норозилигига озиқ-овқат солиғининг ундирилиши сабаб бўлади.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович¹

**1923 йил 9 февраль кунги 33/236-сонли махсус
сиёсий хабарнома**

1923 йил 12 февраль

ТУРКИСТОН

3. Қўқон станциясида уезд милициясининг 50 кишидан иборат бир отряди босмачилар томонига ўтиб, қуролларини ўзлари билан олиб кетди. Бу сотқинлик муносабати билан босмачилар Қўрғон станциясига ҳужум уюштиришди.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович²

¹ Кўрсатилган манба. – С.626.

² Кўрсатилган манба. – С.647.

**1923 йил 12 февраль кунги 35/238-сонли махсус
сиёсий хабарнома**

1923 йил 14 февраль

ТУРКИСТОН

Фарғона области (28 январь кунидан 3-сонли давлат хабарномаси)

5. Қўқон гарнизони Қизил Армия қисмлари аскарларининг кайфияти қониқарли. Буйруқлар ҳаддан ташқари кўплиги туфайли якка тарзда норозилик ҳоллари мавжуд. Қўқон гарнизони бўлинмаларида сиёсий ишлар меъёрида олиб борилади. Аҳоли отларни суғоришга ва чой тайёрлашга мажбур қиладиган, аҳолидан қарз олиб, қайтариб бермайдиган 2-бригаданинг Қизил Армия аскарларидан жуда норози бўлмоқда. Перов ва собиқ ҳарбий комиссар Стелмах қўмондонлигидаги кавалерия полкининг ярим эскадраси 4 босмачини қўлга олиш учун Грабуче қишлоғига етиб келиб, тинч аҳолини талашга киришди. Талон-торожга қарши курашиш учун учлик тузилди. Бригаданинг 2-қисмида ичкиликбозлик нафақат Қизил Армия, балки коммунист ва сиёсий ходимлар орасида ҳам ривожланади.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович¹

**1923 йил 20 февраль бўйича 42/245-сонли махсус
сиёсий хабарнома**

1923 йил 21 февраль

ТУРКИСТОН

Сирдарё области (4 февраль кунидан 4-сонли давлат хабарномаси)

5. Қизил Армиянинг кайфияти қониқарли. Қизил Армия ва қўмондонлик ходимлари ўртасидаги муносабатлар яхши. Бирликлардаги сиёсий ишлар меъёрида олиб борилади.

Фарғона области (4 февраль кунидан 4-сонли давлат хабарномаси)

5. 2-Туркистон ўқчи полкидаги Қизил Армия аскарларининг кайфияти турмуш шароити ёмонлиги туфайли қониқарсиз. Ходимларнинг камлиги туфайли сиёсий ишлар кам олиб борилади.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович²

¹ Кўрсатилган манба. – С.657.

² Кўрсатилган манба. – С.678.

**1923 йил 2 март бўйича 50/253-сонли махсус
сиёсий хабарномаси**

1923 йил 3 март

ТУРКИСТОН

Самарқанд вилояти (12 февраль кунига давлат хабарномаси)

1. Ишчиларнинг кайфияти қониқарли. Уларнинг совет ҳукумати ва РКПга муносабати яхши. Ишчилар орасида маданий ишлар бир нуқтада музлатилган. Касаба уюшмалари самарали меҳнат қилиб, ишчилар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиб, меҳнат кодексини бузувчиларга қарши курашмоқдалар.

3. Давлат ходимларининг кайфияти ўзгаришсиз қолмоқда.

4. Деҳқонлар совет ҳукумати ва РКПга хайрихоҳ, аҳоли босмачиларга салбий муносабатда бўлмоқда.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович¹

**1923 йил 3 ва 4 март бўйича 52/255-сонли махсус
сиёсий хабарнома**

1923 йил 6 март

ТУРКИСТОН

Фарғона области (18 февраль кунига 6-сонли давлат хабарномаси)

4-ўқчи полкидаги Қизил Армия аскарларининг кайфияти уй-жой шароити ёмонлиги туфайли қониқарсиз (тайёрланган ўтинлар ҳали етиб келмагани учун казарма ҳали иситилмаган), 6-ўқчи полкидаги Қизил Армия аскарларининг кайфияти бир оз ўзгарувчан, бу ҳол чарчоқ ва фронтда узоқ муддат қолиш билан изоҳланади. Польша билан яқинлашиб келаётган уруш тўғрисида мишмишлар Қизил Армия орасида кенг тарқалган. 2-алоҳида отлик бригада Қизил Армия аскарларининг кайфияти қониқарли. 4-ўқчи полкида сиёсий ишлар меъёрида олиб борилмоқда. Шунингдек, сиёсий иш, одатда, 6-ўқчи полкида олиб борилади. Бу полкида қўмондонлик ходимларининг сиёсий билимлари бўйича синови яқунланди ва бу кўнгилисиз натижалар берди. Қўмондонлик таркиби ходимларининг аксарияти нафақат сиёсий жиҳатдан билимсиз, ҳатто бутунлай саводсиз. 5-отлиқлар полкида ва 6-отлиқлар полкининг эскадронида қўмондонлик ходимлари Қизил Армия билан қўпол муомалада бўлишмоқда.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович²

¹ Кўрсатилган манба. – С.723.

² Кўрсатилган манба. – С.734.

**1923 йил 9 март бўйича 57/260-сонли махсус
сиёсий хабарнома**

1923 йил 13 март

ТУРКИСТОН

Самарқанд области (19 февраль кунига давлат хабарномаси)

1. Ишчиларнинг кайфияти анча барқарор. Уларнинг совет ҳукумати ва РКПга муносабати дўстона.

4. Деҳқонларнинг сиёсий аҳволи қониқарли. Деҳқонларнинг иқтисодий аҳволига босмачиларнинг ҳужумлари салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мусулмон руҳонийлари аввалгидек деҳқонларнинг кўпчилиги томонидан, айниқса, бойлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Камбағал ва ўрта-ҳол деҳқонлар орасида руҳонийларга бир оз ишончсизлик бор.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович¹

**1923 йил 10, 11 ва 12 март бўйича 58/261-сонли
махсус сиёсий хабарнома**

1923 йил 14 март

ТУРКИСТОН

Самарқанд области (8 март учун ГПУ транспорт бўлими хабарномаси)

8. Самарқанд участкасида Қуйи-Махар станцияси ҳудудида 300 кишилик бир босмачилар тўдаси пайдо бўлди. Зирҳли поезд жўнатилди.

Туркистон области (8 март учун ГПУ транспорт бўлими хабарномаси)

8. Полторацкий участкасида босмачилар Комарово станцияси яқинида пайдо бўлди.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович²

**1923 йил 24 ва 25 март бўйича 69/272-сонли
махсус сиёсий хабарнома**

1923 йил 27 март

ТУРКИСТОН

Сирдарё области (23 январь учун ГПУ транспорт бўлими хабарномаси ва 11 март учун 6-сонли давлат хабарномаси)

1. Туркистон станциясида асосий эҳтиёж моллари нархининг кўтарилиши оқибатида ишчиларнинг норозилиги кузатилмоқда.

¹ Кўрсатилган манба. – С.760.

² Кўрсатилган манба. – С.766.

5. Қизил Армия аскарларининг кайфияти тетик. Уларнинг совет ҳукумати ва РКПга муносабати қониқарли. Қисмлардаги сиёсий ишлар меъёрида олиб борилмоқда.

Фарғона области (11 март учун 9-сонли давлат хабарномаси)

3. Андижон уезд ва шаҳар милиция отлиқ эскадронидан икки милициячи моддий шароитининг ёмонлиги туфайли босмачилар томонига қуроли билан ўтиб кетди.

5. Фарғона области Қизил Армия қисмларининг сиёсий аҳволи яхши. 4-ўқчи полкида ётоқ йўқлиги туфайли қисман норозилик пайдо бўлади. Бўлинмаларда сиёсий ишлар мунтазам олиб борилмоқда.

Самарқанд губернияси (5 март учун давлат хабарномаси)

1. Ишчиларнинг сиёсий кайфияти яхши. Уларнинг совет ҳукумати ва РКПга муносабати хайрихоҳ. Моддий шароит ёмонлигига қарамай, Самарқанддаги «Труд» заводи ишчилари Қизил Армиянинг беш йиллиги муносабати билан бир овоздан Қизил Армия аскарлари фойдасига якшанбаликни ташкил этишга қарор қилишди.

4. Босмачи тўдалари ҳаракат қилаётган жойларда деҳқонларнинг кайфияти ёмон, чунки волость ижроия кўмиталари босмачиларга қарши курашмайди. Босмачи тўдалари ҳаракат қилаётган районларда деҳқонлар зиммасига қисмларни таъминлаш вазифаси юкланади. Қисмлар бошқа ҳудудга ўтказилганда эса аҳолига босмачилар томонидан солиқ солинади. Каттакўрғонда Бухоро Республикасига туташ ҳудудлар аҳолиси орасида яқинда муқаддас уруш – «ғазавот» эълон қилинади деган мишмишлар юрибди. Аҳолини қурол-яроғ захирасини тўплашга чорлайди.

5. Ўратепа уездида ҳарбий қисмлар тилхат ёзиш билан аҳолидан турли нарсаларни олиб, уларни қайтармайдилар. Шунингдек, ем-хашак ва озиқ-овқат ҳам тилхат ёзиш билан олинади. Уездлардаги босмачиларга қарши операциялар учун юборилган бўлинмалар деҳқонларни озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлашга мажбур қилади.

8. Ўратепа районида Холтой босқинчи ўз одамлари орқали баҳорги операцияга сафарбарлик ташкил этиш ниятида. Агар деҳқонлар баҳорги экиш кампаниясига уруғ учун қарз олишмаса, босмачи тўдаларига қўшилишлари мумкин.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлимаси бошлиғи Рабинович¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.822 – 823.

**1923 йил 29 март бўйича 73/276-сонли махсус
сиёсий хабарномаси**

1923 йил 31 март

ТУРКИСТОН

Самарқанд губернияси (12 март кунига 69/272-сонли махсус сиёсий хабарнома)

1. Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши туфайли ишчилар хотиржам кайфиятда. Сув хўжалиги маъмурияти ишчиларга қўпол муносабатда бўлади, ҳисоб-ки-тоблар ва ишдан бўшатишлар пайтида ишчиларга иш ҳақини тўламайди.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Рабинович¹

**1923 йил 30 март бўйича 74/277-сонли махсус
сиёсий хабариома**

1923 йил 2 апрель

Фарғона области (18 март кунига 10-сонли махсус сиёсий хабарнома)

5. 4- ва 6-ўқчи полкларидаги Қизил Армия аскарларининг кайфияти яхши. Қўқон гарнизонида сиёсий ишлар одатдагидай олиб борилади. Сиёсий ишлар фақат 6-ўқчи полкида кам ўтказилади, бу эса сиёсий ходимларнинг қаттиқ чарчаганлиги ва бундай ходимларнинг етарли эмаслиги билан изоҳланади.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин.
Давлат ахборот бўлинмаси бошлиғи Наймон²

**1923 йилнинг июнь ойи бўйича СССР
сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи**

1923 йил 18 август

... **Туркистон.** «Шариат маҳкамаси» («Маҳкамаи шариат») (ҳали ҳукумат томонидан тасдиқланмаган мусулмон руҳонийларининг жамоатчилик кенгаши) ташкилоти катта таъсирга эга. Барча мамлакатларда ташкилотнинг бўлинмалари мавжуд ва улар бутун маҳаллий аксилинқилобий унсурларни ва маҳаллий руҳонийларнинг барча таниқли шахсларини ўз ичига олади. Маҳаллий ишчилар ҳатто унинг таъсирини ёйишга ёрдам беришади. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудида халқ маорифи қўмитаси мудирини ўзи ва «Маҳкамаи шариат» раиси биргаликда имзолаган болаларни Куръон ўқитиладиган мактабларга юбориш ҳақида варақалар чиқарди. Бу ташкилот босмачиликни тугатишга чақириб, тушунарсиз иборалардан иборат эълон чиқарди. Бу мурожаатда совет ҳукуматининг босмачиларни Фарғонадан қувиб

¹ Кўрсатилган манба. – С.846.

² Кўрсатилган манба. – С.852.

чиқариш нияти ҳақидаги мишмишларга ишора қилиниб, муллалар босмачиларни ва «босмачиларга сотилган ҳокимият вакиллари»ни совет ҳукумати томонига ўтишга кўндиришга чақирилади. Бу эълон муллалар орқали аҳолига етказилса-да, тарқатилмади ҳам. Шу билан бирга, «Маҳкамаи шариат» Фарғона ва Самарқанд областларидаги босмачиликка фаол ёрдам берадиган яширин ташкилотлар билан боғлиқ бўлиб, ўз одамларини катта лавозимларга ўтказишга интилади.

ГПУ раиси ўринбосари Уншлихт.
ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин¹

1923 йилнинг июль, август ва сентябрь ойи ярми бўйича СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи

1923 йилнинг сентябрь ойи

Туркистон. Сўнгги маълумотлар ва Матчон беклиги раҳбарлари иши юзасидан ўтказилган текширувда Туркистон ва Бухородаги миллий ташкилотларнинг босмачиликка сезиларли ёрдами ва улар билан яқин алоқалари намоён бўлди. Туркистон, Фарғона ва Самарқанд областларида «Иттиҳоди исломия» қўмиталари тузилди. Баъзи манбаларга кўра, миллий ҳаракатнинг асосий маркази Кобулда жойлашган.

Туркистон миллатчилари фаолиятида ялқовлик бор. Ҳарбий қисмларнинг босмачиларга қарши фаол ҳаракатлари ва озод қилинган қишлоқларни советлаштириш жойларда босқинчиликка қарши кураш бошлаётган маҳаллий аҳолининг кайфиятини ўзгартириб юборди. Оддий босмачилар ва кичик қўрбошиларнинг ихтиёрий таслим бўлиши оммавий тус олди. Шу муносабат билан миллатчилар бошқа иш усуллариغا, асосан, маданий-маърифий ишларга ўтиб, ёшларни ўз таъсирига бўйсундиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бухоро. Бухоронинг аҳволи Туркистондаги каби. Бухоро босмачилиги ҳал қилувчи зарбага учради ва аҳолининг ўзи қўрбошиларга озиқ-овқат беришни инкор этиб, уларга қарши кураш бошлади. Босмачи югурдаклари сони талайгина бўлса-да, уларнинг мавқеи, ташкилотининг нуфузи тушган, ҳатто Афғонистондан кутилган Салим пошонинг қайтиши ҳам аҳолида ҳеч қандай кўтаринкилик туғдирмади. Бухоро ҳокимиятининг камбағаллар ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва мамлакат иқтисодий ҳаётини тиклаш борасидаги тегишли сиёсати мамлакатдаги босмачиликнинг барча илдизларига путур етказди.

ГПУ раиси ўринбосари Ягода.
ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин²

¹ Кўрсатилган манба. – С.905.

² Кўрсатилган манба. – С.924 – 925.

1923 йил 15 сентябрдан 1 ноябргача СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи

1923 йилнинг ноябрь ойи

Туркистон. Ҳарбий қисмлар ва ГПУнинг босмачиларга қарши операциялари ва совет ҳукуматининг миллий сиёсат масаласидаги фаолияти муносабати билан «Иттиҳоди исломия» партияси фаолияти заифлашди. Партия ўзбек аҳолиси, айниқса, зиёлилар, савдогарлар ва бойлар орасида ташвиқот ва тарғибот тактикасидан фойдалана бошлайди.

Бухоро. Бухорода босмачилар сони деярли камаймаган, лекин кучли тушқунликка тушган ва парчаланган. Уларнинг халққа солиқларни кўпайтириши туфайли аҳоли тўдаларга душманлик қилмоқда. Шарқий Бухорода тўдаларни йўқ қилиш яхши кетмоқда. Ғарбий Бухорода ҳали тарқоқ тўдалар бор.

ГПУ раиси ўринбосари Ягода.

ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин¹

1923 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари бўйича СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи

1923 йилнинг январь ойи

ТУРКИСТОН

«Иттиҳоди исломия». Совет ҳукуматига очикдан-очик қарши чиқиш тактикасидан воз кечиб, мафкуравий жабҳада ўзбек зиёлиларининг маданий кучларини бирлаштириб, уларни советлар ва совет аппаратига сингдириш йўли билан ҳужумга ўтди. Ҳатто бу ташкилот аъзосини ГПУ область бўлими бошлиғи лавозимига ўтказишга уринишлар ҳам бўлди. Ташкилот аъзолари жосуслик ишларини олиб боради, Лондонга Қизил Армия ва аҳоли кайфияти ҳақида маълумот етказди.

«Нашри маориф». Бу қонуний миллатчи ташкилот европалик ишчиларни мусулмон ишчилар билан алмаштиришга интилиб, «Иттиҳоди исломия» гояларини тарғиб қилади. Ташкилот кенг кўламда ривожланган, у ўзининг «Осиё» газетасини нашр этиш ниятида ва исломий китоблар нашриётини ташкил қилган.

«Маҳкамаи шариат». «Маҳкамаи шариат» руҳоний ташкилоти савдо буржуазияси қўлидаги восита бўлиб, у ҳам советларга сайловолди кампаниясида фаол иштирок этиб, «тинч» фаолият усулларига ўтмоқда. Кўп жойларда ташкилотнинг ўз бўлинмалари бор ҳамда деҳқонлар орасида ҳам ўз таъсирига эга бўлиб, уларга вақф мулкларидан йиғилган дон захиралари ҳисобидан ёрдам беради.

¹Кўрсатилган манба. – С.946.

Эшончилик. Сўнги маълумотларга кўра, эшончилик ҳаракати кенг кўламда ёйилмоқда. Туркистонда вужудга келган феодализмнинг бу ташкилоти совет хўжалик органларининг заифлиги туфайли деҳқонларга моддий ёрдам кўрсатиш орқали кучаймоқда. Савдо буржуазияси ташкилотларидан фарқли ўлароқ, у совет ҳукуматига ашаддий душман ҳисобланади.

Босмачилик. Совет ҳукумати томонидан Туркистон иқтисодиётини тиклаш бўйича амалга оширилган қатъий чоралар Қизил Армия томонидан деярли ҳамма жойда тор-мор қилинаётган тўдаларга имкон қолдирмаяпти. Босмачилик ҳаракати, одатда, шаҳарлардаги савдо буржуазияси ва қишлоқдаги қулоқлар учун умуман фойдаси йўқ, шунинг учун улар томонидан қўллаб-қувватланмаяпти. Шу билан бирга, иттиҳодчиларнинг раҳбарлари тўдаларни парчаланишдан сақлаб турибди, чунки уларнинг мавжудлиги совет тузумининг заифлигини тасдиқлаши мумкин.

ГПУ раиси ўринбосари Ягода.
ГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Ашмарин¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.976.

«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»:
ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ
О ПОЛОЖЕНИИ СТРАНЕ
(1922–1934 гг.)

Том 2

**«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»:
ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ О ПОЛОЖЕНИИ В
СТРАНЕ (1922 – 1934 гг.) Том 2**

**1924 йилнинг февраль оyi бўйича СССР
сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи**

1924 йил 22 март

ТУРКИСТОН

Иттиҳоди исломия.

Иттиҳодчиларнинг иши қишлоқ ёшларини миллий ҳаракатга жалб этишга қаратилган. Улар Марғилон уездида совет мактабида болалар ўқитилишига қарши ташвиқот қилишмоқда.

Нашри маориф. Жамият ўз фаолиятини уездларга, ҳатто волостларга ошириб, у ерда ўз бўлинмаларини ташкил этмоқда. Уларнинг шиори – «Мусулмон оммасининг таълими Европа ҳукмронлигидан озод бўлиш гаровидир».

Маҳкамаи шариат. Руҳонийлар консерватив ва тараққийпарвар қисмининг Тошкентнинг «Маҳкамаи шариат» жамиятини эгаллаш учун кураши консерваторлар ғалабаси билан яқунланди. Тошкентдаги «Маҳкамаи шариат»нинг тараққийпарвар раҳбари ишдан бўшатирилган. Аҳоли орасида руҳонийларнинг нуфузи кучли. Улар Фарғонада совет ҳукуматидан вақф мулкларини қайтариб олиш учун фаол ташвиқот олиб боришмоқда. Фарғонадаги маҳаллий руҳонийлар «Иттиҳоди исломия» ташкилоти билан келишув асосида ишлайдилар.

Босмачилик. Босмачиларнинг тўдалари аввалгидек Қизил Армия қисмлари босимига жавобан тарқалиб кетиш усулларини қўллайдилар. Лекин Самарқандда босмачилик камаймаяпти, чунки Бухорода фаолият кўрсатаётган тўдалар Самарқандга ўтмоқдалар.

ОГПУ раиси ўринбосари Ягода.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Прокофьев¹

**1924 йилнинг март оyi бўйича СССР
сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи**

1924 йил 19 апрель

ТУРКИСТОН

«Иттиҳоди исломия» ташкилотининг ҳаёти сезиларли даражада жонланди. Ташкилотга қишлоқ ёшларини жалб этиш тўғрисидаги қарор амалга оширилмоқда. Самарқанд, Тошкент ва Қўқонда сўнгги воқеалар билан боғ-

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том II. – Москва, 2001. – С.52.

лик масалаларни муҳокама қилиш учун бир қатор (ўртоқ Лениннинг ўлими, партия мунозаралари тўғрисида) учрашувлар ўтказилди. Миллий тузилмалардан фойдаланиш тенденцияси мавжуд бўлиб, бу тузилмалардан улар кўллаб-қувватловчи куч топишга умид қиладилар.

Фарғона областининг Наманган уездида бойларнинг ерларини ўзлаштиришга қаратилган батрақларнинг ер ислоҳоти бўйича ҳаракати мавжуд. Манаплар (бойлар қирғизларда шу ном билан аталган) (феодал-уруғ зодагонларнинг вакиллари) ва муллалар маҳаллий ҳокимиятнинг вақф ерларига тегмаслигини, батрақларнинг бўлинмалари ва хотин-қизлар бўлимларини тарқатишни, янги мактабларнинг ёпилишини талаб қилиб, уларга қаршилик кўрсатишга уриндилар. Бу талабларга жавоб беришдан бош тортиш туфайли бойлар ва манаплар батрақларга 800 десятина ерларини топширишга мажбур бўлдилар. Сўнгги пайтларда бойлар батрақларнинг эътиборини ўз ерларидан чалғитиш мақсадида уларни вақф ерларини тортиб олишга йўналтиради.

ОГПУ раиси ўринбосари Ягода.
ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Прокофьев¹

1924 йилнинг апрель ойи бўйича СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи

1924 йил май ойи

МИЛЛАТЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Афғон тожиклари ҳаракати. Ўтган йилнинг декабрь ойида Помирдаги ҳокимиятимиз икки марта афғонистонлик тожиклардан ҳукуматни ағдариб, совет ҳокимиятини эълон қилиб,... СССРга қўшилмоқчи бўлганликлари ҳақида баёнот олди. КИМДАН? Баёнотда афғонларнинг зулми ва ўзбошимчалиги барча чегараларни ошиб ўтгани кўрсатилган, шунинг учун улар совет ҳукуматининг ёрдамини сўрашмоқда, агар рад этишса, инглизларга мурожаат қилишга мажбур бўлишларини айтишган. Марказий Осиёнинг ОГПУ ваколатхонаси инглизлар ва афғонлар СССРни Афғонистонни парчалашга интилишда айблаш учун баҳона топмаслиги учун расмий музокаралардан бош тортди, бу ҳақдаги мишишлар Англия-Ҳиндистон матбуоти томонидан қизғин бўрттириб кўрсатилди.

ОГПУ раиси ўринбосари Ягода.
ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Прокофьев.
Аслига тўғри: ОГПУ Ахборот бўлими котиби Соловьёв²

¹ Кўрсатилган манба. – С.68 – 69.

² Кўрсатилган манба. – С.86.

1924 йилнинг май оyi бўйича СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи

1924 йил июнь оyi

Қишлоқда озиқ-овқат инқироzi

...Очарчилик. Жуда жиддий очарчилик бўлган бир қатор губерниялар мавжуд. Оқмола губерниясининг уездларида оч қолаётган одамлар сони ўн минглаб, оч қирғизларнинг оломони эса ижроия кўмиталаридан нон талаб қилмоқда. ...Фарғона области (аҳолининг 15% гача қисми) деҳқонлари ҳам очликдан қирилмоқда.

ОГПУ раиси ўринбосари Ягода.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Прокофьев.

Аслига тўғри: ОГПУ Ахборот бўлими котиби Соловьёв¹

1924 йилнинг июль оyi бўйича СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи

1924 йил август оyi

Солиқлар

Суиистеъмолчилик ҳолатларининг катта қисми Туркистонда (Фарғона ва Самарқанд областларида) қайд этилган бўлиб, баъзи жойларда экин майдонларини яшириш ҳолатлари 50% га етиб қолмоқда. Кампаниянинг умумий камчиликлари янги солиқ ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслигидадир.²

ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ТУРКИСТОН

«Иттиҳоди исломия». «Иттиҳоди исломия»нинг Тошкент ва Самарқанд бўлинмаларида ташкилий жиҳатдан парчаланиш ҳолати давом этмоқда. Фаоллик фақат Каттакўрғон ва Ўратепа гуруҳларида қайд этилган бўлиб, у ердаги мавжуд маълумотларга кўра, марказлар билан боғланиб, Афғонистонга делегат юборишга уринишлар бўлган. Бу иттиҳодчи ташкилотларнинг тарқалиши Ўрта Осийдаги чегараланишнинг асосий масаласини ҳал қилишда ўз ифодасини топади. Тошкентда бир гуруҳ чегараланиш тарафдорлари бўлса, миллий зиёлилар вакилларида яна бир гуруҳи ушбу чегараланиш «Буюк мусулмонлар орасидаги давлат»га қарши ва Туркистонда миллий антагонизмни чуқурлаштиришга қаратилган совет ҳукуматининг тактикаси деб билмоқда. Бу тафовутни эса муҳим деб бўлмайди. Иттиҳодчиларнинг ташвиқоти Британия ва Афғонистон билан бўлажак урушга мусулмонлар са-

¹ Кўрсатилган манба. – С.100 – 101.

² Кўрсатилган манба. – С.148.

фарбарлиги ҳақидаги мишмишларни тарқатиш ва ёшларни коммунистлар таъсиридан ҳимоя қилиш хусусида бўлмоқда.

Руҳонийлар. Сирдарё областида «Маҳкамаи шарият» раҳбариятининг қайта сайланишида эски консерватив таркибнинг сусткашлиги танқид қилиниб, асосан, тараққийпарварлар сайланишди. Самарқанд ва Фарғона областларида руҳонийлар ўз таъсирини мустаҳкамлаш мақсадида уруш тўғрисидаги мишмишларни тарқатиб «мўъжизалар» яратдилар.

Бухоро

Босмачилик. Ғарбий Бухорода сафарбарлик кучлари билан мустаҳкамланган Абдуқаҳҳор тўдаси совет ҳукумати билан ижобий муносабатда бўлган Вобкент райони аҳолисини террорга дучор қилди. Қизил Армия билан муваффақиятсиз жанглар натижасида Абдуқаҳҳор яраланди, тўда 20 – 30 кишилик гуруҳларга бўлиниб, тарқалиб кетди. Шарқий Бухорода Иброҳимбекиннинг тўдаси Шўроҳон районидаги 30 та пиёда аскардан иборат взводимизни йўқ қилди. Кейинги бир неча жанглар натижасида тўда фаол ҳаракатдан воз кечиб Ҳисор районига чекинишга мажбур бўлди. Аҳолининг бир қисми орасида босмачилар сонининг ортиши билан бир қаторда бошқа қисмида совет ҳукуматига хайрихоҳлик кучайиб бормоқда. Масалан, Жонибек райони ва Лоқайда уч маҳаллий отряд аҳоли томонидан тўла қўллаб-қувватланиб босмачилар билан муваффақиятли курашмоқда.

Хива

Босмачилик билан боғлиқ вазият яхшиланди. Жунайдахон ва унинг бир гуруҳ яқин шериклари афғон ҳудудига (Ҳиротга) ўтиб, Афғонистон ҳукумати билан музокара олиб бормоқдалар.

Туркистонда миллий муносабатлар. Сирдарё областида қирғиз ва ўзбеклар ўртасида муносабатлар кескинлашуви кузатилмоқда.

Туркистон ўлкасида сувдан фойдаланиш масаласида 100 нафар ўзбек ва 30 нафар қирғиздан иборат гуруҳлар ўртасида тўқнашув юз берди. Қирғизистон-йомудлар муносабатларида сусткашлик бор. Йомудларнинг диққат-эътибори Форс ҳукуматининг форс-йомудлари билан олиб борган курашига қаратилган. Жамшид-Хазар муносабатларининг кескинлашуви қайд этилди. Жамшидийлар томонидан қорамолларнинг қочириб юборилиши туфайли хазарийлар афғонлар томонидан юборилган отряд ҳимояси остида Афғонистонга кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Жамшидийлар билан балужийлар ўртасидаги муносабатлар жамшидийларнинг 40 та араваси балужийлар овулига кўчирилиши, бунинг асосида балужийларга нисбатан адоват ортиши ва қолган жамшидийлар орасида ўз инқилобий кўмитасини яратиш истаги

пайдо бўлиши билан характерланади. Масала РКП (б) Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюросига қўйилди.

ОГПУ раиси ўринбосари Менжинский.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғининг ўринбосари Буцевич¹

1924 йилнинг октябрь оyi бўйича СССР сиёсий-иқтисодий ҳолати шарҳи

1924 йил 22 ноябрь

ИЛОВА

ШАРҚИЙ МУХТОР РЕСПУБЛИКАЛАР

...Ҳар хил маҳаллий миллатлараро муносабатлар

Ҳокимият вакилларининг миллий тортишувларда иштирок этиши. ... Алоҳида миллатлараро низоларга ҳукумат вакилларининг жалб этилиши бошқа Шарқ чегара худудларига ҳам хосдир. Туркистоннинг миллий чегараланиши муносабати билан бу аралаш ўзбек-қирғиз районларида кескин муносабатлар намоён бўлди. Масалан, Ўш уездида ўзбеклар билан қирғиз маҳаллий ишчилари ўртасидаги антагонизм шу даражада авж олганки, Қирғизистон Мухтор Республикаси чегараларини аниқлаш комиссияси районларга борганида қирғизлар овулларда ўзбек ишчиларининг бир тун ҳам тунаб қолишига йўл қўймаган. Ўзбек ишчиларининг ташвиқоти таъсири остида ўзбек аҳолиси томонидан Киров областидан ўзбеклар яшаган волостларни ажратиш тўғрисидаги аризалар топширилиши кўпайган. Худди шундай ҳолатлар Сирдарё областида ўзбеклар ва қозоқ-қирғизлар ўртасида ҳам қайд этилган.

Маҳаллий қишлоқларнинг табақаланиши. Иқтисодий табақаланиш асосан Россия қишлоқларида бўлгани каби, яъни давлат органларидан фойдаланиш ва батрақларни ўз хўжаликларини мустақкамлаш мақсадида эксплуатация қилиш йўлидан бормоқда. Бу ерда иқтисодий табақаланиш унсурлари, патриархал-қабила ва феодал анъаналарнинг давом этиши билан бирга рус қишлоқларига нисбатан сиёсий курашда бу ёрқин акс этмайди. Шу билан бирга, иқтисодий табақаланиш жараёни Россия қишлоқларига нисбатан бу ерда тезроқ, кучлироқ бўлмоқда. Буни маҳаллий қишлоқларда камбағал табақаларнинг катта оммасини ажратиб қўйиб, айна пайтда, жуда кучли хўжаликлар яратилаётганидан ҳам билса бўлади. Масалан, Туркистоннинг Фарғона областидаги кўп жойларда, деярли ҳар бир мустақил маҳаллий мулк эгасида 1-2 та батрақ, баъзиларида эса 40 гача батрақлар мавжуд. Фарғонада 200 га яқин камбағал мулкдор бойга пахтани деярли бепул айлантириш (тойлаш) учун ишлагани ҳақидаги ҳолат аниқланган.²

¹ Қўрсатилган манба. – С.158 – 159.

² Қўрсатилган манба. – С.250 – 252.

**«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»: ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ
О ПОЛОЖЕНИИ В СТРАНЕ (1922 – 1934 гг.) Том 3 Часть 1**

1925 йил январь оyi учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ
(ОГПУ материаллари асосида)

Жиноий тўдалар

...Туркистонда Мустафо Қумбек тўдаси томонидан бизнинг 10-кавалерия полкимиз тор-мор қилинди. Биз томондан ўлганлар бор, пулемёт ва қурол-аслаҳани босмачилар эгаллаб олган. Ўрта Бухорода босмачиликнинг барта-раф этилиши, айрим кўрбоши ва оддий тўда вакилларининг таслим бўлиши билан бир қаторда Талимаржон районида бошқа босмачи тўдалар фаолияти қайд этилган. Иброҳимбек кўрбошилар орасида ташкилий ишлар юритмоқда, катта йиғилиш ўтказиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган ишларни кучайтириш тўғрисида кўрсатмалар берган.

ОГПУ раиси ўринбосари Ягода.

Ахборот бўлими бошлиғи Прокофьев.

Аслига тўғри: Ахборот бўлими котиби Соловьев¹

1925 йил апрель оyi учун СССРдаги сиёсий вазият шарҳи
(ОГПУ материаллари асосида)

Жиноий тўдалар

Ўрта Осиёда ҳанузгача босмачи тўдаларнинг фаоллиги кузатилмоқда. Бу қишлоқларнинг тинч аҳолисига, кичик ҳарбий отрядлар ва араваларга қилинган босқинларда, телеграф ва телефон линияларининг йўқ қилинишида ўз ифодасини топмоқда. Сурхон областидаги босмачиларнинг босқинларини ҳисобга олиб ур уруғи оқсоқоллари қишлоқларни қўриқлаш учун бир гарнизон илтимос қилиб, ҳарбий қўмондонликка мурожаат этишди. Босмачиларнинг 2 та тўдаси тугатилди.

ОГПУ раиси ўринбосари Ягода.

ОГПУ ахб. бўлими бошлиғи ўринбосари Буцевич.

Аслига тўғри: Ахборот бўлими котиби Соловьев²

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 3. 1925 г. Часть 1. – Москва, 2002. – С.49.

² Кўрсатилган манба. – С.249.

1925 йил сентябрь ойи бўйича СССРдаги сиёсий ҳолат ҳақида
умумий маълумот
Ўрта Осиё

Қишлоқлардаги иқтисодий ҳолат ва сиёсий кайфият. Ўзбекистоннинг икки области ва Туркменистоннинг Полторацкий уездида қурғоқчиликдан ҳосил ва яйловларнинг нобуд бўлгани эътиборни тортмоқда. Ёзнинг ўзида Сурхондарё областидаги экинларнинг учдан икки қисми, ҳатто сунъий суғориладиган майдонларда ҳам 100% га нобуд бўлди. Тожикистонда пахта экинлари қисман нобуд бўлган, айрим волостларда эса бу ҳолат 50% гача етган. Сиёсий вазият соҳасида тожиклар билан ўзбеклар, ўзбеклар билан қирғизлар ва руслар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги ер-сув низолари ва ҳокимият учун кураш асосида ўзаро муносабатлар кескинлашмоқда. Миллий қарама-қаршилик ҳолати фитна йўли билан аҳолини тўқнашувларга ташвиқ қилаётган янги совет ва партия аппарати ходимлари томонидан кучайтирилмоқда. Босмачилик ҳам сон жиҳатидан, ҳам фаоллик жиҳатидан пасайишда давом этмоқда. У билан бирга кураш олиб бораётган аҳолидан аввалги қўлловларни тополмай қолгач, босқинчилик, ниҳоят, жиноий ҳодисага, маданий ва иқтисодий жиҳатдан анча қолюқ худудларда эса кундалик маиший-жиноий ҳодисага айланиб бормоқда. Бироқ босмачилик ҳаракатини тўлиқ тугатилган деб ҳисоблаш мумкин эмас. Чунки Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида босқинчи тўдалар томонидан фаоллик қайд этилган. Тожикистонда босмачилар пешвоси Иброҳимбек томонидан сўнги пайтларда аҳолига солиқ солиш тизимини ўзгартириш орқали уларнинг хайрихоҳлигини қозонган жуда катта ташкилий ишлар амалга оширилди (солиқ фақат бойлардан ундирилади).

Совет аппарати. Бир қатор ҳолатларда феодал-хон тўлов тизимининг қолдиқлари акс этган: шахсий бойиш манбаи ҳисобланган қишлоқ совети ёки волость ижроия қўмиталари раислари лавозимлари атрофида кўплаб порахўрлик ҳолатлари билан бирга гуруҳбозлик курашлари кўзга ташланмоқда. Каттароқ лавозимларни эгаллаб турганлар (масалан, волость ижроия қўмитаси раиси) билан кўпроқ пора тақдим этган шахслар ўртасида лавозимлар савдоси амалга оширилади. Шу йўл билан курсига келганлар, ўз навбатида, сарфланган пулларини қайтариш мақсадида аҳоли зиммасига ноқонуний йиғимларни юклайди, давлат маблағларини ўзлаштиради ва пора олади. Бир ойнинг ўзида Ўзбекистоннинг учта областида, Тожикистонда, Қирғизистонда ва Туркменистонда 84 та йирик қонунбузарликлар (ноқо-

пуний ўзлаштириш ва порахўрлик) ва кичик миқдордаги ҳуқуқбузарликлар қайд этилди. Пастки аппарат собиқ амир амалдорлари, бойлар ва босмачилар билан алоқада бўлганлар билан тўлиб-тошган. Айниқса, сўнгги гуруҳнинг босмачиликка қарши кураш кампаниясини бузишга уриниши қайд этилган.

Диндорлар. Диндорларнинг кучли таъсири нафақат омма орасида, балки совет ва партия ходимлари орасида ҳам қайд этилган. Муллалар томонидан ўтказилаётган тадбирларга нафақат рағбат кўрсатиш орқали, балки уларнинг эҳтиёжлари учун давлат маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Диндорларнинг таъсири давлат хизматчилари орасида уезд идоралари даражасига қадар тарқалмоқда. Аҳоли муллаларни қўллаб-қувватлашни давом эттирмоқда, уларнинг фойдасига хайр-эҳсон йиғиб, ҳосилнинг маълум қисмини ажратиб бермоқда. Муллалар фаолиятида совет мактабларига нисбатан ортиб бораётган тескари ташвиқот эътиборни тортади. Улар бу мактабларни тугатган болаларни Қизил Армияга олиб кетишади деб жар солмоқдалар. Тарғибот натижалари ўқувчиларнинг совет мактабларидан диний мактабларга ўтиб кетаётганида ўз аксини топмоқда.¹

Ўрта Осиё

Миллий қарама-қаршилик. Фарғона области. Аравон қишлоғида ўзбеклар: «Қирғизлар биздан кўп солиқ олишади, лекин улар бизга ҳеч нарса беришмайди», – деб 1000 га яқин киши қатнашган йиғилиш ўтказиб, Аравон волостини Ўзбекистонга бирлаштириш мақсадида Ўзбекистонга бориш учун вакиллар танлади. Волость ижроия қўмитаси ва партия қўмитаси ушбу протоколни ноқонуний деб топди. Вакил ҳибсга олинган ва протокол олиб қўйилган. Ҳибсга олишдан хабар топган аҳоли 50 кишидан иборат бўлиб ҳайқириқ ва таҳдидлар билан волость ижроия қўмитасига етиб борди ва ҳибсга олинган кишини озод қилишди. Ўзбекистонга қўшилиш мақсадида вакилларни Ўзбекистонга юбориш масаласи давом этмоқда.

Ўзбекистон. Сўнгги пайтда Тошкент областининг Мирзачўл районида маҳаллий аҳоли – ўзбеклар ва европаликлар ўртасидаги муносабатлар кескинлаша бошлади. Мирзачўл шаҳрида Туркистонни тарк этиш таклифи билан европаликларга мурожаат қилган варақалар тарқатилмоқда.

Тошкент области Мирзачўл уезди Крестьянский волостида Тошкентнинг Қирғиз уезди Ижар волости Қалпа овули қирғизлари томонидан Обетованный посёлкаси деҳқонларининг экин майдонлари устига катта миқдорда чорва моллари бостириб юборилган. Мазкур посёлка аҳолиси бу мол подала-

¹ Кўрсатилган манба. – С.510 – 511.

ридан кўп марта зарар кўриб, сабр косаси тўлиб, учлари найзадек йўнилган таёқлар ва паншахалар билан қуролланиб, бутун қишлоқ қирғизлар билан уруш қилгани тўпланди. Аммо етиб келган расмийлар томонидан тўқнашувнинг олди олинди.

Конимех автоном уезди Бешработ волостида ўзбекларнинг ҳокимият тепасидаги қорақалпоқ ва қирғизлардан норози эканликлари ҳақидаги баёнотини инобатга олиб Самарқанддан келган махсус комиссия Бешработ волость инқилобий қўмитасига битта ўзбекни киритишга қарор қилган. Конимех инқилобий қўмитаси бу ишни амалга ошириб, бир ўзбекни қўмигага олди. Ҳамда ўша кимсани шундай ўз таъсирига олдики, Конимех инқилобий қўмитасидан норози бўлган барча ўзбеклар ҳақида хабар ташийдиган бўлиб қолди. Натижада улар шу ёки бошқа баҳона билан ҳибсга олина бошладилар. Ушбу ҳибслар натижасида ўзбеклар ўртасида кучли норозилик пайдо бўлди ва 7 август куни уларнинг бир гуруҳи, шу жумладан, 30 – 40 киши Конимехга бориб, ҳибсга олинганларнинг озод этилишини талаб қилдилар.

Совет аппарати. Самарқанд области

Жиззах уездининг қуйи бошқарув тизимини текшириш бўйича махсус комиссия қайд этади: «Уезд қишлоқларида совет ҳокимияти умуман мавжуд эмас. Ҳатто уезд бошқарувчилари ҳам босмачилик ва жиноий тўдалар билан алоқада». Комиссия томонидан белгиланиб, ўтказилган қайта сайлов пайтида ҳам кўпчилик нима учун бу қайта сайловлар ҳозиргача мавжуд бўлган тизим – «пакетлар»сиз ўтказилганидан таажжубга тушдилар (гап шундаки, ким бирор лавозимга талабгор бўлса, масалан, волость ижроқўм раиси бўлмоқчи, у маълум сумма солинган «пакет»ни президиумга жўнатган. Кимнинг пакетида кўпроқ маблағ бўлса, ўша сайланиб кетаверган). Комиссияга «биз ўзимиз хоҳлаган номзодларни тайинлашимиз мумкинми?» қабилида саволлар берилди.

Каттақўрғон уездининг 10 та волости ўрганилганда маълум бўлдики, нафақат қишлоқ ижроқўм раислари, ҳатто волость ижроқўм раислари ҳам иш ҳақи қайдномаларига фақат қўл қўйиб беришган, холос. Пулларни эса уезд ижроқўми олган. Асли батрак бўлган Янгиқўрғон волости ижроқўм раиси шу қадар маҳаллий бойлардан бирининг измида бўлганки, волость ижроқўми маъмурлари ўша бойни отдан тушириб кўядилар. Дехқонлар бирор масала юзасидан волость ижроқўм раисига мурожаат қилмай, ўша бойга мурожаат қилишади. Бой эса уларнинг мурожаатларига тегишли қарорни (резолуцияни) қўйиб бериб, сўнг волость ижроқўм раисига жўнатар экан.

Қашқадарё волости Майдарик кентига ижроқўм раиси томонидан совет ҳукумати бераётган, гўёки жуда кам бўлган таъминотга қўшимча равишда аҳолини ноқонуний солиққа тортишнинг такрорий ҳоллари қайд этилган.

Бунда дехқонлардан 40 ботмон буғдой йиғиб олган ва 1924 йил учун қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича тўланмай қолган қарз учун аҳолидан йиғилган пул маблағларини ҳам ўзлаштирган.

Фарғона области Ашт район ижроқўми раиси Фарғона область ижроия қўмитаси томонидан ҳосили нобуд бўлишидан талафот кўрганларга тарқатиш учун ажратилган 1000 рублдан фақат 500 рублни тарқатган, холос. Уезд ижроия қўмитаси томонидан муҳр ва бошқа канцелярия жиҳозларини сотиб олиш учун ажратилган 225 рубль ҳам ўз ўрнига сарфланмаган. Шунингдек, Бободархон волости қишлоқ советларининг раис ва котиблари маоши учун берилган пул маблағлари ҳам унинг томонидан ушлаб қолинган. Маблағнинг бир қисмига (140 рубль) от сотиб олинган...

...Сурхондарё областида уезд ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари томонидан эҳсон йиғиш учун Самарқанддан келган эшонга бутун Бойсун уездини айланиб чиқиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилди. Бойсунга етиб келган эшонга қўшимча равишда барча совет ташкилотлари унинг шахсий саёҳати ва уезд бўйича тўпланган совғаларни ташиб кетиши бўйича ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин деган мазмунда гувоҳнома берилди. Бойсунга келган эшон бир муддат ушлаб турилганда уезд ижроқўм раиси аҳоли ва муслмонлар отряди орасида уни озод қилиш учун тарғибот юргиза бошлади. Қатъият билан эшонга тарафдор бўлиб турган аҳоли орасида саросима ва норозиликни келтириб чиқармаслик учун уни қўйиб юбордилар.

Қашқадарё области Шаҳрисабз уезд ижроия қўмитаси йиғилишида уезд ижроқўм раисининг таклифига кўра Ҳайит байрами кунига муллаларга анъанавий совғалар бериш учун 200 рубль маблағ ажратилган.

Самарқанд области. Каттакўрғон уезди Жўйшагар волости Гарганав қишлоғида, Туркманистон ССР Истарафшон вилояти Ганжи волости Ганжи қишлоғида руҳонийлар янги усулдаги мактабларга қарши қаттиқ тарғибот олиб бораётгани аниқланди. Гарганав қишлоғида мулла Юсупов янги усул мактабларида таълим олаётган болалар у ердан «Ёш бухороликлар», яъни Қуръон душмани бўлиб чиқадилар деган мазмунда тарғибот олиб борган. Тарғибот натижасида ушбу қишлоқ болаларининг барчаси ҳозирда мудarris Юсупов қўлида таълим олмоқдалар. Ганжи қишлоғида эса янги усул мактабларининг обрўсига путур етди. А.Рустамов деган бой эшон янги усул мактабларида ўқиган ва комсомолга ўтган болалар оқибатда албатта Қизил Армияга олинади деб ташвиқот юргизган.

Ахборот бўлими котиби Соловьёв¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.559 – 561.

1925 йил октябрь ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ Ўрта Осиё

Сиёсий вазият. Ҳисобот даври Ўзбекистоннинг Фарғона области ва Қирғизистонда миллатлараро низо ва қарама-қаршиликларнинг кескинлашаётганини кўрсатмоқда. Фарғона водийсидаги тожик миллий гуруҳларининг раҳбарлари яна Тожикистонга кўшилиш ҳақидаги масалани кўтармоқда. Ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги зиддият шу даражага етдики, пахта заводларида тожик ишчилари ўзбек ишчилари билан алмаштирилмоқда. Қирғизистонда эса яйлов майдонлари бўйича низолар оқибатида руслар ва қирғизлар ўртасидаги муносабат шунчалик кескинлашдики, Қорақўл округидаги мажлислардан бирида қирғиз миллатига мансуб масъул ходимлар йиғилганларни ошқора равишда русларни областдан кўчириб юбориш учун асос бўладиغان материалларни тўплашга чақирди.

Миллий асосдаги зиддиятларнинг алоҳида кўринишлари Ўзбекистонда ўзбеклар билан қорақалпоқ ва русларга бўлган муносабатларда ҳам қайд этилган. Туркменистонда туркманлар билан қирғиз ва ўзбекларга нисбатан, Ўзбекистон ва Қирғизистонда ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида кузатилган.

Босмачилик ҳаракатининг пасайиши кузатилмоқда. Одатда, босқинчилик ҳолатларининг кўпайиши кузатилган куз мавсумида босмачи тўдалардаги нуфус 1072 нафардан 987 нафарга озайган. Босмачилик аҳолини ўзига қарши қилиб, тўдалар ҳам ичидан парчаланиб, куч ва мавқеини йўқотмоқда. Аҳолига қарши зулмни кучайтирмоқда. Тожикистонда Иброҳимбек томонидан Жатир-Той районида яшовчи лақай элатига мансуб аҳолини қатағон қилиш тўғрисида буйруқ берилган.

Қашқадарё областида босмачилар ўлдирилган қўрбошилар учун қишлоқларни таламоқдалар ва ўт қўймоқдалар. Босмачи тўдалар илдизидан емирилиб бораётганининг намунаси сифатида тожик босмачиларининг етакчиси Иброҳимбекнинг ихтиёрий равишда топширилиши эътиборни тортади.

Самарқанд ва Зарафшон областларида босмачиликнинг қисман кучайгани кузатилган. Бунга сабаб ушбу ҳудудларда советлаштириш ишлари ва ҳарбий назоратнинг кучсизланиб қолгани ҳамда Қашқадарёдан ҳарбий қисмларимизнинг босими остида айрим тўдаларнинг қочиб ўтганидир.

Ерни бошқариш. Ер ислохотини ўтказишга тайёргарлик кўриш кампанияси муносабати билан Ўзбекистон ва Туркменистонда ўзига тўқ таъминланган қатламлар фойдаланаётган ерларига бўлган боғлиқлигини янада мустаҳкамлаш учун ўз куч ва имкониятлари билан майдонларга экин экишни зудлик билан бошлаб юбордилар.

Айрим ҳолатларда бойлар айтмоқдаки, руҳонийлар камбағалларни бойларнинг ерларидан фойдаланишдан қайтаради. Ер билан таъминланмаган

қатлам вакиллари хавотирга тушмоқдалар, чунки ерга бойлар томонидан мустақил ишлов берилиши ер ислоҳотига тўсқинлик қилади. Вазият янада оғирлашади, негаки ерга энди ер эгалари томонидан ишлов берилгани учун уни ижарага бериш ҳам бўлмайди.

Ер ислоҳотини ўтказишга тайёргарликда қатор камчиликлар – ер, ҳайвонлар ва шу кабиларни ҳисобга олиш тўлиқ эмаслиги кузатилмоқда.

Совет аппарати. Қуйи аппаратнинг муллалар, собиқ амир амалдорлари ва босмачилар ёрдамчилари томонидан эгаллаб олиниши давом этмоқда. Бу, айниқса, Ўзбекистоннинг Зарафшон ва Самарқанд областларида кўп кузатилмоқда. Масалан, Зарафшон области бир қишлоқ советининг бошида Дониёрбек кўрбошининг собиқ котиби турибди, яна бир қишлоқ советида эса собиқ имом ва фаол босмачи раис бўлиб олган.

Қуйи аппарат ходимларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилиши, асосан, жамоат маблағларини 2000 рублгача бўлган миқдорда ўзлаштириб олишда ва ноқонуний йиғимлар ўтказишда намоён бўлмоқда. Қирғизистонда бир қишлоқ совети раиси томонидан қишлоқнинг жами 550 хонадонига 1926 йил март ойи бўйича унга маош бўлиши учун солиқ солинган. Тожикистоннинг Хонақо районида махсус солиқ тури мавжуд (3 – 5 пуд), бу совет аъзолари, маъмурият ходимлари ва босмачи кўрбошилар учун йиғилади. Ўзбекистоннинг Зарафшон областида эса босмачиларнинг қуйи аппарат ходимлари томонидан ҳимояга олиниши, яширилиши давом этмоқда.¹

ЎРТА ОСИЁ

Сиёсий вазият. 1. Фарғона областида Ўзбекистон партиясининг 1-қурултойи директиваларини амалга ошириш баҳонасида бошқарув аппаратини маҳаллийлаштириш кетмоқда. Наманган уезд-шаҳар ижроия қўмитаси ва уезд-шаҳар партия қўмитаси (асосан «тожик ҳаракати» муҳолифлари билан тўлдирилган) Уралсибгроз уюшмасида ишлаётган 12 нафар тожик ишчини (юкчилар) ишдан бўшатиш ва ўрнига ўзбекларни ишга олиш ҳақидаги масалани кўтарди. Ўзбек ишчилари тожикларнинг ишдан бўшатилиши мумкинлигини эшитиб, Транспортчилар иттифоқи раисига мурожаат қилдилар. У қабул қилмагач, (тожик ишчилари катта тажрибага эга юкчилар бўлгани учун) уезд касаба бюроси раиси, ўзбек Аминовга мурожаат этдилар. У мазкур масалани уезд-шаҳар партия қўмитаси билан келишиб, (штатларни қисқартириш баҳонаси билан) белгиланган ҳайдалишни амалга оширди. Бу ҳол тожикларнинг норозилигини келтириб чиқарди. 33-сон пахта заводида ҳам шундай ҳолат кузатилган, тожик ишчилар ўша Ўзбекистон КП уезд-шаҳар партия қўмитаси раисининг таклифига кўра завод бошқаруви томонидан ҳайдалиши керак эди,

¹ Кўрсатилган манба. – С.582 – 584.

бунинг оқибатида завод бошқаруви (Ўзбеклар) ва ишчилар (тожиклар) ўртасида катта можаро келиб чиқди. Тожик ишчилар завод бошқарувиغا қарата 20 – 30 йиллаб заводда ишлаб қўйгач, ўзбекларга йўл бермасликларини, ҳатто комсомолчилар бўлса ҳам ўринларини бермасликларини айтдилар. Ўзбеклар билан тожиклар ўртасида низо катталашиб кетмасин учун уезд-шаҳар партия қўмитаси раиси мазкур завод бўйича ўз қарорини бекор қилди. Бироқ ушбу қарор 30-, 31-, 32-сонли пахта заводларига ва янги таъмирланган заводларга нисбатан ўз кучида қолади ҳамда ундаги кўрсатмага кўра ишга асосан ўзбеклар олинади. Қарорда баён этилганлардан келиб чиқиб тожик ишчиларининг ошкора фаол чиқиш қилишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

...3. **Фарғона области** Марғилон уездида Аравон волости ўзбеклари Қирғизистонга қўшилганидан норози бўлиб ҳар бир жамоадан вакилларни ажратдилар ва Ўзбекистонга қайтиб қўшилиш ҳақида ариза ва илтимос билан волость ижроқўмига бордилар. Волость ижроқўми раиси (қирғиз) вакилларни қамоққа олди. Оқибатда 2000 тача ўзбек волость ижроқўмига бориб, маҳбусларнинг озод этилишини талаб қилдилар. Волость ижроқўми раиси Ўш шаҳридаги округ марказига борди. У ердан Ўш округ ижроқўми вакили (татар) билан қайтиб келди ҳамда 500 кишилиқ оломон билан етиб келган ўзбек вакиллари иштирокида (ҳар бир элликбошилиқдан 2 нафар вакил иштирокида) йиғилиш ўтказди. Йиғилганларга айтилдики, уларнинг Қирғизистондан ажралиб, Ўзбекистонга қайта қўшилиш ҳақидаги илтимоси бажарилмайди. Яна шу масалада кимки намойиш ўтказса, бутун мол-мулки ва ери мусодара қилиниб, ўзи волостдан сургун қилинади деди. Ўзбеклар янада дарғазаб бўлиб, ўз хоҳишларини янада қаттиқроқ талаб қила бошладилар. Оқибатда Ўш округ ижроқўми вакили Ўшга ҳеч қандай натижасиз қайтишга мажбур бўлди.

Ер ишларини тартибга солиш. ...

5. **Ўзбекистон. Тошкент области** Тошкент уездида (Пскент ва Бўка волостларида) камбағаллар яқинлашиб келаётган ер ислоҳоти билан боғлиқ ҳолда уларга янги ажратиладиган ерларга ишлов бериш учун қишлоқ хўжалиги восита ва анжомларининг етишмаслиги мумкинлиги тўғрисида жуда хавотирда экани кузатилмоқда; ўртаҳол деҳқонлар эса ислоҳот уларга таъсир қилмаслигини билиб, ўз хўжалиklarини яхшилаб олишдан манфаатдор кўринади, бойлар эса норози бўлиб, мулкка эгалик ҳуқуқига зид равишда, ерни оқилона эксплуатация қилаётганлардан тортиб олиб, унга ҳатто (зарур асбоб-анжомларининг йўқлиги ва дангасалик сабабли) ишлов бера олмайдиганларга берилади, шу сабабли у бўш бўлади, бу фақат давлатга зарар етказди демоқдалар.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.633 – 635.

1925 йил ноябрь ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ ЎРТА ОСИЁ

Сиёсий вазият. Совет ва партия ходимлари орасида тез-тез миллий қарама-қаршилик кўринишлари кузатилмоқда. Ўзбекистонда уезд ходимларининг бир қатор миллатчилик хуружлари қайд этилган, айрим ҳолларда аҳолини деярли барча европаликларни қувиб чиқаришга чақирган. Миллий қарама-қаршилик ишчилар ўртасида кучайиб бормоқда. Бу ҳолат Фарғона ва Тошкент пахта заводларини ҳам қамраб олмоқда. Заводларнинг рус маъмурлари томонидан қўмита бошлиғини қайта сайлашда маҳаллий аҳолининг иштирокини тақиқлаш каби қўпол шовинистик хуружлар қайд этилган. Босмачилик билан боғлиқ вазият бўйича унинг сонининг янада пасайиши давом этмоқда (октябрь ойида 978 киши, ноябрь ойида 717 киши). Шу билан бирга, босмачиларга қарши курашда ёрдам кўрсатаётган аҳолига қарши талончилик ва террор тўхтамаяпти. Шунга ўхшаш ҳолат сабабли Зарафшон областида террорга учраган аҳоли ўз хўжаликларини ташлаб, бошқа ҳудудларга кўчиб ўтганлиги ҳолати аниқланган. Босмачилар ўзлари келиб чиққан уруғларга душман бўлган аҳолини талон-торож қилишлари кузатилмоқда. Самарқанд областида Қашқадарё областидан келган босмачилар битта қишлоқ аҳолисига 10 минг рубль миқдорида солиқ солганлар.

Совет аппарати. Советларнинг яқинлашиб келаётган қайта сайловлари муносабати билан ҳокимият учун гуруҳлараро ва уруғлараро курашнинг кучайиши қайд этилмоқда. Гуруҳлар ўзаро кураш давомида ўзларининг аъзоларидан тузилган махсус босмачи тўдаларга таяниш ҳоллари мавжуд. Кўплаб порахўрлик ва ноқонуний товламачилик ҳолатлари аниқланишда давом этмоқда. ... Ўзбекистон ССРнинг Қорақалпоғистон автоном районида ноқонуний солиқ тўлашдан бош тортган деҳқон зарур бўлган миқдорни тўлашга рози бўлмагунча район инқилобий қўмитаси вакилининг буйруғи билан қийноққа солинган. Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудларида совет аппаратида яққол кўринган ҳолат шуки, ходимлар сусткаш, ғайрати йўқ ва у ерлар ёт унсурлар билан тўлган. Зарафшон области Карки уездида ... махсус текширувда аниқландики, совет аппарати қуйи ташкилотлари собиқ амир амалдорлари, оқсоқоллар, муллалар ва бошқалар билан деярли 100 фоизга тўлган. Қашқадарё областининг Шаҳрисабз уездида, уезд органларида февраль ойи ва унгача босмачиликка қарши кураш зарурлигини ёқлаб чиқишга тўғри келганда унга қарши курашда ҳатто ҳозиргача фақат уезд қўмитасининг котиби жалб этилган, холос. Маҳаллий ишчиларнинг аксарияти нафақат мазкур кампанияда фаол қатнашмайдилар, балки баъзида босмачилик билан боғлиқ мавзулардаги митингларга чиқишдан бош тортадилар.

Ер ишларини тартибга солиш. Ер ислоҳоти учун олиб борилган тайёргарлик ишлари жараёнида ҳудудий органларга қадар қатор жиддий камчиликлар

ошкор бўлмоқда. Энг катта камчиликлардан бири давом этаётган тарғибот кампаниясининг заифлиги, хусусан, бир қатор районларда аҳоли, антисовет унсурлар тарғиботи сабабли ва ерни бойдан ҳам, камбағалдан ҳам бирдек тортиб оладилар деган тасаввур билан ислохотдан норози бўлган. Ўзбекистоннинг Фарғона областида мусулмон зиёлилари томонидан қўллаб-қувватланаётган мулла ва бойларнинг фитнаси туфайли камбағалларнинг ерга ишлов бериш имкониятлари йўқлиги учун тортиб олинган ерлар тез орада қайтариб берилиши ҳақида мишмишлар тарқалмоқда. Баъзи қишлоқларда бойлар босмачиларнинг йўқлигидан афсусланмоқдалар, баъзи ҳолларда гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар оқибатида бутун қишлоқлар аҳолиси ислохотларга шу даражада қарши кайфиятдаки, қарши намоёиш уюштиришга ҳам тайёрлар, ҳатто ер ишлари бўйича ходимлар ҳаётига суиқасд кутилиши ҳам мумкин.¹

ЎРТА ОСИЁ

1. **Ўзбекистон. Тошкент области** Мирзачўл уезди Еттисой волости Мусофиробод қишлоғида уезд ижроия қўмитаси раиси Зоиров қуйи ташкилотлар ходимларининг марказий съезди (йиғилишда 150 деҳқон қатнашган) ҳақидаги ҳисоботида айтмоқдаки, мазкур съезд қарорига кўра яқин келажакда барча давлат ташкилотлари европаликлардан бутунлай тозаланади. Барча маҳаллий аҳоли европаликларга қарши ялпи кураш олиб бориш мақсадида партияга кирсин, биз фақат ўз босимимиз билангина европаликларни тезроқ қувиб чиқарамиз деб даъват қилди. Ушбу Зоиров Мирзачўл шаҳридаги қизил чойхоналарнинг² бирида у ердаги маҳаллий аҳоли (ўзбеклар, тожиклар)ни Европа миллатига мансуб бўлган Мирзачўл қишлоқ хўжалиги кооперативи раисини маҳаллий халқ вакили билан алмаштириш бўйича талабномалар тўплашга чақирди ва бу ишда ҳар томонлама ёрдам қилишга ваъда берди.

2. **Тошкент области** Мирзачўл уездидаги 58/59-сонли пахта заводида ўзбек ва тожик ишчиларининг европаликлар билан муносабатлари пахта заводи мудирини ёрдамчиси ўзбек Тўхтамуродовнинг ташвиқоти билан кескинлашуви давом этмоқда. Область текстилчилари уюшмасининг қарори билан мазкур Тўхтамуродовни Тошкент шаҳрига кўчирмоқчи бўлганлар, бироқ юқоридаги можаро янада кескин тус олган. Тўхтамуродов ишчиларни тўплаб, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилганим учун европаликлар менга душман кўзи билан қарамоқдалар, шунинг учун улар (марказий органлар ёрдами билан) мени бошқа ерга кўчириб юбормоқдалар деган. «Кўшчи» уюшмаси уезд-шаҳар қўмитаси раиси ва унинг ўринбосари тожик ишчиларни тўплаб, Тўхтамуродовни заводда қолиш хусусида энг қатъий шаклда, умумий иш ташлашдан

¹ Кўрсатилган манба. – С.660 – 661.

² «Қизил чойхона» («красная чайхана») – совет ҳукумати тарафдорлари тўпланадиган чойхона.

ҳам қайтмай, «Мабодо ишчиларнинг талабини бажармасангиз, биз ҳам ишни ташлаб Тўхтамуродов ортидан кетамиз», – деб талаб қилинганлар деб айтганлар. Уларнинг таклифи ишчилар томонидан бир овоздан қабул қилинди.

3. Зарафшон области Баҳоуддин районида баъзи қишлоқларда аҳолининг кўрқиб ўз хўжалиklarини тарк этиб, тинчроқ қишлоқларга кўчиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Кармана уезди Хатирчи волости ҳудудида аҳоли ҳисобига кун кўрадиган, нарса-буюм ва пул ҳисобида солиқлар солаётган қандайдир бир тўда фаолият юритмоқда. Солиқлар қишлоқларда асосан муллалар ва аминлар томонидан тўпланади (ҳар бир қишлоқдан бир ботмон арпа, 50 боғ бедапоя, биттадан кўй ёки 5 – 10 червон пул). Ушбу тўда ўлжа олиш ва аҳолини кўрқитиш мақсадида айрим ҳолларда босқин ва қотилликлар ҳам қилиб туради. Бағри қишлоғида шу тўданинг тўрт йигити милтиқ учун 100 дона ўқ бермагани боис бир деҳқонни ўлдирганлар.

Зандана уезди Найман районида Рўзи Мерган ва Қурбон Назарнинг (32 отлик) тўдаси фаолият юритади, улар ҳам аҳоли ҳисобига кун кўрадилар. Ўтиборли жиҳати шуки, тўданинг аъзолари бадир уруғидан бўлгани учун ўз уруғидан бўлган аҳолига тегмайдилар. Ҳисобот даврида тўда томонидан Найман қишлоғидаги рақиб садирлар гуруҳининг етакчиси, шунингдек, Карнаб, Қора, Шўр, Украс ва бошқа бир қатор қишлоқларнинг аҳолиси талон-торож қилинди. Ушбу тўда талончиликдан ташқари, хусусан, ўз уруғидан бўлган деҳқонлар манфаати учун сувга эгалик қилиш билан ҳам шуғулланади.

4. Тошкент области Мирзачўл уездида Ховос волости ижроия кўмитаси (ВИҚ) аъзоси бўлган мулла тожикларга қарши гуруҳда (ўзбек бўлган ВИҚ раиси билан бирга) иштирок этади. ВИҚнинг барча ишлари ўшанинг зиммасида (масалан, ягона қишлоқ хўжалиги солиғи тожиклардан 100% объектлар ҳисобидан ҳамда оширилган миқдорда ундирилса, ўзбекларнинг кўпига «чегирмалар қилинади»). Тожиклар, жумладан, компартия аъзолари ижроия кўмитасини қайта сайлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. ВИҚдаги гуруҳлар ўртасидаги мазкур адоват қишлоқ ижроия кўмиталарининг ишида кузатилаётган турғунликнинг асосий сабаби бўлиб, уларга ҳатто иш ҳақи ҳам тўланмайди. Шу сабабли ҳам ҳар учала қишлоқ кенгашлари котиблари ишлашдан батамом бош тортдилар.

5. Зарафшон области Зиёвуддин райони Тошкўприк волостида ҳокимиятнинг эгаллаш учун ўзаро курашаётган икки уруғ – садир ва бадир аниқланди, уларнинг ҳар бири ўзларининг босмачи тўдаларига суяниб келмоқдалар. Садир гуруҳининг раҳбари ўз расмий лавозимидан (ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари) фойдаланади, рақиб уруғ бўлган бадирларга ҳар томонлама зулм қилади, ўзиникига солган солиқларга нисбатан кўпроқ солиқлар солади. Жорий йил экиш кампанияси даврида иккала уруғ ҳам ўз босмачила-

ри ҳимояси остида дала ишларини олиб бордилар. Садир уруғини Кармана ижроия қўмитаси раиси ўринбосари (Ёркулов Эргаш), Тошкўприк волость совети котиби (Бобоқулов Мулла Эргаш) ва Тошкўприк волости «Қўшчи» уюшмаси раиси (Маманазар) бошқаради. Иккинчи уруғ бўлган бадирни эса Чўғиш қишлоқ совети раиси (Мулла Пўлат) бошқаради.

Тошкент области Тошкент уезди Жетикент волости Сўқоқ овул ижроқўми раиси 400 рубль пора эвазига икки хотини бор фуқаро Мирҳаматовга (бой, 100 таноб ери, 25 бош қорамоли, 300 бош майда чорваси бор) учинчи марта уйланишига имкон яратиб, унинг бўйдоқ экани ҳақида маълумотнома берган. Бу ҳақида хабардор қилинган волость ижроқўми раиси ҳеч қандай чора кўрмаган. Худди шу тарзда мазкур уезд Чиноз волости фуқароси волость ижроқўми раиси ўринбосарига, Чиноз овули қишлоқ ижроқўми раисига ва волость қўмитаси «Қўшчи» уюшмаси раисига (ҳаммасига) 40 рубль пора бериб, иккинчи хотинга уйланди. Жетикент волости Заркент овулида қишлоқ совети раислигига қайта сайловларда Ўзбекистон компартияси аъзоси камбағал Олимов Шермурод ўтди. Бир неча кундан кейин унинг ёнига волость қўмитаси ячейкаси масъул котиби Болта Сафаров келади ва қайта сайловларда уни қўллаб-қувватлагани учун 20 рубль «сийлов» (пора) сўрайди. Пул тўлашдан бош тортган Шермуродни 7 кундан кейин волость қўмитаси ячейкаси қарори билан овул совети раиси лавозимидан олиб ташлайдилар.

7. Зарафшон области Кармана уездида Янги Қўрғон волости ижроқўми раиси босмачиларга ёрдам бергани учун қамоққа олинган бир шахсга тегишли бўлган 5 таноб ерни пора эвазига бир деҳқонга ажратиб берган. Мазкур уезд Тошкўприк волости ижроқўми аъзоси Қизил Армия қисмларини озиқ-овқат ва ем-хашак билан таъминлаши учун деҳқонларга ажратилган 2000 рубль миқдорида давлатга тегишли маблағни ўзлаштирган. Шунингдек, ўзбошимчалик билан бир фуқаронинг отини тортиб олган ва сотиб, пулини ўзлаштирган. Ана шундай ўзбошимчалик ва суиистеъмоллар Сурхондарё области Шўрчи уезди ижроқўмида ҳам қайд этилган.

8. Фарғона области уч уезд босмачилари орасида ер ислоҳоти натижасида улардан тортиб олинган ерлар давлатнинг заиф иқтисодий қудрати ва камбағал ҳамда ерсиз деҳқонларда зарур асбоб-анжомларнинг йўқлиги сабабли икки йилдан кейин ўз эгаларига қайтарилади деган мишмишлар тарқалган.

9. Қўқон уезди Яйпан қишлоғида бойлар босмачиларнинг йўқлигидан афсусланмоқдалар. Мазкур қишлоқ бойларининг бири томонидан ер ислоҳоти-га қарши ошкора намойиш ўтказиш таклиф қилинган, бундай намойишларда ҳибсга олинганларнинг ёнини гўёки совет ҳукумати ҳисоблашиши керак бўлган хорижий давлатлар олар эмиш.

10. **Кенагас волости** Қатаген қишлоғида ва Аравон волости Данғар қишлоғида аҳоли ер ислоҳотига қарши фаол тарзда ошкора қарши чиқадиган кайфиятда, ҳатто ер ислоҳотини ўтказишда иштирок этган ишчилар ҳаётига тажовуз қилиш эҳтимоли ҳам истисно қилинмайди.

11. **Қўқон уезди** Бувайда волости ва Қўқон шаҳрида шундай мишмиш тарқалдики, гўё Андижон уездида бир бой унинг ерини тортиб олмоқчи бўлган 11 батракни ўлдирган эмиш.

12. **Ер ислоҳотига** тайёргарлик жараёнида унда иштирок этган ташкилотларда муассасалараро алоҳидалик, якка ҳолда ажралиб олишлик ва олинган статистик маълумотлардан фақат ўзлари учун фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиш истаги кузатилмоқда. Ўрта Осиё сув хўжалиги раҳбарияти область ер комиссиясига хўжаликларни ўрганиш бўйича ўта зарур материалларни деярли икки ойлик илтимос-мурожаатлардан сўнггина 20 октябрда топширди. Ер ислоҳотига тайёргарлик ишлари давомида турли муассасалар ишларининг мувофиқлаштирилмаганлиги қайд этилди; шундайки, Ўзбекистон Ер халқ комиссарлиги шу йил бошидан яқинлашиб келаётган ер ислоҳоти муносабати билан барча хўжаликларнинг тўлиқ статистик текширувини бошлаган. Шу билан бирга, бунга ўхшаш ишлар деярли бир хил ҳудудларда амалга оширилган ва ушбу текширув учун Сув хўжалигининг харажатлари Ер халқ комиссарлиги томонидан худди шу мақсад учун сарфланган маблағдан ҳам кўпроқни ташкил қилган.¹

1925 йил декабрь ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ ЎРТА ОСИЁ

Совет аппарати. Ҳар ерда порахўрлик, аҳолидан ноқонуний солиқ ундириш, бойларнинг лавозимларни эгаллаб олгани ва қуйи аппарат ходимларининг босмачи унсурлар билан алоқада бўлиши кабилар кузатилиши давом этмоқда. Самарқанд области Каттакўрғон уездида «Қўшчи» уюшмалари баъзи ҳолларда 60% бойлардан таркиб топган. Сурхондарё областида ҳатто область «Қўшчи» уюшмаси раиси ҳозиргача босмачилар билан алоқада бўлиб келаётган собиқ амир амалдоридир. Биргина Фарғона ва Зарафшон областлари бўйича ҳисобот даврида 25 марта йирик порахўрлик ҳолатлари қайд этилди. Кўплаб кичик ҳолатлар ошкор бўлмай қолиб кетяпти...

Адлия ходимлари орасида жиноят ҳаддан зиёд кучайган. Қорақалпоқ автоном районида бир жиноят ҳақида маълумот бермоқчи бўлган шахс йўлда Қорақалпоқ автоном райони халқ терговчиси томонидан ўлдирилган...

Ер ислоҳоти. Ўзбекистонда бойлар ва руҳонийлар ер ислоҳотига қарши ташвиқотни давом эттирмоқдалар, ажабланарли томони улар тарқатган

¹ Кўрсатилган манба. – С.697 – 699.

мишмишлар ер ислоҳоти бўйича ташвиқот кампаниясини ўтказувчи айрим ходимлар томонидан ҳам қўлланмоқда. Фарғона областида белгиланган ташвиқотни ўтказиш мақсадида уездларга реакцион руҳонийларнинг таниқли вакиллари ҳам чиққанлар. Самарқанд областида ташвиқот ишига жўнатилган комсомоллар ерлар бойлар билан бир қаторда камбағаллардан ҳам олиб қўйилади деганлар. Кузатилаётган ҳолатлар сабабли аксарият деҳқонлар орасида ислоҳотга салбий муносабатда бўлиш ҳолатлари давом этмоқда. Қўқон уездида ҳатто ерга эҳтиёж сезиб турган қатлам вакиллари бойларга мурожаат қилишни маслаҳат бермоқдалар, улар тўғри йўлдаги мусулмон сифатида ерга муҳтож бўлиб турганларга ўзлари ажратиб берадилар демомқдалар. Самарқанд уездида камбағаллар тантанали ваъда қилмоқдаларки, уларга бериладиган ерларга ишлов бериш яримга ярим шаклида бўлиб, ярми «қонуний» эгаларида қолади.

Ислоҳотга қарши ташвиқотдан ташқари бойлар мавжуд ортиқча ерларни майдалаб сотиб юбормоқдалар. Тошкент областининг Усмон Ота, Оққўрғон волостларида ер бойликларини қариндошлари ва ишчилари ўртасида тақсимлашнинг 17 та ҳолати қайд этилган. Занги Ота волостида ер сотишнинг 41 ҳолати қайд этилган.¹

ЎРТА ОСИЁ

19. **ЎзССР Тошкент области** Бўка волости янги тайинланган раисининг буйруғи билан Оқтепа овулининг икки фуқароси ҳибсга олинди. Уларни икки кун ушлаб туришгач, 80 рубль миқдориди пора тўлашни талаб қилишган. Ҳибсга олинганлар 20 рубль тўлашди, қолганлари имкон қадар тезроқ тўлашни ваъда қилишди.

20. **Самарқанд областида** Маҳалла волости ижроқўми раиси котиби билан бирга қишлоқ ижроқўми раисининг номусига тегишга ҳаракат қилган, у қочган ва унга ўқ узганлар. Самарқанд уезди Кулба қишлоқ жамияти қишлоқ ижроқўми раиси ва «Кўшчи» уюшмаси қишлоқ қўмитаси раиси даромад солиғи бўйича тузилган рўйхатга бутун бир қишлоқни киритмаганлар, сўнгра яширилган мазкур қишлоқнинг ҳар бир фуқаросидан 5-6 рублдан тўплаганлар. Жами порахўрлик, зўравонлик ва қонунга хилоф солиқлар бўйича Самарқанд уездида 6 та, Каттақўрғон уездида 3 та, Жиззах уездида 1 та, Иста-рафшон вилоятида 1 та ҳолат қайд этилган.

21. **Фарғона областида** қишлоқ жамиятининг раиси Норин волости Яшик қишлоғида босмачилик даврида амин бўлган ва уларни озиқ-овқат билан таъминлаб турган.

22. **Бобо Дархон волости** Юқори Пангас қишлоқ жамиятининг раиси ўзининг 2000 бош майда чорвасини тоғларда, ҳар хил жойларда беркитган. Бос-

¹ Кўрсатилган манба. – С.721 – 722.

мачилар билан бирга милициячиларнинг қуролини тортиб олишда қатнашган, бунинг оқибатида 4 нафар милициячилар ўлдирилган. Ёртепа қишлоқ жамияти раиси босмачилар билан яқин алоқада бўлиб, улар ўғирлаган нарсаларни яшириб, Маматқул қўрбошининг ўлиmidан кейин унда сақланган 200 парча беқасам ва 450 парча мато (булар йигитларни кийинтиришга мўлжалланган эди)ни ҳам сотиб, пулини ўзлаштириб юборган.

23. Зарафшон области Вобкент волости Камбасаб қишлоқ совети раиси деҳқондан у ёки бу солиқни олаётганда белгилангандан кўра кўпроқ олади. Хашак, 1 рубль 12 тийин ўрнига 1 рубль 40 тийин, 5 рубль ўрнига 5 рубль 40 тийин ва ҳ.к. Ушбу раис шахсан Уба қишлоғида сайланган кишини лавозимдан тушириб, унинг ўрнига босмачиларнинг собиқ ёрдамчиси бўлган ўзининг одамидан тайинлаган. Вобкент волости ижроқўми аъзоси Вобкент шаҳри аҳолисидан ундирилган 6 рублни мулкни тақсимлаш учун дарҳол ҳозир бўлиб турган муллага берди. Ғузор комиссияси аъзоси Гулзора Дикразан (Сатторов – партия азоси) бир деҳқон аёлнинг мулкни тақсимлаганда гувоҳ тарзидаги иштироки учун 10 рубль олган. Ғиждувон волости Сармажон қишлоқ совети раиси Ёсуман исмли қишлоқ аҳолисидан ўлган деҳқоннинг мулкни тақсимлаши учун 60 рубль ундирган. Кемсон қишлоқ совети Варазун қишлоғи фуқаросидан гўёки 500 таноб вақф ерни ижарага беришда ҳамкорлик қилгани учун 20 рубль пора олган.

24. Фарғона ва Самарқанд областларида бойлар ер ислоҳоти шариат таълимотига қарши бормоқда, шунинг учун барча ҳақпараст мусулмонлар худонинг жазосидан нажот топиш учун ундан воз кечиши керак деб ташвиқот юритмоқдалар. Совет ҳукумати бўлиб берилган ерларни жонли ва жонсиз воситалар билан таъминлаб беролмайди, натижада ер ислоҳоти 3 – 5 йилга кечиктирилади, амалга ошганда ҳам давлат ер фонди ҳисобига, у ҳам бўлса ерларни ижарага бериш кўринишида бўлади деб бойлар ташвиқот қилмоқдалар.

25. Шаҳар бойлари томонидан ер участкаларини ўзлари учун сақлаб қолиш бўйича фаол чора-тадбирлардан шуни таъкидлаш керак: кичик савдогар ер эгаларининг Марғилон ва Қўқон уездларидаги участкаларига оммавий кўчиши кузатилмоқда, улар фақат ер ислоҳотининг охиригача қолишни ўйлашмоқда, ўзларининг чорикорларини сотиб олиб, ер комиссиясига улар ерга ўз меҳнатлари билан ишлов бердилар деб кўрсатма бермоқдалар.

26. Фарғона области Андижон шаҳрида катта бир бой ўзининг 200 таноб ерини Чўмбоғиш қишлоғидаги эътиборли бир эшонга ўтказиб, марказий аппарат билан яхши алоқалари бор ва катта эътиборга эга бўлган эшон сабабли ерни олиб қўймайдилар деб умид қилмоқда.¹

¹Кўрсатилган манба. – С.767 – 768.

Миллий шарқ республикалари ва мухтор областлар Ўрта Осиё

Сиёсий кайфият. Кўпгина районларда турли миллатлар ўртасида муносабатлар кескинлашуви давом этмоқда. Тошкент областида ер ислоҳоти бўйича ерларнинг ҳақиқий ишлайдиган шахсларга берилиши туфайли Тошкент уездидаги қирғизларнинг чек ерлари ҳам ўзбекларга берилганлиги учун ҳозирги кунда ўзларини Қозоғистонга қўшиб юбориш тўғрисидаги масалани кўтаришмоқда¹, чунки, уларнинг фикрича, ер ислоҳоти фақат ўзбекларнинг манфаатлари учун амалга оширилмоқда. Шу сабабли бу ерда ўзбек аҳолининг руслар билан муносабатларида ҳам кескинлашув давом этмоқда. Тожикистонда ўзбек ва тожиклар ўртасидаги сувдан фойдаланиш масаласи бўйича низолар ўзбекларнинг тожик ишчисини заҳарлашга уринишигача олиб келган. Шунга ўхшаш ҳодисалар Туркманистонда (туркманлар – қирғизлар) ва Қирғизистонда (қирғизлар – руслар) ҳам қайд этилган.

Куздан буён фаолияти кескин пасайган босмачилик ҳозирги вақтда маълум даражада барқарор ҳолатга эга (1925 йилнинг 1 декабрда 717 нафар киши, 1926 йилнинг 15 январидан 738 киши). Ўзбекистоннинг Сурхондарё области ва Тожикистонда бу ҳолат энг кескин характерда. Кўрсатилган ҳудудларда босмачилар тўдаларининг отрядларимиз билан тўқнашувлари натижаси уларнинг мағлубиятлари билан тугаган ҳолатлар қайд этилган. Айтиш керакки, босмачилар аҳоли орасида ўзига ишончли йўқотмоқда. Босмачиликка қарши курашга ёрдам берган қишлоқларга нисбатан босмачи тўдаларининг бошлиқлари томонидан ўтказилаётган террор ижобий натижа бермаган ва аҳоли босмачиликни тугатишга ёрдам беришда давом этмоқда.

Ер ислоҳоти. Ўтган йилнинг декабрь ойида ер ислоҳотининг амалда бажарилиши бошланган. Ислоҳотни амалда бажариш учун жўнатилган махсус ер комиссияларининг ишида сусткашлик ва улар томонидан бой унсурларни ҳимоя қилиш ҳолатлари кўп учраётганлиги қайд этилган. Кўп жойларда комиссия хануз камбағалларни жипслаштиришни бошламаган. Аксарият ҳолатларда комиссия аъзолари иш билан мутлақо қизиқмасдан, вақтининг кўп қисмини шаҳар кезиш билан ўтказмоқда. Фарғона областида ташвиқот кампаниясининг заифлиги туфайли ерни ер билан ишловчи кишиларга бериш

¹ Қозоғистон – октябрь тўнтаришига қадар ва совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қозоқларни қозоқ ва қирғизлар деб аташган (бундан Қирғиз республикаси номи келиб чиққан). 1925 йилда Қозоғистон ССР Советлар съезди бундан кейин БМИК Президиуми Қирғиз республикасини Қозоғистон АССРга қайта номлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Лекин 20-йилларнинг ҳужжатларида Қозоғистон, қозоқлар номлари учраб туради. Д.И.Ушаков таҳрири остидаги «Рус тилининг изоҳли луғати»да айtilган: «Қозоқлар» – Каспийортидаги чўлларда яшаётган ва Қозоғистон АССР аҳолисининг аксариятини ташкил қилаётган туркий миллатлардан бири» (Т.1. – Москва, 1935. – С.1280).

ўрнига дастлаб қурилиш ишлари учун фойдаланувчи шахсларга сотиш ҳолатлари қайд этилган. Бойларнинг ерлари аниқланганда комиссия аъзолари баъзи ҳолатларда била туриб уларни яширганлар. Самарқанд областида хўжаликларни бойлар туркумига киритишда комиссия аъзолари томонидан меъёрларнинг ўзбошимчалик билан белгиланиши кузатилган. Уезд комиссиялари вакиллари ер бўлиб берилган камбағал хўжаликларга тарқатиш учун белгиланган қишлоқ хўжалиги анжомларининг комиссия кўз олдида бойлар томонидан сотиб юборилишига рухсат беришган.

Ер комиссияларининг нотўғри фаолият юритиши сабабли ҳамда бойлар ва руҳонийларнинг ташвиқоти туфайли аҳоли томонидан ислоҳотга қарши чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда. Фарғона областининг Марғилон уездида ислоҳотнинг фаол тарафдорларидан бири ўлдирилган. Шу областнинг Андижон уездида вужудга келган кескин вазият туфайли иккита волостга қуролланган қўриқчилар юборилган.¹

4-ИЛОВА

МИЛЛИЙ ШАРҚИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР ЎРТА ОСИЁ

1. Ўзбекистон. Тошкент уезди. Тошкент уездининг қатор жойларида ер ислоҳоти бўйича маҳаллий аҳоли (ўзбек ва қирғизлар) ва европаликлар ўртасида муносабатларнинг кескинлашиши аниқланган. Тўйтепа волостида ўзбеклар европаликлар яшаётган бутун посёлка (Петропавловский) аҳолисини мажбуран кўчиришга ҳаракат қилиб, уларнинг ерларини тортиб олишни режалаштирмоқдалар. Оққўрғон волостида ҳам шу мақсадда ўзбеклар Александровский посёлкасидаги европалик миллатларга мансуб аҳолини кўчиришни сўрамоқдалар.

Русларга нисбатан маҳаллий аҳолининг, айниқса, қирғизларнинг худди шундай антагонизми (қарама-қаршилиги) Хитойтепа волостида, кам ҳолатларда эса Зангиота, Ниёзбек ва Пскент волостларида кузатилмоқда.

...6. Ўзбекистон. Самарқанд области. Область худудида ҳисобот даврида Ургут ва Панжикент районларида фаолият кўрсатаётган тожик Мулла Абдуразоқ босмачилар тўдасининг (30 йигит) фаоллиги қайд этилган. Айнан шу тўда томонидан ушбу вақт ичида Панжикент шаҳрига ҳужум уюштирилган. Бундан ташқари, ушбу тўда томонидан аҳолидан оммавий пул йиғилиши қайд этилган: Саримсоқ қишлоғида 1000 червонец, Ўрта қишлоғида 500 червонец ва Ширча қишлоғида 200 червонец.

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 4. Часть 1. – Москва, 2001. – С.40 – 41.

...7. **Душанбе-Файзобод** районида Иброҳимбек ушбу районга тайинлаган Азиз қўрбоши мағлубиятдан кейин (унинг ёрдамчиси ва 6 йигити ўлдирилган) доимий жойига – Лақайга қайтишга мажбур бўлган, шу ерда қўрбоши Мулла Маҳмуд тўдалари таркибига кириб, ушбу районда мустақил ҳаракатлар ўтказиш учун жўнатилган.

8. Вахш дарёсининг чап қирғоғида Лақайдан келган Иброҳимбек фаол ҳаракат қилмоқда. У чап қирғоқдаги энг катта тўдалар (Абдулло ва Ҳайдар) билан бирлашганидан сўнг отрядларимизга қарши жангга кирган ва мағлубиятга учраган (бу тўқнашувларда 50 нафаргача йигитлар йўқ қилинган).

9. **Тошкент уездида** Хитойтепа район ер комиссиясининг раиси ўринбосари охири пайтгача бойларнинг хўжаликларини аниқлаш жараёнида миллатчилик қилиб қирғизларни яширган ва ўзбекларни астойдил аниқлаган; ҳатто қирғизларга ўзбек бойлари устидан ёлғон аризаларни ёзишни таклиф қилиш ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Жиззах уездининг ер комиссияси раиси очикдан-очиқ бойларни ҳимоя қилиб чиқмоқда.

10. Облиқ район ер комиссиясининг раиси ўринбосари Облиқ қишлоғида бир бойнинг хонадонида тўхтаган. Мазкур бой кейинчалик ўз ерини ихтиёрый равишда ўша ер комиссияси раиси ўринбосарининг маслаҳати билан топширганини айтган.

11. Бойларнинг ер ислоҳотига адоватли муносабати Фарғона областининг Марғилон ва Андижон уездларида аниқланган. Марғилон уездидаги Чимён волостининг Каттархон қишлоғида ер ислоҳотининг тарафдори, фаол жамоатчи бўлган собиқ қишлоқ советининг раиси ўлдирилган, Андижон уездида хатарли ҳолат мавжудлиги сабабли ер ислоҳоти комиссияси томонидан Норин ва Қўқонқишлоқ волостларига қуролланган қўриқчилар юборилган.¹

1926 йилнинг февраль ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи

1926 йил 24 март

...Ўрта Осиё

Сиёсий ҳолат. Миллий антагонизм ва уруғлараро курашнинг ривожланиши давом этмоқда. Тўқнашувлар асосан ер ва сувдан фойдаланиш, ҳокимиятни қўлга олиш масаласи бўйича содир этилмоқда. Ўзбекистон Қашқадарё областининг Беҳбудий уездида яйловлар хусусида келишмовчиликлар туфайли қирғиз ва араблар ўртасида 5 кишининг яраланиши билан тугаган қуролли тўқнашув содир этилган. Қирғизистонда Боғишев волости рус посёлкаларининг босмачиларга қарши курашда фаол қатнашган аҳолиси

¹ Кўрсатилган манба. – С.82 – 83.

қўшни овуллар қирғизлари томонидан қирғин қилинмоқда. 1919 йилда ўлдирилган қирғиз босмачилари учун русларга қарата қирғизларнинг «икки барабар қасос олиш» мазмунидаги дўқ-пўписалари эшитилмоқда. Миллий антагонизмнинг кескин тус олиши Тожикистонда тожик ва ўзбеклар ўртасида ҳам мавжуд. Тожиклар ўзбек ишчилари томонидан ҳокимият органларининг қўлга олинишидан норозилиklarини билдирмоқдалар.

Сурхондарё областида ҳам эрсари ва шайх туркман уруғлари ўртасида уруғлараро кураш ривожланмоқда. Шайх уруғи томонидан эрсариларга зулм ўтказиш туфайли 4000 хўжалиқдан иборат бўлган эрсарилар Сурхондарё областини тарк этишни режалаштирмоқдалар.

Босмачилик ҳаракати миқдор жиҳатидан ҳам, фаоллик жиҳатидан ҳам пайишида давом этмоқда. 15 декабрь ҳолатига кўра гуруҳлар таркибида 700 одамга яқин, 1 мартда эса 600 нафарга яқин бўлган. Босмачилик параллел равишда соф жиний ҳодисага айланмоқда. Босмачилик ўзининг жиддий хусусиятини Тожикистонда, Вахш дарёсининг чап қирғоғида сақлаб келмоқда. У ерда Иброҳимбекнинг тўдалари томонидан аҳолидан пул тўплаш тугалланмаган ва босмачиликни қўллаб-қувватлашни рад этган уруғлар устидан қирғин қилинмоқда. Бу тўда босмачилари таслим бўлиш тўғрисидаги музокараларни ўтказиш учун келган делегациянинг барча 4 нафар аъзосини ўлдирган.

Қайта сайловлар. Қайта сайлов кампанияси ҳар ерда ҳар хил уруғ ва миллий гуруҳлар ўртасида ҳокимият аппарати учун кураш кўринишида ўтмоқда. Самарқанд ва Фарғона областларининг уездларида сайлов комиссиялари бу курашда ўз одамларини қўйиб, фаол иштирок этган. Қўқон уезди Юқори қишлоғи аҳолисининг сайлов комиссияси номзодига қарши норозилик билан чиқишига жавобан сайлов комиссияси раиси томонидан ўқ отилган, кейин қатнашчилар югуриб қочишган. Сайлов комиссиясининг бундай хулқи туфайли аҳоли сайловларда иштирок этишни рад қилмоқда. Фарғона областининг Марғилон уездида қишлоқ жамоаларининг бирида 1400 кишидан мажлисга фақат 120 киши келган. Шу сабабли Зарафшон областининг Бухоро уездида деҳқонлар милиция томонидан сайлов мажлисларига мажбурлаб олиб келинган. Кўп ҳолларда советларга бойлар, собиқ амир амалдорлари ва уларнинг таъсирида бўлган шахслар ўтмоқда.

Қайд этиш жоизки, умумий жиҳатдан ўтган йилга нисбатан қайта сайловлар қониқарлироқ ўтмоқда. Қайта сайловларнинг жорий йилги кампаниясида қатнашаётганларнинг фоизи ўтган йилги қатнашчиларнинг фоизидан анча ортиқ. Тошкент областидаги камбағаллар советларга «тўра» (зодагон) ларнинг ўтказилишига катта куч билан қарши чиқмоқда. Фарғона областида қишлоқ советларига ва ВИҚларга 60% дан 70% гача камбағаллар ва батрак-

лар, 20% ўртақоллар ўтган. Қишлоқ мажлисларида қатнашувчилар босмачилик билан кураш ва сув қурилиши масалалари бўйича сўзга чиқмоқдалар.¹

1-сонли илова
(Шарқий миллий ҳудудлар)
...Ўрта Осиё

...45. **Қашқадарё областининг** Бехбудий уезди Жейнов овули қишлоқ жамиятида Жейнов қишлоғида яшовчи ўзбеклар (асосан бойлар) ва Шўрчи қишлоғида яшовчи туркманлар (асосан камбағаллар) ўртасида сувдан фойдаланиш масаласи бўйича кескин муносабатлар қайд этилган. Ҳар икки томондан Қарши шаҳрига делегациялар жўнатилган. Қишлоқ совети раиси жейновлик бойларга қўшилган. Сув етишмаслиги сабабли шўрчиликлар экиш ишларини амалга оширмаяптилар (600 десятина майдон), кейинчалик ўзлари очликка дучор бўладилар.

46. **Сурхондарё области** Бойсун уезди. Ўзбек ва европаликлардан иборат уезд ижроия қўмитасининг масъул ходимлари ўртасида сўнгги пайтларда пайдо бўлган миллий қарама-қаршилик бутун уезд совет аппаратига кучли таъсир этмоқда. ЎзКП бошқарув қўмитасининг масъул котиби маҳаллий гуруҳ раҳбари Юсуповни қўллаб-қувватлаб турибди.

...50. **Ўзбекистон.** Охирги пайтда Сурхондарё областида эрсари ва шайх туркман уруғлари ўртасида уруғлараро адоват кучайган. Шайх уруғи туркманлари асосан собиқ оқсоқоллар, собиқ амир амалдорлари ва бойлари бўлиб, эрсари уруғининг деҳқонларига ҳар томонлама зулм қиладилар. Шайхларнинг раҳбари бир пайтлар амирнинг қочишидан кейин Афғонистонга келган, кейинчалик у ерда ташкил этилган тўдани бошқариб, эрсари уруғига босқинларни (талончиликлар ва аёлларни ўғирлаш) ўтказган таниқли бойдир. Сурхондарёга қайтгач, ўз шайхларининг ёрдамида аҳолига нисбатан босқин ўтказишда давом этмоқда. Ушбу мазлумлик ҳолати сабабли ҳокимият томонидан эрсариларни шайхларнинг бебошлигидан ҳимоя қилиш чоралари кўрилмаган тақдирда улар бутун уруғи билан (4000 хўжаликкача) Сурхондарёни тарк этишни режалаштирмоқда.

51. **Ўзбекистон. Самарқанд области** Каттакўрғон уезди. Калқўрғон ВИҚ раисининг қайта сайлови жараёнида аҳоли томонидан танланган Ортиқов деган шахс аксарият овозларни олган, лекин у қайта сайлов бўйича мухтор вакил томонидан партиясиз сифатида рад қилинган эди ва ВИҚ раиси мансабига олдин бўшатишган ВИҚ раисининг одами бўлган собиқ кўрбоши ва босмачиларнинг ёрдамчиси сайланган.

52. **Марғилон уезди.** Лайлахон қишлоқ жамиятида (Олтиариқ волости)

¹Кўрсатилган манба. - С.108 - 109.

сайлов комиссияси раиси мажлис томонидан танланган (1000 та ча киши қатнашган) 23 та даъвогар (батрак ва камбағал)лардан иборат бўлган рўйхатдан 11 тасини ўзбошимчалик билан ўз шериклари (бойлари) билан алмаштирган, бундан кейин мажлисни ёпиб, қишлоқ советига сайлов қилиш учун фақат рўйхатдаги делегатларни қолдирган. Делегатларнинг бир қисми рўйхатга киритилган ўзгаришлардан норозилигини билдирган, аммо сайлов комиссияси раиси уларга бақриб, тарқалишга мажбур қилган. Тарафдорлари билан баённома тузган, шу баённома бўйича унинг иккала вакили советга гўеки аксарият овоз билан сайланган.

53. Фарғона области Қўқон уезди. Сўх волостидаги Юқори қўрғон қишлоғида сайлов комиссияси раиси сайловчиларнинг иродасига қарши ўзининг вакили номзодини қишлоқ советига ўтказмоқчи эди. Қатнашчилар бунга қарши чиқиб норозилик билдирганларида уларга қарата ўқ отилган. Шундан кейин иштирокчилар югуриб қочганлар.

54. Тошкент уезди. Еттикент волостининг Бош қизилсой қишлоқ жамоасида қайта сайлов ўтказилган. Ушбу сайловда бир батрак 15 йилга яқин масжидда имом бўлгани ва кооператив пулларида камомад қилгани учун бошқа «батрак»нинг (у коммунистик партия аъзоси бўлган) номзодига қарши гапирган. Натижада батрак деҳқонлар йиғилишида ўша шахс томонидан дўппосланган.

Аслига тўғри: ОГПУ ИНФО котиби Соловьёв¹

1926 йилнинг март ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи

1926 йил 28 апрель

...Ўрта Осиё

Қишлоқдаги сиёсий кайфият. Турли миллатлар ўртасида антагонизмнинг намоён бўлиши давом этмоқда. Ўзбекистоннинг Самарқанд области Хўжанд уездида қирғизлар орасида Қирғизистонга қўшилиш мойиллиги янада ортмоқда. Сабаби маҳаллий ҳокимият органларида ўзбекларнинг ҳукмронлиги ва қирғиз бойларининг ер ислоҳоти муносабати билан чорва молларини Қирғизистон автоном областига кўчириш йўли билан мусодара бўлишидан қочишга интилишидир. Хоразм областида Туркменистон билан чегарадош ҳудудларда ер низолари асосида туркманлар энг яхши ер участкаларини эгаллаб олган ўзбек қишлоқларига талончилик рейдлари уюштирмоқдалар. Тожикистоннинг Душанбе областида тожиклар ва ўзбеклар ўртасида муштлашиш ҳолатлари қайд этилган.

Босмачилар сонидан барқарорлик сақланмоқда (600 нафар атрофида). Босмачи тўдалари фаолияти Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё област-

¹ Кўрсатилган манба. – С.158 – 160.

ларида намоён бўлмоқда. Қашқадарё областида босмачиларнинг тўдаси томонидан гарнизонларимиздан бирига босқин уюштирилди. Тожикистонда Иброҳимбек (босмачиларнинг раҳбари) томонидан Тожикистоннинг барча босмачилари раҳбарлари учрашуви чақирилиши ҳақида аҳоли орасида мишмишлар юрибди.

Ерни бошқариш. Бойларнинг ер ислоҳотига қарши чиқишлари давом этмоқда. Фарғона областининг Марғилон уездида бойлар ислоҳотни қўлаб-қувватлаган шахсларга нисбатан босқин уюштирамоқдалар. Бойлар томонидан махсус ташкил этилган босмачиларнинг тўдаси томонидан ўша шахсларнинг мол-мулкани талон-торож қилиш ҳолатлари мавжуд. Самарқанд области Каттақўрғон уездининг Қарши қишлоғида партия ташкилотларини қўлга олган бой ва руҳонийлар тазйиқи остида ислоҳот давомида ўз ерларини ажратишни талаб қилган бир қатор деҳқонлар партия ва «Қўшчи» иттифоқи таркибидан чиқарилди.

Шу билан бирга, аҳолининг энг камбағал қатламлари ер ислоҳотига жуда хайрихоҳ. Ислоҳот ўтказилмаган жойларда кичик ер участкалари эгалари бўлган деҳқонлар уни тезроқ амалга оширишни ва бойларнинг ерларини тортиб олишни талаб қилмоқдалар. Ижара ҳақини тўлашдан бош тортиш ҳолатлари мавжуд. Ўзбекистоннинг Хоразм областида ва Тожикистонда ерсиз деҳқонлар томонидан бойларнинг ерлари рухсатсиз эгаллаб олиниши қайд этилган.

Совет аппарати. Совет органларининг бегона унсурлар билан зарарланиши ва у ердаги суиистеъмомчилик ҳолатлари оммавий равишда аниқланиши давом этмоқда. ВИҚларда жамият маблағларини ўзлаштириш, 2 ва 5 минг сўмлик ноқонуний йиғимлар кузатилмоқда. Қизил Армия бўлинмаларидан олинган озиқ-овқат учун тўлаш учун тайинланган маблағларни ўзлаштириш жуда кенг тарқалган. Сурхондарё области ижроия қўмитасида, Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг Душанбе область (округ) аппаратида (Тожикистон) ҳамда Ҳисор область (округ) ижроия қўмитасида (Тожикистон) ҳисоботчилик йўқлиги ҳамда катта камомад аниқланган. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг Душанбе область (округ) аппаратида 68000 рубль камомад чиқди. Ҳисобот даврида жами 65 хил суиистеъмомликлар маълум қилинди.

Суд органларида жуда катта номаъқулчиликлар кузатилмоқда. Сурхондарё области судига собиқ амир амалдорлари кирган, Самарқанд области Каттақўрғон уезди халқ суди қўплаб долзарб характерга эга бўлган ишларни ўз вақтида кўриб чиқмай, ташлаб қўйган. Тожикистонда Ҳисор области халқ судлари йўқлиги сабабли аҳоли турли масалаларни ҳал қилиш учун босмачилар раҳбарларига мурожаат этишмоқда.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.187.

4-сонли илова (Шарқий миллий ва ички миллий республикалар) ...Ўрта Осиё

Ўзбекистон. Самарқанд области Хўжанд уезди Боғча-Исфоний волостида илгари қайд этилган ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги танглик янада кескинлашган. Қирғизларнинг алоҳида вакиллари, «Кўшчи» иттифоқининг волость кўмитаси раиси ва бошқалар Пишпек шаҳрига уларни, яъни Хўжанд қирғизларини Қирғизистон билан бирлаштиришни талаб қилиб махсус делегатларини юборишган. Улар томонидан худди бутун аҳоли вакиллари номидан ёзилган деб кўрсатилган маълумотномаларда қирғизларга ўзбеклар томонидан турли жабр-зулм ўтказилмоқда дейилган. Ўзбекларга нисбатан қарама-қаршилик шу сабабли ҳам оғирлашдики, охирги сайловлар жараёнида қирғизлардан (шу волостда 6500 аҳоли) ҳеч қайси совет ёки партия органига бирорта ҳам вакил сайланмаган, бундан ташқари, уларга чорвадорлар сифатида ҳам, ҳосил бўлмаганидан жабр кўрганлар сифатида ҳам ёрдам кўрсатилмаган. Қирғизларнинг еридан ўзбеклар фойдасига яйловларни бериш тўғрисида мишмишларни тарқатиш ҳолатлари ҳам қайд этилган. Самарқанд областида ҳозирда амалга оширилаётган жонли инвентар (иш ҳайвонлари) ни тортиб олиш бўйича ер ислоҳоти Қирғизистонга тегишли эмас деб орзу қилиб, асосан бадавлат (1240 хонадонгача) қирғизлар Қирғизистон билан бирлашишни илтимос қилмоқдалар. Деҳқонларнинг камбағал оммаси эса у ерда (ҚАССРда) бойларнинг зўравонлигидан кўрқиб бу бирлашишга қарши бўлмоқдалар.

37. Хоразм области. Областнинг бутун (Туркменистон билан Ғазавондан Питнаккача) чегараси бўйлаб ўзбеклар ва туркманлар ўртасида ер-сув муносабатлари туфайли йирик низолар кузатилмоқда. Хоразмни қўлга киритиш пайтидан бошлаб ўтроқ халқ турмуш тарзига эга бўлган ўзбеклар яхшироқ ҳудудларни эгаллаб олишган. Областга яқин бўлган туркман овуллари фақат ўзбекларнинг ерлари орқали оқиб ўтувчи камсув бўлган ариқлардан суғорилади. Айнан шу ҳолат ўзбеклар ва туркманлар (асосан кўчманчи) орасидаги асосий қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда, туркманлар кўп ҳолларда ўтлоқлар ва суғорилаётган майдонларни эгаллаш мақсадида чегара яқинидаги ўзбекларнинг қишлоқларини талон-торож қилиб, фуқароларни дўппослаб ва бошқа шу турдаги қуролли ҳужумларни амалга оширишмоқда. Шу ҳужумлардан охиргиси жорий йилнинг февраль ойи охирида кузатилган бўлиб, 12 нафар кишидан иборат отлиқ туркманлар гуруҳи чегара чизиғига туташ қишлоқлардан бирига ҳужум қилган. Ўзбеклардан чорва моллари тортиб олиниб, Туркменистонга ҳайдаб кетилган, шунингдек, ўзбек чўпонлар ҳам асир олинган.

...40. Самарқанд области Каттакўрғон уезди Чимбой волостидаги Қарши қишлоғи. Кам ерли деҳқонлар (50 кишигача), компартия ва «Қўшчи» иттифоқи аъзолари фақат ўзларига ер беришни талаб қилганлиги учун волость ташкилотининг масъул котиби Басамуратов (руҳонийлардан) талаби билан ташкилот томонидан партия сафидан чиқарилган.

41. Тўрткўл волость ВИҚ раиси (Холмухамедов) ягона қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича қарзлари тўланмаганларга тегишли бўлган 5327 рублни ўзлаштирган. Митов волости элликбошиси (Жўраев) сув солиғи ҳисобига аҳолидан йиғилган 132 пуд буғдойни ўзлаштирган.

42. Фарғона области Марғилон уезди. Асака ВИҚ раиси (Қобулов) собиқ ВИҚ раиси бўлган, ҳозирда «Қўшчи» иттифоқи волость қўмитаси раиси (Қирғизбоев) билан бирга бозор вақтида қимор ўйинлари муассасалари эгаларидан пул йиғишни амалга оширган. Охирги 4 ой мобайнида улар томонидан йиғилган 2000 рублгача пул ўзаро бўлиб олинган.

43. Самарқанд области Каттакўрғон уезди. 1- ва 2-участкалар халқ судьяларининг (Олтибоев ва Аминов) аҳоли орасида обрўси қолмаган, улар ўз мажбуриятларини билишмайди, ишга бепарволик билан қарашади, шу сабабли, зарурлигига қарамай, кўп ишлар (ер ислоҳоти ўтказилишидаги жиноятлар бўйича, кооперациянинг йирик миқдордаги пул камомадлари бўйича ва ҳ.к.) қолиб кетмоқда.

Каттакўрғон уезди суд ижрочиси (Раҳматуллаев) тўловчиларнинг ночорлиги тўғрисидаги далолатномаларни тузиб, ижро варақалари бўйича олинган 200 рубль пулни ўзлаштирган.

4-участка халқ судьяси (Каримов) 500 рубль пора эвазига 3 нафар фуқаронинг ўлимида айбланган шахсларни озод қилган.

5-участка халқ судьяси 100 рубль пора эвазига 3 нафар фуқарони ҳибсдан озод қилган.

Аслига тўғри: ОГПУ ИНФО котиби Соловьёв¹

1926 йилнинг апрель ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи

1926 йил 22 май

...Ўрта Осиё

Сиёсий кайфият. Аҳолиси миллий таркиби аралаш бўлган районларда миллий қарама-қаршиликнинг алоҳида кўринишлари кузатилиши давом этмоқда. Фарғона области Конибодом районида қирғизларнинг бир гуруҳи томонидан Қирғизистонга бирлашиш учун ташвиқот олиб борилмоқда. Худди шунга ўхшаш ташвиқот Самарқанд области Хўжанд уездининг Боғча-Исфоний волостида ҳам олиб борилмоқда. Қирғизистонга бирлашишни та-

¹ Кўрсатилган манба. - С.224 - 226.

лаб қилувчи қирғизлар «ўзбек бошқарув органлари мутлақо қирғизларнинг манфаатларини эътиборга олмайди, қирғизлар ҳокимият органларида ўз вакилларига эга эмас, кредитларни тарқатиш пайтида қатордан қуруқ қолишади, барча оғир мажбуриятларни амалга оширишади» дейишади. Ўзбек бошқарув органларига қўйилган айблар ўйлаб чиқарилган. Қирғизистонга бирлашишга интилиш бойларнинг ер ислоҳоти оқибатларидан ўзларини олиб қочиш хоҳиши билан изоҳланади.

Ҳисобот даврида босмачилик анча кучайган ва фаоллашган. 1 апрель кунига 35 та тўдада 638 нафар, 1 май кунига 39 та тўдада 715 нафар киши бўлган. Тожикистонда Иброҳимбек босмачилар тўдасининг фаоллиги ошганлиги қайд этилмоқда. Иброҳимбек тўдаларини мустаҳкамлаш бўйича катта ташкилий ишларни амалга ошириб, кучларини Таранглитоғ тоғига жамлаган ҳамда Тожикистоннинг аҳоли ва руҳонийларини босмачиларни қўллаб-қувватлашга чақириб мурожаат қилган. Афғонистонга Ўрта Тўғай оролининг берилиши босмачиликнинг ривожланишига таъсир қилди, шу сабабли чет эл тўдалари чегарадан эркин ўтиш имкониятига эга бўлдилар. Банша (Панж) дарёсининг чап қирғоғида чет эл тўдалари томонидан қўпол босқинчиликлар, жумладан, қотиллик, аҳолини асирликка олиш ва ҳоказолар амалга оширилган.

Ер бошқаруви. Баҳор мавсуми бошланиши туфайли турли овуллар ва қишлоқлар ўртасида ер низолари қайтадан бошланмоқда. Зарафшон областининг Кармана уездида қишлоқдаги иккита гуруҳ ўртасида қонли тўқнашув содир бўлган, натижада 5 киши ҳалок бўлган ва 20 киши жароҳатланган.

Ер ислоҳоти ўтказилмаган районларда энг камбағал деҳқонлар унинг бошланишини сабрсизлик билан кутишмоқда ҳамда бойларнинг ер ва жиҳозлари тезроқ мусодара қилинишини талаб этишмоқда. Зарафшон областида бойлардан ерни ижарага олган камбағаллар уни эгаларига қайтаришдан воз кечиб, барибир яқинда ўзимизга ўтади деб айтишмоқда. Бойлар ислоҳотга қарши кучли ташвиқотни олиб боришмоқда. Яна ер олган камбағалларнинг оғир аҳволи ташвиқотнинг муваффақиятига ёрдам беради. Баъзи районларда камбағаллар қишлоқ хўжалиги анжомлари етишмаслиги туфайли уларга берилган ерлардан жорий экин кампаниясида фойдалана олмаганлар.

Қуйи совет ишчиларининг фаолиятида кўп сонли ўзбошимчалик билан пул йиғими, порахўрлик ва ўзлаштириш ҳолатлари кузатилмоқда. Самарқанд областининг Каттақўрғон уездида милиция ходимлари милициянинг 8 йиллик тантана кунида уезднинг совет ва хўжалик корхоналаридан милициячилар учун солиқ ундириш бўйича махсус комиссия тузганлар.

ОГПУ раиси ўринбосари Ягода.
ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Прокофьев¹

¹ Қўрсатилган манба. – С.248 – 249.

5-илова. Ўрта Осиё

...43. **Ўзбекистон. Фарғона области Конибодом райони Самарқанд қишлоғи.** Қирғизлар ва тожиклар орасида гуруҳлараро адоват кучайган. Қирғизлар ҳатто экинларга зарар етказиш, далаларда қоровулларни йўқ қилишгача боришмоқда. Очикдан-очик тўқнашувлар кузатилмайди, чунки аҳолининг озчилигини ташкил этган тожиклар улардан ўзларини олиб қочишади. Машҳур қирғиз арбоблари савдо марказини Чарху қишлоғидан Самарқанд қишлоғига ўтказишга эришганлар. Бадавлат қирғизлар Самарқанд қишлоғи Қора-Қайир мухтор областининг қарамоғида эканлигини билдириб, ер ислоҳоти ўтказишни тақиқлаганлар. Шунинг учун Самарқандда ер ислоҳоти ҳам, ягона қишлоқ хўжалиги солиғи ҳам ўтказилмаган.

44. **Самарқанд области.** Хўжанд уездида Боғча-Исфоний волостининг қирғизлари Хўжанд уездидан ажралиб Қирғизистон Республикасига қўшилишга интилиши туфайли ушбу волостнинг қирғизлар ва ўзбеклари ўртасида миллий адоват янада кескинлашмоқда. Қирғизлар шу масала бўйича Қирғизистон Республикасининг олий давлат органларига елиб-югуришган ва ўз илтимосномасининг асосланганлигини тасдиқлаш учун ўзларининг Хўжанд уездига ўтишидан норозилигининг бир неча сабабларини кўрсатишган. Хўжанд уезди-волости, уларнинг сўзлари бўйича, уларнинг ҳар қандай ҳуқуқларини эътиборсиз қолдириб, ўзбекларга ёрдам беради.

45. **Зарафшон области.** Вобкент волости Кам-Оқин қишлоқ советига қарашли Косари қишлоғи аҳолиси яқинда ислоҳот ўтказилиб, камбағалларга ер берилади деб айтган. Суҳбатда улар ерни тезроқ олиш истагини билдириб, баъзилари ер олиш тўғрисида аризалар ёзган.

46. **Қорахон волости** Кутурқўрғон қишлоқ советининг Ғужбоғ қишлоғи аҳолисидан бўлган батрак ер ислоҳотининг тезроқ ўтказилиши истагини билдирмоқда. У томонидан Ғужбоғ қишлоғида 25 нафар деҳқон иштирокида бойлардан ҳамма ошиқча ер, жиҳоз ва чорваларни тортиб олиб, батраклар ва камбағалларга бериш нияти билдирилган.

47. **Вобкент волости** Кумушкент қишлоқ советига қарашли Тешиктепа қишлоғида яшовчи деҳқон Мирмулло Солиҳов 120 таноб ер эгаси, йирик бой бўлиб, ер ислоҳоти тўғрисида билиб, ўзининг уйига 2 танобдан ерда ишлаган шу қишлоқ кишилари Бобомурод Худойбердиев ва яна 2 та деҳқонни олиб келиб, улар ишлаётган ерлар улар томонидан сотиб олингани ва ҳосил олгандан кейин уларнинг ҳар бири унга 200 рублдан бериши кераклигини айтган.

48. **Фарғона области.** Андижон уездида янги ажратилган хўжаликлар орасида уларга зарур анжомлар ва чорва берилмагани туфайли норозилик кузатилган. Масалан, Пскент волостининг Бўтақора жамиятида ислоҳот туфай-

ли ер билан таъминланган 250 хўжалик мавжуд. Ўзининг ижтимоий келиб чиқишига кўра улар камбағаллар ҳисобланадилар, шунинг учун бировнинг моддий ёрдамисиз қандайдир ишларни амалга оширишга қодир эмаслар ва уларга ёрдам бериш зарур.

49. Зарафшон области. «Шофиркончилар» гуруҳининг раҳбари, ЎзКП Бухоро уезд шаҳар кўмитаси масъул котиби Омонов унинг давомчиси, сайлов комиссияси раиси бўлиб тайинланган Ашур Каримов томонидан Баҳовуддин ВИҚга қайта сайлов бўйича муваффақиятсиз ўтказилган режадан кейин Ашур Каримов Баҳовуддин ВИҚ раиси Қорамутдинов (Омоновнинг рақиби) ишини мажлис томонидан қониқарсиз деб топишга эришмаганлиги учун Каримовга жиддий танбеҳ берган. Мажлис тугагандан кейин 28 февраль куни ҳамма делегатлар кетганда Омонов волость кўмитаси масъул котиби Аминов, комсомол масъул котиби Хусаинов, УИҚ раислари Мирзаев, Эркаев ва Аббосалиев иштирокида Аббосалиевга ижроия кўмитаси ҳисоботи бўйича ишини қониқарли деб тан олиш тўғрисидаги таклифи учун танбеҳ берган. Бундан ташқари, Омонов Аббосалиевга эртаси куни делегатлар орасида ўзи томонидан берган рўйхат учун ташвиқот қилишни буюрган, ушбу рўйхатдагилар учун ҳамма делегатлар қўл кўтариши ва қарсак чалиши шарт эди.

50. Зарафшон области. Поёнруд волости Баҳовуддин райони. ВИҚ президиумига номзодлар рўйхати Хўжа Омонов томонидан таклиф қилинган, съезд делегатлари буни кўриб, «Сиз ўзингиз делегатларни таклиф қилсангиз, бизларни ишимиздан қўйиб бу ерга чақириш ва икки ой ичида бошимизни қотириш нима учун керак эди?» – деб айтишган. Бунга Хўжа Омонов: «Сизлар сайлаш ҳуқуқига эга экансизлар, чунки партия ўзи номзодларни тайинлаган», – деб жавоб бериб, дарров амир пайтида ўроқ (полковник) бўлган ва ҳозирда иши судда бўлган фуқаро Исмоилхўжа Мукаррамов номзодини илгари сурган.

...52. **Ўзбекистон. Зарафшон области.** Нурота ижроия кўмитаси раиси Қосимов деҳқонлар томонидан ем-хашак бўйича қарздорлигини узиш учун тўлаган 800 рубль пулдан 200 рублини шахсий харажатлари учун сарфлаган.

Аслига тўғри: ОГПУ ИНФО котиби Соловьёв¹

1926 йилнинг май оyi бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи **1926 йил 5 июль** **...Ўрта Осиё**

Сиёсий кайфият. Бойлар ва собиқ амир амалдорлари СССРнинг халқаро ҳолати оғирлашиши тўғрисида иғвогарона мишмишларни кучайтириб тарқатишмоқда. Ўзбекистоннинг Шеробод уездида яқинда бўладиган Афғонис-

¹Кўрсатилган манба. – С.305 – 306.

тоннинг СССРга қарши ҳужуми тўғрисидаги мишмишлар бойлар томонидан Афғонистондан қайтаётган муҳожирлар ёрдами билан тарқатилмоқда.

Қизил Армияга ҳарбий хизматга чақирилувчиларни рўйхатга олиш даврида бу жараёни барбод қилиш учун собиқ амир амалдорларининг кампанияси аралашуви кузатилмоқда. Айрим ҳолатларда ташвиқот натижасида ёшларнинг рўйхатга тушишдан бош тортиши ва Афғонистонга қочиш ҳолатлари бўлган (Сурхондарё области, Ўзбекистон). Руҳонийлар ва собиқ амир амалдорларининг таъсирида ўқувчиларни совет мактабларидан чиқариш ва эски усул мактабларини тўлдириш ҳолатлари кузатилмоқда (Сурхондарё области, Ўзбекистон).

Босмачилар билан ўтказилган жиддий кураш натижасида Ўзбекистоннинг Самарқанд, Зарафшон, Қашқадарё областларида уларнинг фаоллиги сезиларли равишда пасайган ва баъзи тўдалар бошлиқларсиз қолган. Тожикистондаги Вахш дарёсининг чап қирғоғи босмачилардан энг кўп зарар кўрган.

Уруғ ссудаси. Уруғ ссудасини тақсимлаш жараёнида ушбу ссуда фақат бойлар учун тақсимланганлиги қайд этилган (Ўзбекистоннинг Сурхондарё области). Ҳосилсизликдан жабрланган деҳқонлар уруғ ссудасини керакли миқдорда ололмаганлар, натижада Тожикистонда камбағалларнинг бойлардан мажбурий дон тортиб олишга интилиши қайд этилган. Кўлоб областида бойлар бир неча минг пуд донга эга бўлганлар.

Ўзбекистоннинг Самарқанд областида уруғ ссудасининг йиғимида секинлашув, ссудани йиғиш бўйича мухтор вакиллар томонидан ўз мансабини суистеъмол қилиш ва ҳисоботни нотўғри олиб бориш кузатилган.¹

4-сонли ИЛОВА **ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ ҲУДУДЛАР** **ЎРТА ОСИЁ** **ЎЗБЕКИСТОН**

1. **Сурхондарё области** Шеробод уезди. Шеробод шаҳридаги йирик бой (Абдужалилов) совет ҳокимиятининг тугатилиши яқинлашаётгани, яқин келажакда Англия кўмагида Афғонистоннинг советларга қарши ҳарбий ҳужуми кутилаётганлиги ва шу мақсадда Бухоро амири кўмондонлигидаги кўшинлар тўпланаётгани тўғрисида ташвиқот қилмоқда.

Бу ташвиқот Афғонистондан ёриб ўтаётган муҳожирлар (ўз ватанидан чиқиб кетиб, қайтганлар) томонидан ҳам тасдиқланмоқда, улар чегарада кўшинлар тўпланаётганлигини айтмоқдалар.

2. Амир амалдорлари томонидан Совуқ Жигон қишлоғида ва Юрчи шаҳрида Қизил Армияга чақирилишга қарши ташвиқот қилинмоқда. Натижада

¹Кўрсатилган манба. – С.318 – 319.

кўнгилли чақирилувчиларнинг иштирок этишида маълум бир оғмачилик ҳолати мавжуд. Шунинг учун улар орасида комсомолни ҳам тарк этиш ҳолати қайд этилган. Қизил Армияга чақирилишдан сақланиш мақсадида бутун мол-мулки билан 26 киши Хошман кентидан Афғонистонга чиқиб кетган.

3. Ерчи уезди. Бошқурд қишлоғида амир амалдорлари янги усулдаги мактабларга қарши аҳоли ўртасида қизғин ташвиқот олиб борган. Натижада ўқувчиларнинг янги усул мактабларидан кетиб қолиши кўпайиши қайд этилмоқда (35 кишидан 10 таси қолган).

4. Самарқанд области. Барча район, волость ва қишлоқ ижроия қўмиталари, шунингдек, «Кўшчи» иттифоқи ва ВКП (б) ячейкаларининг ваколатли вакиллари ва уезд қўмиталарига берилган уруғ ссудасини йиғиш бўйича агентларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги уезд ер бўлимининг қатъий буйруғига қарамай, бундай ссуда Самарқанд уездига етиб келмайди, чунки юқоридаги ташкилотларнинг барчаси агентларга ҳеч қандай ёрдам бермайди. Уруғ ссудасини йиғиш Самарқанд областида кузда 50% га бажарилиши керак, чунки йиғилган уруғ ссудасидан аҳолига кузги буғдой экиш учун тарқатиш лозим.

Уруғ ссудасини йиғиш бўйича вакил Абдужабборов учун, моддий мулк китобига кўра, 23 пуд белгиланган, вакил Одинаев учун эса 186 пуд. Китоблар кўздан кечирилганда тўпланган ссуда бўйича шахсий ҳисоб-китоблар ҳамма учун кўрсатилмаслиги аниқланди.

5. Сурхондарё области Шеробод уезди. Бошқурд волостида уруғ ссудасининг тақсимланишида камбағалларнинг ҳаммасига уруғ берилмаган ва уруғ ссудаси фақат бойларга ажратилган. Шу муносабат билан волость ижроия қўмитаси раисига (Абдужайиров) аҳолининг берган расмий талабига жавобан у бу тақсимотнинг тўғрилигини тасдиқлади. Хўжакент раиси уруғ ссудасини чиқараётганда 450 рублдан 20 рублни ўзлаштириб, қолганини асосан бойлар орасида тақсимлаган.¹

1926 йилнинг июнь ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи

1926 йил 31 июль

...Ўрта Осиё

Бойларнинг фаоллиги. Бойлар, собиқ амир амалдорлари, руҳонийлар ва бошқа унсурларнинг ер ислоҳоти, ВКП (б), комсомол ячейкалари ва «Кўшчи» уюшмалари фаолиятига қарши кўплаб чиқишлари қайд этилмоқда. Айрим жойларда шу мақсадда махсус гуруҳлар ташкил қилиниб, тизимли равишда юқоридаги ташкилотларни парчалаш ишлари олиб борилмоқда. Тожикистонда, айниқса, ҳаракат кучли. Бу ерда босмачилик ҳаракати унинг раҳна-

¹ Кўрсатилган манба. – С.362.

моси Иброҳимбекнинг таъсири ва раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. Иброҳимбек томонидан махсус йўриқномалар юборилди, натижада советларга қарши ташвиқот жадал ривожлана бошлади. Шу муносабат билан бутун оилаларнинг босмачиларга қўшилиши, деҳқонларнинг бизнинг ҳарбий қисмларимизга озиқ-овқат етказиб бериш ва босмачиларнинг жойлашуви ҳақида маълумот беришдан бош тортиши тез-тез бўлиб туради. Босмачилар учун озиқ-овқат ва ўқ-дори йиғиш кучаймоқда.

Босмачилик. Баҳор мавсумида босмачиликни бартараф этиш учун олиб борилган кучли кампанияга қарамай, босмачилик раҳбарлари томонидан амалга оширилган қизғин ташкилий ишлар, Афғонистон ёрдами ва босмачиликнинг қўллаб-қувватланиши уларнинг барқарорлигини сақлаб қолишга ёрдам берди. 1 май куни 35 та тўдада 715 киши, 1 июль куни эса 34 та тўдада 711 киши бўлган. Айниқса, босмачиликнинг ривожланиши учун уни Афғонистон ҳокимияти ва Бухоро муҳожирларининг қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Май ойининг бошларида Садир Чол кўрбоши афғон ҳокимиятининг таклифи билан Афғонистон ҳудудида 500 кишилик тўда тузди. Тўданинг эҳтиёжлари учун муҳожирлар томонидан чўпонлардан 1000 дона ўқ-дори ва 10000 рупий ундирилган. Тўданинг бир қисми бизнинг ҳудудимизга кўчиб ўтди, лекин Қизил Армия отрядларидан мағлубиятга учради.

Ер ислоҳоти. Ер ислоҳоти амалга оширилган районларда бойлардан тортиб олинган ерларни улар яна қўлга кирита бошлади. Маҳаллий советлар ва ер органлари деҳқонларнинг босқинчиларга қарши шикоятларига бепарво бўлиб, айрим ҳолларда ерни тортиб олишига (Фарғона области Қорастан қишлоғи) рухсат берадилар. Баъзан ер билан таъминланган деҳқонларнинг экин етиштиришига имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд. Кўпинча ерга эга бўлган камбағал ва хўжалик меҳнаткашлари уни етиштириш учун моддий қобилиятга эга эмаслар, суд ижрочиларига ўзларини қайта ёллашга ва уларнинг ажратмаларини ижарага беришга ёки ҳатто ер ислоҳоти бўйича олинган ерларни қайтаришга мажбур бўладилар. Фарғона ва Тошкент областларида йигирмага яқин шу каби ҳолатлар мавжуд.

Ер ислоҳоти ҳали амалга оширилмаган жойларда бойлар ўз ерларини олдиндан сотмоқдалар. Айрим ҳолларда ижарага бериладиган ерларни сотиш бўйича деҳқон ижарачилар билан шартномаларни бекор қилмоқдалар. Баъзи жойларда камбағаллар ўзларига бойларнинг ва собиқ амир амалдорларининг ортиқча ерларини беришни талаб қилмоқдалар.

Сув етишмаслиги ва экинларнинг ҳолати. Сувнинг умумий етишмаслиги, уруғ ссудасининг бевақт, нотўғри ва кам тақсимланиши, деҳқонлар орасида зарур миқдорда асбоб-ускуналар ва ишчи қорамолларнинг йўқлиги – буларнинг барчаси экин кампаниясининг суръатига катта таъсир кўрсатди.

Лйрим жойларда экин майдони ўтган йилга нисбатан 25 – 50% га камайган (Ўзбекистон ССРнинг Самарқанд ва Фарғона областларининг айрим майдонлари). Пахта ва шоли экинлари айрим ҳолларда 75% га қисқарди (Зарафшон области Ғиждувон райони).

Уруғ ссудасининг вақтида етказиб берилмаслиги туфайли деҳқонлар берилажак уруғ ссудасини гаров қилиб бойлардан қарз олишга мажбур бўлмоқдалар. Уруғ ссудасини олганда бу маблағ тўлиқ қарзни қоплаш учун берилган ҳолатлар мавжуд.

Туркманистоннинг Форс билан чегарадош районларида форслар томонидан сув берилмаётганлиги боис ўтган йилги ҳосилсизлик ва очарчиликнинг такрорланиш хавфи бор.

Совет аппарати. Сув етишмаслиги туфайли уни бўлиш вақтида жанжаллар тез-тез бўлиб туради. 1000 киши иштирокида тўқнашув юз бериб, натижада 20 киши яраланди. Советларга қарши унсурлар таъсирида қуйи совет аппаратининг ифлосланиши билан давлат пулларини ўзлаштириш, порахўрлик, босмачиларга ёрдам бериш ва бошқа суиистеъмолчиликлар учраб турибди. Самарқанд областининг Хўжанд уезди Унжин ВИҚ раиси сув тарқатувчи лавозим учун 300 рубль олди. Тошкент области ва уезд жиноят қидирув ва ижроия қўмитасининг бир неча ходимлари жиноятчиларни озод қилишда порахўрликка йўл қўйди. Тожикистоннинг Душанбе областида кент ижроия қўмиталарининг бир неча раислари қурол-яроғ етказиб берадиган маҳаллий босмачи тўдалар раҳбарлари билан яқин алоқада деб топилди. Гарм вилояти Добидарё тумани (Тожикистон ССР) ижроия қўмитаси раиси ернинг рўйхатга олинишига қарши қўзғалиб, аҳолини келгусидаги солиқ ўсиши билан қўрқитди.¹

5-сонли илова Шарқий миллий районлар Ўрта Осиё

...31. **Ўзбекистон. Зарафшон области.** Бекобод волостининг Ғиждувон уезди Кўпас қишлоғидаги «Кўшчи» иттифоқидан чиқариб юборилган бой «Кўшчи» иттифоқига қарши ташвиқот олиб бормоқда. Ташвиқот муваффақиятли ўтмоқда ва кўпчилик «Кўшчи» иттифоқига қўшилишни тўхтатди. Кармана уезди Янгиқўрғон кентиде икки бой кооперативга қўшилишга қарши фаол ташвиқот олиб бормоқда. Ташвиқот таъсирига қўшилганларнинг кўпчилиги кооперативни тарк этмоқда.

...34. **Ўзбекистон. Фарғона области** Кўқон уезди. Ғоди-Ёғлиқ қишлоғида истиқомат қилувчи киши ер ислоҳоти туфайли олган 4 таноб ердан фойда-

¹Кўрсатилган манба. – С.386 – 387.

ланмади, олган 12 рубль субсидияни ўзига сарфлади ва ҳозирда мардикор бўлиб ишламоқда. Борсанч қишлоғида янги ер олган фуқаро ўз участкасида деҳқончилик қилмаган ва ерни собиқ мулкдорларга қайтариш ниятида.

35. Пойтуғ қишлоғининг ерсиз деҳқони 6 таноб ер учун ислоҳот туфайли 80 сўмлик субсидия олди, ерини культивация қилмади ва пулни озиқ-овқати учун сарфлаб, яна мардикорлик (ёлланма меҳнат) билан шуғулланди.

36. **Марғилон уезди.** Қорақўрғон қишлоғида ер ислоҳоти туфайли чорикорларга бўлиб берилган 26 таноб ернинг собиқ эгаси бўлган бой бу ерни чорикорлар қайта ишлашига рухсат бермаган. Бир қатор волостларда қуйи давлат аппаратининг вакиллари ва ер ислоҳотини мустаҳкамлаш комиссияси аъзолари кўмагида янги инъом қилинган ерларни бойлар томонидан тортиб олиш ҳолатлари қайд этилди.

37. **Тошкент области.** Тошкент уезди Яккақўрғон волости Ипак овули бойлари ер ислоҳотида бойлар томонидан ер яширилганлиги тўғрисида баён қилган батраклар йиғилиши ташкилоти бошлиғини овулдан чиқариб юбориш учун ташвиқот олиб боришмоқда.

Шу волостнинг Зангиота қишлоғидаги бойлар ер ислоҳоти бўйича деҳқонларга янги инъом этилган ерларни тортиб олмоқдалар.

38. **Зарафшон области.** Ғиждувон уезди Рухобод қишлоғидаги бойлар 160 таноб ери ва қишлоқ хўжалиги техникасини сотишга тайёрланишмоқда. Пешку волости Новир қишлоғидаги катта бой 25 ёшли ижарачи-чорикорлар билан шартномани бекор қилиб, 16 таноб ерни 1200 рублга сотди.

40. **Ўзбекистон. Самарқанд области** Митан волости Каттақўрғон қишлоғининг экин майдони ўтган йилга нисбатан 25 – 30% га қисқарди. Айниқса, ер билан таъминланган камбағалларнинг аҳволи оғир. Каттақўрғон ва Самарқанд районларида олинган уруғ ссудаси асосан бадавлат кишилар орасида тарқатилган. Хўжанд уездида ҳосилсизликдан жабрланган деҳқонлар ўз мулкларини уруғ сотиб олиш учун сотадилар. Чолқудуқ волостида экин майдонлари 25% га, Андирсой жамиятида 50% га камайди. Апрель ойининг охирида қаттиқ совуқдан Ғўлакандоз волостидаги деярли барча узум ва қисман ўриклар нобуд бўлган. Жиззах районида буғдойнинг катта миқдори (600 пуд) бойлар учун чиқарилган, улар эса шу буғдойни деҳқонларга 200% гача қилиб қайтариб бериш шarti билан қарзга беришган.

41. **Наманган уезди.** Бободархон волостида сув олиш бўйича Ғойдон ва Улуғ-Қуруқ қишлоқлари аҳолиси ўртасида жанжал бўлиб ўтди. Жанжалда 1000 нафаргача одам иштирок этиб, 20 нафари яраланган. Шу уезддаги Қирғизқўрғон волостида сув учун жанжал давомида 8 киши жароҳатланган.

42. **Тошкент области Мирзачўл уезди.** Сув етишмаслиги туфайли айрим жойларда суғорилмайдиган экин майдонларининг 50 фоизи ва ундан ортиғи

зарар кўрди. Буғдой ва пахта майдонларида зараркунандалар пайдо бўлди. Оқругда экиладиган 20000 десятина пахта майдонидан кўпи билан 10000 десятина қисми ўз вақтида суғорилди.

43. Зарафшон области Кармана уезди. Тошкўприк волостида уруғ ссудасининг кеч тақсимланиши туфайли лалмикор буғдой майдонлари сезиларли даражада қисқарди. Келтирилган 2000 пуд уруғ ссудасининг деярли барчаси фақат бойларга қарзни тўлаш учун сарфланди.

Ғиждувон районида пахта учун мўлжалланган 43140 таноб ер экилмай қолди. Конимех мухтор районида ариқларда сув камайиши натижасида 600 десятина ўрнига 240 десятина пахта экилди. Мирбосар волостида ҳам 6 та ариқда сув тўлиқ бўлмаганлиги туфайли пахта ҳосили 75% га камайди. Уруғ ссудасини чиқаришда кечикишлар мавжуд.

45. Ўзбекистон. Зарафшон области Ғиждувон уезди. Ғиштин қишлоқ советининг раиси савдогар, босмачиларнинг собиқ фаол шериги бўлиб, у бир неча бор ҳибсга олинган. Босмачиларнинг худди унга ўхшаган собиқ шериклари: Роскуй қишлоқ совети раиси, Мирзаён қишлоқ совети аъзоси (Ғиждумак волости), Ваганзин волостининг Бўстон қишлоқ совети аъзоси.

46. Фарғона области. Андижон уезди Избоскан волости Хорин қишлоқ хўжалиги ҚИҚ раиси (Ўзбекистон КП аъзоси) ягона давлат солиқ суммаларидан 1040 рублни ўзлаштирди.

47. Самарқанд области Хўжанд уезди. Унжин ВИҚ раиси сайланганидан сўнг мироб (сув бошқарувчиси)нинг эски лавозимини 500 рублга сотди. Келишувни таъминлаш мақсадида у Ўзбекистон КП волость кўмитаси масъул котибига 100 рубль берган.

48. Тошкент области Тошкент уезди. Уезднинг жиноят қидирув СОЧ (тезкор-махфий қисм) раҳбари томонидан қотилликда айбланувчиларни озод қилиш учун 150 рубль пора олинган. Таниқли рецидивист ўғрини озод қилиш учун УИҚ маъмурий бўлими бошлиғи 100 рубль пора олди. Маъмурий бўлимнинг ўша раҳбари 2-участка халқ судьяси билан биргаликда 28 та ўғирланган от билан ушланган шахсни 500 рубль порага озод қилди. Мирзачўл уездининг 2-бўлим халқ терговчиси 800 рубль пора эвазига ВИҚ раиси ёрдамида батракларни ўлдиргани учун ҳибсга олинган бойларни озод қилди.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.434 – 436.

6-сонли илова
ЎРТА ОСИЁ

39. **Ўзбекистон. Тошкент области.** Кичик Заркент қишлоғида ер ислоҳоти туфайли ерлари бўлиб берилган бир гуруҳ бойлар ўз йиғилишида дехқонларга янги берилган ерлардан фойдаланишга рухсат бермасликка қарор қилдилар. Бундан ташқари, баъзи олиб қўйилган ерларни қайтариб бериш далолатномасини қонуний мустаҳкамлаш мақсадида тегишли мансабдор шахсларга пора бериш мақсадида дарҳол 1000 рубль тўплашга қарор қилинди. Баъзи қишлоқларда худди шунга ўхшаш ерларни тортиб олишни ташкиллаштириш ҳолатлари кузатилган.

43. **Ўзбекистон. Тошкент области.** Бир қатор ВИҚ ва овул советларида раислар ва аъзолар ўтмишда обрўсиз бўлган, улар сиёсий жиҳатдан ишончсиз ҳамда ҳозирда ўғрилар билан боғлиқ шахслар ҳисобланади. Хитойтепа волостининг раиси ҳам бой, ўтмишда порахўрлик ва давлат пулларини талон-торож қилишда айбланган кишилар 6 нафар, ўзига топширилган ишни бажаришга лаёқатсиз кишилар 5 нафар. Қорий ВИҚ раиси эса Сегизбоев гуруҳининг фаол тарафдори ҳисобланади.

Тошкент уезди. Ўнг қишлоқ совети раиси қотилликни яшириш учун 120 рубль порани олди. Майдонтол ВИҚ раиси (ЎзКП номзоди) 100 рубль порани олиб, эвазига 1600 рубль камомадга йўл қўйган қишлоқ хўжалиги кооперативи раисини ишини ёпишга ёрдам берди. Область бўйича худди шундай 18 та ҳолат қайд этилди. Ягона қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича йиғилган суммалардан 1000 рублга яқин маблағ камомад қилинган ва ўзлаштирилган.

44. **Зарафшон области. Ғиждувон уезди** Вобкент волостининг жиноят қидирув ишлари бўйича агенти собиқ босмачини озод қилиш учун 150 рубль пора олди (ушбу собиқ босмачи зимдан хабар берувчини ўлдирган). Кумуш қишлоқ совети раиси аҳолини худди газетага обуна бўлишга мажбурлагандек 200 рубль пулни олган ва ундан фақат 60 рублни топширган, қолган пулни ўзлаштирган. Областда 17 та шунга ўхшаш ҳолат бўлган. 6 та ўзбошимчалик ҳолати қайд этилди. Ягона солиқ тизими бўйича йиғилган суммалардан 1400 рубль камомад қилинди ва ўғирланди. Шу тариқа ариқларни тозалаш учун ҳам 8000 рубль миқдорида пул сарф-харажат қилинди.

49. **Ўзбекистон. Самарқанд шахри.** Олий суд: кассация шикоятлари 5 – 6 ойгача кечиктирилади. Маҳбуслар ўз жазо муддатини ўтаб бўлгач, шикоят натижаларини кутиш ҳолатлари бўлган. Давлат прокуратураси: прокурату-

ра муовини (Насарянц) МИҚ раисидан область прокурорининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан бир деҳқоннинг баёнотини таҳлил қилиш бўйича буйруқ олгач, 5-участка халқ судига топширган, у ерда эса шу иш 8 ой давомида ҳаракатсиз қолдирилган.

51. **Самарқанд области** Каттақўрғон уездининг халқ судьялари ва халқ терговчиларининг деярли бутун таркибига область судида айблов материаллари мавжуд.

52. **Тошкент области.** 3 нафар милиция ходими навбатчилик қилган куни маст ҳолатда келтирилган босмахона ишчиси Троицкий милиция биносида ўлдирилган. Мурданинг шахси аниқланмасдан қабристонга юборилган ва милиционерлар бир йиллик қаттиқ изоляцияга ҳукм қилинган, улардан иккитасига амнистия берилиб, умуман озод қилинган.

53. 10 июль ҳолатига область судида 582 та, область судининг катта терговчиларида 110 та, прокуратурада 1570 та, 3-участка халқ судида эса 1018 та иш бўлган. Баъзи ишлар муддати 1923 йилдан ҳисобланган. Қолган участкалар учун анча вақтдан буён ташлаб қўйилган ишлар сони 3000 дан ошади. 1 июль ҳолатига Тошкент уездида 1651, Мирзачўл уездида эса 1433 та анча вақтдан буён ташлаб қўйилган ишлар бўлган.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.612 – 614.

1926 йилнинг октябрь оyi бўйича СССР сиёсий
ҳолатининг шарҳи

1926 йил 9 ноябрь

ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РАЙОНЛАР ВА РЕСПУБЛИКАЛАР ЎРТА ОСИЁ

Миллий антагонизм (қарама-қаршилик). Сувдан фойдаланиш масаласида қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида бир қатор тўқнашувлар қайд этилди (Ўзбекистон Зарафшон области). Туркменистоннинг Берк округи бойлари Амударёнинг ўнг қирғоғини Ўзбекистонга қўшиб олиш бўйича ташвиқот олиб боришмоқда. Кампанияда партия аъзолари ва масъул совет ходимлари иштирок этишмоқда. Маҳаллий аҳоли ва руслар ўртасидаги душманлик муносабатлари баъзан можаролар ва тўқнашувларга олиб келади (Қирғизистон). Ердан фойдаланиш ва давлат аппаратининг миллий таркиби масаласи атрофида ўзбеклар ва тожиклар (Тожикистон) ўртасида кескинликлар юзага келади.

Ерни бошқариш. Баъзи янги ер олган деҳқонларнинг оғир молиявий аҳволи туфайли айрим ҳолларда ерни мажбур ижарага беришга, ҳатто собиқ мулкдорларга (Ўзбекистон ССР Самарқанд ва Фарғона областлари) тўла қайтариб беришга ҳам олиб келмоқда. Бойлар баъзи деҳқонларни (Тошкент ва Самарқанд областлари) кўрқитиш учун турли воситалардан фойдаланган ҳолда ер ислоҳоти бўйича уларга ажратиб берилган ер участкаларини эгаллаб олишда давом этишмоқда.

Зарафшон областида бўлаётган ер ислоҳоти муносабати билан Ўзбекистон ССР деҳқонлар оммаси томонидан уни иложи борица тезроқ амалга ошириш истаги билдирилар экан, улар собиқ амир амалдорлари ва дин пешволари билан биргаликда ер ислоҳотини издан чиқариш кампаниясини кучайтираётгани қайд этилди. Шу мақсадда босмачи тўдаларини тузиш учун ташвиқот олиб борилмоқда, ер ислоҳоти тарафдорлари бўлган деҳқонларга таҳдидлар қилинмоқда ва ҳ.к.

Ягона қишлоқ хўжалиги солиғи. Солиқ солинадиган объектларни ҳисобга олиш ва қайта ҳисобга олиш ишлари якунланмоқда, айрим жойларда эса якунланган. Солиқ солиш объектларини, асосан, аҳолининг бадавлат қатламлари (Ўзбекистон ССР, Самарқанд ва Тошкент областлари) яширганликларига оид кўплаб фактлар очила бошлади. Маҳаллий совет ва солиқ амалдорларининг бунга бепарво муносабати, шунингдек, уларнинг бу ишдаги

иштироки ва ёрдами солиқ объектларини яширишга сезиларли сабаб бўлмақда. Солиқ объектларини (Туркменистон ССР ва Қирғизистон) яширишга оид қуйи ва совет ходимлари томонидан пора олиш бўйича қатор фактлар қайд этилган.¹

7-сонли илова

Ўрта Осиё

Миллий антагонизм

1. **Ўзбекистон. Зарафшон области** Вобкент райони. Мир Сулаймон ва Сўфидеҳқон қишлоқларининг тожик деҳқонлари таёқлар билан қуролланиб, Вакил Ражабхўжаев бошчилигида 100 кишилиқ гуруҳ билан Шокировон қишлоғига бориб, 4 нафар ўзбек фуқаросини қаттиқ дўппосладилар. Оломон қишлоқ кенгаши раиси томонидан тинчлантирилгач, ўзбеклар ҳам, ўз навбатида, келгиндиларни уриш ниятида йўлга чиқишди. Жанжалнинг сабаби Шокировон қишлоғи фуқароларининг (ўзбеклар) юқорида тилга олинган икки қишлоқнинг ерини суғорадиган зовурдан сув олиш нияти эди.

...5. **Тожикистон Панжикент области.** Беҳбудий волостида ўзбеклар ва тожиклар ўртасида миллий муносабатларнинг кескинлашуви қайд этилди. Ўзбеклар область олий органларининг тожиклар томонидан эгалланганлиги туфайли уларнинг на ўзбек мактаби, на кооперацияси борлигини таъкидлашмоқда. Хўжанд қишлоғидаги бозорнинг ўзбеклар томонидан яқинда ёпилиши ҳам Тожикистон ижроия қўмитаси томонидан уларга нисбатан душманона муносабат сифатида баҳоланмоқда.

6. **Ҳисор области.** Мохан қишлоғи аҳолиси (қарлуқ қабиласидан бўлган ўзбеклар) билан Новобод қишлоғи (тожиклар) ўртасида ер масаласидан низо туфайли жанжал келиб чиқди. Инқилобдан олдин тожикларга тегишли бўлган, сўнгра ташлаб кетилган ерлар эндиликда ўзбеклар томонидан эгаллаб олиниши бу можарога сабаб бўлди. Энди тожиклар ўз ерларини қайтаришни талаб қилишмоқда.

Ерни бошқариш

7. **Ўзбекистон. Зарафшон области Ғиждувон уезди.** Амир амалдорлари Афғонистон, Британия, Хитой, Бухоро амири билан биргаликда СССРга қарши ҳарбий ҳаракатлар уюштириши ҳақида маълумот тарқалди, шу билан бу давлатлар ер ислоҳотига тайёргарлик (иқтисодий текшириш, ер участкаларини тасвирга олиш) кампаниясини барбод қилиш ва босмачилар томонидан совет ҳокимиятига қарши зарбаларни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар.

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 4. Часть 2. – Москва, 2001. – С.722.

Собиқ амир амалдорлари: Доний Жевачи Жўраев, Гадой Мураж Жевачи, Қосим Жевачи ва бошқалар йиғилишда (Ғиштин қишлоғида) ҳукуматга қарши ташвиқот қилиш ва унинг тарафдорлари бўлган деҳқонларни ўлдириш билан шуғулланадиган яширин тўдани ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар, шу тўда етарли миқдорда қурол-яроғ билан таъминланганда ошкора ҳаракатга чиқади.

8. Миркоён қишлоғида йиғилган Ҳожи Мирохур Бўронов (собиқ кўрбоши), Ҳамробек кўрбоши Файзиев, Марман Цуров, Эргаш Полвон ва бошқалар босмачилар тўдасини ташкил этиш ва совет ҳукуматиغا очиқдан-очиқ қарши чиқиш тўғрисида қарор чиқардилар.

9. Вобкент райони Сар-Хозар қишлоғида (Охунбобоевнинг митингда ер ислоҳоти ҳақидаги маърузасидан сўнг) йиғилганлар: Эшон Юсуфхўжа, Хўжатўрак, Шукур Эшон ўғли: «Лаънати ҳокимият бизга ҳаромхўрлик қилишга қарор қилди, лекин ҳали улар ҳеч кимдан юртни тортиб ололмади», «Олий ҳукмдор келиб, бутун бозор ичида айтганки, аёллар паранжи ташлаган, бу билан «жадидлар» бутун дунё эркаклари ва аёлларини йўлдан оздиришни мўлжалламоқдалар», – деб айтишган.

10. **Самарқанд области** Самарқанд уезди. Сиёб волостида ўтказилган ер ислоҳоти натижасида участкалар билан таъминланган 50 нафаргача батрақлар жуда қийин молиявий аҳволда. Уларнинг қўпчилиги участкалари ва уларнинг чегараларини ҳам билмайди. Ишчи қорамолларни олганлар маблағ йўқлиги учун уларни боқишга қодир эмас. Ерларни қайтариш учун ариза ёзиш ҳолатлари мавжуд.

Ягона қишлоқ хўжалиги солиғи

11. **Ўзбекистон. Тошкент области** Тошкент уезди. Чилангар қишлоғида қишлоқ совети раиси Карим Баратов кўмағида 50 хўжалик ўрнига 16 хўжалик рўйхатга олинди ва солиқнинг умумий миқдори барча хўжаликлар ўртасида тенг бўлиниши кўзда тутилган.

12. Объектларни ҳисобга олишда айрим фуқаролар хўжалиklarини яширганликлари кузатилди. Масалан, Майлобод ва Бекобод қишлоқларида 10 десятинадан ортиқ ер, мева боғлар қилинган, Қуруқсой қишлоғида 9 та қорамол боқувчиси эса 5000 тагача қўйни яширган (айримлари чорвани Хўжанд районига ҳайдаб олиб кетган). Қорамолларни умумий ҳолда оммавий яшириш Қариз волостида қайд этилган, натижада қорамоллар ўтган йилга нисбатан 50% камроқ рўйхатга олинган.

13. **Самарқанд области** Жиззах уезди. Ёнбош қишлоқ совети раиси кўмағида фуқаро Бухамид Карим 300 та қўй, 11 та туя, 20 бош қорамол ва 6 десятина экинларни яширган.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.789 – 790.

**1926 йилнинг ноябрь ойи бўйича СССР сиёсий
ҳолатининг шарҳи**

1926 йил 24 декабрь

**Миллий шарқий республикалар ва мухтор областлар
Ўрта Осиё**

Ўзбекистон ССРнинг Зарафшон областидаги ер ислоҳоти. Ер ислоҳоти бошиданоқ бойлар, маҳаллий зиёлилардан миллатчилар, савдогарлар ва мусулмон руҳонийлар (айниқса, шаҳарлик) вакиллари ҳар хил ифвогарона мишмишлар тарқатиб, аҳолини ер ислоҳотига қарши қўзғаб, уни бузиш кампаниясини бошладилар. Шу билан бирга, бойлар ортиқча ерларни сотиш ва қариндошлари ўртасида бўлиб олишни бошлади. Бойлардан кейин собиқ амир амалдорлари, айнақса, фаоллик кўрсатиб, ер ислоҳотига қарши туриш учун бир қатор районларда (Ғиштин ва Миркаён қишлоқлари) қуролли тўдалар ташкил этишга уринишган. Қуйи совет аппарати ва «Қўшчи» уюшмалари кўп ҳолларда ёт унсурлар томонидан заҳарланиб, кампанияда тўлиқ нофаоллигини кўрсатди. Айрим ҳолларда қишлоқ советлари ўзларининг ерларини (Дарвоза, Файзобод, Росткўй ва бошқалар) сотиш бўйича қалбакилаштирилган битимларни тасдиқладилар. Кенг деҳқонлар оммаси кампания бошиданоқ ер ислоҳотини ва бойлар ерларининг бўлинишини сабрсизлик билан кутар, баъзи жойларда юзлаб аризаларни топширар эди (Нигиқўрғон волости).¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.823.

7-сонли илова
МИЛЛИЙ ШАРҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР
ЎРТА ОСИЁ

Совет аппарати учун кураш

1. **Ўзбекистон. Зарафшон области** Вобкент райони. Волость милиция бошлиғи лавозимига татар тайинланганлиги туфайли Пешку қишлоқ вакили раҳбарлигида ўзбеклар ВИҚ ва Ўзб КП волость қўмитасига уларга татар керак эмаслигини билдириб ариза ёзганлар.

2. Пешку қишлоғида бойлар, собиқ амин ва оқсоқоллар яширин йиғилиш ўтказиб, унда Вобкент райони ижроия қўмитаси раиси этиб Вобкент ВИҚ раиси Хўжатовни тайинлаш учун ташвиқот қилишга қарор қилишди.

3. Вобкент волостидаги қишлоқ советлари йиғилишларида «хукумат ишчиларни районларга ажратишга тайёрламоқда, қайта сайловлар пайтида руслар ва татарлар эмас, балки ўзбеклар ҳокимият тепасига келиши учун нималар қилиш керак» мазмунида нутқ сўзланди. Зудлик билан район ижроия қўмитасига номзодлар рўйхати ташланди ва аҳоли ўртасида ташвиқот қилиш тўғрисида дастлабки қарор қабул қилинди. Учрашув ВИҚ котиби хонадонида бўлиб ўтди.

4. Чармгарон қишлоғида собиқ оқсоқол бой (Мирзо Кагиров)нинг уйида бўлиб ўтган йиғилишда собиқ оқсоқоллар ва бойлар келгуси сайловда қишлоқ кенгаши раислигига Қудрат Абдуржинов (савдогар бой) ва қишлоқ совети аъзолигига Аробон Икром Арслоновни (собиқ оқсоқол) сайлашга қарор қилдилар. Йиғилишда уларнинг фойдасига тарғибот ишлари амалга оширишни келишиб олганлар.¹

Ўзбекистон ССР Зарафшон областидаги ер ислоҳоти

18. **Вобкент районида** бойларнинг ер ислоҳотига қарши 11 та, Кармана районида 5 та, Баҳовуддин уездида 1 та, Нурота ва Гиждувон районларида эса 1 тадан ташвиқот қилиш ҳолатлари қайд этилган. Кармана районида камбағалларга 3 та таҳдид ҳолати, Вобкент ва Гиждувон районларида 1 тадан, Гиждувон районида чорикорни уриш ҳолати, 9 та хўжаликни бўлиш ҳолати (536 таноб ер ва 260 қўй). Яширин ер ва чорва молларини аниқлаш бўйича 10 та ҳолат (600 таноб ер ва 1140 та қўй). Ер сотиш ҳоллари 14 та, 6500 рублга.

19. **Кармана райони** Тошқудуқ волостидаги Эшмат-Абу, Укращ, Қора, Қил-Арин ва бошқа қишлоқларда бойлар ер ислоҳотига қарши фаол ташвиқот қилмоқдалар ва турли ифвогарона мишмишларини тарқатиб, камбағалларни бошқа жойларга кўчириш билан қўрқитмоқдалар.

¹ Кўрсатилган манба. – С.891.

Ёйчи-Қўрғон волостида Озиқ-овқат ижроия қўмитасининг раисига батраклар ва кичик ерли деҳқонлардан ер ажратиб бериш тўғрисида илтимос билан 100 га яқин ариза тушди.

20. Вобкент райони. Бир имомнинг хонадонида бойлар, савдогар ва эшонлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди, унда нуфузли эшон Шукуруллоев ҳукуматнинг ер ислохотини ўтказишдан мақсади аҳолини шариатдан ажратиб ташлаш эканлигини айтиб, йиғилганларни аҳоли орасида ташвиқот қилишга чақирди.

21. Нурота райони. Бойлар ва босмачиликнинг собиқ фаол тарафдорлари бир гуруҳ аҳоли орасида ер ва сув ислохотига қарши ташвиқот олиб боришмоқда.¹

1926 йилнинг декабрь ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи

1927 йил 3 февраль

Миллий шарқий республикалар ва мухтор областлар Ўрта Осиё

ЯҚХСга (Ягона қишлоқ хўжалиги солиғи) боғлиқ бўлган муносабат. Деҳқонларнинг солиқлардан норозилик ҳолатлари асосан суғурта, халқ маорифи, «Кўшчи» иттифоқи ва бошқалар учун тўловлар ЯҚХСни йиғиш билан бир-бирига тўғри келиши, шунингдек, айрим солиқ комиссиялари (Ўзбекистон Тошкент области) томонидан солиқларни тўлолмаётган камбағалларга нисбатан қаттиқ жазолар қўлланаётганлиги билан изоҳланади.

Бойлар ва мусулмон руҳонийлар фаоллиги. Ўзбекистонда бошланган қайта сайлов кампанияси бойлар ва мусулмон руҳонийларнинг қўйи давлат аппаратини қўлга олишга қаратилган тайёргарлиги янада фаоллашишига сабаб бўлди. Айрим жойларда гуруҳлараро кураш кучайди ва гуруҳ аъзолари баъзан ўз вакиллари сайлов комиссияларига (Тошкент области) киритар эдилар. Айрим овул советларига бойлар ва уларнинг тарафдорлари (Фарғона области) кирдилар. Камбағалларнинг эътиборини чалғитиш учун бойлар тўй зиёфатларини қайта сайлов кампаниясига тўғрилаганлар (Самарқанд области).

Овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхати эълон қилинганидан сўнг (Тошкент области) бойлар томонидан сайлов йиғилишининг (220 киши қатнашган) бузилиши ҳолати юз берди. Қашқадарё области Файзобод қишлоғидаги бойлар ва жиний қароқчилар қишлоқ совети президиумига янги сайланган деҳқон аёлнинг уйига ҳужум қилиб, унинг болалари ва яқинларини калтаклашди ва барча мол-мулкини талон-торож қилишди; бу ҳужум

¹ Кўрсатилган манба. – С.893.

деҳқон аёл сайлов йиғилишида фаол иштирок этиб, сўзга чиққани, сўнгра эртаси куни бой ва босмачилар овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилганидан кейин содир бўлган.

Бойлар ва мусулмон руҳонийлар баъзан солиқларга қарши ташвиқот билан ҳаракат қилиб, аҳолининг солиққа тортишдан яширган объектларини (Ўзбекистон, Тошкент ва Самарқанд областлари) аниқлашда ёрдам берган деҳқонларни жазолашга чақирганлар. Мусулмон руҳонийларнинг айрим қишлоқ советлари раислари (Туркманистон, Тошовуз округи)га кучли таъсири ҳақида фактлар бор.¹

8-сонли илова

Миллий шарқий республикалар ва мухтор областлар. Ўрта Осиё. ЯҚХСга боғлиқ бўлган муносабат

1. **Ўзбекистон. Тошкент области** Тошкент уезди Бўка волости Яхши қишлоғи деҳқонлари ВИҚ раисига ушбу солиқнинг оғирлигидан шикоят қилиб, ЯҚХС, мактаб, суғурта, яйлов солиқлари, газеталар учун, «Қўшчи» иттифоқи учун ва ҳ.к. солиқларни ҳам бир вақтнинг ўзида тўлашдан арз қилдилар. Камбағалларнинг солиқлардан бундай норозилиги Мирзачўл уезди Крестьянская волостида ва областнинг бошқа бир қатор районларида ҳам қайд этилган.

2. **Хитойтепа волостида** ЯҚХС йиғиш бўйича комиссар маълум санагача солиқнинг 50% ни тўплашни қатъий таклиф қилди, натижада камбағаллар орасида солиқ тўламаган шахслардан буюм ва отлари тортиб олинди. Солиқ ҳатто маош олишга улгурмаган деҳқонлардан ҳам талаб қилинарди. Оқовулида район комиссарининг буйруғига асосан 20 нафар солиқ тўлолмаган шахс ҳибсга олинди. Шу муносабат билан кўпгина овулларда деҳқонлар солиққа нотўғри тортишга қарши шикоят қилишдан қўрқиб кучли норозилик билдирадилар.²

¹ Кўрсатилган манба. – С.926 – 927.

² Кўрсатилган манба. – С.1001.

**Миллий шарқ республикалари ва мухтор областлар.
Ўрта Осиё**

...**Миллий муносабатлар.** Ўзбекистонда рус ишчилари ва ўзбеклар ўртасидаги тўқнашувларнинг икки ҳолати қайд этилган (Қўқон ва Самарқанд шаҳарлари). Рус қулоқларининг ташвиқоти ва маҳаллий милициянинг (асосан ўзбекларнинг) нотўғри ҳаракатлари билан Октябрьский шаҳарчасида (Тошкент райони) рус деҳқонлари билан ўзбеклар ўртасидаги қарама-қаршилик кескинлашган. Андижон округи Избоскан районидаги ўзбеклар яшайдиган Батрақобод овулига Қирғизистондан келган қирғизларнинг ҳужуми қайд этилган.

Қирғизистондан ажралиб чиқиш истаги. Қирғизистоннинг бир қатор ўзбек районларида ўзбекларнинг Қирғизистондан ажралиб чиқиш хоҳиши кузатилмоқда. Ҳаракатнинг ташаббускорлари, асосан, Ўзбекистоннинг Хўжанд районида келган қуйи ва масъул ходимлар бўлиб, улар ўзбекларга турли имтиёзлар ваъда қилганлар, аҳолининг Ўзбекистонга қўшилиш истаги ҳақида сўз юритадилар. Ташвиқотда мусулмон руҳонийлари вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.

Ўш шаҳрида ўзбекларнинг Қирғизистондан ажралиб чиқишга бўлган интилишлари қайд этилган.¹

5-илова

Сайловолди кампанияси

5. Жалолобод округи. Жалолобод шаҳрида ўз жойларида қолишни истаган маҳаллий масъул ходимлар гуруҳи тузилди. Гуруҳ ўз ишини округ бўйлаб бир қатор районларда кенгайтириб давом эттирмоқда.

6. Советларга қайта сайланиш даврига келиб Майлисой волости Хили қишлоғига Ўзбекистон вакиллари келиб, қишлоқларни янги районларга ажратиш жараёнида Хили қишлоғи Ўзбекистонга ўтганлигини айтганлар. Айни дамда, улар билан Жалолобод округи сайлов комиссияси вакили ҳам келди. Вакиллар ўртасидаги ўзаро низо натижасида қайта сайланиш издан чиқди. Аҳоли Қирғизистонга ёки Ўзбекистонга бўйсунуш-бўйсунмаслик ҳақида ҳайрон бўлиб қолди.

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 5. – Москва, 2003. – С.148 – 149.

Миллий муносабатлар

15. **Ўзбекистон. Самарқанд округи.** Темир йўл вокзали қурилиши билан шуғулланаётган Самарқанддаги рус ишчилари ва ўзбеклар ўртасида ўзбек ишчиларидан бирининг маъмурият буйруғига бўйсунидан ва рус типидagi филдиракли аравагани русларга топширишдан бош тортиши сабабли жанжал келиб чиққан. Жанжал натижасида 8 нафар ўзбек ишчиси дўппосланди.

16. **Тошкент округи. Мирзачўл райони** Октябрьский қишлоғидаги рус деҳқонлари Мирзачўл милициясининг (асосан ўзбеклардан иборат) муносабатига нисбатан қаттиқ норозилик билдириб, уларни қўпол муомала ва русларнинг шикоятларига эътибор бермаётганликда айбладилар. «Қўлига қурол-яроғ олишга тўғри келадиган пайт»ни сабрсизлик билан кутаётган қулоқлар ва бадавлатларнинг очикдан-очик ташвиқоти билан уларнинг норозилиги янада кучайиб бормоқда.

17. **Андижон округи.** Қирғизистондан келган юзга яқин отлик қирғизлар Избоскан районидаги ўзбеклар яшайдиган Батрақобод қишлоғига ҳужум қилишди. Собик кўрбошилар (босмачилар тўдалари етакчилари) раҳбарлигидаги ҳужумчилар қишлоқнинг барча мол-мулкани талон-торож қилиб, қаршилик кўрсатган ўзбекларни калтаклашди. Қирғизлар иккинчи ҳужумга тайёрланишмоқда, шу сабабли Батрақобод қишлоғида ва қўшни овулларда ўзбекистонликлар орасида ваҳима кучайган. Ҳужумдан олдин ер ислоҳоти бўйича аввал бадавлат қирғизлардан тортиб олиниб, ўзбекларга топширилган ортиқча ерларда ўзбекларнинг баҳорги дала ишларини бошлашга халақит берилиши натижасида миллий қарама-қаршилик юзага келди. Ўтган йилги баҳорги кампания олдиан Майлисой волостидаги қирғизлар Избоскан районидаги ўзбекларнинг чорвасини тортиб олишган эди. Юқорида тилга олинган ўзбек овулига қилинган ҳужум ер ислоҳоти бўйича ердан маҳрум бўлган қирғизлар фаолиятининг бевосита давомидир.

18. Қўқон (эски) шаҳрида эски биноларни қисмларга ажратиб бузиш бўйича жамоат ишлари билан шуғулланиб турган рус ишчилари билан бу ерда томошабин бўлиб турган ўзбеклар ўртасида 500 га яқин одам иштирокида жанжал келиб чиққан. Биноларнинг қулаш эҳтимоли бўлган жойларда техник назорат кучайтирилганига, бу ишларга бегоналарнинг яқин бўлиши тақиқлангани ҳақидаги огоҳлантиришларга қарамай, бир гуруҳ ўзбеклар томошабин бўлиб тураверган. Қоровуллик учун тайинланган рус ишчиларидан бирини «педераст» деб ҳақорат қилган ўзбек туфайли ўзаро жанжал бошланди. Рус ишчи-хизматчилари ва ўзбеклар жанжаллашиш учун оёққа туришди. Уларни ажратишга уринаётган пайтда милиция ходимлари калтакланган, шу боис ўзбек милиция ходимлари ўзларини ҳимоя қилишгани қайд этилган. Рус ишчилари можаронинг маҳаллий ташкилотлар томонидан

ҳал этилиши ва жанжал сабабчиларининг ҳибсга олинишига қарамай, ўзбекларни русларнинг Ўзбекистондан чиқиб кетишини истаётганликда айбламоқда.

Қирғизистондан ажралиб чиқишга интилиш

23. **Жалолобод кантони.** Майлисой волости Батракобод қишлоғидаги собиқ ВИҚ раиси бошчилигида бир гуруҳ шахслар ўзбек аҳолиси орасида Қирғизистондан ажралиб чиқиш ва Ўзбекистонга қўшилиш учун ташвиқот олиб боришмоқда. Ташвиқот натижасида ажратиш бўйича ҳукмлар тузилган. Оммага катта таъсир ўтказиш учун ҳар бир хўжалик учун бир жуфт буқа ва 100 рубль бериш тўғрисидаги мишмишлари тарқалмоқда. Ажратиш бўйича ташвиқот, айниқса, советларга қайта сайловлар пайтида кучайтирилди.¹

1927 йилнинг март оyi бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича)

5-сонли илова

ЎЗАРО МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

10. **Ўзбекистон.** Қўқон округи. «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида ЎзССР ХКСнинг Учқўрғон қишлоғини Фарғона районидан Қирғизистон Республикаси ҳудудига қўшиб олиш тўғрисидаги қарори эълон қилиниши муносабати билан тожиклар ва қирғизлар ўртасида миллий қарама-қаршилиқнинг авж олиши қайд этилган. Учқўрғон аҳолиси асосан тожиклардан иборат. Қирғизлар эса Учқўрғонда 5-6 минг киши яшайди. Ушбу қарама-қаршилиқ масаласи хусусида тожиклар ҳар кунги учрашувларда сўзлашмоқда.

11. **Андижон округи.** Алахомак қишлоғида (ўзбеклар яшайдиган Наманган райони) фуқаро Тошбоев уч кунлик улоқ уюштирди. Бу улоққа Бешкапа қишлоғидан (қорақалпоқлар яшайдиган) собиқ қўрбоши қорақалпоқ миллатига мансуб бўлган тарафдорлари билан биргаликда келган. Кўплаб чавандозлар тўпланиб турган оломон (ўзбеклар) устига бостириб кела бошлади, баъзиларини оёқости қилишди, бошқалари қамчилар билан калтакланди. Улоқнинг иккинчи куни Бойтуман ҳожи яна ўз тарафдорлари билан келди, бу сафар ўзи билан илгари унинг амри остида бўлган уч қўрбошини ҳам (қорақалпоқлар) олиб келди ва пойга олдидан ўз халқига мурожаат қилиб, шундай деди: «Агар кимда пичоқ ва бошқа қурол бўлса, тайёр бўлсин, бугун биз қатъият билан ҳаракат қилишимиз керак».

12. **Ўрта Зарафшон округи.** Нурота шаҳрида тожик ва ўзбек ишчиларининг европаликларга нисбатан қарама-қаршилиги қайд этилган.

¹ Кўрсатилган манба. – С.204 – 207.

13. Конимех шахрида бир неча йиллардан буён мавжуд бўлган қозоқлар ва қорақалпоқлар ўртасидаги қабилавий адоват шу кунгача сақланиб қолган. Ҳар икки томон Конимех райони ижроия қўмитаси раиси лавозимида номзодини илгари сурганида бир миллатнинг бошқа миллатга қарши чиқишининг ошқора шакли, айниқса, қайта сайловлар пайтида яққол намоён бўлди.¹

1927 йилнинг апрель ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи (ОГПУ маълумотлари асосида) РАЙОНЛАРГА АЖРАТИШ МАСАЛАЛАРИ. МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

Аҳолининг ўзбек қатламининг Қирғизистондан ажралиб, Ўзбекистонга қўшилиш истаги давом этмоқда. Жалолобод кантонидаги Ойим волостида (Қирғизистон) бешта ўзбек қишлоғи вакилларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди ва унда учрашув ташаббускорлари Ўзбекистонга қўшилиш масаласини кўтаришди. Мажлис Қирғизистон расмийларининг буйруқларига риоя этмасликка, Жалолобод кантони ижроия қўмитасидан барча бошқарув ишларини Ўзбекистон ССР Андижон округи таркибидаги Ойим волостига ўтказишни сўрашга қарор қилди. Мажлис баённомасида 4500 киши иштирок этгани кўрсатилган, аслида эса иштирокчилар сони номутаносиб равишда озроқ эди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда овул совети раиси раҳбарлигидаги 60 га яқин қирғизлар дала ишлари билан шуғулланувчи ўзбекларни баҳсли худудлардан (Андижон округи) қувиб чиқаргани ҳам бир воқеа бўлган.

Ўзбекистоннинг Тошкент округида алоҳида миллат вакиллари, хусусан, ўзбеклар ва руслар ўртасида ер-мулкдан фойдаланиш бўйича бир қатор кичик можаролар юзага келган.

Ерни бошқариш ва экин кампаниялари. Ўзбекистон. Экин кампанияси бошлангандан буён бир қатор ер ва сув можаролари кузатилган. Айрим ҳолларда низолар бир неча юз кишини (Қўқон округи) ўз ичига олган йирик қишлоқлараро жанжалларга айланиб кетиш хавфи бор.

Бойлар фаолликни ошириб, камбағаллардан ер ва сувни мусодара қилиб олиш амалиётини кенг қўллаб, янги ер олган деҳқонларга дала ишларини бошлашни ман этиб, уларни ўлдириш билан таҳдид қилмоқдалар. Янги олинган участкаларида суғориш билан банд бўлган деҳқонларнинг бир гуруҳ бойлар томонидан калтакланиши юз берди. Бойлар ер ислоҳоти (Зарафшон округи) бўйича тортиб олинган ер участкаларини қайтариб олиш йўллари муҳокама қиладиган учрашувлар ўтказмоқдалар.²

¹ Кўрсатилган манба. – С.288 – 289.

² Кўрсатилган манба. – С.324 – 326.

3-сонли ИЛОВА
РАЙОНЛАРГА АЖРАТИШ МАСАЛАЛАРИ.
ЎЗАРО МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

1. **Қирғизистон.** Жалолобод округи. 5 апрелдаги Ойимқишлоқ, Тошлиқ, Дардоқ, Қизил-Тўқай ва Тешиктош қишлоқлари фуқаролари ва Ойим ВИҚ, волост «Қўшчи» қўмитаси, волость батрак қўмитасидан аёллар ва олти жамият вакиллари иштирокида – тахминан 4500 киши қатнашган қўшма йиғилиш баённомаси. Учрашув Қирғизистоннинг Жалолобод кантони Ойим бозорида очилди.

Тингладилар: Қирғизистондан Ўзбекистонга ўтиш бўйича вакилнинг ҳисоботи. Маърузачи ўртоқ Муҳаммаджон Охунжон.

Қарор қиладилар:

1924 йилдаги Қирғизистондан Ўзбекистонга ўтиш тўғрисидаги илтимоснома бўйича ҳисоботни эшитгач, қарор қилдилар:

а) Марказий Ижроия Қўмитасининг 1926 йил 10 сентябрдаги қарорининг 60-§ 4-сонли бандига кўра, шу кундан бошлаб Ойим волостидаги: 1) Ойимқишлоқ; 2) Тошлиқ; 3) Дардоқ; 4) Қизил Тўқай; 5) Тешиктош қишлоқлари Қирғизистон билан барча мулоқотни узиб, Ўзбекистон билан яқиндан алоқа қилиши керак. Ойим волостидаги барча қишлоқ советлари ва Қирғизистондан олинган муҳр ва штампларга эга бўлган барча ташкилотлар эса уларни Ойим ВИҚга, бу ВИҚ эса мансублиги бўйича тегишли ташкилотларга топшириши ва Қирғизистоннинг ҳеч қандай буйруғига амал қилмаслиги керак. Жалолобод кантони ва унинг барча ташкилотларидан қуйидагилар сўралсин: Ойим волостидаги барча мавжуд бўлган ишларни Андижон округи ижроия қўмитасига ўтказиш, шунингдек, ҳибсга олинган шахсларни Жалолобод қамоқхонасидан Андижон қамоқхонасига ўтказиш, у ерда зудлик билан Ўзбекистонга қабул қилиш илтимоси билан кириш ва қарорларнинг барча нусхаларини тегишли ташкилотларга юбориш Ойим волости вакилларига топширилсин (бир овоздан);

б) қароримизга мувофиқ Андижон округи ижроия қўмитасидан Ойим волостидаги 5 та жамият билан яқин алоқада бўлишни сўраш ва Жалолобод кантони ва бошқа муассасалардан барча мавжуд ишларимизни қабул қилиш, иложи бўлса, яна қайта сайлов ташкил этиш (бир овоздан).

2. **Ўзбекистон, Тошкент округи Бекобод райони.** Уёз (ўзбеклар яшайдиган) қишлоғи аҳолиси билан Қиёт (рус) қишлоғи аҳолиси ўртасида Қиёт деҳқонларига ер ислоҳоти бўйича берилган ерларнинг Уёз қишлоғидаги бойлар томонидан эгаллаб олиниши масаласида низо келиб чиққан. РИҚ ерни қайтариш учун ҳеч қандай чора кўрмаган. Қиёт қишлоғидаги рус деҳқонлар гуруҳи милтиқлар билан қуролланиб ўзбеклардан ерларни қайтариб олиш

учун далаларга йўл олишган; ўзбеклар билан руслар ўртасидаги муносабатлар кун сайин мураккаблашиб бормоқда, деҳқонлар далаларга қуролланган ҳолда боришмоқда.

1. Пригородний райони. Луначарский қишлоғида ўзбек батраклари (80 киши) ва рус деҳқонлари ўртасида ўзбеклар томонидан шу қишлоқнинг далалари заҳарланиши туфайли қарама-қаршилик авж олди. Юқорида айтилган гуруҳ томонидан содир этилган жанжал бўйича фақат шаҳарда ўрнатилган милиция отряди ўз вақтида келиши туфайли аҳолининг ўзбек ва рус қатлами ўртасида умумий қирғинга айланмаган тўқнашув бўлиб ўтди.

Паранжи ташлаш кампанияси

6. Лангарбобо қишлоғи имоми (Андижон округи Косон райони) масжидга йиғилган 20 нафар диндор деҳқонга шундай деган: «Хукумат шариат қонун-қоидаларимизни бузишга, хотин-қизларимизнинг юзларини очишга ҳаракат қилмоқда ва бу ҳукумат шу тариқа давом этса, тез орада масжидларимиз ёпилади». Сўзи охирида у диндорлардан ҳукуматни ағдариши учун Худога дуо қилишга чақирган.¹

1927 йилнинг май ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи (ОГПУ маълумотлари асосида)

Уруш тўғрисида мишмишлар. Шаҳар. Англия ва Хитойдаги воқеалар Ўзбекистондаги шаҳар аҳолисининг барча қатламларида қизиқиш уйғотди. Савдогарлар, бой-зодагонлар ва мусулмон руҳонийлар совет ҳокимиятининг муқаррар равишда қулаши ҳақида турли хил ташвиқот ҳамда мишмишларни тарқатдилар. Айрим савдогар ва бойларнинг оммавий чиқишларида форс ва афғон кўшинларининг СССР чегараларига яқинлашгани, Афғонистон, Форс ва Хитой кўмагида Британиянинг Европадан эмас, балки Шарқдан ҳужум қилиши кўрсатилган. Мусулмон руҳонийлари вакиллари совет ҳокимиятининг қулашига ишонч билдирадилар, шундан сўнг капиталистик давлатлар Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан иттифоқ бўлиб Россияда динни тиклайдилар.

Шаҳарлардаги совет хизматчилари орасида норозилик намоёишларига кўшилмаслик сушт, баъзан эса душманлик муносабати мавжуд. «Совет ҳокимиятининг муқаррар ҳалокати ва социализмнинг қулаши» ҳақида алоҳида ҳоллар ҳам мавжуд.

Хотин-қизлар кампанияси. Ўзбекистон. Паранжи ташлаш кампанияси уни нафақат барбод қилишга, балки ундан совет ҳукуматига қарши ташвиқот йўлида фойдаланишга ва шу ҳокимиятнинг бошқа тадбирларини, хусу-

¹ Кўрсатилган манба. – С.343 – 344.

сан, ер ислоҳотини бузишга интилаётган советларга қарши унсурларнинг тугамаётган қарама-қаршилигини кўзғатади. Бойлар, савдогарлар, мусулмон руҳонийлар ва собиқ босмачилар аёлларнинг очиққа чиқишига қарши жадал ташвиқот ўтказар экан, кампанияга ҳисса қўшганларга қарши куролли қирғин билан мурожаат қилдилар. Жами 14 та қотиллик ва 7 та жароҳат қайд этилган бўлиб, шундан май ойида 6 та қотиллик ва 6 та жароҳатлиниш ўрин олган.

Паранжидан воз кечириш кампаниясида мажбурлаш усулларига мурожаат қилаётган бир қатор ташкилот ва шахсларнинг мазкур ноўрин ҳаракатлари баъзан деҳқонлар орасида оммавий ғазабга сабаб бўлиб, бу советларга қарши унсурлар фаолиятини кучайтириб, ушбу кампанияни бузишга қўмаклашади. Коммунистларнинг ўз аёлларининг паранжисини олиб ташлашга қарши чиқиш ҳолатлари ҳали кўп (5-иловага қаранг).

Миллатлараро муносабатлар. Ўзбекистон. Айрим элатлар ўртасидаги тортишувлар асосан ер ва сув низоларига боғлиқ. Чегара ҳудудларида Қирғизистондан оқиб ўтувчи дарёлардан сув ишлатиш асосида ўзбеклар ва қирғизлар (Қирғизистоннинг Ўш округи) ўртасида доимий можаролар бўлиб туради.

Ўзбеклар ва руслар, ўзбеклар ва тожиклар ўртасидаги ер ва сув низолари баъзан жанжалларга айланиб кетганлиги ҳам қайд этилган.

Шу каби низолар баъзан катта жанжалларга айланиб, Қирғизистонда руслар ва қирғизлар ўртасида; Туркманистонда туркманлар ва балужлар ўртасида ҳамда балужлар ва барбарлар ўртасида; Тожикистонда тожиклар ва ўзбеклар ўртасида (5-иловага қаранг) қайд этилган.

Ер билан таъминлаш ва экиш кампанияси. Ўзбекистон. Бойлар деҳқон ерларини нафақат ҳали ер ислоҳоти ўтказилмаган жойларда, балки ер ислоҳоти амалга оширилган жойларда ҳам эгаллашни кенг қўллаб-қувватлашда давом этишмоқда. Шу билан бирга, деҳқонларнинг уларга берилган янги ерларига ишлов беришларига қарши чиқишмоқда. Бойлар собиқ босмачиларнинг қўллаб-қувватлашидан фойдаланиб деҳқонларни қўрқитиб, ер ислоҳоти натижаларини йўққа чиқаришга интилишади. Вобкент районида йирик бойлардан бири собиқ босмачини чақириб, унга «хукуматга қарши чиқиш, совет ходимларини ўлдириш ва шу тариқа ер ислоҳотини бартараф этишга эришиш» ҳақида мурожаат қилган.

Миллатлараро низолардан ташқари ер ва сув низолари, одатда, қабилалараро ва кўп ҳолларда бутун қишлоқлар бўйлаб ўткир низоларни келтириб чиқаради.

Экиш кампаниясида ер агентликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимлари томонидан кўплаб суиистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилди.

Кўпинча нақд пул ва уруғ учун қарзлар бойлар ҳамда бошқа юқори табақа вакиллари учун берилди.

Босмачилик. Қирғизистоннинг Ўш округида олиб борилган жараёнлар натижасида Қора Шўродан бадарға қилинган Жонибек қози тўдаси икки гуруҳга бўлиниб, улардан бири Абдуллабек бошчилигида бизнинг худудимизда қолган, иккинчиси эса Жонибек қўмондонлиги остида Хитой худудига кўчиб ўтган.

Жонибек қўрбоши хотинлари ва чорваларини Қора Шўрода қолдирганлиги Жонибекнинг тўдалари ўз ҳаракатларини яна қайтадан тиклаши мумкинлигини кўрсатади.

Жонибек қозининг фаол чиқишлари бўлиб ўтганидан буён Қирғизистоннинг Жалолобод округи ва Ўзбекистоннинг Андижон округи худудларида кичик қуролли жиноятчи тўдалар пайдо бўлди. Бу тўдалар асосан базис қабиласи (Жонибек қабиласи) аъзоларидан ташкил топган. Жалолобод районининг бир қатор қишлоқларида деҳқонлар қароқчилар ҳужумидан қўрқиб дала ишларини тўхтатишган.

Туркманистоннинг Тошҳовуз округида кичик босмачи тўдалари фаолият кўрсатиб, қишлоқларга бостириб кирмоқда, деҳқонларни талаб, аёлларни ўғирлаб кетмоқда. Чоржўй ва Керки округларида маҳаллий тўдалар билан бирга Афғонистондан ўтган тўдалар фаолият кўрсатади. Ана шу тўдалардан бири ўзбек қўрбошилари хотинларини Афғонистонга олиб кетиш ниятида эди. Тўдалардан бири бир неча талончиликларни амалга ошириб, деҳқон ва аёлларнинг қотилига айланган. Марв районида Форсдан ўтиб келган бир тўда бор.¹

5-сонли ИЛОВА

Сиёсий кайфият. Уруш тўғрисида мишмишлар

1. **Ўзбекистон. Самарқанд шаҳри.** Митингда Ўзбекистон банкининг ҳайъат аъзоларидан бири собиқ савдогар билан бирга совет савдо ваколатхонасига қилинган ҳужум СССР ва Британия ўртасидаги урушга сабаб бўлишини айтди. «Агар уруш бўлса, биз анча яхши яшаймиз, чунки ўшанда ҳозирги кунда бошимиздан кечираётган зулм бўлмайди», – деб айтишган. Ушбу суҳбатдан сўнг бу шахслар мазкур тадбир шарафига ичгани кетганлар.

2. Афғонистонлик собиқ завод эгаси митингда руслар фақат митинглар ўтказишни ва чиройли гапиришни билишини, бироқ совет ҳукумати Англиядан қўрққани учун қатъий ҳарбий босим ёки рад жавобини бера олмаслигини айтди. У урушда ёлиб Англия бўлишини ва совет ҳукумати томонидан тортиб олинган барча кўчмас мулк фоиизи билан қайтарилишини айтди.

¹Кўрсатилган манба. – С.372 – 374.

3. Эски шаҳар аҳолиси орасида Қизил Армиянинг кўплаб қисмлари уруш қилишдан бош тортаётгани ҳақида гап-сўзлар бор. Мишмишлар асосан руҳонийлар томонидан тарқатилмоқда.

4. Савдогарларнинг айтишича, урушни кутиш керак ва Афғонистон бунда Англия қўшинлари учун Ўрта Осиё чегараларига яқинлашиш имконини беради.

5. **Тошкент шаҳри.** Англия-совет алоқаларининг узилиши муносабати билан ўтказилган митингга йирик савдогарлар минбарга яқинлашишга ҳаракат қилишди. Нотиқларнинг нутқлари давомида савдогарлар нотиқнинг ҳар бир сўзини диққат билан тинглашди. Савдогарлар йиғилишида 60 га яқин киши бўлган.

6. Воскресенск шаҳридаги бозор савдогарлари Англия-совет муносабатларидаги узилиш ҳақида гапирар экан, Англия билан алоқалардаги узилишдан савдогарлар учун фойда йўқ, аксинча, уруш бўлса, чайқовчилик кучаяди ва савдогарлар бундан кўп наф кўради деган фикрни билдирдилар.

7. **Хўжанд шаҳри.** Чойхонада совет ҳукумати ерни олиб, батрақларга бергани, оғир солиқлар солгани ва аёлларнинг паранжисини очишга мажбур қилгани учун бу йўл нотўғри эканини айтишди. «Яқинда уруш бўлади, чунки барча мамлакатлар СССРга нафрат билан қарайди ва уни йўқ қилади», – деб айтилган.

8. Чойхонада Камисарбой совет мактаби ўқитувчиси Англия тез орада уруш эълон қилишини айтди. Хитой ишчилари орасидаги қўзғолон совет ҳукумати томонидан ташкил этилгани ва СССРда, ўз навбатида, Англияда ҳам яхши ишлайдиган ва ўз ишлари туфайли совет Иттифоқига зарар келтирган яхши агентлар бор. Ўқитувчи советлар хизматидан анча олдинроқ ҳам кетиши мумкинлигини, лекин бу ҳолда уни антисовет унсур деб ҳисоблашларидан қўрққанини айтди.

Аёллар кампанияси

9. **Ўзбекистон.** Хўжанд шаҳри фуқароси хотинини ўлдирмоқчи бўлиб пичоқ билан унга бир қанча жароҳат етказган. Жанжалнинг сабаби паранжини ечиб ташлаганидир.

Ўрта Зарафшон округи. Каттақўрғон шаҳри. Хотин-қизлар озодлиги кампанияси муносабати билан мусулмон руҳонийлари ўртасида реакцион гуруҳ ташкил этилиб, бу гуруҳ аҳолига хотинларини паранжини ечмасликка чақирди. Ташвиқот кампанияси давомида икки аёл ҳалок бўлди ва уларни қутқармоқчи бўлган деҳқон яраланди. Бундан ташқари, бир аёл ва бир эркак шу ернинг ўзида жиддий жароҳатланган. Бу қотилликлар арафасида Каттақўрғон милицияси раҳбари маҳаллий имомларни паранжи-

сини олиб ташлаши учун ташвиқот қилиш таклифи билан чақирди. Имомлар аёлларни ошкор қилиш шариат қонунларига зид эканини таъкидлаб, ташвиқотдан бош тортдилар.

10. Шулақ қишлоқ совети раиси хотинларини митингга чиқармаган деҳқонларни 3 йил ҳибсга олиш билан таҳдид қилди. Натижада митингга 200 га яқин аёл келган, бироқ уларнинг ҳеч бири паранжисини ечмаган.

11. **Хўжанд округи.** Самтар қишлоғида руҳонийлар ва бойларнинг яширин учрашуви бўлиб ўтди, улар паранжини ечмаслик хусусида фаол ҳаракат қилишга келишиб олдилар. Ушбу учрашув номидан иштирокчилардан бири Жангалик ва Сагдаб қишлоқларига бориб, аҳоли ўртасида паранжини ечмаслик ҳақида ташвиқот олиб борди.

Миллатлараро алоқалар

12. **Ўзбекистон. Қўқон округи** Фарғона районида ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида сувдан фойдаланиш хусусида жиддий зиддиятлар келиб чиқади. Қирғизистоннинг Айрибоз ва Қоратепа (Ўш райони) қишлоқларига туташган Ўзбекистоннинг аксарият қишлоқлари қирғизлар етарли даражада сув бермаётгани туфайли сувсизлик хавфига дучор бўлмоқда. Ҳозирча жиддий асоратлар йўқ, чунки ёмғирлар ёғиб тургани ўзбекларга қўл келмоқда, бироқ шу ўринда тартибсизлик ҳолатларини кутиш мумкин.

13. **Қашқадарё округи.** Тенги-ҳаром районидаги тожиклар яшайдиган Ҳардури қишлоғи билан бирлашган Куруб-Кали-Урга қишлоғи ўзбеклари ўртасида ер масаласида низо келиб чиққан.

14. **Сурхондарё округи.** Бойсун шаҳрида 1 май кунидаги мажлисда 1 май байрамининг аҳамияти ҳақидаги маъруза, русийзабон қатнашчиларнинг қаттиқ туриб олганига қарамай, фақат ўзбек тилида олиб борилди. Русларнинг маърузани ва резолюцияни рус тилига таржима қилиш таклифи ўзбекларнинг кўпчилик овози билан рад этилди. Натижада барча рус иштирокчилар йиғилишни тарк этишди. Худди шундай ҳодиса бу шаҳарда советлар ижроия қўмитаси ходимларининг маҳаллий қўмитани қайта сайлаш пайтида ҳам кузатилган.

Ер билан таъминлаш ва экин кампанияси

18. **Ўзбекистон. Бухоро округи.** Вобкент ва Бухоро районларида бойлар ерларни таъминлаш масалаларида жуда кучли фаолликни кўрсатмоқдалар. Икки ҳафта ичида ерга ишлов беришни бошлаган камбағалларга 25 та қаршилиқ кўрсатиш ҳолатлари қайд этилди. Ғиждувон районида собиқ амир амалдори ўз ерида ишлаётган деҳқонни ўлдириш учун қотилларни юборди. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар билан қотилликнинг олди олинди.

19. **Тошкент округи.** Ховос районида деҳқонлар ўртасида сувнинг нотўғри тақсимланиши оммавий ҳодиса сифатида қайд этилган бўлиб, аксарият ҳолларда бойлар сувни камбағаллардан анча кўп олади. Сувдан фойдаланиш масалаларини тартибга солиш ташаббуси билан чиққан бир гуруҳ камбағаллар бойлар томонидан калтакланди.

20. **Андижон округи.** Ер ислоҳоти даврида Янгиқўрғон райони Заркент жамиятининг Мамай қишлоғи бойидан 350 таноб ер олиниб, у хўжалик батраклари артелига (200 таноб), икки чорикорга (30 таноб) берилди, қолган 120 таноб давлат хисобига қабул қилинди. Шунга қарамай, бой бу ерни ҳоқимият менга қайтариб берган деб батраклардан энг унумдор 10 таноб ерни тортиб олиб экин эккан.

21. **Қашқадарё округи.** Ғузор районида, бир томондан, сарой уруғидаги ўзбеклар, иккинчи томондан, качай уруғи (қўнғирот қабиласи) ўртасида қуйидаги сабабларга кўра ер масаласида қабилавий адоват бор: сарой уруғи Апарди қишлоғида, качай уруғи эса Аллашир қишлоғида истиқомат қилади. Айтиб ўтилган қишлоқлар ўртасида узоқ вақт давомида экин экиладиган ер майдонида келишиб ишланган, лекин сўнгги пайтларда бойларнинг ташаббуси билан келишмовчиликлар юзага келди.

22. **Қирғизистон.** Бойлар Куршоб волости Ўш кантонида яқинда бўладиган ер ислоҳоти муносабати билан чорвани ўғиллари ва қариндошлари ўртасида тақсимлади.

23. **Ўзган қишлоғида** мусулмонларни «кўзини очишга, совет ҳукумати-га ишонмасликка ва ер ислоҳотини ўтказишга тўсқинлик қилиш»га чақирувчи ташвиқот мақсадида тарқатиладиган сиёсий мазмундаги варақа топилди.¹

1927 йилнинг июнь ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича)

5-сонли ИЛОВА

СИЁСИЙ КАЙФИЯТ. УРУШ ТЎҒРИСИДАГИ МИШМИШЛАР

1. **Ўзбекистон. Самарқанд шаҳри.** Англия ва Польшадаги воқеалар айрим асосий эҳтиёж буюмлари нархининг кўтарилишига сабаб бўлди. Нархларнинг ошиши сабаблари ҳақидаги мижозларнинг саволларига савдогарлар шундай жавоб берадилар: «Пул қадрли тушяпти, тез орада ҳеч нарсага ярамай қолади». Кумуш тангалар етишмаслиги ва қоғоз пулларнинг кумушга ёппасига алмашинуви қайд этилмоқда. Заргарлик дўконларидан олтин ва бриллиант буюмларни сотиб олиш кузатилмоқда. Осиёнон омборхонаси ёнида ун олиш учун қатор навбатлар бўлмоқда.

¹ Кўрсатилган манба. – С.398 – 400.

2. **Тошкент шаҳри.** 9 ва 10 июнь кунлари жамғарма кассаси ёнида катта навбатлар ва «пулни иложи борича тезроқ буюмларга айлантиришимиз керак» деган гаплар кузатилган.

3. **Қўқон шаҳрида** уруш ҳақидаги мишмишлар муносабати билан битта хусусий корхона ёпилди.

4. **Бухоро шаҳрида** эронликларнинг бир қисми ўз мулкларини сотишга тайёргарлик кўрмоқда. Савдо битимини тузишда бадални тўлаш пулда эмас, балки форс лираларида кўзда тутилгани қайд қилинган.

5. **Тошкент, Хўжанд ва Бухоро округларида** аҳолининг асосий эҳтиёж буюмларини харид қилиш истаги қайд этилмоқда. Фарғона округининг Қува, Марғилон ва бошқа районларида кооперация айланмаси кўп миқдорларга ошган. Мануфактура, нон, шакар, гугурт ва совун кўп миқдорда сотилмоқда. Кунига 1000 рублдан савдо қилган дўконлар ҳозирда 10000 – 11000 рублдан савдо қилмоқда. Худди шундай ҳодиса Эски Бухоро шаҳрида ҳам қайд этилган. Тошкентда ҳам захираларга эҳтиёж ҳақидаги гаплар кучайган. Банкларнинг йирик омонатчиларини совет ҳукумати рўйхатга олаётгани ҳақида мишмишлар тарқалди.

6. **Тошкент шаҳри.** Эски шаҳар савдогарлари дўконларда тўпланиб олиб, урушнинг мақбуллиги ва муқаррарлиги, бунинг натижасида совет ҳокимиятининг кулаши ҳақида гапирмоқдалар. Бошқа томондан, савдогарлар уруш ҳолатида чайқовчилик юза келиши ва осон фойда олиш эҳтимоли ҳақида гапирмоқдалар. Бир вақтнинг ўзида мусодара қилинган мол-мулк ва сиёсий ҳуқуқларнинг қайтарилишига умидворлик кузатилмоқда. Баъзи савдогарлар бошқа савдогарларни ҳозирча солиқ тўламасликка чақирди. Шу билан бирга, савдогарлар орасида мол сотишга шошилмаслик ҳақида фикрлар ҳам бор, чунки «бугун ёки эртага Англия уруш эълон қилади ва червонец (ўн сўмлик пул)нинг нархи бир тийин бўлади». Уруш ҳақидаги мишмишлар муносабати билан савдогарларнинг уч оиласи (25 киши) Тошкентдан Хитойга кўчиб кетди.

7. **Самарқанд шаҳри.** Маҳаллий имомлардан бири Афғонистоннинг СССР билан урушга тайёргарлиги ҳақида мишмиш тарқатди.

8. **Тошкент шаҳри.** Руҳонийлар Афғонистондан Кўршермат (Шермуҳаммадбек) (фарғоналик босмачиларнинг собиқ раҳбари) бошчилигида тайёрланган босмачилар келиши ҳақида мишмишлар тарқатишди.

9. **Андижон округи.** Диний бошқарманинг собиқ раиси Англия томонидан уруш эълон қилинганлиги ва совет ҳукумати охириги кунларини яшаётгани ҳақида мишмишлар тарқатди. Мишмишлар тарқалиши билан бир қаторда мусулмон руҳонийлар ҳаракати ер ислоҳотига, хотин-қизлар кампаниясига, умуман, совет ҳукуматига қарши ташвиқот қилмоқда.

10. **Самарқанд округи.** Муллалар ва имомлар совет ҳукуматининг тез орада қулашини башорат қилиб ва паранжисини ечиб ташлаган аёлларни дўппослаш билан таҳдид қилиб, бойлар ёрдами билан аҳоли орасида аёллар кампаниясига қарши ташвиқот олиб бормоқда. Зарафшон районида имомлардан бири ер ислоҳотига қарши кампаниясини қуллаб-қувватлаб, у учун берилган ерни олишдан бош тортди.

11. **Тошкент, Фарғона, Бухоро шаҳарлари.** Собиқ амалдорлар ва зобитлардан чиққан совет ходимлари кўп ҳолларда яширин антисовет ташвиқот бошлади, айна дамда, уруш бўлган ҳолатда рус аҳолиси маҳаллий аҳоли томонидан қирғин бўлади деб хавотирга тушмоқда.

12. Русларнинг ўзбеклар томонидан қирғин қилиниши каби хавотирли ҳолат Кармана шаҳридаги айрим ходимлар томонидан билдирилди. Қашқадарё округидаги суғурта компанияси ходими (рус) айтди: «Маҳаллий аҳоли кўтарилиб, барча европаликларни сўяди». Ўша суҳбатда қатнашган рус совет ходимлари кўчиш зарурлиги ҳақида гапиришди. Шу кайфият Кўқон шаҳрида ҳам қайд этилган.

13. **Андижон округи.** Ёғ заводи ишчилари орасида энг зарур маҳсулотларни сотиб олиш кўпаймоқда. Баъзи ишчилар: «Тезроқ милтиқ олиб, фронт ортида инқилобни тезлаштирадик», – демоқдалар.

14. **Кўқон шаҳри.** Ишсизлар орасида уруш ҳақидаги мишмишлар билан боғлиқ ҳолда советларга қарши норозилик ҳолатлари кузатилмоқда. Алоҳида ишсиз шахслар айтишича, «совет ҳукумати бизга ғамхўрлик қилмайди, тенглик йўқ» ва ҳ.к.

15. Ишсизлар саноатда банд бўлган ишчиларга қаршилиқ кўрсатиб, айтмоқдалар: «Гарчи биз урушга боришга норози бўлсак-да, лекин уруш бўлган тақдирда фронт ортида қоладиган малакали ишчилар бўлади ва биз фронтга боришимиз керак бўлади».

16. **Кармана шаҳри.** Баъзи ишсизлар урушни кутиб, айтмоқдалар: «Иш ёки ўлим – бизга фарқи йўқ, уруш бўлсин».

17. **Самарқанд шаҳри.** Қурувчилар йиғилишида ишчилардан бири чиқиб, қуйидагича нутқ сўзлади: «Хавф туғилганда коммунистлар бизни чақиришадди, оч қолганимизда эса унутишадди». Бу нутқ гулдурос қарсақлар ва ҳайқириқлар билан кутиб олинди: «Тўғри, коммунистлар фронтга бормайди» ва ҳ.к. Биринчи ишчига қарши чиққан демобилизация қилинган Қизил Армия аскарига гапиришга рухсат берилмаган. Бир қатор бошқа маърузачиларнинг нутқларидан сўнг бир овоздан резолюция қабул қилинди: «Биз тинчликни истаймиз, лекин биз ҳар доим совет ҳокимиятини ҳимоя қилишга тайёрмиз».¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.464 – 465.

1927 йилнинг июль ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича)

Нархлар оширилиши. Нонни сотиб олиш. Нон нархининг ошиши ҳамма жойда қайд этилган. Фарғона ва Андижон округларида ноннинг нархи май ойида 2 сўм 25 тийин бўлган, июндан 3 сўм 50 тийинга кўтарилди. Янги ҳосил йиғими инқирозни бартараф этмади, чунки пахта майдонларидаги эҳтиёж маҳаллий захиралар билан қопланмайди. Азияхлеб (Осиёнон) эса етарли маблағга эга эмас эди. Уруш ҳақидаги мишмишлар муносабати билан ноннинг етишмаслиги деҳқонларнинг бир қатор районларда уни сотиб олишига сабаб бўлди. Марғилон, Қува, Поп ва бошқа районларда Азияхлеб дўконларида нон учун кўплаб навбатлар кузатилади. Шу билан бирга, бир қатор районларда (Самарқанд, Фарғона) гуруч, ун ва гўштнинг нархи ҳам кўтарилди.

Аёллар кампанияси. Июль ойи бўйича ҳисоботда аёллар паранжи ташлаш кампанияси катта миқёсда қисқартирилиши кўрсатилган. Айни вақтда, кампания давомида ўз паранжисини олиб ташлаган аёлларни оммавий равишда паранжига қайта киргизиш ҳолатлари қайд этила бошланди. Ашт районида илгари паранжисини олиб ташлаган барча аёллар яна паранжиларга кирдилар. Хўжанд шаҳрида ҳам 500 нафар аёл қайта паранжига кирганлар ва ҳ.к. Паранжиларини қайта кийган аёллар орасида кўпинча коммунистларнинг хотинлари ҳам (Тошкент) бўлган. Кампания даврида бойлар, мусулмон руҳонийлар ва савдогарларнинг тўхтовсиз қаршилиги паранжига қайта киргизиш ҳаракатининг асосий сабабидир.

Солиқ кампанияси. Солиқ ҳисоби кампанияси бир қатор тартибсизликларни аниқлади. Андижон округининг 9 та маҳалласида 34000 десятина экинлар кам эди. Самарқанд округининг айрим жойларида ҳосилнинг 20% камлиги маълум бўлди. Тошкент округида солиқ объектларини яшириш кенг тарқалди. Солиққа тортиш объектларини яшириш билан бирга бойларнинг қариндош-уруғлари ўртасида хўжаликларни бўлиш амалиёти кузатилади. Камбағаллар ўтказилган кампанияни қўллаб-қувватлашда етарли даражада фаол эмас.

Сув танқислиги ва экинлар ҳолати. Сув етишмаслиги, айниқса, Бухоро, Зарафшон ва қисман Қашқадарё округларида кучли сезилмоқда. Айрим жойларда пахта экиладиган бир неча минг десятина ер қурғоқчилик хавфи остида қолган. Шу туфайли аҳоли ўртасида кучли нотинчликлар юзага келди. Бир қатор ҳудудларда сув тарқатувчиларнинг қуролли соқчилари жойлаштирилди. Мансабдор шахсларни деҳқонлар томонидан дўппослаш, қотиллик ва жароҳатлар етказиш, жанжал қилиш ҳолатлари кузатилган. Андижон округида айрим майдонларда пахта экинлари 60 – 90% нобуд қилинган. Бун-

дан ташқари, яна 4600 десятина ер нобуд бўлиш хавфи остида. Бухоро округидаги қурғоқчилик 1500 десятина ердаги пахта ҳосилига хавф солмоқда. Бошқа районларда ҳосил камида ўртача бўлиши кутилмоқда¹.

3-сонли ИЛОВА ЎЗБЕКИСТОН Сиёсий кайфият

1. **Бухоро округи.** Лўжа қишлоғидаги савдогарнинг айтишича, «Англия ва яна уч давлат совет ҳукумати билан уруш бошладилар ва етакчи совет ҳодимларини ўлдирдилар. Совет ҳукумати энди қаёққа қочишни билмай қолди». Деҳқонларга мурожаат қилиб шундай деди: «Эҳтиёт бўлинглар, агар ҳукумат сизларни урушга сафарбар қилмоқчи бўлса, рози бўлманг, ҳукумат яна бир неча кунгина чидаб туради, холос».

2. Шу қишлоқнинг бир савдогари айтишича, «Амиримиз бошқа подшо билан биргаликда совет ҳукуматига қарши уруш бошлаб, бизга қайтиб келмоқда ва Бухорода бир тўполон кўтарилмоқда. Амирнинг келишини билиб, Худоба қурбонлик қилиб хўкизни сўяман».

3. Яна бир савдогар ер ислоҳоти бўйича янги ер олган деҳқонларга мурожаат қилиб айтган: «Бир неча юз минг аскар билан амир бизга урушгани келиб, совет ҳукумати тарафдорларини ўлдирмоқда. Сиз батрақлардан тез кунда ерингизни тортиб олишади».

4. Бир гуруҳ бойлар деҳқонлар орасида инглизлар тез орада келиши билан червонецлар муомаладан чиқиб кетади деган ташвиқот тарқатишмоқда. Бу ташвиқот натижасида Қипчоқ қишлоғи аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотларини кўп миқдорда харид қилиб, червонецларни кумушга алмаштирмоқдалар.

5. **Фарғона округи.** Собиқ Қўқон мухтор ҳукуматининг вазири шундай деган: «Охирги пайтда СССРнинг халқаро аҳволи жуда оғирлашди, капиталистик давлатлар маънавий босим ўтказиб, ниҳоят, СССРга очиқ хужумга ўтишмоқда. Бунга Шанхайдаги инқилобий ҳаракатнинг мағлубияти, Англиядаги иш ташлашлардаги сокинлик ва Шарқда инглиз таъсирининг кучайиши ёрдам беради. Менимча, совет ҳукумати ҳокимият сифатида ёмон эмас, фақат ундан ички сиёсатида баъзи ўзгаришлар киритиш талаб қилинади, масалан, жазо сиёсатини енгиллаштириш, биринчи навбатда, давлат қурилишининг барча масалаларига тўсқинлик қиладиган ГПУ ҳуқуқ ва ваколатларини қисқартириш керак».

6. Бадавлат деҳқонлар орасида Англия Ўзбекистонни босиб олган тақдирда деҳқонларга ёмон бўлмайди деган фикр бор: «Англия деҳқонларнинг ба-

¹ Кўрсатилган манба. – С.501 – 502.

давлат қатлами билан дўстона муносабатларни тиклайди, фақат совет ишчилари учун ёмон бўлади».

7. Баъзи бойлар айтмоқдаки: «Худонинг амри билан яна мусулмонлар ўзига келиши керак деган замонлар келди, акс ҳолда, ҳамма русийзабон бўлиб, Худони унутиб, коммунистларга қўшилиб, хотинларидан паранжиларни ечиб юборишади. Тез орада Англия Россия билан урушиб қолади, коммунистлар нима қилишларини кўрамиз».

8. **Андижон округи.** Руҳоний бошқармасининг вакили масжидда айтган: «Яқин орада совет ҳокимияти тугатилади, чунки Англия у билан уруш бошламоқда, совет ҳукумати бу урушга бардош бера олмайди. СССР чегарасига Англия ўз қўшинини тўплаш учун қўшинни Германия ҳудуди орқали олиб ўтишга рухсат олди».

9. **Тошкент округи.** Сир-Новороссийск (руслар) шаҳарчасида деҳқонлар газета хабарларидаги уруш эҳтимоли ҳақидаги маълумотларга катта қизиқиш билдирмоқдалар, бадавлатлар эса айтадиларки: «Уруш кимга керак; биз урушга бормаймиз – жанг қилиш учун ҳеч қандай арзигулик сабаб йўқ, кимдадир сабаб бордир, бизга эса совет ҳукумати ҳеч қандай яхшилик келтирмаган». Камбағаллар Хитойдаги воқеаларни муҳокама қилиб айтадилар: «Бу қадар кўнгилбўшлик қилишга ҳожат йўқ, у ерда коммунистлар бор. Ҳамма генералларни тарқатиб, совет ҳукуматини ташкил қилиш керак». Баъзилар дедилар: «Ҳар бир нарсага пул керак, лекин совет ҳукуматида пул йўқ; ҳозир чет давлатлар билан ишимиз йўқ, ҳеч бўлмаса Россияда ҳаёт сал яхшиланса бўларди».

10. Умуман, советларга қарши бўлган Сталино (руслар) қишлоғининг бадавлат деҳқонлари урушни совет тартибларидан халос бўлиш учун кутмоқдалар. Агар уруш тез орада бўлса, Тошкентдан келганлардан очикдан-очик сўраб, Англия советларни мағлуб этиб, яхшироқ тартиб ўрнатишини айтмоқдалар. «Мудофаа ҳафталиги» давомида қишлоқ совети деҳқонларни митингга йиғишга мажбур қилиши керак эди; унда сўзга чиққан деҳқонлар айтганлар: «Англия, Япония ёки бошқа биров бошқаришининг бизга фарқ йўқ, фақат тартибга солиб қўйса бўлгани».

Нархлар оширилиши

11. **Қашқадарё округи.** Бешкент-Косон райони аҳолисининг ғалла захиралари тугаши туфайли нонга жуда катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада аҳвол қуйидагича: июнь ойидан бошлаб шаҳар бозорларига етказиб бериш кўпи билан 50 – 150 пудда белгиланди. Қишлоқ бозорларига мутлақо аравалар йўқ. Худди шу даврда нон маҳсулотларини олиш жуда кам бўлиб, ҳозирги куннинг эҳтиёжларини зўрға қондиради, ҳар қандай ҳолатда ҳам нархларга

ва бозорнинг барқарорлигига мутлақо таъсир қилмайди. Осиёнон ва кооперативларнинг айланма алоқаси нон маҳсулотлари билан жуда кам таъминланган, талаб эса ортиб бормоқда.

12. Фарғона округи. Охирги пайтларда Чуст шаҳрида Осиёнон омборхоналарида ва кооперативда буғдой ва ун мутлақо йўқ, бунинг натижасида бозорда бир пуд ун нархи 3-4 рублга кўтарилди. Гуручнинг нархи 10 рублгача кўтарилди, гўшт нархи эса 40 копейкага етди. Келажакда кейинги икки бозор Осиёнон ва кооператив томонларидан ун ва буғдой чиқарилмаса, нарх икки баробарга ортади. Шу сабабли аҳоли орасида очарчиликдан кўрқиш кучайиб бормоқда.

13. Поп станцияси атрофидаги қишлоқларнинг деҳқонлари Осиёнон учун бир вагон ун келишини билиб, Осиёноннинг агентидан уларга ун беришини қатъиян талаб қилдилар, шунинг учун бу агент дарҳол 30 – 40 пуд унни сотишга мажбур бўлди.

14. Зарафшон округи. Нон бозорида нархлар ҳамон кўтарилмоқда. Осиёнон ва истеъмолчилар кооперацияси тармоғининг бўлинмалари камёблиги туфайли аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қоплай олмайди. Каттақўрғон шаҳрида 5 кун давомида ун узилишлари бўлди, ҳамма жойда оқ нон йўқлиги қайд қилинган, ҳатто хусусий новвойлар ҳам қора нон сотишган. Ем-хашак нархи кун сайин ошмоқда, чорвадорлар ем-хашак ғамлашмоқда. Бир пуд арпа нархи эркин бозорда 2 рубль 50 копейкага етди.

15. Самарқанд округи. Гуруч ва буғдой унининг нархи бозорда сезиларли даражада ошди. Кўп савдогарлар гуруч нархи икки ёки уч баробар ошишига ишониб яшириб қўймоқдалар. Буғдой нархи бир пуд учун 2 рубль 50 копейкадан 3 рубль 25 копейкагача, ун 2 рубль 75 копейкадан 4 рублгача, гуруч 10 рубль 50 копейкадан 12 рублгача ўзгариб туради. Кундан-кунга гуруч билан таъминланиш камаймоқда. Охирги бозорда 400 пуддан кам эди, шунинг учун тегишли ташкилотлар томонидан гуруч тайёрлаш имкони йўқ деб ҳисобланмоқда.

Аёллар кампанияси

16. Андижон округи. Асака районидаги Арғин қишлоғида яшовчи бой агар уруш бўлса, аёллар ҳам армияга чақирилади деган ифвогарона мишмишларини тарқатди. Шу мақсадда совет ҳукумати ўзбек аёлларининг паранжиларини очишга ҳаракат қилмоқда деди. Байрамларнинг бирида бой масжидда нутқ сўзлаб, унда мусулмонлар Худони ва урф-одатларни унутмасликлари, муртадларга ишонмасликлари кераклигини таъкидлади. Бойлар раҳбарлигидаги шунга ўхшаш ташвиқотлар бошқа қишлоқларда ҳам олиб борилган.

17. **Самарқанд округи.** Бурганли қишлоқ совети раиси советнинг барча аъзоларига мажбурий равишда хотинлари билан қишлоқ советининг пленумига келишни таклиф қилди. Барча келганда уларга эълон қилди: «Барча аёллар 10 кунлик муддат ичида паранжисини олиб ташлаши керак, акс ҳолда, ҳибсга олинади».

18. **Учинчи Кўрғонариқ** қишлоғи совети аъзолари яна хотинларига паранжиларини кийинтиришган. Улардан ўртак олиб кўрсатилган қишлоқ аёлларининг оммавий паранжи кийишлари бошланди.

19. Эски шаҳар район партия кўмитаси томонидан хотин-қизларни озод қилиш ишлари бутунлай заифлашди. Оила тўғараклари бузилмоқда, тўғараklarнинг тайинланган раҳбарлари ўз вазифаларига бепарво бўлиб, тўғараklarнинг давомати пасайди. Қолаверса, мазкур раҳбарлар деярли ҳеч қачон ўз жойларида бўлмайдилар.

20. Паранжини ташлаган аёллар аксарият ҳолларда уларни чодир (боши берк кўчага ўраладиган қора ва рангли бош кийимлар) билан алмаштирганлар.

21. **Самарқанд округи.** Самарқанднинг Эски шаҳар савдогарлари шу нарсани ташвиқот қилмоқдаки, бошқа мамлакатлардаги мусулмонлар аёлларни озод қилиш кампаниясидан ғазабланмоқда, Туркия паранжини ташлаш ишига аралашувини ишора қилган мактубни Охунбобоевга юборган ва аҳолининг манфаатлари ҳимоя қилинса, яъни фақат анъаналар сақланса, шарият ҳимоя қилинса, дўстона муносабатлар сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган.

22. **Хўжанд округи.** Фирюзоб қишлоғида хотин-қизларни паранжидан озод этиш масаласини муҳокама қилиш учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда 12 кишидан иборат бойлар хотин-қизларнинг паранжидан озод этилишига қарши чиқиб, хотин-қизлар комиссия вакиллари, шунингдек, совет ҳукумати ва Коммунистик партиянинг барча чора-тадбирларини танқид қилдилар.

23. Хўжанднинг Эски шаҳар мавзелари бўйича хотин-қизлар комиссиялари охириги пайтларда фаолсизлашдилар, натижада паранжи ечиб ташлаган 1000 нафар аёлдан 500 нафари қайта паранжи кийган.

24. **Кўқон округи.** Тюльпан қишлоғида бойларнинг ташвиқоти туфайли аҳоли хотин-қизларнинг паранжини ташлашидан норози. Халқ судьяси халқ маслаҳатчисини сайлаш кампаниясини ўтказиш учун қишлоққа келди. Аҳоли бойларнинг ташвиқоти туфайли уни адоват билан кутиб олиб, аёлларни бузуқчилик қилиш учун сайловда иштирок этишларига йўл қўймасликлари ҳақида бақирганлар.

25. **Сурхондарё округи.** Лайлак қишлоғидан бўлган бой қишлоқ фуқаролари орасида руслар аёллар бошидан паранжини олиб ташлаш учун ташвиқот юргизиш, ислом динини йўқ қилишни истайдилар, ҳозирда ҳарбий қисм-

лар йўқлигида босмачилар келиб, ҳукуматни осонгина йўқ қилиши ва шу тариқа ўз динимизни ҳимоя қилишимиз мумкин бўларди деб айтган.

Солиқ кампанияси

26. Тошкент округи. Округ бўйича оммавий равишда мол-мулкни рўйхатга олишдан яшириш ҳолатлари қайд этилди. Оқ-Кута овулидаги объектларни ҳисобга олишда бир бой 25 десятина ер ва 1400 бош қўйнинг эгаси бўлиб, фақат 700 бош қўйни рўйхатга олдирган. Бошқа бир бой эса 15 десятина ер, 1000 бош қўй, 40 бош қорамол ва 30 бош отнинг эгаси бўлиб, 600 бош қўй, 6 бош қорамол, 4 бош от ва 7 десятина ерни рўйхатдан ўтказдирган. Унинг укаси 1600 бош қўй, 20 бош от, 50 бош қорамол, 15 десятина ер эгаси бўлиб, 7 десятина ер, 600 бош қўй, 10 бош қорамол ва 6 бош отни рўйхатдан ўтказдирган ва ҳ.к.

27. Мирзачўл райони. Наманган қишлоғининг райиси комиссия келишидан олдин барча бойларни тўплаб, уларга комиссия бу йил мол-мулкни яширишга қарши янада қатъий чоралар кўраётганини тушунтириб, тўлиқ рўйхатни эмас, балки хўжаликнинг индивидуал текширувидан қутулиш учун комиссияга чорва моллари ва экинлар сонини бир неча фоизга ошириш билан боғлиқ махфий рўйхатларни тақдим этишни таклиф қилди.

28. Хўжанд округи. Хўжанд ва Нов районларининг маълумотларига кўра, 1038 таноб ер ва 800 бош турли чорва моллари рўйхатга олишдан яширилган. Ашт ва Конибодом районларида 297 таноб ер, 4885 бош кичик қорамол ва 49 бош йирик қорамол яширилган. Шуниси характерлики, ҳисоб-китоб кампаниясининг ўтказилиши комиссия таркибига тўлиқ боғлиқ эди. Шундай қилиб, Хўжанд ва Нов районларидаги комиссия таркибида кўпчилиги бойлар бўлганлиги туфайли яшириш ҳолати мавжуд бўлса, комиссияларда ўртаҳол ва камбағаллар бўлган Нов районида ҳисоб 80 – 100% гача ошди.

29. Андижон округи. Андижон округининг 9 та районини ҳисобга олиш ишининг натижалари қуйидаги рақамларда ўз ифодасини топди: Асака 3339, Қўрғонтепа 7089, Шаҳрихон 4096, Балиқчи 1216, Гўркўрғон 3170, Янгиқўрғон 2120 десятина ер яширган. Ҳаммаси бўлиб нотўғри ҳисоблаш сабабидан 34412 десятина ер яширилганлиги ўз ифодасини топган.

Сув инқирози

30. Хўжанд округи. Конибодом районининг Работ сув айирғичида сув тошқинлари туфайли маҳаллий аҳоли розилиги билан сув истеҳкомлари бузилишининг олдини олиш мақсадида сувдан фойдаланувчилар томонидан навбатчилик ўрнатилди. Жорий йилнинг 21 июлдан 22 июль кунига ўтар

кечаси ариқларда навбатчи бўлган бешариқлик билан Жонд қишлоғининг икки вакили ўртасида жанжал келиб чиққан, Навқат қишлоғида яшовчи фуқаронинг кекирдаги юлиб олиниши натижасида у дарҳол вафот этди. Қотиллик содир бўлган жойга Бешариқдан икки милиционер билан келган терговчи қотилларни ҳибсга олган. Орадан бироз вақт ўтиб Навқат қишлоғидан воқеа жойига 1000 нафарга яқин аҳолидан иборат оломон келди. Милиционерлардан қуролларни тортиб олиб, ҳибсга олинган қотилларни ўзлари жазолаб, қўлларини, оёқларини, жағларини синдириб ташлади. Навбатчилар орасидаги жанжалнинг бошланиши ариқларни тошлар билан бўғишдаги келишмовчиликлар асосида содир бўлган. Хўжанд районининг Явва қишлоғида жами 1700 таноб экилган майдон мавжуд. Сув етишмаслиги туфайли экинлар нобуд бўлмоқда. Нов районида сув етишмаслиги ва зараркунандалар борлиги туфайли 70 га яқин буғдой ва арпа участкалари нобуд бўлди. Сонгар қишлоғидаги Палос артелида сув етишмаслиги туфайли пахта қуримокда.

31. **Бухоро округи.** Шофиркон райони бўйича пахта майдони тахминан 6330 танобга тенг. 1000 танобгача ер сув етишмаслиги туфайли охиригача суғорилмаган ва нобуд бўлиш арафасида.

32. **Сурхондарё округи.** Султонобод районидаги 3100 таноб пахта ер майдони сув етишмаслиги туфайли охиригача суғорилмаган.

33. 10 июль ҳолатига кўра, **Вобкент** ва **Ромитан-Хайробод** районлари бўйича дарёда сувнинг камайиши туфайли пахтанинг охиригача суғорилмаганлиги 50% ни ташкил қилади.

34. **Янги Бухоро** районида сув етишмаслиги ва ҳаво ҳарорати кўтарилиши туфайли пахта экинлари нобуд бўлмоқда. Худди шу жараён Катта Ургут қишлоқ совети худудида ҳам қайд этилмоқда.

35. Работ-Қалмоқ қишлоқ советида (18 та қишлоқ) 1000 таноб пахта ери мавжуд. 12 июлда жами бўлиб фақат 20 таноб ер суғорилди.

Жорий йилнинг 10 июль куни барча қишлоқларнинг деҳқонлари йиғилиб, Эски Бухоро шаҳрига сувни таъминлаб беришларини талаб қилиб боришганда фақат тез кунда сувни таъминлаб бериш ваъда қилинганидан сўнг тарқалиб кетишди.

36. Сариосиё, Хоргуш ва Регис-Тамак қишлоқ советларида 13 июль куни пахтанинг атиги 15% суғорилган эди. Деҳқонлар сув талаб қилиб Бухорогача бормоқчи.

37. Работ-Қалмоқ қишлоқ советида 125 танобдан экилган пахтадан атиги 5 танобгина суғорилди. Деҳқонлар айтмоқдалар: «Агар давлат сув бермаса, қарзни Пахта кўмитасига тўламаймиз ва қишлоқ хўжалиги солиғини бермаймиз».

38. Кунжа-Калон қишлоқ советида сув етишмаслиги туфайли пахтанинг 20% гача қуримоқда.

39. Ҳазрат Қиём қишлоқ советида (24 та қишлоқ) жорий йилнинг 12 июлига қадар бирор таноб ҳам пахта ери суғорилмади.¹

1927 йил 21 октябрдаги 29-сонли АХБОРОТНОМА

Ер ислоҳоти асосида қирғин. Ўзбекистон. 1 октябрь. Хўжанд округи. Исфана қишлоғининг бойлари ер ислоҳоти ўтказилган даврда ер берилган бир батракни уриб хушидан кеткизишди. Батрак дўппослашдан ўлди. Шу қишлоқда бой томонидан яна бир батрак ўлдирилган.

Бухоро округи. Бузун-Дувон қишлоқ бойи деҳқонга янги берилган хўжалигидан сувни тортиб олиб, уни дўппослаб, бўғиб ўлдирмоқчи бўлди. Деҳқонни ўша ердан ўтаётган ҳамқишлоқлари ўлимдан қутқариб қолган.

Ширин Жума қишлоғида савдогарлар билан биргаликда бой хўжалигидан тортиб олинган ер эгаси батракларни уриб, сувларини тортиб олган.

Аёлларнинг паранжи ташлашига қарши кураш. Ўзбекистон. 1 октябрь. Андижон округи. Янгиқўрғон районида кампания давомида ўз паранжисини ечиб ташлаган 3000 нафар аёлга янгитдан паранжи кийдиришган.

Қўқон округи. Округ ер бўлими мудир дўстлари билан ичиб, юзини очган аёлни аёллар бўлимига таклиф қилди ва уни зўрлади.

Зарафшон округи. Район қўмитасининг масъул котиби (Кармана шаҳри) аёллар клубидан бир ўзбек аёлни чақириб олиб, қишлоққа олиб борди ва тўппончаси билан таҳдид қилиб, уни зўрлади.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Алексеев.

2-бўлим бошлиғи Наймон²

1927 йилнинг декабрь ойи бўйича СССР сиёсий ҳолатининг шарҳи (ОГПУ маълумотлар бўйича)

ЎЗБЕКИСТОН

Эски шаҳар. *Хунармандларнинг кайфияти.* Аслида, эски шаҳарлар аксарият артель ва хунармандлар жамоалари ташкилотчилари бўлган бой ва савдогар унсурлар таъсири ва бевосита раҳнамолигида Хўжанд шаҳрида декабрь ойи охирида хунармандлар ўз маҳсулотлари учун белгиланган чегаравий нархларни бекор қилиш талаби билан область ижроия қўмитаси бино-

¹Кўрсатилган манба. – С.528 – 532.

²Кўрсатилган манба. – С.620.

си ёнига бориб, норозилик намойиши ўтказдилар. Эртаси куни чақирилган, 1500 нафаргача одам қатнашган хунармандларнинг умумий йиғилишида совет ва партия ташкилотлари вакилларининг нутқлари «йўқол, ур» деган ҳайқириқлар билан кутиб олинди, натижада нотиқлар қочишга мажбур бўлдилар.

Шу билан бирга, хунармандларнинг салмоқли қисмида савдогарларнинг хукмронлигидан ва тегишли ташкилотларнинг ташкилий-моддий ёрдам кўрсатмаслигидан норозилик кузатилмоқда. Марғилон шаҳридаги хунармандлар мажлисларидан бирида хунармандларнинг фаол қаҳр-ғазаби Хунармандлар уюшмасидан бўлган маърузачи ўз ҳисоботини ярмида тўхтатишга мажбур бўлишига олиб келди. Учрашув барбод қилинган. Хунармандларнинг чиқишларида МИҚ манифестида хунармандлар ҳақида ҳеч қандай банд йўқлиги кўрсатилган.

Қишлоқ. *Ер бошқаруви масалаларида бойларнинг фаоллиги.* Ер ислоҳоти бўйича деҳқонларга берилган ерлардан ер, сув, уруғ ссудаси ва ҳосил олинган экинларни бойлар томонидан тортиб олиш давом этмоқда. Деҳқонларни кўрқитиш учун турли хил воситалардан фойдаланиш билан бирга бойлар дўппослаш ва қотилликлардан фойдаланмоқдалар. Бойлар (Бухоро округи) томонидан «гапга кирмайдиган» камбағалларни ўлдириш бўйича учта ҳолат қайд этилган.

Қашқадарё ва Сурхондарё округларида ер ислоҳотига тайёргарлик кўрилиши, уларнинг ошкор этилмаслигига қарамай, дастлабки рўйхатга олиш мақсадларидан тўла хабардор бўлган бойлар, мусулмон руҳонийлар ва собиқ амир амалдорларининг катта фаоллигига сабаб бўлди. Бу ҳолат қайта ҳисоб-китоб қилиш комиссияларига бойларнинг тарафдорлари аъзо бўлиб кирганликлари туфайли юзага келган. Шу муносабат билан бойлар ўз участкаларини турли усуллар билан яширишга ҳаракат қилишади. Ортиқча сотиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Саноатлаштириш заёмини амалга оширишдаги тартибсизликлар. Маълум даражада кенг тушунтириш кампанияси йўқлиги билан бир қаторда саноатлаштириш заёмини амалга оширишда чидаб бўлмайдиган камчиликлар содир бўлмоқда: баъзи маърузачилар заём мажбурий эканлигини ва облигациялар сотиб олиш учун мулкни сотиш кераклигини кўрсатишган (Бухоро округи Ёждувон райони). Аксарият ҳолларда пахта районларида заём Пахта қўмитасининг харид қилиш шохобчалари орқали тақсимланади: деҳқонларга сотилган пахта учун ҳақ тўлашда заём облигациялари мажбурлаб ундирилди (Бухоро округи). Деҳқонлар мажбуран ундирилган облигация учун пул тўлаб, уни олишдан бош тортган ҳолатлар мавжуд (Андижон округи). Натижада деҳқонлар оммаси заёмга душман кўзи билан қарайди ва

антисовет унсурлари облигациялар тарқатиш кампаниясига қарши муваффақиятли ташвиқот олиб бормоқдалар (Хўжанд округи).

Рус қишлоғи. Тошкент округининг рус деҳқонлари орасида солиқларга, айниқса, сув солиқларига нисбатан кучли норозилик кузатилмоқда. Сув солиғи бадаллари ҳақидаги хабарномаларни қабул қилишдан оммавий воз кечиш ҳолати юз берди. Қулоқлар деҳқонларнинг норозилигидан фойдаланиб СССР МИҚ манифестига қарши антисовет ташвиқотни кучайтирдилар.

Босмачилик. Қирғизистонда яширинган Ноқир-Маматқул тўдаси икки гуруҳга бўлиниб, Ўзбекистоннинг Хўжанд ва Қўқон округларига кўчиб ўтди. Гуруҳлардан бири Хўжанд округи судининг сайёр сессиясига ҳужум қилишга уринаётганда милиция билан тўқнашди, сўнг чекинди ва Лайлак волостига ўтиб, Марғун қишлоғи деҳқонларига 1000 рубль пул йиғимини юклади. Иккинчи гуруҳ Риштон районининг Жийдалик ва Яйлоқ қишлоқларини талон-торож қилиб, «Кўшчи» иттифоқи идорасини вайрон қилди.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.678 – 679.

МИЛЛИЙ ШАРҚИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР Қишлоқ. Ер билан таъминлаш. Бойларнинг фаоллиги

Бухоро ва Зарафшон округларида ер билан таъминлаш масаласида камбағалларнинг ер ва сувларини эгаллаб олишда бойларнинг фаоллиги алоҳида кўзга ташланган. Бойлар томонидан бир неча қирғинлар (Бухоро округида) содир этилиб, батраklarнинг ўлдирилиши бўйича икки ҳолат қайд этилган. Шу билан бирга, бойлар деҳқонларни кўрқитиш мақсадида уруш тўғрисида турли мишмишларни тарқатиб, доимий равишда советларга қарши ташвиқот олиб бормоқдалар.

Қашқадарё ва Сурхондарё округларида ер-сув ислоҳотига тайёргарлик кўриш билан бирга бойлар томонидан ер, томорқаларни майдалаб бўлиб олиш ҳолатлари кузатилмоқда. Андижон округи Ойим волостида камбағал ва батраklar ер ислоҳоти ўтказилишини қўллаб-қувватлаганлари ҳолда, мусулмон руҳонийлар ва бойлар ислоҳотга жиддий қаршилик кўрсатишмоқда.

Советларга қайта сайловлар. Советларни қайта сайлаш учун тайёргарлик ишлари куз мавсумига қолдирилганига қарамай, советларга қарши унсурлар ўз фаоллигини оширди. Сайлов комиссияси таркибига ёт унсурларнинг суқилиб кирганлиги кўзга ташланмоқда (Қўқон ва Тошкент округларида), сайлов комиссияси аъзолари бойлар ва мусулмон руҳонийлар вакилларига ҳам сайлаш ҳуқуқини беришга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда, сайлов комиссияси аъзолари орасида ичкиликбозлик, ишга ҳар жиҳатдан расмиятчилик билан қараш ҳолатлари, бепарволик кўзга ташланмоқда. Бу ҳолат сайловолди кампаниясида деҳқонлар оммаси ҳаракатининг сусайишига олиб келмоқда (ўтган йилдаги қайта сайловларга нисбатан уларнинг қизиқиши сусаймоқда). Тошкент, Хўжанд, Бухоро ва Қашқадарё округларидаги бир қатор қишлоқ советларининг маълумотларига кўра, сайловолди ташвиқот йиғилишларида қатнашиш фоизи 11 дан 27 фоизгачани ташкил этмоқда.

Нон ва саноат молларининг етишмаслиги. Нон ва саноат молларининг жиддий етишмаслиги хусусий секторда нарх-навонинг сезиларли даражада кўтарилишига олиб келмоқда. Бой ва савдогарлар пахтакор-деҳқонларнинг аъзолик дафтарчаларини сотиб олиб, уларга ун олиб, деҳқонларга сотишди (Фарғона округи). Ун олиш учун бир неча кун давомида Қўқон шаҳрида (ҳар бири 1000 кишилик) қатор навбатлар бўлган. Навбатда турганлар орасида бўлажак уруш, ваҳимали кайфият, жанжал ва тортишувлар ҳақида суҳбатлар бўлиб ўтмоқда. Ноннинг танқислиги деҳқонларнинг қатъий норозилигини

келтириб чиқармоқда, улар баъзида ўзларининг чиқишларида пахта ўрнига буғдой берамиз деб ҳокимият вакилларининг алдаётганлигини айтишмоқда. Шу асосда пахта етиштиришдан буғдой парваришига ўтиш зарурлиги ҳақида кўпроқ гап боради. Қашқадарё округида, айниқса, истеъмол товарлари етишмовчилиги кузатилмоқда. Бир ой давомида чойнинг деярли йўқлиги аҳоли талабини кучайтирди. Январь ойи охирида «Ўзбексавдо»нинг Косон магазини томонидан чой олинганидан сўнг 1500 га яқин деҳқон йиғилиб, чойнинг дарҳол сотилишини талаб қилишди. Кўриқчи милиционер тобора кучайиб бораётган деҳқонлар оммасининг босимига дош бера олмади. Район милициясининг бошлиғи икки нафар милиция ходими билан бирга ёрдамга келди ва қамчи ҳамда қиличлар ёрдамида оломонга ташландилар, револьверлардан ўқ отиб, оломонни ўраб ола бошладилар.

Хотин-қизлар кампанияси. Паранжи ташлаш кампаниясининг тобора сусайиб бориши, бойлар ва мусулмон руҳонийларнинг ташвиқот ишлари тинимсиз кучайиши кузатилмоқда. Бир неча ҳолатларда олиб борилаётган ташвиқот кампанияларига қарши имомлар масжидларда гапирмоқдалар, эшонлар эса ўз муридларига хотинларининг паранжи ташлашларини тақиқламоқдалар.

Бойлар ва мусулмон руҳонийлар вакилларининг учрашувлари кўпинча хотин-қизлар кампаниясига қарши кураш усулларини муҳокама қилиш учун ўтказилади. Шу билан бирга, бойлар кампания раҳбарларига муроасага келиш учун баёнот билан чиқмоқдалар. Советларга қарши унсурлар кампанияни барбод қилувчи ташвиқот билан чекланиб қолмай, кампания фаоллари ва паранжи ташлашда пешқадамлик қилган аёлларга қарши қатъий қирғинни қўллашни давом эттирмоқдалар. Натижада 1928 йил январь ойида 6 киши ўлдирилди, паранжи ташлаш жараёнида очиқликка чиққан кўплаб аёллар калтакланди (Самарқанд, Бухоро, Зарафшон округлари). Бутун кампания давомида (1927 йил июндан 1928 йил февралгача) очиққа чиққан 15 нафар аёл яраланди, ўлдирилди. Хотин-қизлар кампанияси давомида 43 киши яраланди ва ўлдирилди, 15 нафар паранжи ташлаган аёлга зўрлик ишлатилди, паранжи ташлаб очиққа чиққан 48 нафар аёл таъқиб қилинди, хўрланди, таҳқирланди. Маҳаллий ташкилотлар ишининг сустиги боис бундай ҳолатларнинг юз бериши кампаниянинг бошланиш даврига нисбатан аёлларнинг оммавий жиҳатдан қайтадан паранжига кириши ва кампаниянинг сусайиши кузатилмоқда. Жойларда 50 – 60 фоиз аёллар яна паранжига киришди (Хўжанд, Самарқанд округлари). Шу билан бирга, аёллар учун очилган тўғараклар тарқатиб юборилмоқда, саводсизликни тугатиш марказлари тугатилмоқда ва бир қатор ҳолларда аёллар билан ишлаш масаласи умуман тўхтамоқда (Самарқанд шаҳри). Аксарият ҳолларда маҳаллий совет ва партия

вакиллари аёллар масаласига бепарволик билан муносабатда бўлмоқдалар, баъзи ҳолларда эса ўзлари буни бузишмоқда (Бухоро округи).

Миллий зиёлилар. Ўзбек зиёлиларининг миллатчи қатлами орасида русларга қарши кайфият кучайган. Йирик миллатчиларнинг бир қатор чиқишларида совет тузумининг гўё Ўзбекистондаги руслаштириш ва мустамлакачилик сиёсати ҳақида гап боради (Қўқон, Тошкент). Маърузалар билан бир қаторда баъзи бир ўзбекистонлик ишчилар томонидан русларга босим ўтказилмоқда. Рус болаларига интернат (Каттақўрғон), рус аҳолисига мактаб (Кармана районида) очиш учун бино ажратишни мунтазам равишда рад этиш ҳолатлари бўлган.

Рус қишлоғи. Рус қулоқларининг (Тошкент округи) советларга қарши ташвиқоти давом этиши қайд қилинган, асосий эътибор солиқ кампанияси ни барбод қилишга қаратилган. «Батрақларни уринг» шиори остида қулоқлар томонидан камбағал фаолларни мушт билан уриш (калтаклаш) бўйича учта ҳолат аниқланган. Совет аппарати ишчилари (руслар) томонидан маҳаллий аҳоли етказиб берган пахта учун тўловларни атайлаб кечиктириш бўйича бир неча ҳолатлар қайд этилган ва ҳ.к.

Босқинчилик. Воруқ қишлоқ совети аҳолисидан 10 минг рубль миқдорида маблағ ундирган Пақирмаматқул ва Бекиш (19 кишидан иборат) тўдасининг фаоллиги қайд этилган. Бизнинг отрядимиз билан тўқнашув давомида отрядимиздан бир киши ҳалок бўлган, 6 киши яраланган, сўнгра тўда Ботқол райониغا ўтиб кетган.¹

7-ИЛОВА

ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР

Хотин-қизлар кампанияси

1. **Зарафшон округи.** Карвон қишлоғида паранжи ташлаб очиқликка чиққан ўзбек аёли зўрланган. Янгикўрғон қишлоғида паранжи ташлаган ва ушбу кампанияда фаол иштирок этган ўзбек аёли қаттиқ калтакланган. Зирабулоқ станцияси. Чиптасиз сайрга чиққани учун ҳибсга олинган, паранжисини ташлаган ўзбек аёли милиция маҳкамасида қаттиқ калтакланган ва зўрланган.

2. **Қашқадарё округи.** Фаол ишчи эркак аёллар кампаниясида қатнашганлиги учун ўлдирилди.

Худди шу округнинг Касби қишлоғида паранжисини ечган бир аёл қаттиқ калтакланган.

3. **Бухоро округи.** Баҳовуддин қишлоғида паранжисини ечиб ташлаган ўзбек аёли эри томонидан ўлдирилган. Муғлон қишлоғида паранжисини ечмоқчи бўлган аёл қаттиқ калтакланган.

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положение в стране (1922 – 1934 гг. Том 6). – Москва, 2002. – С.60 – 62.

Ўзбекистонда 1927 йилнинг 6 оyi давомида хотин-қизлар кампаниясига қарши фаол чиқишлар жадвали

	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Жами
Ўлдирилган ва яраланганлар сони	4	8	74	2	6	4	9	37
Зўрланганлар сони	-	1	2	5	3	1	3	15
Хотин-қизлар кампаниясидаги хўрланган партия ходимлари сони	3	8	2	7	7	1	4	32
Умумий аёлларни ҳақоратлаш ҳолатлари сони	2	4	-	-	2	1	7	16

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА БОЙЛАРНИНГ ОЛИБ БОРГАН ҚИРҒИНИ

5. **Зарафшон округи.** Нарпай райони. Бойтур қишлоғидаги ер ислоҳоти туфайли ерлари қисқартирилган бойнинг ерлари билан таъминланган батрак бойлар томонидан яширилган ерларни ер комиссиясига кўрсатганлиги учун бой 4 нафар қишлоқдоши билан биргаликда уни ўлдирган.

6. Болғали қишлоғи бойининг ерлари ислоҳот туфайли қисқартирилган, ер билан таъминланган батрак ер комиссиясига бойлар томонидан яширилган ерларни кўрсатганлиги учун ўлдирилган.¹

ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Миробларга қайта сайловлар ўтказиш. Миробларни (сув тарқатувчиларни, сув тақсимловчиларни) қайта сайлаш кампанияси деҳқонларнинг мисли кўрилмаган фаоллигини келтириб чиқарди. Қайта сайлов бўйича йиғилишларда сайловчиларнинг иштироки овул советларига қайта сайлов йиғилишларидагига қараганда анча юқори бўлди. Бойлар ўзлари танлаган миробларни сайлаш учун қилаётган ҳаракатларига деҳқонларнинг фаол қаршилиқ кўрсатиш ҳолатлари кўп қайд этилган. Шу билан бирга, ташкил этилаётган учрашувларни бойлар томонидан барбод қилишга уринишлар тез-тез учрайди. Қайта сайловлар ўтказишда сайлов комиссияларининг бепарволиги, сусткашлиги ёки ўзбошимчаликлари, комиссия аъзоларининг бой ва собиқ амир амалдорларини қўллаб-қувватлашлари ҳам кузатилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари бошқармаларини қайта сайлаш. Бир қатор пахтачилик районларида маҳаллий ташкилотлар томонидан сай-

¹ Кўрсатилган манба. - С.88.

ловолди йиғилишлари ўтказилмади, пахтакорлар, кооператив аъзолари қайта сайловлар тўғрисида хабардор қилинмадилар (Дархон округи). Қайта сайлов бўйича йиғилиш собиқ амир амалдори бўлган бой уйида чақирилган ва овул совети раиси бу йиғилишда батракларнинг қатнашиши шарт эмаслигини эълон қилган. Натижада йиғилишда деярли камбағаллар иштирок этишмаган. Бошқа бир овулда эса қайта сайловлар ҳам бойнинг уйида (Қашқадарё округи) ўтказилган. Бир қатор ҳолатларда вакиллар сайловчиларга босим ўтказиб, собиқ амир амалдорларини бошқармага олиб кирдилар. Бойлар ва бадавлат унсурлар жойларда қайта сайлов ўтказиш бўйича йиғилишларни барбод қилиб, сайловларда фаоллик кўрсатган камбағал деҳқонларни қўрқитдилар (Андижон ва Хўжанд округи). Кўпгина ҳолларда бойларнинг бошқарувни қўлга киритишга уринишлари фаол камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар томонидан танқидий қарши олинди (Дархон ва Зарафшон округлари).

Деҳқон хўжаликларини мустаҳкамлаш учун заём (қарз пуллари)

Маҳаллий совет ва партия ташкилотлари кўп ҳолатларда қарз пуллари тарқатишда бутунлай сусткашлик ва бепарволикка йўл қўйдилар. Кооператив ташкилотлари ва ер ҳамда ўрмон хўжаликлари ишчилари уюшмаси кампанияда иштирок этишни ўз бурчлари деб ҳисобламасдан, кампанияда қатнашишдан бутунлай воз кечган. Деҳқонларнинг заёмга нисбатан норозилиги ҳамда бунга салбий муносабати деярли ҳамма жойда совет аппарати ходимлари фаолиятидаги ишга совуққон муносабат (хусусан, пахтакорлар орасида қарз пуллари мажбуран тарқатиш) билан изоҳланади. Бир қатор учрашувларда пахтакорлар заёмга ижобий муносабат билдириб, облигациялар учун пулни бўлиб-бўлиб тўлашга рухсатни ёки пахта кооперациясининг кафолатларини илтимос қилди. Саноатлаштириш заёми бўйича олинган баъзи ютуқлар деҳқонларда заём облигацияларини олишга янада каттароқ интилиш пайдо бўлишига олиб келди.

Ер билан боғлиқ муносабатлар. Бойлар ер-сув ислоҳотидан узилиб қолган, улар ислоҳотгача бўлган ер муносабатларини қайта тиклашга уринар экан, янги ер бўлиб берилган деҳқонларга қўрқитиш билан таҳдид қилмоқдалар. Шу билан бирга, бойлар камбағаллар ҳаётига суиқасд қилиб ўлдириш, ўз қўл остидаги батракларни калтаклаш, ўзларининг аввалги ерларини зўрлик билан эгаллаб олиш ва деҳқонларни эксплуатация қилишга уринмоқдалар (айниқса, Бухоро округида). Қашқадарё округида келгусида бўладиган ер-сув ислоҳоти тўғрисидаги мишмишлар кенг тарқалгач, бойлар ўз ерларини қариндош-уруғлари ўртасида оммавий равишда бўлиб олишлари кузатилди.

Хотин-қизлар кампанияси. Февраль ойида хотин-қизларни қулликдан озод қилиш кампанияси деярли тугатилди. Жойларда (Самарқанд шаҳри) совет ва партия ишчилари очикқа чиққан аёлларни яна паранжигга киритиш борасида ташвиқот олиб бордилар, Қашқадарё округида сайлов бўйича ўтказиладиган йиғилишларда хотин-қизларнинг қатнашмаслигини ташвиқот қилдилар ва ҳ.к. Самарқанд шаҳридаги мавзеларнинг бирида 210 нафар аёл паранжисини ташлаган бўлса, улардан 205 нафари яна қайтадан паранжигга кирган. Бойлар ва мусулмон руҳонийлар хотин-қизлар кампаниясининг сусайганлигидан фойдаланиб уни узил-кесил барбод қилиш бўйича фаолиятини кучайтирдилар. Баъзи жойларда бойлар деҳқонларни кампанияни барбод қилишга ошқора равишда чақирмоқдалар. Бир бой томонидан деҳқоннинг хотинини зўрлаш воқеаси қайд этилган (Зарафшон округи). Айрим қишлоқларнинг имомлари хотин-қизларни йиғилишга чақириб, унда паранжи ташлашдан қайтаришни ташвиқот қилмоқдалар.

Босқинчилик. Пақирнинг Дархондаги тўдаси ва бизнинг қисмларимиз ўртасида бўлган жангда тўданинг битта кишиси ўлдирилгач, улар тоғнинг юриш қийин бўлган дарасигга чекинишди. Тўдани таъқиб қилиш давом этмоқда.¹

ХОТИН-ҚИЗЛАР КАМПАНИЯСИ

5. Зарафшон округи. Каттакўрғон райони. Қорадарё қишлоқ хўжалиги кредит шерикчилиги раиси ўринбосари (партия аъзоси) хотин-қизлар кампанияси жараёнида деҳқон қизини паранжи ташлаганлиги учун зўрлаган.

6. Сарибозор қишлоғининг бойи шу қишлоқлик бир камбағалнинг паранжисини янги ташлаган хотинини зўрлаган.

7. Бухоро округи. Чорбоғшамон қишлоқ совети раиси (ЎзКП аъзоси) бир йиғилишда ўз паранжисини ечиб олишни мўлжаллаган аёлга рухсат бермаган.

8. Самарқанд округи. Мавзенинг аёллар учлиги аъзоси Иброҳимхўжа (Самарқанд шаҳри) мавзеда хотин-қизлар ўртасида уларни қайтадан паранжигга киргизиш бўйича ташвиқот олиб бормоқда. Қаландархона қисми (Самарқанд шаҳри) хотин-қизлари аста-секин қайтадан паранжигга киришмоқда. Оилавий тўгараклар фаол эмас. Партия ва комсомол аъзолари хотинларининг кўпчилиги паранжи ёпинган эдилар. Умуман олганда, Самарқанднинг Эски шаҳар қисмида аёллар қайтадан паранжигга кирдилар. Эски шаҳар район партия кўмитаси бунга ҳеч қандай чора кўрмаяпти. ЎзКП (б) аъзоси Усмонов вакили бўлган ҳужум комиссияси (Самарқанд шаҳри) ҳеч қандай иш олиб бормади. Доризанжир мавзесида очикқа чиққан 210 нафар ўзбек аёли-

¹Кўрсатилган манба. - С.131 - 132.

дан 205 нафари яна паранжига кирди. Қорабой оқсоқол мавзесидаги рухонийлар, бойлар (Самарқанд) ва бошқалар аҳоли ўртасида аёллар томонидан оилавий тўгараклар ва саводсизликни йўқ қилиш мактабларига боришга қарши ташвиқот олиб бормоқдалар. Ташвиқот натижасида мактаблар ва тўгараклар ёпилди.¹

МИЛЛИЙ ШАРҚИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Миллий зиёлилар. Миллатчилик кайфияти. Ўзбек зиёлиларининг миллатчилик доирасида фикрлайдиган қисми орасида Ўзбекистон марказий сайлов комиссиясининг «совет аппаратини ўзбеклаштириш даражаси» тўғрисидаги декретига Ўзбекистон совет аппаратини европаликлардан тўлиқ тозалаш воситаси сифатида қаралади. Навбат билан ўтказиладиган йиғинда (гапларнинг бирида) айрим миллатчилар «русларни Ўзбекистонни тарк этишга мажбур қилиш» зарурлиги тўғрисида гаплашиб, ЎзМИҚнинг декрети бунинг учун қулай имконият деб билдилар (Кўқон). Андижон округи прокурорининг ёрдамчиси гапда ёнидаги йиғилганларга шундай деди: «Мен сизларнинг ёрдамингиз билан ҳар куни бир неча кишини – русларни ҳибсга олсам, ишдан бўшатсам бўларди ва шу билан бутунлай ўзбеклаштиришга эришардик».

Ушбу ҳиссиётларнинг миллий зиёлиларнинг партиявий қисмида акс этиши аҳамиятлидир. Олий педагогика институти талабаларидан бири (у ҳам маориф интернати ўқитувчиси) партиядан чиқиш учун МКПга ариза билан мурожаат қилди. Ушбу аризада айтилишича, «Руслар Ўзбекистонга келиб, унинг бюджетини талон-торож қилишмоқда. Ўзбекистон энди мустамлака, аммо бошқа мустамлакалардан фарқи шундаки, у фақат социалистик колония (мустамлака, қарамлик). Маҳаллий ишлаб чиқаришсиз маҳаллий ишчилар ҳам бўлмайдилар, шунинг учун ўзбекларга шиор: «Ўзбекистон саноат, миллий маданият ва мустақиллик хусусида худди Афғонистон ва Миср сингари мамлакат бўлиши керак».

Ўзбек ўқитувчиларининг кайфияти. Ўзбек ўқитувчилари орасида миллатчилик ва русларга қарши кайфият кучайганлиги кузатилмоқда. Шу билан бирга, улар ушбу кайфиятларни намоён этиш учун ҳар қандай қулай имкониятдан фойдаланишмоқда. Масалан, Андижон шаҳрида узавтопромбаза² ҳайдовчиси ўзбек болалар интернати колоннаси йўлга чиққанида 9 нафар одамни босиб юборган, бу ерда битта ўзбек ўқитувчиси вафот этган, барча ўзбек ўқитувчилари дарсни ташлаб намойишга чиқишган ва ўқувчиларни дафн маросимига олиб боришган. Шаҳар бўйлаб ҳайдовчи ўзбекларни атай-

¹ Кўрсатилган манба. – С.152 – 153.

² Узавтопромбаза – ЎзССР Халқ хўжалиги Олий Совети автобазаси ҳақида гап кетмоқда.

лаб босиб юборганлиги тўғрисида турли мишмишлар тарқалган. 1500 дан ортиқ одамни жалб қилган ҳолда дафн маросими атайлаб Эски шаҳарнинг асосий кўчасида ўтказилди.

Тошкент, Самарқанд ва Қўқон округларида ўқитувчиларнинг оғир иқтисодий аҳволи ва иш ҳақи тўлашдаги узоқ узилишлар туфайли ўзбек ўқитувчилари орасида норозилик туғилган. Қўқондаги ўқитувчилар намойишга чиқиш кайфиятида. «Янги Фарғона»¹ газетаси муҳаррири ўқитувчиларга намойиш уюштириш ва округ ижроия кўмитасига бостириб боришни тавсия қилди. Тошкентдаги Эски шаҳар болалар уйлари ишчилари 40 кишидан иборат ноқонуний йиғилиш ўтказиб, унда иш ҳақини муҳокама қилдилар.

Пахта майдонларини кенгайтиришга қарши олиб борилган ташвиқот. Ўзбек зиёлиларининг миллатчи доиралари орасида «Пахтачиликни ривожлантиришга қарши кураш» шиори билан чиқишлар қайд этилган. Ўзбекистон ССР Ер хўжалиги халқ комиссарлиги раҳбарларидан бирининг ҳукми ўзига хосдир: «Миллионлаб пуд донни етиштириб, бир пудни 14 тийинга сотиш натижасида биз буржуа мамлакатларида итлар емайдиган нонни истеъмол қилишга маҳкуммиз. Ўзбекистонда буғдой экиш тақиқланган ва унинг ўрни пахтага алмаштирилган». Хўжанд округида бир қатор округ меҳнаткашлари ғалла етиштирмаслигини айтиб, пахта майдонини кўпайтиришга қарши чиқишмоқда. Пахта майдонларини кенгайтиришга қарши ташвиқот ишлари шаҳарларга нон учун келган пахтакорларни пахтадан буғдойга ўтишга чақираётган савдогарлар томонидан ҳам олиб борилмоқда (Қашқадарё округи).

Хотин-қизлар кампанияси. 8 март байрамини нишонлаш, хотин-қизларни кулликдан озод қилиш кампанияси ҳаммада ҳаяжон уйғотди. 8 март куни хотин-қизларнинг оммавий равишда паранжи ташлаш ҳолатлари бўлган. Бухоронинг Эски шаҳрида аёллар «ура» дея қийқиришиб, ихтиёрий равишда паранжиларини оловга ташлашди. Бухоро округида жами 8300 га яқин аёллар паранжисини ташлашди, улардан 3000 нафари Эски шаҳарда эдилар. Тошкентда 8 март куни бўлиб ўтган митингда 15000 га яқин одам қатнашди. Кўчаларда аёлларнинг аксарияти паранжисиз саф бўлиб юрарди.

Шу билан бирга, бойлар ва савдогарлар бу кампанияга қаршилик кўрсатишда давом этдилар ва баъзи жойларда намойиш уюштиришга уринишлар қилинмоқда. Бухоро округида бойлар паранжи ташлаш учун ташвиқот олиб бораётган 4 нафар ишчи ва 1 нафар ўқитувчини калтакладилар, март ойи давомида аёллар кампаниясида 4 нафар аёл ўлдирилди, биттаси жароҳатланди.²

¹ «Янги Фарғона» – Ўзбекистон КП Андижон ва Фарғона округ партия кўмитаси ва ижроия кўмитаси нашри, Қўқонда ўзбек тилида чоп этилган.

² Кўрсатилган манба. – С.183 – 186.

4-ИЛОВА

МИЛЛИЙ ШАРҚИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КАМПАНИЯСИ

1. **Тошкент шаҳри.** Гулистон маҳалласи. 10 – 12 нафар бой иштирокидаги йиғилишда 8 мартда ўтказиладиган паранжи ташлаш жараёнида қатнашишга ва митингда иштирок этишга қарши қарор қабул қилиш хусусида ташвиқот олиб борилди.

Маҳаллий савдогар аёлларни паранжи ташлаши учун ташвиқот қилгани чиққан комсомол аъзосига ҳужум қилиб, уни ўлдиришга уринди.

2. **Самарқанд округи.** Бир гуруҳ бой ва савдогарлар аёлларни ўз оиласида ўтиришга таклиф қилган мавзе комиссияси аъзосини калтаклашга уринишган.

3. **Бухоро округи.** Бухоро яқинида паранжи ташлашни ташвиқот қилган ўқитувчи ва 4 нафар ишчи бойлар томонидан калтакланди.

Қулхотиб қишлоғида бир бойнинг қизига турмуш ўртоғи паранжи ташлашга рухсат берганлиги учун бой ўз куёвини пичоқ билан қаттиқ ярадор қилган.

4. **Қашқадарё округи.** Беҳбудий шаҳри. Шу шаҳарда яшовчи аёл паранжисини ечиб, қудуққа ташлаганлиги учун эри томонидан сўйиб ташланган.¹

1928 йил апрель ойи бўйича СССР сиёсий ҳолати шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича)

ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Эски шаҳар. Сиёсий кайфият. Афғонистон подшоҳининг Европага сафари Эски шаҳар савдогарларининг советларга қарши тарғиботи кучайишига ёрдам берди. «Афғонистон Англия билан иттифоқ тузармиш, Ўзбекистон Англияга ўтармиш, подшоҳ ўзи учун Туркистонни талаб қилмоқда» ва бошқалар ҳақида мишмишлар тез тарқалмоқда ва ҳ.к.

Хусусий савдо. Ўзбекистоннинг барча эски шаҳарларида, асосан, давом этаётган солиқ кампаниясидан норозилик туфайли кўплаб йирик савдогарларнинг савдо корхоналарини ёпиш ҳолатлари юз бермоқда. Баъзи ҳолларда савдогарлар ўз йиғилишларида хусусий савдони қайта тиклаш учун совет ҳукуматининг ўзини илтимос қилишга мажбурлаш мақсадида барча хусусий савдони чеклаш зарурлиги ҳақида гапиришмоқда (Андижон).

Савдогарларнинг аксарияти ўз корхоналарини ёпиб, патентсиз савдога ўтишмоқда (Тошкентда худди шундай 23 та ҳолат мавжуд). Корхоналарини

¹Кўрсатилган манба. – С.203.

тугатаётган баъзи бир савдогарлар шерикчиликда бирлашган (Самарқанд) ёки ҳунармандчилар фирмаси остида савдо қилишни давом эттирмақдалар (Тошкент).

Қишлоқ. Пахта кампанияси. Пахтакорларга дон етказиб беришдаги узилишлар бой ва бошқа советларга қарши унсурларнинг пахта майдонларини кенгайтиришга қарши ташвиқоти кучайишига сабаб бўлди. Бир қатор районларда пахта кампаниясига қарши ташвиқот ишлари кенг миқёсга эга бўлди (Бухоро округи). Баъзи жойларда пахтакорлар талабномалардаги рақамларга нисбатан майдонларни ҳам қисқартирмақдалар (Тошкент округи). Айрим ҳолатларда талабномаларда бутун қишлоқлардаги пахтакорлар пахта экиш режалаштирилган майдонларда олдиндан пахтани камроқ экишни мўлжаллашмоқда (Хўжанд округи).

Маҳаллий ташкилотлар пахта экинлари етиштириш бўйича шартнома тузишда пахта майдонларини олдиндан мўлжалланган режа асосида кўпайтириб, уни ҳеч қандай имкониятларни эътиборга олмасдан бажаришга интилишлари кўп бўлган (Андижон ва Тошкент округлари). Шу билан бирга, деҳқонларни пахта экиш учун мажбурий рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари қайд этилди. Қўшимча мажбуриятлардан бош тортган деҳқонлар ҳибсга олинган (Эски Бухоро райони).

Деҳқон хўжалигини мустаҳкамлаш учун заём (қарз пуллари). Деҳқончилик учун ажратилган қарз пулларини амалиётда қўллаш суръатини ошириш, биринчи галда, кучли босим ўтказиш ва облигациялар (қимматли қоғозлар)ни мажбуран тарқатиш билан изоҳланди. Самарқанд округи Зомин районида милиция бўлими бошлиғи қўлида револьвер билан облигацияларни тарқатган.

Андижон округи Асака РИҚ раиси савдогарларнинг ёнига келиб, уларнинг ҳар биридан 10 рублдан қарз олишни сўраган, улар рози бўлгач, облигацияларни уларнинг қўлларига топширган. Тошкент округи Юқори Чирчиқ районида 100 – 150 рубль миқдоридagi облигациялар мажбуран тарқатилган, бунинг устига, бир неча бойлар рад этганлиги учун ҳибсга олинган.

Заём (қарз пуллари)ни мажбурий сотишни амалиётда қўллаш нафақат бойлар орасида, балки камбағаллар орасида ҳам юз берган, баъзи ҳолларда камбағаллар облигацияларни олиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга мажбур бўлганлар. Шу билан бирга, облигацияларни сотмаган кўплаб қишлоқ хўжалик ширкатлари ўз маблағлари ҳисобидан пул киритдилар (Самарқанд округи).

Советларга қарши унсурларнинг заёмга қарши ташвиқоти кўпинча савдогар бойлар таъсирида заём сотиб олишдан бош тортган камбағал ва ўртаҳол

деҳқонлар орасида муваффақиятли бўлган (Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона округлари).

Хотин-қизлар кампанияси. 8 мартда бошланган кампаниянинг бироз жонланиши апрель ойи давомида ҳам кузатилди.

Бухоро ва Зарафшон округларида яна 12 минг аёл паранжисини ташлади. Аёллар (Ғиждувон) масжидларни хотин-қизлар клублари учун бино сифатида фойдаланиш мақсадида ажратишни сўраб партия ташкилотларига ариза билан мурожаат қилганлар.

Бойлар ва мусулмон руҳонийлар баъзи ҳолларда паранжи ташлаган аёлларни яна паранжига киритишга ёки оилавий тўғарақларни тугатишга ҳаракат қилишмоқда (Самарқанд шаҳри).

Апрель ойида 3 нафар паранжи ташлаган аёлни ўлдириш, 2 нафарини заҳарлаш, 8 нафарини калтаклаш, босмачилар томонидан 1 нафар ўзбек аёлини ўғирлаш (Қашқадарё округи) ҳолатлари қайд этилган.

Баъзи ҳолатларда қуйи партия ва совет ҳодимлари хотин-қизлар кампаниясига салбий муносабат билдиришади, айрим жойларда бунга фаол қарши чиқишмоқда.

Партия аъзолари шариат қонунларига асосланиб ўз хотинларини очиққа чиқаришдан бош тортган ҳолатлар қайд этилган. Эски Тошкентда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси йиғилишларнинг бирида аёлларнинг паранжи ташлашини тарғиб қилиб сўзга чиққан фаол эркак кишини калтаклаган.¹

6-ИЛОВА

ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН

Хотин-қизлар кампанияси

4. **Андижон округи.** Ғилдардов қишлоқ совети раиси қишлоқ совети аъзоларининг ўз хотинини очиқликка чиқариш тўғрисидаги таклифига қарши чиқиб, «Мен хотинимни очиқликка чиқармайман, чунки бу шариатга зиддир» деган сўзларни айтиб, қишлоқ совети муҳрини отиб юборди.

«Саноат»² (Андижон шаҳри) уюшмаси бошқармаси аъзоси ўз хотинини очиққа чиқаришдан қатъиян бош тортди. Унинг тутумига эргашган оддий ишчилар ҳам хотинларини очиққа чиқармадилар.

10. Янги Хайробод маҳалласида (Самарқанд шаҳри) яшовчи бой хотинини йиғилишларга ва мактабга борганлиги учун калтаклаган.

¹ Кўрсатилган манба. – С.228 – 229.

² Саноат – хунармандчилар иттифоқи, Андижон округидаги косиблик билан шуғулланадиган меҳнат кооперацияси, 1917 йил ёзда ташкил этилган.

Муборак мавзесида (Самарқанд шаҳри) яшовчи киши хотинини паранжисини ечиб, оилавий тўғаракка борганлиги учун калтаклаган.

11. Фаргона округи. Бувайда райони Сарикқўрғон қишлоғида яшовчи киши паранжисини ечиш ниятида бўлган хотинини қаттиқ калтаклаган. Бундан ташқари, иккинчи хотини ва ўғлини уни калтаклашга мажбур қилди. Иккинчи хотини ва ўғли эса бу буйруқни бир неча бор бажарганлар.

12. Бухоро округи. Хўжа Зайниддин (Бухоро шаҳри) даҳасида яшовчи бир кимса паранжи ташламоқчи бўлган хотинини заҳарлаган.

Хўжа Зайниддин (Бухоро шаҳри) даҳасида яшовчи аёл 8 март куни паранжи ташлаганлиги учун ўз қайнонаси томонидан заҳарланган. Воқеадан уч кун ўтгач жабрланувчи вафот этган.

Бухоро райони Рухамбат қишлоғида яшовчи киши паранжисини ташлаган хотинини ҳушидан кетгунча калтаклаган.

Ромитан райони Юқори Жондор қишлоғида яшовчи киши хотинини йиғилишларда қатнашганлиги учун таёқ билан калтаклаган. Бухоро округида 3 та шундай ҳолат қайд этилган.

14. Қашқадарё округи. 24 мартга ўтар кечаси Шакартерс қишлоғи (Шаҳрисабз райони)да номаълум босқинчилар паранжи ташлаган аёлни олиб кетишди. Ҳозиргача унинг қаерда эканлиги аниқланмаган. Аёл уни олиб кетганлар томонидан ўлдирилган деб тахмин қилинмоқда. Бу воқеа Шаҳрисабз районидаги паранжи ташлаган аёлларни қаттиқ хавотирга солди.

15. Андижон округи. Тошкечик қишлоқ советидаги Гуркуров қишлоғида Болтабоева Тўхтабиби эри томонидан ўлдирилган. Ўша аёл Тошкечик қишлоқ совети аъзоси эди.¹

1928 йил апрель ойи бўйича СССР сиёсий ҳолати шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича) ЎРТА ОСИЁ

Советларга қарши намойишлар. Ўзбекистон. Эски шаҳардаги савдогарлар томонидан яқинда бўладиган уруш ва совет ҳокимиятининг қулаши тўғрисида мишмишлар тарқалмоқда. Бу мишмишлар ҳар жойда СССРга қарши гўё инглиз-афғон иттифоқининг пайдо бўлиши тўғрисидаги гаплар билан мустаҳкамланмоқда. Мишмишлар, айниқса, афғон подшоҳининг Европа ва СССРга ташрифи муносабати билан янада кучайган: «Москвага келишидан олдин Омонуллохон Англияда бўлган ва у ерда СССР мусулмонларини ҳам ўзига буйсундириш учун нима қилиш кераклигини ўргатишган» (Андижон).

Миллатлараро ер можаролари. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг чега-раолди районларидаги ўзбеклар ва қирғизлар ўртасида ер ва сув низола-

¹ Кўрсатилган манба. – С.250 – 251.

ри асосида тортишув ҳолатлари қайд этилган. Битта ҳолатда ўзаро жанжал юзага келиб, муштлашув бўлиб ўтган.

15 май куни Избоскан райони Қизилоёқ қишлоғидаги ўзбеклар ҳамда Қирғизистоннинг Жалолобод округи Оқ мачит қишлоғидаги қирғизлар ўртасида жанжал келиб чиқиб, муштлашув бўлиб ўтган. Қирғизлар ўзбекларнинг можароли ерларида ишлаётган ишчиларга ҳужум уюштириб, уларни калтаклаб, 6 кишини «асир» олишган. Эртаси куни 200 га яқин ўзбек ушлаб турилган ҳамқишлоқларини қайтариб олишга қасд қилишган.¹

ЎЗБЕКИСТОН

Нон ва хомашё бозори. Бир неча районларнинг бозорларида нон маҳсулотлари етишмаслиги кузатилмоқда. Энг оғири Қашқадарё округи, бу ерда баъзи жойларда ғалла захиралари умуман йўқ. Нон бозорининг ҳолати, айниқса, дон маҳсулотларини етиштиришга тайёргарлик кўриляётган ҳудудларда кескин намоён бўлмоқда. Ғалла етиштириш ҳолати авжида давом этар экан, бир томондан, дон етишмаслиги ҳолати мазкур ғалла тайёрлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бойлар фаоллашуви ва эски ер муносабатларининг тикланиши. Ер илоҳотига биноан тортиб олинган участкалар яна бойлар томонидан эгаллаб олинмоқда.

Бойлар томонидан ерлар нафақат янгитдан бўлиб берилган деҳқонлардан, балки колхозлардан ҳам тортиб, эгаллаб олинмоқда. Бойларнинг ер участкаларини тортиб олиши қотиллик таҳдиди, ҳар хил зўравонлик ва камбағалларга нисбатан таҳқирлаш билан бирга кечмоқда.

Зарафшон округи Нарпай райони Тошкент қишлоқ советининг Хайрабод қишлоғида собиқ амир амалдорининг хизматкорлари бўлган бир тўда унинг ерида ташкил этилган деҳқонларнинг «Қизил Октябрь» артелига ҳужум қилди. Ҳужум пайтида артель аъзоси ўлдирилиб, 4 та буқа ва 1 та от олиб кетилган. Бойлар тўғридан-тўғри ерларни тортиб олиш билан бирга камбағаллардан ер томорқаларини ҳам сотиб олмоқдалар. Бир қатор районларда судхўрлик кенг тарқалган. Бундан ташқари, бойлар томонидан гаровга ер кўйиш шарти билан қарз бериш ҳолатлари учрамоқда. Агар қарздор ўз вақтида қарзини тўламаса, ер судхўрнинг мулкига айланмоқда.

Хотин-қизлар кампанияси. Аёлларни озод қилиш кампанияси бой ва мусулмон руҳонийлар жамоасининг қаршиликларига қарши курашишда давом этмоқда. Аёллар кампаниясига қарши ташвиқот, асосан, собиқ Бухоро хонлиги ҳудудларида олиб борилган, бу ерда паранжини ташлашга қарши кампания олиб борганлар кўпинча аҳолини ишчи аёлларни ўлдиришга чақи-

¹ Кўрсатилган манба. – С.286.

ришади. Июнь ойида аёлларни ўлдириш, тан жароҳати етказиш, зўрлаш ва калтаклаш бўйича 7 та ҳолат қайд этилди (Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм ва Зарафшон округлари). Бир қатор ҳолатларда қуйи совет ва партия ходимлари кампанияга салбий муносабатда бўлишмоқда, баъзи жойларда бунга фаол қарши чиқишмоқда. Зарафшон райони Каттақўрғон шаҳрида бир партия аъзосидан партиядошлари нима учун йиғилишга хотинини олиб келмаганлигини сўрашганида у қуйидагича жавоб берди: «Партия билетимни олинг, лекин барибир мен хотинимнинг мажлисларга боришига рухсат бермайман». Фарғона округи Пандиғор пахтачилик ширкати раиси шундай деди: «Мен партиянинг аъзоси бўлсам ҳам, аёлларнинг озод бўлишини тан олмайман. Улар менинг аъзолик билетимни олиб қўйишсин ёки мени ишдан олиб ташлашсин, лекин мен хотинимнинг барибир очиққа чиқишига йўл қўймайман».

Паранжи ташлаган аёлларни таъқиб қилиш, маҳаллий ташкилотларнинг аёллар кампаниясида эришилган натижаларни мустаҳкамлашдаги сусткашлиги ва бир қатор районларда аёллар билан ишлашнинг ташкил этилмагани сабабли паранжи ташлаган аёлларнинг паранжига қайтган ҳолатлари кузатилмоқда (Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё округлари).

Босқинчилик. Ҳисобот даврида иккита – Пақир ва Хўжамқулнинг тўдаси тугатилди ва Пақирнинг ўзи ўлдирилди, шу жумладан, 35 киши қуроли билан таслим бўлди. Хўжамқул ҳам таслим бўлди ва унинг тўдаси тарқалиб кетди. Ўзбекистон ҳудудида битта Ўтанбек тўдаси қолган (Сурхондарё округи).¹

ЎЗБЕКИСТОН

Бойларнинг фаоллиги ва эски ер муносабатларининг тикланиши

14. **Андижон округи.** Янгиқўрғон райони Парамот қишлоғи бойи «Қизил Ўзбекистон» колхозига тегишли бўлган беда майдонларининг 7 танобини эгаллаб олган.

16. **Зарафшон округи.** Нарпай райони Оқтош қишлоқ советида Оқтош қишлоғи бойи захирасида 1000 пудга яқин буғдойи бўлиб, буғдойни камбағалларга 50 фоизга қарзга беради. Масалан, бой ўз ҳамқишлоғига 8 пуд буғдойни 12 пуд қилиб қайтариш шарти билан берди.

17. Шу округнинг Нурота шаҳрида яшовчи таниқли эшон 12 ботмон буғдойни озгина ери бўлган деҳқонга қарзга берди, яшаш шароити оғир бўлган деҳқон 5 йил давомида қарзини бера олмади. Натижада эшон унинг ерини тортиб олди.

¹ Кўрсатилган манба. – С.344.

Хотин-қизлар кампанияси

18. Самарқанд округи. Жорий йилнинг 5 июнь куни Саритепа қишлоғида паранжи ташлаш билан боғлиқ ҳолда 19 ёшли аёл ўлдирилган. Қотил унинг эрининг укаси бўлган.

19. Андижон округи. Ойим райони милиция бўлимининг бошлиғи Ойим қишлоғидаги деҳқоннинг уйига бостириб кирган, мақсади яқинда паранжисини ташлаган, ВКП (б) аъзолигига номзод, хотин-қизлар кампанияси фаоли бўлган аёлни зўрлаш бўлган.¹

ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Дон маҳсулотлари тайёрлаш. Донни тайёрловчи ва етказиб берувчи ташкилотлар ўртасида кучли рақобат кузатилмоқда. Баъзи жойларда рақобат жуда хунук ҳолатларда намоён бўлади. Янгиқўрғон райони Нарвон қишлоқ хўжалиги ширкати вакиллари бозордан Осиёнон вакиллари деҳқонлар олдида ҳайдаб чиқаришди. Деҳқонлар ўртасида тушунтириш ишлари деярли олиб борилмади. Яқин вақтгача тушунтириш ишлари бўйича кўрсатмалар мавжуд эмас эди ва Тошкент районидаги 4 та дон пунктида деҳқонлар ўртасида бир марта ҳам йиғилиш ўтказилмаган. Ҳибсга олиш ва мажбурий равишда донни олиб қўйиш ва мусодара қилиш бўйича бир қатор маъмурий босимга оид далиллар рўйхатга олинди.

Бухоро округида Олот қишлоқ хўжалиги ширкати вакили ҳибсга олиш таҳдиди остида Бахринварк қишлоғи аҳолисини ширкатга дон етказиб бериш бўйича шартнома тузишга мажбур қилди. Шу билан бирга, дон таъминот ташкилотлари фаолиятида турли хил жиноятлар содир бўлади: дон қабул қилиш шохобчаларида деҳқонлар етиштирган донни нотўғри тортиш, бойлар ва савдогарларга ҳомийлик қилиш ва бошқалар. Деҳқонлар оммасининг норозилик кайфияти донни тайёрлаш жараёнида ажратилган лимитларнинг етарли эмаслиги ва сотиб олиш аппарати фаолиятида кўрсатилаётган ўзбошимчалик билан белгиланади. Бойлар ва савдогарлар нонни давлат ишлаб чиқарувчиларига етказиб беришда кучли ташвиқот олиб бориб, буғдой сотиб олишади, бошқа томондан, деҳқонларни қарам қилиш учун дон беришади. Донни шу тарзда қарзга бериш, айниқса, Самарқанд округида ҳар жиҳатдан ривожланган бўлиб, округнинг учта районида 40 дан ортиқ бундай чайқовчилик ҳолати аниқланган.

Солиқ кампанияси. Солиқ солинадиган объектларни ҳисобга олиш кампанияси қуйи совет органларининг етарли даражадаги иштирокисиз ўтмоқда. Кўп ҳолларда қишлоқ советлари ва рўйхатга олиш комиссияси ходимлари

¹ Кўрсатилган манба. - С.366.

яширин солиқ солиш объектларини аниқлашда иштирок этибгина қолмай, балки ўзлари ҳам кампаниянинг бузилишига ҳисса қўшмоқдалар. Бой-бадавлат унсурлар ҳамма жойда солиқ солиш объектларининг муҳим қисмини яширадilar.

Солиқ солинадиган объектларни оммавий равишда яшириш Қашқадарё ва Хўжанд округларида содир бўлмоқда. Экин майдонларининг камида 50 фоизини ҳисобдан яширган районлар мавжуд.¹

1928 йил август ойи бўйича СССР сиёсий ҳолати шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича) ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОБЛАСТЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Советларга қарши чиқишлар. Қирғин. Бойлар ва собиқ амалдорлар ер ислоҳоти бўйича улардан тортиб олинган ерларни қайта эгаллашни давом эттирмоқдалар. Тортиб олишга қаршилик кўрсатган камбағал ва батрақларни калтаклашнинг 4 та ҳолати қайд этилди. Хотин-қизлар кампанияси масаласида 4 нафар партия аъзоси ва паранжи ташлаган 4 нафар аёл (партия аъзоларининг хотинлари) ўлдирилди (Фарғона округи). Бир қатор жойларда бой ва савдогарлар комсомол ва қишлоқ хўжалиги артелларига қарши кучайтирилган ташвиқот ишларини олиб боришмоқда, деҳқонларни комсомол ва кооперативлардан чиқишга чақиришмоқда. Бойлар, мусулмон руҳонийлар, собиқ босмачилар, амир амалдорлари ва савдогарларнинг ғаллани сотиб олиш ва солиқ кампаниясига қарши чиқиши, ер ислоҳоти боис қўлдан чиқарилган майдонларни қайтариш ва совет ҳукуматининг бошқа тадбирларини бузишга чақириш ҳолатлари, антисовет ва мағлубиятчилик ташвиқотларининг кучайгани кузатилмоқда.

Антисемитизм кайфияти. Июль ойининг сўнгги кунларида Эски Бухоро шаҳрида ўзбеклар ва форслар орасида гўеки маҳаллий яҳудийлардан бирининг хонадонида яҳудийлар диний маросимлари учун бир неча йил давомида қони олинган ўзбек боласи топилганлиги ҳақида мишмишлар тарқалди. Ифвогарона мишмишлар бутун округ бўйлаб кенг ёйилди ва кейинчалик бошқа округларга, хусусан, Тошкентга тарқалди. Мишмишларни нафақат антисовет унсурлари, балки айрим партия ва комсомол аъзолари ҳам тарқатганлар. Август ойи ўрталарида шу масалада бир неча районларда яҳудийларга қарши оммавий кайфият кузатилди. Антисовет унсурлар томонидан эса қирғин қилиш бўйича ташвиқот ҳолатлари кузатилган эди. Яҳудийларга қарши кайфият ишчилар (Тошкент), айниқса, талабалар муҳитига ҳам кириб борди. Антисемит кайфиятнинг энг кескин шакли, айниқса, пахтачилик мак-

¹ Кўрсатилган манба. – С.393 – 494.

табларида ўзбек ўқувчиларининг яҳудий ўқувчиларига қарши бойкот эълон қилишлари билан намоён бўлди.¹

3-ИЛОВА

ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ВА МУХТОР ОКРУГЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Антисемитизм

Июль ойининг охирида Бухоро шаҳрида ўзбеклар ва форслар орасида гўёки маҳаллий яҳудийлардан бирининг хонадонидаги ертўлада бир неча йил давомида яҳудийларнинг диний урф-одатлари учун тутқун бўлиб келган ўзбек боласи топилганлиги ҳақида мишмишлар тарқалди. Маҳаллий яҳудий Ликаковнинг хонадонида тинтув ўтказилди: бу ерда алоҳида хонада қулфланган ҳолатда 18 ёшли қар ва соқов, руҳий ҳолати бузилган бола топилган. Маълум бўлишича, бу ўспирин яҳудий, бухоролик қассобнинг ўғли, бу қассобнинг бутун оиласи амир даврида Михаил Рябинов (топилган)дан ташқари барчаси ўлдирилган. Руҳий ҳолати бузилган Михаил Рябинов синг-лисининг олти ойлик фарзандини бўғиб ўлдирган, шу сабабли Ликаков уни ўзи билан бирга олиб кетган, бунинг учун у яҳудийлар жамоасидан ҳар ойда 6 рубль олган. Бир неча кундан сўнг бу мишмишлар Чоржўй округида жуда кенг тарқалди, ҳаттоки овулларга ҳам етиб борди, туркманлар бу бола 14 ёшли туркман эканлиги ва у кўп жароҳат олганлиги, унинг қонидан диний маросимлар ўтказиш учун фойдаланишганини айтдилар. Шу сабабли туркманлар яҳудийларни йўқ қилишда иштирок этишлари кераклигини билдиришди. Ифвогарлик биз учун душман бўлган савдогарлар доираси, баъзи хизматчилар, қора юзликчилар (1905 – 1917 йилларда Россияда монархия ва православ шиорлари остида фаолият юритган ўнг ташкилотлар вакиллари-нинг жамоавий номи) ва собиқ жандармлар (полициячилар) томонидан қўллаб-қувватланган (Ўрта Осиё темир йўлидаги).

Ифвогарона мишмишлар ҳатто қолоқ партия ва комсомол аъзолари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди ва кейинчалик қора юзликчиларнинг қирғин қилиш характеридаги алоҳида намоёишлари учун баҳона бўлиб хизмат қилди. Ўрта Осиё темир йўлининг баъзи бир ишчилари қирғин зарурлиги тўғрисида гапира бошлашди ва 7-сонли пахта заводининг баъзи ишчилари тарқалаётган мишмишларни текшириш учун Эски Бухорога жўнаб кетмоқчи бўлишди. 11 август кuni антисемит намоёишлари ва жанжал кўтаришга уринишлар бўлиб ўтди. Бир неча хизматчилар ўзларининг қирғинчилик кайфиятини қуйидагича очиқчасига ифода этдилар, «Мен дарҳол Украинага ёзаман, у ердаги яҳудийларга кўрсатиб қўйишсин. Менга Бухородаги шу во-

¹ Кўрсатилган манба. – С.441 – 442.

қеа учун яхудийларни жазолашга рухсат беришса, уларнинг ярмини сўйиб ташлаган бўлар эдим», – деди пахта заводи саноқчиси. Ягона истеъмолчилар жамиятига қарашли ошхона ошпази яхудий официантга: «Сенинг қанча умринг қолган?» – деб дўқ қилди ва ҳ.к.

Ёлғон мишмишларни рад этиш учун ТКП (б) округ кўмитаси касаба уюшмаси ташкилотлари билан бу ташвиқот нима учун ва ким томонидан тарқатилганини тушунтириш мақсадида бир қанча йиғилишлар ўтказилди. Қайд этиш зарурки, ячейка ва касаба уюшма йиғилишларида партия ва касаба уюшма аъзолари ифвогарона мишмишларни қўллаб-қувватловчи нутқлари билан чиқдилар. Тарқалаётган мишмишларнинг бемаънилиги ва ифвогарлик хусусиятига ойдинлик киритиш бўйича олиб борилаётган кампанияни баъзи шахслар ишни бости-бости қилишнинг бир усули сифатида талқин этишди.

Вазиятнинг жиддийлиги сабабли 13 август куни ифвогарона мишмишларнинг ёвуз ниятли тарқатувчиларини қўлга олиш бўйича операция ўтказилди. Август ойи ўрталарида Бухорода топилган ўғил бола ҳақидаги бу мишмишлар турли ўзгаришлар билан Тошкентгача етиб келди. 15 август куни Тошкентда телефон тармоғи биноси қурилишида ишчилардан бири бу ердаги бир гуруҳ ишчиларга Қўқон шахрида яхудий контрабандачини қидиришда тасодифан бир йигитни топишган, яхудийлар ундан ҳар йили 16 ёшга етгунга қадар тўрт стакан қон олиб юришган, бу контрабандачининг уйи ёнидан ўтган қўқонлик ишчилар бундан хабар топишгач, 8 яхудийни судсиз ўзбошимчалик билан жазолашган, уйдан чиқиб кетаётганида яна 4 яхудий билан учрашишган ва уларни ўлдиришган. Пахтачилик мактаби ва яхудийлар маориф интернати ўқувчилари (бир-бирига яқин жойлашган) ўртасидаги низо антисемит хусусиятнинг энг кескин шаклини олди. Бир-бирига душманлик узоқ вақт давомида сақланиб қолиб, шу воқеа туфайли гуруҳлар ўртасидаги зиддият янада кенг ривожланди. Мактаб ўқувчиларидан ўзбеклар ҳатто ўз мактабларининг яхудий ўқувчиларини душманлик муносабатлари билан таъқиб қилиб, улар билан мутлақо алоқани уздилар. Қарама-қаршилик онда-сонда эмас, балки оммавий тусга эга эди. 31 август куни пахтачилик мактабининг собиқ ўқувчиси Қобулов мактаб дарвозаси ёнида ўзбек газетасини («Озод Бухоро»¹), яъни Бухорода яхудийлар зўравонлик фитнаси ҳақидаги мақолани овоз чиқариб ўқиди. Хусусан, у ўзбек боласининг яхудийлар томонидан «қийноққа солиниши»га тўхталди.

Қобулов атрофига кўплаб ўқувчилар йиғилган, бундан ташқари, яхудий маориф интернати ўқувчилари ҳам келган. Мақола сабабли томонлар ўрта-

¹ «Озод Бухоро» – Ўзбекистон КП (б) Бухоро ва Зарафшон округлари кўмиталари, ижроия кўмиталари, Бухоро райони ҳамда шаҳар кўмиталари органи, ўзбек ва тожик тилларида чоп этилган газета.

сида низо келиб чиққан. Қобуловнинг таъкидлашича, бу болани Бухорода шахсан ўзи кўрган. Шу пайтда ўзбек ўқувчилари орасида яхудийларни қирғинбарот қилиш кераклиги ҳақида ҳайқириқлар эшитилди. У ерда 25 нафар яхудий, озроқ ўзбеклар бор эди, шу сабабли яхудийлар ўзбекларни мактаб ҳовлисига қайтариб, Қобуловни уларга топширишни талаб қилишди ва унга таҳдид қилишди. Интернат мудирининг аралашуви билан жанжалнинг олди олинди. Ўша куни ўзбекларнинг кайфияти кескин равишда антисемитизмни келтириб чиқарди, ҳатто комсомол аъзолари антисемитизм кайфиятида бўлганлар ва уларнинг баъзилари «яхудийлар ҳақиқатан ҳам 125 йилдан бери ўғил болаларни қийнашмоқда» деб ишонтирганлар.

Шаҳарда антисемит суҳбатлар аҳолининг деярли барча қатламлари орасида қайд этилган.

28 август куни Эски шаҳарнинг Ўқчи маҳалласида «Ўзбексавдо» дўконида навбатда турган аёллар: «Эх, сиз, яхудийлар, «Ўзбексавдо»га пашшадек ёпишиб олгансиз, шошманглар, ҳали биз сизларнинг сувингизни сиқиб чиқарамиз», – дея бақаришди. «Яхудийларни калтаклаш ва қирғинлар қилиш»ни ташвиқот қилиш ҳолатлари шаҳар аҳолиси, косиблари ва қолоқ партия аъзолари орасида қайд этилган.

Антисемит мишмишлари тарқалишнинг олдини олиш мақсадида партия органлари томонидан ташвиқот-тушунтириш характериға эға бўлган чоратadbирлар кўрилмоқда. Чоржўйда намунали суд жараёни кутилмоқда.

Тўғри: ОГПУ ИНФО котиби Кучеров¹

1928 йил сентябрь оий бўйича СССР сиёсий ҳолати шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича) ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Солиқ кампанияси. Баъзи жойларда солиқларнинг умумий ўсиши камбағалларға таъсир кўрсатди. Кўпгина ҳолларда камбағаллар ўтган йилға нисбатан 2-3 баробар кўпроқ солиққа солинмоқда. Баъзи ҳолларда ўтган йилги кампанияда солиқдан озод қилинган камбағал деҳқонлар ҳам солиққа тортилган. Солиқларнинг ҳаддан зиёд даражада юқори бўлиши билан бир қаторда камбағалларға солиқ солишда кўпайтириш ҳоллари, бойларға эса уни камайтиришға ёрдам кўрсатилаётгани қайд этилган. Кўп ҳолларда камбағаллар биринчи муддатда қарзларини тўлаш учун ишчи ҳайвонларни сотишға ёки бой ва судхўр кишилардан пулни қарзға олишға мажбур бўлмоқдалар. Бундай бузилишлар ва солиқларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши натижасида жойларда камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар солиқ-

¹ Кўрсатилган манба. – С.453 – 454.

ларга ва маҳаллий фаолларга очиқчасига қарши бўлиб, қаттиқ норозилик билдирмоқдалар.

60 кишидан иборат деҳқонлар (камбағал ва ўртаҳол) гуруҳи овул совети котибига хужум қилиб, «юқори солиқ солишга сабабчини уринглар» дея бақириб, уни ва яна битта фаолни, солиқ комиссияси иштирокчисини (Тошкент округи Зангиота овули) калтаклашга уриндилар.

Қашқадарё округининг қоракўлчилари орасида солиққа нисбатан кучли норозилик алоҳида қайд этилган. Баъзи жойларда бой чорвадорларга бир неча минг рубль солиқ солинмоқда.

Ғузур районидаги бой чорвадорнинг 1600 қоракўл қўйи учун 3300 рубль солиқ солинган.

Бойлар ҳанузгача ҳамма жойда солиқларга қарши ташвиқот олиб бормоқдалар. Баъзи жойларда деҳқонларни очиқчасига кампанияга қарши чиқишга ёки солиқларни камайтиришни талаб қилишга чақирмоқдалар.

Пахта кампанияси. Пахта сотиш учун тайёргарлик ишлари давомида кампаниянинг муваффақиятли ўтишига таҳдид соладиган бир қатор камчиликлар аниқланган. Биноларнинг қурилиши учун материаллар етишмаяпти, транспортни тайёрлаш ишлари суст олиб борилмоқда, баъзи жойларда тойлаш ишлари кўнгилдагидек эмас ва ҳ.к. Бир неча районларда пахтачиликка қарши кайфият кучаймоқда, нафақат бойлар, балки ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам ўз чиқишларида «пахтачиликнинг фойда келтирмаслиги» (Тошкент округи)га ишора қилмоқдалар. Жойларда бойлар «давлат ваъда қилган буғдойни бермаган» деб буғдой етиштиришга ўтиш учун ташвиқот олиб бормоқдалар (Фарғона округи).

Дон маҳсулотлари тайёрлаш. Сентябрь ойида дон етказиб бериш сезиларли даражада ўсди ва маъмурий жиҳатдан босим ўтказиш ҳолатлари камайди.

Фақат алоҳида округларда Осиёнон ва Қишлоқ хўжалиги уюшмаси (Қашқадарё округи) ўртасидаги рақобат кучайиб, деҳқонларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш, уларнинг харидорлар билан тортишуви (Самарқанд округи) ва йиғилган доннинг эҳтиётсиз сақланиши сабабли унинг исрофгарчилиги (Сурхондарё округи) туфайли кампанияда келишмовчилик ҳолатлари кузатилмоқда.

Шу билан бирга, донни интенсив равишда сотиб олишда ва устига қўйиб сотишда савдогарлар ва бойларнинг фаоллиги қайд этилмоқда. Сентябрь ойи бошига қадар Самарқанд шаҳрида 6000 пудга яқин буғдой, 800 пуд арпа сотиб олган 137 нафар хусусий харидор аниқланди. 12 сентябрда 64 хусусий харидорнинг 2000 пудга яқин буғдой, 400 пуд арпани сотиб олганлиги аниқланди.

Бойларнинг дон тайёрлашга қарши ташвиқоти «дон тайёрлаш Ўзбекистондан донни Россияга олиб кетишдир» деган кўрсатмалар билан бирга келади. Уруш ва совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақидаги мишмишлар тез тарқалмоқда.

Советларга қарши намойишлар. Эски шаҳар. Эски шаҳар савдогарлари орасида советларга қарши ва мағлубиятчилик ташвиқоти ҳамда яқинлашиб келаётган уруш ва совет ҳокимиятининг қулаши ҳақидаги мишмишлар тарқала бошлади. Шу билан бирга, ғалла харид қилиш, саноатлаштиришнинг 2-заёми облигацияларини тарқатиш кампанияси, айниқса, пахта кампанияси муносабати билан савдогарлар фаолиятининг кескин ўсиши кузатилди. Қатор ҳолларда савдогарлар қишлоқлардан келган деҳқонлар орасида пахта етиштиришни кенгайтириш ишларига қарши фаол ташвиқот қилишмоқда.

Қишлоқ. Яқинлашиб келаётган уруш ва совет ҳокимиятининг қулаши ҳақидаги мишмишларнинг тарқалиши сезиларли даражада ошди. Бойлар ва қишлоқнинг бошқа советларга қарши унсурлари томонидан амалга оширилган советларга қарши ва мағлубиятчилик ташвиқоти «Афғонистон билан Англия иттифоқ бўлган, Иброҳимбек Амударё ва Тожикистон орқали Ўзбекистонга бостириб келган» деган гаплар билан бирга келмоқда.

Рус қишлоғи. Сентябрь ойида солиқни оширишдан норози бўлган қулоқ ва бадавлат унсурларнинг фаоллиги ошган. Солиқ кампаниясини ўтказишдаги бир қатор ҳаддан ошишлар қулоқлар фаолиятининг янада жонланишига ёрдам берди. Рус қишлоғи аҳолисининг аксариятида саноатлаштириш мақсадидаги 2-заёмга аниқ салбий муносабат бор.¹

1928 йил октябрь ойи бўйича СССР сиёсий ҳолати шарҳи (ОГПУ маълумотлари бўйича) ШАРҚИЙ МИЛЛИЙ РЕСПУБЛИКАЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Пахта бозори кампанияси. Асосий пахта экиладиган минтақаларда экин экиладиган майдонларнинг бир десятинаси ҳосилдорлиги ўртача 73 пуд эканлиги аниқланди (Фарғона). Хоразм округида об-ҳавонинг ноқулайлиги туфайли ҳосилдорликнинг пасайиши қайд этилди. Бир қатор округларда пахтакорларни дон билан таъминлашда жиддий узилишлар мавжуд. Баъзи жойларда ревендук² ва қоплар учун пахта ширкатларининг аризалари муддатидан кечиктириб ёки қисман қондирилмоқда.

Транспортни ташкиллаштиришда ҳам узилишлар қайд этилди. Пахтачилик бўйича ширкатнинг керакли миқдордаги аравалар ва туялар билан

¹ Кўрсатилган манба. – С.480 – 482.

² Ревендук – матонинг қалин тури, ташиш қулай бўлиши учун пахтадан преслиниб қопланган ўрам.

таъминлаш бўйича шартномалари тузилмаган (Самарқанд ва Фарғона округлари). Омборларни тайёрлаш бир қатор катта камчиликлар билан амалга оширилди, пахта хомашёсини сақлаш учун шийпонлар кўп ҳолларда узоқ кечикиш билан қурилди, аксарият ширкатларда шийпонларни қуришда том ёпиш учун темир тунукаларнинг етишмовчилиги сезилиб қолди.

Солиқ кампанияси. Барча округлар бўйича октябрь ойида жорий йилги солиққа тортиш ҳолати қайта кўриб чиқилди ва камайтириш жамғармаси ташкил этилди. Баъзи ҳолларда маҳаллий ҳокимият идоралари марказ кўрсатмаларини бажаришда ошириб кўрсатишга уриндилар.

Қашқадарё округида 15 кишигача қишлоқ деҳқонларини боқадиган ёки доимий ишлайдиган тегирмон ва жувозхонага эга бўлган чорвадорларни яқка солиқдан озод қилиш тўғрисида таклиф киритилди. Бу таклифлар рад этилган.

Ҳисобот даврида маъмурий босим ва асоссиз равишда мажбурий солиқ йиғиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Аксарият округларда қишлоқ хўжалиги солиғи қониқарли тарзда олинган ва баъзи ҳолларда биринчи муддат даврига келиб тушум берилган топшириқдан ошиб кетган (Фарғона, Бухоро, Хўжанд, Самарқанд округлари). Солиқ тушумларининг сушт бориши Зарафшон, Сурхондарё ва Андижон округларида кузатилади. Андижон округида солиқ тушумларининг пасайишига пахтани қабул қилишдаги узилишлар сабаб бўлди.

Бой ва бадавлат унсурлар деярли ҳамма жойда солиқларга қарши кучайтирилган ташвиқот олиб боришмоқда. Кампанияга қарши курашиш масалаларини муҳокама қилиш учун советларга қарши унсурлар йиғилишини чақириш ҳолати қайд этилди (Қашқадарё округи). Октябрь ойида ўртаҳол деҳқонлар ўртасида ўтказилган солиқ кампанияси билан боғлиқ салбий фикрлар бир оз пасайган даражада давом этган.

Дон маҳсулотлари тайёрлаш. Октябрь ойи учун дон тайёрлаш режаси фақат 40 – 50 фоизга бажарилди. Тайёрлаш суръатининг пасайиши маъмурий босимининг кучайишига олиб келди. Ўртаҳол деҳқонлар устидан баённомалар тузиш, таҳдидлар, донни мажбурий мусодара қилиш ва бошқалар юзага келди. Нотўғри ўлчаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳолатлари давом этмоқда (Қашқадарё округи).

Бир қатор округларда ва эски шаҳарларда (Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа округларда) хусусий ер эгалари донни катта миқдорда тайёрлашда давом этмоқдалар. Бойлар, савдогарлар ва мусулмон руҳонийлар деҳқонларни давлат ва кооператив органларга дон топширмасликка чақириб, уруш, совет ҳокимияти қулаши тўғрисида ва бошқа мишмишларни тарқатишмоқда (Самарқанд, Зарафшон, Қашқадарё ва Сирдарё). Камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар

оммаси орасида доннинг (Самарқанд) ва мажбурий шартномада кўрсатилган (Қашқадарё) нархларнинг пастлигидан норозилик мавжуд.

Ер-сув муносабатлари. Ер ислоҳоти туфайли ер билан таъминланган камбағал ва батраклардан ерларни тортиб олиш ҳолатлари кузатилмоқда. Баъзи жойларда ерни олиб қўйиш камбағалларга қарши таҳдидлар, калтаклаш ва алоҳида ҳолларда уларни ўлдириш ҳам юзага келмоқда.

Андижон округи Асака райони Оқкўрғон қишлоғидаги бой томонидан ер ислоҳоти туфайли бойлардан тортиб олиниб, деҳқонларга берилган ерни қайтаришдан бош тортган батрак калтакланди.

Фарғона округининг Марғилон районида собиқ босмачи янги ер берилган камбағални ўлдирди. Тошкент округи Қуйи Чирчиқ райони Тош овулида чорикор маҳаллий бойлар томонидан яширилган солиқ солиш объектларини фош қилганлиги учун ўлдирилди.

Қашқадарё округида тез орада олиб бориладиган ер ислоҳоти муносабати билан камбағаллар ер билан таъминлаш ишларини режалаштиришни талаб қилмоқдалар. Ғузур райони ер билан таъминлаш комиссиясига деҳқон хўжаликлари мардикор ва чорикорлари томонидан ер ва жиҳозлар ажратилишини талаб қилиб 160 та ариза келиб тушган. Шаҳрисабз шаҳрида 4-даҳадан келган батраклар ер ислоҳотини талаб қилиб намоиш ўтказдилар.

Худди шундай намоиш Ғузур округи Қўштепа қишлоғида бўлиб ўтди ва намоишчилар: «Помешчиклар йўқолсин, бойлар ва эшонлардан ерлар тортиб олинсин», – дея бақирди. Бойлар, собиқ амир амалдорлари ва муслмон руҳонийлари ўзларининг хўжалиklarини тугатиш ва бўлиб ташлаш билан бир қаторда ер ислоҳотига қарши ташвиқотларни кучайтиришмоқда. Ғузур райони руҳонийлари таниқли вакилларининг аксарияти ўзларининг деҳқон хўжалиklarини тугатиб, бу жойлардан кетишмоқда.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.529 – 530.

«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»: ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ О ПОЛОЖЕНИИ В СТРАНЕ (1922 – 1934 гг.) Том 7

1929 йил январь ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ

(ОГПУ материаллари асосида)

Советларга қайта сайлов

...**Ўзбекистон.** Қишлоқ сайлов комиссиялари ижтимоий таркиби бўйича жорий йилги кампанияда олдинги қайта сайловлардан кўра анчагина яхши тузилган. Шунга қарамай, зарарли унсурлар салмоғи барибир кўп. Биргина Тошкент округи сайлов комиссиясида ижтимоий бегона унсурлар салмоғи 9,5% ни ташкил этади. Барча жойларда сайлов комиссияларидаги батраklar миқдори ҳам оз – 9,8%. Сайлов комиссияларининг ижтимоий таркиби ҳолати, айниқса, эски шаҳар ҳудудларида жуда ёмон. Тошкентнинг 24 та ҳудуд сайлов комиссияси таркибининг 50% савдогар, мусулмон руҳонийлар ва бойлардан иборат. Бунга яна шуни қўшимча қилиш керакки, кўринишидан яхши шакллантирилган сайлов комиссияларининг аксарияти амалий фаолиятда бой-антисовет унсурларнинг тарафдори сифатида намоён бўлмоқдалар (яъни антисовет унсурларга сайлов ҳуқуқларининг тақдим этилиши, ўртаҳолларники эса чеклангани ва шу кабилар). Деҳқонларнинг аксариятида, умуман олганда, фаолликнинг ортаётгани кўринмоқда. Бой-антисовет унсурлар совет аппарати учун олиб бораётган гуруҳбозлик курашлари қаторида қишлоқ фаолларини қўрқитиб, уларга ўз ҳукмини ўтказиб, террор усулини ҳам қўлламоқдалар. Учта қотиллик ҳолати қайд этилган – батрак, қишлоқ совети раиси ва қишлоқ совети аъзолигига номзод бўлган қишлоқ фаоли бўлган аёллар ўлдирилган (Андижон, Фарғона округлари).¹

Афғонистондаги воқеаларининг² аҳолига таъсири ЎЗБЕКИСТОН

Қишлоқ. Афғонистондаги воқеалар Ўзбекистон қишлоқларида бой-антисовет унсурларнинг жонланишига сабаб бўлди. Совет ҳокимиятининг яқинда қулашини айтиб, қўзғолончиларга ҳамдардлик билдирган кўп сонли маълумотлар ҳам қайд этилган. Омонуллахоннинг қочгани Англиянинг ғалабаси билан боғлиқ эди, шунинг учун «яқинда Англия Ўрта Осиё халқла-

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 7. 1929 г. – Москва, 2002. – С.55.

² Афғонистон воқеалари – 1929 йил 14 январда Омонуллахон тахтдан воз кечгач, келиб чиқиши тожик бўлган Бачаи Сақо исмли қирол армиясининг собиқ унтер-офицери Афғонистон амири бўлади. У Афғонистон қироли Амир Ҳабибулло II деб эълон қилинади. Қисқа муддат давом этган унинг ҳукмдорлик даврида, совет разведкаси маълумотларига кўра, муҳожирлардан ташкил топган босмачи тўдаларнинг Ўрта Осиё республикалари ҳудудига бостириб кириш хавфи кучайган («Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 7. 1929 г. – Москва, 2002. – С.609).

рини рус истибдодидан озод этади» деган хулосалар қилинган. Дехқонлар орасида Афғонистондаги воқеалар алоҳида эътибор билан акс садо бермади. Камбағаллар тарафидан Омонуллахонга ҳамдардлик билдирилиб, кўзғолончилар қораланган айрим ҳолатлар қайд этилган.

Эски шаҳар. Афғонистондаги воқеалар энг кўп эски шаҳар қисмлари аҳолисининг эътиборини тортди. Барча жамоат жойларида асосий суҳбат мавзуси Афғонистондаги кўзғолон масаласи бўлиб қолди. Омонуллахоннинг муваффақиятсизлиги ва Афғонистондаги муҳолиф кучларнинг муваққат ғалабаси бойларни, савдогарларни, айниқса, мусулмон руҳонийларни мамнун қилди. Ушбу унсурларнинг суҳбатларида, одатда, кенг тарқалган гаплар қуйидагилар эди: «Омонуллахон албатта мағлуб бўлади, ана ўшанда Англия Афғонистондан ҳеч қандай қаршиликсиз советлар Туркистонига кириб кела олади, совет ҳукуматини йўқ қила олади ва эски тузумни қайта тиклай олади». «Кўзғолончилар Англиядан кўмак олмоқдалар, Бухоро амири Бухорони қўлга олади ва Туркистонда эски ҳолат ҳукм суради».

Афғонистон воқеаларига энг кўп Фарғона, Андижон ва Бухородаги бой-антисовет унсурлар қизиқмоқдалар, муносабат билдирмоқдалар.¹

Меҳнат қилмайдиган хўжаликларни тугатиш кампанияси

Ўзбекистон. Қашқадарё ва Сурхондарё округларида катта ер эгаси бўлган меҳнат қилмайдиган хўжаликларни тугатиш ишлари охирига етказилди. Камбағал ва батракларни бартараф этилган хўжаликлар ҳисобидан ер билан таъминлаш бошланди. Камбағалларга ер ажратишни рад этиш ва ерни мулк эгаларига бериш ҳолатлари кузатилмоқда.

Қашқадарё округи Ғузор райони Угмаджон қишлоғида 15 – 20 таноб² ери, икки-уч бош чорваси бўлган уч хўжалик яна қўшимча ер ва чорва олган. Айни пайтда, ҳеч нарсаси йўқ 6 нафар камбағалга ер ва чорвалар тақсимланмаган.

Янги ташкил топган колхозларга эътиборнинг йўқлиги сабабли уларнинг айримлари парчаланиш арафасида турибди. Баъзи ҳолатларда айни колхозларга турли ҳудудлардан ер майдонлари берилган. Бу эса ажратилган ерларга ишлов беришда анчагина қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Хоразм округида меҳнат қилмайдиган хўжаликларни тугатиш кампанияси қатор хато ва камчиликлар билан олиб борилмоқда. Баъзи ўринларда тортиб олиниши керак бўлган руҳонийларга оид ерлар тегилмай қолиб кетмоқда. Маҳаллий совет ташкилотлари ходимлари бойларнинг мулкани яширишга кўмаклашмоқда.

¹ Кўрсатилган манба. – С.58 – 59.

² Таноб – юза ўлчов бирлиги, тахминан 1/6 гектарга тенг.

Газоват райони Куниях қишлоғида имомнинг тасарруфида бўлган вақф ер¹ майдони рўйхатга олинмаган. Туркистон қишлоқ совети раиси ва котиби район комиссиясини уларда бартараф этиладиган хўжаликларнинг йўқлигига ишонтирган. Аммо қишлоқда бундай хўжаликлардан учта борлиги маълум бўлди. Шунга ўхшаш ариза Хўжа Кока қишлоғида ҳам кузатилган, бироқ бу ерда коммунистик ячейка котиби бир олибсотар бойнинг мулкани яширишга кўмаклашган.²

1929 йил февраль ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ

(ОГПУ материаллари асосида)

Советларга қайта сайлов

...Ўзбекистон. Бой, савдогар, собиқ амир амалдорлари ва бошқа антисовет унсурларнинг антисовет фаолияти кучайиши баробарида советларга қайта сайлов кампанияси камбағал деҳқон қатламларининг орасида ҳам фаолликнинг сезиларли даражада ортишига сабаб бўлди. Камбағалларнинг эътиборини қайта сайловлардан чалғитиш мақсадида ва шу билан уларни бузиш учун бойлар кўпинча турли хил зиёфатларни йиғилишлар билан бир вақтга белгилашган.

Хўжанд округи Нов райони Сет-Куган қишлоғидан бир бой қайта сайлов куни тўй қилган ва 1000 нафар деҳқонни таклиф этган. Тўй икки кун давом этган, оқибатда қайта сайловда 25% дан камроқ сайловчилар қатнашган, холос.

Айни пайтда, бой-антисовет унсурлар маҳаллий қишлоқ фаолларига қарши террорни қўлламоқдалар. Январь-февраль ойлари бўйича қайта сайловларга алоқадор ҳолда 7 та қотиллик ва 6 та тан жароҳати олиш ҳолатлари қайд этилган. Ўтган сайловлар натижасида қишлоқ советлари таркиби сезиларли даражада яхшилангани кузатилди. Дастлабки маълумотларга кўра, янги сайланган қишлоқ советлари таркибида ижтимоий бегона унсурларнинг салмоғи 3% ни ташкил қилган. Қайта сайловдан олдинги ҳолатга кўра, уларнинг салмоғи 20% бўлган. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ советларига янги сайланган ўртаҳолларнинг, ҳатто камбағалларнинг ҳам маълум қисми бойларнинг таъсири остида.³

¹ Вақф ери – араб. Мусулмон ўлкаларида давлат ёки алоҳида шахслар томонидан диний ва хайрия мақсадларда тасарруфидан воз кечилган кўчар ва кўчмас мулк. Мусулмон руҳонийларининг таъсир ўтказувчи иқтисодий тамали («Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 7. 1929 г. – Москва, 2002. – С.609).

² Кўрсатилган манба. – С.59.

³ Кўрсатилган манба. – С.121 – 122.

1929 йил март ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ

(ОГПУ материаллари асосида)

Ўзбекистон. Экиш кампанияси

Қатор округларда ташландиқ ерларни ўзлаштириш ва шולי майдонларининг қисқариши ҳисобига экин майдонининг ортиши кутилмоқда. Фарғона округида экиш кампаниясининг режасида экин майдонларини 1927 – 1928 йиллардаги 216568 гектар ўрнига 228723 гектарга чиқариш назарда тутилган. Зарафшон округида 1927 – 1928 йиллардаги 92000 десятина ўрнига 96400 десятина суғориладиган экин майдонлари белгиланган. Пахта майдонлари ўтган йилга нисбатан 27,6% кенгайиши мўлжалланмоқда. Хоразм округида умумий экин майдонини ўтган йилга нисбатан 5% кўпайтириш мўлжалланмоқда. Жорий йилги экиш кампаниясида пахта майдонини кўпайтириш ўтган йилга нисбатан режа бўйича 30% ни ташкил этади. Самарқанд округида пахта экиш майдони 1927 – 1928 йилларда 40360 гектарга тенг бўлган, 1928 – 1929 йилларда эса 49800 гектар бўлиши керак. Айрим жойларда ер ишлари органлари ва пахта ширкатлари фаолиятида номувофиқлик кузатилмоқда, шунинг учун экин майдонларининг назорат кўрсаткичлари келишилмаган ва аниқлаштирилмаган. Хўжанд ва Сурхондарё округларида пахта экиш учун аризаларни йиғиш муваффақиятли давом этмоқда. Андижон округида дастлабки тахминий режа кўрсаткичлари пахтакорларнинг мурожаатлари кўрсаткичларидан ошиб кетган ҳолатлар бўлган, бу қисман аризаларни йиғишдаги камчиликлар билан боғлиқ. Деҳқонларни уруғлик материаллари билан таъминлашда сезиларли узилишлар мавжуд. Сув хўжалиги бўйича асосий таҳдид суғориш тармоғига сезиларли даражада зарар етказадиган сув тошқинлари ҳисобланади. Сув тошқинлари сабабли юзага келадиган вайронгарчилик ҳолатлари учун жойларда ярим тайёр материалларнинг йўқлиги тез-тез кузатилмоқда, қурилиш материалларининг етишмаётгани сезилмоқда. Айрим округларда ирригация қурилиши соҳасидаги жиддий камчиликлар муҳандис-техник кадрларнинг етишмаслиги ва суғориш тармоқларининг ёмон жиҳозланганлигида кўринади. Сув тизими ҳолатини тадқиқ этиш йўлга қўйилмаган. Хоразм округида дарё тошқини натижасида 59 та хўжаликни сув босган ва 60 танобга яқин экин майдони нобуд бўлган. Айрим жойларда табиий мажбурият бўйича иш юкининг янада кучли хўжаликларга ўтказилиши муносабати билан бадавлат хўжаликларнинг ўз хўжалиklarини бўлиш ҳоллари қайд этилган. Қулоқ-бой унсурлар пахта майдонларини қисқартириш бўйича кучли ташвиқот юритмоқдалар. Бойларнинг ташвиқоти оқибатида камбағалларнинг пахта экишдан бош тортишлари (Фарғона округида) кузатилган.¹

¹Кўрсатилган манба. – С.167.

1929 йил апрель ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ

(ОГПУ материаллари асосида)

Афғонистондаги воқеаларнинг аҳолига таъсири

...Ўзбекистонда Афғонистондаги воқеалар хусусида омма орасидаги гап-сўзларнинг биров камайгани баробарида антисовет унсурлар ўзларининг совет ҳукуматига қарши ташвиқотларида улардан янада кўпроқ фойдаланаётгани кузатилмоқда. «Бухоро амири Англиядан 4000 аскар олиб, яқинда Бухорога хужум қилади» деган мишмишлар тез тарқалмоқда. советларга қарши ташвиқотлар маҳаллий фаолларга қарши таҳдидлар ва террорга чақириқлар билан бирга кузатилмоқда. Қуйидаги таҳдид турлари қайд этилган: «Англия Афғонистонни босиб олгач, СССРни ҳам қўлга олади. Совет ҳукуматига хизмат қилганларни йўқ қилишга тайёр туришимиз керак» ва ҳ.к.

Экиш кампанияси

Ўзбекистон. Район экиш комитетлари ва ер кооператив ҳамда совет аппаратлари ходимларининг ишга сусткашлик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётгани кузатилмоқда. Камбағал ва ўртаҳол қатлам эса мазкур тадбирлар доирасида етарлича уюшмаганлар. Омма деҳқонлар орасида ташвиқот-тушунтириш ишлари (жумладан, пахта экин майдонларини кўпайтириш бўйича ташвиқот) баъзи жойларда умуман ўтказилмаган ёки ўтказилган бўлса-да, етарли бўлмагани кундек равшан. Ягона қишлоқ хўжалиги солиғи ҳақидаги янги қонун яхши оммалаштирилмаган.

Экин майдони

Назоратга олинган пахта майдони 97 – 98% миқдорида тушган аризалар ҳисобига қопланган, 15 апрель ҳолатига кўра, назорат ҳудудларининг 86% га аванслар берилган. Бироқ бу натижаларни реал ҳолат деб қабул қилиб бўлмайди. Қатор ҳолатларда маҳаллий ташкилотлар режа кетидан қувиб мажбурий тартибда битим тузишга йўл қўйганлар, мавжуд бўлмаган пахта майдонларини ёзиб рўйхатга олганлар (Андижон округи). Марғилон пахтачилик ширкатида умуман ери бўлмаган (Фарғона округи) шахсларни пахта экиш учун рўйхатдан ўтказишнинг алоҳида ҳолатлари кузатилган. Баъзи жойларда пахта майдонлари экилмай қолиб кетмоқда, чунки баъзи деҳқонлар қишлоқ хўжалиги кредитини олишга умид қилиб катта майдон учун ариза берганлар, лекин кредитни ололмагач, майдоннинг озроқ қисмига экишни мўлжалламоқдалар. Бухоро округи Қоракўл райони Чалдир қишлоғида шундай ҳолат сабабли пахта майдони 100 танобга қисқармоқда. Бироқ бундай фактлар барчага хос ҳисобланмайди, умуман, пахта экиш бўйича майдон учун битим тузиш муваффақиятли ўтди.

АҲОЛИНИНГ ЎТКАЗИЛАЁТГАН КАМПАНИЯГА МУНОСАБАТИ

Бойларнинг фаоллиги

Деҳқонларнинг асосий қисми ҳосилдорликни кўтариш ва пахта майдонларини кенгайтириш масаласига ижобий қарамоқдалар. Пахтакорларнинг норозилиги уруғлик материаллари ва буғдой етказиб беришдаги узилишлар туфайли юзага келади. Пахта майдонини қисқартириш, шунингдек, пахта ҳисобига бошқа экинларни кенгайтириш учун камбағал ва ўртаҳол деҳқонларнинг бир қисми томонидан норозилик ҳолатлари асосан бой-антисовет унсурларнинг тўхтовсиз ташвиқоти оқибатида келиб чиққан. Хонобод қишлоқ жамоасида бойлар йиғилиш уюштирганлар ва унда пахта экин майдонларини қисқартиришга қарор қилганлар (Хўжанд округи). Бойларнинг ташвиқоти натижасида камбағал ва ўртаҳол деҳқонларнинг пахта экиш ва битим тузиш бўйича рад жавоби берган ҳолатлари қайд этилган (Бухоро, Хоразм, Андижон округлари).

Сув масаласи

Қатор канал ва тўғонлар тўлиқ таъмирга муҳтож. Ариқларни тозалаш ва сув иншоотларини текшириш бажарилмаган. Округдаги сув хўжалиги корхоналарининг ишламаётгани кузатилмоқда, улар ўз вақтида хавfli участкаларни ўрганиш ва эҳтимолий сув эрозияси ҳолатларининг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўриш ишларини бажармаганлар. Бир неча ўринларда тўғонларнинг емирилиши, ўпирилиши, ариқ бошларидаги ўпирилиш хавфи каби ҳолатлар қайд этилган. Купала, Бунасирка ва Яккатут қишлоқ жамоаларида 1000 гектар ерни сув босган. Қўғайли қишлоқ жамоасида (Фарғона округи) тахминан 8000 таноб ерни сув босган. Ишчи кучлари билан қурилиш материалларининг етишмаётгани сезилмоқда. Айрим жойларда (Андижон, Тошкент округлари) бойлар ва бадавлат деҳқонлар ариқларни тозалаш ишлари бўйича ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришга жалб қилинмаганлар.

Қишлоқ хўжалиги кредити

Камбағаллар йиғилишларида қишлоқ хўжалиги кредитини олиш бўйича рўйхатларни муҳокама қилиш ўтган йилга қараганда анча суст ўтган. Баъзи бир камбағаллар йиғилишларида ва қишлоқ совети пленумларида эса рўйхатлар умуман кўриб чиқилмаган. Тошкент, Фарғона, Хўжанд ва бошқа округларда қишлоқ хўжалиги ускуналари ва иш ҳайвонларини сотиб олиш учун мўлжалланган ссудалар баъзан бойларга, савдогарларга, мусулмон руҳонийларига ва бошқа антисовет унсурларга ҳам берилган. Шу билан бирга, муҳтож бўлмаганларга кредит бериш ва мазкур кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Қишлоқ хўжалиги ускуналари. Тракторлар

Пахтакорларни қишлоқ хўжалиги ускуналари билан таъминлашда суст-кашликка йўл қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ускуналари ва тракторлар бўйича тушган аризалар айрим жойларда жавобсиз қолдирилган. Баъзи жойларда сотиб олинган қишлоқ хўжалиги ускуналари майда қисмлар ва турли жабдуқларнинг етишмаслиги сабабли ишлатилмайди. Европа ускуналарини етказиб бериш яхши йўлга қўйилмаган. Пахтакорлар фойдаланишни билмайдиган Европа ускуналарини оммалаштириш бўйича зарур ишлар олиб борилмаган. Мавжуд тракторлар кўпинча сифатсиз таъмир сабабли бузилмоқда ва туриб қолмоқда. Ёқилғи материаллари ёки эҳтиёт қисмларининг етишмаслиги сабабли бир қатор тракторлар ишламай туриб қолмоқда.

Пахтакорларнинг нон билан таъминланиши

Фарғона ва Хоразм округларида нон етишмовчилиги мавжуд. Нон дўконлари олдида 400 кишигача навбатлар пайдо бўляпти. Нон етказиб беришдаги узилишлар сабабли баъзан деҳқонлар томонидан пахта экишдан бош тортиш ҳолатларда кузатилмоқда. Хусусий ишлаб чиқарувчи фурсатдан фойдаланиб нон нархини кўтариб юбормоқда. Хоразм округи Хива шаҳри бозорида буғдойнинг нархи бир кунда, эрталабдан кечгача 100% кўтарилган. Айрим кооператив ташкилотлар камбағал хўжаликларга буғдой тарқатишда экиш бўйича «бешлик» комиссиясининг қарорларини бажаришда масъулиятсизлик ва сусткашлик қилмоқдалар.¹

1929 йил май ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ

(ОГПУ материаллари асосида)

Афғонистондаги воқеаларнинг аҳолига таъсири

Ўзбекистон. Мусулмон руҳонийлар, бойлар, собиқ босмачилар ва бошқа антисовет унсурлар фаоллигининг навбатдаги кучайиши Фузайл Махсум бостириб келганда ошкора кўринди. СССРга қарши уруш ва хужум ҳақидаги иғво ва мишмишлар ҳали ҳам кенг тарқалмоқда. Уларнинг аксариятида «Бухоро амирининг Афғонистондан келиши», «Амир билан Англиянинг СССРга қарши уруш эълон қилиши» (Андижон ва Қашқадарё округларида) ҳақида гапирилади. Анτισовет унсурлар, хусусан, собиқ босмачилар қуруқ ташвиқот ҳамда мишмиш тарқатиш билан чекланиб қолмай, қўзғолон кўтариш ва уруш ҳолатларига тайёргарлик кўраётганлари қайд этилмоқда.

Сурхондарё округида бойлар, руҳонийлар, собиқ босмачилар ва амир амалдорлари тез-тез йиғилишлар ўтказиб, Афғонистондаги воқеаларни ва совет ҳукумати билан курашиш чораларини муҳокама қилмоқдалар.

¹ Кўрсатилган манба. – С.207 – 209.

Андижон округи Тўрақўрғон қишлоғида собиқ босмачининг уйида йирик босмачи-қўрбошиларнинг йиғилиши ўтказилиб, Тожикистон ва Фарғонадаги босмачилик ҳолати масалалари муҳокама қилинган. Андижон округи Қизил Арват қишлоғида сўнгги пайтда деҳқончилик билан шуғулланаётган собиқ босмачи қўрбошилар отлар сотиб олганлар ва собиқ тўда йигитлари билан алоқаларни тиклаганлар.¹

Миллатлараро муносабатлар

Ўзбекистон. Алоҳида миллатлар ўртасидаги муносабатларда кескинлашув кузатилмоқда. Хоразм округини Туркменистонга бериш ҳақидаги қарор муносабати билан Нов райони ўзбек аҳолиси районнинг Тошкент округига қўшилиши масаласини кўтариб чиққан. Бу хусусда маҳаллий ўзбек ходимлар аҳолидан қарорномалар чиқаришни ташкил қилганлар ва чопар билан Самарқандга юборганлар. Бухорода эса тожикларнинг Бухорони Тожикистонга қўшиб олиш ҳақидаги масалани кўтариб чиқмоқчи бўлганлари учун ўзбек миллатчилари томонидан ўзбек тарғиботининг кучайгани кузатилмоқда. Маориф халқ комиссарлигининг таълимни тожик тилида олиб бориш ҳақидаги фармойиши ўзбек ўқитувчиларининг норозилигини келтириб чиқарди. Фарғона округи Поп районида ўзбеклар ва қирғизлар ўртасида доимий ер низолари сабабли тез-тез тўқнашувлар бўлиб турибди. Бу ҳолат Хўжанд округида ҳам кузатилган. Исфара райони тожиклари билан қирғизлар ўртасида сувдан фойдаланиш масаласида муштлашиш келиб чиққан, жанжалда 100 га яқин қирғиз қатнашган. Ўзбек миллатчи зиёлилари орасида совет аппаратидаги навбатдаги тозалов ҳамма ерда адоват билан кутиб олинди. Йирик мафкурачиларнинг нутқларида қуйидаги жумлалар кузатилади: «Тозалов ўзбекларни тозалов бўлади; маҳаллий халқдан ишчи ва деҳқонлар бўлмаганидан русларни ўтқизади» (Андижон); «Сотқинлар мансаб-амал учун сотилиб, таълим муассасаларидан ўзбек болаларини ҳайдамоқдалар» (Самарқанд) ва бошқ. Шу асосда босмачилар фойдасига бўлган фикрлар ҳам қайд этилади: «Бизнинг ўзбеклар агар ҳукуматдан норози бўлса, қуролланади ва босмачиликни тузади, ўзбекнинг мана шу қайноқ қонини қадрлаш керак; босмачилар мусулмонларни албатта озод қилади» (Андижон).²

¹Кўрсатилган манба. – С.258 – 259.

²Кўрсатилган манба. – С.260 – 261.

1929 йил июнь ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ

(ОГПУ материаллари асосида)

ЎРТА ОСИЁ

Чигиртка. Чигиртканинг июнь ойида навбатдаги тарқалиши янги ҳудудларни (Ўзбекистоннинг Хоразм округи, Туркменистоннинг Тошҳовуз округи ва Қорақалпоғистонни) босиб олишига олиб келди. Чигиртка қисман Бухоро, Қашқадарё, Зарафшон, Самарқанд округларига ҳам тарқалмоқда. Чигирткадан зарар кўрган ҳудудлар тахминан ярим миллион гектарни (Туркменистонда 300000 гектар, Ўзбекистонда 195000 гектар) ташкил қилади. Ҳозиргача чигирткалар томонидан етказилган зарар катта эмас. Чигирткаларнинг оммавий чиқиши катта зарарга олиб келади. Эрон ва Афғонистонда чигирткаларнинг янги оқими пайдо бўлиши кутилмоқда.

Чигиртка билан курашиш, умуман олганда, муваффақиятли кетмоқда. Зарарланган майдонлар ҳисобидан Туркменистонда 107000 гектар, Ўзбекистонда 6000 гектар ер қайта ишланди. Бироқ маҳаллий ишчилар ва техник хизматчилар томонидан йўл қўйилган қатор эътиборсизлик ва масъулиятсизлик ҳолатлари қайд этилди, натижада 23 нафар совет органлари ходими ва 2 нафар мутахассис жавобгарликка тортилди. Шунингдек, аҳолини чигиртка билан курашишга жалб қилишда маъмурий ўзбошимчалик ҳолатлари қайд этилган. Чоржўй округи Қорабеккўл районида чигиртка билан курашишга масъул бўлган вакил бир деҳқонни қамчи билан урган. Бухоро округи Рометон райони бешлик комиссияси раиси 15 нафар деҳқонни ишга кетмон билан эмас, таёқ билан чиққанлари учун ҳибсга олган. Ҳаммаси бўлиб кампания давомида ҳар хил, гоҳида аҳамиятсиз қонунбузарликлар учун ҳам 57 нафар деҳқон жавобгарликка тортилган.

Аксарият деҳқон оммаси аҳолининг чигирткалар билан курашишга жалб этилишини, умуман олганда, тўғри қабул қилмоқда. Бойларнинг ташвиқотлари фақат санокли ҳолатлардагина деҳқонлар томонидан кўллаб-қувватланмоқда.

Самарқанд округи Ургут райони Омон-Қўтан қишлоқ советида чигирткага қарши дориланган майдонда чорваларнинг ўтлаб заҳарлангани муносабати билан бойлар томонидан оммавий намоиш уюштирилди. Болталар билан қуролланган аҳоли инструкторни излаб тополмагач, миробни калтаклади ва бошқа ишчиларни ҳайдаб юборди.

Қашқадарё округи Чим қишлоғида чигирткаларга қарши кўрилган чоралар натижасида экинларнинг зарарланиши сабабли икки қишлоқ ўртасида низо келиб чиқди. 500 кишидан иборат гуруҳлардан бири бойлар раҳбарлиги остида ишчиларни ҳайдади, баъзиларини калтаклади ва бу ерга етиб келган ҳукумат вакилларини жазоламоқчи бўлди.

Чигиртка билан курашиш тадбирларига нисбатан қарши фаолият ва ташвиқот учун (шунингдек, оммавий ибодатлар ва қурбонлик келтиришга ташвиқ қилиш ва ташкиллаштириш шаклида намоён бўлса ҳам) 30 киши жавобгарликка тортилган. Уларнинг кўпчилиги бой ва бошқа антисовет унсурлардир (Хоразм, Қашқадарё, Сирдарё, Зарафшон округлари – Ўзбекистон, Туркменистон).

Советларга қарши чиқиш

Ўзбекистон. Афғонистондаги воқеалар ва реакцион унсурларнинг муваффақиятлари қишлоқ ва эски шаҳарларда советларга қарши қатламларнинг фаоллигини янада оширишга ёрдам беради. Омонуллахоннинг қочиши ва Бачаи Сақо позицияларининг мустаҳкамланиши Афғонистон ва Англиянинг СССРга ҳужум қилиб қолиши мумкин эканини кўрсатувчи янги омил сифатида баҳоланмоқда. «Буюк давлатлар амирга ўз ҳукмдорлигини қайтариб беришга қарор қилгани, Бухоро амири ва Иброҳимбек қўшинларининг пешқадам қисмлари Ўзбекистонда экани» ва шу каби мишмишлар кенг тарқалмоқда. Камбағал фаоллар, батрақлар ва совет ходимларига нисбатан таҳдидлар сони жуда ортган. Бухоро амирининг келиши ва совет ҳукуматига қарши кўзғолон тайёрлашга даъват қилиш ҳолатлари ҳам қайд этилган. Афғонистондаги муҳолиф кучларнинг муваффақиятлари сабабли советларга қарши ташвиқот юритиш энг кўп Сурхондарё, Бухоро, Андижон ва Фарғона округларида кучайган.

Дастлабки тугалланмаган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 30 май ҳолатига 21 та қотиллик ва жароҳатлаш, 30 июнь ҳолатига 18 та қотиллик ва жароҳат етказиш ҳолатлари қайд этилган. Пешқадам округларда террор ҳолатларининг, умуман, камайганига қарамай, июнь ойида қотиллик ва жароҳатлаш ҳолатлари май ойига нисбатан ортган (Андижон округи 5 тадан 9 тага, Фарғона 0 дан 5 тага етган). Террорчилик актларининг аксарият қисми ердан фойдаланиш, аёлларни озодликка чиқариш ва фаол жамоат ишлари бўйича амалга оширилган.

Ғалла етишмовчилиги

Жорий йилда Ўзбекистонда пахта экувчилар сони ортгани сабабли шунга мувофиқ дехқонларнинг четдан келадиган ғаллага бўлган эҳтиёжи ҳам ортган. Бироқ унинг миқдори ўтган йилги ҳолат бўйича сақланиб қолган. Натижада нон бозорида юзага келган маълум етишмовчилик, биринчи навбатда, Андижон ва Фарғона округларида ўз таъсирини кўрсатди, пахтакорларга июнь ойига келиб тарқатиладиган буғдой миқдори ўтган йилги шу давр ҳолатига кўра сезиларли даражада камайган. Андижон округида пахтакорларни буғдой билан таъминлаш нормаси беш пуддан уч пудгача камайтирилган.

Чунончи, буғдой, биринчи навбатда, апрель ва май ойларида ўз нормасини олмаган колхозчи ва камбағалларга тарқатилган. Ушбу қарор пахтакорларнинг асосий қатламлари орасида қаттиқ норозиликни келтириб чиқарди, натижада тарқатиладиган буғдой нормасини оширишни талаб қилиб чиққан қатор намоишлар бўлди.

Андижон округи Кўрғонтепа районида деҳқонлардан иборат 200 кишилик оломон тўпланиб, уч пуд буғдой олишдан бош тортдилар ва беш пуддан берилишини талаб қилдилар. Айти талабларни Манак ширкати деҳқонлари ҳам кўтариб чиқдилар, натижа бўлмагандан кейин деҳқонлар ширкатга аъзолик дафтарчаларини улоқтирдилар. Сўфиқишлоқда эса деҳқонлардан иборат 200 кишилик оломон қишлоқ ижроқўми раиси билан пахта уюшмаси инструктори Андижонга бориб, буғдой нормасини ошириб келишларини талаб қилдилар. Фарғона округи Серово станциясида ширкатда 300 киши тўпланиб, зудлик билан дон берилишини талаб қилдилар.

Ғалла таъминотидаги узилишлар сабабли деҳқонларнинг қатор намоишлари қайд этилган бўлиб, улар буғдой экиш ҳисобига пахта майдонларини камайтириш ҳақида таҳдидлар қилганлар. Антисовет унсурлар фурсатдан фойдаланиб буғдойни Ўрта Осиёдан Россияга жўнатмоқдалар деб мишмиш тарқатиб, «Агар ерни қайта ҳайдаб, пахта ўрнига жўхори экмасангиз, очликдан ўласизлар. Ҳокимият барибир бизники бўлади, босмачилар енгилмайди. Шунинг учун ҳаракат қилинглар» деган ташвиқотни кучайтирганлар ва пахта экмасликка чақирганлар.¹

1929 йил июль ойи учун СССРдаги сиёсий вазиятга шарҳ

(ОГПУ материаллари асосида)

ЎРТА ОСИЁ

Ғалла етишмовчилиги

Пахтакор деҳқонларнинг ва пахтачилик округларининг буғдой билан таъминоти захиралар етишмаётгани учун ҳозиргача кескин бўлиб қолмоқда. Июль ойида Фарғона ва Хўжанд округларида пахтакорларни буғдой билан таъминлаш бутунлай тўхтатилган эди, Андижон округида эса пахтакорларга фақат бир-икки пуддан буғдой берилган, холос. Фарғона округида ҳатто экинлари табиий офатдан нобуд бўлган пахтакорларнинг ҳам таъминоти тўхтатилган. Шунинг учун пахтакорлар орасида норозилик ва пахтага қарши кайфиятнинг ортиб бораётгани кузатилмоқда.

«Биз пахтани экдик, лекин ҳукумат ўз ваъдасини бажармади. Беш пуд ўрнига уч пуд беришди, ҳозирда эса умуман беришмаяпти. Пахтанинг биринчи теримидан кейиноқ буғдой экиш керак».

¹Кўрсатилган манба. – С.306 – 308.

«Ваъда қилинган норма ўрнига фақат икки пуддан беришмоқда, у ҳам бўлса чириган, айниган. Кейинги йили ақллироқ бўламиз ва керагича буғдой экамиз».

«Баҳорда пахта кооперативлари деҳқонларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ барча эҳтиёжларини таъминлашга ваъда берганлар, ҳозир эса ҳеч нарса бермаяптилар. Хусусий мулк эгасига бориб, уч баробар қимматига олишга тўғри келади».

Хўжанд округида қисман пахта экини ўрнига гуруч экилгани қайд этилган. Бозорга янги ҳосил буғдойнинг кириб келганига қарамай, доннинг нархи пасайгани йўқ.

Ғалла етиштириш кампанияси

Ўзбекистон. Бошоқли дон етиштириш паст суръатларда давом этмоқда. Июль ойи режаси 25 июль кунига атиги 19% бажарилган. Аксарият округларда буғдой бўйича шартнома тузиш кампанияси етарли даражада олиб борилмаган. Қашқадарё округининг Китоб, Шаҳрисабз ва бошқа районларида авансиз шартнома тузишга ҳали киришилган эмас, пулли шартнома тузиш Яккабоғ, Чироқчи, Китоб ва Ғузор районларида кечикишлар билан давом этмоқда. Самарқанд округи Жиззах районида шартнома тузиш бўйича тушунтириш ишлари нотўғри олиб борилгани учун Бағдод ширкатида шартнома тузилмаган. Қуйи совет партия ходимлари ва ширкатлар томонидан буғдой бўйича шартнома тузишда ҳам, умуман, буғдой етиштириш учун ҳам кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмаган.

Дон тайёрлаш корхоналари буғдойни қабул қилишга тўлиқ тайёр эмас, баъзи жойларда тарози каби зарур ускуналар йўқ, омборхоналар дезинфекция қилинмаган ва тайёрланмаган (Зарафшон, Қашқадарё, Самарқанд округлари).

Тайёрлаш ташкилотлари орасида рақобатлашиш фактлари қайд этилган. Муҳим камчиликлар қаторига бошқарувдаги нўноқлик, деҳқонларни бозорлардан ҳайдаш, қўполлик ва бошқа фактларни ҳам киритиш керак.

Қашқадарё округи Чироқчи райони Ним қишлоғида кооператив вакили донни фақат кооперативларга топшириш ҳақида ташвиқот юргизган, чунки «Фақат истеъмолчилар кооперативигина дон топширганларни етарлича озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаши мумкин».

Қашқадарё округи Чироқчи қишлоғида тайёрлаш пункти мудирини кооперативга буғдой топширгани келган барча деҳқонларни бозордан ҳайдаган, деҳқонларни ҳақорат қилган ва ўша кунини магазин мудирига чой сотишни тақиқлаган.

Бозорларга буғдой келтирилгани сабабли хусусий олибсотарларнинг кўпайгани кузатилмоқда. Қатор жойларда келтирилган буғдойни хоҳ бозор-

ларда, хоҳ йўлларда бўлсин сотиб олмоқдалар. Самарқанд округида хусусий тегирмонлар томонидан 12 – 13 июль кунлари 1356 пуд дон, 16 июль куни эса 2169 пуд дон сотиб олинган. Бой-антисовет унсурлар ғалла етиштириш кампаниясига қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар. Бойлар томонидан ноқонуний чақирилган йиғилишлар қайд этилган бўлиб, уларда ғалла етиштириш ишларига зарар етказиш масалалари муҳокама қилинган. Қашқадарё округи Ғузор райони Араб қишлоғида 11 кишидан иборат бойлар гуруҳи тузилган бўлиб, улар ўз одамларини қишлоқларга юбориб, аҳолини давлатга дон топширмасликка даъват қилганлар.

Ягона қишлоқ хўжалиги солиғи

Солиққа тортиладиган объектлар ҳисобини юритиш бўйича ташвиқот-тушунтириш ишлари аксарият округларда яхши ўтказилмаган. Кенг деҳқонлар оммасини ягона қишлоқ хўжалиги солиғи ҳақидаги янги қонун билан таништириш ишлари етарли бўлмагани кундек равшан. Бир қатор округларда янги солиққа аниқлик киритиш ва солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш учун деҳқонларнинг йиғилишлари умуман чақирилмаган. Бошланғич совет ва партия ташкилотлари янги қонунга жамоатчилик фикрини жалб қилиш учун тегишли фаолият кўрсатмади. Шу муносабат билан солиққа тортиладиган объектлар ҳисобини юритиш кампанияси жараёнида салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд округлари, Тошкент округи Пскент райони ҳисоб комиссияларининг ҳеч ҳаракат қилмаётгани қайд этилган. Кейингилари аксарият ижтимоий ёт унсурлардан тузилган бўлиб, бойларга ва руҳонийларга солиқ солинадиган объектларини яширишда кўмак бериб, ҳомийлик қилиб келмоқдалар. Оқибатда синфий чизикдан оғиш ҳолатлари кузатилмоқда. Камбағал ва ўртаҳол хўжаликларни қайта солиққа тортишнинг алоҳида фактлари қайд этилган. Комиссиялар таркибида беғона унсурларнинг мавжудлиги, айниқса, солиқ солинадиган объектларни белгилашда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва бошқа округларда солиқ солинадиган объектларни яшириш оммавий тус олган. Жумладан, Сурхондарё округида ҳисоблардаги камомад назорат рақамларига нисбатан лалмикор ерларда 973 десятина, суғориладиган ерларда 1445 десятина, пахтада 53 десятина миқдориди ўз ифодасини топган.

Колхозлар

Ўзбекистон. Колхоз қурилиши жуда катта камчиликлар билан бирга давом этмоқда: етарли бошқарувнинг йўқлиги, ишлаб чиқаришнинг ёмон ташкил этилгани, моддий ва агротехник ёрдамнинг ёмонлиги ва ҳ.к. Хўжанд ва Қашқадарё округларида колхозларнинг ўз ерларини деҳқонларга ижарага бериб

юборишлари ва мақсадли кредитлар бошқа мақсадларга сарфланиши ҳолатлари мавжуд. Баъзи бир колхозларда ишчилар бўла туриб қўшимча кучлар ёлланмоқда, колхозчиларнинг ўзлари бошқа ишлар билан банд. Ишлаб чиқаришнинг ёмон ташкил этилгани ва аграр бошқарувнинг етарли эмаслиги сабабли колхоздаги экинлар ҳолати якка деҳқонларникига қараганда ёмонроқ бўлган ҳолатлар қайд этилган. Қашқадарё округи Китоб артелида мазкур артель аъзоларининг айнан суғориш ишларига бўлган масъулиятсизлиги натижасида 100 таноб майдондаги экин нобуд бўлган. Колхозларга кириб олган ижтимоий бегона унсурлар томонидан ўз хўжалиklarини ён томонда қолдириб, қариндошларига топшириш ёки ижарага бериш истаги кузатилмоқда.

Сурхондарё округи «Ер-Ислоҳот» колхози раиси собиқ бой, амир оқсоқолининг ўғли бўлиб, унинг алоҳида ўз хўжалиги бор. Шунга ўхшаш фактлар Фарғона, Қашқадарё ва бошқа округларда ҳам аниқланган.

Июль ойида якка деҳқонлар билан колхозлар ўртасида ер масаласида икки марта низо ҳолати қайд этилган. Жумладан, Фарғона округи Катта қайнар қишлоғида «Ўртоқ» ва «Иттифоқ» колхозларида ердан фойдаланиш ишлари сабабли деҳқонларнинг оммавий намойиши бўлди. Бунда деҳқонлар ўзларига тегишли ерларнинг колхозга ўтиб, ўрнига бошқа ҳудуддаги ерлар билан алмашиб қолганидан норози бўлганлар. Бой-антисовет унсурлар таъсирига тушган 250 деҳқондан иборат оломон округ ижроия кўмитасига келиб, ердан фойдаланиш ҳақидаги қарорнинг бекор қилинишини қатъий талаб қилган. Ушбу қарор ижроси тарафдори бўлган «Ўртоқ» колхози раиси тажовузга учраган ва уч жойидан пичоқланиб жароҳатланган. Деҳқонларнинг колхозларда ердан фойдаланиш ишларини тартибга солиш масаласидаги норозиликлари Фарғона округи Қўқон райони Бешариқ қишлоғида ҳам рўй берган. У ерда деҳқонларнинг ерлари колхозга ўтказилган.

Чигиртка

Чигирткага қарши муваффақиятли кураш олиб борилгани учун Ўрта Осиё бўйлаб унинг тарқалиб кетиши олди олинди. Умумий ҳисобда чигирткадан зарарланган тахминан 50000 гектар майдондан 30 – 40% гача қисми қайта ишланди. Қумли ҳудудлар хавотирга солмоқда, чунки мазкур ерларнинг чигирткадан қанчалик зарар кўргани аниқланмаган. Чигирткалар ҳам экинзорларга айнан қумли ҳудудлардан ҳужум қилган ва катта зарар келтирган. Хива воҳасида чигирткаларнинг қумли ҳудудлардан чиқиб келиши тўхтамаган. Пахтазорларнинг зарарланиш ҳолати кўп эмас: Туркманистон ССРда 458 гектар, Ўзбекистонда 811 гектар. Кўпроқ зарар маҳаллий чигирткалардан (прус, Марокаш байтали каби турлардан) етган бўлиб,

3545 гектарни ташкил қилади. Чигиртка билан курашишда ходимлар томонидан ҳалигача бошқарувда чегарадан чиқиш ҳолатлари (калтаклаш, таҳдид) кузатилмоқда.

Қашқадарё округи Чим қишлоғида ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ходимлари ўзбошимчалик билан бозорни ёпганлар ва аҳолини чигиртка билан курашиш ишларига ҳайдаганлар, савдогарларни калтаклаганлар, уларнинг молларини майдонга улоқтирганлар.

Қўшкетма қишлоғида ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ходими иш пайтида бир батракни калтаклаган.

Чигирткага қарши курашиш комиссиясининг бой-антисовет унсурни ҳимоя қилгани қайд этилган. Сертоб ва Қитанч қишлоқларида чигиртка билан курашишга фақат камбағалларнинг отлари олинган. Бойларнинг турли-туман мажбуриятлардан озод бўлиши ҳолатлари барча округларда кузатилган.

Дехқонларнинг кўпчилиги, умуман олганда, аҳолининг чигиртка билан курашишга жалб этилишини ҳали ҳам ижобий қабул қилмоқдалар. Чигирткалар хуружидан мусулмон руҳонийлари ўзларининг антисовет ташвиқотларида фойдаланиб «чигирткалар босқини – худонинг жазоси» ва шу кабиларни таъкидламоқдалар. Натижада аҳоли орасида қурбонлик келтириш ҳолатлари кўпайган.

Сурхондарё округида қурбонлик келтириш оммавий тус олган. Шеробод районида чигиртка билан курашиш ишлари пайтида 260 тача дехқон қишлоқ совети раиси ва миробнинг рухсати билан қурбонлик келтиришда қатнашган. Бундан ташқари, округда 600 тача одам қатнашган яна 10 та шунга ўхшаш қурбонлик келтириш ҳолати қайд этилган.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.349 – 353.

**«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»: ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ
О ПОЛОЖЕНИИ В СТРАНЕ (1922 – 1934 гг.) Том 8 Часть 1**

**Тошкент шаҳри ирригация тизимидаги
ўпирилиш тўғрисида Ўрта Осиё учун ОГПУ ПП¹
ахборотидан кўчирма, 1930 йил 6 – 8 январь
№379404 Мутлақо махфий**

Жорий йилнинг 1 январь куни эрталаб соат 7 да Тошкентда Анҳор-Калкай суғориш тизимининг Анҳор тармоғида катта сув тошқини юз берди.

Тошкент Эски шаҳар қисмининг пасттекислик қисмларини сув босди. Сув тошқини кечки соат 9 гача давом этди.

Сув тошқинига қарши курашиш учун шаҳар ҳарбий қисмлари, партия, комсомол, милиция ходимлари ва шаҳар фуқаролари сафарбар қилинди.

Сув тошқинларини назорат қилишни енгиллаштириш учун ГЭСнинг иши тўхтатилди, натижада саноат корхоналари фаолияти камайди. 2 январь куни соат 16 да тайёргарлик ишларидан сўнг станцияда битта турбина ишга туширилди.

Зарар миқдорини аниқлаш бўйича махсус комиссия томонидан сув тошқини натижасида 101 хонадон, округ ижроия қўмитаси саноат инспекциясининг тегирмони, меҳнат биржасининг юнг титувчи фабрикаси зарар кўрган ва кўприк вайрон бўлгани аниқланди.

Қурбонлар сони 501 кишига етгани аниқланган.

Умумий зарар, саноат корхоналарининг ишламай қолиш вақтидаги йўқотишларни ҳисобга олмаганда, тахминан 117100 рублни ташкил этади. Зарар етказилган кооператив ва давлат мулкидан йўқотиш тахминан 86000 рубль.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича комиссия раиси ҳозирда ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари ўртоқ Бабенко ҳисобланади.

Тергов шуни кўрсатадики, тошқин гидроэлектрстанция томонидан истеъмол қилинадиган сув миқдорининг кескин ўзгариши натижасида юзага келган. Таъкидлаш жоизки, Тошкент округ сув бошқармаси томонидан станция маъмурияти бир неча бор бундай ҳодисага йўл қўйилмаслигини таъкидлаб ўтган.

Мазкур иш бўйича станция техник ходими ҳибсга олинган (техник ходим ўз навбатчилиги вақтида танишлариникига Янги йилни кутиб олишга кетиб қолган).

Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Биз натижалар ҳақида хабар берамиз.

ОГПУ ИНФО бошлиғи ёрдамчиси Герасимова.
2-бўлим бошлиғи Гроссман

¹ ПП – Полномочное представительство – Мухтор вакиллик.

Юборилмоқда: 1) Ягодага; 2) Мессингга; 3) Евдокимовга; 4) Артузовга; 5) Прокофьевга; 6) Благонравовга; 7) Бокийга; 8) Товстухага (Сталин учун); 9) Кагановичга; 10) Молотовга; 11) Рыковга; 12) Мальцевга; 13) Орджоникидзега; 14) Ишга; 15) Бўлинмага¹

Совет Иттифоқи ишлаб чиқариш ҳудудлари ва саноат корхоналарида салбий характерга эга бўлган энг муҳим ҳолатлар тўғрисида

ОГПУ Ахборот бўлими №10/р махсус ҳисоботи

1930 йил 4 март

3. Иш ташлаш бўйича таҳдидлар

Ўрта Осиё. Карандшик депосининг (Қизил-Арват райони) локомотив ва кондукторлар бригадалари қўшимча иш ҳақи тўланмаганидан норози бўлиб маошларини олишдан бош тортдилар.

Партия ва касаба уюшмаси ташкилотларини хабардор қилмай чақирилган йиғилишда Москвага ҳукумат номига телеграмма тайёрлаб, қўшимча иш ҳақларини уч кун ичида тўлашни талаб этганлар, акс ҳолда, иш ташлаш билан таҳдид қилганлар.

21 февраль куни касаба уюшмаси ташкилоти томонидан чақирилган йиғилишда советларга қарши шахсларнинг ишчиларни иш ташлашга чақирган чиқишлари бўлиб ўтди.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси Герасимова.

2-бўлим бошлиғи Гросман²

1930 йил апрель-май ойлари учун мавсумий ишчиларнинг кайфиятидаги салбий жиҳатлар тўғрисида ОГПУ Ахборот бўлими №2 махсус ҳисоботи

1930 йил 3 июнь

Озиқ-овқат муаммолари ва овқатланишнинг ёмон ташкил этилганидан норозилик

Суғориш ишлари, Зенипара станцияси (Тошкент округи, Ўрта Осиё). Озиқ-овқат таъминоти етишмаслиги сабабли 6 ва 7 май кунлари 400 ишчи иш жойига чиқмади.³

...

6) Ишчиларнинг кетиб қолиши

Бир қатор торф қазиб олиш ва қурилиш лойиҳаларида (Москва облас-

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 8, часть 1. – Москва, 2008. – С.74.

² Кўрсатилган манба. – С.133.

³ Кўрсатилган манба. – С.311.

ти, ИПО, Ғарбий минтақа, Украина, Ўрта Осиё ва бошқалар) ишчиларнинг иш ҳақи, ҳисобда алдаш, озиқ-овқат муаммолари ва қийин турмуш шароитларидан норозилиги туфайли оммавий равишда чиқиб кетишлари кузатилди. Бутун артеллар билан ишчиларнинг кетиб қолиш фактлари қайд этилди.¹

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси Герасимова.
2-бўлим бошлиғи Гросман

ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг 1930 йил 14 июлдаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш ҳудудлари бўйича салбий фактлар ҳақидаги №32 махсус ҳисоботи

1930 йил 17 июль

Тартибсизликлар. Ўрта Осиё. Тошкент. Ғишт заводи. 5 июль куни фабрикадаги савдо растасидан озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш пайтида навбатда турганлар орасида тартибни сақлаб турган милиция ходими тўсатдан ўқ узди. Натижада 3 ишчи ҳалок бўлди. Ишчилар оломони (300 – 350 киши), асосан, хитойликлар ва афғонлар фабрика милициясини ўзлари жазолашга ҳаракат қилишди.

Тартибсизлик бутун милиция нарядининг ҳибсга олиниши ва оломонни ўзбошимча жазолашга ундаган шахсларнинг қўлга олиниши билан тугатилди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.²

ОГПУ Махфий тезкор бошқармаси бошлиғи ёрдамчиси Ольский.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси Герасимова.

Тўғри: ОГПУ ИНФО котиби Кучеров

ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг 1930 йил 20 июлдаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш ҳудудлари бўйича салбий фактлар ҳақидаги №33 махсус ҳисоботи

1930 йил 22 июль

ЎРТА ОСИЁ. Ғузур-Мироқан. 4 июль куни новвойхонада (200 кишигача) обинон олиш учун навбат пайдо бўлди (белгиланган меъёрнинг тахминан 50% берилди). Навбатда турганларнинг ҳаммасига ҳам обинон етмагани сабабли 100 кишилик оломон дўконга бостириб кириб, новвойхона ишчиларини калтаклашга уринди ва мактаб ўқувчилари учун ажратиб қўйилган нонларни талон-торож қилди.

¹ Қўрсатилган манба. – С.313.

² Қўрсатилган манба. – С.387.

Милиция оломонни ҳавога ўқ узиб тарқатишга уринди.

Худди шу куни Бухорода ҳам шунга ўхшаш тартибсизлик ҳолати содир бўлди.¹

ОГПУ Махфий тезкор бошқармаси бошлиғи ёрдамчиси Ольский.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси Герасимова.

Тўғри: ОГПУ ИНФО котиби Кучеров

Тошкент шаҳар ғишт заводида уч нафар ишчининг ўлдирилиши муносабати билан юзага келган тартибсизликлар ҳақида ОГПУ Ахборот бўлими маълумотномаси

1930 йил 24 июль

№385805

Мутлақо махфий

Жорий йил 14 июлдаги 32-сонли махсус ҳисоботда келтирилган, милиция ходими томонидан 3 нафар ишчининг отиб ўлдирилгани муносабати билан 5 июль куни Тошкент шаҳридаги тартиббузарлик ҳақидаги ахборотга қўшимча равишда ОГПУ Ахборот бўлими батафсил маълумотларни тақдим қилади.

5 июль куни эрталаб ғишт заводида жойлашган ЦРК дўконида турган (турли миллатга мансуб 100 – 120 кишидан иборат) навбатда ишчи Бобохон Рустам Хўжаевнинг навбатни бузмоқчи бўлгани сабабли низо келиб чиқди.

Навбатдаги тартибни кузатиб турган милиция ходими Чулков Хўжаевнинг навбатда туришни рад этганини ҳисобга олиб уни милиция бўлимига судраб кела бошлади.

Милиция ходимининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган ўзбек ишчилар Чулков ва унга ёрдамга келган яна бир милиция ходимини ўраб олишди.

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, қутилмаганда милиционерлардан бири ўқ узган ва натижада афғон ишчиси Охун ўлган. Оломон: «Ур уларни!» – деб бақириб милиционерларга ташланган. Иккинчи милиционер ҳам ўқ узади. Натижада қашқарлик ва форс бўлган икки ишчи ярадор бўлади (улар ҳам кейинчалик вафот этган).

Оломон: «Ур уларни!», «Қонга қон!» – деб бақириб милиционерлар беркинган бинони остин-устин қилиб вайрон қила бошлади.

Оломон ҳаяжонланишининг ошишига асосан заводда Афғонистон ва Хитой консулликлари вакилларининг пайдо бўлиши туртки берди (Афғонистон консуллигига тартиббузарлик ҳақида завод директори, партия аъзоси Абрамов хабар берган), у: «Афғонистонда битта ўлдирилган афғон учун 10 рус ўлдирилган бўларди», – деб ҳар томонлама миллий қарама-қаршиликни кўзғатди ва оломонни гижгижаб милиционерлардан ўч олишга ундади.

¹ Кўрсатилган манба. – С.406.

Милиционерлар ҳибсга олингандан сўнг оломон ичида бир оз тинчлик ҳукм сурди, шунга қарамай, бир қатор одамлар (илгари антисовет фаолиятида бўлган, шу жумладан, завод учун ерлари олиб қўйилган бойлар) томонидан милиционерлар отиб ташланмагунча заводда ишни тўхтатиш бўйича қаттиқ ташвиқот юритилди.

Тартиббузарликнинг бундай кескин тус олишига сабаблар орасида ишчилар ҳолатида ва ғишт заводидаги партия ва касаба уюшмаси органларининг ишларида йўл қўйилган катта хатолар асосий ролни ўйнади.

Ишчиларнинг аксарият қисми (90% гача) миллий озчилик (асосан ўзбеклар) бўлишига қарамай, барча маъмурий бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўзбек тилини билмайдиган руслардир.

Турли миллат ишчилари учун иш ҳақи ва озик-овқат таъминотидаги тенгсизлик, айниқса, маҳаллий миллат ишчилари ҳақларининг нотўғри ҳисобкитоб қилиниши, маъмуриятнинг қўполлиги, завод директори томонидан ишчиларни калтаклаш фактлари ва бошқалар – буларнинг барчаси ишчиларда кескин норозиликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Тартибсизликлар давомида маъмурият, партия ячейкаси ва завод кўмитаси ишчиларни тинчлантириш учун ҳеч қандай чора кўрмасдан, бутунлай фаолиятсиз бўлдилар.

6 июль куни партия округ кўмитасининг махсус комиссияси заводга келди. Амалга оширилган амалий чора-тадбирлар (комбинат маъмурияти ишдан четлаштирилди; маҳаллий миллат вакили директор этиб тайинланди; озик-овқат билан таъминлашни ташкил этиш яхшиланди ва ҳ.к.) ва тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ишчилар кайфиятида сезиларли ўзгаришга эришилди.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи ўринбосари Герасимова.

2-бўлим бошлиғи Гросман¹

**ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг
1930 йил 22 августдаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш
худудлари бўйича салбий фактлар ҳақидаги №36 махсус ҳисоботи
1930 йил 23 август**

7. Маош кечикиши

Ўрта Осиё. Фарғонадаги бир қатор корхоналарда: Марғилон ва Фарғона ипакчилик фабрикаларида ва Қувасойдаги цемент заводида иш ҳақининг кечикиши содир бўлди.²

...

¹ Кўрсатилган манба. – С.408 – 409.

² Кўрсатилган манба. – С.458.

9. Заҳарланиш ва бахтсиз ҳодисалар

Ўрта Осиё. Қашқадарё округи. 30 июль кунига ўтар кечаси Табошар геология-қидирув гуруҳининг Инцвегмет иш ҳудудида шахтадаги жараёнда 13-сонли бурғуланган қудуқнинг портлаши натижасида бир ишчи ҳалок бўлган, тўрт киши эса жиддий жароҳатланган. Портлаш сабаби зарядларни (электр токи) бепарво ишлатиш ҳисобланади.

Асл нусхаси имзо чекишди:

ОГПУ СОУ бошлиғининг ёрдамчиси	Кауль
ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи	Запорожец
ОГПУ Ахборот бўлими котиби	Кучеров ¹

ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг 1930 йил 27 августдаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш ҳудудлари бўйича салбий фактлар ҳақидаги №37 махсус ҳисоботи

1930 йил 28 август

5. Маош кечикиши

Ўрта Осиё. Самарқанд округи. Янгиқўрғон райони Милютин станциясининг Давлат банки ҳисоб-китоб кассасида пул умуман йўқлиги туфайли ишчиларнинг (600 киши) иш ҳақи ўз вақтида берилмаган. Ғалла топширувчи ва қизил карвончи деҳқонларга ҳам ҳисоб-китоблар кеч амалга оширилмоқда.²

...

Турксибстрой. 17 август куни ғишт заводи (Тошкент станцияси)нинг 80 нафар ғишт қуювчи ишчилари ишни тўхтатиб, ғишт етказиб беришни ёки нархларни 1000 та ғишт учун 6 сўмдан 8 сўмгача оширишни талаб қилишди. Шунини таъкидлаш керакки, сўнгги вақтларда ишчиларга ғишт етказиб бериш кескин қисқарган.

Сариеғоч станциясининг қазувчи ишчилари орасида иш ташлаш кайфияти ҳам қайд этилган.

Асл нусхаси имзо чекишди:

ОГПУ СОУ бошлиғининг ёрдамчиси	Кауль
ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи	Запорожец
ОГПУ Ахборот бўлими котиби	Кучеров ³

¹ Кўрсатилган манба. – С.459.

² Кўрсатилган манба. – С.466.

³ Кўрсатилган манба. – С.467.

**ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг
1930 йил 12 сентябрдаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш
ҳудудлари бўйича салбий фактлар ҳақидаги №39 махсус ҳисоботи
1930 йил 13 сентябрь**

ЎРТА ОСИЁ

Сентябрь ойининг бошидан буён бир қатор округларда Давлат банкининг ҳисоб-китоб идораларида пул етишмаслиги юзага келмоқда. Давлат банкининг Андижон бўлинмасида кунлик пул тушуми 60000 рублдан ошмайди, банкнинг кунлик ҳаражатлари эса камида 200000 рублни ташкил этади. Банк қурилиш ташкилотлари ва маҳаллий саноатни етарли маблағ билан таъминлаш имкониятидан маҳрум.

Нарпайстрой ишчилари август ойи учун маошларини 7 сентябргача олишмаган. Шу боис 7 сентябрь куни 50 киши 6-сонли бўлинмага ишга бормади. Худди шу ҳолат Хлопстрой (Пахта қурилиш)да ҳам кузатилади. Сталинобод-Гарм йўлида 1000 рубль маош кечиктирилмоқда, иш ташлаш кайфиятлари қайд этилмоқда.¹

...

Сурхондарё округининг Шеробод районида 30 август куни Узгосстрой ишчилари орасидан 2 та вабо касаллиги ҳолати аниқланди. Мазкур ҳудудга шифокор ва округнинг соғлиқни сақлаш бўлими мудири етиб бордилар.

ОГПУ СОУ бошлиғининг ёрдамчиси	Кауль
ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи	Запорожец
ОГПУ Ахборот бўлими котиби	Кучеров ²

**ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг
1930 йил 19 сентябрдаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш
ҳудудлари бўйича салбий фактлар ҳақидаги №40 махсус ҳисоботи
№386822**

ЎРТА ОСИЁ

Андижон округидаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи бўйича қарздорлик 500000 рублни ташкил этади. Теримчилар томонидан топширилган пахта учун ҳеч қандай тўлов амалга оширилмаган. Давлат банкининг Андижон бўлинмасида вазият кескинлашган. Керакли бўлган пул миқдори учун талабномалар бериб, уларни кониқтиришга сезиларли даражада имконият яратилмоқда. Масалан, 10 сентябрь куни банк кассасида 50000 рубль бўлса-да, лекин 200000 рублга аризалар қабул қилинди. Иш таш-

¹ Кўрсатилган манба. – С.504.

² Кўрсатилган манба. – С.506.

лашга уринишлар қайд этилмоқда. Учқўрғон совет хўжалигида, Новкант қишлоғида 9 сентябрь куни 100 нафар ишчи иш ҳақи тўлашни талаб қилиб ишни тўхтатди.

Хоразм округида ҳам мураккаб вазият вужудга келди. Саноат корхоналари ишчилари ва темир йўл қурилишида банд бўлганларга август ойининг иккинчи ярми учун иш ҳақи тўлиқ берилмаган. Айрим ишчилар гуруҳларининг ишга чиқмаслик ҳолатлари қайд этилмоқда.

3. Ишчилар орасида миллий антагонизм ЎРТА ОСИЁ

Самарқанд шаҳри. 1-сонли ғишт заводида (400 нафар кишидан 82 нафари форслар) ўзбек ва форс ишчилари ўртасидаги миллий муносабатлар кескинлашиб, бир неча бор жанжаллар бўлишига олиб келди.

22 август куни жанжалда 150 нафар киши иштирок этган, 3 нафари оғир яраланган ва бир неча киши енгил жароҳатланган (жанжал нонга навбатга туришдан келиб чиқди, бунга сабаб икки форсийнинг навбат кутмасдан нон олишга уриниши эди).

Ўзбеклар ва форслар ўртасидаги носоғлом муносабатларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1) завод ишчилари орасида маданий-маърифий ишларнинг тўлиқ йўқлиги;

2) корхонада миллий қарама-қаршиликнинг келиб чиқишида бегона ва советларга қарши унсурларнинг мавжудлиги;

3) форс ишчиларини ўзбек ишчиларига нисбатан камроқ қийматларда таъминлаш (дўкон мудирини ўзбек бўлса-да, ўзбек ишчиларига ўзбошимчалик билан юқори нархларда савдо қилади);

4) малакали ишчилар сифатида форслар учун иш ҳақи баландлиги.

Жанжал фақат милиция отряди келгандан сўнг тўхтатилди. Воқеа жойига етиб келган партия ячейкаси котиби оломон томонидан дўппосланди.

30 нафар жанжал иштирокчилари ҳибсга олиниб, шу куни озод қилинди.

Мунтазам равишда советларга қарши ташвиқот билан шуғулланган сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган 3 нафар ишчи ишдан олинди.¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.508 – 509.

**Ўрта Осиё ОГПУ ППнинг рус ишчилари ва ўзбеклар
ўртасидаги миллий қарама-қаршилик ҳақидаги махсус
ҳисоботидан. 1930 йилнинг 24 сентябрь куни**

№386845 Мутлақо махфий

ЎРТА ОСИЁ

Эски Бухородаги ипакчилик фабрикаси. 3 сентябрь куни ипакчилик фабрикасида Компартия аъзоларидан рус механиги Гармаш ва ўзбек инструктори Ҳалимов ўртасида жанжал содир бўлди. Сабаби секундомернинг йўқолиши эди. Ҳалимов Гармашга секундомер ундалигини айтиб, уни ўғри ва ароқхўр деб атади ва секундомерни сотиб, пулини ичиб юборганлигини кўшимча қилди. Бунга жавобан Гармаш Ҳалимовни дўппослади.

Кейин ўзбек амалиётчиси Қодировни (у ҳам КП аъзоси) ҳам Гармаш дўппослади. Дўппослашининг сабаби ва ҳолатлари бир хил – секундомер ҳақида тортишув бўлган, ўзбек Гармашни сўккан ва Гармаш Қодировга ҳужум қилган. Қодиров ёрдам сўраб бақирди. Цехга югуриб келган 6-7 ўзбек ишчилари Гармашни таёқ билан урган.

Эртаси куни рус чилангарлари ўзбекларни дўппослашидан кўрқиб фабрикага боришдан бош тортишди. Қайд этиш керакки, Гармаш ичувчи бўлиб, 3 сентябрь куни шифокорнинг сўзларига кўра озроқ мастлик ҳолатида бўлган. Гармаш ҳибсга олинган.

Охирги пайтгача фабрика ишчилари орасида миллий адоватни бартараф этиш борасида (ҳатто партия аъзолари орасида ҳам) тарбиявий ишлар олиб борилмаган.

ОГПУ ИНФО бошлиғи Запорожец.

2-бўлим бошлиғи ёрдамчиси Рассказчиков

Юборилмоқда: 1) Менжинскийга; 2) Ягодага; 3) Мессингга; 4) Евдокимовга; 5) Поскребишевга (Сталин учун); 6) Молотовга; 7) Кагановичга; 8) Постишевга; 9) Николаевага (МК); 10) Каврайскийга; 11) Орджоникидзегга; 12) Риковга; 13) Сирцовга; 14) Шверникка; 15-19) ОГПУга; 20) Ишга; 21-24) Бўлинмага¹

¹Кўрсатилган манба. – С.513.

**1930 йилнинг 20 сентябрь кунига «Беш йиллик тўрт йил ичида»
заёмини ўтказиш муносабати билан ишчиларнинг кайфиятидаги
салбий ҳодисалар ҳақида ОГПУ ИНФОнинг 4-сонли махсус
ҳисоботи**

1930 йил 26 сентябрь

Советларга қарши ташвиқот

«Хужум» фабрикасида (Ўрта Осиё) икки ишчи ташвиқот қилиб, «Янги заём-га обуна бўлманг, саноатлаштиришнинг учинчи заёми билан алдангандик, биздан пул ушлаб қолишди ва облигациялар беришмади, комиссия, маъмурият ва Давлат банки бизнинг пулимиздан фойдаланадилар», – деб айтганлар.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи Запорожец.

2- бўлим бошлиғининг ишларини вақтинча бажарувчи Рассказчиков¹

**ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг
1930 йил 1 октябрдаги саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш
худудлари бўйича салбий фактлар ҳақидаги №41 махсус ҳисоботи**

1930 йил 3 октябрь

Миллий антагонизмнинг намоён бўлиши

Самарқанд шаҳри. МЮД (Халқаро ёшлар куни)нинг 16 йиллиги шарафига намойиш чоғида икки рус ва икки ўзбек ўртасида жанжал келиб чиқди (жанжални ўзбеклар бошлаб берди). Намойиш қатнашчилари бўлган рус ва ўзбеклар (тахминан 200 киши): «Ўзбекларни ур!», «Русларни сўй!» – дея бақриб, жанжалга қўшилганлар. Йиғилган оломон отлиқ милициялар томонидан тарқатилди.²

**ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор бошқармасининг
саноат корхоналаридаги иш ҳақларининг узилишлари ҳақидаги
№3 махсус ҳисоботн**

1930 йилнинг 14 октябрь

61-сонли (янги қурилаётган) иморат. 15 сентябрь куни 12 кишидан иборат ишчиларнинг артели иш ҳақи берилишини талаб қилиб (қурилишда иш ҳақи август ойи учун берилмаган) иш ташлаш эълон қилди.

52-сонли иморат. 5 сентябрь куни бинонинг бир гуруҳ сувоқчилари (11 киши) ишни ташлаб, дарҳол маош беришни талаб қилишди.

52-сонли иморат. 15 сентябрь куни иш ҳақи тўланишининг кечикиши туфайли ишчиларнинг артелида иш тўхтатилиб, ишчилар барчани иш ташлашга чақирди.

¹ Кўрсатилган манба. – С.521.

² Кўрсатилган манба. – С.542.

Иш ташлашлар 15-сонли ва бошқа иморатларда қайд этилган.

Хоразм округи. Хлопстрой (Пахта саноати қурилиши). Қурилиш ишчиларининг иш ҳақи июль, август ва сентябрь ойлари учун тўлиқ тўланмагани натижасида уларнинг қурилишдан кетиб қолиши қайд этилмоқда.

15 сентябрь куни 23 нафар ишчи қурилишда иш ташлаб, маошларини тўлашни талаб қилди.

Кустпромсоюз (Хунармандчилик саноати уюшмаси). Ишчиларнинг маошини тўлашга пули бўлмаган уюшма бозорга 1500 жуфт этик чиқарган. Этиклар Ўзбекторг томонидан сотиб олинган бўлиб, пул маблағлари Ўзбекторг томонидан Давлат банкига топширилган. Давлат банки Кустпромсоюзга пул беришдан бош тортди, натижада маош ололмаган уюшма ишчилари Кустпромга келиб, муштлашув уюштирдилар (деразаларни, ойналарни синдирдилар ва ҳ.к.) ва артель раисини дўппосладилар.

ОГПУ СОУ бошлиғи

Евдокимов

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи

Запорожец ¹

1930 йил 21 октябрда Совет Иттифоқи саноат корхоналарида иш ҳақини кечиктириш ҳақида ОГПУ 4-сонли маълумоти

№387187 Мутлақо махфий

ЎРТА ОСИЁ

Мелонниково-Шўроб тармоғи қурилиши. 27 сентябрь куни 140 нафар қурилиш ишчилари иш ҳақларини талаб қилиб иш ташлашди.

Иш ҳақи тўланмаганлиги муносабати билан иш ташлашлар Андижондаги Давлат банки қурилишида, туғуруқхона қурилишида, «Сухой Хребет» совет хўжалигида, Тошкент станциясида ва бошқа корхоналарда қайд этилди.

Маълумот раҳбари ёрдамчиси ОГПУ Герасимова.

2-бўлим бошлиғи Гросман

Юборилмоқда: 1) Менжинскийга; 2) Ягодага; 3) Мессингга; 4) Евдокимовга; 5) Поскребишевга (Сталин учун); 6) Молотовга; 7) Кагановичга; 8) Постишевга; 9) Каврайскийга; 10) Николаевага (МК); 11) Орджоникидзегга; 12) Риковга; 13) Сирцовга; 14) Шверникка; 15) Каулга; 16) Ольскийга; 17) Аграновга; 18) Прокофьевга; 19) Бокийга; 20) Благонравовга; 21) ИНФО Биринчи бўлинмасига; 22) ИНФО Бешинчи бўлинмасига; 23) Ишга; 24) Бўлинмага²

¹ Кўрсатилган манба. – С.558.

² Кўрсатилган манба. – С.574.

**ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор
бошқармасининг 1930 йил 18 ноябрдаги sanoat
корхоналари ва ишлаб чиқариш ҳудудлари бўйича
салбий фактлар ҳақидаги №45 махсус ҳисоботи**

1930 йил 19 ноябрь

VIII. Озиқ-овқатдан заҳарланиш

Ўрта Осиё. Андижон шаҳри. 29 октябрь куни Андижонда сифатсиз нондан 70 та заҳарланиш ҳолати рўйхатга олинган. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

ОГПУ СОУ бошлиғи

Евдокимов

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси

Герасимова

ОГПУ Ахборот бўлими котиби

Кучеров¹

**ОГПУ Ахборот бўлими ва ОГПУ Махфий тезкор
бошқармасининг 1930 йил 26 ноябрдаги sanoat
корхоналари ва ишлаб чиқариш ҳудудлари бўйича
салбий фактлар ҳақидаги №46 махсус ҳисоботи**

1930 йил 1 декабрь

Ўрта Осиё. Андижон шаҳри. Мелниково-Шўроб (Ўрта Осиё темир йўли) темир йўл тармоғининг қурилиши. 11 ноябрь куни темир йўл тармоғини қуриш билан шуғулланувчи 290 нафар ишчи иш ҳақининг кечикиши туфайли ишни тўхтатди.

Асл нусхасига имзо чекдилар:

ОГПУ СОУ бошлиғи

Евдокимов.

ОГПУ Ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси

Герасимова.

Аслига тўғри: ОГПУ Ахборот бўлими котиби

Кучеров²

¹ Кўрсатилган манба. – С.609.

² Кўрсатилган манба. – С.618.

**«СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО»: ЛУБЯНКА – СТАЛИНУ
О ПОЛОЖЕНИИ В СТРАНЕ (1922 – 1934 гг.) Том 8 Часть 2**

**Озиқ-овқат қийинчиликлари ҳақида ОГПУ маълумоти
(1930 йил 11 май материаллар бўйича). 1930 йил 12 май
ЎЗБЕКИСТОН**

Қўқон ва Фарғона шаҳарларида, айниқса, озиқ-овқат таъминоти ҳолати кескинлашган. Озиқ-овқат қийинчиликлари сабабли оммавий тартибсизликлар келиб чиқмоқда.

Фарғонада 10 май куни кооперация томонидан сифатсиз гўшт сотилиши муносабати билан ишчилар, маҳаллий кишилар ва советларга қарши унсурларнинг 700 кишигача (70% аёллар) бўлган намоиши бўлиб ўтди. Милиция оломонга таъсир ўтказиш мақсадида огоҳлантирувчи ўт очди. Оломон 10-сонли ёғ заводи ва тўқимачилик фабрикаси ҳудудига киришга ҳаракат қилди (Кўрилган чоралар натижасида оломон ҳаракати бартараф этилди. Милициялар ва гўшт дўкони мудирлари ҳибсга олинди).

Тошкент округида мавсумий ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлашда узилишлар кузатилмоқда.

6 – 7 май кунлари Тошкент районидаги Зангиота станциясининг 400 нафар ишчиси сув хўжалиги ишларига чиқмади.

11 май куни Янгийўл райони Жунариқдаги сув хўжалиги ишларида 100 нафар ишчи иш ташлаган (Низони бартараф этиш чоралари кўрилди. Биринчи низони касаба уюшма органлари ҳал қилди).

ОГПУ ИНФО раҳбари (имзо) Запорожец.
1-бўлим бошлиғи (имзо) Агаянц

Юборилмоқда: 1) Менжинскийга; 2) Ягодага; 3) Мессингга; 4) Евдокимовга; 5) Ольскийга; 6) Аграновга; 7) Дьяковга; 8) Прокофьевга; 9) Товстухага (Сталин учун); 10) Молотовга; 11) Кагановичга; 12) Смирновга; 13) Каминскийга; 14) Микоянга; 15) Ишга; 16-18) Бўлинмага¹

**ОГПУ ИНФО шаҳар ва саноат районларининг озиқ-овқат
таъминотидаги узилишлар ҳақида 9-сонли махсус ахборот
1930 йилнинг 15 май куни, №384531 Мутлақо махфий
ЎРТА ОСИЁ**

(1930 йилнинг 12 май куни)

Андижон, Қўқон ва Фарғона шаҳарларида озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ вазият кескинлашган. Марказий ишчи кооператив дўконларида конфет ва шоколадлардан бошқа истеъмол қиладиган ҳеч нарса йўқ.

¹ «Совершенно секретно»: Лубянка – Сталину о положении в стране (1922 – 1934 гг.). Том 8. Часть 2. – Москва, 2008. – С.912.

Гўшт меъёри қисқартирилиб, сезиларли узилишлар билан таъминланмоқда. Гўшт учун навбатда туриш (400 – 500 нафар кишигача) эрталаб соат иккидан бошланади. Сотувга чиқарилган гўшт кўпинча сифатсиз бўлади.

10 май куни Фарғонада сифатсиз гўшт масаласи туфайли катта можаро содир бўлди. 600 – 700 нафар одам (уларнинг аксарияти аёллар), советларга қарши унсурлар бошчилигидаги оломон 10-сонли ёғ заводига ва у ердан тўқимачилик заводи худудига киришга ҳаракат қилди. Оломонни тарқатиш учун милиция ўт очди, бу эса ҳаяжонни янада оширди. Оломон узоқ вақт тарқалмади (милиция ва гўшт дўконининг мудири ҳибсга олинди).

Мавсумий ишчиларнинг озиқ-овқат таъминоти йўлга қўйилмаган. 6 ва 7 май кунлари Зангиота станциясида (Тошкент райони) 400 нафар ишчи озиқ-овқат етказиб берилмагани туфайли сув хўжалиги ишига чиқмади. 11 май куни худди шу сабаб билан 100 нафар ишчи Янги Жунариқ (Йўл райони) сув хўжалиги ишлари бўйича иш ташлаган.

Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашдаги узилишлар кўп жиҳатдан Марказий ишчи кооператив ишидаги камчиликлар (кооператив тармоқнинг йўқлиги, дўконларга молларни кечиктириб етказиб бериш, таъминот бошқармасининг нофаоллиги ва бошқалар) билан боғлиқ.

Дўкон ишчиларининг шахсий таркибида навбатга турганлар орасида советларга қарши ташвиқот олиб борадиган ва «яқинда нон ва гўшт бўлмайди, гўшт ўрнига эса фақат от гўшти берилади» деган ифвогарона мишмишларни тарқатадиган бегона унсурлар билан тўлиб қолган ва ҳ.к. (советларга қарши кайфиятдаги кишиларни ишдан олиб ташлаш учун чора-тадбирлар кўрилди).¹

**ОГПУ Тергов бўлимининг учинчи бўлинмаси
зиёлиларининг сиёсий аҳволи ва уларнинг советларга
қарши фаолиятига оид материаллар**

1930 йил май ойининг охиригача

3-сонли ИЛОВА

**Профессорларнинг кафедрадан ва матбуотда советларга қарши очиқ
чиқишлари тўғрисидаги**

МЕМОРАНДУМ

Сўнгги йилда бизга душман бўлган профессорлардан бир қисмининг советларга ошкора қарши чиқишлари тобора ортиб бораётганлиги қайд қилинган. Профессорлар советларга қарши ҳуқуқий имкониятлар (идоралар ва матбуот)дан фойдаланган ҳолда биз билан мафкуравий жабҳада очикдан-очиқ кураш олиб бориб, талабаларни советларга қарши йўналишда тарбия-

¹Кўрсатилган манба. – С.913.

лаш ва ғоявий тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Профессорлар орасида оқим ва гуруҳларнинг кураши тобора кескинлашиб бормоқда.

Профессорларнинг кафедрадан советларга қарши чиқишларига оид қуйидаги меморандумда ва матбуотда биз камроқ аҳамиятга эга бўлганларни четлаб ўтиб, очиқ чиқишларнинг энг ёрқин фактларини кўрсатамиз.

Советларга қарши чиқишлар учун кафедрадан фойдаланиш

...Ўрта Осиё университети профессори Успенский шундай дейди: «Мафкура фан каби синфий тушунчадир. Сиёсатни ҳуқуққа аралаштириш мақсадга мувофиқ эмас». У талабалар учун қўлланма сифатида марксизмга қарши адабиётларни тавсия қилади.

ОГПУ Тергов бўлими 3-бўлинмаси бошлиғи Славатинский¹

Махфий ҳужжатлар. Ҳужжат 20А.

Совет Иттифоқининг алоҳида ҳудудлари учун ОСУ ОГПУ тезкор муурожаатлари тўпламидан. 1930 йилнинг 15 март куни

ЎЗБЕКИСТОН

ОММАВИЙ НАМОЙИШЛАР

1929 йилнинг	октябрь – декабрь ойлари	Ҳеч қандай намоийш қайд қилинмаган.	
1930 йил	январь	қайд қилинмаган	
	февраль	25 намоийш	12750 иштирокчи
	март	82 намоийш	39590 иштирокчи
	Январь-март	107 намоийш	52160 иштирокчи

Оммавий намоийшларнинг 91 тасидагина иштирокчиларнинг сони қайд қилинган.

ОММАВИЙ НАМОЙИШЛАР БЎЛГАН ОКРУГЛАР

	36 намоийшлар	24370 иштирокчилар
Андижон	16	3400
Бухоро	31	16840
Фарғона	12	4900
Тошкент	3	120
Самарқанд	1	600
Зарафшон	1	30
Сурхондарё	5	950
Қашқадарё	2	950
Хоразм	107	52160

¹ Кўрсатилган манба. – С.1142.

ТЕРРОР

1929 йилнинг	октябрь ойи	10 қирғин актлар
	ноябрь	14
	декабрь	10
1930 йилнинг	январь	12
	Февраль	23
	Март	маълумот келмаган
Турлари бўйича (3 ойга)		
1929 йил	қотилликлар	20
	яраланишлар	7
	дўппослашлар	3
	суиқасдлар	4
	Ҳаммаси бўлиб	34
1930 йил	Январдан 15 мартгача	
	қотилликлар	17
	яраланишлар	2
	дўппослашлар	9
	суиқасдлар	5
	мол-мулк қирғини	2
Ҳаммаси бўлиб		35

Амалдаги тўдалар (1930 йил 11 март ҳолатига кўра): тўдалар – 7; етакчилар – 9; бандитлар – 48.

ТЕЗКОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР	
(1930 йил 11 март ҳолатига кўра, бутун Ўрта Осиё учун)	
Тугатилган:	
Аксининқилобий ташкилотлар	2
Шулар бўйича ҳибсга олинганлар	17
Аксининқилобий гуруҳлар	60
Шулар бўйича ҳибсга олинганлар	345
Ҳибсга олинган яққа аксининқилобчилар ва бандитлар	631
Жами 993 киши ҳибсга олинган.	

Иттифоқнинг бошқа областларидан қочгани учун 650 нафар (руслар) қулоқлар ҳибсга олинган.

Аксилинқилобий ҳаракатнинг асосий хусусиятлари (бутун Ўрта Осиёда)

1. Бойлар аксилинқилобий фаолиятининг жадал ўсиши.
2. Миллатчилик доиралари ва босмачи унсурларнинг кенг фаоллашуви.
3. Юқорида қайд этилган барча қатламларнинг қишлоқ ва овулда бўлиб ўтган воқеаларга қаттиқ қаршилиги.
4. Коллективлаштириш жараёнининг бузилишида колхозга қарши оммавий намойишлар, ифво қилиш, советларга қарши ҳаракатга айлантириш ва иш жараёнида кўплаб чегарадан чиқиш ҳолатларидан фойдаланиш.
5. Исёнчи ташвиқотчи унсурлар.
6. Бойлар орасида кенг кўламдаги муҳожирлик ҳаракатлари. Бойларнинг ташвиқоти натижаси ва унинг таъсирида камбағал ва ўрта синф йирик қатламлари орасида кўчиб кетиш истаги. Муҳожирларни тўхтатишга уриниш бўлганда чорвани ҳайдаб кетиш, қуролли қаршилик кўрсатиш ҳолати.
7. Коммунистик партияга аъзо бўлган масъул совет ишчиларининг миллатчи ва аксилинқилобий ташкилотлар сафида мавжудлиги.
8. Аксилинқилобий ташкилот ва гуруҳларнинг кураш усуллари: а) қаттиқ махфий тутиш; б) ёшларни, шу жумладан, комсомол ва КП аъзоларини ўз таъсир доирасига олишга интилиш; в) хорижий мамлакатлар билан алоқа ўрнатишга уриниш; г) ўз ихтиёри билан таслим бўлган собиқ босмачиларни қўзғолон бўлган тақдирда кадрлар сифатида тайёрлаш.

Ўзига хос тугатилган аксилинқилобий ташкилотлар ва гуруҳлар

1. Фаолияти тугатилган «Ботир гапчилар» энг ўзига хос хусусиятга эга аксилинқилобий ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилотнинг фикрларига кўра, Ўзбекистонга ҳеч қандай социализм керак эмас. советлар ва аввалги чор ҳокимияти маҳаллий аҳолининг барча эҳтиёжларини етарли даражада қондирмаган. Шунинг учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳукумат тузишга интилиш керак. Ҳозирги ҳукмрон қизил мустамлакачилик чор мустамлакачилигидан фарқ қилмайди, ҳатто ундан ҳам ўтиб кетмоқда. Ташкилот ҳар бир шаҳарда яширин марказ ташкил этишни мўлжаллаб, унинг аъзоларига ташкилотчилар бошчилигида одамларни ёллаш ва гуруҳларни тузиш имконини берган, шунинг учун гуруҳ аъзолари юқори марказнинг борлигини билишмаган. Ташкилот аъзоларига лақаблар қўйилди, ўз фаолиятини яшириш мақсадида «Дарахт» алифбосини ўрганиш таклиф қилинди; бу ташкилотнинг иштирокчиси бўлган ЎзКП (б) аъзоси томонидан ташкилотдаги сотқинлар ва ифвогарларга қарши террорчилик ҳаракатларини содир этиш талаб қилинди; ташкилотнинг фаол иштирокчиси ОГПУ Фарғона округи бўлимининг агентидан дезинформация (ҳақиқатни яшириш) мақсади-

да органлар билан алоқаларни узмаслик сўралган. Гуруҳнинг асосий ядроси «Янги Фарғона» газетаси таҳририятининг масъул ходимларидан иборат эди.

2. Энг характерли гуруҳ Фарғона округининг Бағдод районидаги бойлар ва эшонларнинг гуруҳи бўлиб, у коллективлаштиришга қарши бир қанча йирик оммавий намойишларни кўзғади, шу билан бирга, бойлар ва эшонларнинг сайлов ҳуқуқларини тиклаш ҳақидаги шиорларни илгари сурди. Ушбу гуруҳда иштирок этган 30 киши ҳибсга олинган.

Коллективлаштиришни амалга оширишда бузғунчилик ва оғмачилик ҳолатлари

Коллективлаштиришни амалга оширишда бузғунчилик ва оғмачиликларга кенг йўл қўйилиб, Ўзбекистоннинг деярли барча районларида содир бўлмоқда. Ҳозир Фарғона, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё округларида партия сафида катта бузилишлар рўй бераётганини тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Айниқса, Самарқанд ва Қашқадарё округларида қатъий оғишлар аниқланган.

Самарқанд округи. Митан районида колхоз ташкил қилиш учун келган чорвачилик уюшмаси вакиллари эълон тарқатиш йўли билан рус тилида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Колхозларга «қўшилган» чорвадорлар рўйхатлари уларнинг хабардорлигисиз тузилган. Зомин районида колхозларни ташкил этиш бўйича ўтказилган йиғилишларда ишчилар «Колхозда бўлиш умумий қозон, умумий коса ва умумий ётаржойга эга бўлиш демакдир» тарзида нотўғри тушунтириш ишлари олиб бордилар.

Жаллисут, Жўртовул, Қориев ва Томлакент қишлоқларида колхозларни ташкил этиш маъмурий мажбурий тартибда амалга оширилди: рўйхатлар юзаки тузилди ва қайд этилганлар колхозчилар деб эълон қилинди.

Қашқадарё округи. Чироқчи районидаги 6 та (Рурсун, Бектош, Торжилға, Сўфи, Тонбой ва Чим) қишлоқ советларида коллективлаштириш маъмурий йўл билан, омманинг хоҳишини ҳисобга олмасдан, ғайриихтиёрий равишда рўйхатга олиш билан амалга оширилган.

Бўлиб ўтган оммавий намойишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, аҳоли ўртасидаги колхозга қарши кўзғалишлар жамоа-хўжалик қурилиши соҳасидаги партия йўналишининг бузилишига олиб келди, бу жиҳат қуйидагилардан иборат:

1) маъмурий босим ва мажбурлаш;

2) омманинг ҳақиқий истаклари ва коллективлаштириш натижаларини мустаҳкамлаш имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда максимал суръатга олиб чиқиш орқали коллективлаштиришнинг носоғлом ўйини;

3) бирлашмаларнинг энг юқори шакллари, ҳатто коммунага қадар барчасини тезроқ ташкил қилиш истаги.¹

Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси аёллар қатламининг кайфиятида салбий ҳолатлар ҳақида ОГПУ ИНФО маълумоти. 1930 йилнинг 25 августи. 386385-сонли. Мутлақо махфий

1930 йилнинг 1-ярми учун СССРнинг шарқий миллий ҳудудларида оммавий намоишларда аёлларнинг иштироки бўйича жадвал²

Районлар	Коллективлаштириш						Ташаббускор аёллар	Диний		
	Фақат аёлларнинг чиқишлари			Кўпчилик аёллар иштирок этган чиқишлари				Фақат аёлларнинг чиқишлари		
	Ҳаммаси бўлиб чиқишлар	Иштирокчиларнинг аниқланган сони	Ҳаммаси бўлиб иштирокчилар	Ҳаммаси бўлиб чиқишлар	Иштирокчиларнинг аниқланган сони	Ҳаммаси бўлиб иштирокчилар		Ҳаммаси бўлиб чиқишлар	Иштирокчиларнинг аниқланган сони	Ҳаммаси бўлиб иштирокчилар
Ўзбекистон	8	7	1020	-	-	-	-	-	-	

1930 йил 6 дан 15 сентябргача босқинчиликка қарши кураш бўйича ОГПУ ОО ва ОГПУнинг КРО (контрразведка бўлим)лари 124-сонли тезкор разведка хабарномаси
ЎРТА ОСИЁ

Ўш Ўрта Осиёда босқинчиликдан энг кўп зарар кўрган округ деб ҳисобланишда давом этмоқда. Тўдаларнинг мағлубияти ва тарқалиб кетишига қарамай, фаол босқинчи шахслар ҳали ҳам омон қолган ва ўз фаолиятини юритишда давом этмоқда.

ҚИРҒИЗИСТОН
Ўш округи

Бозоркўрғон районидаги разведка ва ҳарбий тадбирлар натижасида 54 та йигит (шу жумладан, тўда раҳбарларидан бири Мулла Жўра) қўлга олиниб,

¹ Кўрсатилган манба. – С.1336 – 1338.

² Кўрсатилган манба. – С.1415.

139 та уч қаторли милтиқ ва 60 та ов милтиғи билан 10 та йигитдан иборат Арзиқул ва Кушой тўдаси таслим бўлган; 10 нафар йигит ҳалок бўлган. Тўданинг салмоқли қисми тарқалиб, ёлғиз яшириниб юрибди. Қўрбоши Арзиқул, Кушой ва Чўлпонлар билан яна 14 та отлиқ тоғларда яшириниб, Ғойиб Понсод тўдасига қўшилиш нияти бор.

Тўдани тарқатиш ишлари давом этмоқда.

Ўртоқ Фаритулла отряди томонидан таъқиб қилинган 90 отлиқ Ғойиб Понсод тўдаси Чортош тоғларига (Ўзган шаҳридан 55 км шимоли-шарқда) етиб борган. Усупбой (камбағал киши, собиқ босмачи, тўда раҳбари Мулла Юсуфнинг ёрдамчиси) Ғойиб Понсод тўдасидан ажралиб чиқди. Унинг тўдаси тарқалиб кетган. 1 сентябрь куни 4 отлиқ аскар таслим бўлди. Бизга номаълум сабабларга кўра Ғойиб Понсод Мулла Юсуф ва унинг ўғлини қуролсизлантириб, асирликка олган.

Тўдани бартараф этиш мақсадида Фаритулла отряди таркибидан 35 та қиличи бўлган аскарларнинг аралаш отряди билан жалолободлик Козловнинг 20 қиличдан иборат кўнгилли отряди Ўзгандан юборилмоқда.

29 август куни таслим бўлганлик ҳақидаги хат билан уч оқсоқол Қорачол довонида (Эргаштомдан 45 км шимолда) Ади Хўжаев тўдасини топдилар. 3 сентябрга ўтар кечаси Хитойдан бизнинг ҳудудимизга ўтган Ади Хўжаев 100 тагача қуролланган отлиқлар тўдаси ва оқсоқоллар билан биргаликда Мулла Бел довонида (Ғулчадан 16 км жануби-шарқда) тўхтатилган. Мақтубимизга у оқсоқол билан қўйидаги жавобни жўнатди: «Таклифларингиз мамнуният билан қабул қилинди, биз хурсанд бўлдик, аммо вакилларингиз бизга таслим бўлиш шартлари ҳақида ҳеч нарса дейишмади. Энди биз улар билан келиб, ўз шартларингизни айтиб беришингизни илтимос қиламиз. Шунинг учун хат билан бирга обрўли шахсни юборинг. Илтимос, Ўрозбеков ва Исакаев ёзда бизни алдаганидек энди бизни алдаманг, шу туфайли биз таслим бўлмай ҳозиргача фаолият олиб бормоқдамиз».

Ади Хўжаев билан учрашув ўтказган ОГПУ ПП раҳбари ўртоқ Зибрак вазиятга ойдинлик киритиш, музокаралар ва бартараф этишга раҳбарлик қилиш мақсадида Ғулчага жўнаб кетди. Ади Хўжаев Айтмарак ва Қўрғўнбой тўда гуруҳларини дастлабки тугатиш шартлари бўйича келишиб таслим бўлишга розилик билдирди. 40 нафар йигит 11 сентябрь куни, қолганлари Ади Хўжаевнинг ўзи билан юқорида қайд этилган тўда гуруҳларини йўқ қилиш мажбуриятини бажаргач, тахминан 16 сентябрь куни таслим бўлиши керак. Ади Хўжаев шу пайтгача отасини гаров сифатида таклиф қилган. Хитой ҳукумати босими, тўда томонидан кўрилган сезиларли йўқотишлар, тўдани тарқатиш борасида олиб борилаётган ишлар ва келаётган совуқ об-ҳаво йигитларнинг таслим бўлиш истагини тўғри деб билмоқда.

Абдурахмон Сайид Мазаров тўдаси 70 нафаргача йигитлари ноаниқ куроллар билан Олой водийсининг ғарбий қисмида фаолият кўрсатишда давом этмоқда. Тўданинг кўпайиши давом этмоқда. Унга Олой-Ғулча районининг 22 чавандозлари ҳам қўшилди. Шу тўда 24 август куни Олтин Мазаро ҳудудида 100 та эшак карвонидаги нонни талон-торож қилди. Бундан ташқари, тўда маҳаллий аҳолини тизимли равишда талон-торож қилмоқда.

Тўдани тугатиш ва Олой водийсини улардан тозалаш учун ОГПУ ҳарбий округининг ваколатли вакили ўртоқ Римский билан ОГПУ кавалерия полкининг 40 кишилик қилич билан қуролланган 10-отряди юборилган.

ОО раҳбари ёрдамчиси ОГПУ Николаев.

ОО ОГПУ 6-бўлим бошлиғи иши вақтинча бажарувчи Ульмер
КРО котиби¹

1930 йил 15 дан 20 ноябрга қадар босмачиларга қарши кураш бўйича ОГПУ махсус бўлими 133-сонли тезкор разведка ҳисоботи ЎРТА ОСИЁ

Чегара ортидаги тўдалар

Афғон қўшинларининг Иброҳимбек тўдаларига қарши чиқиш операцияси давом этмоқда.

31 октябрь куни Хонободдан келган қўшинлар томонидан Иброҳимбек Талихон шаҳридан қувиб чиқарилиб, Талихоннинг шарқидаги тоғларга чекинди.

Афғон қўшинлари ҳужуми йўлдаги барча ўзбек қишлоқларини вайрон қилиб, ёқиб юборди.

Хонобод районида 700 кишилик босмачилар гуруҳи жойлашган.

Қундуз шаҳри ҳудудида Полвон Эшон ва Ўтанбек бошчилигидаги 500 кишилик босмачилар гуруҳи ҳаракат қилади. Тўда Қундуз шаҳрини эгаллаш ниятида.

Рустак районида тўдалар Рустак шаҳрини қамал қилишда давом этмоқда. Имом Саид шаҳрининг атрофида бир гуруҳ тўдалар ҳам қайд этилган.

Айғоқчиларнинг сўнгги маълумотларига кўра, босмачиларга ўқ-дори етишмаслиги сезилмоқда. Босмачиларнинг бир қисми сўнгги муваффақиятсизликлар сабабли Иброҳимбек тўдасидан чиқиб кетмоқда. Босмачиларнинг қочиш ҳолатлари бор.

Хонобод районида босмачилар тўдаларига қарши курашишларда аҳолини афғон қўшинларига ёрдам беришга чақирувчи варақаларни афғон самолётлари ташламоқда.

Махсус бўлим бошлиғи ўринбосари Пузицкий.
ОО ОГПУ 2-бўлим бошлиғи ўринбосари Самсонов²

¹ Кўрсатилган манба. – С.1443.

² Кўрсатилган манба. – С.1514.

Лубянка. Сталин и Главное управление госбезопасности НКВД. Архив Сталина. Документы высших органов партийной и государственной власти. 1937 – 1938 / Под ред. акад. А.Н.Яковлева; сост. В.Н.Хаустов, В.П.Наумов, Н.С.Плотникова. – Москва: МФД, 2004.



И.В.СТАЛИН ВА В.М.МОЛОТОВНИНГ А.И.ИКРОМОВГА УЧЛИК (ТРОЙКА) ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДАГИ ШИФРЛИ ТЕЛЕГРАММАСИ

**1937 йил 9 июль
№906 / ш**

Тошкент. Ўзбекистон Марказий Қўмитасининг котиби ИКРОМОВга
Учлик таркибига Каримов ўрнига бошқа одамни киритишни таклиф қила-
миз. Сўнгги маълумотларга кўра, Каримов Совет Иттифоқига қарши бўлган
Файзулла Хўжаев гуруҳининг аъзоси экан. Каримовни халқ комиссарлари со-
вети раиси лавозимидан бўшатиб, унинг ўрнига бошқа бир ишончли номзод
қўйилса яхши бўлар эди.

СТАЛИН, МОЛОТОВ

*Шифрли телеграммада қўлда ёзилган ёзув мавжуд: «Каримов ва Болта-
боев эмас, балки Тўрабеков. Ўша ерда».¹*

**«СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ КУЧЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ВКП (б)
МҚ ҚАРОРИДАН**

1937 йил 1 июль

212 – Советларга қарши кучлар тўғрисида (ПБ 2.07.37 йил 51-буйруқ, 94.
Советларга қарши кучларни текшириш учун учликни (тройкани) тасдиқлаш:
3. Ўзбекистон ССР бўйича таркиб Икромов, Болтабоев ва Загвоздин.

¹ Лубянка. Сталин и Главное управление госбезопасности НКВД. Архив Сталина. Документы высших органов партийной и государственной власти. 1937 – 1938 / Под ред. акад. А.Н.Яковлева; сост. В.Н.Хаустов, В.П. Наумов, Н.С.Плотникова. – Москва: МФД, 2004. – С.240.

Отувга ҳукм этилган 1489 киши ва сургун қилиш учун кўрсатилган 3952 киши (барча тоифалар телеграммада кўрсатилган) тасдиқлансин.

Миллатчи-террористлар бўйича ишни кўриб чиқишга рухсат берилсин. Қорақалпоғистон АССР бўйича антисовет унсурларини қайта кўриб чиқувчи учлик тузилмасин.

(51-сонли баённома)¹

«МОСКВА-ВОЛГА КАНАЛИ ҚУРУВЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ҲАҚИДА» ВКП (Б) МҚ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ ҚАРОРИ

1937 йил 14 июль

251 – Москва-Волга канали қурувчиларини мукофотлаш ва имтиёзлар тўғрисида (ВКП (б) МҚ Халқ Комиссарлари Советининг қарори).

4. СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги прокурор билан келишган ҳолда СССР Марказий Ижроия Қўмитасига канал қурилишида фаоллик кўрсатганларнинг қамоқ муддатини 3 йилгача қисқартириш тўғрисидаги таклифларни тақдим этинг (58-8 – терроризм, 58-6 – жосуслик, 58-9 – қўпурувчилик, 58-1а – ватанга хиёнат моддалари бўйича судланганлар ҳамда троцкийчи-зиновьевчи ва ўнг қанот аксилинқилобий ташкилотлар ҳамда гуруҳлар аъзолари, бошқа аксилинқилобий партиялар, фашистик ва совет тузумига қарши аксилинқилобий ташкилотлар аъзолари, миллатчилик ташкилотлари, қочиб кетганлар, шунингдек, таркибидан қатъи назар, барча ўзга давлат фуқаролари, уларнинг жиноятлари таркибидан қатъи назар, бундан мустасно).²

А.И.ИКРОМОВДАН И.В.СТАЛИНГА ШИФРЛИ ТЕЛЕГРАММА (40)

1937 йил 15 июль

№1263 / ш – Тошкентдан

Москва. КП (б) Марказий Қўмитасининг котиби ўртоқ СТАЛИНга СССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси ўртоқ МОЛОТОВга

Барча ишчиларни (ўзбекларни) текширгандан сўнг биз Ўзбекистон халқ комиссари бўлиши мумкин бўлган иккита ўртоқни танладик, уларни биз партиямизга ва уни Сталин Марказий Қўмитасига сўзсиз содиқ деб биламиз. Биринчи номзод ўртоқ С.Болтабоев (ҳозирда Ўзбекистон Компартияси (большевиклар) Марказий Қўмитасининг учинчи котиби бўлиб ишлайди). 1927 йилгача у ишлаб чиқаришда ишлаган, давлат ишларида тажрибага эга: бир йил округ ижроия қўмитаси раиси (Предокраисполком), икки йил Мар-

¹ Кўрсатилган манба. – С.242.

² Кўрсатилган манба. – С.242.

казий назорат комиссияси раиси (ПредЦКК) ва Ишчи-деҳқонлар инспекцияси халқ комиссари (Нарком РКИ) ва сўнгги уч йил давомида Тошкент шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби.

Иккинчи номзод – ўртоқ Тўрабеков. У ҳам 1925 йилдан бошлаб бошқарув ишида фаолият кўрсатиб келади – бир йил округ қўмитасида котиб (Окружком), 1931 – 1934 йилларда Ўзбекистон Марказий назорат комиссияси раиси (ПредЦКК), бир йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. Икки йил Москвада ўқиди ва яқинда Тошкентга қайтиб келди.

Ўртоқ Болтабоев садоқатли, ишончли хизматчи, фақат унда саводхонлик етишмайди – ҳеч қаерда ўқимаган. Агар унинг номзоди тасдиқланса, албатта, ҳеч бўлмаса бир йил Марказий Қўмита курсларида ўқиши керак.

Ўртоқ Тўрабеков анча билимдон ва саводхон, лекин қизиққон, у жиддийлик ва ўзини бошқаришни ўзлаштириши керак.

Бизнингча, Болтабоев номзоди ушбу лавозимга тўғри келади, Тўрабековни эса ўринбосар сифатида тасдиқласа бўлади. Ушбу алмашувни совет тартибида расмийлаштириш тартиби ҳақида Сизнинг маслахатингизни сўрайман.

Сизнинг Каримов тўғрисидаги телеграммангиз мен учун мутлақо кутилмаган ҳол бўлди, мен билан 13 йил бирга ишлаган Каримов миллатчиларга, айниқса, Файзулла Хўжаев гуруҳига қарши курашда доимо фаол ва саботли ишчи бўлган.

Ўзбекистон Компартияси МҚ котиби ИКРОМОВ ¹

ЭСЛАТМА

(40) Давлат хавфсизлиги органлари етакчи кадрлар бўлими билан бир қаторда юқори бошқарув лавозимларига тайинланган кадрларни текширишда қатнашдилар. Сталиннинг Ўзбекистон раҳбариятини алмаштириш тўғрисидаги Ежовга берган кўрсатмасидан сўнг 1937 йил 17 июлда Тошкентга НКВД халқ комиссари Н.А.Загвоздинга телеграмма юборилди: «Учинчи котиб С.Болтабоевни ва Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Тўрабековни шошилинич ва ҳар томонлама текширинг. Қатъий текширилган ва аниқ бўлган барча материалларни менга шошилинич равишда юборинг. Мен ўртоқ Сталинга ҳисобот бераман. Материалларни тўплаш ва текширувни ўта махфий равишда олиб боринг. Болтабоев Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советига раисликка, Тўрабеков эса ўринбосарликка тайинланиши мўлжалланмоқда. Фриновский.²

¹ Кўрсатилган манба. – С.247 – 248.

² Кўрсатилган манба. – С.646.

**И.В.СТАЛИНДАН ЎЗБЕКИСТОН КП МҚГА РАҲБАР КАДРЛАРНИ
АЛМАШТИРИШ ҲАҚИДА ШИФРЛИ ТЕЛЕГРАММА**

1937 йил 2 август

№1167 / ш

Тошкент. Ўзбекистон КП (б) Марказий Қўмитаси

Каримов СНК (Халқ Комиссарлари Совети) раислигига мос келмайди. Бу ҳақда сизга аллақачон хабар қилинган. ВКП (б) Марказий Қўмитаси Каримовни бошқа номзод билан алмаштиришни талаб қилмоқда. Болтабоевни кўрсатиб бўлмайди, чунки у ҳибсга олинган Рисқулов, Хўжанов, Отабоев, Файзулла Хўжаевлар билан алоқада бўлган. Тўрабеков номзодини СНКга раҳбарликка кўрсатишга ҳаракат қилинг. Бизнингча, Ўзбекистонда анти-совет унсурларига қарши кураш олиб борилмаяпти. Икромов шундай ҳолатдаки, у атрофидаги вазиятни кўрмайди ва сезмайди.

ВКП (б) МҚ секретари (котиби) СТАЛИН¹

**Н.И.ЕЖОВДАН И.В.СТАЛИНГА ТУРКМАНИСТОНДА
ТРОЦКИЙЧИЛАР ТАШКИЛОТИ ҲАҚИДА МАХСУС ХАБАР
(ТЕЛЕГРАММА НУСХАСИ О.Я.НОДЕВГА)**

1937 йил 19 сентябрь,

№60238

Ўта махфий

ВКП (б) МҚ котиби ўрт. СТАЛИНГА

Туркменистон ССР ички ишлар халқ комиссари ўртоқ Нодевнинг 1664-сонли телеграммаси нусхасини юборяпман.

СССР ички ишлар халқ комиссари Ежов

МЕМОРАНДУМ №32673

Ашхобод,

1937 йил 18 сентябрь

31 августдаги 75398-сонли хабарга қўшимча равишда мен шуни маълум қиламанки, «Туркмангосиздат»нинг ҳибсга олинган муҳаррири Қултоев Дангатарнинг гувоҳлик беришича, 1919 йилда инглизлар ва оқлар орқага чекиниш пайтида Сахат Муродов большевикларга қарши курашдан расман воз кечиш, Коммунистик партияга аъзо бўлиш ва ичкаридан бузғунчилик ишларини бошлаш бўйича кўрсатмалар берган.

Бу фитнада машхур Эшонхўжаев, Раҳимбоев, Ҳожибоев, Рисқулов, Хўжанов, Сегизбоев, Отабоев қатнашган.

¹ Кўрсатилган манба. – С.297.

Туркменистондаги кейинги барча аксилинқилобий ишларда Сахат Муродовнинг раҳбарлик фаолияти, шу жумладан, троцкийчилар билан ҳамкорлиги кўплаб ҳибсга олинган шахсларнинг, шунингдек, Сахат Муродов ва Айтаковнинг гувоҳликлари билан исботланган, иккинчиси (Айтаков) 1924 йилдан буён радикал ташкилотдаги иштирокини тан олган, лекин у ҳали тўла маълумотларни очиқламаган.

Мен сизлардан Сахат Муродов ва унинг рафиқаси Левинани ҳибсга олишни тезлаштиришингизни ва Отабоев билан бирга уларни Ашхабодга ўтказишингизни сўрайман.

17.XI – 37 йил. №1644 Нодев¹

ВКП (Б) МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ «КОРЕЙСЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

*1937 йил 23 сентябрь
22 – Корейслар тўғрисида*

1. Қолган барча корейслар Узоқ Шарқ ўлкаси ҳудудидан чиқариб юборилсин. Октябрь ойи давомида белгиланган кўчиришнинг биринчи босқичи тартиб асосида амалга оширилиши керак.

2. Кўчириш биринчи босқичда бўлгани каби ҚозССРга (Актюбинск, Ғарбий Қозоғистон, Қарағанда, Жанубий Қозоғистон областлари ва Гурьев округи ичида) 10000 оила ва ЎзССРга (темир йўлнинг шимолида) 5000 оила жўнатилсин.

3. СССР ХКС Узоқ Шарқ ўлкаси ҳудудидан ҚозССР ва ЎзССРга аввал амалга оширилган ҳисоб-китоб асосида қўшимча сўров сифатида 15000 оила ва қурилиш материаллари жўнатилсин.

4. Сув таъминоти халқ комиссарлиги ва Алоқа йўллари халқ комиссарлигига Узоқ Шарқ ўлкаси ижроия қўмитаси, ҚозССР ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Советлари аризаларига кўра кўчириладиганларни денгиз, дарё ва темир йўл транспорти билан таъминлаш юклатилсин.²

ВКП (Б) МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ «ЎЗИГА ХОС УЧЛИК РАҲБАРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИ

*1937 йил 2 ноябрь
76 – НКВД МАСАЛАСИ.*

Қулоқларни жиноий фаолияти асосида қатағон қилиш учун махсус учликларни тарқатганлар ўрнига раис сифатида тасдиқлансин:

6. Апресян – Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссари.

7. Загвоздин – Тожикистон ССР ички ишлар халқ комиссари.³

¹ Кўрсатилган манба. – С.375.

² Кўрсатилган манба. – С.376.

³ Кўрсатилган манба. – С.417.

И.В.СТАЛИННИНГ Н.И.ЕЖОВГА ЭСЕРЛАР ҲАҚИДАГИ ХАТИ

1938 йил 17 январь

Т.Ежовга

1. Эсерлар гуруҳи (чап ва ўнг қанотлари биргаликда) келиша олмайди. Фишман, Паскуцкийлар НКВДни алдамоқдалар. Агар Беловнинг ўзи эсерлар йўналиши томонга ён босмаса, НКВД барчасидан беҳабар ўтирган бўлар эди. Белов нимадир деди, лекин ҳаммасини айтмади. Паскуцкий, Урицкий ва Фишманлар Белов маълумотларини тўлдиришлари керак. Шунини эътиборга олишимиз керакки, бизнинг армиямизда ва армиядан ташқарида жуда кўп социалист-инқилобчилар бор. НКВДда армиядаги («собик») эсерлар ҳисоби борми? Мен буни тезроқ олишни хоҳлайман. НКВДда армиядан ташқарида (фуқаролик уюшмаларида) (собик) социалист-инқилобчиларнинг ҳисоби ҳақида маълумот борми? Мен буни ҳам 2-3 ҳафта ичида олишни истайман.

2. Рискуловнинг машҳур гувоҳлиги асосида эсерларни аниқлаш учун нима қилинган?

3. Боку ва Озарбайжонда жойлашган барча эронликларни аниқлаш ва ҳибсга олиш учун нима қилинган?

4. Сизга шуни маълум қиламанки, бир вақтнинг ўзида Саратовда, Тамбовда, Украинада, ҳарбий қисмларда (қўмондонлик штабида), Тошкентда ва, умуман, Марказий Осиёда, Боку электростанцияларида эсерларнинг таъсири жуда кучли бўлган ва улар ҳали ҳам нефть саноатида жойлашиб олган ва зарар етказмоқда.

Биз тезроқ ва яхшироқ ҳаракат қилишимиз керак.

5. Жуда муҳим вазифа: Узоқ Шарқ ўлкаси худудларини ташқи томондан янги хавфсизлик кучлари билан мустаҳкамлаш. Бу Қозоғистон минтақаларини мустаҳкамлашдан кўра муҳимроқдир, буни кейинги босқичда амалга ошириш мумкин.¹

ВКП (б) МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ МАХСУС УЧЛИК ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИ

1938 йил 15 сентябрь

1. НКВДнинг аксилинқилобчи миллий таркибга доир ҳибсга олинганларнинг кўриб чиқилмай қолган СССР НКВДсининг 1937 йилдаги 00485-, 00439- ва 00593-буйруқлари ва 1938 йил 25 августдаги 302- ва 326-буйруқлари бўйича тергов ишларини жойлардаги махсус учликларга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

¹ Кўрсатилган манба. – С.463.

2. Махсус учликлар таркиби қуйидагича ташкил этилади: область қўмитаси, ВКП (б) ўлка қўмитаси ёки миллий коммунистик партиялар Марказий Қўмитаси биринчи котиби, НКВДнинг тегишли бўлими бошлиғи ва республика, ўлка, область прокурори. Украина ва Қозоғистон ССР ва Узоқ Шарқ худудида махсус учлик областларда ташкил этилади.

3. Махсус учликлар 1938 йил 1 августга қадар ҳибсга олинган шахслар ишларини кўриб чиқади ва бу ишларни 2 ой ичида тугатади.

4. Кўрсатиб ўтилган аксилинқилобчи миллий таркибдаги 1938 йил 1 августдан кейин ҳибсга олинган шахсларнинг ишларини кўриб чиқиш учун суд органларига судланишига кўра (ҳарбий трибуналлар, йўналишга доир ва минтақавий судлар, Олий суднинг Ҳарбий коллегияси), шунингдек, СССР НКВДси ҳузуридаги Махсус йиғилишга юборилади.

5. Махсус учликларга СССР НКВДсининг 1937 йил 25 августдаги 00485-сонли буйруғига биноан биринчи ва иккинчи тоифадаги ҳукмларни чиқариш, шунингдек, ишларни қўшимча терговга қайтариш ва айбланувчини судлаш учун етарли материаллар бўлмаса, айбланувчини қамоқдан озод қилишга қарор қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Махсус учликнинг биринчи тоифадаги қарорлари зудлик билан ижро этилади.¹

¹Кўрсатилган манба. – С.549



История Сталинского Гулага. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7 томах. Том 2. Карательная система: структура и кадры. – Москва: РОССПЭН, 2004.

ОГПУ махсус бўлими 3-шубаси бошлиғи Ф.И.Эхманснинг 1929 йил 7 октябрда ОГПУ коллегияси аъзоси Г.И.Бокийга ОГПУ ихтиёридаги махсус лагерларнинг аҳволи тўғрисида ёзган ҳисобот хатидан

1929 йил 7 октябрь

4. Ўрта Осиё лагерлари

Ўртоқ Воленбергнинг ўзи белгилаган 10 сентябрь муддатининг аллақачон тугаганига қарамай, ундан ҳануз материаллар етиб келмаган, шу сабабли Ўрта Осиё лагерларини маълум бир йўналишда ташкил этиш масаласини кўтаришнинг иложи йўқ. Москвада бўлган ўртоқ Воленбергнинг ўринбосари ўртоқ Олшанскийга шошилиш равишида материалларни олиш зарурлиги уқтирилди, айниқса, ўртоқ Олшанскийнинг маълумотларидан лагерларни ташкил қилиш учун жуда ижобий иқтисодий шартлар мавжудлиги маълум бўлди...¹

1929 йилнинг иккинчи ярми бўйича ОГПУ лагерлари фаолияти тўғрисида ҳисобот лойиҳаси

1930 йил 1 январь

... Яқин келажакда яна Ўрта Осиё ва Қозоғистонда лагерлар очилиши режалаштирилган.²

ЛАГЕРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Агар илгари лагерлар фаолияти бирмунча ёпиқ бўлиб, фақат режадан ташқари тартибда амалга оширилган бўлса, ҳозирда лагерлар манфаатдор идоралар билан биргаликда режаларда олдиндан кўзда тутилган ишни амалга ошириш суръатларини ошириш масаласида ҳам, шунингдек, режадаги объектларни кенгайтиришда ҳам иш режасига тузатишлар киритмоқдалар. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин: чекка ҳудудларда саноат ва қишлоқ

¹ История Сталинского Гулага. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7 томах. Том 2. Карательная система: структура и кадры. – Москва: РОССПЭН, 2004. – С.66.

² Кўрсатилган манба. – С.76.

хўжалигини ташкил этиш; ... Каспий денгизининг шарқий қирғоқлари бўйлаб ҳамда Балхашда балиқ ва ҳайвонларни овлаш; ... Ўрта Осиёда пахтачилик совхозларини ташкил этиш... Ўрта Осиёда (Қорабўғоз сульфатлари) конида текширув олиб бориш ва фойдаланишга топшириш...¹

ОГПУнинг «Чекист кадрлар таркибидан янги ташкил этилган лагерларга раҳбарлик қилиш учун кўнгиллиларни рўйхатга олиш тўғрисида»ги 131-сонли буйруғи

1930 йил 25 апрель

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1929 йил 11 июлдаги мажбурий меҳнат лагерлари тўғрисидаги декрети билан ОГПУга энг ноқулай, ўзлаштириш қийин бўлган, шу билан бирга, Иттифоқнинг чекка ҳудудларидаги улкан табиий бойликларга эга бўлган иқтисодий ҳаётни ажратилган ижтимоий хавфли унсурларнинг меҳнатидан фойдаланиш орқали ҳамда улар томонидан аҳоли кам бўлган ҳудудларни ўзлаштириш билан ривожлантириш вазифаси топширилди.

... Ўрта Осиёда янги лагерлар ташкил этиш бўйича ушбу ҳукумат вазифасини муваффақиятли бажариш учун энг муҳим шартлардан бири бу лагерларга раҳбарликни чекист кадрлардан жалб қилишдир.

Чекистлар ўзларини ҳар қандай янги ишнинг ташаббусчилари сифатида бир неча бор намоиш этдилар.²

ОГПУ меҳнат-тузатув лагерлари чекист ходимлари учун устама пуллари тўлаш тўғрисида 387/181-сонли ОГПУ буйруғи

1930 йил 14 ноябрь. Махфий

1. 1930 йилдаги 131-сонли ОГПУ буйруғини ишлаб чиқишда улар лагерлар таркибига қабул қилинган пайтдан бошлаб кўнгилли чекистларга олинган иш ҳақиға ойлик устама пуллар белгилансин:

СОЛОВЕЦК ЛАГЕРЛАРИ.

1. Барча бўлимлар, Соловки ва Кондо оролларида жойлашган бўлимлар бундан мустасно: – 30%

2. Соловки ва Кондо оролларида жойлашган бўлимлар – 40%

ШИМОЛИЙ ЛАГЕРЛАР.

1. Котлас (бошқарма ва жўнатиш пункти) – 10%

2. Пинюг станцияси (бўлим) – 10%

3. Архангельск шаҳри (бўлим) – 15%

4. Сиктивкар ва Уст-Вим шаҳарлари (бўлимлар) – 30%

¹ Кўрсатилган манба. – С.79.

² Кўрсатилган манба. – С.81.

5. Уст-Ухта (экспедиция)	– 40%
6. Вайгач ороли (экспедиция)	– 50%
ВИШЕРА ЛАГЕРЛАРИ.	
1. Пермь шахри (алоҳида иш сафари)	– 10%
2. Ленва (бўлим)	– 15%
3. Кичик Вижаиха (бошқарма ва бўлим)	– 20%
4. Уст-Улс (бўлим)	– 30%
УЗОҚ ШАРҚ ЎЛКА ЛАГЕРЛАРИ	
1. Хабаровск шахри (бошқарма)	– 10%
2. Биринчи Речка станцияси (1-бўлим)	– 20%
3. Кругликово (3-бўлим)	– 20%
4. Пашенная станцияси (4-бўлим)	– 20%
5. Мурашки чегара худуди (2-бўлим)	– 60%
СИБИРЬ ЛАГЕРЛАРИ.	
1. Новосибирск, Мариинск, Томск, Иркутск ва Кузнецк шаҳарлари (бўлимлар)	– 10%
2. Енисейск (бўлим)	– 40%
3. Нарим шахри (Иш сафари)	– 50%
ЎРТА ОСИЁДАГИ ЛАГЕРЛАР.	
1. Тошкент шахри (бошқарма, 1- ва 2-бўлимлар)	– 10%
2. Оқтепа шахри (3-бўлим)	– 40 %
ҚОЗОҒИСТОН ЛАГЕРЛАРИ.	
1. Олма-ота шахри (бошқарма)	– 10%
2. Бесоба (Қарқарали бўлим)	– 30%

2. Мазкур устамалар ОГПУнинг 1930 йилдаги 151-сонли буйруғи билан белгиланган устамаларни бекор қилади.

3. Ўз мажбуриятларига зид равишда 3 йил тугагунга қадар ўз хоҳиш-иродаси билан лагерларда хизматни тарк этмоқчи бўлган шахслардан жамики иш вақти давомида уларга тўланган устама ушлаб қолинсин.

4. Пул устамаларининг қўшимча турларини тўлашда (ёрдам пуллари, узоқ масофа учун имтиёзлар, таътил кунларига бериладиган пуллар, нафақа ва бошқалар) ушбу буйруқда белгиланган фоизли устамалар ҳисобга олинмайди.

ОГПУ раиси ўринбосари Г.Ягода¹

¹Кўрсатилган манба. – С.87 – 88.

**Тергов қилинаётган барча шахсларни 3 тоифага ажратиш
тўғрисидаги 88-сонли ОГПУ фармойиши**

1931 йил 13 март. Махфий

Барча ОГПУ (РСФСР учун), Татаристон, Бошқирдистон ва Ёқутистон ГПУ мухтор вакилларига.

Нусха Украина ССР, ЗСФСР, БССР, Ўрта Осиёдаги ОГПУ мухтор вакилларига ва РСФСР адлия халқ комиссари ўртоқ Апетерга.

Адлия халқ комиссари ҳибсхоналарида ўтказилган тергов маҳбусларининг 70% га яқини ОГПУ органлари томонидан рўйхатга олинган.

Уларнинг барчаси қамоқда сақлаш жойларида ташкил қилинган ишларда ҳеч қандай иштирок этмайди ва уларни сақлаш давлат учун оғир юкдир.

Айни пайтда, тергов қилинаётган барча шахсларга бир умумий ўлчов билан ёндашиш шарт эмас.

Шу муносабат билан таклиф этилади:

Барча тергов қилинаётганларни (ва ҳукмларини кутаётганларни) 3 тоифага бўлиш:

а) қаттиқ изоляция талаб қилинадиганлар ва ҳеч қандай ишда ишлашга рухсат берилмайдиганлар – махсус эътибордагилар, аксилинқилобчилар ва бошқалар;

б) камераларда ва фақат ушлаб туриш жойининг ички деворлар ҳудудида ишлашга рухсат этилганлар;

в) дарвозадан чиқмасдан, қамоқда сақлаш жойининг бутун ҳудудида ишлашга рухсат этилганлар.

Тергов қилинаётган шахсни қамоқда сақлаш жойига юбориш билан бир вақтда унинг қамоқда сақлаш тоифасини аниқлаб, бу тўғрида маъмурият хабардор қилинсин ва чеклов чораси тўғрисидаги қарорларда қайд қилинсин.

Ушбу таклиф дарҳол бажариш учун қабул қилинсин.

Асос: ОГПУ раиси ўринбосари фармойиши

ОГПУ Коллегияси ҳузуридаги махсус вакил

Фельдман¹

**СССР Олий суди прокуратурасининг ОГПУ органларини назорат
қилиш бўйича 1931 йилги ҳисоботидан**

1932 йил 20 декабргача

IX боб.

**ОГПУ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАНСАБНИ СУИИСТЕЪМОЛ
ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИ.**

ОГПУ зобитларининг мансабни суиистеъмол қилиш жиноятлари соҳасида 1930 йилга нисбатан 1931 ҳисобот йили бу жиноятларнинг кўпайиши

¹Кўрсатилган манба. – С.88.

ва мансабини суиистеъмол қилиш каби энг хавfli турларининг кўпайиши билан тавсифланади. Бу ўсиш ҳали тегишли тартиб-интизомни ўрганмаган ёш ходимлар ҳисобига, ОГПУнинг қуйи органлари ходимларининг сон жиҳатдан ортиши билан ва қисман янги ташкил қилинган махсус посёлкаларга аввал ОГПУ органларида ҳеч қачон ишламаган, бинобарин, тегишли амалий мактабни ўтмаган ва етарли ахлоқий таълим олмаган ходимларни ишга қабул қилиш билан изоҳланади.

1931 йил давомида ОГПУ Коллегияси ОГПУ ходимларининг мансабни суиистеъмол қилиш жиноятлари бўйича 931 та ишни кўриб чиқди ва ОГПУ Коллегияси томонидан 1285 нафар кишига ҳукм чиқарилди. 123 нафар кишига нисбатан иш тўхтатилиб, 30 нафар кишининг иши кўриб чиқиш учун судга топширилди. Бу ҳисобга ОГПУ органларидан бўшатиладан интизомий чора кўриш билан яқунланган ишлар кирмайди.

Маҳкумлар таркибини тавсифлаш учун қуйидаги маълумотларни келтирамиз:

Маҳкумларнинг умумий сони	Улардан		
	ВКП (б) аъзолари	ВЛКСМ аъзолари	Масъул тезкор ходимлар
1 285	296	24	361

Ишлар бўйича жазо сиёсатини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Маҳкумларнинг умумий сони	Улардан ҳукм қилинганлар				
	Отувга	Отув ҳукми концентрацион лагерларда 10 йил жазо ўташ билан алмаштирилганлар	10 йилга концентрацион лагерларга жазони ўташ учун ҳукм қилинганлар	2 йилдан 5 йилгача концентрацион лагерларга жазони ўташ учун ҳукм қилинганлар	ОГПУ органлардан ишдан бўшатирилганлар
1 285	42	30	81	761	371

Энг оғир қатағонлар (ижтимоий ҳимоянинг энг юқори чораси ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш) махсус кўчкндилар посёлкалари маъ-

мурияти томонидан содир этилган жиноятлар билан боғлиқ. Бу жиноятлар нафақат посёлкалар комендантлари, балки уларнинг қўл остидагилари ҳам узоқ вақт давомида содир этилган махсус кўчкиндилар мол-мулкени талон-торож қилиш, махсус кўчкинди аёлларни зўрлаш, калтаклаш ва шу кабиларда ифодаланган махсус кўчкинди аёлларга қарши жиноятлар билан тавсифланади...

...Бандитизм сифатида баҳоланган бу барча ишлар бўйича жиноятчилар асосан ижтимоий ҳимоянинг энг юқори жазосига ҳукм қилинган.

Кўрсатилган турдаги ишлар асосан Урал ва Ғарбий Сибирдаги махсус посёлкалар учун хос бўлиб, мазкур жиноятлар бу ерларда энг кўп содир этилган.

Айнан шу тоифадаги ҳолатларга тезкор ходимлар томонидан муайян тезкор таъсир олиш учун қотиллик ва қаттиқ зўравонлик билан мансабини суистеъмол қилиш ҳолатларини киритиш керак. Мисол учун, қурол-яроғни янада муваффақиятли қўлга киритиш мақсадида аҳоли қийноққа солинган ҳолатлар кузатилган. Ўрта Осиёдаги Кармана районида амалга оширилган бу «операция»да ОГПУ органларининг масъул ходимлари маҳаллий совет ишчилари билан бирга иштирок этиб, бутун район аҳолисига энг шафқатсиз усуллар билан зўравонлик қилган. Шундай ишларнинг бирида ОГПУ органлари ичига кириб олган синфий душманнинг ўч олиши сабабли қишлоқ фаоли ўлдирилган. Қотиллар ОГПУ район бўлими комиссари ўринбосари, бойнинг шогирди, махфий ходим – кулоқ ўғли ва қишлоқ совети аъзолари билан яқиндан боғланган мулла ўғли бўлиб чиқди, бу қотиллик ГПУ район бўлими вакили ёрдамчиси (Сарсимбаев иши ва бошқалар) билан бирга ташкил қилинган.

СССР Олий суди прокурори

П.Красиков

СССР Олий суди прокурорининг катта ёрдамчиси –

ОГПУ ҳузуридаги прокурори

Катанян¹

«Ўрта Осиёда махсус кўчкиндиларни жойлаштириш бўйича ишларнинг ҳолати тўғрисида»ги 31-сонли ГУЛАГ буйруғи

1934 йил 11 февраль. Махфий

ОГПУ раиси ўринбосари ўртоқ Ягоданинг рухсати билан жорий йилнинг 10 февраль куни ОГПУ Мухтор вакиллигининг махсус кўчкиндилар бўйича бўлим бошлиқларининг ОГПУ Лагерлар бош бошқармаси ҳузурида йиғилиши чақирилди.

Ушбу учрашувда бошқалар қатори Ўрта Осиё махсус кўчкиндилар бошқармаси бошлиғи бўлган ОГПУ САЗЛАГ бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Журавлёв М.П. ҳам келди.

¹ Кўрсатилган манба. – С.96 – 99.

Йиғилишдан 2 ой олдин махсус кўчкиндилар бўйича барча бўлим бошлиқлари йиғилишда ўз ўлка-областидаги махсус кўчкиндиларнинг аҳволи тўғрисида ҳисобот беришлари шартлиги маълум қилинган.

10 февраль куни шу аниқланганки, махсус кўчкиндилар масалаларига масъул бўлган ўртоқ Журавлёв уларни жойлаштириш ҳолати қандай ташкил қилинган, нима камчиликлар бор, нима қилиниши кераклиги тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, шунинг учун йил давомида махсус кўчкиндилар аҳволини яхшилаш учун деярли ҳеч нарса қилинмаган.

ОГПУ органлари топширилган ишга бундай жинойи масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишига чидаш мумкин эмас.

БУЮРАМАН:

1. ОГПУ САЗЛАГ бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Журавлёв М.П. 10 кунлик муддатга ҳибсга олинсин ва эгалланган лавозимидан озод қилинсин.

2. ОГПУ САЗЛАГ бошлиғи ўртоқ Озолсга махсус кўчкиндиларнинг аҳволини яхшилаш учун чоралар кўрмаганлиги ва махсус кўчкиндиларнинг ишига керакли раҳбарликнинг йўқлиги туфайли қатъий ҳайфсан эълон қилинсин.

3. Ўртоқ Озолсга менинг кўрсатмаларим асосида унинг шахсий масъулияти остида ҳозирги кунда махсус кўчкиндиларни жойлаштиришда тартибсизликларни иложи борича тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чоралар кўрилсин.

ОГПУ лагерларининг бош бошқармаси бошлиғи Берман¹

СССР НКВДнинг «Ўзбекистон НКВДсининг ҳибсда сақлаш жойлари бўлимини Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагерлари бошқармаси билан бирлаштириш тўғрисида»ги 0051-сонли буйруғи

1935 йил 8 февраль. Мутлақо махфий

Ўзбекистонда ҳибсда сақлаш жойлари ишини яхшилаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон ССР НКВД ҳибсда сақлаш жойлари бўлими НКВДнинг Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагери бўлими билан бирлаштирилсин.

2. Ўзбекистон ССР НКВД ҳибсда сақлаш жойлари бўлими раҳбари САЗЛАГ бўлими бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлансин.

3. Ҳисоб ва рўйхатга олиш бўлимида меҳнат-тузатув ишлари бўлими ва лагернинг 3-бўлимида тергов ҳибсхоналари бўлими ташкил этилишидан ташқари САЗЛАГ бўлимида қуйи ҳибсга олиш жойлари бўлимини бошқариш учун махсус аппарат тузилмасин.

¹Кўрсатилган манба. – С.108 - 109.

Ўзбекистон ССР НКВД ва САЗЛАГ бошқармаси бошлиғига ушбу буйруқни қабул қилиб олган кунидан кейин уч кун ичида лагерь ва қўйи бошқарма штат лойиҳаси ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун НКВД кадрлар бўлимига ва ГУЛАГга юборилсин.

СССР ички ишлар халқ комиссари Г.Ягода¹

**СССР НКВДнинг «Лагерлар, ҳибсда сақлаш жойлари
ва меҳнат посёлкаларининг бўйсунуш тартиби
тўғрисида»ги 00169-сонли буйруғи**

1935 йил 8 май. Мутлақо махфий

НКВДнинг 1935 йил 8 майдаги 00169-сонли буйруғига

Илова

**НКВД ва НКВД бошқармаларининг таркибида лагерлар бўлинма-
ларининг меҳнат кўчиндилари ва қамоқда сақлаш жойлари ташкил
этилган 1-сонли рўйхати**

Ленинград области НКВД бўлими.

Узоқ Шарқ ўлка НКВД бўлими.

Ғарбий Сибирь ўлкаси НКВД бўлими.

Қозоқ*² АССР НКВД бўлими.

Горький ўлкаси НКВД бўлими.

Шимолий ўлка (Вайгач) НКВД бўлими.

Ўзбекистон ССР НКВДси.

НКВД Кадрлар бўлими бошлиғи

Вейншток

НКВД ГУЛАГ бошлиғи

Берман³

**СССР НКВДнинг «Автомобиль йўллари бош бошқармасини
ташкил этиш тўғрисида»ги 0086-сонли буйруғи**

1936 йил 4 март. Мутлақо махфий

Илова

**Республикалар, ўлкалар ва областлар НКВД, НКВД бошқармалари,
Автомобиль йўллари бош бошқармасининг аппаратлари рўйхати**

... АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ БЎЛИМЛАРИ

... 4. Ўзбекистон ССР НКВД бошқармаси ...

¹ Қўрсатилган манба. – С.116 – 117.

² Ҳужжатда шундай ёзилган.

³ Қўрсатилган манба. – С.118.

НКВД Автомобиль йўллари бош

бошқармасининг бошлиғи

Благонравов

СССР НКВД Кадрлар бўлими бошлиғи

Давлат хавфсизлик хизмати катта майори

Вейншток¹

СССР НКВДнинг «Волга-Москва канали қурилишини якунлаш ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги 00266-сонли буйруғи

1937 йил 20 май. Мутлақо махфий

Хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Волга-Москва канали қурилиши раҳбари ўртоқ Берманга 20 июнь куни Дмитров лагерини максимал тарзда ёпиш мақсадида барча асосий иш 20 майдан 20 июнгача якунланишини мўлжаллаб канал қурилишини тугатиш бўйича ишлар ташкил қилинсин.

2. 20 июндан кейинги давр учун қолган ишларни бажариш учун қисқа жазо муддатига ҳукм қилинган маҳбуслардан фақат маиший жиноятларни содир этган маҳбуслар қолдирилсин.

3. Москва яқинидаги лагерь районларидан (Жанубий, Сходненский, Карамисhevский, Хлебниковский, Водопроводний) 5 кун ичида аксилинқилобий моддалар бўйича судланган барча маҳбуслар чиқарилиб, улар бошқа лагерларга юборилсин (Бўлим охиридаги изоҳга қаранг).

4. Юқорида айтиб ўтилган Москва яқинидаги лагерь районларидан:

а) маҳбуслар орасидан қўриқчилар дарҳол шимолий ҳудудларга ўтказилиб, қўриқчилар таркиби шимолий ҳудудлардаги кўнгилли ёлланма мерганлар билан тўлдирилсин;

б) маҳбуслар орасидан ёнғин хавфсизлиги хизмати қўриқчилари кўнгилли ёлланма ишчилар билан алмаштирилсин.

5. Дмитлаг бошлиғи ўртоқ Кацнельсон хусусий квартираларда яшаш ҳуқуқидан фойдаланувчи маҳбуслар рўйхатини қайта кўриб чиқсин, шу маҳбуслар сони иложи борича камайтирилиб, лагерь ҳолатига ўтказилсин.

6. Автомобиль йўллари бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Благонравов Москва-Минск ва Москва-Киев автомобиль йўлларининг қурилишида ишлаётган барча маҳбусларни Москвагача бўлган сўнгги 35 километр ҳудуддан дарҳол чиқарсин, улар эркин ёлланган ишчилар билан алмаштирилсин.

7. Ёнғин хавфсизлик хизмати бошлиғи бригада командири ўртоқ Хряпенков 5 кун ичида канал иншоотларида, биринчи навбатда, Москвага туташ

¹ Кўрсатилган манба. – С.121.

бўлган ҳудудларда ҳарбийлаштирилган ёнғиндан ҳимоя қилишни ташкил этиш режасини ишлаб чиқсин ва менга тақдим этсин.

СССР ички ишлар халқ комиссари

Давлат хавфсизлиги бош комиссари

Ежов¹

1938 йил 1 январь ҳолатига кўра иттифоқ ва автоном республикалар НКВД давлат хавфсизлиги бошқармалари органларида маҳаллий миллат ходимлари сони бўйича СССР НКВД Кадрлар бўлимининг маълумотномаси

1938 йил 26 январь. Мутлақо махфий

...6. Қирғизистон ССР НКВД:

Қирғизлар	- 20
Ўзбеклар	- 3
ЖАМИ	- 23 ёки 9,1%

7. Тожикистон ССР НКВД:

Тожиқлар	- 27
Ўзбеклар	- 10
ЖАМИ	- 37 ёки 11,1%

8. Туркманистон ССР НКВД:

Туркманлар	- 28
Ўзбек	- 1
ЖАМИ	- 29 ёки 7,9%

9. Ўзбекистон ССР НКВД:

Ўзбеклар	- 96
Тожиқлар	- 3
Уйғурлар	- 3
Қорақалпоқлар	- 3
ЖАМИ	- 105 ёки 10,3% ...

СССР НКВД Кадрлар бўлимининг 8-бўлинмаси бошлиғи ўринбосари,
Давлат хавфсизлик хизмати лейтенанти Суханов²

¹ Кўрсатилган манба. - С.129.

² Кўрсатилган манба. - С.136 - 137.

**СССР НКВДнинг «НКВД лагерлари ҳарбийлаштирилган
қўриқчиларининг ҳолати тўғрисида»ги 00349-сонли буйруғи**

1938 йил 5 июнь. Мутлақо махфий

НКВД лагерлари ҳарбийлаштирилган қўриқчиларининг сиёсий ва ахлоқий ҳолати жанговар ва сиёсий тайёргарлик соҳасидаги бир қатор жиддий камчиликлар ва сиёсий-тарбиявий ишларни умуман қониқарсиз ташкил этиш билан тавсифланади. Хавфсизлик хизмати ходимлари орасида маҳбуслар билан алоқа қилиш, гуруҳ бўлиб ичкиликбозлик, безорилик қилиш ҳолатлари тез-тез учрайди.

Қоровул-соқчи хизматининг қўпол қоидабузарликлари туфайли маҳбусларнинг қочиб кетиш ҳоллари кўпайган. Интизом паст даражада.

Лагерларнинг аксарият қисмида маданий-маиший шароит қониқарсиз. Бир қатор бўлинмаларда тураржойларнинг торлиги, санитария ҳолатининг яхши эмаслиги, кўрпа-тўшакларнинг етишмаслиги туфайли битлар пайдо бўлган.

Гўшт, ёғлар, оқ нон ва янги сабзавотлар каби маҳсулотлар таъминотида узилишлар тез-тез учрайди. Форма мунтазам равишда етказиб берилмайди. Иш ҳақи жуда кечикиб тўланади.

Лагерь бошқармаларининг баъзи бошлиқлари ГУЛАГ рухсатисиз, билдирмаган ҳолда энг яхши кўмондонлар ва сиёсий ишчиларни хавфсизлик хизматидан лагерь аппаратларидаги маъмурий ва иқтисодий лавозимларга ўтказганлиги туфайли кўмондонлик ва бошлиқлар таркибига эҳтиёжни янада кучайтирдилар.

Қўриқчилар қониқарсиз ҳолатининг асосий сабаби лагерь бошқармалари бошлиқларининг қўриқчиларни ҳар куни назорат қилмасликлари ва уларнинг эҳтиёжларини қондирмасликларидир.

Белгиланган камчиликларни тезроқ бартараф этиш ва ҳарбийлаштирилган қўриқчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун

БУЮРАМАН:

1. Лагерь бошқармалари бошлиқларига:

а) жорий йилнинг 1 октябрига қадар лагерь бўлинмаларининг зоналарини тўсиқлар, ёритиш, алоқа воситалари, сигнализация ва миноралар билан жиҳозласин;

б) қиш мавсуми бошлангунга қадар мавжуд биноларни тўғри тартибга келтириш ва янги биноларни ўз вақтида капитал қуриш билан хавфсизлик ходимларига етарли яшаш шароитларини яратсин;

в) НКВД ГУЛАГига билдирмаган ҳолда қўриқлашнинг шахсий, кўмондонлик ва бошқарув таркибидаги шахсларнинг лагерь аппаратида ўзбошимчалик билан рухсатсиз ўтказилиши тўхтатилсин;

г) хавфсизлик хизмати ходимларини барча турдаги таъминот билан узлуксиз таъминлаш ташкил этилсин. Оддий аскарларга, кўмондонлик ва бошқарув ходимларига иш ҳақи ўз вақтида тўлаб турилсин.

2. Жорий йилнинг 1 сентябрига қадар давлат чегарасига яқин жойлашган Шосдорлаг, Даллаг, Райчихлаг, Бамлаг, ББК лагеридаги бўлинмалардаги қўриқчи маҳбусларни фақат кўнгилли ёлланма таркиб билан алмаштирсин.

3. Шахсий таркибни меъёрий иш куни, дам олиш ва таътил кунлари билан таъминлаш учун ҳарбийлаштирилган қўриқчиларнинг таъминот миқдорлари қайта кўриб чиқилсин.

4. Кўмондонлик ва бошқарув қўриқлаш ходимлари таркибида текширув ўтказилсин.

Маъсулиятсиз ва ишончсиз ходимлар зудлик билан ишдан бўшатилинсин, бунинг учун марказда НКВД ГУЛАГ бошлиғининг ўринбосари, Давлат хавфсизлиги хизмати катта майори ўртоқ Леонюк бошчилигида аъзолари ГУЛАГ сиёсий бўлими бошлиғи ишларини вақтинча бажарувчи ўртоқ Пилипенко, ГУЛАГнинг 3-бўлими бошлиғи ўринбосари, Давлат хавфсизлиги хизмати капитани ўртоқ Симхович, ГУЛАГ хавфсизлик бўлими бошлиғи, полковник ўртоқ Гребешев таркибида комиссия тузилсин. Жойларда эса лагерь бошқармаси бошлиғи раислигида аъзолари сиёсий бўлим бошлиқлари, 3-бўлим бошлиғи ва лагерлар хавфсизлиги хизмати бошлиғи таркибида ҳам шундай комиссиялар тузилсин.

Жойлардаги комиссиялар 7-тоифагача барча кўмондонлик ва бошқарув таркиби текширилсин. Текшириш ишлари шу йилнинг 1 сентябрига қадар якунлансин.

Давлат хавфсизлиги катта майори ўртоқ Леонюк 1938 йил 1 октябрда бутун текширув натижалари ҳақида менга ҳисобот берсин.

5. Керакли маданий мулкни (кўчма овозли кино қурилмалари, радио, музика асбоблари ва бошқаларни) сотиб олиш учун маблағ ажратилсин.

6. ГУЛАГ бошлиғи дивизия интенданти (армияда моддий таъминот хизматини бажарувчи ҳарбий ходим) ўртоқ Плинер ўн кун ичида менга ўз фикрларини билдирсин:

а) Хавфсизлик хизматининг кўмондонлик ва бошқарув таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мактабини ташкил этиш тўғрисида (энг яхши мерганлар ва кичик кўмондонлар сафидан);

б) 1939 йилдан бошлаб ҳарбийлаштирилган қўриқчиларнинг ўзгармас бюджетга ўтказилиши тўғрисида;

в) бир ой ичида лагерларнинг ҳарбийлаштирилган хавфсизлик хизматига оид қўлланмалар ишлаб чиқилсин ва тасдиқлаш учун менга тақдим этилсин.

Лагерлар бошқармаларининг бошлиқларига кўриқчиларнинг жангга тайёргарлиги ва сиёсий-маънавий ҳолати учун тўлиқ жавобгар эканликлари юклатилсин.

Кўриқчиларнинг қонуний талабларини рад этиш ва уларнинг кундалик эҳтиёжларини чеклашга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатга нисбатан қатъий жазо берилиши, керак бўлса айбдорлар судга топширилиши керак.

СССР ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари, Давлат хавфсизлиги хизматининг катта майори Жуковский¹

Ҳарбийлаштирилган кўриқлашнинг айрим ходимлари томонидан амалга оширилган аксилинқилобий фаолиятлар тўғрисида ГУЛАГ тезкор бўлимининг 45/3531-сонли кўрсатмаси

1941 йил 15 август. Мутлақо махфий

НКВД меҳнат-тузатув лагерлари ва НКВД ОИТК-УНКВД бошқармасининг барча тезкор бўлимлари ва бўлинмалари раҳбарларига

Баъзи лагерларда ҳарбийлаштирилган кўриқлашдаги алоҳида ходимлар томонидан аксилинқилобий намойишлар фактлари аниқланди.

Масалан, Сорок лагеридagi мерганларлардан Родителев, Мелентьев, сиёсий раҳбарлар Баранов, Соколов лагерь кўриқчилари ва маҳбуслар орасида советларга қарши ифвогарона мишмишлар ва мағлубиятчиликка оид кайфиятларни тарқатдилар.

Ўзбекистон ССР НКВДнинг УИТЛиК ҳарбийлаштирилган кўриқлаш мергани Новиков ўз қисми шахсий таркиби орасида кўриқчиларнинг жанговар тайёргарлигини пасайтиришга қаратилган оғмачилик ишларини мунтазам равишда олиб борди.

Новиков бир қатор маҳбуслар билан алоқа ўрнатиб, улар орасида советларга қарши ташвиқот олиб борди, уларга тинтув жараёнида тақиқланган нарсаларни яширишда ёрдам берди.

Уруш бошлангандан бери Новиков ҳарбийлаштирилган кўриқлаш мерганлари орасида советларга қарши мағлубиятчилик ташвиқотини олиб борди.

Ново-Тамбов лагеридa бир гуруҳ ҳарбийлаштирилган кўриқлаш мерганлари қисм командирининг белгиланган манзилга қараб бориш буйруғига бўйсунини рад этдилар. Шу билан бирга, айрим мерганларда советларга қарши фикрлар мавжуд эди.

СССР НКВД ГУЛАГ тезкор бўлими сизнинг эътиборингизни лагерлар ва колонияларнинг ҳарбийлаштирилган кўриқлаш аскарлари ўртасида иш олиб боришни кучайтириш зарурлигига қаратади.

¹ Кўрсатилган манба. – С.145 - 146.

Тез кунда ҳарбийлаштирилган кўриқлашнинг барча бўлинмаларини маълумот билан таъминлаш керак.

Агентларнинг ишини кўриқчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик кайфиятларини, кўмондонларнинг ҳарбий буйруқларини бузиш фактларини, кўриқчиларнинг лагерлар ва ИТК (меҳнат-тузатув колония)лардаги маҳбуслар билан жиной алоқаларини, шунингдек, атрофдаги аҳоли билан шубҳали алоқаларни ўз вақтида аниқлашга йўналтирилсин.

Агентлардан келувчи ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ходимларига оид барча материаллар зарур тезкор чоралар кўрилган ҳолда тезда қайта текширилиши керак.

Ҳарбийлаштирилган кўриқлаш ходимлари томонидан содир этилган жиной ҳаракатларнинг аниқланган фактлари бўйича тўлиқ текширув ўтказилсин ва айбдорлар жавобгарликка тортилсин.

Зарур чораларни кўриш учун лагерлар ва колониялар бошлиқларининг маиший бузуқлик, ахлоққа қарши ҳаракатлар, хизмат олиб бориш тартибини бузиш ва ҳ.к. хатти-ҳаракатлари аниқлансин ва ўз вақтида маълумотлар таъминлансин.

Ойда бир марта СССР НКВД ГУЛАГ Тезкор бўлимига ушбу кўрсатмани амалга ошириш бўйича қилган ишларингиз ва унинг натижалари тўғрисида хабар беринг.

Кўриқлаш ходимлари ўртасида ўзингиз аниқлаган жиной ишларнинг жиддий фактлари тўғрисида зудлик билан хабар беринг.

Ушбу кўрсатмани олганлигингизни тасдиқланг.

СССР НКВД ГУЛАГ Тезкор бўлими бошлиғи, Давлат хавфсизлик капитани Когенман¹

СССР НКВДнинг «Махсус вазифа бажарадиган лагерларни қўшимча ташкил этиш тўғрисида»ги 00452-сонли буйруғи

1942 йил 7 март. Мутлақо махфий

СССР НКВДнинг 1941 йил 28 декабрдаги 001735-сонли буйруғига қўшимча равишда БУЮРАМАН:

1. СССР НКВД ҳарбий асирлар ва қуролсизлантирилганларнинг ишлари бўйича бошқармаси бошлиғи, Давлат хавфсизлик хизмати майори ўртоқ Сопруненкога, қўшимча равишда Қизил Армия собиқ ҳарбий хизматчилари, аввал асирликда ва душман қуршовида бўлган шахсларни сақлаш учун қуйидаги махсус лагерларни ташкил этсин:

4500 кишига мўлжалланган КРАСНОГОРСК лагери (Москва области).

5000 кишига мўлжалланган ЯВАССК лагери (Мордовия области).

¹Кўрсатилган манба. – С.210 – 211.

3000 кишига мўлжалланган МАСЛОВ лагери (Воронеж области).

5000 кишига мўлжалланган БОРОВИЧИ лагери (Ленинград области).

2. Ушбу лагерларга тезкор хизмат кўрсатиш, қўриқлаш, моддий ва молиявий таъминлаш СССР НКВДнинг 1941 йил 28 декабрдаги 001735-сонли буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

3. Москва области бўйича НКВД бошқармаси бошлиғи, Давлат хавфсизлик хизмати катта майори ўртоқ Журавлёв, Мордовия АССР ички ишлари халқ комиссари, Давлат хавфсизлиги хизмати майори ўртоқ Грибов, Воронеж области бўйича НКВД бошқармаси бошлиғи, Давлат хавфсизлик хизмати капитани ўртоқ Голубевларга лагерларни ташкил қилишда жойларда ёрдам кўрсатсин.

СССР ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари, 3-даражали давлат хавфсизлик комиссари И.Серов¹

СССР НКВДнинг «Махсус вазифа бажарадиган лагерларни қўшимча ташкил этиш тўғрисида»ги 00520-сонли буйруғи

1942 йил 16 март. Мутлақо махфий

СССР НКВДнинг 1941 йил 28 декабрдаги 001735-сонли буйруғига қўшимча равишда БУЮРАМАН:

1. СССР НКВД ҳарбий асирлари ва қуролсизлантирилган шахслар ишлари бўйича бошқармаси бошлиғи, Давлат хавфсизлик хизмати майори Сопруненко қўшимча равишда Қизил Армия собиқ ҳарбий хизматчилари, аввал асирликда ва душман қуршовида бўлган шахсларни сақлаш учун қуйидаги махсус лагерларни ташкил қилсин:

3000 кишига мўлжалланган БЕЛОКАЛИТВЕНСК (Ростов области). 7000 кишига мўлжалланган КАМЕНСК-ШАХТИНСК (Ростов области).

2. Давлат хавфсизлик хизмати лейтенанти И.С.Бунаков НКВД Старобельск махсус лагери бошлиғининг ўринбосари вазифасидан озод қилиниб, Белокалитвенск махсус лагерининг раҳбари этиб тайинласин.

Ўртоқ Бунаков зудлик билан ўз вазифасини бажаришга киришсин.

2. Ушбу лагерларга тезкор хизмат кўрсатиш, қўриқлаш, моддий ва молиявий таъминоти СССР НКВДнинг 1941 йил 28 декабрдаги 001735-сонли буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ростов области бўйича НКВД бошқармаси бошлиғи, Давлат хавфсизлик хизмати майори ўртоқ Покотило лагерларни ташкил қилишда жойларда керакли ёрдам кўрсатсин.

СССР ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари, 3-даражали давлат хавфсизлик комиссари И.Серов²

¹Кўрсатилган манба. – С.215 – 216.

²Кўрсатилган манба. – С.216.

**НКВД лагерларида оғир меҳнатга ҳукм қилинган маҳбусларни
сақлаш тартиби тўғрисида йўриқнома**

1943 йил 5 июнь. Мутлақо махфий

1. Оғир меҳнатга ҳукм қилинган маҳбуслар деразаларига панжара ўрнатилган алоҳида баракларга жойлаштирилади. Маҳбусларнинг бараклари кулфланади ва мерганлар томонидан ҳимояланади.

Маҳбусларнинг бараклари лагернинг қолган қисмидан баланд девор билан ажратилади.

2. Оғир меҳнатга маҳкум этилганлар маҳбуснинг шахсий рақами устига чизиқча билан махсус нақш солинган белги ва алоҳида рангдаги кийимлар билан таъминлансин.

3. Озодликдан маҳрум қилинганлар бир йил давомида оғир меҳнатга жалб этилади, хат-хабар йўллаш ва мукофот пулларида маҳрум бўладилар. Кейинги йилларда хат-хабар йўллаш ва мукофот пуллари беришга лагердаги юриш-туриши ва ишлаб чиқаришда ишлашга муносабатига қараб лагер бошлиғининг кўрсатмаси билан рухсат берилади.

4. Маҳбусларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш мавжуд лагер меъёрларига мувофиқ умумий асосда амалга оширилади.

5. Оғир меҳнатга маҳкум этилганлар учун ишда қуйидаги фойдаланиш тартиби белгиланади:

а) иш кунининг давомийлиги умумий меъёрдан 1 соат юқори этиб белгиланади;

б) маҳкумлар ҳар доим кучайтирилган конвой (қўриқлаш) остида ишлашга жалб қилинади;

в) дастлабки икки йил ичида маҳкумлар тўғридан-тўғри фақат ҳимояланмаган оғир меҳнатга сафарбар этилади. Катталар, бригадирлар ва усталар оддий фуқаролардан ёки бошқа тоифадаги маҳбуслардан тайинланади;

г) оғир меҳнатга ҳукм қилинган маҳкумлар биринчи навбатда барча машаққатли меҳнатлар учун жалб қилинади.

6. Ишдан бош тортган, ишлаб чиқариш меъёрини бажармаган, тартибни бузган ва маъмурият буйруғини бажармаганлар учун қуйидаги жазо турлари белгиланади:

а) иш кунини қўшимча 2 соатгача узайтириш ва оғирроқ ишларга ўтказиш;

б) 20 кунгача яқка тартибдаги камерага ўтказиш;

в) ишларни СССР НКВДнинг махсус йиғилишида кўриб чиқиш билан ҳибсга олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш.

7. Бир йиллик синов муддатини ўтаб бўлганидан сўнг барча яхши ишлайдиганларнинг кундалик ҳаётда ўзларини тутишларига қараб лагерь бошлиғининг буйруғи билан муассаса режимига биноан қариндошлари билан ёзишмаларига, пул мукофотлари берилишига, жўнатмалар олишига, китоб ва газеталарни ўқишига рухсат берилади.

СССР НКВД ГУЛАГ бошлиғи,
Давлат хавфсизлик хизмати комиссари Наседкин¹

**НКВД-УНКВД бошқармаларига қарашли УИТЛ, УИТЛиК
ва ОИТК ҳузуридаги доимий фаолият юритадиган
курсларнинг лагерь секторининг инспекторлар таркиби
кадрларини тайёрлаш бўйича
1944 йил режаси**

1944 йил февраль

«Тасдиқлайман»

СССР НКВД ГУЛАГ бошлиғи ўринбосари, Давлат хавфсизлик хизмати комиссари Завгородний

№	Курслар ташкил қилган УИТЛ, УИТЛиК ва ОИТК номи	1944 йилга режалаштирилган					
		урч	КВЧ	ЧОС	Ҳисобхона ишчилари	ЖАМИ	Қабул қилиш сони
1.	НКВД Темлаг	19	19	16	-	54	3
2.	Вологда области УИТЛиК	-	30	30	-	60	2
3.	Куйбишев области УИТЛиК	-	-	-	150	150	1
4.	Қозоғистон ССР УИТЛиК	15	14	-	36	66	3
5.	Москва области УИТЛиК	16	18	25	20	79	3
6.	Новосибирск области УИТЛиК	33	30	32	-	95	3
7.	Красноярск ўлкаси УИТЛиК	-	20	17	-	37	2
8.	НКВД Сибирь ИТЛ	30	60	50	-	140	3
9.	Хабаровск ўлкаси УИТЛиК	20	20	20	-	60	3
10.	Ўзбекистон ССР УИТЛиК	20	20	20	-	60	3
11.	Озарбайжон ССР УИТЛиК	17	24	25	-	66	3
12.	Горький области УИТЛиК	-	15	40	23	78	3
13.	Воронеж области УИТЛиК	-	-	-	30	30	1
	Жами:	170	271	275	259	975	

¹Кўрсатилган манба. - С.220 - 221.

СССР НКВД ГУЛАГ бошлиғининг кадрлар бўйича ўринбосари,

Давлат хавфсизлик хизмати подполковниги

Новиков.

НКВД ГУЛАГ кадрлар бўлими 5-бўлинмаси бошлиғи

Лясковская¹

1944 йил бўйича НКВД кадрларининг ҳаракати ва таркиби тўғрисида СССР НКВД Кадрлар бўлимининг 130-сонли маълумотномаси

1945 йил 30 май

1944 йил бўйича СССР НКВД (қўшинларсиз) барча органларининг ҳаракати ва кадрларнинг ҳаракат ва таркиби тўғрисидаги шарҳ

... Шимолий Осетия АССР НКВД милицияси органлари бўйича ишдан бўшатилганларнинг умумий таркибидаги махсус текширувлар ва хизматдаги номувофиқликлар материаллари бўйича ишдан бўшатилганлар гуруҳи 46,7%, Доғистон АССР 42,7%, Украина ССР 30,4%, Ўзбекистон ССР 29,3%, Тожикистон ССР 27,9%, Ульяновск области НКВД бошқармаси 28%, Ростов области 27,6%; Белоруссия ССР НКВД қамоқхона органлари бўйича 31%, Тожикистон ССР НКВД қамоқхона органлари бўйича 38%, Орёл области НКВД бошқармаси 50%.

Махсус текширувлар ва хизматдаги номувофиқликлар асосида ишдан бўшатилганлар тўғрисида маълумотлар юқорида қайд этилган НКВД – республикалар ва областлар УНКВД бошқармалари Кадрлар бўлимлари кадрларни ҳар томонлама ўрганиш ва танлаш билан етарли даражада шуғулланмаётганлигини кўрсатади.

Ишдан бўшатилганларнинг умумий сонидан турли сабаблар билан ҳибсга олинган ва судга тортилган шахсларнинг сони 7724 киши ёки 8,4% ташкил қилмоқда.

Алоҳида НКВД – республикалар ва областлар НКВД бошқармалари бўйича ҳибсга олинган ва судга тортилганлар:

...Ўзбекистон ССР бўйича	– 170 нафар
Қозоғистон ССР бўйича	– 126 нафар... ²
НКВДнинг барча органлари кадрлари ичида:	
...Ўзбеклар	– 7110 нафар
Қозоқлар	– 5906 нафар
Қирғизлар	– 1056 нафар
Тожиқлар	– 1708 нафар
Туркманлар	– 1581 нафар...

¹ Кўрсатилган манба. – С.239.

² Кўрсатилган манба. – С.254 – 256.

Баъзи иттифоқдош ва мухтор республикалар НКВД кадрларида маҳаллий миллат ходимларининг сони қуйидагича:

Қозоғистон ССР НКВД кадрлари таркибидаги қозоқлар: 3196 (23,5%)
Қирғизистон ССР НКВД кадрлари таркибидаги қирғизлар: 548 (16,5%)
Тожикистон ССР НКВД кадрлари таркибидаги тожиклар: 1069 (44,5%)
Туркменистон ССР НКВД кадрлари таркибида туркманлар: 805 (21%)
Ўзбекистон ССР НКВД кадрлари таркибида ўзбеклар: 4447 (40,1%).

СССР НКВД Кадрлар бўлимининг 9-бўлинмаси бошлиғи,
Давлат хавфсизлик хизмати полковниги Муравкин¹

ГУЛАГ бошлиғи И.И.Долгихнинг амнистия ўтказиш тартиби тўғрисидаги 29-сонли буйруғи

1953 йил 29 март. Махфий. Фақат шахсан

МВД-УМВД бошқармалари ИТЛ (Меҳнат-тузатув лагерлари), УИТЛК (Меҳнат-тузатув лагерлари ва колониялари бошқармаси) – ОИТК (Меҳнат-тузатув колониялари бўлими) раҳбарларига (рўйхат бўйича).

СССР Олий Совети Президиумининг 1953 йил 27 мартдаги амнистия тўғрисидаги Фармони муносабати билан таклиф қиламан:

1. Маҳбусларнинг лагерлар ва колониялардан озод қилинишига қараб раҳбариятнинг қарорига кўра харажатларни қопламайдиган, маҳбусларни сақлаш бўйича тайёргарлиги ёмон бўлган контрагент ҳамда ўз бўлинмалари ёпилсин.

Озодликка чиқарилмайдиган маҳкумлар ёпилаётган бўлинмалардан қолган лагерлар ва колонияларга кўчирилсин.

2. Лагерь бўлинмалари ва колониялари аппаратлари тугатилгандан кейин бекор қилинсин, қолганлар эса камайтирилсин ва контингентнинг ҳақиқий мавжудлигига мувофиқ ҳолга келтирилсин.

Бу ишни амалга оширишда қуйидагиларга асосланинг:

а) бўшатишга эришилган бошқарувчи таркибни лавозимларсиз шахслар ва захира зобитлари эгаллаб турган лагерь ва ишлаб чиқариш секторларининг бошқарувчи таркиби лавозимларини тўлдиришга, шунингдек, УИТЛ-ОИТК, ИТЛ ва лагерь бўлинмаларининг барча сифатли тўлиқ бўлмаган аппаратларини алмаштиришга;

б) шаҳар ҳарбий комиссарлиги рўйхатида қайд қилинган эркин ёлланган ишчилар ва захирадаги зобитлар орасидан штатсиз қолган шахслар ИТЛ, УИТЛК, ОИТК бошлиқларининг буйруқлари билан қайд қилиниб, ўз жойида ишдан бўшатилинсин;

¹Кўрсатилган манба. – С.264 – 266.

в) лагерларда ва колонияларда ишламайдиган барча бошқарув таркиби ва олий маълумотли мутахассислар учун дарҳол ГУЛАГнинг кадрлар бўлимига бошқа бўлинмаларга ўтиш ёки штатни қисқартириш, органлардан бўшатиш бўйича материаллар тақдим этилсин;

г) УИТЛК, ОИТК ва ИТЛ аппаратлари бундан буён махсус кўрсатмаларгача белгиланган мавжуд штатда рухсат этилганидан 25 – 30% тайёргарликсиз ҳолатида сақлансин.

3. Маҳбуслар амнистия бўйича озод этилишига қараб бир вақтнинг ўзида қўриқлаш шахсий таркиби сони камайтирилиб, маҳбусларни чиқариш якунига мувофиқ улар контингентнинг ҳақиқий миқдорига кўра белгиланган лимитга етказилсин.

Қўриқчилар сонини камайтиришда биринчи навбатда тартиб-интизом ва хизмат бузилишининг барча турлари билан қўриқлаш хизматида ўзларининг обрўсини туширган, эркин ёлланган ўқчилар ва сержантларни ишдан бўшатиш зарур.

4. Баҳорги экиш ва энг муҳим ишлаб чиқариш вазифаларининг бажарилишини таъминлаш учун, керак бўлса, озод этилган шахслар орасидан ўз хоҳишлари бўйича ишга қабул қилиш амалга оширилсин.

5. Бир ой ичида ГУЛАГга УИТЛК-ОИТК ва ИТЛнинг қолаётган лагерь бирликлари ва аппаратларининг штатлари ва тузилиши тақдим этилсин.

Ушбу кўрсатмалар бажарилишининг бориши ҳақида ГУЛАГнинг кадрлар бўлимига ҳар ҳафта маълумот тақдим этилсин.

СССР ички ишлар вазирлиги ГУЛАГ бошлиғи,
генерал-лейтенант И.Долгих¹

**СССР ички ишлар вазири С.Н.Кругловнинг КПСС Марказий
Қўмитасига меҳнат тузатув лагерлари ва колониялардаги
ишларнинг ҳолати бўйича ҳисобот хати**

*1954 йил 26 май. Мутлақо махфий
№1814/к*

КПСС Марказий Қўмитаси Президиуми топшириғига мувофиқ СССР Ички ишлар вазирлиги меҳнат-тузатув лагерлари ва меҳнат-тузатув колониялари ишлари ҳолати ҳақида, 1954 йилнинг февраль ойида СССР Адлия вазирлиги тизимидан лагерлар ва колонияларнинг СССР Ички ишлар вазирлиги тизимига қабул қилиб олинганидан кейин ўтказилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот бериб, КПСС Марказий Қўмитасининг меҳнат-тузатув лагерлари ва колонияларининг ишларини яхшилаш чора-тадбирлари лойиҳасини тақдим этади.

¹ Кўрсатилган манба. – С.429 – 430.

СССР Ички ишлар вазирлиги тизимида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган жиноятчиларни сақлаш учун 65 та меҳнат-тузатув лагери ва 798 та меҳнат-тузатув колониялари ва лагерлар бўлинмалари мавжуд.

1954 йил 1 апрель ҳолатига кўра, лагерлар ва колонияларда 1 360 303 нафар маҳбус сақланмоқда, шу жумладан, жазони ўтаётган:

аксилінқилобий жиноятлар учун – 448 344 нафар;

босқинчилик, талончилик ва қасддан қотиллик учун – 190 301 нафар;

талончилик, ўғрилиқ ва бошқа алоҳида хавfli жиноятлар учун – 490 503 нафар;

безорилик учун – 95 425 нафар;

лавозимга оид, иқтисодий ва бошқа жиноятлар учун – 135 730 нафар.

Лагерлар ва колонияларда сақланаётган маҳбуслар орасида: эркаклар – 1182759 нафар, аёллар – 177544 нафар; 25 ёшгача бўлган ёшлар – 383 243 нафар (28,2%).

1953 йил ва 1954 йил 1-чораги давомида 589 366 нафар маҳбус колония лагерларига қабул қилинди. Шу билан бирга, 1 701 310 нафар маҳбус озод қилинган, шу жумладан, 1 201 738 нафар маҳбус СССР Олий Совети Президиумининг 1953 йил 27 мартдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ озод этилди.

Шундай қилиб, 1954 йил 1 апрелда лагерлар ва колонияларда сақланаётган маҳбуслар сони 1953 йил 1 январига нисбатан 1 111 944 кишига ёки 45% га камайган.

Ички ишлар вазирлиги ҳибсда сақлаш жойларига тушаётган судланган жиноятчилар суд ҳукмлари қонуний кучга кирганидан кейин жазо муддати, таркиби ва хавфи даражасига қараб СССР Ички ишлар вазирлиги меҳнат-тузатув лагерларида ёки республикалар, ўлкалар ва областларнинг МВД-УМВД бошқармалари меҳнат-тузатув колониялари ва лагерь бўлинмаларига жўнатилиб, у ерда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилади.

Меҳнат-тузатув лагерлари, асосан, мамлакатнинг узоқ ва шимолий ҳудудларида – Узоқ Шарқда, Узоқ Шимолда, Урал, Сибирь ва Қозоғистонда жойлашган. Уларда узоқ муддатларга (3 йилдан ортиқ) энг оғир жиноятларда айбланган маҳкумлар сақланмоқда.

1954 йил 1 апрель ҳолатига кўра, меҳнат-тузатув лагерларида 897 051 нафар маҳкум сақланмоқда.

Унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар 463 252 нафар бўлиб, улар маҳаллий меҳнат-тузатув колониялари ва ички МВД-УМВД бошқармалари лагерь бўлинмаларида жазони ўтамоқда.

Аксилинқилобий жиноятлар, босқинчилик, талончилик ва такроран жиноят содир этганлар бошқа маҳбуслардан ажралган ҳолда сақланмоқда. Судланган аёллар алоҳида лагерь бўлинмалари ва колонияларга жойлаштирилган.

Меҳнат-тузатув лагерларида маҳбусларни сақлаб туришнинг қаттиқ, кучайтирилган ва умумий тартиблари белгиланган.

Қаттиқ тартибли лагерларда босқинчилик, қуролли талончилик, қасддан қотиллик, қамокдан қочганлиги учун судланганлар ва хавfli рецидивист жиноятчилар сақланади. Улар кучайтирилган қўриқлаш ва назорат остида сақланиб, конвойсиз юрмайдилар, асосан, оғир жисмоний ишларда ишлатилади. Уларга ишлашдан қасддан бош тортиш ва лагерь ички тартибини бузганлиги учун жазонинг энг оғир турлари қўлланилади.

Талончилик ва бошқа хавfli жиноятлар учун судланган маҳбуслар, рецидивист ўғрилар кучайтирилган тартибда сақланади. Бу маҳбуслар умумий ишларда ишлатилади ва улар ҳам конвойсиз юрмайдилар.

Меҳнат-тузатув лагерларидаги барча бошқа маҳбуслар, шунингдек, меҳнат-тузатув колонияларидаги шахслар умумий тартибда сақланади. Уларнинг конвойсиз юришларига, лагерь бўлинмалари ва меҳнат-тузатув колониялари аппаратларида қуйи даражадаги маъмурий-хўжалик ишларида ишлашларига рухсат этилади, шунингдек, маҳбусларни қўриқлаш учун пост ва конвой хизматига жалб қилишга йўл қўйилади...

Кўриб чиқишингизни сўрайман.

СССР ички ишлар вазири

С.Круглов¹

ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАР ВА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ ВЧК (Бутунроссия фавқулодда комиссияси)нинг «Қизил қирғин ҳақида»ги буйруғи

1918 йил 2 сентябрь

ВЧК ва Москва районидаги ЧК (Фавқулодда комиссия) қўшма йиғилишида, адлия халқ комиссари ва ВЦИК (Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси) Президиуми вакили иштирокида қарор қабул қилинди:

1. Барча таниқли меньшевиклар ва ўнг қанотли эсерлар (ижтимоий инқилобчилар) ҳибсга олинсин ва қамалсин.

2. Гаров тариқасида ушланган кишилар сифатида йирик буржуазия вакиллари, помешчиклар, фабрика эгалари, савдогарлар, акселинқилобий руҳонийлар, совет ҳокимияти душманлари бўлган барча зобитлар ҳибсга олинсин ва бу жамоани концентрацион лагерларга қамаб, энг ишончли қорувулар назорати ўрнатилсин, бу жаноблар конвой остида ишлашга мажбур қилинсин.

¹ Кўрсатилган манба. – С.484 – 485.

Ташкилотчилик, кўзғолон кўтариш, қўриқчига ҳужум қилиш каби ҳар қандай уринишда улар дарҳол отилсин.

3. Шу вақтга қадар губерния ЧК ва уезд ЧК ҳузурида сақланаётган ва ёнида ўқ отадиган қурол ва портловчи моддалар топилган барча шахслар ЧК қарори билан жойида дарҳол отилсин, шунингдек, инқилобий фитналари ва совет ҳукуматига қарши кўзғолонларда аниқ фош қилинган ҳамма шахслар отилсин.

4. Бундан буён ўқотар қурол, портловчи моддалар топилган ёки аксилинқилобий фаолият, фитна ёки совет ҳукуматига қарши кўзғолонда аниқ фош қилинган ҳар бир киши кечиктирмасдан губерния ва уезд ЧК қарори билан отилсин.

5. Собиқ жандарм зобитлари, исправник (революциядан илгариги Россияда уезд полиция бошлиғи)лари дарҳол отилсин.

6. Ишчиларга, деҳқонларга, аскарларга ҳукм чиқаришда эҳтиёт бўлинг, айниқса, улар қурол сақловчилар бўлишганда; улар қамоқда сақланиб, аксилинқилобчилар билан бирга отилмасин.

7. Бу буйруқ қатъий бажарилсин ва ҳар бир отилиш тўғрисида ВЧКга хабар берилсин.

8. Бўйруқни ошкор қилганлар инқилобий жавобгарликка тортилсин.¹

ВЧК

ВЧКнинг концлагерларда сақланаётган гаров тариқасида қамалганларнинг таъминот тартиби тўғрисидаги 45-сонли буйруғи

1918 йил 19 сентябрдан кечиктирмасдан²

Бошқа шаҳарлар ишлар бўлими мазкур буйруқ билан концлагерлардаги маҳбуслар таъминотига оид қуйидаги қондани ахборот ва йўл-йўриқ учун тушунтиради.

Концлагерлардаги гаров тариқасида қамаб қўйилган маҳаллий буржуазия вакилларидан иборат барча маҳбуслар ўз маблағлари ҳисобидан таъминланиши керак, бунинг учун ЧК уларни таъминлаш харажатларини қоплаш учун меъёрларни ишлаб чиқмоқда.

Бу қоида жиноятларни содир этиб жазони ўтаётган шахсларга тааллуқли эмас.³

¹ Кўрсатилган манба. – С.523.

² 1918 йил 19 сентябрь куни ВЧКнинг 46-сонли буйруғи чиқарилган.

³ Кўрсатилган манба. – С.524.

ВЧК Фавқулудда комиссияларининг ҳуқуқлари ва совет органлари билан алоқалари тўғрисидаги 47-сонли буйруғи

1918 йил 26 сентябрь

Охирги пайтда Бошқарув бўлими ва Фавқулудда комиссиялар ўртасида кўп жойларда катта ихтилоф содир этилмоқда. Бошқарув бўлимлари Фавқулудда комиссияларни ўзларига бўйсундиришга ҳаракат қилиб, губерния ижроия кўмиталари вакиллари съездининг резолюциясини далил қилиб кўрсатмоқда.

Биз бу фақат Халқ Комиссарлари Совети ёки Марказий Қўмита томонидан тасдиқланмаган резолюция эканлигини тушунтирамиз.

Ва шунинг учун Бошқа шаҳарлар ишлари бўлими¹ бундан кейин қуйидагиларга риоя қилишни таклиф қилади:

Бутунроссия Фавқулудда комиссияси Халқ Комиссарлари Советига бўйсунди ва Адлия ва Ички ишлар комиссарликлари устидан назорат олиб боради. ВЧК ўз фаолиятида бутунлай мустақил бўлиб, тинтувлар, ҳибсга олишлар, отувлар амалга оширади, сўнгра Халқ Комиссарлари Советига ва БМИҚ (Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси)га ҳисобот беради.

Ҳукумат ва БМИҚ аъзолари бўлган шахслар билан алоқага киришганда уларда тинтувлар, ҳибсга олишлар, далилларни олиб қўйишлар зарур бўлган ҳолларда ВЧК Халқ Комиссарлари Совети ва БМИҚни хабардор қилади ва уларнинг розилигини сўрайди.

Жойларда губерния ва уезд Фавқулудда комиссиялари ўз фаолияти тўғрисида умуман олганда ижроия кўмиталарига ҳисобот берадилар, лекин унинг алоҳида қисмига ҳисобот бермайдилар. Адлия ва ички ишлар идоралари Фавқулудда комиссиялар устидан уларнинг ишларига аралашмасдан назорат олиб борадилар.

Умуман олганда, комиссиялар ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва ижроия кўмиталарининг талабига кўра ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот берадилар. Агар маҳаллий Фавқулудда комиссиялар маҳаллий ҳокимият вакиллари ёки ижроия кўмита аъзоларини ҳибсга олиши, тинтув қилиши, далилларни олиб қўйиши зарур бўлса, ижроия кўмита вакилининг розилигини сўрашлари шарт.

Адлия ва ички ишлар идоралари комиссия фаолиятига аралашмаслиги керак. Бу идоралар билан ЧК (Фавқулудда комиссиялар) ўртасида ўзлари келиша олмайдиган назорат масалалари бўйича келишмовчиликлар юзага келганда бу масала якуний қарорга келиш учун ижроия кўмитага топширилади.

Раис ўринбосари

Петерс

Бошқа шаҳарлар ишлар бўлими мудир

В.Фомин²

¹ ВЧКнинг Бошқа шаҳарлар ишлари бўлими маҳаллий Фавқулудда комиссиялар ишларини бошқарган (Кўрсатилган манба. – Б.642).

² Кўрсатилган манба. – С.524.

**Мажбурий меҳнат лагерлари тўғрисида ВЦИК
(Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси) қарори**

1919 йил 17 май

Лагерларни ташкил этиш.

1. Мажбурий меҳнат лагерларини ташкил этиш Губерния Фавқулдда комиссияларига юклатилган бўлиб, уларга маҳаллий ижроия қўмита уй-жой бўлимлари тегишли биноларни тақдим этади.

Изоҳ. Маҳаллий шароитга қараб мажбурий меҳнат лагерлари шаҳар миқёсида ҳам, шаҳар яқинида жойлашган помешчикларнинг уй-жойларида, монастырларда, помешчикларнинг томорқаларида ҳам ташкил этилиши мумкин.

2. Лагерь ташкил этилгач, лагерь НКВДнинг мажбурий меҳнат бошқармаси рухсати билан тегишли ижроия қўмита бўлими тасарруфига топширилади.

3. Барча губерния шаҳарларида ҳар бири камида 300 кишига мўлжалланган лагерлар махсус кўрсатмалар билан белгиланган муддатларда очилиши керак. Ушбу битимга риоя этмаганлик учун жавобгарлик губерния фавқулдда комиссияларига юклатилади.

Изоҳ. Уезд шаҳарларида лагерлар мажбурий меҳнат бўлими махсус рухсати билан очилиши мумкин.

Лагерни бошқариш.

4. РСФСР худудида мажбурий меҳнат лагерларининг умумий бошқаруви Ички ишлар халқ комиссарлиги бўлимига юклатилган.

5. Мажбурий меҳнат бўлимининг вазифалари:

а) лагерларни ташкил этиш ва бошқариш низомлари, кўрсатмалари, қоидаларини ишлаб чиқиш;

б) лагерлар фаолияти тўғрисида даврий ҳисоботларни тақдим этиш;

в) лагерларни таъминлаш учун сметаларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, лагерь маъмурияти штатларини аниқлаш ва бошқалар;

г) маҳаллий ижроия қўмиталари томонидан тақдим этилган номзодлардан лагерь мудирларини тасдиқлаш;

д) иқтисодий, молиявий ва маъмурий жиҳатдан лагерлар устидан умумий назорат қилиш;

е) лагерларни тафтиш қилиш;

ж) лагерларни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш;

з) уезд шаҳарларида лагерларнинг очилиши;

и) маҳбусларни битта лагердан бошқасига ўтказиш;

к) лагерларда устахоналар ташкил этишга рухсат бериш.

6. Мажбурий меҳнат бўлимини унинг мудирини, НКВД бошқаруви аъзосини бошқаради.

7. Мажбурий меҳнат бўлими кичик бўлимларга бўлинади:

а) маъмурий кичик бўлим – лагерларнинг умумий бошқаруви, уларнинг шахсий таркибини бошқариш, статистик маълумотларни тўплаш ва бошқа қўйи идоралар ваколатига берилмаган масалалар учун масъул;

б) ташкилий-тарбиявий кичик бўлим – лагерлар ташкил этиш, лагерлар маъмуриятига кўрсатма бериш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва бошқалар учун масъул;

в) хўжалик кичик бўлими – лагерлардаги хўжалик қисми, мажбурий меҳнат, таъмирлаш ва қурилиш учун масъул.

8. Лагерлар умумий фаолиятининг бевосита назорати маҳаллий ижроия қўмитасининг бошқарув бўлимига юклатилади.

Изоҳ. Лагерларнинг бинолари санитария қоидалари ва маҳбусларнинг меҳнат шароитлари билан боғлиқ назорат қилиш ҳуқуқи маҳаллий ижроия қўмитасининг бошқа тегишли бўлимларига берилади.

9. Ҳар бир лагернинг бошида маҳаллий ижроия қўмитаси томонидан сайланадиган ва НКВДнинг мажбурий меҳнат бўлими томонидан тасдиқланадиган лагерь комендантлари туради. Лагерь комендантлари лагерда тартибни сақлаш ва марказий ҳокимият томонидан чиқарилган барча қарор, кўрсатма ва буйруқларнинг аниқ бажарилиши учун жавобгардир. Барча лагерь ходимлари ва маҳбуслар лагерь комендантининг буйруқларига бўйсунушлари шарт.

10. Лагернинг комендантлари маҳаллий ижроия қўмитаси ва вақтинча ЧКнинг бошқарув бўлимига бевосита бўйсунган ҳолда ҳар икки ҳафтада мажбурий меҳнат бўлимига лагернинг фаолияти, маҳбуслар сони ва ҳаракати, қочиб кетиши, шунингдек, лагерларда содир бўлган барча махсус ҳодисалар ҳақида қисқача ҳисобот тақдим этиши шарт.

11. Лагерь комендантига махсус кўрсатмаларда назарда тутилган тартибда маҳкумларга интизомий жазо қўллаш ҳуқуқи берилади. Комендант лагерь ишчиларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.

12. Лагерь комендантининг бевосита ёрдамчилари: лагерь хўжалиги мудирлари ва мажбурий меҳнатлар мудирлари.

13. Хўжалик мудирлари лагерни озиқ-овқат, иситиш, ёритиш, маҳбуслар ва ишчиларни махсус кийим-кечак билан таъмирлашга оид ишларни амалга ошириш, биноларни таъмирлашни назорат қилиш ва лагернинг бутун хўжалик қисмини бошқариш учун масъулдир.

14. Мажбурий меҳнат мудирининг вазифаларига қўйидагилар киради:

а) лагерь ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам маҳбуслар ишини ташкил этиш;

б) устахоналарнинг жиҳозланиши, бундай устахоналарни ташкил этиш мажбурий меҳнат бўлими томонидан рухсат берилган ҳолларда;

в) маҳбусларни зарур жиҳозлар, асбоблар, хомашё ва бошқалар билан таъминлаш;

г) ишнинг ўз вақтида ва виждонан бажарилишини кузатиш;

д) маҳбуслар ишига буюртмаларни топиш ва қабул қилиш.

Изоҳ. Буюртмалар фақат совет идораларидан қабул қилиниши мумкин.

е) совет муассасалари талабларига кўра маҳбусларни лагердан ташқарида ишлашга чиқариш;

ж) ҳар бир маҳбус ишлаган вақтни ҳисоб-китоб қилиш, маҳбусларнинг да-ромадларини қайд этиш ва иш ҳақи бериш.

15) лагерь ишини юритиш иш юритувчи, ғазначи-ҳисобчи, котиблар (ҳар юз маҳбус учун бир котиб тўғри келиши керак) ва машинистка (ёзув маши-насида ишловчи аёл)лардан (ҳар 300 маҳбус учун бир машинистка тўғри ке-лиши керак) иборат канцелярия идорасига берилади.

Қоровул командаси.

16. Лагерда тартибни бевосита назорат қилиш бошлиқ, унинг ёрдамчиси, иккита алоҳида кўриқчи ва қоровул командасидан иборат қоровулга юкла-тилади.

17. Қоровул ишчилар сони, маҳбуслар сонига қараб белгиланади, маҳбуслар сони 300 дан ошмайдиган лагерларда ҳар 15 маҳбусга 2 та қоровул, 300 дан ортиқ маҳбус бўлган лагерлар эса ҳар 10 маҳбусга битта қоровул тайинланади.

18. Қоровул командасининг ярми лагерь ичида қоровул хизматини олиб бориш учун тайинланади, бошқа ярми эса маҳбусларни кўриқлаш ва уларни лагердан ташқарида кузатиши керак.

Изоҳ. Агар керак бўлса, конвойдаги соқчилар сони қоровулдаги кўриқчи-лар ҳисобидан оширилиши мумкин ёки аксинча.

19. Қоровул бошлиғининг вазифалари: а) команданинг барча ишчилари томонидан қоровул хизматининг тўғри олиб борилишини назорат қилиш, б) маҳбуслар томонидан тартибга риоя этилишини назорат қилиш; в) улар то-монидан интизом бузилишининг олдини олиш; г) лагерга келган бегона шахс-ларни кузатиш; д) команда ишчиларининг учрашувларда ҳозир бўлишларини тайинлаш; е) маҳбусларга олиб келинган буюмларни қабул қилиш ва хўжалик мудирига рўйхат бўйича топширилаётган буюмларни ҳисоб-китоб қилиш; ж) янги қабул қилинган ва ишдан қайтаётган маҳбусларни тинтув қилиш.

Санитария ва тиббий назорат

20. Лагерь санитария ҳолатининг умумий назорати маҳаллий ижроия кў-митасининг соғлиқни сақлаш бўлимига юклатилади.

21. Маҳбусларда бевосита санитария назорати ва тиббий ёрдамни амалга ошириш маҳаллий ижроия кўмитасининг соғлиқни сақлаш бўлими томони-дан тайинланган шифокор ва фельдшер зиммаларига юклатилади.

22. Шифокорнинг вазибалари: лагерга ҳафтада камида 2 марта ташриф буюриб, беморларни текшириш ва даволаш, маҳбуслар билан соғлиғи ҳақида суҳбатлашиш, лагернинг санитария ҳолатини, айниқса, ошхона, тураржой бинолари, ҳожатхоналар ва ҳ.к.ни кузатиш.

Изоҳ. Тўсатдан касаллик юзага келган ҳолатларда шифокор ҳар қандай вақтда чақирилиши мумкин.

23. Фельдшер доимо лагерда бўлиши, қабулхона ва дорихонани бошқариши, маҳбусларга тиббий ёрдам кўрсатиши, янги келган маҳбусларни текшириши ва овқат тайёрлаш учун мўлжалланган озиқ-овқат сифатини кузатиши керак.

24. Лагерда ҳар 300 маҳбус учун 15 та ётоқхонанинг ҳисоб-китобига кўра аптечка билан жиҳозланган қабулхона ташкил этилади.

Маҳбуслар ҳақида.

25. Мажбурий меҳнат лагерларида озодликдан маҳрум қилишга бундай лагерлар тўғрисидаги умумий Низомнинг 2-моддасида кўрсатилган шахслар маҳкум этилади (1919 йилдаги Қарорлар тўплами, 12-сон, 124-модда), бундан мустасно: а) ЧКнинг қарорларига биноан фуқаролар уруши давомида маҳбус лагерларда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар;

б) Сурункали касалликлар безовта қиладиган ва жисмоний камчиликлари бўлган шахслар (улар ҳақиқатдан ишлашга қодир эмас).

Изоҳ. Ишга яроқсизлик шифокор хулосаси бўйича маҳаллий лагерлар бошқармаси томонидан белгиланади.

26. Аёллар ва вояга етмаганлар ҳар бир тоифа учун маҳбус лагерларда сақланиши лозим.

27. Лагерларда сақлаб турилиши лозим бўлган шахслар лагерга суд ҳукми ёки қарори нусхаси билан бирга киришлари лозим, бу нусхада маҳбуснинг фамилияси, исми, отасининг исми, маҳбусни кўчириш тўғрисида қарор чиқарган муассаса номи, судланган жиноятнинг номи, ҳукм чиқариш вақти ва озодликдан маҳрум қилиш муддати кўрсатилиши керак.

28. Маҳбус лагерга келиши билан дарҳол у ҳақидаги маълумотлар уч нусхада тузилган маҳбус карточкаларга киритилади, улардан бири алифбо тартибида реестрга, иккинчиси маҳбус шахсий ишида сақланади, учинчиси эса мажбурий меҳнат бўлимига жўнатилади.

29. Ҳар бир маҳбуснинг лагерь идорасида ўз шахсий ҳисоб рақами, унинг даромадлари ва унга тегишли бўлган лагернинг таъминот қисми ва маҳбуснинг маблағларидан қилинган харажатлар (бу лагерга рухсат берилганлиги учун) киритилган китоб бор.

Изоҳ. Ушбу кўрсатманинг 35-моддасига мувофиқ лагерни сақлаш харажатлари маҳбуслар ўртасида шундай тақсимланадики, лагерни сақлаш маҳбусларнинг сони билан иш ҳақи эвазига тўлиқ қопланиши керак.

30. Маҳбусларга нисбатан қўлланиладиган барча жазолар маҳбус шахсий ишида қайд этилади.

31. Барча маҳбуслар лагерга киргач, дарҳол ишга тайинланиши ва у ерда бўлиш муддати давомида жисмоний меҳнат билан шуғулланиши керак. Иш тури лагерь маъмурияти томонидан белгиланади.

Изоҳ. Баъзи шахслар учун бошқарувнинг маҳаллий бўлимлари рухсати билан жисмоний меҳнатни ақлий меҳнат билан алмаштиришга йўл қўйилиши мумкин.

32. Маҳбуслар учун 8 соатлик иш куни белгиланган. Иш вақтидан ташқари ва тунги ишларни Меҳнат кодекси қоидаларига риоя қилган ҳолда жорий этиш мумкин (1918 йилдаги Қарорлар тўплами, 87-88-сон, 905-модда).

33. Маҳбуслар учун озиқ-овқат паёки (маълум вақтга белгиланган миқдорда бериладиган озиқ-овқат) жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи шахслар учун овқатланиш меъёрининг ҳажмига мос келиши керак.

34. Ҳар бир маҳбуснинг меҳнатига тўланадиган ҳақ тегишли жойлардаги касаба уюшмаларининг ставкалари бўйича тўланади. Маҳкумнинг даромадидан уни сақлаш харажатлари (озиқ-овқат, кийим-кечак), тураржой харажатлари, лагерь маъмуриятининг таъминоти ва қўриқлаш хизмати учун чегириб ташланади. Бундай ажратмаларнинг умумий миқдори иш ҳақининг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

35. Лагерь ва маъмуриятнинг таъминоти маҳбусларнинг тўлиқ таркиби билан маҳбусларнинг иши билан қопланиши керак. Камомад учун жавобгарлик махсус кўрсатмаларда назарда тутилган тартибда маъмурият ва маҳбусларга юклатилади.

36. Маҳбусларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чораларининг миқдори, тури ва тартиби махсус йўриқнома билан белгиланади.

37. Биринчи марта қочгани учун маҳбуснинг озодликдан маҳрум қилиш муддати озодликдан маҳрум қилишнинг асл муддатининг 10 бараваригача оширилади. Иккинчи марта қочиш учун айбдорлар инқилобий трибунал судига ўтказилади ва у жазонинг олий жазо тури қўлланилишига сабаб бўлади.

38. Қочиш эҳтимолининг олдини олиш учун ҳамманинг бир-бирига кафиллиги жорий қилиниши мумкин.

39. Барча маҳбуслар ўзлари билан маъмурият ўртасида воситачи вазифасини бажарувчи бутун лагерга битта староста (бошлик) сайлайди.

40. Асосли сабабсиз ишлашдан бош тортганлик учун маҳбус махсус кўрсатмаларга кўра жазога тортилади.

41. Лагерь маъмурияти томонидан чиқарилган барча буйруқлар дарҳол маҳбуслар томонидан бажарилиши керак. Ҳар бир маҳбусга маъмуриятнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилади.

Бунинг учун ҳар бир лагерда лагерь старостаси томонидан сақланадиган ва бошқарув бўлимига ва лагерни тафтиш қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тақдим этиладиган шикоят дафтарчаси сақланиши керак.

42. Маҳбусларга кўришувлар фақат якшанба кунлари ва байрам кунларида яқин қариндошлар (хотин, болалар, ота, она, ака-ука ва опа-сингиллар) учун махсус рухсатномасиз ўтказилиши мумкин. Бошқа шахслар билан кўришувларга Бошқарув бўлимининг махсус рухсати билан шу кунларда рухсат берилиши мумкин.

43. Озиқ-овқат маҳсулотларининг алоҳида маҳкумларга берилишига йўл қўйилмайди. Барча келтирилган маҳсулотлар умумий қозонга тушиши шарт.

44. Алоҳида тиришқоқлик кўрсатаётган маҳбуслар учун: 1) хусусий хонадонларда яшаш ва тайинланган ишларни бажариш учун лагерь бошқармасига келишга рухсат берилади; 2) маҳаллий ижроия қўмитаси бошқарув бўлими тақдимотига биноан уларнинг озодликдан маҳрум қилиш муддати НКВД мажбурий меҳнат бўлими томонидан камайтирилиши мумкин.

Изоҳ. Ушбу модданинг иккинчи банди суд муассасалари ҳукмлари бўйича лагерга келтирилган шахсларга тааллуқли эмас; ушбу шахслар муддатидан олдин озод қилиш тўғрисидаги умумий қоидалар бўйича муддатидан олдин озод қилиниши мумкин.

Хона.

45. Мажбурий меҳнат лагерлари учун белгиланган бинолар тўлиқ яроқли бўлиши, гигиена ва санитария талабларига жавоб бериши керак.

Изоҳ. Лагерь ҳудудида қоровул командаси учун алоҳида хона ажратилади.

46. Маҳбуслар лагерь биноларининг ҳажми ва жойлашишига қараб умумий ёки алоҳида якка камераларга жойлаштирилади.

47. Лагерлар бошқа бино ва бинолардан ажратилган жойларда ташкил этилади.

48. Ҳар бир камера маҳбусларни жойлаштириш учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминланади.

Изоҳ. Эпидемиянинг олдини олиш мақсадида кети узилмайдиган нара (умумий ётадиган жой) ўрнатиш тақиқланади.

49. Лагерларда ванналар, кир ювиш ва дезинфекция камералари ташкил этилади.

Изоҳ. Агар лагерда махсус ҳаммом ташкил этиш имкони бўлмаса, маҳбусларни шаҳар ҳаммомларига ҳар ойда камида икки марта олиб бориш керак.

Имзоландилар: БМИҚ раиси учун

В.Аванесов

Котиби

А.Енукидзе¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.525 – 530.

НКВДнинг ички қўриқлаш қўшинларига мажбурий меҳнат лагерларини қўриқлаш тартиби тўғрисида 30-сонли буйруғи

1920 йил 31 январь

Мажбурий меҳнат лагерларини қўриқлашни ички қўриқлаш қўшинларига топшираман. ВОХР (ҳарбийлашган қўриқлаш) қўшинлари қисмларининг катта ҳарбий бошлиқларига мажбурий меҳнат лагерлари жойларида гарнизон хизмати уставининг 164 – 169-моддаларига кўра табеллари ва постларини тузиш учун ушбу лагернинг комендант билан постлар сонини келишиб, лагерларнинг ташқи қоровулини ташкил этишни буюраман.

(Қоровулхона 2-тоифали соқчилар учун лагерь томонидан таъминланиши ва жиҳозланиши керак, 33-моддага 1-илова.)

Маҳкумларни кузатиш учун конвой лагерь комендантлари томонидан улар кўрсатган сонда ва уларнинг талабларига мувофиқ тайинланиши лозим.

Лагерларда маҳбусларни ички қўриқлаш ва назорат қилиш учун комендант ихтиёрига унинг илтимосига кўра лагерга тегишли Қизил Армия аскарлари юборилсин.

Мажбурий меҳнат лагерларида маҳбуслар учун конвой (соқчилар) вазифасини ўташ бўйича хизмат қилиш пайтида ВОХР қўшинлари қисмларига ушбу буйруқ иловасида эълон қилинган кўрсатмаларга амал қилишни буюраман.

Ички ишлар халқ комиссарлигининг мажбурий меҳнат бошқармаси қошида лагерларга хизмат қилиш учун 450 та Қизил Армия аскарларидан (ВОХР қўшинларининг махсус мақсадли ротаси) иборат конвой командаси ташкил этилган.

ИЛОВА. Мажбурий меҳнат лагерларида қамалган шахсларни шаҳар бўйлаб ташқи ишлар ва муассасаларга кузатувчи конвой учун йўриқнома.

Асл нусхани имзоладилар: Ички ишлар халқ комиссари Ф.Дзержинский,
Қўшинлар бошлиғи К. Валобуев¹
(Саф бошқармаси бўйича)

ВЧКнинг маҳбуслар тартиби тўғрисидаги 22-сонли буйруғи

1920 йил 3 март

1. Фуқаролар уруши тугагунига қадар ва умрбод озодликдан маҳрум этилган шахслар қамоқда сақлаш жойларидан ташқарида ишлашга тайинланмаслиги керак.

2. Ушбу тоифадаги маҳбуслардан қамоқда сақлаш жойларидан ташқарида фақат ВЧК ёки Губерния ЧК Раёсати рухсати билан ишда фойдаланиш мумкин ва бундай шахслар жазоси енгиллаштириладиган номзодлар тоифасига киритилади.

¹ Кўрсатилган манба. – С.541.

3. Ушбу буйруққа риоя қилмаганлик учун комендантлар ва лагерлар маъмурияти қатъий жавобгарликка тортилади.

Ички ишлар халқ комиссари ва ЧК раиси
Котиб

Дзержинский
Н.Мешчеряков¹

Изоҳлар:

... Москвадан узоқ бўлган жойларга маҳбусларни жўнатиш қатъий талаби Сталинга қарши навбатдаги «фитна» билан боғлиқдир. Дмитлаг бошлиғи С.Г.Фирин ва ЧК тезкор бўлими бошлиғи С.В.Пузицкий (иккови 1937 йил 28 апрель куни ҳибсга олинган) гўёки Ягода топшириғи билан Москва атрофидаги лагерлар маҳбусларга таяниб «сарой тўнтариш»ни тайёрлаган эди. Буу тўғрида Ежов биринчи марта батафсил июндаги (1937 йил) ВКП (б) МҚ Пленумида айтган ва Фириндан олган кўрсатмаларини иқтибос келтирган: «Ҳокимиятни қўлга олиш борасида Ягода муҳим ўринни Дмитлаг кучларига берган. Ягода лагерда контингентлардан қаттиқ жанговар захирасини яратиш кераклигини кўрсатган. Шунинг учун жинойи доираларида обрўга эга бўлган «етакчи» деб ҳисобланган маҳбуслардан қурилиш отрядлари бошлиқлари сифатида фойдаланиш керак. Ҳар қандай «етакчи» керакли пайтда унинг қурилиш отрядидаги маҳбусларнинг асосий негизидан иборат бўлган жанговар гуруҳининг бошлиғига айланишига тайёр бўлиши керак эди. Ягода айтганки, Дмитлагнинг жанговар отрядлари террористик вазифалар, яъни алоҳида партия ва ҳокимият вакиллари қўлга олиш ва йўқ қилиш учун керак эдилар, бундан ташқари, улар алоҳида муассасалар, идоралар ва бошқа жанговар вазифалар учун резервни ташкил қилишлари керак. Шунинг учун ҳар бир жанговар отряднинг бошлиғи ўзининг таъсирини лагердаги маҳбус ичидан сараланган калтакесарларга ўтказиши лозим. Хавфли унсурларни тўнтаришдан кейин йўқ қилиш мумкин» (Свободная мысль. 2000. №1. – С.114).²

ВКП (б) МҚ ва СССР ХКСнинг 1937 йил 17 августдаги 1402-317с-сонли қарорида айтилади: «Тайшетдан Советская Гавангача узунлиги 5000 км Байкал-Амур темир йўл магистралининг қурилиши бошлансин. ... Байкал-Амур темир йўл магистралининг қурилиши СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юклатилсин». Қаранг: РФ ДА, Ф. Р-5446, 1-рўйхат, 494-иш, 192 – 195-варақлар.³

¹ Кўрсатилган манба. – С.542.

² Кўрсатилган манба. – С.622.

³ Кўрсатилган манба. – С.623.



Покаяние: хранить мартиролог вечно.
Т.8 Ч.2 / Сост: Е.А.Зеленская, М.Б.Рогачев.
– Сыктывкар, 2006.

УХТО-ПЕЧОРА МЕҲНАТ-ТУЗАТИШ ЛАГЕРИ 3-БЎЛИМ СОБИҚ ХОДИМИНИНГ ТЕРГОВ БАЁННОМАСИДАН¹

1938 йил 8 декабрь²

САВОЛ: 1937 – 1938 йилларда НКВДнинг Ухто-Печора лагерида ўтказилган тадбир давомида беш марта нотўғри қатл этиш ҳолатлари кузатилгани аниқланган: Ҳасанов Раҳим (1895 й.т.) ўрнига Ҳасанов Олим (1915 й.т.) отилган; ҳозиргача лагерда жазосини ўтаб келаётган Якименко Пётр Ильич ўрнига ушбу Якименконинг айнан ўзи отилган деб ҳисобланади (яъни у отувга ҳукм қилинган ва ҳужжатларда жазо ижро этилган деб кўрсатилган, аслида эса у тирик бўлган – Р.Ш.); Степанов Н.В. ўрнига Ананенко³ отилган; Поляков А.В. ўрнига унинг фамилиядоши Поляков А.В. (1914 й.т.) отилган; Орлов-Оганов ўрнига худди шу фамилияда бўлган номаълум бир шахс отилган, чунки Орлов-Оганов ҳозирда тирик ва Севжелдорлагда жазо муддатини ўтаяпти, аслида эса у ҳеч қандай Орлов-Оганов ҳам эмас, балки Шурпа лақабли ўғри-рецидивист.

Бу 5 маҳбуснинг отувини қандай изоҳлайсиз, ваҳоланки, улар отувга ҳукм қилинмаган эди.

ЖАВОБ: Беш маҳбус: Ҳасанов, Поляков, Ананенко, Якименко ва Орлов-Огановларнинг нотўғри отилиши сабаби менинг 3-бўлимга ишга келишимдан олдинроқ, ушбу тадбирларнинг илк кунидан бошланган оператив ҳисоботдаги чалкашлик саналади. Бутун тадбирни ГУЛАГнинг собиқ 3-бўлими бошлиқ ўринбосари, Давлат хавфсизлик хизмати капитани Григорович бошқарган. У оператив йиғилишларда Черноиванов тадбирни бошқаришга

¹ Сўроқ қилинганнинг ва сўроқ қилувчининг лавозим ва фамилиялари ошкор этилмаган.

² Покаяние: Мартиролог. Т.8. Ч.2 / Сост: Е.А.Зеленская, М.Б.Рогачев. – Сыктывкар, 2006. – С.225 – 228.

³ Н.В.Степанов ва Ананенколарнинг судланганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. Эҳтимол, 1938 йил 1 март кuni отилган Д.Г.Анашенко назарда тутилгандир.

ноқобил бўлгани учун бошқарувни ўз зиммасига олганини кўп марта таъкидлаб келган. Григорович бутун тадбирнинг техник томонини ташкиллаштирган.

Григоровичнинг катта тезкор бошлиқ сифатидаги кўрсатмаларига биноан илгари лагерь суд коллегиясига юборилган кўплаб маҳбусларнинг тергов ишлари ва чекка жойлардан жўнатилган эски тергов ишлари мазкур тадбир бошланиши билан лагерь суд коллегиясидан сўраб олинган, бу ҳужжатларнинг бари Архангельск вилояти бўйича УНКВД учлиги томонидан кўриб чиқишга юборилди. Аммо бу ишларга алоқадор бўлган маҳбуслар аксарият ҳолларда лагерларнинг турли бўлимларида бўлганлар ва уларни ижро этиш тўғрисида учликнинг қарорларидан кўчирма олмагунча ҳибсга олинмаганлар. Ишлари учликка юборилган маҳбуслар ҳибсга олинмаганлиги, ҳатто кўпинча аниқланмаганлиги сабабли у ёки бу маҳбусни отиш тўғрисида қарор чиққанда бу маҳбус ё қочиб кетган, ё аллақачон озод қилинган ва лагерни тарк этган бўларди. Григорович бу фактларнинг барчасини жуда яхши биларди. Шахсан мен 3-бўлимда операциялар бўйича 1937 йил декабрнинг сўнгги кунларидан ишлай бошладим. Бу вақтга келиб, яъни 1937 йил декабрь ойи охири ва 1938 йил январь ойининг бошларида энг кўп тергов ишлари Архангельскка жўнатилди, уларнинг рўйхатга олиниши ва расмийлаштирилиши билан ҳеч қандай алоқам йўқ эди.

САВОЛ: Тадбирнинг оператив ишидаги иштирокингиз, ўрнингиз қандай бўлган ва собиқ Ухто-Печора лагерининг 3-бўлимида ишингизни қайси лавозимда бошлагансиз?

ЖАВОБ: Мен 1937 йил 20 декабрдан собиқ Ухто-Печора лагерининг 3-бўлимида вақтинча шу бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи сифатида иш бошладим. Ушбу лавозимда 1938 йил январь ойининг сўнгги кунларига қадар ишладим, яъни тахминан бир ой ёки ундан кўпроқ вақт. Вақтинча 3-бўлимнинг бошлиғи вазифасини бажарувчи сифатида бўлимдаги барча жорий ишларни бошқардим. Тадбирни Григорович бошқарган. У ҳибсга олишни режалаштирган, терговга раҳбарлик қилган. Техник жиҳатдан мен ҳибсга олишларни Григорович кўрсатмаларига биноан расмийлаштирдим, ҳибсга олиш ҳақидаги ордерларни, қарорларни имзолардим.

Архангельскка учлик томонидан кўриб чиқишга юборилган тугалланган ишлар ҳақидаги барча маълумотномалар Григоровичнинг визасидан сўнг мен ва Лагерлар бошқармаси собиқ бошлиғи Мороз томонидан имзоланган. Ишлардаги айблов хулосалари қисман мен, қисман Григорович томонидан имзоланган. Мен эса ҳукмларни ижро этиш бўйича қарорларга имзо чекардим ва шахсан ҳукмлар ижро этиладиган жойга борардим. Григорович ҳеч қачон ҳукмлар ижро этиладиган жойда бўлмаган.

САВОЛ: Чалкашликлар натижасида лагерда бўлмаган маҳбусларга ҳукмлар чиқарилаётганлиги қачон аниқланди?

ЖАВОБ: Тахминан 1938 йил январь ойида, яъни вақтинча бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи бўлганимда учлик қарорларидан кўчирмаларнинг биринчи гуруҳини олганимиздан сўнг биз кўчирмаларни ҳибсга олинганларнинг иши билан таққослашни бошладик, шундан кейин ҳукм қилинганларнинг лагерда йўқлиги, шахсий маълумотлардаги чалкашлик ва бошқалар кўринадими.

Эсимда, 1937 йил декабрь ойи охирида ВОХР (Ҳарбийлаштирилган қорувул бўлинмаси) ходимларидан иборат махсус бригада қисмининг турли лагерларига отувга ҳукмлари келган маҳбусларни топиш ва қамоқхонага етказиш учун юборилган эди.

САВОЛ: Нима учун сиз бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи сифатида дарҳол, тергов ишларини расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар илк марта аниқлангандаёқ ушбу хатоларни тузатиш учун қатъий чоралар кўрмадингиз ва шу тариқа 1938 йил март ойида отиб ташланган Ҳасанов ва бошқаларнинг отилишига тўсқинлик қилмадингиз? Ваҳоланки, чалкашлик аниқланганига 3-4 ой бўлган эди.

ЖАВОБ: Учлик қарорларидан кўчирма олингандан сўнг ишларини учлик кўриб чиққан бир қанча маҳбусларнинг лагерда бўлмаганлиги ёки улар аниқланмаганлиги маълум бўлди ва уларни қидириб топиш чоралари кўрилди. Ушбу қидирув мен бўлим ишларига раҳбарлик қилганимда ҳеч тўхтамади ва бўлимни ўртоқ Ключинга топширганимдан кейин ҳам давом этди. Тергов ҳибсхонаси ва 1-тоифадаги маҳбусларни ушлаб турадиган бошқа жойларни (яъни ишлари кўриб чиқилиши учун учликка юборилганларни) текшириш фақат рўйхат асосида амалга оширилди. Ҳар бир ҳибсга олинган шахснинг шахсий сўрови ўтказилмади ва мен ҳам бу саволни кўтармадим. Бундан ташқари, терговга тортилганларнинг барчасини бевосита тергов иши билан таққослаш мумкин эмас эди, чунки тергов ишлари Архангельскда бўлиб, бўлимга бир ярим-икки ойдан кейин учликнинг отув қарори кўчирмаси билан бир вақтда етиб келарди. Ўша пайтда Ҳасанов иши билан боғлиқ чалкашликлар маълум эмас эди.

САВОЛ: Сиз тўғридан-тўғри жавоб бермаяпсиз: сиздаги жиноий бепарволик туфайли ҳеч қандай асоссиз 5 нафар маҳбуснинг отиб ўлдирилишида ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

ЖАВОБ: Менинг жиноий бепарволигим сабабли отилганлар Ҳасанов Олим, Поляков А.В. (1914 й.т.), отувга ҳукм қилинган Степанов билан фамилиялари алмашиб қолган Ананенко ва фамилияси Якименко Пётр (1915 й.т.) бўлган номаълум шахс ҳисобланади. Отилган Орлов-Оганов ишига менинг ҳеч қан-

дай алоқам йўқ. 4 нафар маҳкумнинг ҳеч қандай сабабсиз қатл этилишига олиб келган жиноий бепарволигим шунда эдики, ҳукм ижро қилинишидан олдин шахсий маълумотларни ҳукм ва тергов ишлари билан аниқ қиёслаб олишим керак эди, мана шунга етарлича эътибор қилмаганман. Маҳбус Поляков А.В. 1938 йилнинг апрель ёки май ойида Печорада отилган. Ушбу ҳукмни ўрт. Жаринов ижро қилган.

САВОЛ: Кадрлар бўйича катта инспектор Фроловичнинг маҳкум Раҳим Ҳасановга нисбатан ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги актни тузишида сиз Фроловичга Ҳасановга яна бир исм, бундан олдинроқ отиб ташланган Олим Ҳасанов исмини қўшишни буюргангиз ҳақиқатми?

ЖАВОБ: Мен Фроловичга маҳбус Ҳасанов Раҳимни аниқлаш тўғрисидаги актни тузишни ва ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги далолатномада уни Ҳасанов Раҳим-Олим деб кўрсатишни буюрдим, бироқ бу вақтда отилган аслида Ҳасанов Раҳим бўлгани ва лагерда Ҳасанов Раҳим-Олимнинг бўлмагани маълум эди.

Фроловичга бундай кўрсатмани беришимдан мақсад, ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги далолатномадаги шахсий маълумотлар учлик қарори кўчирма-сидаги шахсий маълумотлар билан тўлиқ мос келиши керак деб ҳисоблардим.

САВОЛ: Аммо Ҳасанов Раҳимга тегишли бўлмаган Олим исмини ёзиш вазиятни адолатсиз равишда сохталаштириш деганидир. Ёки сизда Ҳасанов Раҳимга Олим исмини бериб, Ҳасанов Олимнинг нотўғри отилганлигини яшириш ёки ушбу фактнинг текширувини чалкаштириш мақсади бўлганми?

ЖАВОБ: Мен Ҳасанов Олимнинг нотўғри отилганини яширмакчи бўлмаганман. Буни 1938 йил 25/XI, 26/XI да ёзиб берилган тушунтириш хатим тасдиқлайди.

САВОЛ: Ҳасанов Олимнинг қатл этилиши бўйича хато аниқланганда ва аслида отувга ҳукм қилинган Ҳасанов Раҳим бир неча ойдан бери қамоқхонангизда экани маълум бўлгандан кейин дарҳол бу ҳолатнинг изоҳи бўйича Архангельскка билдирги билан Ҳасанов Раҳим номига шахсий маълумотларни жўнатишини сўраб мурожаат қилсангиз тўғри бўлмасмиди?

Ахир Ҳасанов Раҳимнинг отилишидан олдин ҳам, кейин ҳам ноаниқликлар билан турли кўчирмалар тузатиш учун Архангельск вилояти УНКВДга жўнатиб турилган.

Нега бу вазиятда сиз ҳам шундай йўл тутмадингиз ва Фроловичга Ҳасанов Раҳим-Олимни отиш учун далолатнома тузишга кўрсатма бердингиз? Ахир, сиз аниқ билардингиз-ку, Ҳасанов Раҳим ва Ҳасанов Олим бошқа-бошқа инсонлар эди.

ЖАВОБ: Ҳасанов Олимнинг нотўғри қатл этилганини яширишга ҳаракат қилмадим, буни беркитишнинг ўзи ҳам имконсиз, чунки бир киши ўрнига

икки киши отилган. Мен йўл қўйган қўпол хатойимни, яъни ноаниқликка эга кўчирмаларни ва шахсий маълумотларни тузатиш учун қайта жўнатишда ўрнатилган тартиб-қоидаларни қўпол равишда бузганимни тан оламан.

САВОЛ: Сиз ўз кўрсатмаларингизга яна нима қўшимча қила оласиз?

ЖАВОБ: Мен қўшимча қиладиган ягона нарса шуки, мазкур ҳолатларнинг ҳеч бирида ҳеч қандай зарарли ният, қасос ва ғаразли мақсадни кўзламаганман.

Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати Коми Автоном Республикаси бўлими архиви, 6-фонд, 8-рўйхат, 60-йиғма жилд, 153 – 157-варақлар.

НОМЛАРИ ТИКЛАНГАНЛАР

1. Собир Ўрозматов – 1909 йили Ўзбекистон ССР Калинин райони Оқли Қорамас овулида туғилган, ўзбек, 1935 йил 24 сентябрда ҳибсга олинган, ЎзССР Олий суди 1935 йил 24 сентябрда Жиноят кодексининг 17-54-моддаси билан 10 йил қамоқ жазозига ҳукм қилган, лагерга 1938 йил 11 июнда келган.

2. Ҳайдаров Ҳайитжон – 1902 йили туғилган, ўзбек, 1933 йил 27 сентябрда ҳибсга олинган, 1933 йил 29 сентябрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-10-моддаси билан 10 йил озодликдан маҳрум этилган, лагерга 1934 йил 5 июлда келган.

1937 – 1938 ЙИЛЛАРДА УХТА-ПЕЧОРА МЕҲНАТ-ТУЗАТУВ ЛАГЕРИДАГИ МАҲБУСЛАР РЎЙХАТИ

1. Алимбетов Кушкян – 1898 йили Қорақалпоғистон АССР Куйбишев райони Қўтанчу қишлоғида туғилган, Архангельск области НКВД ҳузуридаги учлик томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси билан айбланиб 1938 йил 9 январда отувга ҳукм қилинган, отилган жойи Новая Ухтарка.

2. Эшниёзов Нурмат – 1906 йили туғилган, НКВД Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик томонидан 1938 йил 9 январда РСФСР Жиноят кодекси 80-моддаси билан отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 29 мартда ижро этилган, отилган жойи Новая Ухтарка.

3. Қурбонов Абдурасул – 1906 йили туғилган, 1937 йил 17 ноябрда ҳибсга олинган, НКВД Архангельск области ҳузуридаги учлик томонидан 1937 йил 21 декабрда РСФСР Жиноят кодексининг 58-10-, 58-11-моддалари билан отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 10 февралда ижро этилган, отилган жойи Чибью.

4. Минғбоев Шокир – 1907 йили туғилган, НКВД Архангельск области ҳузуридаги учлик томонидан РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси билан

отувга ҳукм қилинган, ҳукм 1938 йил 4 мартда ижро этилган, отилган жойи Новая Ухтарка.

5. Умаров Абдулла (Умеров Абла) – 1912 йили туғилган, НКВДнинг Архангельск области ҳузуридаги учлик томонидан 1938 йил 9 январда СССР НКВДнинг 00447-сонли буйруғи бўйича отувга ҳукм қилинган, 1938 йил 29 мартда ҳукм ижро этилган, Новая Ухтаркада отилган.

6. Хўжаев Ҳожиакбар – 1913 йили туғилган, НКВДнинг Архангельск области учлиги томонидан 1938 йил 9 январда РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси қўлланилиб, СССР НКВДнинг 00447-сонли буйруғи бўйича отувга ҳукм қилинган. 1938 йил 21 мартда Новая Ухтаркада отилган.

7. Ёқубов Муҳаммаддиёр – 1910 йили туғилган, НКВДнинг Архангельск области бошқармаси ҳузуридаги учлик 1938 йил 4 январда РСФСР Жиноят кодексининг 82-моддаси бўйича отувга ҳукм қилган. 1938 йил 14 апрелда Новая Ухтаркада отилган.¹

¹Кўрсатилган асар. – С.430 – 751.



**История сталинского Гулага. Конец
1920-х – первая половина 1950-х годов:
Собрание документов в 7-ми томах. Т. 1.
Массовые репрессии в СССР / Отв. ред. Н.Верт,
С.В.Мироненко. Отв. сост. И.А.Зюзина. – Москва:
РОССПЭН, 2004. – 729 с.**

СССР прокурори А.Я.Вишинский 1936 йил 25 апрелда СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Халқ Комиссарлари Советининг 1935 йил 29 июлдаги «Колхозчилардан судланганлигини олиб ташлаш тўғрисида»ги қарори бажарилиши бўйича ишлар якунлари тўғрисида И.В.Сталин, М.И.Калинин, В.М.Молотовлар номига маъруза хатини йўллаган. Ушбу хатда қатор жойларда 29 июлдаги қарор колхозчилар оиласига етказилмагани, улар бундан беҳабарлиги кўрсатилган. Улардан бири Ўзбекистон ССР экани қайд этилган.¹ Шу қарордан сўнг Ўзбекистон ССР бўйича 8081 колхозчидан судланганлиги олиб ташланган.

СССР ички ишлар халқ комиссари Г.Г.Ягоданинг 1935 йил 14 июлдаги Сталин ва Молотовга йўллаган маъруза хатида жойлардаги судлар томонидан чиқарилган ҳукмлар ижросини таъминлашда сансалорлик, чўзиш, қоғозбозлик юз бергаётгани, жумладан, Ўзбекистон бўйича отувга ҳукм қилинган 25 кишини отиш 3 ойгача чўзилиб кетгани танқид остига олинган.²

СССР прокуратураси жиной суд бўлими 1-бўлими бошлиғининг 1940 йил 7 апрелда СССР прокурори М.И.Панкратовга йўллаган СССР прокуратураси суд назоратининг аксиланқилобий жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича маъруза хатида 1939 йилнинг 2-ярмида СССР бўйича 749 киши (3,8 фоиз) иши тўхтатилгани, 7026 киши (ёки 35,8 фоиз) оқлангани, 11851 киши (60,4 фоиз) ҳукмга тортилгани, жумладан, Ўзбекистон ССРда 1085 кишидан 580 киши (53,5 фоиз) оқлангани қайд этилган.³

СССР Олий Совети Президиуми 1940 йил 26 июнда «Саккиз соатлик иш кунига, етти кунлик ҳафталикка ўтиш тўғрисида ҳамда корхона ва муассасалардан ишчи ва хизматчиларнинг ўзбошимчалик, рухсатсиз кетиб қолишларини тақиқлаш тўғрисида» Фармон қабул қилган. 1940 йил 16 декабрда шу фармоннинг бажарилиш ҳолати бўйича СССР прокурори В.М.Босков И.В.Сталинга, Г.М.Маленковга, В.М.Молотовга маъруза хати йўллаган. Унда кўрса-

¹ История Сталинского Гулага. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов: Собрание документов в 7-ми томах. Т. 1. Массовые репрессии в СССР / Отв. ред. Н.Верт, С.В.Мироненко. Отв. сост. И.А.Зюзина. – Москва: РОССПЭН, 2004. – С.205 – 208.

² Кўрсатилган манба. – С.227 – 235.

³ Кўрсатилган манба. – С.370 – 372.

тилишича, юқоридаги қоида ва талабга бўйсунмаганлардан 1 577 449 киши жазога тортилган. Шундан Ўзбекистондан 34159 киши, Туркменистондан 9337 киши, Тожикистондан 6380 киши, Қирғизистондан 10541 киши жазоланган.¹

1941 йил 26 декабрда Чкалов шахридаги корхоналарда «Ҳарбий саноат ишчи ва хизматчиларининг корхоналардан ўзбошимчалик билан кетиб қолганлиги учун жавобгарлик тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилишини текшириш бўйича СССР бош прокурори ўринбосари К.А.Мокичевнинг СССР прокурори В.М.Бочковга йўлланган ёзма доклади

*1942 йил январь
Мутлақо махфий*

... Қочоқлик бўйича 7 та ҳолат аниқланган:

а) эгар-жабдуқ фабрика ишчиси Абдулғаниев доимий равишда меҳнат интизомини бузган. 23 октябрь куни фабрика директори Чкалов шахридаги Дзержинск райони прокуроридан Абдулғаниевни жиноий жавобгарликка тортишни илтимос қилган, аммо район прокурори жиноий иш қўзғалишини рад этган. 19 – 23 ноябрь кунлари Абдулғаниев 4 кун ишга келмаган; 2 декабрда у ишга келмаганлиги учун 6 ой муддатга меҳнат билан ахлоқ тузатадиган ишларга ҳукм қилинган. 5 декабрь куни Абдулғаниев яна ишга келмаган, ишда ўзининг ёмон хулқ-атворини намоён этиб, очиқдан-очиқ ялқовлик қилиб юрган. 26 декабрь куни ўзбошимчалик билан ишни ташлаб кетган. Шу боис фабрика директори 30 декабрь куни бу ҳақда халқ судига хат йўллаган, шу суд томонида 5 декабрь куни содир этилган Абдулғаниев томонидан ишга келмаслик ҳолати тўғрисидаги иш кўрилиши керак эди. Суд ишни кўриб, Абдулғаниевни 9 ой муддатга меҳнат билан ахлоқ тузатиш ишларга ҳукм қилган.

2 январь куни Абдулғаниев ишга чиққан, лекин, цех бошлиғи маълумоти бўйича, меҳнат интизомини бузиб, ялқовлик қилишни давом эттирган. Менинг таклифим бўйича Абдулғаниевга оид бўлган иш Абдулғаниевнинг қочоқлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши учун НКВД қўшинлари ҳарбий прокурорига ўтказилган.

К.Мокичев²

¹Кўрсатилган манба. – С.441.

²Кўрсатилган манба. – С.430 – 431.

**СССР НКВДнинг «Польшалик фуқароларни Ўзбекистон
ССРдан кўчириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги
001627-сонли бўйруғи**

**1941 йилнинг 24 ноябрь
Мутлақо махфий**

СССРнинг шимолий областларидан Ўзбекистонга лагерь, қамоқхона ва махсус посёлкалардан озод қилинган 36500 нафар польшалик фуқаролар келганлар, улар қуйидаги жойларга жойлаштирилган: Қорақалпоғистон ССРда 25000 киши, Хоразм областида 5000 киши, Самарқанд областида 3000 киши, Бухоро областида 3000 киши, Фарғона областида 500 киши.

Ўзбекистонда уларни жойлаштириш ва иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги туфайли Мудофаа давлат қўмитаси юқорида кўрсатилган польшалик фуқароларни Қозоғистон ССРга кўчиришга қарор чиқарди.

СССР Мудофаа давлат қўмитасининг қарорини бажариши учун
БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистонга келганлар лагерь, қамоқхона ва махсус посёлкалардан озод қилинган умумий сони 36500 нафар польшалик фуқаролардан: Жанубий Қозоғистон областига 18000 киши, Жамбул областига 12000 киши, Семипалатинск областига 6500 киши кўчирилсин.

2. Польшалик фуқароларни кўчириш қуйидаги тартибда ўрнатилсин:

Ўзбекистон НКВД НКВД дипломат агенти ўртоқ Крючков билан бирга Тошкентдаги Польша элчихонаси вакили Качинскийни жалб қилиб, унинг иштироки билан польшалик фуқароларга Қозоғистонга кўчирилиш сабабларини тушунтирадилар ва ташкил қилинган эшелонлар билан уларнинг олиб чиқилишини амалга оширадилар.

Эшелонлар шундай ташкил этиладики, ҳар бир эшелон врач ва иккита ҳамшира билан таъминланган бўлиши керак, бундан ташқари, керакли жиҳозлари ва дори-дармонлари бўлсин.

Кўчириладиган шахсларни йўлда овқатлантириш махсус белгиланган пунктларда – темир йўл буфетларида амалга оширилади. Иссиқ овқат ва қайноқ сув бир суткада икки марта берилсин. Овқатлантириш учун тўлов НКВД ҳисобидан тўлансин.

Кўчириладиганлар овқатланиш харажатлари учун эшелон бошлиқларига йўлдаги вақтига қараб бир одамга кунига 6 рубль ҳисобидан аванс берилсин.

3. Кўчириладиганларга йўлда оператив-агентура хизматини йўлга қўйиш учун ҳар бир эшелонга 1-2 тезкор ходимлар ажратилсин.

Йўлда кўчирилишга қаршилик кўрсатишга уринишлар ёки жойларда ё йўлда кўчирилишдан яшириниш ҳолатлари юз берганда Ўзбекистон НКВД айбдорларни ҳибсга олиб, жиноий жавобгарликка тортсин.

4. Операция ўтказишни бошқариш Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссарига – Давлат хавфсизлик хизмати катта майори ўртоқ Қобуловга юклатилсин.

Операция жорий йил 25 ноябрь куни бошланиб, 5 декабрь куни тугатилсин.

5. СССР НКВД Транспорт бошқармаси бошлиғи, Давлат хавфсизлик хизмати катта майори ўртоқ Синегубов кўчириладиганларни чиқариб юбориш ва уларнинг йўлда ҳаракат қилиши учун эшелон ва сузувчи воситаларнинг вақтида берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссари ўртоқ Қобулов операция жараёни бўйича доклад тақдим этсин.

7. ГКО қарори билан польшалик фуқароларни Қозоғистондаги жойларга жойлаштириш ва иш билан таъминлаш учун жавобгарлик КССР ХКС раиси ўртоқ Ундасиновга ва Қозоғистон ССР КП (б) МҚ котиби ўртоқ Скворцовга юклатилган.

Қозоғистон ССР ички ишлар халқ комиссари, Давлат хавфсизлик хизмати катта майори ўртоқ Бабкин Жанубий Қозоғистон, Жамбул ва Семипалатинск областлари НКВД бошлиқларига, маҳаллий ҳокимият органларига кўчириладиганларни жойларга жойлаштириш ва иш билан таъминлашда керакли ёрдам тўғрисида кўрсатмалар берсин.

СССР ички ишлар халқ комиссари

Давлат хавфсизлик хизмати бош комиссари: Л.Берия¹

**СССР ички ишлар халқ комиссари Л.П.Бериянинг
крим-татар аҳолисининг кўчирилиши бўйича
И.В.Сталинга йўллаган ахборот хати**

*1944 йил 10 май куни. Мутлақо махфий
№4246*

Давлат мудофаа қўмитаси Ўртоқ И.В.Сталинга

... Татар миллий қўмиталари немис полицияси билан Германияга 50 мингдан ортиқ совет фуқароларини жўнатишни ташкил қилишда иштирок этганлар, аҳоли ўртасида герман армияси учун пул ва буюмларни тўплашни уюштирганлар ва маҳаллий татар бўлмаган аҳолига нисбатан кенг миқёсда хоинлик ишларини олиб бориб, уларни ҳар томонлама сиқувга олганлар.

«Татар миллий қўмиталари»нинг фаолияти немис оккупацион ҳокимиятларини қўллаб-қувватлаганлиги учун уларга кўпгина имтиёзлар берилиб, рағбатлантирилган.

¹ Кўрсатилган манба. – С.475 – 476.

Қрим-татарларнинг совет халқига қарши сотқинлик ҳаракатларини ҳисобга олиб ва уларни совет Иттифоқининг чегара ҳудудларида яшаши номаъқуллигидан келиб чиқиб СССР НКВД Сизнинг ихтиёрингизга ҳамма татарларни Қрим ҳудудидан кўчириш тўғрисидаги Давлат мудофаа қўмитасининг қарор лойиҳасини тақдим этаман.

Қрим-татарларни Ўзбекистон ССР минтақаларига махсус кўчирилганлар сифатида қишлоқ хўжалигида – колхоз ва совхозларга – ва саноат ва қурилишда ишлашлари учун жойларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Татарларни Ўзбекистон ССРда жойлаштириш масаласи Ўзбекистон КП (б) котиби ўртоқ Юсупов билан келишилган.

Дастлабки маълумотлар бўйича, ҳозирги вақтда Қримда 140 – 160 минг татар аҳолиси мавжуд.

Кўчириш операцияси 20 – 21 май кунлари бошланиб, 1 июнь куни тугайди. Шунинг билан Давлат мудофаа қўмитасининг қарори лойиҳасини тақдим этган ҳолда Сизнинг рухсатингизни сўрайман.

СССР ички ишлар халқ комиссари:

Л.Берия¹

«Қрим-татарлар тўғрисида»ги 5859-сонли Давлат мудофаа қўмитаси қарори

1944 йил 11 май куни

...в) НКПС (Алоқа йўллари халқ комиссарлиги) (ўртоқ Каганович)га махсус кўчириляётганларни Қримдан Ўзбекистон ССРга махсус шакллантирилган эшелонлар орқали СССР НКВД билан биргаликда тузилган график асосида ташишни ташкил қилиш юклатилсин. Эшелонлар сони, юклаш ва ташиш станциялари СССР НКВД талабномаси бўйича берилади.

Кўчириш бўйича харажатларни маҳбуслар кўчириш тарифи бўйича амалга оширсин;

г) СССР соғлиқни сақлаш халқ комиссарига (ўртоқ Митерев) СССР НКВД билан келишилган муддатларда дори-дармонлар захираси билан ҳар бир эшелонга 1 та шифокор ва 2 та ҳамширани ажратсин, йўлда махсус кўчириляётганларга тиббий ва санитар хизмат кўрсатилиши таъминлансин; СССР савдо халқ комиссарига (ўртоқ Любимов) махсус кўчириляётганларни ташувчи ҳамма эшелонлар ҳар куни иссиқ овқат ва қайнаган сув билан таъминлансин.

Кўчириляётганларни овқатлантиришни ташкил қилиш учун савдо халқ комиссарига 1-сонли иловага мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилсин.

¹ Кўрсатилган манба. – С.495 – 496.

3. Ўзбекистон КП (б) МҚ секретари ўртоқ Юсупов, Ўзбекистон ССР ХКС раиси ўртоқ Абдурахмонов ва Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссари ўртоқ Қобуловларга жорий йил 1 июнгача махсус кўчирилаётганларни қабул қилиш ва жойлаштириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш юклатилсин:

а) Ўзбекистон ССР ҳудудида Қрим АССРдан СССР НКВД томонидан юборилаётган 140 – 160 минг нафар махсус кўчирилаётган татарларни қабул қилиб жойлаштириш.

Махсус кўчирилаётганларни жойлаштириш қишлоқ хўжалиги ва саноатда фойдаланиш учун совхоз посёлкаларида, мавжуд бўлган колхозларда, корхона ва завод посёлкаларидаги ёрдамчи хўжаликларда амалга оширилсин.

Давлат мудофаа қўмитаси раиси:

И.Сталин¹

СССР Олий Совети Президиумининг «Чекка ҳудуддаги районларда меҳнатдан бўйин товлаётган ва жамият манфаатларига зид бўлган текинхўрлик билан ҳаёт тарзини олиб бораётган шахсларни кўчириш тўғрисида»ги Фармони

1948 йил 2 июнь куни

Москва, Кремль. Матбуотда чоп этиш тақиқланади

1.... Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркменистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР ҳудудларидаги қишлоқларга колхозчилар ёки деҳқонларнинг умумий йиғилишларига қишлоқларда ҳалол меҳнат қилишни хоҳламаётган, жамият манфаатларига зид бўлган текинхўр ҳаёт тарзини танлаган, қишлоқ хўжалигида меҳнат интизомини бузган ва қишлоқда ўзининг яшаши билан колхоз, колхозчилар ва уларнинг хавфсизлигига таҳдид қилаётган шахсларни кўчириш тўғрисидаги жамоавий ҳукмларни қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида кўрсатилган шахсларни кўчириш тўғрисидаги ҳукм қабул қилиш учун умумий йиғилишда колхоз аъзоларининг ёки қишлоқдаги вояга етган деҳқонларнинг аксарияти иштирок этиши шарт.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Н.Шверник

СССР Олий Совети Президиуми Котиби

А.Горкин²

¹ Кўрсатилган манба. – С.497 – 499.

² Кўрсатилган манба. – С.573 – 574.

**СССР ИИВ Махсус манзилгоҳлар бўлими бошлиғи В.В.Шияннинг
1948 йилнинг 2 июль кундаги «Меҳнат фаолиятдан қасддан
қочаётган ва жамиятга қарши текинхўр ҳаёт тарзини олиб
борувчи шахсларни чекка ҳудудларга кўчириш тўғрисида»ги
СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини қўллашда
камчиликлар тўғрисида ички ишлар министри ўринбосари
И.А.Серовга йўллаган хати**

1948 йил 11 август, Мутлақо махфий

Махсус манзилгоҳлар бўлимига келган ИИВ маҳаллий органларининг хабарларига асосан, 1948 йил 2 июлдаги «Меҳнат фаолиятдан қасддан қочаётган ва жамиятга қарши текинхўр ҳаёт тарзини олиб борувчи шахсларни чекка ҳудудларга кўчириш тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилиши ҳамма жойда ҳеч қандай тартиб бузилишисиз нормал равишда амалга оширилмоқда...

Аммо алоҳида республика ва областларда СССР Олий Совети Президиумининг 2 июль кундаги Фармонини нотўғри қўллаш ҳолатлари қайд этилган, яъни:

Ўзбекистон КП (б) Охунбобоев район кўмитасининг ташаббуси билан ВКП (б) Фарғона области кўмитаси ва область меҳнаткашлар советини огоҳлантирмасдан «Ўроқ-Болға» колхозида ўтказилган мажлиси томонидан колхозчи Умаровни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинган, ушбу колхозчи 1947 йилда звено бошлиғи бўлиб, 395 иш куни ишлаб, пахта ҳосилдорлиги режасини 100,2%га бажарган ва ҳар бир гектардан 25,2 центнер пахта олган. Жорий йил январь-февраль ойларида у 44 иш куни ишлаган. Февраль ойи охирида мажлисларда колхоз правление раиси ва аъзоларининг фаолиятини танқид қилиб, бузғунчилик тарғиботини олиб борганлиги учун колхоздан чиқарилган эди. Охириги пайтларда Фарғона область ижроия кўмитаси ёрдамчи хўжалигида ишлаган...

...Фарғона области Горский районидаги «Дирижабль» колхози раиси Мамутов масалани колхозчилар умумий йиғилишида муҳокама қилиш ўрнига колхозда ишламаган А.Назаровга далолатнома тузган ва ушбу шахсни колхозчилар қўриқчилигида ИИВ район бўлимига юборган...

СССР ИИВ Махсус манзилгоҳлар бўлими бошлиғи: полковник Шиян¹

¹Кўрсатилган манба. – С.579 – 582.

Мустафа Шоқай.

Шығармаларының толық жинағы.

XII томдик. II том. Алматы, 2012.

«ИСЁНКОР» ФАРҒОНА

(Суҳбатдан)

(Бизнинг Бокудаги мухбиримиздан)



Фарғона области ёки, Туркистонда айтишлари-ча, шунчаки Фарғона эски Россиянинг чекка ўлкаси ҳисобланиб, жуда бой ҳудуднинг энг қиммат-баҳо бойликларини ўзида сақлаган (пахта, кўмир, нефть), туркистонлик большевикларнинг ҳуқмронлиги пайтида «исёнкор» область бўлиб қолмоқда.

1917 йилнинг сентябрь ойида тошкентлик большевикларнинг ҳамласи билан қисқа вақтга ўлкадаги марказий ҳокимиятни ўз қўлларига олишга муяссар бўлишганида Фарғона Тошкентга ўз делегатларини жўнатган ва ҳолат тикланган эди. Ва шу вақтдан бошлаб Фарғонадан «исёнчи» тамғаси ўчирилмай келади.

Ўша ерда, Фарғонанинг марказида, Қўқон шаҳрида Туркистон мухториятчиларининг гуруҳлари шаклланган ва (17 йилнинг) ноябрь ойида мухтор Туркистоннинг муваққат ҳукуматини сайлаган ва ушбу ҳукумат дарҳол Туркистон таъсис мажлисига сайловларни ташкил қилишга киришган.

Ушбу «аксилинқилобий» иш туркистонлик коммунистларга ёқмаган ва улар «қўқонлик тўдалар»ни тор-мор қилишга баҳона излашни бошлаганлар. Тез орада ушбу баҳона топилган, тўғри айтсак, уни топишди: 1918 йилнинг 29 дан 30 январга ўтар кечаси большевиклар томонидан ... Қўқондаги қалъага ҳужум уюштирилган... ва бир ҳафта давом этган жанг ўзининг шафқатсизлиги билан Россиядаги икки йиллик фуқаролар урушидан устун бўлган.

Мухтор ҳукумат Туркистоннинг марказий совет ҳокимиятига тегишлилик масаласини умуман ҳал қилмасдан, большевиклар билан уруш тўғрисида эмас, балки мамлакатда шаклланган ижтимоий фикрга асосланиб ташкилий ишларни амалга оширишга киришди, натижада тўқнашув бошидаёқ мағлубиятга учради.

Мухтор ҳукумат бошлиғининг большевикларга низони тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги чақириғидан ҳеч қандай натижа чиқмаган. Бунинг устига, 3 соатлик ультиматум қўйгач большевиклар ўз шартларини бузиб роп-п-роса 20 минутдан кейин [Қўқон] мусулмон шаҳрига ўт очган.

«Катта йўлдан» қайтган фарғоналик босмачиларнинг (яъни талончиларнинг) бошлиқлари ўз йигитлари билан Қўқоннинг қуролланмаган аҳолисига ёрдамга шошиб қолганлар. Тақдир ҳукми билан «босмачи»лар қандайдир халқни озод қилувчилар бўлиб қолдилар ва уларнинг баъзилари (масалан, Эргаш) оташин миллий қаҳрамонларга айланганлар.

Ҳимоясиз қолган областдаги мусулмон аҳолиси устидан таҳдид қилган қонли даҳшатлар бўлган ушбу кунларда «босмачи»ларни ёқтирганлиги учун сартларни ҳам айбдор қиладиган одам топилмаган, чунки туркистонлик большевиклар мусулмон аҳолисини очидан ўлдириб ва ҳимоясиз қолган шаҳарга хиёнаткорона ҳужумни уюштириб, сартларнинг наздида, ўзларини «босмачи»лардан пастроққа туширган.

Большевиклар енгдилар, чунки жуда деганда овчи милтиқ билан қуролланган ва ҳарбий сафни ҳам билмаган рақиб устидан пушкалар ва пулемётлар ёрдамида ғалаба қозониш доимий ҳарбий қисмлар учун оғир иш эмас эди.

Лекин Қўқонда ғалаба қозониб улар бутун областда вазиятни эгаллашга эришмаганлар. Фарғонанинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида «исён»лар кўтарила бошланган.

«Қароқчилар»ни ушлаш учун махсус отрядлар тузилган, қишлоқлар аҳолисига шафқатсиз бадал тўловлари тушган. Лекин ҳеч нима ёрдам бермаган: «босмачи»лар ҳокимият чегараларини фақат шаҳарлар билан чегаралаб, большевикларни безовта қилишда давом этганлар.

Тошкентлик комиссарларга ёқмаган барча шахслар «исёнчи» Фарғонадан ўзларига бошпана топганлар.

Айнан бу ерга (1919 йилнинг январь ойида) омадсиз тугаган тўнтаришдан кейин собиқ туркистонлик совет олий бош кўмондони Осипов ўз отряди, миллион пули ва босма дастгоҳи билан қочган. Ва тақдир кинояси билан Осипов Эргаш билан бирлашган ва эски ҳисоб-китобларни унутиб (Осипов Қўқонни вайрон қилган, Эргаш эса шу шаҳарни ҳимоя қилган), улар бирга «Туркистонни Тошкентдаги комиссарлар зулмидан озод қилиш иши»га киришган.

Осипов ҳозир қаерда эканлиги номаълум. Лекин Эргаш ва унинг маҳаллий аҳолидан чиққан шериклари ҳамон фаолиятда.

Аста-секинлик билан большевиклар «босмачилар»ни темир йўл ҳудудларидан сиқиб чиқариб, Олой тизмаси тоғолди ҳудудларига ўтишган. Ҳозирги вақтда Сирдарё юқорисида, қорақирғизлар ва қипчоқлар кўчманчилик қилаётган жойларда тўқнашувлар содир бўлмоқда.

Ўш ва Наманган шаҳарлари деярли қуролланмаган мусулмонларнинг яхши қуролланган қизил армиячилар билан қонли тўқнашувларига бир неча бор гувоҳ бўлганлар.

Шаҳарлар ва сарт қишлоқлари харобаларида нафақат революциянинг ютуқлари, балки маънавий қадриятлари кўмилган.

Гуллаётган Фарғона сўниб қолди. Аҳоли икки йил давомида пахта экмади ва бундан кейин ҳам уни экишдан воз кечади; тошкўмир ва нефть қазиб олиш тўхтаган.

Кўпгина сартлар Қашқарга кўчиб кетганлар.

Фағонадаги тенгсиз кураш нима билан тугаётган бўлса ҳам (ва у албатта большевиклар ғалабаси билан тугайди), битта нарса аниқ кўринади – ушбу Туркистоннинг иқтисодий жиҳатдан энг бой қисми тез орада оёққа турмайди, тез орада одатдаги тинч ҳаёт тарзига қайтмайди.

Большевиклар сарт қишлоқларида реквизиция (мол-мулкни давлат ихтиёрига ўтказиш) қилиш учун четдан келган, озчилик бўлган ўзга миллат вакиллари билан иборат махсус отрядларни ташкил қилиш йўли билан келажак учун миллатлараро нифоқ уруғини экишган. Ҳозирданоқ мусулмон аҳоли орасида «исёнчи» сарт қишлоқларини большевиклар томонидан бостирувчилик ролига мажбур қилинган одамларга нисбатан адоват белгилари кўринмоқда.

Боку, 1920 йил 5 март куни¹

ТУРКИСТОН ВА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ

Фарғонада исён кўзгалмоқда

(Бизнинг Бокудаги мухбиримиздан)

Фарғона областида большевиклар ҳокимиятига қарши исён кўзгалмоқда.

Туркистонлик большевиклар исёнчилар ҳаракатини бостириш учун янги воситаларни излашмоқда, чунки уни куч билан бостиришга улгурмаганлар. Тошкентда ушбу масалани музокара қилиш учун 1-совет армия вакиллари иштироки билан махсус мажлис чақирилмоқда.

Ашхободдан Тошкентга туркистонлик мусулмонларнинг кайфиятини яхши биладиган одам деб ҳисобланган 1-армия инқилобий ҳарбий қўмита аъзоси Паскуцкий чақирилган.

ТУРКИСТОНЛИКЛАР КАЙФИЯТИ

(Бизнинг Бокудаги мухбиримиздан)

Туркистонлик мусулмонлар большевистик тузумдан норози бўлиб, совет Россияси ва Туркистон ўзаро муносабатлари масаласининг қатъийроқ қўйилиши тўғрисида гапирмоқда.

Туркистонликлар «Красный Восток» ташвиқот поездининг ишлари билан ҳам қониқмаганлар ва ўзларининг ташаббуси бўлмаса, биз ҳеч нимага эришолмас эканмиз, деган фикрга келдилар.

¹ Кўрсатилган манба. – С.144 – 146.

Ушбу масала бўйича мусулмонларнинг биринчи чиқишлари ТурМИК аъзоларини сайлайдиган 10 сентябрь куни ўтадиган съездида кутилмоқда.¹

БУХОРО ТАҚДИРИ

(Бизнинг Бокудаги мухбиримиздан)

Бухородаги тўнтариш хусусида биз ишончли манбадан қуйидагича маълумот беришимиз мумкин. Бухоро билан совет Россияси номидан фаолият юритган Туркистон ХКС ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳеч қачон самимийлиги билан ажралиб турмаган. Туркистонлик большевиклар ҳамиша Бухоро ҳокимияти ишларига аралашиб келган ва чор ҳукуматининг расмий ҳужжатларига асосланиб Бухорога худди Россияга тобе бўлган давлат сифатида қарашган.

Бухородаги совет резиденти чор пайтидаги резидентлар сингари сиёсат олиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳар қандай совет ходими хонлик ҳудудида ўзи хоҳлаган нарсани бемалол қила олган.

Бухоронинг ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш тўғрисида Москва-нинг такрор-такрор ишонтириши амалда ҳеч қачон ўзини оқламаган ва Бухоро амири Ўрта Осиё йўли (Зиёвуддин – Чоржўй) бўйлаб доимо ўз чегараларида қуролланган қўриқчиларни сақлашга мажбур бўлган. Хивадаги совет тузуми ўрнатилишига олиб келган тўнтаришдан сўнг Туркистон большевиклари Бухорога бўлган тазйиқларида яна ҳам журъатлироқ бўлиб қолдилар.

Тахминан бир ой олдин Туркистон совет ҳокимияти Бухоро амирига қуйидаги талаблар билан ультиматум қўйган:

- 1) ҳамма чекка ҳудудлар учун ўрнатилган тартиб бўйича Бухородан ҳам совет Россиясига хомашёни эркин олиб чиқиш;
- 2) фақат чор ҳукумати далолатномаларида кўзда тутилган қўшинлар сонини қолдириб, қолган бухоролик аскарларни тарқатиб юбориш;
- 3) хонлик чегараларидан ҳарбий қўриқлашни олиб ташлаш;
- 4) Бухоронинг ички бошқарувини Россия совет ҳукумати тузуми билан мувофиқлаштириш ва ҳ.к.

Амир Бухоро армиясининг рус қўшинлари билан тўқнашуви мағлубият билан тугашини билса ҳам, мазкур талабларнинг барчасини рад этган.

Афғонистондан Бухорога катта миқдорда қурол келтирилган бўлса-да, бироқ у томондан ваъда қилинган аскарлар ёрдами келишга улгурмаган.

Большевиклар Бухоронинг ультиматумга жавобини кутиб ҳам ўтирмай бухоролик қисмларга қарши ҳужумга ўтишган ҳамда уларни қуролсизлан-тиришга улгуришган.

¹ Кўрсатилган манба. – С.188-189.

Тўқнашувлар бошлангач, Бухоро кўшинлари бирданига ўз базаларидан узилиб қолди. Ва узоққа чўзилмаган ўзаро қарама-қаршилиқдан сўнг амир Афғонистон томонга чекинишга мажбур бўлган.

Самарқанддан орқага қайтган бухоролик қисмларнинг йўлини тўсиш мақсадида большевиклар кучли чора-тадбирларни кўрган, катта отрядлар олдинга ташлаган ва улар афғонлар томонидан тўхтатилган.

Ҳозирги вақтда амир ўз отряди билан Афғонистондадир.

Бухоронинг беҳисоб бойликларини шошилиш равишда Россияга ташиб кетиш бошланган.¹

БУХОРО

(Мустафо Чўқаев билан суҳбатдан)

Бухорода Файзулла Хўжаев (раис ва ташқи ишлар комиссари), Саиджонов (ички ишлар комиссари), Бурҳонов (адлия комиссари), Қулмуҳаммедов (ҳарбий комиссар) ва Усмон Хўжаев (молия комиссари)дан иборат инқилобий ҳукумат – Бухоро ХКС ташкил қилинган.

Бу кишилардан мен шахсан Файзулла Хўжаев ва Усмон Хўжаевларни танийман. Улар иккови ёш бухороликлар партиясига кирувчи ва ўртамиёна қарашларга эга бўлган одамлардир. 1918 йилда Бухорога Колесов юришидан сўнг улар Бухородан қочишга мажбур бўлдилар, Файзулла Хўжаев ўша йили июль ойида Оренбургда Дутов ҳокимияти томонидан ҳибсга олинган. Унинг озод қилиниши учун кўпгина шахсларнинг (улар ичида менинг ҳам) аралашувим зарур бўлди. Ўша ердан у Усмон Хўжаев билан бирга Москвага йўл олди, у ерда эса йирик қоракўл савдоси билан шуғулланган (магазини Никольский тор кўчасида жойлашган). Усмон Хўжаев Файзулла Хўжаевнинг савдо ишлари бўйича ишончли кишиси бўлган. Мен билан бўлган суҳбатда улар иккови оғриқли қалби билан Бухородаги туркистонлик большевикларнинг қилган қабихликлари тўғрисида сўзлаб берганлар.

– Улар бухоролик бекларнинг қимматбаҳо бойликларини талашга тушганлар ва ёш бухороликлар олдидаги ўзларининг инқилобий бурчларини мутлақ унутганлар, – деб айтишган Файзулла Хўжаев ва Усмон Хўжаев.

Қулмуҳаммедов (шахсан ўзим уни танимайман) келиб чиқиши бўйича карманалик туркман, бир муддат Истанбулда яшаган, шунинг учун Бухорода жуда ўқимишли ва сиёсий жиҳатдан етук одам деб тан олинган.

Бу бухоролик комиссарлар кимлар бўлса ҳам, улар русча-большевикча руҳида ижтимоий ислоҳотларни ўтказишга ёрдам берадиган одам эмаслар.

¹ Кўрсатилган манба. – С.195 – 197.

Уларни Кучукхоннинг тақдири кутаётганлигига шубҳа йўқ.

Бухоролик комиссарларга содиқ бўлган отрядлар йўқ ва улар яна Ўрта Осиёнинг ҳар хил чекка ҳудудларига қочишга, ўзларини қутқаришга имкон излашга мажбур бўладилар.

Айтгандек, бухоролик ХКС ўзини «назорат» деб атайди. Озарбайжоннинг мусоват ҳукумати ҳам ўз-ўзини шундай атаганди.

Янги ва бўлажак шарқ комиссарлари учун биз кўпроқ пролетар инқилобига ва иш мазмунига тўғри келадиган бошқа номни тавсия этамиз. Бу ном – «Вакил-ур-раоят», яъни халқ вакилидир.

Ушбу сўз мусулмон Шарқи учун янги эмас. 12-асрда ҳам ҳатто занд сулоласидан чиққан Форс шоҳларидан бири Каримхон ўзини шундай номлаган ва шу билан ўзининг бошқа асосда эмас, балки халқ иродаси билан шоҳ бўлганлигини кўрсатмоқчи бўлган.¹

ҲИНД МИЛЛАТЧИЛАРИ БОЛЬШЕВИКЛАРНИНГ ЎРТА ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА



Муҳаммад Баракатулло

Муҳаммад Баракатулло – ҳинд, мусулмон, профессор. Инглизларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлигининг ашаддий душманларидан бири. Айнан уни 1916 йилда Германия ҳукумати Афғонистонга Британияга қарши ташвиқот учун жўнатган. Герман инқилоби Муҳаммад Баракатулло ва унинг шериклари фаолиятини тўхтатган ва улар Туркистонга ишлаш учун чақирилган. Тошкентда Баракатуллога тантанали учрашув уюштирилган ва унинг келиши билан Ҳиндистон учун инқилобий ташвиқотчиларни тайёрлаш бўйича кучайтирилган иш

бошланган. Тошкентда совет ҳокимиятининг паноҳида ва унинг маблағи билан «Ҳинд инқилобий ассоциацияси» ташкил қилинди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тарғибот-ташвиқот курслари таъсис этилган.

Баракатулло «Осиёдаги ҳамма қардош мусулмонларга» ташвиқот варақасини чиқарган. У Тошкентдаги «Иштирокиюн» («Коммунистлар») газетасида чоп этилган. Унда мусулмон халқлари Англия ва Франциянинг ашаддий душмани бўлган 3-Интернационал байроғи остига чақирилган эди. Баракатулло Ҳиндистондаги диндошларини мамлакатнинг мустақил эгаси бўлаётган мусулмон аҳоли, шунингдек, инқилобий Қизил Армия томонидан фақат Британиянинг босқинидан ҳимоя қилинаётган Туркистоннинг чиройли на-

¹ Кўрсатилган манба. – С.201 – 202.

мунасига эътиборларини тортди. Ва ўзининг ташвиқот варақасини «Герман ҳукумати томонидан Афғонистонга жўнатилган Муҳаммад Баракатулло» деб қора ҳарфлар билан имзолаган.

Мен Баракатулло билан Лозаннада Яқин Шарқ ишлари бўйича охириги конференцияда учрашганман. Ўзининг бир неча ўртоқлари билан у шу ерга «Comite Central Executif du Party de L'Independance des Indes» делегати сифатида келган. Лозаннада менинг борлигимни билиб, мен билан учрашиш ниятини билдирган. Албатта, умумий мавзу Ўрта Осиёдаги совет ҳокимиятининг сиёсати бўлган.

Деярли уч йил Баракатулло совет Россиясида бўлган, аксарият вақтини Туркистонда ўтказган. У Қирғизистонга борган, бошқирдлар орасида бўлган, Волгабўйидаги татарлар ёнида бўлган. Ленин ва Зиновьев, Чичерин ва Троцкий, Сталин ва Дзержинский – Баракатулло ҳаммаси билан таниш бўлган. Улар бирга бўлиб битта стол атрофида мусулмон Шарқни озод қилиш ва биринчи навбатда инглизларни Ҳиндистондан чиқариш режасини музокара қилишган.

– Туркистонда, – менга айтган эди Баракатулло, – нафақат ўз ўтмиши билан, балки ҳукмронлик фаолияти бўйича ҳам нобоп одамлар ҳокимиятни эгаллаган. Ва улар мусулмон аҳолига жуда кўп зулмлар ўтказганлар. Туркистондаги совет сиёсати тўғрисида бизни чалғитишган. Мен Туркистонда кўрган ҳамма нарсамни Ленинга айтиш учун Москвага борганман... совет ҳокимияти у ерга туркистонлик большевиклар фаолиятини текшириш учун алоҳида комиссияни жўнатган. Ушбу комиссиянинг бошида «яхши» большевик – грузин Шалва Элиава турган. Комиссия билан Туркистонга қайтиш учун мен ҳам борганман. Лекин йўлда тушунмовчилик бўлган: Челкар станциясида (Оренбург ва Тошкент орасида) мен бўлган вагон узиб қўйилган. Бундан кейин Оренбург ва Тошкент орасидаги алоқа узилган ва комиссия ўз ишини тугатгунга қадар мен ушбу овлоқ станцияда ўтиришга мажбур бўлдим... У Туркистон совет ҳокимиятининг фаолиятидаги кўп чидаб бўлмайдиган нарсаларни очиб ташлаган. Айбдорлар йўқ қилинган. Туркистон бошқарувига умумий раҳбарлик қилиш ушбу комиссияга топширилган.

– Бундан кейин Туркистондаги аҳвол яхши бўлдимиз? – деб сўрадим мен.

– Афсуски, ижобий жавоб бўлмади.

– Бунинг сабаби нима деб ўйлаяпсиз?

– Гап шундаки, – жавоб беряпти Баракатулло, – мусулмонлар коммунистик партияга истар-истамас аъзо бўлмоқдалар. Партияга кирадиганлар ҳам миллий мафкурадан воз кечмайдилар. Шунинг учун совет ҳокимиятида мусулмонларга ишонч йўқ. Уларни Қизил Армия сафига чақирмайдилар. Лекин Қизил Армиянинг роли Туркистон сиёсатида совет Россиясидаги бошқа минтақаларга нисбатан каттароқ.

– Энди нима, сиз ушбу совет ҳокимиятининг сиёсатини тўлиқ қувватлайсизми?

– Большевикларнинг Туркистондаги сиёсатини биз қоралаймиз, лекин Англияга нисбатан бўлган уларнинг сиёсати бизнинг хайрихоҳлигимизни вужудга келтиради.

Бир дақиқача сукут сақлаб Баракатулло қўшиб қўйди:

– Мен Туркистондаги совет ҳокимиятининг сиёсати ушбу мамлакатдаги мусулмон аҳолиси учун ҳалокатли деган фикрга келганман.

– Нима учун сиз бу тўғрида сукут сақлагансиз ва ҳозир ҳам сукут сақлашни давом эттиряпсиз? – деб ундан сўрадим мен.

– Биз ўз доирамизда бир неча марта бу масалани муҳокама қилганмиз ва бизнинг Коммунистик Интернационалнинг II конгрессига йўлланган аризамизда шу нарсани таъкидладикки, озодликка интилган халқларга совет ҳокимиятининг ёрдами уларнинг миллий ва диний ҳаётига дахсизлик асосида бўлиши шарт. Шу билан биз ўзимизнинг Туркистондаги совет сиёсатига норозилигимизни таъкидламоқчи бўлганмиз.

– Биз ҳали большевикларнинг Туркистондаги сиёсатига очикдан-очик қарши чиқишдан ўзимизни сақлаяпмиз, чунки улар бизнинг душманларимиз бўлган инглизларнинг душманлари, – деб қистириб ўтди Баракатуллонинг шериги Воҳид.

– Агар, сизнинг фикрингизга кўра, туркистонликлар ўзларини ҳалокатга етакловчиларни дўстлар деб қараб турса, сиз қандай муносабатда бўласиз? Ва бу нарса сиз томондан тарғиб қилинаётган «совет» қардошлиги ва мусулмонларни бирлаштиришга қандай таъсир кўрсатади? – савол бердим мен ҳиндларга.

Баракатулло тўғри жавоб бериш ўрнига шу ерда, Лозаннада, Чичерин билан гаплашиб, унга Туркистонга нисбатан советлар сиёсатини тубдан ўзгартириш кераклигини кўрсатмоқчи эканлигини баён қилди.

Ҳинд миллатчиларининг большевикларга таъсири европалик социалистларнинг таъсиридан каттароқ бўлмаслиги тўғрисидаги менинг мулоҳазамга жавобан Баракатулло ўзининг сўзларига ишонч билан айтди:

– Биринчидан, биз социалистлар эмасмиз, шунинг учун уларнинг ижтимоий тажрибалари учун хавф солмаймиз. Иккинчидан, биз зулм остида қолган мамлакатдаги миллатпарварлармиз, шунинг учун биз большевикларнинг Англияга қарши курашда ишончли кучи ҳисобланамиз.

Мен ўзига ишонган профессорга фақат ўзи томонидан айтилган воқеани эслатдим, нима учун унинг вағони овлоқ бўлган Чекар темир йўл станциясида узиб қўйилган?

– Шу воқеани қандай тушунтирасиз?

– Бу большевиклар ажойиб одамлар экан, – хўмрайиб жавоб берди Муҳаммад Баракатулло. – Уларнинг сўзларини эшитсангиз ва ташвиқот қоғозларини ўқисангиз, бутун миллий интилишларимизнинг ташналигини босасиз. Лекин улар Туркистон, Қирғизистон, Бошқирдистонда қилган ишларини ўйласангиз, даҳшатда қоласиз...

Шундай қилиб, биз Муҳаммад Баракатулло билан хайрлашдик.

Дни. – Париж, 1923 йил 13 апрель¹

Ҳиндистон миллий озодлик курашчиларидан йирик арбоб Муҳаммад Баракатулло Туркистонга келиб, бу ердаги сиёсий аҳволни қунт билан ўрганиб, ўлкада зўравонлик билан совет ҳукумати ўрнатилганлигини англаб, ўзининг фикр-мулоҳазаларини изҳор этиш орқали большевиклар доҳийси Лениндан Туркистон халқларига тўла эркинлик беришни сўраш илинжидида унинг суҳбатида бўлган. Муҳаммад Баракатуллонинг Ленин қабулида бўлганлиги ҳақидаги айрим маълумотлар архивда сақланиб қолган. Улардан бири қуйида эълон қилинмоқда:

«Ленин билан бўлган учрашувимизда Шарқ бўлими мудири ўртоқ Вознесенский ва Туркистон вакили ўртоқ Юсупов ҳозир бўлганда Марказий Осиёдаги кенг мусулмон оммасини совет ҳокимияти томонига жалб қилиш ва ўзларини Туркистондаги мусулмонларнинг рус ҳокимиятига анъанавий ишончсизлик ва совет бошқарувининг юксак вазифа ва тамойилларини тушунмаслиги сабаб бўлган ўта ачинарли ҳодисаларни қайтармаслик учун керакли бўлган нарсалар тўғрисида ўзимнинг самимий фикримни айтганман... Туркистонда ҳақиқий мухториятни киритиш керак, советларга «ҳар қандай вазиятда мусулмонларни руслар билан тенглик тамойиллари асосида киритиш керак: вакиллардан ва комиссарлардан ярми мусулмон бўлиши керак. ТуркМИҚ тенглик тамойиллари асосида ташкил қилиниши керак: ярми руслар, ярми мусулмонлар, ташкил қилинаётган Турккомиссия беш кишидан эмас, ўн кишидан иборат бўлиши керак – беш нафар рус, беш нафар мусулмон бўлиши керак, босмачиларга ва Қўқон мухториятчиларига ҳам амнистия бериш керак... Юқорида айтилган чора-тадбирлар тантанали тарзда ўртоқ Ленин ва Сталинларнинг Марказий Осиё мусулмонларига мурोजаати шаклида чоп этилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бу нарса катта таассурот қолдиради ва ҳар қачон мусулмонларни кўрқитадиган ва улар ичида совет сиёсатининг самимийлигига ишончсизлик уруғини экадиган империалистик фитналарни бас қилади.

Юқорида айтилган нарсаларни кўриб чиқишингизни ва муштарак манфаатларни кўзлаб чораларни қабул қилишингизни сўрайман».²

¹ Кўрсатилган манба. – С.407 – 409.

² Россия Федерацияси Марказий давлат архиви, 130-фонд, 3-рўйхат, 363-иш, 46 – 47-в.

БОЛЬШЕВИКЛАР ВА БУХОРО

1920 йил 7 сентябрда Бокуда ўтган Шарқ халқлари съездида бухоролик делегат Ражабов Бухородаги воқеалар тўғрисида маълум қилиб, нутқини қуйидаги сўзлар билан якунлайди: «Бухоро, Қарши, Чоржўй, Хатирчи ва Керки қизил қўшинлар томонидан олинган. Ўша беш шаҳарнинг минораларида қизил байроқ кўриниб турибди... Бухоро халқлари тамоман озод қилинган».

1920 йил 7 сентябрда бошқа бухоролик делегат шу мавзуда менга ёзган эди: «Бухоронинг совет қўшинлари томонидан эгаллаб олиниши тўғрисидаги хабар шу ерда большевиклар томонидан «Интернационал» қўшиғини айтиш билан қарши олинган. Ражабов бу нарсани большевикларнинг Шарқ халқлари олдида Бухоронинг озодлик ва мустақиллигини ҳурмат қилишга тантанали қасамёд деб ҳисоблайди, мен эса «Интернационал» қўшиғи бизнинг миллий-озодлик мафкурамизнинг марсияси деб ўйлаяпман. Шундай қилиб, ёш бухороликлар Бухорони советлаштиришга ҳар хил муносабат билдирганлар. Бунда скептикларнинг суянган асоси Бухоронинг совет қўшинлари томонидан биринчи «озод қилиниши» бўлган.

Бу нарса 1918 йил март ойида бўлган эди. Қўқонни тор-мор қилгандан кейин Туркистон совет ҳокимияти Бохорони буткул тугатишга қарор қилди.

«Бухоро камбағалларини озод қилиш учун» қўшинлари билан Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Фёдор Колесов ҳаракатга ўтди. Ушбу «халоскорлик» кампаниясидаги тўғридан-тўғри таассуротларимни қолдириб, мен бу ерда Тошкентдаги ишчилар устахоналари тўғрисидаги қарордан бир кўчирма келтириш билан чекланаман. «Тинч аҳолига қарши зўравонлик ва талон-торож қилган шахсларга қарши зудлик билан барчани сафарбар қилиш» билан таҳдид қилиб ишчилар «барча талончилик ва зўравонлик айбдорларини ва талон-торож қилинган мол-мулкни яширганларни шафқатсиз, ҳақиқат инқилобий судига етказишни»¹ талаб қилдилар.

Бу талабдан ҳеч қандай натижа чиқмаган. «Зўравонлик ва талончиликка йўл қўйган ва талон-торож қилинган мол-мулкни яширган»лар Туркистондаги совет ҳокимиятини бошқаришни давом эттирганлар.

Уч йилдан кейин москвалик эмиссар Георгий Сафаров жойида туркистонлик большевикларнинг фаолияти билан танишиб, қуйидаги ибораларда биринчи Бухоро «халоскорлик уруши»ни таърифлаган²:

«Колесовнинг бу қалтис ишлари фойдасиз қон тўкилишига, минглаб камбағалларнинг ўлимига ҳамда талончилик ва босқинчиликнинг авжга чиқишига олиб келган».

¹ Новый Туркестан. – Ташкент, 30.03.18.

² Сафаров Г. Колональная революция. Опыт Туркестана. – Москва, 1921. – С.83.

Ва икки ярим йилдан кейин қизил қўшинлар яна Бухоро чегараларига кириб келганда кўп ёш бухороликларнинг эски яралари очилган.

Бухоро халқ совет республикаси деб эълон қилинган. Бухоро меҳнаткашлари 3-Интеранционалга кириши тўғрисида маълум қилганлар.

Қизил Армия халқ пролетариат армияси сифатида республика манфаатлари ва чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун Бухорода қолган. Бухороликларнинг сиёсий раҳбарлари ва инқилобий устозлари сифатида РКП масъул ходимлари Бухоронинг барча энг асосий пунктларини эгаллаганлар.

Ва биринчи кунларданоқ «тушунмовчиликлар» бошланган. Масъул раҳбарлар «миннатдор Бухоро»дан совғаларни жўнатиш билан шуғулланишган. «Халоскор» армия реквизиция ва мусодара қилиш ишларини бошлаган. Бухоро Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Қўмитаси эса авжига чиққан талон-торож ва зўравонликларга қарши курашда кучсиз бўлиб қолдилар.

Шарқий Бухорода, афғон-ҳинд чегараси яқинида тартибсизликлар бошланган. Бухоро МИҚ раиси Усмонхўжа¹ 1922 йил бошларида жойдаги ишлар ҳолати билан танишиш ва тинчлик ўрнатиш учун бухороликлардан иборат бўлган қўшин отряди билан Шарқий Бухорога борган. У ўзининг афғон ташқи ишлар министри ҳамда Кобулдаги Эрон ва Туркия вакилларига тақдим этган эътироз хатида вазиятни қуйидагича тасвирлаган: «Совет Россиясининг сиёсий агентлари ва Қизил Армияси Бухоронинг янги конституциясини оёқости қилиб, бухоролик ҳокимият вакилларини ҳибсга олиб, уриб, қийноққа солмоқдалар. Ушбу қисматдан ҳатто Шарқий Бухоронинг олий давлат комиссари ҳам қочиб қутулмаган. Халқ бойлигини талон-торож қилиб, ўғирламоқдалар. Исёнчиларни қуроллантирмоқдалар. Босқинчилар тўдаларини ташкил қилмоқдалар. Тоғли ҳудудларнинг ягона бойлиги бўлган мол, қўй ва отларни подалари билан ҳайдаб кетмоқдалар». Бухоро МИҚ раисининг эътироз хати бекор уриниш бўлиб қолган ва Усмонхўжа узоқ мулоҳаза қилиб Анвар билан ҳамкорликка рози бўлган.

Бухоро Республикаси таниқли раҳбарининг большевиклар билан алоқаларни узиши кучли тўполонга сабаб бўлган. Усмонхўжа ортидан ҳарбий ва ички ишлар комиссарлари, Керки шахрининг коменданнти ва бошқа йирик арбоблар эргашган. Ва ушбу кескин жараёнда большевиклар ўта маккор бир режа тузганлар: ёш бухороликлар ва Анвар тўдаларига қарши ҳамкорликда курашиш шарти билан аждодлари шоҳсупасига ағдарилган амирни қайта ўтқизмоқчилар. Ушбу лойиҳанинг муаллифи Туркистондаги ички ишлар халқ комиссари вакили Гопнер бўлган. Собиқ амир ҳамкорлик учун большевикларни эмас, Анварни танлагани туфайли бу режа амалга ошмаган...

¹ Биринчи бухоролик инқилобчилардан бири.

Ушбу ёш бухороликларнинг бўйсунмаслиги туфайли амир ҳокимиятини тиклаш таҳдиди доимо таҳликали бўлиб, уларнинг бошларига хавф солмоқда, чунки амир ҳукумати уларни ёппасига йўқ қилишни билдиради.

Албатта, Москва Бухородаги ўз армиясининг ҳозирги сони билан ҳеч қандай жиддий қаршилик қўрқувисиз Бухорони ҳам СССРга қўшарди, лекин Шарқдаги инқилобий ташвиқот манфаатлари нуқтаи назаридан Бухоронинг «суверенитети» ҳақидаги уйдирмани сақлаш учун жуда катта фойда келтиради. Мустақил Бухоро ниқоби остида, масалан, Афғонистонда, керак бўлса Афғонистонга қарши ҳам ҳаракат қилиш қулайдир.

«Дўстона» совет Россияси ва Афғонистон орасидаги ҳақиқий муносабатлар ҳеч қачон Чичерин айтишни яхши кўрган самимийлик билан ажралиб турмаслигини кўзда тутишимиз керак. Дўстликнинг энг асал ойларида уларнинг муносабатларига Тошкентдаги афғон консулигида бўлган кутилмаган тинтув (1920 йилнинг октябрида) ёки большевиклар томонидан «афғон меҳнатқашларининг вакили» сифатида Бокудаги Шарқ халқлари съездига (1920 йилнинг сентябрида) Марв шаҳридан (Каспийорти областида) бўлган арманнинг жўнатилиши ва бошқа фактлар ёпирилиб кирган.

Ўз навбатида, афғонлар ҳам большевикларга «дўстона» муносабатда бўлмоқда. Тошкентдаги «Қизил байроқ» большевистик газетаси (1922 йил 11 августдаги сонидан) афғон газеталарининг Шарқий Бухородаги большевикларнинг муваффақиятлари тўғрисидаги қуйидаги фикрини келтиради: «Бу воқеа (яъни большевикларнинг муваффақиятлари) бўйича хафа бўлиш керак эмас, чунки большевиклар ўзлари табиий ўлими билан ўлиб кетадилар».

«Бухоро ниқоби» остида Москва Афғонистонга ўзининг жавобини берган. Бухородаги совет вакили фон Штейн талаби билан 24 соат ичида афғон вакили Абдурасулхон ҳайдаб юборилган. Бунга баҳона Абдурасулхоннинг бухоролик исёнчилар билан алоқаси бўлган... Ўрнига тайинланган янги афғон вакили Жумгахон Бухорога киритилмаган ва Керки шаҳридан яна Кобулга қайтиб кетган. Бошқа томондан, совет миссиясининг кўрсатмаларига риоя қилишни рад этганлиги учун большевиклар талаби билан бирин-кетин Кобулдаги Бухоро вакиллари – Хошим Шоиқ ва Ҳожи Исомиддинлар йўқ қилинди. Ҳамма фириб ишларнинг мақсади Бухоро ва Афғонистон орасидаги муносабатларни барбод қилишдир.

Бухоро «суверенитети» Шарқда большевистик сиёсатни яшираётган тўсиқдир. Бир замон келадики, шу тўсиқ кераксиз, ошиқча бўлиб қолади ва уни олиб ташлашади.

Большевиклар натижада император замони сиёсати билан келиб чиққан миллий антагонизмни йўқ қилиш ўрнига миллий адоват учун замин яратмоқдалар, ҳатто яратдилар ҳам; улар жаҳон ижтимоий инқилоби учун ҳаракат қилиб онги

паст бўлган халқ оммасининг ишончини йўқ қиладилар; ҳамма қилмишларини рус ишчи ва деҳқонлари номи билан беркитиб, уларни бошқа миллатларга тегишли бўлган ҳамма нарсаларнинг ашаддий душманлари деб кўрсатмоқдалар.

Бухороликлар Москвадаги советлар съездида уларнинг «номидан» қилган чиқишлари бўйича шакл ва мазмуни жуда эҳтиёткорона ёзилган эътироз хатида бошқа нарсалар ичида «Биз рус инқилобига, инқилобий Россияга халоскор, чоризм пайтидаги миллий зулмдан озод бўлган юрт деб қараганмиз. Бу бизнинг ишончимиз бўлган ва миллий озодлик тараққиёти йўлимизни ёритган».

Бухороликлар ҳозир шу ишончлари йўқлигини айтишмаяпти...

Дни. – Париж, 1923 йил 21 апрель¹

БАРАКАТУЛЛО ХАТИ ТЎҒРИСИДА

Британия эгаллаган Ҳиндистонда туғилган профессор Баракатуллонинг давлатга тегишли расмий хужжат билан биргаликда чиққан хати (қаранг: Дни. №217. 1923 йил 19 июль) мени умуман ҳайратга солмаган, чунки совет «конвойи»сиз у раддияга қарор қилмасди.

Хат мазмуни бўйича эса қуйидагиларни эълон қилишни зарур деб ҳисоблайман:

1) «Дни» таҳририяти мутлақ тўғри гапирганидек, жаноб Баракатулло билан ҳеч қандай интервью менда бўлмаган. Бизнинг суҳбатимиз эса Баракатуллонинг ўз ташаббуси билан ўтган ва бу мақолада қайд қилинган;

2) Ҳа, суҳбатимиз характериға кўра шахсий бўлган, чунки биз расмий вакиллар сифатида гаплашмаганмиз.² Лекин биз фақат икковимизга тегишли бўлган шахсий мавзуга эмас, балки Ўрта Осиёдаги совет ҳокимиятининг амалдаги сиёсати тўғрисида гаплашганмиз, бу ерда ўша сиёсат маҳаллий мусулмон аҳолидан миллиондан ортиқ одам ҳаётини талаб қилган³; биз «мусулмон аҳолиға таъқиб қилиш орқали фаолиятини амалға оширган» ҳукумат тўғрисида гаплашганмиз (қаранг: Известия. 1919 йил 7 июнь), ушбу ҳукуматнинг «армияси тинч мусулмон аҳолини йўқ қилиш билан шуғулланган» (қаранг: Тошкентда чиққан «Инқилоб» журналининг 1919 йил февраль сони); биз ушбу сиёсатнинг натижаси британиялик агентлар томонидан ташкил этилаётган ва ҳозиргача тугамаётган исёнчилик эканлиги тўғрисида гаплашганмиз (қаранг: Правда. 1923 йил 17 апрель), лекин жаноб Баракатулло бу нарсаға ишонмаса керак. Мен Туркистондаги аниқ бўлган сиёсий

¹ Кўрсатилган манба. – С.410 – 413.

² Қайд этишим керакки, мен ҳеч қандай расмий миссияға эға эмасман.

³ Ушбу ўлим сабаблари тўғрисида қаранг: 12.11.1919 йилдаги Туркистон Олий Инқилобий Совет мажлиси баённомаси; Правда. 20.6.1920, 20.5.1922.

оқим вакили сифатида ушбу ҳукуматга қарши курашаман, ҳинд Баракатулло эса уни қўллаб-қувватламоқда. Ва мен ҳеч қандай сукут сақлашни ваъда қилмаганман. Унинг мазкур ҳукуматга нисбатан айтилган фикрини сўзма-сўз келтириб мақолани ёзганимда жаноб Баракатулло мени ноҳақ айблаб ўзининг кўрқоқлигини кўрсатган;

3) Жаноб Баракатулло, яна бир бор такрорлайман, матнда қуйидагиларни айтган:

«Мен Туркистондаги совет ҳокимиятининг сиёсати ушбу мамлакатда мусулмон аҳолиси ҳаёт-мамоти учун ҳалокатли деган фикрға келганман»;

4) Ҳа, менинг сиёсий капиталим Туркистонга оид бўлган нарсаларни мутлақо очикдан-очик гапиришимдан иборат. Жамоат олдида сирли ёки махфий бўлмаган суҳбатда айтилган нарсаларни инкор қилиш фақат уруш даврида герман императори ҳузурида ёки урушдан кейин Коминтерн ҳузурида хизматда орттирган бўлиши мумкин бўлган маънавий капитали исботидир. Ушбу капиталнинг жаноб Баракатуллода мавжуд эканлиги тўғрисида баҳслашмайман. Ва унинг ушбу капитали кўпайсин.

П.С. Мен ушбу мавзу бўйича жаноб Баракатулло билан кейинги баҳсимиз имконини ўзим учун инкор қиламан.

Дни. – Париж, 1923 й. 28 июль, №225¹

ФАРҒОНА ХАРОБАДА

Виборг, 26 октябрь (Ўз мухбиримиз)

Фарғона областининг ҳолатини текширган расмий комиссия СТО (Меҳнат ва мудофаа совети)га қуйидаги маърузани тақдим қилди: «Ер хўжалигининг асоси бўлган ирригацион тизим баъзи жойларда 70% гача бузилган. Назорат ва таъмирлаш йўқлиги, асосий иморатларнинг эскирганлиги, каналларнинг қаровсиз қолганлиги ва ифсосланганлиги оқибатида суғориладиган 980000 десятина майдон 315000 десятинача пасайган. Жорий йилда баҳорги тошқинлар анчадан бери таъмирланмаган, бош иншоотларни бузиб юборган ва экинларни батамом йўқ қилиб, бир неча ўн минг десятина ерни сув босиб кетган. Сув ҳовузларидан тарқатиш тизими бузилганлиги сабабли бутун районлар сувсиз қолган ва сув йўқлиги учун 150000 десятина ердаги ҳосил нобуд бўлган. 1923 йилда 80% суғориладиган ер экилмай қолган. Деҳқонлар мол-мулкани ва чорва қисмини бозорларда сотиб, Хитойнинг Туркистон қисмига кўчган. Ҳозир аҳолининг нон билан таъминланганлиги фақат бир одамга бир суткага 1/10 фунтга етиб қолмоқда. Наманган, Андижон, Қўқон ва Марғилон уездлари очлик билан қамраб олинган ҳудудлар ҳисобланади.

¹ Кўрсатилган манба. – С.419 – 420.

Туркистон МИҚ маълумотлари бўйича ҳозирги кунда 480000 одам оч қолмоқда, давлат ёрдамига муҳтожлар сони эса 635000 га етиб қолди. Областнинг хўжалик органлари ўз вазифаларини бажармаяпти, корхоналарда иш ташлаш бўлган, давлат савдоси мавжуд эмас. Солиқ тушимлари 95% га қисқарган. Маҳаллий ҳокимият ўлканинг вайронгарчилигига қарши курашишга қодир эмас, очлик ва вайронгарчилик билан курашда керакли ташаббусни кўрсатмаяпти. Оч қолганлар орасидаги ўлим 20% га, кичик ёшдаги болалар орасида эса 50% га етди. Ҳатто йирик аҳоли яшаш жойларида етимхона ва умумий ошхоналар йўқ, 80000 маҳаллий аҳолига 1 та врач тўғри келади. Пахта плантациялари 1914 йилга нисбатан фақат 15% қолган. Маъруза охирида Фарғона тўлиқ вайрон бўлмаслиги учун хўжалик ҳаётини тиклаш учун тез орада қатор изчил чора-тадбирларни қабул қилиш ва Фарғонага марказдан масъул хўжалик ходимларини сафарбар қилиш таклиф этилган.

Дни. – Париж, 1923 й. 28 октябрь¹

ЭКСПОРТНИНГ ЯНА БИТТА ҚУРБОНИ

Туркистоннинг нон билан таъминоти масаласи вақти-вақти билан гоҳ у, гоҳ бу совет муассасасида музокара қилинмоқда ва ҳар сафар «иш жойидан жилмаган» деб аниқланмоқда.

Давлат режа қўмитасининг охирги мажлисида сентябрь ойида Туркистонга 500000 пуд буғдой етказиб бериш қарорига келинганлиги тўғрисида ҳисобот берилган, октябрь ойи ўрталарида ушбу миқдордан фақат бир неча минг пуд буғдой белгиланган жойга етказилган.

1924 йил 1 январь кунига келиб Нонмаҳсулот ва Озиқ-овқат халқ комиссарлиги Туркистонга ҳаммаси бўлиб 8 миллион пуд буғдой етказиб беришни зиммаларига олганлар, лекин ушбу режани бажаришнинг ҳеч қандай белгилари кўринмайди.

Самарадан хабар олинди: у ерда ҳам буғдойдан ҳеч қандай нишон йўқ.

Давлат режа қўмитасида ушбу масалани музокара қилиш пайтида Озиқ-овқат халқ комиссарлигида жануби-шарқий районда қандайдир буғдой захираси борлиги, лекин бу Туркистон аҳолисини таъминлаш учун эмас, балки экспорт учун мўлжалланганлиги аниқланган.

Ўлкадаги оғир аҳвол туфайли Давлат режа қўмитаси Президиуми Меҳнат ва Мудофаа советидан Туркистонга дарҳол 4500000 пуд буғдой етказилишини талаб қилган.

Дни. – Париж, 1923 й. 28 октябрь²

¹ Кўрсатилган манба. – С.447 – 448.

² Кўрсатилган манба. – С.448 – 449.

ТУРКИСТОННИ СОВЕТЛАШТИРИШ

Туркистон, хусусан, Фарғона битмас-туганмас ва тенги йўқ бойликларга эга бўлган ўлкадир. Эски тузум пайтида бу олис ва унутилган ўлкада йирик табиий бойликларни қазиб олиш бошланган.

«Улуғ Октябрь» биринчи қадамлардаёқ ушбу сахий табиатдан фойдаланиш йўлини узиб қўйган. Ва ниҳоят, олти йилдан сўнг яна бунга эришилди. Туркистон МИҚ раиси Хидиралиев «Известия» мухбирига бу ҳақда ҳикоя қилиб берди:

«Улкан бойликлар, масалан, мис, кўрғошин-кумуш каби рудалар умуман қазиб олинмаяпти. Дунёвий аҳамиятга эга бўлган энг қимматли конларда фақат яқинда қазиб олинди бошланган. Дунёда ягона бўлган шифобахш ўсимлик сантонин ва маданий кўкнор экишининг кўпайтирилиши етарли даражада (!) кўпайтирилмаган».

Ўз вақтида йўлга қўйилган қазилма саноати эса шундай ишламоқда: тинчлик вақтида қазилган 7 миллион пуд ўрнига ҳозирги кунда 1200000 пуд нефть, кўмир эса 12 миллион пуд ўрнига 4 миллион пуд қазилмоқда.

Хўжаликка келсак, унинг умумий баланси 1915 йилдаги (бу «урушдан олдинги» давр эмас) 35% ўрнига 30% ни ташкил қилади, шуниси билан Туркистоннинг қишлоқ ҳудудларида ҳар бир солиқ тўловчига тинчлик пайтидаги 2 рубль 95 тийин ўрнига 2 рубль 8 тийин тўғри келади, яъни қишлоқ хўжалиги баланси 70% га тушганига солиқлар йиғиндиси 30% га тушган ва МИҚ раиси ҳам ушбу солиқ солинишини «ўта оғир» деб тан олишга мажбур эди.

Туркистондаги Калинин ўзига ишонган суҳбатдошини шунга ишонтиришга ҳаракат қилмоқдаки, «қишлоқ хўжалиги юксалиш йўлидадир» (ҳатто гуллаб-яшнамоқда!), лекин ўзи хатосини бирдан сезиб, «унинг тез тикланиши имкониятига ишонмаслик»ни илтимос қиляпти: ахир биргина Фарғонада 280000 оч қолганлар бор, яна 70% чорва ўлган, беш хўжаликка битта от тўғри келади, бунинг устига, экин майдонлари икки баравар қисқартирилган («гуллаб-яшнаш йўлида»!).

Қоғоз пуллар ҳолати ҳам ёмон: 33 миллион сўраганмиз, 11 миллион асигнация қилишиб, 3 миллион беришди ва кейинги йилда бир тийин ҳам қўшишмади. Тежашга тўғри келяпти. Нимага? Албатта, мактабларга: 1921 йилда улар 2680 бўлган, ҳозир эса 1708.

Маиший ҳолат ҳам ёмон эмас: оч қолган милиция ноҳақ йиғимлар билан шуғулланади, судьялар гадолик қиладилар ва «суд аппаратининг камбағаллиги» сабабли олинадиган ойликка мувофиқ ишламоқдалар, чунки «диний асосдаги (комсомол яхши ишламаяпти) ва маиший анъаналарга мувофиқ» фаолият кўрсатадиган судлар ривожланмоқда.

Хуллас, советлаштириш дадил олиб борилмоқда.

Дни. – Париж, 1923 й. 4 ноябрь¹

¹Кўрсатилган манба. – С.449 – 450.

ТУРКИСТОНДАГИ СУРОНЛИ ВОҚЕЛИК

Тошлар сўзлайдилар... Туркистоннинг оғир аҳволи тўғрисида биз аллақачон ёзганмиз, ҳозир эса буни ТуркМИҚ раиси Хидиралиев деган расмий шахс тасдиқламоқда.

Унинг 1 ноябрдаги БМИҚнинг учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан ҳамма даҳшатга тушмоқда. Туркистон хўжаликларида вайронгарчилик ва очарчилик ҳукмрон. Фарғонада, айниқса, очарчилик кучайганлиги сезилади, бу ерда 1915 йилдаги 886 минг десятина ўрнига жорий йилда фақат 270 минг десятина ерга экин экилган. Дарҳақиқат, совет хизматчиларини 95000 дан 16000 нафарга қисқартиришган. Лекин маҳаллий маблағлар ҳисобига ўтказилган касалхоналардаги 3000 койкадан биттаси ҳам ишламаяпти. Мактаб ёшидаги 700000 маҳаллий болалардан ҳозир мактабларда фақат 31000 нафари, яъни 1/20 қисми таълим олмоқда.

Хидиралиев ёрдам сўраб илтимос қилган.

Дни. – Париж, 1923 й. 9 ноябрь.¹

ЎРТА ОСИЁДА

Виборг, 16 ноябрь (Ўз мухбиримиз)

Москвадан хабар берадиларки, Фарғонада очарчилик ва озиқ-овқат юкларининг секин етказиб берилиши туфайли босмачилар ҳаракати яна кучайган. Босмачиларга оч қолган бирлашган рус-маҳаллий исёнчилар отрядлари қўшилишни бошлаган. Босмачилар ва исёнчилар коммунистларни ва совет ишчиларини ҳукуматга оид муассасалардан ҳайдашмоқда, дон ва маҳсулотларни оч қолган деҳқонлар ва маҳаллий аҳоли орасида тарқатиб, озиқ-овқат омборларини босиб олмоқда. Исёнчилар томонидан Қўқон яқинидаги темир йўл бузилган ва телеграф алоқаси узилган. Тошкентдан Самарқандга ҳаракатни йўқ қилиш учун ҳарбий қисмлар жўнатилган. Пахтакор сартлар совет валютасига пахтани топширишдан бош тортиши тўғрисида Туркистон МИҚга аризани бериб, улар билан нон маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилишни талаб қилмоқдалар.

Дни. – Париж, 1923 й. 20 ноябрь.²

«ТУРКИСТОН МАОРИФИ»

«Известия»нинг охири маълумотларига кўра, Туркистонда жорий ўқув йилида фақат 6% мактаб ёшидаги болалар таҳсил олмоқда. Мактаблар фақат шаҳарларда сақлаб қолинган ва маҳаллий маблағларнинг етишмаслиги туфайли қишлоқларда умуман йўқолган.

Дни. – Париж, 1923 й. 9 ноябрь.³

¹ Кўрсатилган манба. – С.450.

² Кўрсатилган манба. – С.451.

³ Кўрсатилган манба. – С.450.

«ЯНГИ ТУРКИСТОН»ДА¹

«Накануне»да (ўтган йилниг 20 ва 25 октябрь, 3 ноябрь сонлари) «Янги Туркистон» деб номланган мақола пайдо бўлган. Муаллифи коммунист ва Туркистон совет ҳокимияти расмий раиси Турор Рисқуловдир.

Ижро этувчи амалдор сифатида Рисқуловга чет эл матбуотида пайдо бўлган Туркистон тўғрисидаги маълумотлар қаршисига бошқа, яъни большевиклар учун ижобий бўлган маълумотларни қўйиш вазифасини беришган. Ва у қатор «фактик маълумотлар» билан «Туркистоннинг ҳозирги ҳолатини акс эттиради». Туркистон масаласида совет «қайчи»ларини сиқиш осон эмас ва бечора Рисқулов Туркистоннинг тарихий-географик жойлашиши ва табиий бойликлари тўғрисида гапирганда қалбакилаштирилган рақамлардан фойдаланиш, ҳатто... ўз-ўзини рад қилишга мажбур. Лекин бу ерда совет ҳокимиятининг бунга мутлақо алоқаси йўқ.

Ушбу совет ҳокимиятининг декрети бўйича мавжуд бўлмаган маълумотлардан ташқари Рисқулов томонидан келтириляётган ҳамма ёки деярли барча «фактик» маълумотномалар ҳозирги Туркистон воқелигига тўғри келмайди.

* * *

Рисқулов томонидан биринчи ўринга қўйилган совет ер ислоҳотидан бошлаймиз. У шундай ёзмоқда (Накануне. 25.Х.): «1920 йилдан 1921 йилгача федерация марказининг ёрдами билан Туркистонда қирғизлардан тортиб олинган ерларнинг ярмига яқинини қайтаришга имкон берган ер ислоҳоти амалга оширилмоқда».

Шуни билиш керакки, эски тузум пайтида Туркистондаги қирғизлардан кулай бўлган ернинг деярли ярми тортиб олинган. Маҳаллий аҳолидан кўчиб келган руслар фойдасига тортиб олинган ер майдони биргина Еттисув областида (1913 йилда) 4 193 520 десятинали ташкил қилган.²

Лекин Рисқулов сўзларидан шуни тушуниш мумкинки, гап бу ерлар тўғрисида эмас.

Туркистондаги совет «ер ислоҳоти» фақат 1916 йилдаги воқеаларга боғлиқ бўлган ва «совет ҳокимияти даврида» қирғизлардан ўзбошимчалик билан тортиб олинган ерларга тегишли бўлган. Георгий Сафаровнинг X партия съездида (1921 йил) сўзлаган нутқидан кўринадики, «совет ҳокимияти даври мобайнида рус қулоқларининг ерга эгадорлиги 35% дан 70% гача кўта-

¹ Муаллиф учун баъзи маълумотларни жойидан олиш зарурлиги туфайли шу ерда чоп этиляётган совет давлатининг «дурдона»си бўлган Туркистоннинг ҳақиқий ҳозирги ҳолати тўғрисидаги мақолалар бир оз кечикиб пайдо бўлади. Таҳририят.

² Қаранг: «1909 – 1913 йилларда Румянцев бошчилигида кўчириш бўйича бошқарма статистик партия томонидан қилинган ялли тадқиқот маълумотлари».

рилган ва ерлар қирғизлардан шу орада совет ҳокимияти органлари орқали ҳам тортиб олинган».

1922 йил май ойида ўша Сафаров «Правда»да шундай ёзган: «Қирғиз томорқалари (гап 1917, 18 ва 19 йиллар тўғрисида кетяпти) уларнинг чорваларини ҳайдашга халақит бергани учун тортиб олинган. Кўчманчилар ерларида чорваларни ҳайдаган барча шахслардан контрибуция солиғи олиш учун асалари хўжаликлари тузилган»... Ва совет ер ислоҳоти Туркистонда «самовольческие» (ўзбошимчалик билан ташкил қилинган), яъни 1916 йилдаги исёндан кейин тортиб олинган, рус посёлкаларни (Сафаров сўзлари бўйича, «...шу орада совет ҳокимияти органлари орқали ҳам ерлари тортиб олинган») йўқ қилган ва энг керакли бўлган кўчманчиларнинг йўлларини бўшатган.¹ Айтиш керакки, биринчи таркибдаги Вақтли ҳукумат қирғизларга улардан 1916 йилдаги воқеаларга боғлиқ тортиб олинган ва мусодара қилинган ҳамма ерларни қайтариб бериш тарафдори сифатида ўз фикрини баён қилган. Ва бу нарса бутун оламга баланд овоз билан айтиладиган алоҳида ислоҳот деб ҳисобланмаган. Рисқулов тилида эса бу нарса «энг керакли бўлган кўчманчиларнинг йўлларини бўшатиш»дир ёки, оддий қилиб айтсак, совет ҳокимияти ўзининг ёрдами билан қўйилган асалари қутиларини олиб ташлаш аввал бўлмаган ижтимоий ислоҳот даражасига кўтарилмоқда.

Рисқулов ўзи ушбу «ура-ислоҳот» («хайбаракалла»-ислоҳот)нинг эришган натижалари тўғрисида бир оз бошқачароқ гапирган. 1923 йилнинг 31 июль куни Туркистон МИҚ пленуми йиғилишида у шундай баён қилди: «Рус деҳқонлари ерининг ярмини, яъни 900 десятинани тортиб олиш режалаштирилган, лекин ушбу режа охиригача амалга оширилмаган ва фақат 300 десятина тортиб олинган, улардан ярми камбағал ва батраklar фойдаланиши учун берилган, қолган қисми эса давлат фондида қолди».

Демак, Рисқулов айтган «ярим» бу совет ҳокимияти пайтида ва унинг ер органлари орқали қирғизлардан тортиб олинган ернинг ярмининг учдан бир қисмининг ярмидир. Қўшимчасига, совет ҳокимияти шундай «ер ислоҳоти» ўтказишни («вақтинча» деб ёзилган) рад қилган.

Ер ислоҳотидан кейин муҳим нарса – суғориш масаласи кетмоқда. Рисқулов томонидан келтирилган рақамларга эътибор қаратсак. У маълум қилади: «1922 йилнинг охирида суғориладиган ер майдони 1500000 десятинагача етказилган. Энди... ирригацияни тез тиклаш бошланган. Федерация маркази Туркистон ирригацияси учун 6 миллион олтин рубль берган, Туркистон Республикаси ҳам ўзи томонидан катта миқдорда пул берган... Натижада... жорий йилда 1694600 десятина ер қайта суғорилган. Бундан шунақа хулоса беришимиз мумкинки, 1923 йилда суғорилган ернинг умумий майдони

¹ Скалов Г. Опыт классового расслоения в условиях Туркестана // Жизнь национальностей. Кн. 2-я (1923). – С.38.

(1500000+1694600) 3194600 десятинага тенг, яъни ҳатто 1915 йилга нисбатан 344600 десятинадан ортиқ (2850000)». Аслида эса бу мутлақ нотўғри. «Экономическая жизнь» (1923 йил 3 ноябрь) саҳифаларида М.Рикунов «бутун мавжуд бўлган ирригацион тармоқ билан 1800000 десятинадан ортиқ ерни суғориб бўлмади» ва «1923 йилда суғориладиган майдон инқилобдан олдинги вақтга нисбатан 49,2% ни ташкил қилмоқда» деб айтяпти.

Марказ томонидан берилган 6 миллион олтин рубль харажат қилиш тўғрисида бизда Туркистон пахтачилигининг эҳтиёжларини текшириш бўйича махсус комиссия раиси, МИҚ аъзоси Косаревнинг гувоҳлиги бор: «Комиссиянинг энг муҳим вазифаларидан бири, – деб айтмоқда Косарев (Правда. Жорий йил 3 январь), – ўтган йили Туркистонда ирригация ишларини тиклашга асигнация қилинган 6 миллион олтин рубль сарфланган харажатларнинг тўғрилигини текшириш ўтказилган. Комиссия ушбу пулларнинг учдан бир қисмидан ортиқроқ қисми мақсадга тўғри йўналтирилмасдан сарфланганлигини аниқлаган».

Рисқуловнинг пахта бўйича маълумотлари ҳам бўрттирилган. Унинг сўзлари бўйича, 170 минг десятина ерга пахта экилган ва 100 – 150 пудгача ҳосил кутилмоқда. Ушбу шароитда умумий ҳосил катта миқдорни ташкил қилиши, 17, ҳатто 25 миллион пуд бўлиши мумкин эди. Лекин Рисқулов ўзи 7,5 миллионга пасайтирган. Бироқ тахминан бўлса-да ҳақиқатга яқин бўлган ушбу рақам (7,5 миллион) у томонидан фақат 100 ёки 150 пудни 170 минг десятинага кўпайтириш жараёнида йўл қўйган хатосидан кейин айтилганлиги эътиборли эмасми?

1923 йилда пахтага ажратилган ҳақиқий майдони (қайд этилишича) 152500 десятинага тенг эди. Лекин бу рақамга Туркистонда «хўжаликни умумий соғломлаштириш» натижасида эмас (бу ҳақда гап ҳали олдинда), балки совет ҳокимияти томонидан Туркистонга 8 миллион пуд буғдойни етказиб бериш тўғрисида берилган қатъий ваъдадан кейин эришилган.

Москва ўз ваъдасини қандай бажарганлиги тўғрисида юқорида зикр этилган Косарев айтмоқда. «Комиссия қайд қиладики, – маълум қилади у, – СТО (Меҳнат ва мудофаа совети) қарори билан кўрсатилган 8 миллион пуд буғдой ўрнига Туркистонга фақат 2 миллион пуд келтирилган. Комиссиянинг Москвага қайтишидан кейин шу маълум бўлдики, «Нонмаҳсулот» бир неча марта Туркистонга буғдойни етказиб беришни тўхтатишга ёки секинлатишга ҳаракат қилган».¹

Ва биз биламизки, бу нарса Фарғонада даҳшатли очарчиликка олиб келган. Бу очарчиликнинг келиб чиқишида совет ҳокимияти ўзи иштирок этган

¹ Рисқуловнинг «муҳтож бўлган деҳқонлар ва аҳолига улкан ёрдами кўрсатиш» тўғрисидаги фикрлари билан таққосланг (Накануне. 3.XI.1923).

(Фарғонада ўзи қаҳатчиликдан эзилиб ётган аҳоли зиммасига 120% солиқ йиғиш вазифасини топшириш, Қизил Армияни ўз-ўзини таъминлаши ва ваъда берилган нон маҳсулотларини етказмаслик). Туркистон совет ҳокимиятининг номигагина бўлса-да раиси ҳисобланган Рисқулов эса бир оғиз ҳам сўз айтмаган.

Август ойида Тошкентда Туркистон «қишлоқ хўжалигининг оғир аҳволи» тўғрисида маъруза қилган Рисқулов (қаранг: Туркестанская Правда. 4.VIII.1923) октябрь ойида (Берлинда) унинг «жонланганлиги»ни ёзади. Лекин Туркистон қишлоқ хўжалигининг аҳволи тўғрисида биз ишончлироқ маълумотга эгамиз. «Экономическая жизнь» нашридаги (1923 йил 31 октябрь) «Сельскохозяйственный баланс (Туркестана)» («Туркистоннинг қишлоқ хўжалиги баланси») мақоласида қатор маълумотлар келтирилиб, унда Туркистон ССРдаги қишлоқ хўжалигининг ҳолати марказий Россиядаги қишлоқ аҳолиси тушган вазиятдан анча оғирроқ бўлган шаклларда тасвирланган. Бу ерда биз «ТССР қишлоқ аҳолиси иқтисодий фаровонлигининг пасайиши давом этаётгани» тўғрисида билиб оламиз.

Рисқуловда «чорванинг сезиларли кўпайиши» ҳам мавжуд. У қуйидаги статистик маълумотларни келтирмоқда:

Йиллар	Отлар	Йирик шохли қорамол	Қўйлар	Эчкилар
1917	16055000	2233000	11601000	2538000
1922	43%	61%	33%	61%

Қисқача айтганда, 1922 йилда 1917 йилга нисбатан деярли ярим (49,5%), яъни тахминан 13,5 миллион бош бўлган. Ва Рисқуловдаги «кўпайиш» шу рақамдан бошланиши керак. Бироқ «Экономическая жизнь» мутлақ бошқа, балки ҳақиқатга яқинроқ бўлган чорвачилик хўжалигининг манзарасини кўрсатади: «Чорва сони 1923 йилда 6555 минг бош (Рисқулов айтган миқдорнинг ярмидан оз!) сони билан ифодаланмоқда, улардан 1987 минг боши йирик ва 4538 минг боши майда чорва».

«Жорий йилнинг маълумотларини, – давом этмоқда «Экономическая жизнь», – 1920 йилдаги рўйхатга олиш рақамлари билан солиштириб, биз чорва сонининг камайишини кузатмоқдамиз». Ушбу «чорва захирасининг қисқариши»ни газета «21 ва 22 йиллардаги маҳсулот солиқ солинишининг оғирлиги, ер-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинмаганлиги (ахир совет ер ислоҳоти қаерда? – М.Ч.) ва давом этаётган Туркистон ССР қишлоқ аҳолиси иқтисодий фаровонлигининг пасайиши» билан тушунтирмоқда.

Рисқулов «ўрмонлардан келадиган даромадни сезиларли кўтариш» тўғрисида айтмоқда. Шу орада 1923 йил 1 август куни ТуркМИҚнинг иккинчи сессияси мажлисида Гольдберг ўқиган маърузасидан биз шу нарсани кўр-

япмиз: «ўрмондан олинадиган даромад тинчлик пайтида бир йилда 900 – 920 минг олтин рубль бўлган. Ҳозир эса, Ер қўмитаси режаси бўйича, фақат 63 минг рубль бўлиши керак. Фуқаролар уруши, – хулоса чиқаради Гольдберг, – ўрмон хўжалигини вайрон қилиши мумкин эди, аммо 15 – 20 барабар эмас».

Рискулов қалами нимага тегса ҳам, ҳаммасида «жонланиш кўринади» ва «жадал суръатлар»да боради. Масалан, унда «махаллий аҳоли томонидан тез ўзлаштирилаётган тамойиллар ва амалиёт»га эга бўлган кооператив қурилиш «жадал суръатлар билан» бормоқда. Буни таққослаб у 1869 та ҳар хил номдаги кооперативларни атайди. ТурЭКОСО раиси Паскуцкийнинг Туркистондаги совет кооперацияси тўғрисидаги фикри бироз бошқача. «Туркистонда, – БМИҚнинг 3-сессиясида гапирган эди у, – кооперация ҳозирги пайтда миқдорий жиҳатдан жуда кичик ва у эга бўлган капиталларга нисбатан янада заифроқ». У «228 минг умумий кооперация асосида бирлаштирилган аҳолини қамраб олган 900 та ҳар хил кооперативлар»дан иборат». ТуркМИҚ раиси Хидиралиев ҳам кооперация тўғрисида гапириб: «Албатта, кооперацияни фақат қоғозда ташкил қилиш билан сингдириш мумкин эмас», – демоқда (қаранг: Известия. 2.11.23). Ўша Хидиралиев 1923 йилнинг 1 августдаги ТуркМИҚ пленуми мажлисида совет кооперациясини шундай таърифлаган: «Давлат капитализмининг тимсоли бўлган хўжалик, давлат ва кооператив органлари ҳанузгача деҳқонларнинг қуйи қатламлари олдига бормаган ва ўша қатламлар кўзларида улар ҳали ҳам эски хусусий капитал бўлиб қолмоқда! Деҳқонлар оммасига ҳозирги вақтгача давлат ўз капитали билан хусусий капитал орасида қандайдир фарқ борлигини кўрсатишга эришолмаган» (Туркестанская Правда. 8.08.23). 26.11.1923 йилдаги Туркистондан олинган хатда: «Мусулмон аҳоли учун совет кооперацияси ҳомийсиздир», – деб ёзилган. Большевиклар томонидан яратилган шароитлар ва совет кооперацияси аҳоли кўз ўнгидида қандайдир яширин тутқичнинг бир кўринишидир... Бошқа томондан, деҳқонлар (ер билан ишловчи аҳоли) ўзларига пай асосида ҳақ тўлаш малол келаётганлиги сабабли кооперациядан ўзини олиб қочмоқдалар (Правда. 1923 йил 11 август.)

Ушбу мен кўрган «фактик маълумотлар» Рискулов томонидан ёзилган мақоланинг «Туркистон Республикаси герман капиталистлари концессиясига қарши эътироз билдирмайди» деган фикри билан тугаган қисмида жойлаштирилган.

Бу ерда биз Рискулов томонидан айтилган «йирик концессион объектлар» ичида совет ҳокимияти қурилиши билан «бошланган» Еттисув темир йўлини учратамиз. Ва ушбу мавзу бўйича мен шундай бир кичик тузатиш кири-

тишни эп кўрдим. Туркистонда яшаётган барча шахслар Еттисув темир йўли қурилиши ва ҳатто қисман фойдаланиши урушдан олдин бошланганлигини жуда ҳам яхши биладилар.

Балки, герман капиталистларидан чиққан концессионерларни Туркистонга қизиқтириш учун биргина қалбакилаштирилган рақамлар етарли бўлмас. Капиталистларни Туркистондаги совет ҳокимияти ҳатто Россиянинг ўзида бўлганидан кўра чуқурроқ илдизларга эга эканлигига ишонтириш керак. Балки, шу мақсадда Рисқулов шундай дейди: «Туркистонда октябрь инқилоби ҳатто Марказий Россиядан бир оз олдинроқ содир бўлган. Инқилоб ташаббускорлари маҳаллий темир йўлдаги рус ишчилари бўлган. Уларни маҳаллий меҳнаткаш омма қўллаб-қувватлаган».

Рисқулов диндор коммунист бўлиб, ҳатто ушбу соҳага мусулмон динининг дастлабки сабоқларидан айрим нарсаларни олиб кирган. «Қайси вақтдан бери мусулмонсан?» деган саволга Муҳаммаднинг таълимоти ҳақлигини эндигина тан олган мусулмон ҳам «Ал-Мисоқ»дан деб жавоб бериши керак, бу «Одам Ато яратилишидан» деганидир.

Ўзининг халқи ва юртини қутқариш учун ғамхўрлик қилаётган одам сифатида Рисқулов октябрь марҳамати «Ал-Мисоқ»дан бошлаб бугун Туркистонга келишини хоҳларди.

Менинг олдимда юқорида айтилган Г.Сафаровнинг «Колониальная революция. Опыт Туркестана («Мустамлака инқилоби. Туркистон тажрибаси»)» китоби турибди (Давлат нашриёти, 1921). Шу ерда биз ўқиймиз: «Советларни илгари сурган октябрь воқеалари мусулмон оммасида тушкун таассурот қолдирган». «Камчиликни ташкил қилган рус инқилобчи унсурлари бир сўз билан ҳам мусулмон камбағалларини ва мусулмон тараққийпарвар зиёлиларининг энг радикал бўлган қисмини ўзларига қизиқтиришга уриниб кўрмаганлар» (69-бет). Сафаров «большевиклар ва максималистлар бирлашган фракция декларацияси»да (1917 йил 19 ноябрь) янги ҳокимиятнинг мусулмонларга муносабатини таърифлайди. «Ҳозирги вақтда мусулмонларни ўлка юқори инқилобий ҳокимият органларига киритиш, – декларацияда ўқиймиз, – маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва деҳқонлар депутатлари советларига муносабатининг ноаниқлиги туфайли ҳам, ўлка юқори ҳокимияти органларида вакиллигини маҳаллий аҳоли орасида фракция маъқуллайдиган синфий пролетар ташкилотлари мавжуд эмаслиги туфайли ҳам тўғри келмайди деб ҳисобланади» (70-бет). Ўша пайтда, Рисқуловга кўра, «Ал-Мисоқ»дан бошланган октябрнинг тимсоли бўлганлар тўғрисида Сафаров шундай деб айтмоқда: «Большевиклар ва сўл эсерлар партиялари биринчи кунлардан кўп миқдорда авантюристлар, амалпарастлар ва шунчаки жиноий унсурларнинг бошпанасига айланган» (71-бет).

Туркистонлик делегатлардан бири Шарқ халқлари съездида (Боку, 1920 йил сентябрь) Туркистондан иштирок этган Рискуловдан кейинги нотик «ўртоқ Радек ва ўртоқ Зиновьевларни Туркистонга келиб, бу ерда (Туркистонда) совет ҳокимияти томонидан амалга оширилаётган сиёсат ва ишлар меҳнаткаш оммани ўзидан узоқлаштираётганлигини кўришга» таклиф қилган. Туркистонлик айтиптики: «Биз қоғозда эмас, ҳаётда озодлик, тенглик ва қардошлик асосларининг ҳақиқатан рўёбга чиқишини талаб қиламиз» (Стенографик ҳисобот).

Рискуловнинг гувоҳликларидан иқтибослар олмаганимда, совет ҳокимияти ва «уни қўллаб-қувватлаган маҳаллий меҳнаткаш оммаси» орасидаги муносабатлар тўғрисидаги маълумотномаларим тўлиқ бўлмасди. Айнан унинг фаол иштироки билан ўтган Мусулмон коммунистларнинг 3-ўлка конференцияси (Тошкент, 1919 йил июнь) резолюциясида ёзилган: «Чор ҳокимияти тузуми томонидан аҳоли орасида ҳукмронлик қилаётган ва имтиёзларга эга бўлган қатламларнинг қарам бўлганларга нисбатан сингдирилган мустамлакачилик руҳи ва йўналишидаги муносабати мустамлакачилар қатлами онгидан ҳалигача чиқариб юборилмаган. Баъзи бир ўзларини коммунистлар деб атайдиган ва «бошлиқ» деб ҳисоблайдиган шахслар томонидан маҳаллий меҳнаткаш оммага очикдан-очик менсимай қарашга ҳозирга қадар гувоҳ бўлишга тўғри келади».

Туркистон «октябри» ва туркистонлик маҳаллий меҳнаткаш омма орасида ҳеч қандай ғоявий боғлиқлик нафақат бўлмаганлиги, балки бўлиши ҳам мумкин эмаслигини яна исботлаш керакми?

Бу Қўқон мухтор ҳукуматининг ташкил этилишидан сўнг яққол кўзга ташланди. Мухтор Туркистон ҳукумати (газетадаги номи), Рискулов тасдиқлаганидек, «маҳаллий зиёлиларнинг ўнг қаноти»нинг ғояси ва «совет ҳокимиятига қаршилик кўрсатишга уриниши» бўлмаган. Ушбу ҳокимият мусулмон тараққийпарвар зиёлиларининг энг сўл ва энг радикал қисмидан ташкил этилган. Ҳозирги туркистонлик «сўллар», ҳеч бўлмаганда уларнинг ичида бошқалардан кўпроқ Туркистон сиёсий ҳаётининг лойқаланган юзида пайдо бўлаётганлар ўша оғир дамларда «сўллар» ҳам, «ўнғлар» ҳам томонида бўлмаганлар. Улар у пайтда ижтимоий ва сиёсий майдонда умуман бўлмаганлар. Туркистон мухтор ҳукумати совет ҳукуматига қарши чиқмасдан, мамлакатдаги ҳокимият «авантюристлар, амалпарастлар ва шунчаки жиноий унсурлар»нинг қўлида бўлишига рози бўлмаган. Чунки, бундан ташқари, ушбу ҳокимиятда инқилобий турғунлик тўлқини билан юзага чиққан маҳмадонлар эмас, балки мамлакат билан ёш Туркистон жамоатчилиги ривожланиши шароитларига мос жамоатчилик хизмати билан боғланган одамлар ўтирганлар. Туркистон мухтор ҳукумати Фавқулудда ўлка съездининг қарори билан

(1917 йилнинг 25 – 29 ноябрь) ва кейинги иккита ўлка съездларида: а) Россиянинг ички мусулмон солдатлар иштирокидаги ишчи мусулмонларнинг съезди; б) деҳқон (ер билан ишловчи) мусулмонларнинг съездларида апробация қилинган (маъқулланган) (1917 йил 27 – 29 декабрь).

Деҳқонлар съезди резолюциясида шуларни ўқиймиз: «Туркистон ўлкасининг Халқ Комиссарлари Совети бутун аҳолининг, айниқса, унинг мусулмон қисмининг хоҳишини ифодаловчи бўлмайди. Туркистонда ҳокимиятнинг ягона органи фақат Туркистон мухтор ҳукумати бўлиши мумкин... Ҳокимиятни Халқ Комиссарлари Советидан Мухтор ҳукуматга дарҳол топшириш тўғрисидаги таклифимизни билдирамиз».

Ушбу резолюция Тошкент Халқ Комиссарлари Советининг махсус делегати Полторацкийнинг сўзларини эшитишдан кейин қабул қилинган...

Рисқулов ва ҳозирда ўзининг нотаниш жамоавий ўтмишини яширмоқчи бўлган ва талотўп оломон бўлиб ғалаба қозонган жанг араваси орқасидан шошилиб югуриб кетаётган ҳамма шахслар Қўқон фожиаси тўғрисида ўйлаб кўрсинлар. Ҳеч бўлмаса, Скобелевнинг «Щит народа» газетасида ёзилган қўқонлик совет тинч делегацияси аъзоларидан бирининг (менимча, Крутиковнинг) мақолаларини ўқисинлар ва у ерда шу нарсани топишадик, Туркистон Мухторияти учун курашганлар – улар меҳнаткаш омма бўлиб, «Яшасин Мухторият!» – «Яшасин озодлик!» сўзлари билан ўлганлар.

Энди Рисқулов томонидан айтилган «маҳаллий камбағалларнинг ташкилотлари бўлган «Қўшчи» иттифоқи тўғрисида гаплашамиз.

«Қўшчи» иттифоқи туркистонлик «комбед» ҳисобланади (камбағаллар кўмитаси) (Правда. 11.8.23). Иттифоқнинг (уюшма) ташкил этилиши 1920 йилнинг охирида бошланган. У бошқа мақсадлардан ташқари «меҳнаткаш деҳқонларда синфий ўз-ўзини англашни уйғотиш» ва «феодал-патриархал ва уруғчилик муносабатларини йўқ қилиш» мақсадларига хизмат қилиши керак эди.

«Оммани иттифоққа қизиқтирган энг асосий омил, албатта, ер масаласи бўлган», – деб ёзади «Қўшчи» иттифоқи тўғрисидаги мақола муаллифи Г.Скалов (мен иттифоқ тўғрисидаги маълумотни олган «Жизнь национальностей» журналининг 2-китоби). «Туркистонда ўзбек районларида баъзи сиёсий муросаларни амалга оширишга (*руҳонийларга вақфларни қайтариш, қозилар судларини киритиш, ҳокимиятга таъсир қилган*) шахсларни жалб қилиш ва ҳоказо)¹ (мен томонидан чизиб кўрсатилган – М.Ч.) тўғри келган НЭП (янги иқтисодий сиёсат)ни ўтказиш, – маълум қилади Г.Скалов, – Туркистон

¹ Рисқуловда бу «руҳонийларнинг аксарият қисмининг, миллий маҳаллий зиёлилар қисми ва бутун маҳаллий аҳолининг майда буржуазия қатламларининг совет ҳокимияти билан муроса йўлига ўтиши, катта бурилиш» деб номланган (Накануне. 3.11.23).

компартиясининг бир қисмида мен томонидан «орқага қайтиш мафкураси» деб номланган ва «Қўшчи» иттифоқига бўлган муносабатда акс эттирилган оғмачиликни яратди. Ва «Иттифоқ» «оғир инқирозни бошидан кечирмоқда». Чунки ўзбек районларида сиёсий мурасалар муносабатларнинг эски феодал турининг вақтинча бўлса ҳам қисман қайта тикланишига олиб келган.

Қандайдир А.Викторов «Правда» саҳифаларида (17.04.23) тасдиқлайдики, «Туркистон шароитларида ушбу (яъни, большевиклар терминологияси бўйича, «феодал тур») ташкилотларни тугатиш мумкин эмас». Большевиклар, А.Викторовнинг сўзларига кўра, шу «феодал тур ташкилотлари»ни яратишга тараққийпарвар маҳаллий зиёлиларни жалб қилиш ва уларни совет ҳокимиятининг душманларидан ажратиш учун рухсат беришган. Бу яна совет ҳокимияти маҳаллий зиёлилар билан ҳамкорликни излай бошлаганлиги тўғрисидаги фикрнинг исботидир. Шу билан бу ерда фактни бузиб кўрсатиш ҳам бор.

Тараққийпарвар ўзбек зиёлилари «феодал муносабатлар»нинг дахлсизлигини ҳеч қачон совет ҳокимияти билан ўзларининг ҳамкорлиги шартини деб қўймаганлар.

У биргина туркистонлик қирғиз, ўзбек (сартлар), туркманларнинг миллий ўзликни англаши Рязань ёки Вятка деҳқонларининг «сиймо ва ўхшаш»лиги сингари бўлмаслигини хоҳларди. У энг бошидан («миллий ўз-ўзини англаш» шиори большевикларнинг ўзлари учун, Сталин кейинроқ айтганидек, ҳали «қуруқ шиор» бўлмаганда) совет ҳукуматига шуни кўрсатганки, туркистонлик ўзбекка милтиқ найзаси билан вяткача картузни мажбурлаб кийгизиб қўйиш уни орқага, «муқаддас бухороча салла»га олиб бориши мумкин. Ҳозир эса шундай бўлди.

«Туркистонлик маҳаллий меҳнаткаш омманинг синфий ўз-ўзини англаши шундай даражагача етказилганки, ушбу омма «муносабатларнинг феодал турини тиклаш»га ҳам, ер ислоҳотидан воз кечишга ҳам қарши норозилик билдирмайдилар ва жим бўлиб «ўз синфий манфаатларининг етарли ҳимояси» йўқлигидан жимгина «машаққатни тортишга», қийналишга тайёр. Совет ҳимоячиларидан кўра ўз феодаллари бўлақолсин! – мана бу Туркистондаги совет миллий озодлик сиёсатининг натижаси.

Совет Туркистонининг маъмурий механизмига кўп тўхтаётган олмайман. Рисқуловнинг «қишлоқ, волость, уезд, область ижроия кўмитаси, бундан ташқари, ТуркМИҚнинг таркибини 90% маҳаллий аҳоли ташкил қилади» ва «ҳокимият аппаратларини ҳам асосан маҳаллий аҳоли бошқаради» деган кўрсатмалари бўйича қуйидагини айтиш керак деб ҳисоблайман.

Инқилобдан олдин бутун қишлоқ (маҳаллий) маъмурияти, ҳатто суд фақат мусулмонлардан иборат бўлган. Лекин бунда ўзини ўзи бошқариш тўғрисида гапириш мумкин эмас эди. Маҳаллий аҳоли томонидан ҳокимиятнинг

марказий органларини бошқариш борасида ҳақиқатда янгилик бўлганлигини айтиш мумкин.

Ахир бу қандай «бошқариш» ва ушбу «бошқарадиган» маҳаллий аҳолининг қиёсий салмоғи қандай бўлиши керак эди, агар Москвадан келган большевик конференцияда ошқора равишда Туркистоннинг олий қонун чиқарувчи органи бўлган ТуркМИҚ раисини шафқатсиз ва раҳмсиз «босмачи» (яъни талончи) деган сўз билан ҳақорат қилиши мумкин бўлса? Қавсларни очаман: ҳақорат қилган киши большевик Сафаров, ҳақорат қилинган эса Рисқуловнинг ўзи бўлган. Бу воқеа Тошкентдаги 6-партия конференциясида бўлиб ўтганди. Ушбу мусулмонларни «бошқарадиган» шахсларни гапирсак, менинг эсимга Фарғонадан келган хатда (1923 йилнинг ўрталари) уларнинг роли қуйидагича мажозий баҳолангани келмоқда: «Афсуски, ушбу одамлар жуда кўп вақт жонажон юртига нисбатан дарахтни чопиш пайтида болтанинг ёғочдан қилинган сопи ролини ўйнашмоқда».

Мактаб масаласига ўтяпман. Бу Туркистон учун энг муҳим масалалардан биридир. «Туркистонлик мусулмонлар орасида маърифатга қизиқиш» янгилик эмас. Эски инқилобдан олдинги йилларда рус-маҳаллий мактабларга сарф қилинадиган харажатларнинг деярли ярми (адашмасам, 46%) аҳоли ўзи томонидан қопланган. Чўлларнинг энг чекка бурчакларидан қирғизлар болаларини шу мактабларга олиб келганлар. Мавжуд бўлган камчиликлар билан бирга¹ улар болаларининг саводини рус ва ўз она тилларида чиқарганлар. Дарҳақиқат, уларнинг сони ўқишни хоҳлаганлар сонига тўғри келмаган, лекин бу мустабид ҳукумат даврида Халқ маорифи вазирлиги умумий сметасининг чегаралангани натижаси бўлган. Энди-чи? Рисқуловга кўра, халқ маорифи иши яхши даражада: 1000 нафаргача (!) мусулмонлар Москва ва Петербургда таҳсил олмоқдалар. Ушбу масштаб бўйича Туркистоннинг ўзидаги ўқувчилар сони тўғрисида гапириш ҳам ўринсиз ҳисобланади. Хуллас, Туркистонда саводсиз одамлар деярли қолмаган. Унинг (1923 йил 3 декабрь) «Накануне»даги мақоласини ўқиганларда шундай таассурот қолади.

Бироқ Рисқулов ўзи Туркистон советларининг 11-съездида (1922 йилнинг декабрь ойи) бутун Туркистонда (мусулмон) мактаблари сони маблағлар етишмаслиги туфайли 311 тагача етказилган деб маъруза қилган² (қаранг: Туркистон. 12.12.22).

«Янги» Туркистондаги ушбу мактаблар қандай? Тошкентда ўзбек тилида чоп этилган «Қизил Байроқ» газетаси совет мактабларининг кичик манзараси тўғрисида очеркларни берган.

¹ Шунингдек, Рисқулов фикрига хилоф равишда, рус-маҳаллий мактаблари ҳеч қачон «миссионерлик» вазифаларини амалга оширмаган ва «Ильминский тизими» билан ташкил этилмаган. Таҳририятдан.

² 1899 йилда ҳам (кейинги маълумотлар ҳозир ёнимизда йўқ) Еттисув областисиз Туркистоннинг тўртта областида 6430 мусулмон мактаблари бўлган. Таҳририятдан.

Маориф комиссарлиги арбобларидан бири мусулмонларнинг ўз болаларини совет мактабларига беришдан воз кечишлари сабабини билишни хоҳлаб ота-оналарни йиғиб, улар билан суҳбатлашмоқчи бўлган. «Совет мактабларига икки ёки ҳатто уч йил давомида борган болаларнинг ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билмаганлари жуда кўплиги» аниқланган. Комиссарлик ходими, бундан ташқари, «совет мактабларидан болалар эски «диний мактаблар»га ўтганлигини билиб қолган. Ота-оналари эса: «Сизларнинг совет мактабларингиз таши ялтироқ, ичи эса қалтироқ», «Мактабларда мусулмон дини таълимоти ҳам берилиши керак. Бўлмаса, болаларни мактабларингизга юбормаймиз», – деб арз қилганлар. Худди шу пайтда (1922 йил бошлари) совет мактабларида мажбурий мусулмон таълимотини ўқитишни киритишга тўғри келган. Ушбу нарса 1922 йилда бўлган.

1923 йилда ҳам бундан яхши эмас.

Мана «Туркестанская правда» (№143 1923 йил 13 июль). Рискулов мақтаётган 1923 йилда ҳам шундай бўлган. «Бизга айтишяптики, – ёзилади газетада, – аҳолининг мактабни таъминлашдан воз кечиш ҳолатлари оз бўлмаган. Бу тушунарли. Аҳоли атрофга соғлом ақл билан қарайди. Ва **аҳоли икки-уч йил мобайнида болаларни яхши ўқиш ва ёзишга ўргатмаган мактабга нисбатан, албатта, кўнгилчанлик қилмайди** (Мен томонимдан ажратилган – М.Ч.). Фактларнинг кўрсатишича, яхши мактабга аҳоли ҳам бошқача нигоҳ билан қарайди. Бундан ташқари, у изланади ва кутади».

Улар охиригача кутмаган ва эски анъанавий мактабларнинг очилишини талаб қилган. Ва совет ҳокимияти уларни очишга мажбур бўлган. Менга: «Эски мактабларни очиш талаблари совет мактабларида болаларнинг маънавий бузилишига қарши норозилиқдир», – деб ёзмоқдалар.

Тўғриси айтганда, «Овул ва қишлоқдаги мактаблар»нинг ўзи йўқ. «Уни ташкил қилиш ва мустаҳкамлаш зарур». Бу – «Туркестанская правда» газетасининг бошқа сонидан (1923 йил 21 июль) келтирилган иқтибос. Мавжуд бўлган мактаблар рус ва мусулмонлар учун эшикларини ҳар хил очадилар. Масалан, «Авлиёота уездида 23/24 ўқув йилида 2000 ўқувчи учун мактабларни очиш режалаштирилган. Шундан 1500 ўрин европалик ёшлар ва 500 ўрин маҳаллий аҳоли учун бўлган» (Туркестанская правда. 21.7.23). Аҳолининг ўзаро нисбати эса тахминан шундай: 300 минг мусулмон ва 20 мингга яқин европалик.

«Накануне»даги Рискуловнинг раддиясида мен томондан келтирилган маълумотлар Туркистон тўғрисидаги бутун ҳақиқат эмас. Рақамлар тилига кўчирилмайдиган, лекин туркистонлик халқ оммасининг онги ва кайфиятида яшаётган бошқа ҳақиқат ҳам бор. Ушбу ҳақиқат тўғрисида большевиклар биладилар. «Таъсир қилаётган шахслар»ни ҳокимиятга жалб қилиш, эски

шаръий судларни тиклаш, диний мактабларни очиш ва бошқа «сиёсий мурасалар» большевикларнинг ушбу Туркистон ҳақиқатини ўзларидан четга суриш хоҳиши кўрсаткичидир. Ҳақоратланган миллий туйғу, оммавий қашшоқликнинг ортиши ва большевиклар томонидан ташвиқот қилинаётган маънавий ахлоқсизлик ва 2 миллион кишининг ўлими («ҳозирги Туркистон аҳолиси 7200 минг ўрнига 5200 мингни ташкил қилади». Қаранг: Хидиралиевнинг «Известия»нинг 2 ноябрь сонндаги маърузаси) билан оғир аҳволга солинган миллат вақфлар ва эски мактабларнинг қайтарилиши билан хотиржам бўладими?

Дни. – Париж, 1924 йил 14 февраль.¹

ХИДИРАЛИЕВ ЧОПОНИ

Маълумки, Туркистон СССРнинг мустақил аъзоси деб ҳисобланмасдан, РСФСРга мухтор қисм бўлиб кирмоқда. Шунинг учун совет делегациясида Белоруссия ва Кавказорти Совет Федерацияларининг миллий вакиллари йўқлигида унинг таркибида «Туркистон вакили»нинг мавжуд бўлиши ҳуқуқий нуқтаи назардан ақлга тўғри келмайдиган ҳолдир.

Туркистонлик Хидиралиев Англияга келишининг ягона сабаби ташвиқот самарасини амалга оширишдир: эмишки, қаранглар, ҳиндлар, мусулмон Туркистонга совет тузуми даврида халқаро музокараларда иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Сизларга-чи?

Худди ўша хўжақўрсинга ташвиқот мақсадида Хидиралиевга миллий чопонни кийгизишди. У ерда, ўзининг Туркистонида Хидиралиевлар эски турмушдан совет ғалабасини бўрттириб кўрсатиш учун Европага хос андозадаги пиджакларда юришади.

Бу хўжақўрсинга қайтадан кийиниш менга Тошкентда чиқаётган «Муштум» ҳажвий журналидаги карикатурани эслатади. Эски мусулмон мактаб чизилган, шу ердан ўқишдан кейин болалар эшакникига ўхшаган қулоқлари билан ва ҳозир Хидиралиевга кийдирилган чопонларда чиқишади.

Пастда: «Мана қандай қилиб чиқаришмоқда», – деб ёзилган. Ёнида янги европа туридаги мактаб, бу ердан эса болалар ҳақиқий одамлар бўлиб ва пиджакларда чиқишади. Тегишли ёзув ҳам бор... Хидиралиев, балки, яхши туркистонликдир, лекин большевиклар уни Туркистоннинг ҳақиқий ҳолатига ҳам, ўзининг шахсий обрўсига ҳам тўғри келмайдиган ролни ўйнашга мажбур қилганлар.

Последние новости. – Париж, 1924 г. 29 апрель²

¹ Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. II том. – Алматы, 2012. – С.480 – 493.

² Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. II том. – Алматы, 2012. – С.509.

«МИЛЛИЙ МАСАЛА ЛАБОРАТОРИЯСИ»ДА

(Туркистон тажрибаларидан)

Большевиклар Туркистонни гоҳ «РСФСР худудида миллий масала лабораторияси», гоҳ «бутун мусулмон Шарқдаги совет сиёсатининг тажриба майдони» деб аташади. Туркистонда ҳақиқатан ҳам тажрибалар кўп бўлган ва бу ерда одам ҳаётига оддий лабораториядаги шишача ва колбачаларга нисбатан ҳам камроқ кўнгилчанлик қилганлар. Рақамларни келтираман: 1917 йилнинг 1 июнида Туркистон аҳолиси 8084700 нафар жон, 1922 йилда эса 5029512 нафарни ташкил қилган (Среднеазиатский экономический район. – Тошкент: ТуркЭКОСО, 1922). Бунга очлик айбдор деб айтишади.

Лекин биз ҳокимиятни мусулмон аҳолиси ўртасида очликни чуқурлаштириш, ҳатто уни келтириб чиқаришда ва иштирок этишда айблаш учун асосларга эгамиз.¹ Мен қатъий тасдиқлайманки, совет матбуоти ўзи (оч қолганларга номигагина ёрдам беришдан воз кечиш, шафқатсиз таъқиб қилиш сингари) мусулмонлар ўлими сабабчилари деб кўрсатган шахслар ё умуман жазосиз қолиб, Туркистон худудида (масалан, Казаков) катта жойларни эгалламоқда, ё шунчаки отиб ўлдиришга ҳукм қилиб, уларни боши оғган томонга қўйиб юборишган ва улар «партия кучларини қайта тақсимлаш тартибида» ўзининг «инқилобий фаолияти»ни бошқа жойда давом эттириш имконига эга бўлганлар (ўзини «Қизил Октябрнинг Малюта Скуратови» деб айтган Гержот). Мен қатъий тасдиқлайманки, Москва кўрсатмаларини бузиб, ўзининг жиноий қилмишлари билан Фарғонани очарчилик ҳолатига (1922 – 1923 йиллар) олиб келган шахслар Туркистонда энг масъул мансабларни эгаллашда давом этмоқдалар (Паскуцкий ва ҳ.к.).

Бу ҳаммаси фақат омадсиз «совет миллий сиёсати лабораториясидаги тажрибалар»дир. Ушбу лабораторияда ишловчи одамлар тажрибасиз амалиётчилардир. Шунинг учун, табиийки, бир неча миллион одам ўлган. Лекин биз «ўзимизнинг хатоларимиздан таълим оляпмиз»...

Туркистоннинг бахтсизликлари нафақат ўтмишда. Улар ҳозир ҳам давом этмоқда ва мавҳум келажакда ҳам давом этиш тенденциясига эга. «Дни» (25.06.24) Туркистондаги «совет муваффақиятлари» манзарасини беради.

«Деҳқон хўжалиги ҳам, чорвачилик хўжалиги ҳам ҳали оёққа турмади. Камбағаллар ҳали ерни олишмаган. Кўчманчилар яшайдиган уездларда ер масаласининг ечилиши ҳали тугалланмаган, ўтроқ худудларда эса ҳатто бошланмаган ҳам. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачиликлардан даромад олмасдан, қолдиқларни еб яшайдилар.

¹ Ушбу масала бўйича маълумотлар Туркистондаги очлик тўғрисидаги мақолаларимда келтирилган (М.Ч.).

Фарғоналик чорвадор ва ярим ер билан ишловчи қирғизларнинг хўжалик фаровонлиги тезлик билан пастга тушмоқда. Зудлик билан ёрдам берилмаса, шу икки тоифа батамом ўлиши мумкин.

Ўша маълумотлар «2-Туркистон қишлоқ хўжалиги съездида совет иқтисодий сиёсати натижалари деб расмий жиҳатдан белгиланган».

Мана, Бройдонинг «Туркистон ишлаб чиқариш кучларини кўтариш», умуман, «бизнинг миллий» ва «бизнинг Туркистондаги сиёсатимиз» муваффақиятли натижалари тўғрисидаги официоз ёлғонининг яққол расмий раддияси.¹ Ўша Бройдо, бундан ташқари, Туркистондаги минглаб мактаблар тўғрисида гапиради, Хидиралиев эса Москвага бориб, «мактаб етишмаслиги»дан арз қилган.

Бройдо мусулмонларнинг «ўз мамлакати ишларида меҳнаткашларнинг жуда кенг иштироки» тўғрисида гапиради, Туркистондаги газеталар эса кундан-кунга ўша меҳнаткашлар вакилларининг бошқарув ишларига қўйилмаслиги ва тилининг назар-писанд қилинмаслиги ҳақида арзлар ва додвойларни чоп этадилар. Лондондаги совет делегация аъзоси даражасигача хизмат кўрсатиб кўтарилган Хидиралиевнинг таъкидлашича, бу «мамлакат ишларида меҳнаткашларнинг жуда кенг иштироки»га фақат «...мусулмон ёзув машинкаларининг етишмаслиги халақит беради» (Известия. 2.XI.23). Яхши экан-да советларнинг «жуда кенг имконияти»...

Ерга бўлган эҳтиёжнинг ҳал этилмаслиги; қишлоқ аҳолиси бойлигининг жадал пасайиши; мактаблар етишмаслиги, «ёзув машинкаларининг» етишмаслиги туфайли ўзининг аксига айланган «жуда кенг имконият» – бу ҳаммаси «лаборатория тажрибалари»дир. Улардан мусулмон аҳолиси азият чекмоқда. Нима бўпти, биз ахир «ўзимизнинг хатоларимиздан таълим оляпмиз»...

Ҳамма ўша миллионлаб одамлар ҳаётига зомин бўлган ва қишлоқ аҳолисининг қолдиқларини ўлим билан кўрқитаётган «ўзимизнинг хатоларимиз» мусулмон аҳолисининг совет ҳокимиятига, большевистик партиёга чуқур ишончсизлигига олиб келмоқда. Шунинг учун «камбағаллар ҳукмронлик қилаётган партиёга келмайди ва у фақат таржимонлар, амалдорлар ва мансабпарастлар билан тўлдирилган» (Ак Жол. №389).

«Ўзларининг хатоларидан таълим олиш»ни давом этиб большевиклар туркистонлик мусулмонларни «Ленинчилар саф»ига жалб қилиш «тажриба»сини бошлаганлар. Москвада ҳам, Туркистонда ҳам ҳеч ким муваффақиятдан шубҳаланмаган. «Маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш билан» ҳамма тайёргарлик чора-тадбирлари ўтказилган. Фақат битта «Ильич партиёсига мусулмонларнинг қанча сонини қабул қилиш» масаласини ечиш қолган эди.

¹ Қара нг: Г.Бройдонинг «Жизнь национальностей» ва «Новый Восток» журналларидаги мақоласи.

5, 10, 15 минг рақамлар айтилган. Барчаси оздек туюлган. Ахир биргина Тошкент районида «жонажон Ильич»нинг ўлими учун йиғлашга келган одамлар сони 200 000 дан ортиқ бўлган. Балки, унинг насиҳатларини амалга ошириш, «барҳаёт Ильич орқасидан», яъни унинг партияси орқасидан юришни хоҳловчилар сони бутун Туркистонда анча ортиқроқ топилиши мумкиндир...

Бутун СССРдан режалаштирилган максимум 200 минг киши туркистонлик «лаборантлар»нинг хаёлий ҳавасига нуқта қўйган.

Қизғин баҳслар ва ўзаро гина-кудуратлардан кейин туркистонлик мусулмон оммасининг «Ильич кўрсатмалари»га содиқлик даражасини катталаштиришдан воз кечишга тўғри келди: 50 минг рақамида тўхташган. 50 мингдан ортиқ бўлганларни эса «тарафдорлар» ва номзодларда қолдиришга қарор қилинди.

Кейинчалик қабул қилиш шартлари тўғрисида гапиришганда аён бўлдики, туркистонликлар учун «дастгоҳлар» кетмон ва белкураклар билан алмаштирилган. Тўпланганлар: «Яшасин ўртоқ Зиновьев!» – деб бақириб, «Интернационал»ни куйлаганлар. «Кўнгиллилик» тўғрисида айтсак, албатта, шу нарса назарда тутилганки, ҳамма мусулмонлар «кўнгиллилиги»ни, «бутун олам олди»да Туркистондаги «ленинизм» илдизлари қанчалик чуқурлиги ва туркистонликлар унга қай даражада содиқ эканлигини кўрсатишади.

– Эллик минг коммунист, – дейди нотиклардан бири, – Шарқда намунали совет давлати бўлган Туркистон учун бир оз озлик қилади. Аммо ленинизм юққан ушбу инқилобий Шарқнинг илғор авангард – ҳамма ва биринчи ўринда Англия тан оладиган кучидир. Ушбу 50 минг тўғрисидаги хабар Макдональд қулоқларига етиб борганда...

Нотикқа нутқини тугатишга имкон беришмаган. Ҳамма жойидан дик этиб турган. Кимдир: «Йўқол!» – деб бақирган, кимдир «Интернационал»ни айтган.

Кейинги куни Туркистоннинг ҳамма чеккаларида белгиланган чегаралардан ўтмаслик ҳақида жиддий огоҳлантириш билан йўриқномалар учиб борган. Масалан, Еттисув областида ҳар бир маҳаллий ташкилот фақат «50 нафаргача» аъзоларни қабул қилиши шарт эди.

Бироз вақтдан кейин жойлардан янги ленинчи мусулмонлар тўғрисида маълумотлар кела бошлаган. Шу маълумот, масалан, бундай бўлган: Жиззах уезди – 5 (ҳаммаси мусулмонлар), Каттакўрғон – 9 (ҳаммаси мусулмонлар), Чимбой – 3 (ҳаммаси мусулмонлар), Марке – 7 (3 нафари мусулмон), Перовск – 150 (битта ҳам мусулмон йўқ)...

Тез орада «Ленин танлови»нинг охириги натижаси аниқланган. Бошида ҳеч ким ишонишни хоҳламаган эди. Рақам шунчалик кичик кўринганки, «ўзларининг хатоларидан таълим олиш»га ўрганганлар ҳам бошларини қуйи солганлар: Ленин партиясига мусулмонлар фақат мингга яқин одамларни (Туркистонлик

европаликлар 8 минг кишини) берган. Ушбу шармандали муваффақиятсизликка айбдорларни излашни бошлаганлар. Ҳамма излар Москванинг ўзига, «ўртоқ Зинаев», «ўртоқ Сталин»ларга олиб келган, чунки айнан улар «мусулмонлардан Ильич партиясига кўнгиллиларни танлаш»ни ўйлаб топганлар...

Бироқ иш мусулмонлар орасида «Ленин танлови»нинг муваффақиятсизлигида айбдорларни излаш билан чекланмаган. 8-Сирдарё области конференциясида (Тошкентда) маърузачи Каучуковский деган одам шундай сенсацион хабарни айтган («Туркистон» – ўзбек тилида чоп этиладиган газетадан келтираман. №263): «Ленин танлови»дан олдин маҳаллий коммунистлар партия аъзолари умумий сонининг 75% ни ташкил қиларди. Энди, танловдан сўнг 35% га тушиб қолди». «Ушбу ҳолат, – давом этади Каучуковский, – совет давлати аппаратини «маҳаллийлаштириш» йўлидаги катта тўсиқ ҳисобланади». Ва маърузачи маълум қиладики, мусулмон коммунистлар сонини ошириш мақсадида партиянинг мардикорларни қабул қилиш тўғрисидаги қарори чиққан. Содда қилиб айтсак, бир неча минг қора ишчилар ўзларининг розилигисиз «Ленин партияси»га қабул қилинади. Партия сафларига мусулмонлардан кўпчиликни (75%) аъзо қилишдан мақсад «мусулмонлашмаган» мамлакатни бошқариш имконини маҳаллий аҳолига бериш эмас. Ҳа, айтганча, Туркистонни «маҳаллийлаштириш» йўлида турган тўсиқдан шу тарзда хафа бўлиб ёзган Каучуковскийнинг маърузаси чоп этилган «Туркистон» газетасининг ушбу сонидан биз яна, етук, салоҳиятли маҳаллий аҳолиси борлигига қарамай, совет аппаратини «руслаштириш» (мақола номи шундай экан) тўғрисидаги кичик мақолани учратамиз. Йўқ, улар аксарият маҳаллий «мусулмон хайрихоҳлари»дан ўз хоҳишларича фойдаланишлари учун керак.

Туркистонликлар мамлакатда ўз ҳокимиятини ўрнатишларига қарши эмас, бироқ улар ичкарида «советлаштириш»ни хоҳламайдилар.

Шу сабаб билан ўлган Ильич учун аза тутган юз минглаб туркистонлик қирғиз ва ўзбеклар унинг «тирик иш»ига ачинарли минг киши билан жавоб берганлар. Лекин большевиклар «ўзларининг хатоларидан таълим олиш»моқдалар ва мусулмон Туркистонда Ленин ишининг улкан муваффақияти тўғрисида гапиришни давом эттирадилар.

«Энг қизиқтирадиган ваъдалар билан, – Туркистондан келган хат якунланмоқда, – яъни дарҳол ер билан таъминлаш, солиқларни ихчамлаштириш, хўжалик анжомларини бериш билан минг кишини қабул қилишга эришилган. Қолган ҳаммамиз тарафдорларга қабул қилинганмиз».

Хуллас, Шарқда совет ташвиқоти Ўрта Осиёдаги мусулмон оммасида янги «қўллаб-қувватловчи кучга»га эга бўлган...

Последние новости. – Париж, 1924 г. 5 июль, №1287¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.533 – 538.

ЌИЗИЛ ТУРКИСТОНДА.

Давлат аппарати ва аҳоли манфаатлари

1918 йил ёзида Туркистондаги совет ҳокимияти хавф остида қолган.

Биринчидан, унга «Афғония» (Афғонистон) томонидан таҳдид кўринишлари кўзга ташланди, иккинчидан, Ашхободда кутилмаганда (июнда) темирйўлчилар тошкентлик комиссарлардан кейинроқ «Правда» саҳифаларида (1920 йил, 182-сон) «авантюристлик босқинчилик» номини олган сиёсатни рад қилиш талаби билан чиқишди. «Афғония»га қарши ҳимояни туркистонлик большевиклар ... Англияда топганлар. «Бизни Англия қутқаради, – деб ТуркМИКнинг 16.05.18 йилдаги мажлис баёномасида ўқиймиз, – чунки «Афғония»нинг ёв лашкарлари Туркистонга юрса, Англия қўшинлари Афғонистоннинг ўзини эгаллайдилар». Лекин ашхободлик ишчиларга қарши ташқаридан шундай иттифоқдош бўлмаган...

Фарғонада исёнчилар ҳаракати кўзғалди. Ва «Худонинг марҳамати билан мавжуд бўлган» (ТуркМИК мажлис баённомасидан ибора) Туркистон Совет Республикаси ҳам мусулмон аҳолисига нисбатан муросага келишга қарор қилган. Туркистон МИҚи «пролетариат томонидан эришилган ҳамма ютуқларни картага тикилган пул каби қўйиш имконияти олдида ўзининг реал кучларини ҳисобга олиб» Туркистон ишчи-деҳқонларининг ҳукуматига тез кунда «нон олиш ҳуқуқида мусулмонларни бошқалар (яъни руслар) билан тенглаштириш ва маҳаллий тилдан устун келадиган тилни рус тили билан бирга давлат тили деб эълон қилиш» тўғрисидаги қарор чиқаришни таклиф қилган.

Совет ҳокимиятининг туркистонча сиёсати сохталигини яна бир марта таъкидлаб ва яққолроқ бўрттириб ташқи ҳолатлар босими остида чоп этилган ушбу қарор қоғозда қолган.

Мен бир неча марта «мусулмонларни нонга бўлган ҳуқуқида тенглик» тўғрисида ёзганман. Бу «Очарчилик блокадаси» сиёсати бўлган. Мазкур очеркимда «Давлат тили тўғрисидаги» совет қонунига тўхталаман.

Бу қонун чиқишига роппа-роса олти йил кетган. Ҳар бир советлар съезди, ҳар бир партия конференцияси ушбу қонунни тасдиқламоқда, унинг бажарилишини талаб қилмоқда. Кейинги съезд ва кейинги конференцияда афсусланиб декрет бажарилмаган деб қайд қиладилар ва унинг амалга оширилиши бўйича мажбурий директиваларни бермоқдалар. Шундай қилиб 1923 йил охиригача яшадик, ушбу йилда давлат томонидан мажбурият олган мусулмонлардан чиққан большевиклардан бири Хидиралиевнинг хаёлига давлат тили тўғрисидаги қонунни бажармаслик учун айбини ... «мусулмон ёзув машинкаларининг йўқлиги»га ағдаришдек яхши фикр «ялт этиб» келиб қолди.¹ Балки, Хидиралиевнинг бу доҳиёна тушунтириши совет ҳокимияти-

¹ Мусулмон (араб) шрифтли ёзув машинкалари умуман камёбдир.

ни қониқтиради: Туркистон газеталари саҳифалари унинг маҳаллий тилни менсимаслиги ҳақидаги арзлар билан тўлиб кетган.

Мана бир неча мисоллар: «Ак Жол» (№390) Перовск уездидаги солиқ тўловчи қирғизларнинг қийналишларини ёзади. Улардан кимдир пул тўлаш учун, кимдир солиқларни ихчамлаштириш ёки камайтириш тўғрисида илтимос қилиш учун шаҳарга узоқ чўллардан келадилар. Уларнинг қирғиз тилидаги аризалари кўринмасдан қолмоқда. Рус тилида ёзиш талаб қилинади. 2-3 кун, албатта, «муслмон ёзув машинкаларини излашга» эмас, балки совет таржимонларининг эшикларига тинмай қатнашига тўғри келади... Руслар ва рус тилини билганлар имтиёзлардан фойдаланишади: улар бемалол муассасаларга кириб, тўловларни навбатсиз амалга оширишади. Рус тилини билмаган камбағаллар эса ошиқча меҳнат кунларини йўқотишга мажбур бўлишади...

«Областда ҳамма қоғозлар рус тилида келади», – арз қилади Чимкент уездидаги қирғизлар («Ак Жол» (№405). Совет муассасаларига маҳаллий тилда тақдим этилган қоғозлар изсиз йўқоладилар. Бошқатдан русча ёзилиб топширилган қоғозлар қонун томонидан белгиланган муддат ўтганлиги туфайли қабул қилинмайди...

Кўқондаги «Фарғона» газетаси «давлат тили»га боғлиқ деярли латифага ўхшайдиган воқеани беради. Мана совет муассасасидан келган қоғоз. У бутунлай русча ёзилган ва фақат пастда ўрганмаган қўл билан қандайдир муслмон ёзувини ифодалаш учун белгиланган ажи-бужи ҳарфлар билан комиссарнинг имзоси қўйилган. «Бу бир ниқобланиш, бу бизнинг устимиздан мазах қилишдир», – деб ғазабланади Хидиралиевнинг ёзув машинкалари тўғрисидаги донишмандлигини билмаган ўзбек.

«Руслаштириш давом этмоқда», – дея Наманган уезидан «Туркистон» газетасига ёзмоқдалар (№265) ва ҳ.к.

Ушбу давлат аппаратини маҳаллий аҳолига яқинлаштириш бўйича совет амалиёти, ниҳоят, «Туркестанская Правда» саҳифаларида ўзининг аксини кўрсатди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Туркистон пойтахтида чоп этилаётган ушбу газета ўзи фақат шу йилнинг март ойидан бошлаб туркистонлик ўзбек ва қирғизларга бироз яқинлашиш қарорига келди ва уларнинг «давлат тилида» ёзилган «мақолалар, хабарлар ва бошқа»ларни қабул қилишга рози эканлигини сўраб олади.

«Туркестанская Правда» ходими, ўзи ҳам масъул ишчилардан бири, «ўзини овулдан Тошкентга келиб, шу ердан пахта экиш учун ссуда пулини қачон ва қандай қилиб олиш мумкинлигини сўраган деҳқон деб тасаввур қилган». Аввалроқ, ўзининг деҳқонга айланишидан олдин, у айтган эди: «Биз ҳозир милиция босими остида жуда қаттиқ ҳаракат қилиб, ўзбекча ёзувларни қў-

шиб, вивескаларни қайта ишлаганмиз». Ва ушбу вивескалар «марказий сар-тарошхона»ни безатганга ўхшаб қолган... Энди эса у деҳқон ўзбек бўлиб, бутун шаҳар бўйлаб ўзига керакли бўлган муассасаларни излаб юрибди. Кўчалар номлари русча. Ер билан ишлаш халқ комиссарлиги, Пахта қўмитаси, Сув бошқармаси каби, яъни маҳаллий аҳоли томонидан кўпроқ ташриф буюрадиган муассасаларнинг вивескалари фақат русча... Қайси эшикка киришни билмасдан у Пахта қўмитаси биносида кўп вақт сарсон-саргардон бўлиб юрган. Охири у битта эшикда икки рус ва ўзбек тилларида ёнма-ён ёзилган ёзувларни кўрган. Хурсанд бўлиб улар олдига югурди. Русча «Савдо бўлими» деб ёзилган, ўзбекча эса «Эшикни ёпиб юринглари!».

Хидиралиевга кўра, бу нарсани тушунтириш жуда осон: «мусулмон ёзув машинкалари» бўлмаган. Аҳоли эса бу ерда бошқа «машинка» айбдор деб ўйламоқда. «Амалий фаолиятга тайёргарлик кўриш мақсадларида, – «Ак Жол»да қирғизлар ёзадилар, – Сирдарё области судига 11 нафар маҳаллий аҳоли юборилган. Беш ойдан бери уларни битта жойдан бошқа жойга ҳайдашади. Улар ҳеч қандай фойдали нарсани ўзлаштиришга муяссар бўлмаптилар. «Гап уларни совет муассасаларига жойлашда эмас, – тушунтирмоқда қирғизларга «Ак Жол» тахририяти, – балки улардан раҳбар ва доҳийларни тайёрлашдадир».

Мутлақо ишониш мумкинки, вақти билан шундай амалиётчилардан сартарошхоналардаги мусулмон ёзувини совет ҳокимиятининг миллий сиёсати дастурини бажариш деб ўйлайдилар, ҳукумат муассаларидаги эшикларда «Эшикни ёпиб юринглари!» каби рамзий ёзувларни эса «мусулмон ёзув машинкаларининг йўқлиги» билан тушунтирадиган бўладилар.

Последние новости. – Париж, 1924 г. 30 июнь, №1307¹

Усмон Хўжаев, Усмон Хўжа (Усманхўжа Пўлатхўжаев) (1887 – 1968) – туркистонлик жадидлар, кейин ёш бухорочиларнинг йўлбошчиларидан бири.

1918 йилда Бухоро компартиясига қўшилган, унинг МК аъзоси бўлиб сайланган (1919). 1921 йилнинг август ойида БХСР советлари МИҚ раиси бўлиб сайланган, 1921 йилнинг декабрь ойида босмачиларга ўтган. Эмиграция қилиниб, Туркияда яшаган. Туркистон эмиграция етакчилардан бири.

Дутов, Александр Ильич Дутов (1879 – 1921) – оқ гвардия кўшинларининг қўмондонларидан бири. 1917 йилнинг ноябрь ойида Оренбургни эгаллаган, кейин Оренбург армиясини бошқарган.²

Рукнга кирмаган ҳолатларнинг баёни

¹ Кўрсатилган манба. – С.542 – 545.

² Кўрсатилган манба. – С.558.

Олинаётган стипендия ва ота-оналаримнинг ёрдами етмаслиги туфайли бир неча марта нарсаларни ломбардга гаровга қўйишга тўғри келган, умумий нархи олтмиш саккиз (68) рубль бўлган ушбу нарсалар ҳозирги вақтда ҳам шу ерда турибди.

Ўзим томонимдан олинган маблағнинг тўлови учун жамиятга кафолатлайдиган хужжатни топширишни зиммамга оламан.

Санкт-Петербург, 1912 йилнинг 30 январь куни

Имзо: М.Чокаев

21-сонли гувоҳнома	<p>Санкт-Петербург университети қошидаги Туркистон ватандошлар уюшмаси шуни гувоҳ қиладики, _____ - сонли саволлардан ташқари барча саволлар бўйича ватандошлар уюшмасида маълумотлар бор ва шу ерда баён этилган нарсалар ҳақиқатга тўғри келади.</p> <p>Санкт-Петербург, 1912 йилнинг 30 январь куни</p> <p>Бошқарма аъзолари:</p> <p>И.Кромолей</p>
	<p>Санкт-Петербургда ўқиётган туркистонликларни қўллаб-қувватлаш жамиятининг эксперт комиссияси ушбу илтимосномани кўриб, илтимос қилувчини рубль копейка (тийин) миқдориди қондириш қарорига келди.</p> <p>Санкт-Петербург¹</p>

1911 йил 2 октябрдаги Туркистонлик ватандошлар уюшма
бошқармасининг 19-сонли мажлиси

Қатнашадилар: Архангельский, Граменицкий, Егоров, Кислицина, Степанынц, Тамбовцев, Чокаев.

Кун тартиби:

1. Жорий ишлар.
2. Ўқув муассасаларидаги мажлислар.
3. Бошқарма делегатлари.

Егоровнинг рад қилиши туфайли котиб бўлиб М.Чокаев сайланган.

Кўқондан келган 240 рубль 50 копейка пул Петербург ватандошлар уюшмасига тегишлилиги ёки уларни бошқа шаҳарлардаги туркистонлик ватандошлар уюшмалари ўртасида бўлиб бериш кераклиги ҳали аниқланмаёт-

¹ Кўрсатилган манба. – С.582.

ганлиги туфайли Қўқондан келган пулларнинг москвалик ватандошлар уюшмаси томонидан қабул қилиниши тўғрисида Москвага телеграф орқали жавоб бериш илтимоси билан хат жўнатиш қарорига келинган. Жавоб ижобий бўлган ҳолда кассир шартли равишда қуйидаги ссудаларни берсин: Лебедевга – элик (50) рубль, Тепловага – ўн беш (15) рубль, А.Новиковга – йигирма (20) рубль, Чокаевга – йигирма (20) рубль, И.Кибардинга – йигирма беш (25) рубль, К.П.Соловьёвга – йигирма беш (25) рубль, А.Мишковга – йигирма беш (25) рубль, бошқарма ўзи оладиган пулни университетга тўлов қилиш билан (бундан ташқари, Мишковга тегишли шундай қарорга келиндики, Санкт-Петербург университети ректорига тўлов муддатини 15 октябргача узайтириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиб, тўлов ватандошлар уюшмаси томонидан қопланишига кафолат бериш).

Никифоровга – ўттиз (30) рубль.

Тамаркинга ссуда бериш рад этилсин.

Бестерчевский курсларида маърузаларни Кислицина ўқийди, ушбу маърузани эшитиб, сўнгра бошқарма жорий ишларга ўтади. Университетнинг кейинги (3.Х) умумий йиғилишига қўйидаги кун тартиби таклифи берилган:

а) бошқарма аризаси;

б) Низом комиссиясини сайлаш;

в) тафтиш комиссиясига сайлаш масаласи;

г) қўллаб-қувватлаш жамияти фойдасига тадбир ўтказиш.

Политехника йўналиши талабаси ватандошлар ташкилотини шакллантириш ва буни институт қошида расмийлаштириш таклифи берилган. Политехникларнинг мажлисида иштирок этиб ва бу ерда бошқарманинг аризасини ўқиб бериш учун бошқарма аъзоси А.Егоров хизмат сафарига юборилган. Низом комиссиясига ватандошлар уюшмасидан делегат қилиб бошқарма раиси Н.П.Архангельский сайланган.

«Қўллаб-қувватлаш жамияти»га ватандошлар уюшмасидан вакил бўлиб ўртоқ Н.Д.Граменицкий сайланган.

Раис: Н.Архангельский

Бошқарма аъзолари: А.Кислицина

Н.Граменицкий

Котиб: М.Чокаев¹

¹ Кўрсатилган манба. – С.583 – 585.

ТУРКИСТОНДАГИ МАКТАБЛАРДА

Москвада чиқадиган «Правда» (1937 йил 28.12.) газетаси арз қилмоқда: Туркистондаги мактабларда Тожикистон халқ таълими ташкилотларида кўп йил мобайнида ўтирган тожик халқининг душманлари тожик болаларининг буюк рус тили, рус маданияти билан танишишига йўл қўймаслик учун қўлидан келганча қаршилик қилдилар. Шунинг учун улар тожик мактабларида рус тили ва адабиёти ўқитилишини барбод қилишга уриндилар. Натижада нафақат бошланғич ёки тўлиқсиз ўрта мактабни битирган болалар кўп ҳолларда русча гапиришни билмайдилар ва тушунмайдилар, балки Тожикистонда ўрта ва олий маълумот олган кишилар ҳам мутлақо рус тилини ўзлаштира олмаганлар, яъни билимларини такомиллаштириш имконига эга бўлмасдан рус тилидаги илмий адабиётлардан фойдалана олмаяптилар.

Ушбу тожик халқига қарши «жиноят» учун «буржуа миллатчилари» «тозаланган», ҳатто отилган эдилар. Уларнинг ўрнига янги – ҳақиқий «Сталин одамлари»ни қўйишган. Уларнинг маориф халқ комиссари этиб Ниёзов тайинланган, унинг ўринбосари эса Салбиев. Энди нима бўлди? Ҳалиям, «Правда» арз қилгандек, маориф халқ комиссари тожик, ўзбек ва бошқа миллий мактабларда рус тили ўрганиш масаласи бўйича миллатчилик йўлидан кетмоқда. Ҳатто расмий маълумот бўйича, 40 га яқин тўлиқсиз ўрта мактаб ўқувчилари гўёки ўқитувчилар йўқлиги сабабли рус тилини ўрганмаяптилар. 4132 та миллий мактаблардан фақат 150 – 200 та мактабда ўқувчиларга рус тилига ўргатиляпти.

Лекин бу ҳам кам экан. «Правда» шу нарсани кўрсатяптики, республика мактабларида ўқитиш зарар келтирадиган ўқув режа бўйича амалга ошириляпти. Буржуа миллатчилари томонидан тузилган ушбу режа рус тилини ўрганишга 3-, 7-, 9- ва 10-синфларда олти кунлик ўқиш давомида фақат 2 соат, 4-, 5-, 6- ва 8-синфларда эса 3 соат қўйилган. Қишлоқ мактабларида ушбу оз соатлар сони ҳам қисқартирилган...

Тожик мактабларида ўқув режаларида рус адабиёти ўқитилиши мутлақ олдиндан инобатга олинмаган...

Тожик ва ўзбек мактаблари ўқувчиларида рус тили ва адабиётига бўлган қизиқиш жуда катта эканлигини айтсак, бу тожик халқи болаларига нисбатан муносабатнинг жинойлиги янада аниқроқ кўринади деб ёзмоқда «Правда».

Бундан ушбу мақолани ёзган «Правда» мухбири Верховский шахсан ўзи Қозоғистондаги барча болаларнинг олдига бориб, ҳар биттасидан уларнинг рус тили ва адабиётига бўлган муносабатини сўраган деб ўйлаш мумкин.

«Ёлғон гапир-у, лекин олиб қочма, ёлғончилик ҳам эвида-да» деган рус мақоли бор. Шундай даражада Туркистон мактабларида рус тилининг ўқи-тилиши учун курашаётган «Правда» мухбири Верховский жонажон рус мақо-лини ё унутган, ё билмайди.

«Правда» мухбири Туркистон болаларининг «буюк рус тили ва адабиёти» билан танишишини тўхтатадиган собиқ «буржуа миллатчилари – халқ душ-манлари»га ва «зарар келтирувчи ва миллатчилик йўлини олиб борадиган», янги «Сталин одамлари»га қарши чиққанлар тўғрисида баландпарвоз гап-ларни, керак пайтда қаҳр-ғазабини аямай ёритса-да, бошқа томонлар тўғри-сида ёзганда бу ҳолат кўзга ташланмайди.

Ундан эшитайлик:

Айтгандай, ўқувчилар тўғрисида гапирсак. Бошланғич мактаб ўқувчила-рида тожик тилида битта ҳам дарслик йўқ. Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар-нинг ўқувчилари учун геометрия, география, рус тили, тожик тили, ботани-ка, геология, анатомия, физика каби фанлардан дарсликлар йўқ.

Ва бундан кейин:

Тожикистон мактабларида керакли қўлланмалар йўқ. Ўрта мактаб ўқув-чилари физика ва кимёни жиҳозлар йўқлиги туфайли энг оддий тажриба-ларни ўтказишга имкон тополмасдан ўқишади.

Бундан кейин эса янада ёмонроқ ҳолат:

Ҳозир Туркистонда совуқ оби ҳаво ҳукмрон. Мактабларда ёқилғи йўқ. Ҳатто Сталинободда синф хоналари совуқ ва ҳеч ким бунга эътибор бер-маяпти. Қишлоқ мактабларида аҳвол бундан баттарроқ. Кўпгина мактаб-лар ўқитувчилар йўқлигидан ёпилган. Маҳаллий ташкилотлар партия ва ҳокимият қарорларини бузишяпти, ўқитувчиларга мумкин бўлмаган муно-сабатда бўлишмоқда. Масалан, Панжикент районида, бундан ташқари, Тоғ-ли Бадахшон мухтор областида ўқитувчилар ярим йиллик иш ҳақларини олмаган эканлар.

Туркистон болаларининг рус тилига бўлган «муҳаббати»ни ёзган «Прав-да» мухбири ушбу болалар дарсликсиз ўқишни, совуқ синф хоналарида ўтиришни севиши тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермаяпти. Қолаверса, москвалик большевиклар учун туркистонлик болалар учун она тилида ки-тоблар борми, мактаб бинолари мавжудми, синф хоналарида иситиш тизими борми, ўқитувчилар ойликни вақтида оладими барибир. Москвалик больше-виклар учун «туркистонлик болалар»нинг рус тили ва маданияти билан та-нишиши муҳимдир.

Шунингдек, ташқи томондан пролетариат ва ички мазмуни бўйича миллатчилик бўлган большевистик сиёсатнинг бутун маъноси шундан иборат.

Мустафо Чокаев и большевизм. Сборник статей / Сост. С.Ж.Сапанов.

– Алматы, 2000. – С.101 – 103.¹

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖА ВА АКМАЛ ИКРОМЛАР ҲАҚИҚАТДАН ҚИЗИЛ МОСКВАНИНГ ДУШМАНЛАРИ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИЛАР

«Ёш Туркистон»да чоп этилган Москвада бўлган «21 жараёни»да Файзулла Хўжа ва Акмалларнинг кўрсатмалари ва охириги сўзлари, бундан ташқари, ушбу иш бўйича бизнинг мақоламиз тўғрисида биз ўзимиз ватандошлардан бир неча хат олганмиз. Улар бизга мазкур мақоладаги сарлавҳада турган саволни бермоқдалар. Шу билан баъзи хатларда биздан сўрашадикки, ушбу туркистонлик большевикларнинг бошлиқларини Москва томонидан айблашга журналда шунча кўп жой бериш нима учун керак эди?

Ушбу саволлар жуда ҳам ўринли ва биз ватандош мухлисларимизнинг ватанида бўлаётган воқеаларга қизиқиши тўғрисида маълумот беради. Ва биз ҳар хил фараз ва тахминларга эътибор қаратмасдан, шу ерда ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Файзулла ва Акмалларнинг кўрсатмалари матнига эътибор қаратайлик (Ёш Туркистон. №101). Улар суд жараёнида ҳар хил мумкин бўлган ва бўлмаган «жиноятлар»ни зиммасига олганлигини эътибордан четдан қолдирамиз. Уларнинг Москва совет ҳокимиятига қарши «жинояти»даги энг асосийси – Сталин диктатурасига яширин адоватини оламиз. Бу нарса ҳақиқатга ўхшайдими? Ҳа, ҳақиқатга ўхшайди. Бўлиши мумкин.

Биз ўтган вақтлар учун Файзулла ва Акмалларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилмаймиз ва уларни туркистонлик миллатчилар сафига қўшмаймиз. Йўқ. Улар большевиклар, совет ҳокимияти хизматчилари бўлишган. Тарозининг бир палласига улар совет ҳокимиятига хизмат қилиб, мамлакатга келтирилган зарарини, иккинчи паллага уларнинг «зарари»дан келган «фойда»сини қўйсақ, шубҳасиз, ёмонлиги оғир босади. Лекин бу ҳолат ҳеч қандай шаклда бизни Файзулла ва Акмалнинг ҳамда бошқа юзлаб туркистонлик большевикларнинг совет ҳокимиятига қарши курашиш эҳтимолини, ҳатто яширин курашини яширишга мажбур қилолмайди. Аксинча, биз уларга қарши Москва томонидан қўйилган махфий зараркунандалиқда айбладан кенгроқ ва чуқурроқ фойдаланишимиз керак, чунки ушбу туркистонлик больше-

1 Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. XII томдик. X том. Алматы, 2012. – С.49 – 51.

виклар бошлиқларининг «махфий зараркунандалиги» халқимизнинг совет ҳокимиятига қарши очик ва мурасасиз адовати тўғрисида гувоҳлик беради.

Иккита ҳолатга эътибор беринг. Биринчидан, Файзулла ва Акмалларнинг советларга қарши фаолияти бошланиши хронологиясига. Файзулла ўзининг 1920 йилда махфий антисовет бўлганлигини айтмоқда. Маълумки, большевиклар (ҳозирда ўлиб кетган Фрунзе ва Куйбишевлар бошчилигида) ўша пайтда ёш бухороликларнинг бир қисмини рус Қизил Армияси штаби билан Бухорога бориш ва ёш бухороликлар номидан шаҳарни советлаштиришга рози бўлишга мажбур қилганлар. Ёш бухороликлар, албатта, собиқ амир ва унинг тузумига адоватлари бўлса-да, совет тузуми тарафдорлари бўлмаган. Рус найзалари таҳдиди остида ёш бухороликларни Бухорони советлаштиришга мажбурлаб большевиклар шу йўл билан уларни Бухородаги совет ёвузликлари учун жавобгар қилиб қўйганлар. Файзулла ҳам, ўша пайтда бирга бўлган ёш бухороликларнинг бошқа бошлиқлари ҳам ўзгаларнинг жиноятлари учун жавобгарлик ролига юракдан рози бўлишлари мумкин эмас эди. Усмонхўжа, Носир афанди ва бошқалар бошчилигида ёш бухороликларнинг бир қисми тез кунда, эсларингизда бўлса, советлар қаноти остидаги Бухоро ҳокимияти сафларидан чиқдилар. Қолган бир қисми жойида қолди. Қолганлар орасида Файзулла ҳам бўлган. Ва табиий равишда, ҳаттоки шубҳасиз у юракдан советлар Москвасига содиқ бўлиб қолиши мумкин эмас эди.

Акмал Икром айтганки, у 1928 йилдан бошлаб зараркунанда бўлган. 1928 йил – бу биринчи совет беш йиллигининг бошланишидир, ўша пайтда большевикларнинг ўзлари учун ҳам совет ҳокимиятининг ҳақиқий марказлаштирилган характери батамом маълум бўлган эди. Большевикларнинг атиги сўзда бўлса ҳам ҳисобга олиниши керак бўлган барча маҳаллий хусусиятлари энди ҳисобдан чиқарилган эди. Мажбуран коллективлаштириш, аҳолидан бутун чорвани тортиб олиш, пахта сиёсатидаги талончилик, очлик – булар ҳаммаси Акмал Икромовни, у қандай юқори даражали большевик бўлмасин, ўз халқининг тақдири тўғрисида ўйлашга, албатта, мажбурлаган.

Файзулла Хўжа ҳолатида бўлганидек, Акмалнинг ҳам советларга махфий душман бўлиш санаси ҳақиқатан ҳам у Москва диктатурасига қарши махфий душман бўлиши мумкин эканлигига бизни ишонишга мажбур қилади.

Биз эътибор қаратмоқчи бўлган иккинчи факт – бу Бухариннинг «21» жараёнидаги кўрсатмаларидир. Бухарин айбланганлар ичида ўзининг эски большевик ва ғоявий коммунист «пок номи»ни қатъий ҳимоя қилган ягона одамдир. У ўзининг Туркистондаги Акмал ва Файзуллалар билан бўлган учрашувларда партия ичида ҳамда ҳокимият сафларида Сталинга қарши курашни ташкил қилиш ҳақида суҳбатлар олиб борганлиги тўғрисида гапирган. Ушбу учрашувлардаги баъзи фикрларида фарқ бўлса-да, Бухарин, Файзулла

Хўжа ва Акмал Икромлар уларга тегишли деб ҳисобланган жиноятнинг энг асосийсида, яъни советларга қарши курашни ташкил этиш, айниқса, Туркистонни Совет Иттифоқидан ажратишга ички тайёргарлик кўришида деярли бир хил, ҳамфикр бўлганлар.

Файзулла Хўжа ва Акмал Икромлар ҳақиқатан қизил Москванинг душманлари бўлиши мумкин эдиларми деган саволга ижобий жавоб беришимиз учун ёрдам бераётган объектив маълумотлар шулардан иборатдир.

Ҳа, Файзулла Хўжа ва Акмал Икромлар юзлаб бошқа туркистонлик миллий большевикларга ўхшаб қизил Москва махфий душманлари бўлишлари мумкин эди ва бўлдилар.

Лекин ушбу нарса бизни улар совет ҳокимияти агентлари бўлган пайтларида қилган ишларидан кўз юмишга мажбур этолмайди. Такрорлаймиз, уларнинг совет ҳокимияти билан ҳамкорлиги сабабли Туркистонга етказган ёвузлиги шу ҳокимиятга улар келтирган зараркунандаликдан анча оғирроқдир.¹

АКМАЛ ИКРОМ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ

«21» жараёни ҳамон европалик жамоатчилик фикрини ўзига тортишда давом этмоқда. Биз томондан «Ёш Туркистон»нинг олдинги ва мазкур сонларида ёритилган немис ва инглиз сиёсий адабиётларида келтирилаётган маълумотлар шу ҳақда гувоҳлик беради. Айниқса, европалик жамоатчилик фикрини «21» жараёнида туркистонлик икки йирик жамоат вакили – Файзулла Хўжа ва Акмал Икромлар ўзига тортмоқда. Уларнинг судда берган кўрсатмалари СССРда миллий-озодлик кураши масаласини суд жараёнидаги муҳим масалага айлантирди. Файзулла Хўжа ва Акмалларнинг «21» жараёнида қатнашишга нисбатан бўлган ўзимизнинг нуқтаи назаримизни бир неча марта айтганмиз. Уларнинг махфий антисовет фаолияти тўғрисидаги кўрсатмаларида ҳақиқат борлигига бизда ҳеч қандай шубҳа йўқ. 1920 йил сентябрь ойи бошларидаги рус Қизил Армияси Бухорога юришининг фаол қатнашчиси бўлган Файзулла Хўжа жуда қисқа вақтдан кейин совет ҳомийлигидаги Бухоронинг рақибига айланяпти. Файзулла Хўжани 1922 йилда «советлашган» Бухорони тарк этган ва Анвар томонига ўтган ёш бухороликлар гуруҳидаги ўртоқларига қўшилишдан ва Қизил Армия ёрдами билан Бухоро амирини ағдаришдан фақат тасодиф ушлаб қолган.

Ўзининг Бухарин билан бирга бўлган махфий антисовет иши тўғрисида Файзулла Хўжа судда ўзи гапирган. Ва биз у айтган сўзларнинг кўпи ҳақи-

¹Кўrsa тилган манба. – С.106 – 109.

катга тўғри келишига ишонамиз. Ўзи йирик савдогар бўлиб, ёш бухороликлар миллий-тараққийпарварлик ҳаракатининг тузувчиларидан бири бўлган Файзулла Хўжа, албатта, юз ёки ҳатто элик фоизлик ҳам коммунист бўлмас эди. Лекин Файзулла Хўжа бир марта совет диктатураси ғилдираги остига тушиб, унинг тагидан чиқишни эплай олмаган. Бунга унда мардлик етишмаган.

Акмал Икром-чи? У бизнинг инқилобдан олдин бўлган миллий зиёлиларнинг сонига кирмаган, аммо ўша атмосферада ўсиб, ундан нафас олган. Унинг антисовет чиқишлари тўғрисида биз билмаганмиз. Партия съездларида у бир неча марта Файзулланинг «миллатчилик борасидаги четга чиқишлари»га қарши чиққан ва шу билан ўзи Туркистонда рус пролетариат диктатурасининг энг содиқ агенти деган умумий фикрни мустаҳкамлаган. Биз ўзимизга «бу нарса бўлиши мумкинми?» деган савол берганмиз. Ва фақат халқ билан ўзининг боғлиқлигини сезган, озгина бўлса ҳам миллий идеални таниган ва совет воқелигини тушунадиган туркистонлик рус пролетариат диктатураси билан мурасага келмайди деган фикрга асосланиб биз Акмалнинг ўз-ўзини фош этишликлари воқеликка тўғри келишига, яъни Акмал, ташқаридан қараганда, Москвага итоаткорлиги ва садоқатини намоён қилиб, ўз қалбида антисоветчи бўлиб қолган деган фикрга ишонч билдирганмиз. Акмалнинг қандайдир, Исмоил Саидваққос ўғли, Султонбек Хўжан ўғли ва бошқаларнинг чиқишларига ўхшаган антисовет чиқишлари тўғрисида биз билмаганмиз. Ва фақат Москвадаги жараёнда «Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон» ва бошқа Туркистон газеталари Акмалнинг Туркистондаги совет сиёсати тўғрисида Сталин билан қачондир бўлган баҳсига ишора қилганлар. Лекин газеталар Акмалнинг ўз нутқини келтирмаганлар. Миллий масала бўйича большевистик ҳужжатларни излаб биз охирида Акмалга нисбатан ушбу айбловларнинг манбаларини топдик. Бу шу йил ёзда француз тилида чоп этилган Сталиннинг «Марксизм ва миллий-колониал масала» номли нутқлар ва мақолалар тўпламидир. Акмал ҳақиқатан Туркистондаги совет колониал сиёсатига қарши чиққан экан. Бу воқеа 9-12.VI.1923 йилдаги «4-партия МҚ-нинг миллий республика ва областлар масъул ходимлари билан ўтказилган мажлиси» пайтида бўлган. Гап «XII партия съездининг миллий масала бўйича резолюцияни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар», хусусан, пантуркизм, панисломизм ва «босмачилик»ни қўллаб-қувватлашда айбланган «Султон Галиев иши» тўғрисида кетган. Ушбу мажлисда Сталин нутқи муҳокама қилинган. Сталин китобида сўзга чиққан нотиқлар ичида учта туркистонлик – Турор Рисқул ўғли, Султонбек Хўжан ўғли ва Акмал Икромлар тилга олинган. Турор тўғрисида Сталин «Султон Галиев билан «мафкуравий боғланган» деб ёзди, ушбу мажлисдаги Турор нутқи эса Сталинда «ёмон

таассурот» қолдирган. 1919 йил ёзларида Каспийнинг нариги томонидаги ҳамма туркий қисмларни Туркистон Туркия Республикаси байроғи остида бирлаштиришни талаб қилган резолюциянинг муаллифларидан бири Турор бўлганлигини унутиш мумкин эмас. Шунинг учун Турорга Султон Галиевнинг «пантуркистик четга чиқиш» йўлини рад қилиш жуда қийин бўлган.

Акмалнинг «антисталинизми» нимада ифодаланган? Буни Сталиннинг сўзлари билан баён қиламиз.

– Фикрим бўйича, ўртоқ Хўжанов яхши гапирган; ўртоқ Икромов ҳам ёмон айтмаган. Лекин мен ушбу ўртоқларнинг нутқларида ўйлашга олиб келадиган битта жойни қайд қилишга мажбурман. Улар иккови ҳозирги ва чоризм пайтидаги Туркистон орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат номланиши ўзгарган, Туркистон чоризм пайтидагидек қолган деб айтишган.

– Ўртоқлар, – давом этади Сталин, – агар бу нарса ўйламасдан айтилган гап бўлса, агар бу нарса ўйлаб айтилган нутқ бўлса ва агар бу онгли равишда айтилган бўлса, у ҳолда босмачилар ҳақ, биз эса ноҳақ деб айтишимиз лозим... Туркистон ҳақиқатда чоризм пайтидагидек мустамлака бўлса, ... бу нарса тўғри бўлса, сиз ўзингиз нима учун босмачилик сари кетмадингиз, мен тушунмаяпман... (208-бет).

Такрорлаймиз, биз Акмалнинг нутқини ўқимаганмиз. У ҳеч қаерда чоп этилмаган. Лекин Сталиннинг гувоҳлик беришича, у совет ҳокимиятини колониал (мустамлака) империализмда айбланиш сифатида таърифлаган.

Демак, 1923 йилда Акмал ҳам Султонбек ва Турорлардек совет колониал сиёсатига қарши чиққан. Ушбу йилларда, ҳали Ленин тирик бўлган пайтда большевиклар партиясида унинг ичидаги демократиянинг қандайдир қисми бўлган ва ички муҳитда «ўз-ўзини танқид қилиш» мумкин бўлган эди. Сталин ҳам, партия МҚ ҳам жавобгар шахслар учун ҳали дахлсиз, муқаддас бўлишмаганди. Уларни ўртоқларча танқид қилиш мумкин эди. Улар ўзлари ҳам «гуноҳлари»ни тан олишларини рад қилишмаган ва, асосийси, воқеликни инкор этиш, кўзга ташланадиган фактларни йўқ дейишга қарор қилишмаган. Сталин ҳам шундай қилди.

Лекин у, биринчидан, «МҚга ортиқча иш юкланган ва ҳар ерда улгуриш ҳолати мавжуд эмас», иккинчидан, «рус халқ маданияти паст» деб ўзини оқлаган. «Бу тўғрисида Ильич ҳар доим ҳайқирмоқда, – ўзини оқлашда давом этади Сталин, – бизда маданият йўқ, рус маданиятини икки-уч, ҳатто ўн йил ичида ҳам жиддий равишда кўтаришнинг иложи йўқ».

Ўша пайтдан кейин нима ўзгарди? «Партия ичидаги демократия ва танқид» истеъмолдан чиқди. Сталин гўё илоҳлаштирилди. «Интернационализм» ўрнини ошкора ваҳшиёна «буюк Россия шовинизми» эгаллаб олган. «Маданиятсиз рус халқи» дунёда энг маданиятли халқ даражасига кўтарилган ва

шу халқ буюклиги олдида ҳамма рус бўлмаган халқлар бўйсунити керак. Бунга мувофиқ совет ҳокимияти колониал сиёсати энг сўнгги чегарасигача олиб борилган. «Туркистон» сўзининг ўзи география луғатидан ўчирилган ва шу ном олган мамлакат бир қатор «қабилавий республикалар»га ажратилган.

Акмал 1923 йилда айтилган Туркистондаги совет сиёсатига нисбатан бўлган ўзининг нуқтаи назарини ўзгартириши мумкинмиди? Албатта, йўқ, чунки у Туркистондаги совет сиёсатининг янада ёмонроқ бўлган бир нарсага айланганлигини кўрган ёки хоҳлаб ё хоҳламай ўзи ҳам иштирокчиси бўлган эди. Аммо 1923 йилдагидек очиқ гапириш, бу колониал сиёсатни танқид қилиш мутлақо мумкин эмас эди. «Ўз-ўзини танқид қилиш» партия сиёсати ва фаолиятини танқид қилишдан жамоатчилик олдидаги танқид ва ўз-ўзини сўкишга айланган. Ҳокимият ва партия сиёсатидан норози бўлган одамлар учун ягона йўл қолган эди – бу конспирациядир. Акмал учун, Файзулла Хўжа ва кўпгина ўзининг туркистонлигини ёдда тутган, мамлакатининг яқин ёки узоқ бўлсин миллий ғоялари билан боғланган бошқа туркистонликлар учун конспирация йўли албатта ва шак-шубҳасиз антисовет миллатчилик, «национал-контрреволюция»га олиб боради.

Акмал ва Файзуллалар «иши»ни мана шундай тушунтириш мумкин.

Ҳатто Акмал ва Файзуллалардек қайсидир вақт ичида рус октябрь инқилобининг озод қилувчи ролига ишонган одамларни «миллий контрреволюция» ва сепаратизм лагерига ташлайдиган Москванинг империалистик сиёсатига қарши чиққан Туркистон миллий манфаатларини таъкидлаш учун биз яна шу саволга қайтиш керакли деб ҳисобладик.¹

ТУРКИСТОНЛИК КОММУНИСТ БИЛАН СУҲБАТ

(Бизнинг Боқудаги мухбиримиздан)

Шарқ халқлари съездига келган мусулмон делегатлари большевиклар айтганидек кайфиятда эмас.

Туркистонлик делегатлар ўзининг мамлакатларининг биринчи навбатда Шимолдан озод қилиниши зарурлиги тўғрисида айтмоқдалар. Улардан бири тахминан шундай деди: «Фақат ўзимиз «қизил Шимол»нинг колониал сиёсатидан озод бўлганимиздан кейин чет элдаги ака-укаларимизни европалик империалистлар зулмидан озод қилиш учун боришимиз мумкин. Большевиклар томонидан ваъда қилинган озодлик бўлгунча биз ҳаммамиз, балки, очликдан ўлиб кетармиз. Бизни пахта экишга мажбурламоқчи бўлмоқдалар,

¹ Кўрсатилган манба. – С.188 – 192.

бунинг оқибати албатта очликдан ўлишни келтириб чиқаради. Марказий Россия биздан олинган хомашё учун тўловни большевистик адабиёт ва чиройли сўзлар билан тўлаяпти».

Туркистондаги совет амалиётидан биз ўрганган ягона ижобий нарса – бу тўхтамасдан дадил интилишдир. Ва мен ишонаманки, бизнинг дадил қадамларимиз биринчи навбатда совет Россиясининг марказлаштириш сиёсатига қарши ва том маънода ўз тақдирини ўзи белгилаш ва Туркистон озодлиги томонига йўналтирилади. Биз узоқ вақт давомида қизил террор остида уйқуда бўлганмиз, оч қолиб, жим бўлганмиз. Ҳозир эса биз ҳам уйғонмоқдамиз.¹

¹Кўрсатилган манба. – С.189.



РОССИЯ XX ВЕК. ДОКУМЕНТЫ.
РЕАБИЛИТАЦИЯ: КАК ЭТО БЫЛО.
ДОКУМЕНТЫ ПРЕЗИДИУМА ЦК
КПСС И ДРУГИЕ МАТЕРИАЛЫ. Март
1953 – февраль 1956 / Составители:
А.Артизов, Ю.Сигачев, И.Шевчук,
В.Хлопов. – Москва, 2000.

СССР БОШ ПРОКУРОРИ Р.А.РУДЕНКОНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИГА С.АЗИМОВ ВА БОШҚАЛАРНИНГ ИШИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ЁЗГАН ХАТИ¹

1954 йил 19 ноябрь. КПСС МҚ

Аксилинқилобий жиноятларда айбланиб судланган шахсларга нисбатан жинойи ишларни қайта кўриб чиқиш бўйича 1954 йил 15 ноябрда Марказий Комиссия Ўзбекистон КП (б) Марказий Қўмитасининг собиқ котиби Сулаймон Азимов ва бошқаларнинг айблови бўйича жинойи ишни қайта кўриб чиқди ва жиноят далиллари йўқлиги сабабли иш тугатилди.



Роман Андреевич Руденко

Мазкур иш бўйича Азимовдан ташқари Ўзбекистон КП (б) Марказий Қўмитасининг тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғининг собиқ муовини Сотти Хусаинов, «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятининг собиқ раҳбари Тўхтасин Жалолов, шу газетанинг адабий ходими Юнус Латифов, «Муштум» журнали адабий ходими Ғафур Расулов, «Ёш куч» журнали таҳририяти котиби Омил Одилов, ўрта мактаб ўқув бўлими мудирини Обид Ҳошимов, шунингдек, «Тароқчи» (ёки «Даракчи») артели ошпази Соли Иминовлар ҳам ҳибсга олинган эди.

Аксилинқилобий жиноятларни содир этганликда айбланган С.Азимов ва бошқаларга нисбатан далиллар умуман бўлмагани ҳолда 1941 йилда Ўзбекистон ССР ички ишлар собиқ халқ комиссари Амаяк Қобулов томонидан жинойи иш кўзғатилганлиги аниқланди.

А.Қобулов ҳибсга олинган шахсларга нисбатан калтаклаш ва қийноқ усулларини қўллаганидан сўнг



Сулаймон Азимовнинг Ўзбекистон ССР НКВД училиги томонидан тергов қилинаётган вақтда олинган сурати

¹ Хатнинг биринчи варағига резолюция «За. Н.Хрушев» ҳамда белгилар «Разослать членам Президиума ЦК КПСС (указание тов Хрущева). В.Малинин. 29.XI.54» ва «Архив. В. Чернуха. 8. XII.54» қўйилган – Тузувчилар.

айбланувчи Жалолов гўёки Ўзбекистон КП (б) Марказий Қўмитаси котиби Азимов томонидан тузилган миллатчи исёнчи ташкилотга аъзо бўлгани ва унинг буйруғи бўйича Иминов ва Ҳошимовларни ушбу ташкилотга жалб қилгани ҳақида гувоҳлик берди.

Аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлган ҳолатлар ҳақида Жалоловнинг гувоҳлик беришича, гўёки 1940 йилнинг февраль ва июнь ойларида Азимов билан учрашган пайтларида унинг акселинқилобий фаолияти ҳақида билиб олган.

Бундан ташқари, Тўхтасин Жалоловнинг гувоҳлик беришича, 1941 йилнинг сентябрида шаҳарда айланиб юриб тасодифан Азимовнинг хонадонига бориб қолган, ўша пайтда профессор Қори-Ниёзов (ўшанда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси муовини, ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти) ва Йўлдошев (Тошкент вилояти партия қўмитасининг собиқ котиби)лар иштирокида «антисовет йиғини» бўлаётган эди.



Андижон фарзанди, ёзувчи, шоир Тўхтасин Жалолов



Тўхтасин Жалолов андижонлик бир гуруҳ зиёлилар даврасида.

Ўтирганлар, чапдан ўнгга: Ўзбекистон халқ артисти Қосимжон Охунов, таниқли шоир Омонилло Валихонов, Тўхтасин Жалолов, Андижон давлат педагогика институти ректори, профессор Ғанижон Абдуллаев, Андижон шаҳар ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Аҳмадрафиқ Қамбаров (унинг отаси ҳам 1937 – 1938 йилларда қатағон қилинган, ҳозиргача дом-дараксиз). Тик турганлар, чапдан ўнгга: астроном олим Абдулхай Қодиров, тарихчи, доцент Сайфиддин Жалилов, Ўзбекистон халқ ҳофиси Фаттоҳхон Мамадалиев, Андижон театрида узоқ йиллар фаолият кўрсатган иқтидорли артист Маҳмуджон Қодиров, тадбиркор Рафиқжон Умаров, АДПИ доценти Рустамбек Шамсутдинов, шаҳрихонлик тадбиркор Турғунбой Иброҳимов. 1976 йил

Азимов гўёки Жалоловни тингловчиларга «ўзимизнинг одам» деб таништирган, шундан сўнг улар антисовет ҳаракатини фаоллаштириш усулларини муҳокама қилишга киришган.

Жалолов кўрсатмаларининг асосизлиги аниқ эди, чунки у 1940 йилда Тошкентда Азимов билан аксилинқилобий суҳбатлар ўтказмаган, сабаби, автоҳалокатга учраб оғир жароҳат олган Азимов Сочи шаҳрида даволанаётган эди. Жиноий усуллар билан олинган ушбу тергов кўрсатмалари Азимов ва бошқаларни ҳибсга олиш ҳамда уларга нисбатан репрессиялар қўллаш учун баҳона бўлиб хизмат қилди.

Ҳибсга олинганларни калтаклашда шахсан иштирок этган А.Қобулов уларни аксилинқилобий жиноятларни тан олишга мажбур қилди, шундан сўнг иш СССР НКВД ҳузуридаги махсус йиғилишга юборилди.

Ишни тергов қилиш қонунни қўпол равишда бузган ҳолда олиб борилди. Шундай қилиб, иш бўйича айблов хулосаси 1942 йил 24 июнда тузилган ва тергов якуни айбланувчиларга фақат 1942 йил 1 – 2 июлда эълон қилинган.

1942 йил 11 – 12 август кунлари мазкур ҳибсга олинганларга ҳеч қандай асосиз совет ҳокимиятига қарши қуроли исён тайёрлашда қўшимча айблов эълон қилинди.

1942 йил 12 августда, яъни Тошкентда ҳибсга олинганларга нисбатан бу туҳматли қўшимча айблов эълон қилинган кун мазкур иш юзасидан Москвада махсус йиғилиш ўтказилди. Унга кўра, Ҳусаинов ва Латифовлар ўлим жазоси – отувга, Азимов ва Жалоловларнинг ҳар бири 10 йиллик қамоқ жазосига, қолганлари эса турли муддатларга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган.



Сотти Ҳусаинов

Бу қарор асосида Ҳусаинов ва Латифовлар отиб ташланди; айбланувчи Расулов лагерда эканлигида вафот этди, қолган айбланувчилар эса ўз жазоларини ўтаб бўлгач сургунга жўнатилди.

Аксилинқилобий жиноятларда айбланган шахсларга нисбатан жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича Марказий комиссия томонидан Ҳусаинов, Латифов ва Расуловлар ўлиmidан кейин реабилитация қилинди, қолган маҳкумларни сургундан озод қилиш тўғрисида буйруқ берилди.

Мазкур ишни сохталаштиришда асосий айбдор бўлган халқ душмани А.Қобулов ушбу хоинлик фаолияти учун СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан олий жазо – отувга ҳукм қилинди.¹

СССР Бош прокурори Р.Руденко²

¹ Ака-ука Қобуловларнинг кичиги А.З.Қобулов 1953 йил июнь ойида ҳибсга олинган. 1953 йил декабрь ойида СССР Олий судининг махсус судлови иштирокида Л.П.Бериянинг яқин ходимлари қаторида судланган акаси Богданнинг отувидан кейин ун ой ўтгач, 1954 йил октябрь ойида олий жазога ҳукм қилинган.

² Реабилитация: как это было. Документы Президиума ЦК КПСС и другие материалы. В 3-х томах. Том 1. Март 1953 – февраль 1956 / Сост. Артизов А.Н., Сигачев Ю.В., Хлопов В.Г., Шевчук И.Н. – Москва: МФД, 2000. – С.180 – 181.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котиби, қатағон қурбони, ГУЛАГ лагерларида маҳбуслик азобини тортган Сулаймон Азимовнинг хотираларидан кичик бир лавҳа:

«Сибирдаги саргардонлик йилларим бир ҳамюртим билан учрашиб қолдим. Йиғлаб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Мен унинг ҳам ўзимга ўхшаб айбсиз бадарға бўлганлардан бири эканлигини сезиб турсам ҳам, сўрадим:

- Сизни нега қамадилар, биродар?
- Сулаймон Азимовнинг «думи»сан деб!
- Кимнинг-кимнинг?
- Айтдим-ку, Азимовнинг...

Анчадан кейин бироз ўзимга келиб, секин бориб, елкасидан қучдим:

- Уни танийсизми?
- Йўқ, кўрмаганман...
- Унда келинг, танишволайлик, – дедим. – Менман ўша сиз айтган одам!...»

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг «Қора қуёш» достонидан кичик бир парча:

*Ўттиз еттинчи йил кашфи сизга мана –
Эркаларга алоҳида қамоқхона,
Аёлларга алоҳида қамоқхона,
Болаларга алоҳида қамоқхона...*

*Ўттиз еттинчи йил кашфи булар бари –
Кўринмасу даҳшат солиб шарпалари,
Келса – яқин келмай, кетса – кетмай нари,
Изғиб юрар Лаврентийнинг лайчалари.*

*Бу ўлкада энди норғул йигитлар йўқ,
Бойқушлар бор, калхатлар бор – бургутлар йўқ,
Не-не Сулаймонлар, Абдулҳамидлар йўқ,
Қайтармикин?
Қайтмоғига умидлар йўқ...*

*Бедарак йўқолди қанча одам, эсиз,
Сўроқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Қийноқларда ўлди қанча одам, эсиз,
Сиртмоқларда қолди қанча одам, эсиз...¹*



Муҳаммад Юсуф

¹ <https://kh-davron.uz/yangiliklar/tarixiy-sana/muhammad-yusuf-qora-quyosh-doston.html>

Сулаймон Азимов ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ушбу тарихий расмлар Тошкентдаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи фондидан олинди



А. ИКРОМОВНИНГ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ БЎЙИЧА Р.А.РУДЕНКО ВА И.А.СЕРОВЛАРНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИГА РАСМИЙ МАЪЛУМОТИ

1957 йил 8 май

КПСС Марказий Қўмитаси

Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасининг Ўзбекистон КП (б) Марказий Қўмитасининг собиқ биринчи котиби Икромов Акмалнинг реабилитация қилиниши талаби бўйича унинг иши СССР прокуратураси томонидан текшириб чиқилди.

Текширув жараёнида Икромов Акмал Н.И.Бухарин, А.И.Риков ва бошқалар билан бирга совет «ўнг (реакцион) троцкийчилар блоки» иши бўйича 1938 йил 2 – 13 март кунлари РСФСР Жиноят кодексининг 58-1а-, 58-7-, 58-8- ва 58-11-моддаларига асосан СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан отувга ҳукм қилинган деб белгиланган.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг чиқарган ҳукмида Икромов совет ҳукуматининг ашаддий душмани бўлгани таъкидланади. У 1932 – 1933 йилларда совет ҳокимиятига қарши бўлган «ўнг (реакцион) троцкийчилар блоки»га қўшилди, чет эл разведкачилари билан алоқани сақлаган ва Бухарин топшириғига биноан Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўпоровчилик ва зиён келтирувчи ишларни амалга оширган; у исёнчи кадрларни тайёрлаш ва террорчилик фаолияти билан шуғулланган.

Икромов бу жиноятларни содир этишда ўз айбини тўлиқ тан олди. Бундан ташқари, у Бухарин, Риков, Антипов, Румянцев, Болтабоев ва бошқаларнинг кўрсатмалари билан фош этилган.

Ҳозирги пайтда Икромовнинг советларга қарши фаолияти ҳақидаги дастлабки тергов ва судда берган кўрсатмалари ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган.

Масалан, Икромов Ўзбекистон ССР НКВД, СССР прокурори ва СССР НКВДда бир неча марта бўлган сўроқлар пайтида 1935 йилда Антипов орқали ўнглар (консерваторлар) билан аксилинқилобий алоқа ўрнатганлиги, ундан Ўзбекистонда аксилинқилобий фаолиятни йўлга қўйиш ҳақида барча кўрсатмаларни олганлиги тўғрисида гувоҳлик берган. Тергов тугаган куни Икромов бу гапларни ўзгартириб, 1933 йилда Бухарин орқали ўнглар билан алоқа



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Қўмитаси биринчи
коти би Акмал Икромов

ўрнатганини, бироқ Антипов бошчилигида Ўзбекистонда аксилинқилобий ишларни амалга оширганини билдирган.

Икромовнинг бу кўрсатмалари ёлғондир, чунки Антипов ҳеч қачон ўнгаларнинг советларга қарши ташкилотида бўлмаган ва аксилинқилобий фаолияти учун асоссиз ҳукм қилинган, шунинг учун у кейинчалик 1956 йилда реабилитация қилинган.

Икромовнинг аксилинқилобий фаолиятда Лобов, Кодацкий, Михайлов ва Шадунец билан алоқадорлиги ва Болтабоев, Каримов, Рамзи, Болтаев, Исломов Р., Исломов А., Усмонов, Хасанов ва бошқалар орқали Ўзбекистонда душманлик ишларини олиб борганлиги ҳақидаги гувоҳлиги ҳам эътиборга лойиқ эмас.

Пухта текширув йўли орқали белгиланганидек, Лобов, Кодацкий, Михайлов, Шадунец, Болтабоев, Исломов Р., Исломов А., Усмонов ва Ҳасановлар сохталаштирилган материаллар бўйича асоссиз судланиб, ҳозирги кунда тўлиқ реабилитация қилинган.

Каримов ва Рамзи суд жараёнида аксилинқилобий фаолиятда ўз айбини тан олмаган ва Икромовнинг гувоҳлиги ҳам тасдиқланмаган.

Бухарин ва Риковларнинг Икромовнинг аксилинқилобий фаолияти ҳақидаги гувоҳликлари ишончли эмас, чунки улар Антипов, Лобов, Кодацкий, Кабаков, Разумов, Рудзутак ва бошқаларни «ўнг троцкийчиларнинг блоки» аъзолари деб атайдилар. Текширув жараёнида бу шахслар «ўнг троцкийчилар блоки»да иштирок этганликлари учун ноқонуний равишда судланганликлари ҳам аниқланган.

Икромовни хорижий разведка хизматлари билан ҳамкорлиги бўйича айбланиши маҳқум ўзининг айбсизлигини исботлай олмаганлиги, гувоҳлик кўрсатолмаганлигига асосланади. СССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлик қўмитасида ва СССР Ички ишлар вазирлигининг Марказий давлат махсус архивида Икромовнинг чет эл разведка хизматлари билан ҳамкорлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Икромовга нисбатан Ўзбекистон хўжалик фаолиятида рўй берган айрим камчиликлар тўғрисидаги ҳисоботларни ўз ичига олган турли ҳужжатларнинг нусхалари ҳам мавжуд, аммо улар ишда далил бўлиб хизмат қила олмайди, чунки уларда шахсан Икромовнинг советларга қарши жиноий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда СССР прокуратураси ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик қўмитаси 1938 йил 2 – 13 март кунлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси ҳукмини бекор қилиш учун СССР Олий судига протест билан кириш ва 1938 йил Икромов Акмалга

нисбатан жиноят далиллари йўқлиги учун иш тугатилиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Сизнинг кўрсатмаларингизни сўраймиз.¹

СССР бош прокурори

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги

Давлат хавфсизлик қўмитаси раиси

Р.Руденко

И.Серов²

¹ КПСС МҚ Президиуми 1957 йил 23 май куни (95-сонли баённомаси, 23-банди) «СССР бош прокурори ва СССР Министрлар Совети қошидаги Давлат хавфсизлик қўмитаси раисларининг 1957 йил 18 май кундаги 39лс-сонли расмий маълумотномада баён этилган таклифи қабул қилинсин» деган қарорни қабул қилди (РФ ПА, 3-фонди, 24-рўйхат, 444-иш, 52-бет).

² Россия. XX век. Документы. Реабилитация: как это было. Февраль 1956 – начало 80-х годов. – Москва, 2003. – С.271 – 272.

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ 30 ЁШДА.....	3
Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы.....	47
«Совершенно секретно»: Любянка – Сталину о положение в стране (1922 – 1934 гг.) 1 – 8 том.....	120
Любянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД 1937 – 1938. Документы.....	249
История Сталинского ГУЛАГА. Карательная система: структура и кадры.....	256
Покаяние: хранить мартиролог вечно. Том 8. Часть 2.	288
История сталинского ГУЛАГа. Массовые репрессии в СССР.....	294
Мустафа Шоқай. Шығармаларының толық жинағы. XII томдик. II том ва X том.....	301

Изоҳ ва қайдлар учун

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ХОРИЖИЙ МАНБАЛАРДА

Мухаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусахҳиҳ: Маҳфуза ИМОМОВА



07.08.2020 йилдаги
№ 5819-395f-2d45-bf28-b066-4087-5213
рақамли тасдиқнома.
Теришга берилди: 05.09.2021 й.
Босишга рухсат этилди: 28.09.2021 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108 ¹/₁₆'
Ҳисоб-нашриёт т.: 33,4. Шартли б.т.: 37,8.
Адади 500 дона.
Буюртма № 106

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.
Тошкент шаҳри Сўгалли ота 5-уй.

Тел.: (+99899) 433-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz